


*Малик МУРОДОВ  
Абдуолим ЭРГАШЕВ*

# **А**ЛПОМИШНОМА

*Иккинчи китоб*

**ҚАШҚАДАРЁ ТАЛҚИНИ**



*Тошкент – “Меҳнат” – 2000*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «АЛПОМИШ» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги тўғрисида»ги қарорида мазкур дoston аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутуши, у мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониш, миллий гурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланганлиги алоҳида эътироф этилади**

Хукумат қарорига биноан «Алпомишнома»нинг 5 китобини, «Алпомиш» дostonига кирган бир қур анъанавий дostonларни, фольклоршуносларнинг Жанубий Ўзбекистон маънавий-маърифий ва қадимий қадриятларининг долзарб муаммоларига бағишланган кўп жилдли сайланма асарларини саховатпеша ҳомийларнинг беғараз кўмагида чоп этиш мўлжалланмоқда.

## **I. «АЛПОМИШНОМА» ТУРКУМИГА КИРГАН КИТОБЛАР**

*Биринчи китоб.* СУРХОНДАРЁ ТАЛҚИНИ

*Иккинчи китоб.* ҚАШҚАДАРЁ ТАЛҚИНИ

*Учинчи китоб.* САМАРҚАНД ТАЛҚИНИ

*Тўртинчи китоб.* ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ВА БУХОРО ТАЛҚИНИ

*Бешинчи китоб.* ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАЛҚИНИ

## **II. «АЛПОМИШ» ТУРКУМИГА КИРГАН ДОСТОНЛАР**

— «Алпомиш» (Қора бахши Умир ўғли, Абдуназар бахши Поён ўғли)

— «Бева Барчин ёхуд Барчин Бека» (Қахҳор бахши Қодир ўғли)

— «Ёдгорнинг туғилиши» (Чори бахши Умир ўғли)

— «Ёдгорнинг уйланиши» (Чори бахши Умир ўғли ва Қахҳор бахши Қодир ўғли)

— «Шомурод» (Чори бахши Умир ўғли)

— «Худоёр» (Қора бахши ва Чори бахши Умир ўғиллари)

## **III. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ**

А.ҚАХҲОРОВ. «Бахши шоирлар»

Ч.ҲАМРО. «Танланган асарлар»

А.ЭРГАШЕВ. «Бахшичилик маҳорати»

М.МУРОДОВ, Н.ҲАКИМОВ ва б. «Ўзбек қадриятлари»

Б.ҚОДИРОВ, М.МУРОДОВ. «Ўзбек халқ педагогикаси»

Муродов М., Эргашев А.

**Алпомишнома: Қашқадарё талқини. К.2//** Масъул муҳаррир Н.Ҳақимов/.—Т.:Меҳнат,2000.—568 б.

Халқ оғзаки ижодининг шоҳ асарларидан бири ҳисобланган «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланмоқда. Юртимизда ҳам қадимдан зўр иштиёқ билан айтиб келинаётган дostonнинг шонли юбилейига катта тайёргарлик кўрилган. Ушбу китоб дostonнинг Қашқадарё талқинига бағишланган. Муаллифлар кўп йиллик кузатишлари ва изланишлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дostonнинг катта тўйи тўғрисидаги тарихий, истиқболга мўлжалланган қарорига жавобан ташкил этган «Алпомиш изидан» халқаро мунтазам илмий экспедициясида қўлга киритилган кўпдан-кўп тамомила янги, оригинал манбалар орқали дostonни халқимиз томонидан асрлар мобайнида катта хурмат билан қуйлаб келинаётганини қаламга олишган. Шунингдек, китобда дostonни қуйловчи бахшилар ҳақида ҳикоя қилинган.

*Масъул муҳаррир:* Назар ҲАКИМОВ — фалсафа фанлари доктори, профессор

*Муҳаррир:* Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

М  $\frac{4702620202 - 26}{M359(04) - 99}$  22 – 99

ISBN 5-8244-1376-2

© «МЕХНАТ» нашриёти, 2000 й.

## «АЛПОМИШ» — МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚОМУСИ

### (МУҚАДДИМА ЎРНИДА)

*Биз «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлашга қарор қилдик. Бироқ, балки икки ярим минг йиллигини нишонласак, бу ҳам ҳар томонлама асосли бўлади ва бунинг тагида, албатта катта-катта маъно ва ҳақиқат бор*

*Ислом КАРИМОВ*

Доно халқимизнинг буюк меросларидан бири — «Алпомиш» достонининг катта тўйини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳукуратимиз, шахсан Президентимиз И.А.Каримовнинг қадриятларимиз қадри борасидаги буюк ғамхўрликларидан биридир. Бу — Истиқлолимиз туфайли амалга оширилаётган маънавий-маданий, маърифий-мафкуравий буюк келажагимизга қаратилган, фарзандларимизни ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб тарбиялашга мўлжалланган залворли қадамлардандир.

Дарҳақиқат, «Алпомиш» достони қон-қардош туркий халқлар, шу жумладан унинг катта бир бўлаги — ўзбеклар орасида қадим-қадим замонларда халқ донолигию бахши-шоирлар зукколиги, катта талант-истеъдодлари туфайли яратилган. Айни чоғда ушбу достон асрлар давомида авлод-аждодлар, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавияти, маданияти, ахлоқ-одоби, чунончи, улардаги Ватан, миллат туйғуларини ўстириш, шунингдек, дўст-биродарлик, орият, мардлик, баҳодирлик, паҳлавонлик, қатъиятлилик хислат-фазилатларини шакллантириш ва камолга етказишда муҳим эҳсон, муҳим тарбия воситаси бўлиб келганлиги кўҳна тарихимиздан аён.

«Алпомиш» — Вазирлар Маҳкамаси тарихий қарорида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ота-боболаримиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги, жаҳон халқ-

лари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутувчи, мустақил ривожланишимиз даврида миллатимиз бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур, миллий виждон ва ўз-ўзини англаш рамзидир. Зеро, ушбу дoston яратилганлигининг катта тўйини халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлиги ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши бежиз эмас, албатта.

Кенг қамровли, маъно-мазмунли чуқур, мақсад-вазифалари аниқ бўлган мазкур қарор қашқадарёликлар учун айниқса қадрлидир. Дарвоқе, Жанубий Ўзбекистон, шу жумладан ҚАШҚАДАРЁ, МАЪЛУМ МАЪНОДА АЙТГАНДА, АЛПОМИШ ВА АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ ВАТАНИДИР.

Аввало, ўзбек халқи яратилган қадимий қаҳрамонлик, ишқий-романтик ва тарихий дostonларнинг яратувчилари ва куйловчилари, яъни ижодкор-ижрочиларининг кўпчилиги шу воҳа — яъни Қашқадарёда етишиб чиққан. Жуда қадимдан бошланган ана шу — энг қийин, энг мураккаб, қамровли кенг бахшичилик ва дostonчилик санъати анъанасининг бизнинг кунларимизда муваффақият билан давом этаётганлиги ҳам тасодифий ҳол эмас.

Мамлакатимиз, шу жумладан Қашқадарё воҳасида истиқлол шабадаси эса бошлагач, ҳозирги вақтда дунёда яшаб қолган ва ноёб ҳисобланган халқ дostonчилиги ва бахшичилиги санъати жонли анъаналарда тобора бўй кўрсатмоқда...

Қашқадарёлик халқ бахшилари поэтик мактаблари ва уларга бирлашган беқиёс истеъдод соҳиблари бўлмиш ижодкор ва ижрочи бахшларининг дунё тан олиши, бу воҳа дostonчилари деҳқонободлик марҳум Қодир бахши Раҳим ўғли, унинг фарзанд-шогирди Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, шунингдек, чироқчилик Азим шоир, камашилик Ҳазратқул бахши Худойберди ўғли каби бахши-шоирларнинг овозлари Туркия, Америка, Россия, Франция, Тоғли Олтой, Ҳиндистон, Мўғилистон ва бошқа хорижий мамлакатларгача етиб бориши ва дostonсеварлар қалбини забт этиши, улардан баъзиларининг ўзга ўлкаларда бўлиб, халқаро анжуманларда иштирок этишлари, халқ дostonлари ва

муסיқаси шинавандаларини лол қолдиришлари ҳақиқатан ҳам қувонарли, қалбларни тўлқинлантирувчи, ларзага солувчи, ифтихор туйғусига тўлдирувчи воқеа-фактлардир.

Дарвоқе, замини ҳосилдор, ер ости бойликлари беҳисоб, табиати гўзал, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси хилма-хил, асосийси, одамлари меҳнаткаш, танги ва фидойи Қашқадарё қанчалик кўҳна тарихга эга бўлса, унинг оғзаки поэтик ижоди, хусусан, дostonчилиги ҳам шу қадар бой, қадимий ва азалийдир. Воҳа аҳолиси дилидаги қувонч туйғуларини, орзу-умидларини, ўй-кечинмаларини дostonларда куйлаган. «Алпомиш», «Рустам», «Гўрўёли», «Аваз» сингари дostonларни яратган халқ, тинглаган аждодларимиз улар каби алп, жасур, мард, ор-номусли, элпарвар ва юртсевар, ахлоқий баркамол бўлишга интиланган ва ўз авлодларини шу руҳда тарбиялаганлар. Анъанага изчил риоя қилиш, фарзандларнинг оталар ишига садоқати, маънавият, маданият ва санъатдаги давомийликни сақлаб қолиши ҳозирги кунларда ҳам қашқадарёлик бахши-шоирларнинг дostonлар куйлашига, янгиларини яратишига, кўплаб дostonхонлик давраларининг ташкил этилишига имкон яратаётир. Фольклоршунос олимларимиз Ҳоди Зарифов, Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаҳҳоров ва бошқалар вилоятда Қамай, Чирокчи дostonчилик мактаблари бўлгани, бахши-шоирларимиз амирликлар, бекликлар, тўраликлар ҳузурида ҳам куйлаб катта ҳурмат-эътибор қозонганликларини эътироф этишади. Шу кунларда ҳам Қашқадарёда бахши-шоирлик анъанаси давом этиб келаётир.

— Ёдимда, вилоятда ўтказиладиган йирик анжуманларда ўша вақтда вилоят раҳбари Қодир бахшини чакиртириб келтирар, бахши эса созини сайратиб, ширадор овози билан дилларни яйратиб янги-янги термалар тўкир, дostonлардан парчалар айтарди, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ҳокими. — Бугунги кунда юртбошимиз И.А.Каримов ифтихоримиз, ор-номусимиз, қадриятларимиз, юксак руҳиятимиз дostonи бўлган «Алпомиш» юбилейини ўтказиш ҳақидаги тарихий қарорга имзо чекиб, бахши-шоирларга ғамхўрликнинг, халқ ижодига, хусусан, дostonларга бўлган муҳаббатнинг, раҳнамоликнинг юксак намунасини кўрсатди. Бир дoston мисолида халқнинг бадий ижодини авайлаб-асраш, унинг яратувчилари, ижодкорлари, ижро-

чиларига ҳамиша эътиборда бўлиш, ғамхўрлик қилиш зарурлигини ёдимизга солиб қўйди. Мен бирон мамлакатда юрт раҳбари ўз халқининг эпоси ҳақида бундай қарор қабул қилганлигини эслай олмайман. Шу тарихий ҳужжат бойс мустабид тузум туфайли юзага келган кемтик маънавиятимизни бутлашга, ўзбекона ориятимизни тиклашга, маърифатимизни юксалтиришга, руҳиятимизни поклашга киришдик. Мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, ташкилотлар ва хўжаликларда, ҳатто боғчаларда «Алпомиш» ўрганилмоқда, алпомишхонликлар ташкил этилмоқда. Жажжи фарзандларимиз ҳам Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Қоражон ва бошқа эпик қаҳрамонларга ҳавас билан, ҳайрат билан муносабатда бўлиб, улардаги гўзал инсоний фазилатларни ўзида шакллантиришга интилмоқдалар.

«Алпомиш» достони ёш авлодни мардлик, жасурлик, орият, юксак ахлоқ, пок муҳаббат, муҳаббатга садоқат, диёнат, имон-эътиқод, меҳнатга иштиёқ, юртсеварлик, халқларварлик, оилага, Ватанга фидойилик руҳида тарбиялайди. Биз бунга у ҳақда қарор қабул қилингандан сўнг ўтган бир ярим йиллик муддатда кўрдик, ҳис этдик.

Шу орада вилоятда ўтказилган учрашувлар, адабий кечалар, конференциялар, алпомишхонликлар, баҳс-мунозаралар, кўрик-танловларни айтиб улгуриб ҳам, санаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди. Аммо шулардан Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Мирзо Улуғбек жамғармаси ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ташкил этган «Ёш бахши-шоирлар» 1-кўрик танлови ва унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган 41 нафар ёш бахши-шоирлар, жировлар, кўрик-танлови, Қарши давлат университетида ўтказилган илмий-назарий конференция ва «Алпомиш кураши» мусобақасини, қарши педагогика билим юртидаги «Алпомиш авлодларимиз» мавзуидаги баҳс ва полвонлар даврасини, Китоб шаҳрида «Алпомиш» достонининг улуғ куйчиси Абдулла шоир Нурали ўғлининг 125 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Алпомиш — куйчилари» кўрик танловини, Деҳқонободда бўлган «Деҳқонобод ва Бойсун алпомишхонлари» баҳсини таъкидламай бўлмайди. Энг характерли жиҳатлари шундаки, бу тадбирларда махсус таклиф қилинмаса ҳам барча туман-



лардан вакиллар қатнашди. Эшитганлар оқиб келаверди. Биргина Қарши Давлат университетиде ўтказилган тадбирнинг «Алпомиш кураши» танлови қисмида полвонларга бир миллион сўмдан ортиқ соврун (зот) берилди. Бунинг асосий қисмини ўша меҳмонлар, курашни мардлик, жасорат, орият деб билганлар кўтаришди. Йўқса, тадбир университети талабалари доирасида белгиланган эди. Жисмоний тарбия факультети декани, афғон уруши азобларини тортган Наим Жўраевнинг талабалар кучини синаш тадбири — ўзбек кураши вилоят полвонлари баҳсига айланиб кетди...

Вилоят ҳокимлиги халқимизнинг ранго-ранг бадиий ижодини яна ривожлантириш, уларни ХХІ асрга олиб ўтиш, авлодларни бу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд қилиш чора-тадбирларини белгилаб фаолият кўрсатмоқда. Фольклоршуносларимизнинг эътироф қилишича, Чори Ҳамро ва Абумўмин Қаҳҳоров ва бошқалар томонидан тўпланган биргина Қашқадарё воҳаси оғзаки ижод намуналари бир ярим-икки минг босма табоқдан ошар, улар орасида 150 дан зиёд дoston бор экан. Бунга 400 минг метрдан ошиқ магнитофон лентасига ёзилган манбаларни қўшсак нечоғлик улкан меросга эга бўлганимиз намоён бўлади. Шуларни ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш мақсадида воҳамиздаги энг катта илмий даргоҳ Қарши давлат университети раҳбариятининг ташаббуси ва бевосита ёрдами билан «Фольклор ва этнография» илмий лабораторияси ташкил этилиб хайрли иш бошлади. Улар ҳозир Қодир баҳши Раҳимов номидаги фольклор фондиди ташкил қилиш тараддуида. Биз бундай ташаббусларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб бизгача етиб келган халқ ижоди қатларида ўтмиш тарихимиз, кураш ва меҳнатимиз, эрк ҳақида, эркин жамият тўғрисидаги халқимиз кечинмалари, орзу-умидлари, миллий ва рухий қадриятлари акс этган. Биз буни болалиқдан дostonчилик кечаларида, бахшилар даврасида бўлиб, акамдан дўмбира садоларини, сеҳрли сўзларни тинглаб хис этганмиз.

Дунёнинг бир қисмида — Қашқадарёда (Сурхондарёда ҳам) дostonчилик жонли ижрода давом этаётган, да-

вом этаётгангина эмас, балки янги дostonлар яратилаётган экан, демак, уни асраш, сақлаб қолиш муқаддас вазифалардандир. Дарвоқе, яқинда бўлган бир анжуманда машхур Қодир бахшининг фарзанди Қаххор бахшининг мухтарам Президентимиз Ислому Абдуғаниевич ҳақида яратган янги «Юртбоши» дostonини эшитиб ҳайратга тушдим. Демак, бахшиларимиз даврга ҳамнафас бўлиб куйламоқдалар, истиқлолга эришган халқимизнинг истиқболини шарафламоқдалар. Бугун «Алпомиш» куйчилари яшаяпти ва жонли ижрода буюк алп бобомиз руҳини одамларга сингдирмоқда, авлодларимизни Алпомишдек жасур, мард, доно, ахлоқли бўлишга ундамоқда. Шундай экан, уларни асраш, талантларни кадрлаш, уларга раҳнамолик қилиш, ғамхўрлик кўрсатиш вилоят ҳокимлигининг асосий вазифаларидан бўлиб қолаверади...

Вилоят раҳбарининг бу сўзлари «Алпомиш изидан» ҳаммуаллифлик халқаро мунтазам илмий экспедицияси аъзоларини янада ғайрат-шижоат билан ишлашга, нафакат Қашқадарё фольклорини, балки воҳа Алпомиш авлодлари — полвонлар, чавандозлар, мерганлар ва меҳнат, ижод қаҳрамонларини ҳам жиддий ўрганишга, қисқаси, бу ўлканинг кўхна тарихи, адабиёти, санъати ва маънавий-маърифий ҳамда маданий меросини ҳам мунтазам излашга чорлайди...

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ушбу экспедициянинг бир қанча хусусиятлари мавжуд. Мана шулардан бири: «Алпомиш изидан» илмий экспедицияси чоғида Жанубий Ўзбекистон бахши-шоирлари ёхуд фольклоршуносларини излаганимизда гоҳ сурхондарёликларни Қашқадарёдан, гоҳ қашқадарёликларни Сурхондарёдан топамиз. Ана шундай кезишлар пайтида ҳуқуқшунос Чорихон Қодиров ва унинг падари бузруквори Раҳмонхон Қодировлар билан учрашиб қолдик. Раҳмонхон ота «Алпомиш» дostonини ўнлаб бахшилардан бир неча бор тинглаганини, бу алп баходир ҳақида яна жуда кўплаб афсоналар, ривоятларни, жой номларию Барчин ва Бойчибор ҳақидаги ҳаётий-хаёлий ҳикояларни билишини айтди. Отанинг сўзларини тинглаб маънавий-маърифий кадриятларимиз халқимиз қалбидан нақадар чуқур жой олганлигига яна

бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

\* \* \*

Муҳтарам китобхон! Мана, Яратганнинг марҳамати ила Сиз билан миллатимизнинг қаҳрамонлик ва орият дostonи — «Алпомиш»нинг Қашқадарё талқини орқали яна уч-рашдик.

Ўзбекнинг икки-учтаси бирикса, аввал озроқ ҳоллашиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбат қуришни, гурунг билан дунё ташвишларини бир зум бўлса-да унутиб, қизиқ-қизиқ воқеа-ҳодисалар, эшитган, кўрган-билганларни айтиб завқланишни, шодланишни ҳуш кўради.

Биз ҳам дардлашгани, суҳбатлашгани, ғойибона сирлашгани, дилимиздаги ўттиз йиллик азим Қашқадарёнинг муқаддас тупроғида туғилган туйғуларни тилимизга чиқаргани қўлга қалам тутдик. Республикаимизнинг ажралмас бир бўлагида қадим-қадимдан аجدодларимиз яшаб, меҳнат билан бахтини яратиб, ижод билан руҳий туйғуларини юксалтириб, илм билан ақл-заковотларини оламга кўрсатиб келган. Ҳозирги пайтда Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарларининг 2300 йиллигига тайёргарлик кўраётган Қашқадарё халқнинг узоқ аجدодлари ёвқурлиги, шижоати, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятига эришганлиги, санъатга, илм-фанга қўшган юксак ҳиссаси билан доимо диққат-эътиборда бўлганки, бунга ишонмоқ учун биргина адабиётшунос ва тарихчи Поён Равшановнинг «Қашқадарё тарихи» монографияси («Фан»-1999) га бир қур назар ташлаш кифоя.

Халқ ҳар қачон ўз эркини ҳимоя қилгани, озодлиги учун курашгани, Эрон ва Юнон босқинчиларига, араблар ва мўғул истилосига қарши олиб борган мардона жангларига кўхна тарих гувоҳдир.

Биз узоқ мозийда кечган улуғвор воқеа-ҳодисаларни, улуғ саркардалар, ҳукмдорлар, алломалар, авлиёлар, шоирлару адибларнинг хизматини кўрсатмоқчи эмасмиз, балки халқнинг ўзи қадар қадимий ва ҳамиша у билан ёнма-ён абадий яшаб келаётган халқ оғзаки бадиий ижоди, ҳусусан, дostonчилик санъати ҳақида тўхталмоқчимиз, холос.

Қашқадарё-Сурхондарё воҳасида (ўзга ҳудудларда ҳам) ўттиз йил тоғу тошларни, чўлу биёбонларни, қишлоқ-овулларни қадамма-қадам кезиб чиқиш, ўнлаб бахшилар билан учрашув, сўраб-суриштиришлар, магнитофон тасмасига ва қоғозга туширилган ўнлаб дostonлар шу жумладан, Буюк эпосимиз — «Алпомиш» туркум дostonлари мисолида Қашқадарё дostonчилиги ҳақида фикр юритамиз.

Қашқадарёда қадимий маданият, санъат турлари ривожланган. Бу ҳудудда халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари: мақоллар, маталлар, топишмоқлар, ривоятлар, эртақлар, кўшиқлар, дostonлар, ранго-ранг болалар фольклори кенг тарқалган. Ўзбек фольклоршунослигида бу воҳа аҳолиси фольклорини ёзиб олиш билан асосан асримиз бошларидан шуғулланилган. Бу соҳада Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусайнова, Тўра Мирзаев, Охунжон Собиров, Баҳодир Саримсоқов, Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаҳҳоров, Камол Очилов ва ушбу сатрлар муаллифлари каби фольклоршунослар дастлабки изланишларни олиб боришди. Изланишлар ҳамон давом эттирилмоқда...

Ушбу китобдаги фаслларда Қашқадарё дostonчилиги, унинг ўрганилиши, алпомишхонлик, «Алпомиш» эпосининг куйчилари, тадқиқотчилари, воҳада бахшичиликнинг бугунги аҳволи, ватанга, миллатга мустақилликка фидойи, меҳнатсевар, азамат қашқадарёликларнинг маънавияти, маърифати ва одоб-ахлоқига оид мероси, дунёқараши ва саъй-ҳаракатлари борасида сўз боради...

1-фасл

ҚАШҚАДАРЁДА ДОСТОНЧИЛИК



## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ

*Фольклор ўтмишининг акс-садоси  
бўлибгина қолмасдан, ҳозирги замон-  
нинг янгроқ овози ҳамдир*

*Академик Ю. М. Соколов*

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти жанр ранг-баранглиги, яратилиши жиҳатдан қадимийлиги, гоёвий, бадий юксаклиги, дунё халқлари адабий меросига муносиб ҳисса бўлиб кўшилувчи гўзал асарларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қадимий ажодларимиз томонидан яратилган бебаҳо оғзаки бадий мерос классик адабиёт, меъморчилик санъати ва мусиқа асарлари каби бебаҳо обидалар қаторидан ўрин олади. «Қадимги Ўрта Осиё халқларининг ёрқин дostonлари, хоҳ мазмун ва хоҳ шакл жиҳатдан қадимги эпик адабиётнинг ёдномаси бўлган грекларнинг «Илиада», «Одиссея» номли қаҳрамонлик эпосидан сира қолишмайди ҳам»<sup>1</sup>. Халқ оғзаки ижоди намуналари орасида узоқ тарихий босқичлар — патриархал-уруғчилик муносабатлари емирила бошлаган, оила қуриш, ёр излаш билан боғлиқ, янги типдаги қабила бирлиги учун кураш мотивлари асосида яратилган афсона ва қиссалар ҳамда илк қаҳрамонлик эпосидан тортиб заминлари туркий халқларнинг узоқ қадимий тарихига бориб тақалувчи, феодализм жамиятининг иқтисодий ва маданий муносабатлари, бу давр кишиларининг ижтимоий-эстетик идеаллари, орзу-ҳавасларини ифода этувчи қаҳрамонлик, ишқий-романтик дostonларгача мавжуддир. Фольклор асарларидаги бундай дифференциациялашиш, синкретик хусусият ўзбек халқ оғзаки эпик ижодкорлиги анаъаналарининг жуда қадимийлигидан далолат беради. Ўзбек оғзаки ижодкорлиги ўзининг илк қолиплашиш даврларидан бошлаб, тараққиётининг турли босқичида фольклорнинг энг йирик ва монументаль турларидан бўлган эпосни кўплаб яратди. Дарҳақиқат, «Эпос ўтмишининг улкан эхсонни, яратилган даврининг умумий дунёқараши, айни

<sup>1</sup> Толстов С.П. Ўзбекистоннинг қадимги маданияти. Тошкент, 1944, 11-13-бетлар.

пайтда, анъанавий ижод ва ижро шароитларида халқ рухининг объектив ҳолатини ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатдан гоҳ кўламлашиб, гоҳ сиқик тарзда кейинги авлодларга елиб келган буюк обидадир»<sup>1</sup>.

Ўзбек дostonчилиги хазинаси ғоявий-бадий жиҳатдан хилма-хил бўлиб, унда услуб ва жанрига кўра турли дostonларни кўриш мумкин. Ф.Энгельс Элладаниянг ўзига хос бадий ойнаси бўлмиш қадимий юнон эпосини инсониятнинг цивилизацияга олиб ўтган буюк мероси сифатида баҳолаган эди. Туркий халқлар, жумладан, «Алпомиш», «Рустам», «Гўрўғли» каби ўзбек дostonларининг яратилиши ҳам халқ оғзаки ижодиёти тарихида ноёб учрайдиган ҳодисалардан бўлиб, умуминсоният цивилизацияси хазинасига кўшилган бебаҳо маънавий ҳисса бўлиб саналади.

Халқимизнинг ижтимоий турмуш тарзи, маънавий эҳтиёжлари тақозоси ўзбек халқ дostonларининг юзага келишига сабаб бўлган асосий омиллардир.

Бу асарларнинг умрбоқийлиги, оммабоплиги, уларда меҳнаткаш халқ ижтимоий ҳаёлотини, ҳаёти, руҳий-маънавий эҳтиёжларининг юксак бадий талқинида ифода этилганидир. Ижтимоий ҳаёт тақозоси, шунингдек, кишиларда пайдо бўлган олижаноб орзу-умидлар ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиб бориши натижасида, тафаккур ва тушунчаларнинг янада такомиллашиб бориши, оила қуриш учун кураш, ёр номуси учун «талашиш», табиат офатлари, ташқи босқинчиларга қарши кураш қаҳрамонлик эпоси яратилишининг асосий замини бўлиб ҳисобланади. Фаол яратувчанлик ва санъаткорлик ҳусусиятларига эга бўлган ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпосини яратиб, мароқ билан куйлашида санъатнинг кўпгина турлари, чунончи, мусиқа, рақс, воизхонлик, ижрочилик муҳим роль ўйнади. Эпосга хос бу синкретик ҳусусият, уни санъатнинг мураккаб ва бадий етук туррига айлантиради. Ўзбек қаҳрамонлик эпосида ифода этилган халқона ғоялар ва қаҳрамонлар (одил ҳукмдор, озодлик, одил шоҳ ва ўлка ҳақидаги орзулар, муносиб ёр учун кураш, мустақилликка эришиш истаги) илғор ижтимоий эҳтиёжлар ва бу йўлда қаҳрамоннинг турли-туман саргузаштларини тасвирлаш маҳорати ишқий-роман-

---

<sup>1</sup> «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари». Тошкент, 1981, 9-10-бетлар.

тик ҳамда ишқий-қахрамонлик дostonларининг яратилиши ва такомиллашувида фаол таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир. Бундай дostonларда эркин ҳаёт ва меҳнат, севги ва вафо, оила эркинлиги ва мустақиллиги, ота-онага ҳурмат ва садоқат, дўстлик ва иноқлик, юрт севгиси, инсонлар ўртасидаги тенглик ва зулмга қарши кураш каби барча даврлар учун зарур бўлган мавзулар куйланиб келинади. Шунингдек, жаҳолат, зулм-истибдод, адолатсизликка қарши кураш, эркпарварлик ва адолат каби ижтимоий-сиёсий ғоялар воқеа-ҳодисаларнинг халқ тафаккури, дунёқараши асосида бетакрор образлар, ранг-баранг тасвирий воситаларда тараннум этирилиши бу асарларни оммалаштирган омиллардир.

«Эпоснинг асосий мундарижасини тарихий воқеа, дунёнинг умумий аҳволини тубдан ўзгартирувчи тарихий конкрет ҳодиса ташкил этади. Бу шунчаки, одатдаги ҳол эмас, балки тарихда мисли кўрилмаган, давр қиёфасини узоқ йилларга ўзгартирувчи улкан воқеа. Эпосга асос қилиб олинадиган бундай воқеалар жумласига, одатда, урушлар, турли жангу жадаллар киради... Тасвирга олинган воқеаларнинг фақат кўламдорлиги эмас, балки бадиий-тасвирий восита ва ифода усуллари тизими, муболаға ва ташбеҳлар, тафсилотли тасвирлар, ҳодиса ва манзараларнинг секин ва тантанавор оқими ҳам эпосда улуғворлик ва дунёвий қамров таассуротини туғдиради».

Ўзбек дostonчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятларидан бири, жаҳон халқлари маданияти хазинасига қўшган катта ҳиссаси — унда туркум дostonларнинг яратилишидир. Дарҳақиқат, ўзбек фольклорининг «Гўрўғли», «Алпомиш», «Рустам» каби туркум дostonларга эга бўлиши, уларга бириккан асарларнинг ҳар бири, В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, юксак даражада миллий хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, айни вақтда... «ўз ичига умуминсоний, жаҳон аҳамиятига эга бўлган мазмунни ифодалаш... халқ кучларини, унинг моҳиятини, руҳини бутун поэзиясини тўла-тўқис кўрсатиши» билан ажралиб туради.

«Алпомиш», «Рустам» дostonлари жаҳон адабиётининг тенгсиз намуналари қаторида нашр қилиниши бежиз эмас, албатта. «Алпомиш» дostonи туркий халқларнинг мушта-



рак ёдгорлиги тарзида энг гўзал асарлардан бири сифатида тан олиниб, унинг юбилейини ЮНЕСКО томонидан бутун дунёда нишонланиши ва республикамиз, жумладан, Қашқадарёда улкан тадбирлар амалга оширилаётганлиги халқ маданияти, санъати, оғзаки поэтик ижодига эътибор ва бу қаҳрамонлик дostonимизнинг оламшумул аҳамиятига берилган баҳодир.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарёда яшаган бахшилар ҳам қадимдан «Гўрўғли», «Рустамхон», «Авазхон», «Нурали», «Ойсулув», «Орзигул», «Равшанхон» сингари ўнлаб дostonлар қатори «Алпомиш»ни ҳам севиб ижро этишган ва қувонарли жиҳати шундаки, улар ҳамон жонли анъанани давом эттириб келишмоқда. Қашқадарёлик бахшилар билан бўлган мулоқотлар, кузатишлар ва текширишлар натижасида, устоз фольклоршунослар — Ҳ.Зарифов, В.Жирмунский, А.Қаҳҳоров ва бошқаларнинг тадқиқотларида шу нарса аниқ бўлганки, воҳада ижод қилаётган бахши-шоирлар Қамаши (Қамай), Чирокчи (айрим манбаларда Шаҳрисабз дейиладикки, биз буни изоҳлашга кейинроқ қайтамиз) ва Шеробод дostonчилик мактабларига мансубдир. Аммо шуни унутмаслик лозимки, ҳеч қайси поэтик мактаб бир-бирлари билан ўзаро алоқаларсиз яшамаган. Бир мактабга мансуб дostonчилар иккинчи, учинчи билан доимий мулоқотда бўлишган. Гоҳ ўрганган, гоҳ ўргатишган. Масалан, чирокчилик бахшилар самарқандлик дostonчилар билан, қамайлик бахшилар эса шерободлик куйчилар билан кўпроқ алоқада бўлганлар. Бир-бирига устоз-шогирдлик қилишган. Жумладан, шаҳрисабзлик Зоҳир шоир Кўчқоров нарпайлик Ислом шоирнинг шогирдидир. У устознинг репертуаридаги дostonларнигина ўрганиб қолмасдан, ҳатто дўмбирасининг тузилишини ҳам Ислом шоир дўмбираси ўлчамида олган ва Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари созини черта олмайди. Айни дамда Самарқанд бахшиларидан Ислом шоиргина Қашқадарё билан энг яқин алоқада бўлган. Чунки она авлоди қашқадарёлик бўлган Ислом шоир бу воҳага тез-тез келиб турган. Бу ҳақда ўзи ҳам «Зулфизар билан Авазхон» дostonида шундай эътироф этади:

Тўй қилса чақирган Арғоннинг чўли,  
Қўймай меҳмон қилган Қашқанинг эли.

Қаршининг бор Қашқа деган дарёси,  
Шу дostonни айтган Ислom бoбoси.  
Хўп қидирдим Қарши, Қўнғирот ёғига,  
Уч кун туриб ўтдим Қорабoғига.  
Тўрт кундан сўнг ўтдим Лангар тоғига,  
Ораладим колхозларнинг бoғига.  
Эл хоҳлади яна беш кунлаб айтдим,  
Дам бериб ўзимга изимга қайтдим.

Ислom шоирнинг беш кунлаб дoston айтишида, поэтик мактаб вакилларининг ўзарo ва яқин ҳудудлардаги бахши-шоирлар қадимдан яқин ижодий мулоқотда бўлгани ва репертуарини бойитгани кўринади. Бу ҳақда кўплаб ривоятлар, афсоналар ҳам сақланиб қолган. Бахшилар ҳақидаги хотиралар ва ривоятлар уларга бўлган ҳурмат, эҳтиром рамзи бўлиб куйчиларни халқ хотирасида мангу сақлаб қолишга хизмат қилган. Бошқа жойни билмадигу Қашқадарё ва Сурхондарёда бахшилар доимий бир-бирларини синашда бўлган. Хоҳ куйда, хоҳ сўзда бўлсин, бадиҳагўйлик ва маҳоратни баҳолашнинг бирдан-бир воситаси бўлмиш «беллашувлар»да қатнашиб қолиб чиққан, даврани ўзига ағдариб олган дostonчиларни кўриб қувонганлар, аммо уларнинг бошқа жойлардан келган дostonчи «рақиблари»дан енгилиб қолганларидан изтиробга тушганлар. Дарҳақиқат, шу кунларда ҳам вақти-вақти билан дostonчилар ўртасида «беллашувлар», ўзига хос мушоиралар бўлиб туради. Бундай даврада икки ёки ундан ортиқ бахши учрашиб куйлайди. Даврадагилар кимнинг овози яхши бўлса, дostonни маромига етказиб куйласа, сoзни қойиллатиб чертса, ўша томонга oғиб кетади. Айтишувда қолиб чиққан бахшини кейинчалик ҳам халқ «Фалон бахши фалон жойдаги тўйда ёки йиғинда, фалон бахши билан беллашиб, уни ағдарган эди»,—деб фахр ва ҳурмат билан эслаб юрадилар. Енгилган бахши эса мулзам бўлиб ноқулай аҳволга тушиб қолади ва янаги айтишувлар учун пухта ҳозирлик кўради. Ҳар ҳолда айтишув-беллашувларда мардлик, одоб-икром биринчи ўринда туради. Беллашувда кучлар тенг келмаслиги ёхуд бир-бирини эътироф этиш ҳолати бўлади. Мана, таниқли фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров ёзиб олган қашқадарёлик ва сурхондарёлик икки бахшининг айтишуви ҳақида бир ривоят:

Шерна 23-24 ёшларида Ҳисорда катта тўй бўлармиш, шу тўйга Омонтурди келармиш дейилган доврुकни эшитиб қолибди ва тўйдан ўн кун аввал Ҳисорга йўл олибди. Бир ҳисорлик бойга хизматкор бўлиб ишлабди. Ниҳоят, тўй бошланишидан аввалроқ ўттиз уч шоғирди билан Омонтурди қовчин ҳам келади. Унинг соз чертиши, дoston айтишини Шерна берилиб тинглаб туради. Шернанинг бу қадар синчковлик билан қизиқиб эшитаётганини кўрган Омонтурди: «Исминг нима, ўзинг қаерликсан?» — деб сўраб қолади. Шунда Шерна:

Исмимни сўрасанг ўзим ғарибман,  
Аввал эшитиб қордай эрибман,  
Сўзингга маҳлиё бўлиб турибман,  
Куч бер, бобо, санам ёрга кетаман, —

деб жавоб беради. Омонтурди эса:

Ошиқ бўлсанг куйиб, ёниб ўтарсан,  
Сабр айласанг ёр қўлини тутарсан,  
Илғайберсанг беш юз йилда етарсан,  
Беш юз йиллик йўлдор ёрнинг макони...

Улим ошали, ошали, тоғдан ошали,  
Сен бунда қайнасан унда тушали,  
Бир пасилга хаёл қилгин, жон болам,  
Икковимиз бир майдон гаплашали, —

деган экан. Шундан сўнг иккаласи бир пасли савол-жавоб қилибди:

Омонтурди:

Бир нарса бор осмон бетда дўлангган,  
Бир нарса бор ери кўкда элангган,  
Бир нарса бор тонг отган сўнг йўқолган,  
Бир нарса бор сув бетида сўлангган,  
Болам, шоир бўлсанг хабар бер шундан?

Шерна:

Булут бўлар осмондаги дўлангган,  
Ёмғир бўлар еру кўкда элангган,  
Юлдуз бўлар тонг отган сўнг йўқолган,  
Балиқ бўлар сув бетида сулангган,  
Бобо, устод бўлсанг жавоб шул бўлар.

Омонтурди:

Бир нарса бор танасида жони йўқ,  
Бир нарса бор чопарида сони йўқ,  
Бир одам бор икки бетда қони йўқ,  
Болам шоир бўлсанг хабар бер шундан.

Шерна:

Қора ернинг танасида жони йўқ,  
Азроилнинг чопарида сони йўқ,  
Қасамхўрнинг икки бетда қони йўқ,  
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлар.

Омонтурди:

Бир нарса бор ўлмас, йитмас, қаримас,  
Бир одам бор елар, йўртгар хоримас,  
Бир куш бордир ажал етмай доримас,  
Бир нарса бор ерда ётиб чиримас,  
Бир тоғ бордир унинг қори эримас,  
Бир дарё бор оқар, тошар, қуримас,  
Болам шоир бўлсанг хабар бер шундан.

Шерна:

Худой таоло ўлмас, йитмас, хоримас,  
Хўжай Хидир елар, йўртгар, хоримас,  
Азроилдир вақтни билмай доримас,  
Олтин бўлар ерда ётиб чиримас,  
Тўрт товининг қори туриб эримас,  
Кўнгил дарё оқар, тошар, қуримас,  
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлар.

Омонтурди:

У нимадир яшил, қизил ўсувчи,  
У нимадир оёғи йўқ юрувчи,  
У нимадир етти дарё кезувчи,  
Болам шоир бўлсанг хабар бер шундан.

Шерна:

У экиндив яшил, қизил, ўсувчи,  
У илондив оёғи йўқ юрувчи,  
У балиқдив етти дарё кезувчи,  
Бобо устод бўлсанг хабар шул бўлар.

Омонтурди:

У нимадир ёқаси бор ёни йўқ,  
У нимадир қаноти бор қони йўқ,  
У нимадир одам ютар жони йўқ,  
Болам шоир бўлсанг хабар бер шундан.

Шерна:

У кафандир ёқаси бор, ёни йўқ,  
Капалақдир қаноти бор, қони йўқ,  
Қаро ердир одам ютар, жони йўқ,  
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлар.

Омонтурди:

У нимадир дарбозасиз қалъадир,  
У нимадир деразасиз бинодир,  
У нимадир бир-биридан аълодир,  
Болам шоир бўлсанг хабар бер шундан.

Шерна:

У кўнгилдир дарвозасиз қалъадир,  
У қабрдир деразасиз бинодир,  
У ой-кундир бир-биридан аълодир,  
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлар.

Омонтурди Шернадан барча саволларига аниқ жавоб олгач, саз чертириб, дoston айттириб, зеҳни, саз чертиш маҳоратига, дoston куйлаш талантига қойил бўлиб дуо қилибди.

Айни вақтда бахшилар ўзаро айтишувда бир-бирларининг хатосини тузатган, мардни номард қилмасликни уқтирган. Ушбу ривоятда бу яққол кўринади.

Ниёзбадал шоир ҳам ўз даврида халқ орасида ном чиқарган экан. Бир кун йиғилишда дoston айтаётган бир шоир Алпомишнинг қаҳрамонлигини куйлаб:

Отни чопди жилов ёйиб,  
Кетмасин оёғи тойиб... —

деб Алпомишнинг жангда кийимлари қонга бўялгани ҳақида сўзласа, дostonни эшитаётган Ниёзбадал ташқарида туриб ҳалиги шоирга шундай лукма ташлабди: «Алпомиш бир одамни ноҳақ ўлдирмаган бўлса қандай қилиб қонга

чайиб деб айтасан. Сувга чайиб дейишинг керак. Бахши хар бир иборани каерда қандай қилиб қўлланишига эътибор бериши ва мазмунни бузадиган ўринсиз сўзларни ишлатмаслик лозим».

Ушбу кичкина танбеҳдаёқ Жанубий Ўзбекистон бахшиларининг эстетик идеали, ўзлари куйлаётган қаҳрамонга муносабати тўғри ифодаланган.

Бахшиларимизнинг дoston айтишда сўзга, созга, овозга алоҳида эътибор бериши халқнинг талабчанлигидан уларга, бўлган доимий эътиборидан, хатоларида танбеҳдан юзага келган. Қашқадарё бахшиларининг Шеробод ва Қамай поэтик мактабларига мансублар ҳеч вақт бирданига қўлига созни олиб дoston куйлашга киришмайди. Ҳар қандай тикилинч шароитда ҳам, шоширганингизда дostonга кириш (дoston куйлаш) шартига риоя қилади. Бу шартлар қуйидагилардир:

1. Дўмбиранинг соз-носозлигини билиш, текшириш учун ҳеч бўлмаганда битта куй ижро этади.

2. Битта ёки иккита терма куйлайди.

3. Кўпинча «Нима айтай?» термаси ёқимли айрим дostonлардан парчалар айтилади. Ана шу уч шартнинг бажарилиши жараёнида тингловчи ҳам ўзи эшитмоқчи бўлган бахшининг соз чертиш қобилиятини, сознинг ёқимли ва ёқимсизлигини, созга сўзни, сўзга созни мослай олиш иқтидорини ва қайси дostonларни айта олиши мумкинлигини кузатади, кўз ўнгида турган бахшининг қай даражада таланти ёки талантсизлигини билиб олади. Борди-ю бахшининг созандалиги (дўмбирани турли оҳангларда сайрата олиши), саси (овози) ёхуд айтмоқчи бўлган матн (дoston) ёқмаса тингловчи аудиторияни тарк этиши мумкин.

Масалан, қайта-қайта кузатувларимиз, суҳбат-мулоқотларимиздан шу нарса аён бўлдики, деҳқонободлик Ҳайим шоир Пиримкул ўғли дўмбиранинг соз-носозлигини билиш учун уч хил куй чалади. Бири шўх, иккинчиси ўта қайғули, учинчиси оддий руҳий ҳолатни акс эттиради ва айнан 7-8 ҳижолик, 9-11 ҳижолик, 12-16 ҳижолик шеър тузилишига мосланади. Агар дўмбира шу уч куйдан бирига тушмаса ҳам бахши дoston айтмас, созни алмаштиради. Оҳанг сўзга мослашмайди, демак, бахши овози ҳам таъсирили жарангламайди, бахши тингловчи диққати-

ни тўла жалб эта олмайди. Қашқадарёдаю Сурхондарёда дoston куйлашга киришишдан олдин ҳар икки томон — бахши (куйчи) ва тингловчи бир-бирларини рухий синовдан ўтказадилар, ўзаро мослашиб оладилар. Бири иккинчиси ёхуд иккинчиси биринчисини рад этади ёки ўзаро тил топишишади. Мана шу ўзаро параллел ҳолатдаги рухий мослик юзага келгандан сўнггина бахши дoston куйлашга киришади. Бутун дoston ижроси давомида аудитория ва бахши руҳиятидаги таранглик сақланиб қолади. Бахши куйлар экан, давра аҳлининг кайфиятига қараб асосий матнни гоҳ қисқартириб, гоҳ чўзиб, гоҳ кўшимча сюжет чизиклари киритган ҳолда кўшиб, гоҳ ўзгартириб ижро этаверади. Энг муҳими — бахши ўз кайфияти, ҳолатига қараб дoston воқеалари билан тингловчини сеҳрлаб олади, уларни тасвир этилаётган воқеликка олиб киради ва натижада тингловчини гоҳ кулдириб, гоҳ ўйлатиб, гоҳ йиғлатадилар. Бундай ҳолатларга кўп дуч бўлганмиз ёки шу ҳақда ривоятга айланиб кетган воқеаларни эшитганмиз.

Ангор чорраҳасида машина кутиб турар эканмиз, бир кекса отахон билан суҳбатлашиб қолдик. Қашқадарёдан экан. Қандай бахшиларни билишини сўраганимизда дехқонободлик Умир бахши Сафаровдан кўп дostonлар тингланганини айтиб, Бойқўрғон қишлоғидаги бир воқеани айтди. Бир куни Умир бахши «Алпомиш»ни куйлаётиб, Сурхайл мастон Алпомишни хийла-найранг билан қўлга туширибди-да, атрофига ўтин қалаб, устига ҳам шох-шаббалардан ташлаб, чақмоқ тош билан ўтини ёқаётган пайтда айтишдан тўхтаб, ташқари чиқиб келмоқчи бўлибди. Шунда тингловчилардан бири: «Ташқари чиқмайсиз, тутатиб борасиз», — деб қўймасмиш. Бахши: «Ҳозир келиб давом эттираман», — деса, ҳалиги одам роса боглаб сўкибди-да: «Сиз келгунча Алпомиш ёниб кетади-ю ўлади, унда нимасини айтасиз», — дебди. Шоир тингловчи илтижосини кўзидаги ёшини кўриб, қайтиб ўтирибди ва Алпомишни оловдан ҳам омон-эсон асраб қолибди. Бу ерда тингловчини дoston воқеаларига қай даражада берилиб кетгани айтилмоқда. Бошқача ҳолатлар, масалан, тингловчининг дostonни бефарқ эшитиши ёки тонггача бўлган даврада кўзи уйқуга кетиши ё нотўғри ҳаракат қилиши мумкин.

Бундай ҳолда бахши бадиха йўли билан ўша кишининг ҳаракатини ҳажв аралаш айтилаётган дoston ёхуд термага қўшиб кетади.

Бир тунда Қодир бахши Фарибота кишлоғида дoston куйлаётса уй тўла одамлардан бири ухлаб қолди-ю, сал нохушроқ овоз чиқиб кетди. Бахши айтаётган матнга шу воқеани қўшиб:

Хулкар билан тарози,  
Бир-биридан норози,  
Саҳарда қичқирмайма,  
Фариб отанинг хўрози, —

дейиши билан кулги кўтарилди. Бояги одам эса: «Кечирасизлар кулкабак егандим, ичимни дам қилибди», — деб даврандан бош эгиб чиқиб кетди. Бундай воқеаларни қашқадарёлик бахши-шоирлар ҳаётидан ҳам истаганча келтириш мумкин.

Кейинги даврда тўй, маърака, йиғинларда дostonчи бахшиларнинг кайфияти ва ҳолати жуда катта матн ўзгаришига олиб келяпти. Бу, аввало, ижтимоий, оилавий, маиший турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолатда юз бермоқда. Жумладан, 50-60-йилларда тўйлар икки-уч кун давом этган бўлиб, таклиф этилган бахши махсус ажратилган уйда бир дostonни бошлаб уни тугатгунча руҳсат этишмаган. Ҳатто тингловчилар бахшини тўйдан бир кун-ярим кун кейин ҳам қолдириб айттиришлари мумкин бўлган. Айни вақтда ўша даврда ҳар овулнинг ўз бахшиси бўлган. 70-80-йилларга келиб эса тўйларнинг характери ўзгарди. Воҳанинг кўпгина жойларида бир кунлик тўйларга, шунда ҳам «ўлтириш» деб аталмиш йиғинларга зўр берилди. Демак, таклиф этилган бахши аввалгидек махсус дoston ихлосмандлари даврасида икки-уч кунлаб эмас, балки катта умумий даврада бир-икки соатгина куйлаш имкониятига эга бўлади. Буни яхши англаган бахши, албатта, дostonнинг кўпчилик қисмини қолдириб, ўзларининг ибораси билан айтганда, «ҳаккалатиб» тугата қолади. Ана шу қисқартириш (ҳаккалатиш)нинг ўзи ҳам дostonчининг ижрода ниҳоятда истеъдодини, маҳоратини талаб қилади, яъни тушириб қолдирилган қисмларини билдирмай, воқеаларни бир-бирига улаб кета олиши керакки, токи узилган ўринларни тингловчилар сезмай қолсин. Агар бахши



етук бўлмаса, ижрочилик ва ижодкорлик савияси етишмаса, дoston воқеалари ўзарo боғланмасдан узук-юлуқ бўлиб қолади, бу эса тингловчини қониктира олмайди. Натижада тингловчилар мазкур бахшини қайта изламайдилар, уни бахши сифатида эътироф этмайдилар, балки «уламакаш» деб юритадилар.

Асосий матнни қисқартириб айтиш ва бунн доимий такрорлайвериш қанчалик маҳорат билан амалга ошмасин, барибир салбий ҳодиса, эпик аънаналарни секин-асталик билан сўнишига олиб келадиган ҳолат деб қаралмоғи лoзим. Чунки аънанавий асл матнни билмаган тингловчилар қисқарган вариантни, ундаги воқеа-ҳодисаларни, композицион қурилиш ва сюжет йўналишини асл нусха деб қабул қиладилар ва хотирада сақлайдилар. Достончиликка ҳавасмандлар, ўрганувчи ижодкорлар ҳам мазкур дostonнинг бўлгани шу деб, устоз бахши айтган вариантни такрорлаб қоладилар. Гарчи устоз-шогирдчилик аънаnasi ҳозирги кунда давом этаётган бўлса-да, бунда ҳам кўпроқ шогирдлар устоз репертуарини тўйларда тинглаш ва радио ҳамда телекўрсатувлар орқали ўрганаётганини назарда тутсак, қисқартириб айтиш оқибатларини тушуниш қийин бўлмайди. Шу таҳлитда аънанадаги эпик ўринлар чекиниб, йўқолиб боради, маълум маънода дoston инқирозга юз тутати.

Баъзан эзгу мақсад билан қилинган, қилинаётган ишлар ҳам йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бунн шу маънода айтаяпмизки, техника, илм-фан тараққиёти, айниқса, бахшиларнинг радио ва «ойнаи жаҳон»да дostonлар ижро этишини йўлга қўйиш яхши истак — ушбу дostonчилик аънаnasини сақлаб қолиш, бахшиларни элга кўпроқ танитиш учун бошланган эди ва бу давом этипти. Аммо шу эзгу ниятда бошланган иш ҳозир сунъий тарзда бўлиб, у дostonчиликнинг яшовчанлигини таъминламайди, балки сўниш жараёнини тезлаштиради. Чунки «ойнаи жаҳон» имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар қандай дostonни куйлашга бир соатгина вақт берилади. Бахши нақадар бадиҳагўй бўлмасин, телеходимлар унга ўз таъсирини ўтказиб, шу муддат ичида айтаётган дostonнинг жуда катта қисмини қисқартиришга мажбур этади. Бугина эмас, телекўрсатувни тайёрлайдиган режиссёр ва муҳаррир бахшичилик санъатининг оддий қонун-қоидалари, ҳатто дўмби-

ра куйи ва бахши айтган матн орасидаги боғланишни англамаслигидан, бахшиларнинг бастакори дўмбиракаш бўлади ёхуд анъанавий дostonларни ҳам алоҳида бир ижодкор яратган деган ўта хато ва зарарли хулосалар чиқаришмоқда. Бу ҳақда қуйироқда яна фикр юритамиз. Демак, кўрсатувни тайёрловчи ҳам дoston куйлаётган бахши ҳам миллионлаб томошабинга минг йиллик анъанани унутиб, унинг жуда кам қисминигина шунда ҳам бузиб етказди. Бахши бўлишга ҳавасманд ёшлар эса «ойнаи жаҳон»даги кўрсатувни чанқоқлик билан кузатиб, эшитганларини фалон дoston шу экан-да, деб қабул қилади ва ўзлаштиради. Демак, бугунги бахшилар ўрнига эртага давраларга чиқадиган ҳозирги ҳаваскор узоқ асрлик эпик анъаналарнинг ўрганиб ололмагани учун авлодларга етказа олмайди ҳам. Яна ачинарли жойи шундаки, биз фольклор тадқиқотчилари ҳам дostonларни ёзиб олишда юқоридаги каби ҳолатларга эътибор бермаймиз. Энг аввало, дostonчининг ҳавасқорми, ижрочими ёки бадиҳагўйми эканлигини ҳисобга олишимиз: иккинчидан, дoston ижро этилаётган йиғиннинг хилини, тоифасини назарда тутишимиз; учинчидан, дoston тингловчи ва бахши кайфиятининг қай тарзда мутаносиблигини кузатишимиз; тўртинчидан, замон ва маконни ёдда тутишимиз; бешинчидан, ижро этувчининг ижро этиш маҳоратини, ўзига хос қобилиятини ҳам унутмаган ҳолда ёзиб олишимиз ва уни баҳолашимиз; олтинчидан, юқоридагиларни тўғри бажаришимиз учун фольклоршунослик қонун-қоидаларини изчил билишимиз керак бўлади. Акс ҳолда биз ижрочи ва бадиҳагўй дostonчини ҳам, дostonнинг маъно-мазмунини ва бадий қимматини ҳам, асосан, ижодкор ва ижрочи мансуб бўлган дostonчилик мактабининг ўзига хос хусусиятларини, умумўзбек дostonчилигидаги ўрни ва қиммати ҳам баҳолай олмаймиз.

Биз Жанубий Ўзбекистондаги бахшилардан ёзиб олинган, фольклор архивларида сақланаётган ва улардан нашр этилганларининг асосий камчиликлари ҳамда нуқсонлари шунда деб биламиз. Айрим тадқиқот ишларида шунинг учун ҳам юзакилик, чалкашлик ва нотўғри хулосалар кўзга ташланади.

Ачинарлиси шундаки, бу воҳа халқ оғзаки ижоди — фольклорини мутлақо билмаган, ҳатто у билан заррача

қизиқмаган баъзи «тадқиқотчилар» дostonчилик ҳақида мақола ёзишга ўтирганда тўғридан-тўғри бу воҳаларда дostonчилик умуман йўқ деган ғайриилмий қарашларни баён қилишдан тортинмайди.

Жумладан, тилшунос Д. Абдурахмонов «Алпомиш» дostonининг генезисига доир мулоҳазалар» мақоласида «...кўнғирот уруғлари тарқалган ва тарихий топономик маълумотлар сақланмаган ўзбек массивларида (масалан, Фузор-Бойсун-Термиз тумани) эса «Алпомиш» дostonининг йирик ижрочилари, улкан бахшилар бўлмаган ёки бўлса ҳам бу традиция бизгача етиб келмаган», — деган асоссиз даъвони ўртага ташлаганда, нахотки, ўзбек фольклоршунослик фани эътироф этган воҳа дostonчилик мактаблари ва уларнинг бирон вакили ҳақидаги чиқишларни ўқиб кўрмаган, ҳатто бир аср бурун рус ориенталисти Е.Ф.Каль Термиз яқинидаги қишлоқда «Алпомиш» дostonини тинглаш фактини тадқиқотлардан билмаган ёхуд яқингача ҳаёт бўлган машхур Қодир бахши Раҳимов ё ўзгалардан дoston тингламаган бўлса?!

Д. Абдурахмонов ёзади: «...кучли бахшилар ва уларнинг анъаналари Фузор-Бойсун томонларда бўлмаган. Бўлганлари эса Самарқанд мактаблари вакиллари билан беллаша олмаганлар». Бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканлигини, уни тарихий фактлар ва ўзбек фольклоршунослик фани материаллари рад этишини, Жанубий Ўзбекистон ва Самарқанд дostonчилик мактаблари вакиллари мунтазам алоқада бўлганлигини, XVIII-XIX асрларда ҳам Самарқанд ёхуд Бухоро дostonчилари билан беллаша оладиган Эрназар Қобон, Бойсари, Абдукарим Жуйрук, Рустам, Холназар сингари кўплаб бахшилар ижод қилганликларини яна бир бор таъкидлаймиз. Ҳатто бу бахшилардан дехонободлик Эрназар Қобон, қамайлик Абдукарим Жуйрук, Хидир шоир Бухоро амирлигида, шахрисабзлик Бойсари бахши Кўқон хонлигида дoston куйлагани фольклоршуносларнинг илмий асарларида қайд этилган. Профессор Т.Мирзаев ёзади: «XIX асрнинг улкан дostonчиларидан бўлган Эрназар шоир Бухоро амири Насрулло хузурида «Алпомиш» дostonини олти ой куйлаган эмиш. Бунда у қалмоқлар қўлида тутқинда ётган қаҳрамоннинг Бойчибор тулпори ёрдамида қутқарилишини янгидан-янги тўсқинликлар қўшиб чўза берган экан. Охир сабр-тоқати қолмаган

амир ўзининг жангга минадиган отини эгарлатиб, шоир рўпарасига боғлатган эмиш. Буни фаҳмлаган ҳушёр шоир шу эпизодни ўз достонига киритиб, гўё амирнинг оти Алпомишни кутқаришга «жўнаган ва уни шу от кутқарган» қилиб кўрсатган, шу билан бирга достоннинг кейинги эпизодларини сиқиб асар ижросини тенг тугатган эмиш»...

Эрназар Қобон ўзи гувоҳ бўлган Насрулло зулмини шундай тасвирлайдики, «Ботирхон зулми» номи билан халқ орасида машҳур бўлган бу терма кейинги авлод бахшилари орқали бизгача етиб келган:

Ботирхон отланиб чиқса,  
Кўринг, салтанатларини.  
Неча йил қамаб ётди,  
Кенагас юртларини?

Қамай-қамай алқисса,  
Олди кўзин ўтларини.  
Тайлоқдай бўкиртиб сўйди  
Не-не азаматларини.

Не-не йигит гўччоқ сўйди,  
Кенагас паризодларини.  
Ана подшоҳ, ҳийлагарлик  
Битиб-битиб берди ёрлик.  
Кўп ўзбек бир нонга сотди?  
Битган ёрлик хатларини.

Бу фикр қашқадарёлик биргина бахши ҳақида мўъжазгина хотира, хулоса. Аслида улар кўп бўлган ва барчаси «Алпомиш»у «Гўрўғли»ларни, «Авазхон»у «Рустамхон»ларни ва ўнлаб достонларни, юзлаб термаларни тўқишган. Ўзларининг мардона достонларию қўшиқлари билан халққа маънавий, маърифий, руҳий озиқ берган. Бироқ, афсуски, улар қуйлаган достонлар, созидан янграган сеҳрли садолар, ҳаётга, табиатга, инсонга муҳаббат билан йўғрилган термалар бизгача етиб келмаган. Ҳатто ўзбек фольклорини ўрганишга киришилган XX асрда ҳам Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари билан ишлашга нисбатан кам эътибор берилди. Гарчи асримизнинг биринчи ярмидаги қатағонлар, янги тузумнинг ўзидан олдингиси даврида яратилган маданий ва адабий меросга қарши кураш ҳам достончи-

лик ривожига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай унинг, сўнишини тезлаштиришга олиб келди...

Жанубий Ўзбекистон бахшилари давраларда албатта тўрдан жой олади, уларни ҳамиша эъозлаб юқорига ўтқазишади. Бахши айтишга киришар экан, беихтиёр кўзлари юмилади, ўзи ҳам дўмбира куйи, овози ва асар матнига берилиб кетганидан олдинга силжийверади. Шу тахлит гоҳ давранинг ўртасига келиб қолса, гоҳ пойгакка тушиб қолади. Айтишларича, Умир бахши Сафаров қора уй (ўтов)-да дoston айтишни бошлаганда ташқарига чиқиб кетар экан. Албатта, бу пайтда ичкарига кира олмаганлар ташқарида бахшини тинглаётган бўлади. Қодир бахши, Қора ва Чори бахшилардан нега дoston куйлашда кўзларини юмиб олишини сўраганимизда, кўзлар юмилганда дostonда рўй берадиган воқеа-ходисалар, жангу-жадаллар кўз ўнгида намоён бўлиб, кинолентасидай хотирадан ўтиб туришини айтди. Ҳозирги вақтда дoston айтаётган бахшидан кўзини юмасликни талаб қилиш (айниқса, телевидение кўрсатувларида) уларнинг илҳомини бўғади. Эркин ҳаракат қилолмайди. Шунингдек, стул устида ўтириб, микрофони бир хил масофани сақлаган ҳолда куйлаши ҳам табиийликка путур еткази ва бахши имкониятларини тўла очиб бермайди.

Дарвоқе, шуларгина эмас, аслида фольклоршунослар, зиёлилар халқ ижодкорлари ҳаётини, ижодини, репертуарини ўрганишга киришган вақтдан фанга катта ҳисса қўшган бўлсалар-да, гоҳо уларга салбий таъсир ҳам қилди. Бу мустабид тузум даврида аксарияти саводсиз бўлган, бироқ ўн мингдан юз минггача назмий ва насрий сатрларни билган бахши-шоирлар ижодига аралашуш, унинг айтиш усулини ўзгартириш маълум мавзулар билан чеклаш, анъанавий матнлар маъносини англамай таҳлил қилиш, сўзларни ўзича таҳрир этиш, замонавийлаштириш — барчаси жам бўлди-ю, бахшиларни довдиратиб қўйди. Улар эркин куйлай олмайдиган, бегоналар олдида ҳадиксирайдиган, ўрганувчи тадқиқотчи ёки ихлосмандга билганини ҳам айтмайдиган бўлиб қолишди. Бунини 30-йиллардаги катагон янада кучайтирди. Бахшилар ҳар қачон эл ташвишини, дардини, истакларини куйлаган, халқ ўртасида эътиборли бўлган. 30-йилларда эса улардан янги тузум

кураётганлар ҳам, мустақиллик учун курашаётганлар ҳам сиёсий курашлари учун фойдаланишга интилишган. Даврнинг машҳур куйчилари Абдулла шоир Нурали ўғли, Тоғай шоир Махмонов, Қурбонпўлат бахши, Фармон бахши, Бобоназар шоир каби кўплаб ижодкорлар қамалган, сургун қилинган, отилган. Уларнинг айримлари янги тузумга қарши чиққанлари учун, бошқа баъзилари янги тузумни мадҳ этгани учун жазоланганлар. Ҳатто улар орасида қариндошларининг ҳаракати учун ўлимга маҳкум қилинганлар ҳам бор. Жумладан, Қамашни туманининг Доқи қишлоғидан бўлган Бобоназар шоирни укалари миллий озодлик ҳаракатига қатнашгани сабабли 1932 йилда ҳибсга оладилар ва қатл этишади. Ўта чечан Бобоназар шоир қамокқа олиб кетишаётганда шундай бўзлаб айтган экан:

Осмон тегди бошим,  
Кўзим тўлди жошим.  
Товлар азон чалади,  
Мен шоир жилошим.  
Ишим тушди зўробаға,  
Қарамади харобаға,  
Босиб кетар энди чошки  
Мунов турган аробаға.  
Тоғларда бор бўзарай,  
Отим Бобоназарай.  
Уқраниб айта берсам,  
Мўминлар кўнглин бузарай.

Бобоназар шоир ўша куни бутун қариндош-уруғлари, қишлоқдошларини кўшиққа кўшиб, хайрлашиб, қайтиб келмаслигини айтиб барчани бўзлатган экан. Бу воқеани ва ёдида қолган ушбу парчани Рўзибой бобо айтиб берди.

Афсуски, бу биргина далил эмас, балки неча ўнлардан бири. Бахшилардан комфирқача ғоя, эътиқод, динсизлик талаб қилинган даврда улар кўркув ичида ҳадиксираб яшадилар. Қурбонпўлат бахшининг завол топган ёш умри, Фармон шоирнинг ўн беш йил саргардонликда кечган ҳаёти, Тоғай шоирни узоқ муддат Сибирда яшаб ўша ерда қолган болаларининг қабри, булбулдек сайраган Холиёр юзбошининг отилиши... Булар ўзбек бахшичилигининг,

Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилигининг фожиали нуқталаридир. Шу каби жабр-зулм бахшиларни кўрқувга солиб қўйди, кўрқув эса билганларини айтмасликка олиб келди, асрлар мобайнида шаклланган бизгача етиб келган дostonларнинг йўқсизлик қаърига қулашига сабаб бўлди.

Зеро, «Алпомиш»ни илк бор нашрга тайёрлаган, бахшиларни ғоятда қадрлаган, ўзбек дostonчилигини яхши билган Ҳамид Олимжон беҳудага Абдулла шоирга атаб «Дўмбиранинг мақтови» шеърини ёзган эмасди. Бу қашқадарёлик халқ бахшисининг маҳоратига, талантига, иқтидорига берилган муносиб баҳо эди. Шоирнинг айрим сатрларига назар ташлайлик:

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондан,  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.  
Сен қўлимда кезиб ўтдим жаҳондан,  
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Айланса-да рангим сариқ сомонга,  
Сени чалдим хор бўлмадим ёмонга.  
Қариганда етдим яхши замонга,  
Ёвларимга бўри бўлган, дўмбирам.

Сен бор экан ҳар иш келар қўлимдан,  
Сен бор экан ҳайиқмасман ўлимдан.  
Минг ўргилиб толе топган элимдан,  
Ўтирганда сўри бўлган дўмбирам.

Сенинг билан сўз бермадим мен ёвга,  
Сенинг билан бирга бўлдим ҳар овга,  
Сен динғиллаб олиб бординг Московга,  
Кўзларимнинг нури бўлган, дўмбирам.

Ҳ.Олимжон халқ термалари шаклида автобиографик характердаги бу шеърда Абдулла шоирга хос хусусиятнц, фазилатларни бера олган. В.Жирмунский ва Ҳ.Зарифлар ҳам Абдулла шоир ижодига юксак баҳо беришса-да, афсуски, замонасозлик туфайли бахшининг анъанавий дostonларидан деярли тўлиқ ёзиб олинмай қолган. Шу ўринда бир Абдулла шоирдангина эмас, Қашқадарё-Сурхондарё воҳасида яшаган, фольклоршунослар, ижодкорлар назари

тушган бошқа бахшилардан ҳам 20-50 йилларда мукамал ҳолда, бафуржа бирон дoston ёзиб олинмагани бир ажаблантирса, 1969 йилнинг охиригача бу воҳалардаги дostonчилик мактабларини эътироф этмаслик, уларни тан олмаслик икки бор ажаблантиради. Чунки дostonчилик бу ҳудудларда мунтазам давом этиб жонли жараёнда яшаб келмоқда, бир зум тинган, тўхтаган эмас. Бироқ ҳар ўн йилликда улар сони камайиб бориши афсуслантиради...

Айтганимиздек, воҳа дostonчилигини ўрганиш профессор Ҳ.Зарифнинг Абдулла шоирни кашф этишдан бошланган бўлса, 50-йиллардан Чори Ҳамро, Абумўмин Қаҳҳоров сингари фольклор ихлосмандлари, фидойиларининг мунтазам бошлаган экспедицияларида дostonларни ёзиб олиш йўлга қўйилди. 60-йилларнинг охири ва 70-йилларда айрим фольклоршунослар ҳам воҳада бўлишиб айрим дostonчилар билан учрашди, баъзи асарларни ёзиб олишди. Асосан икки фольклоршунос Чори Ҳамро, А.Қаҳҳоров ва ушбу китоб муаллифларининг саъйи-ҳаракати туфайли қоғозга ва магнитофон тасмасига юзга яқин дoston ёзиб олинди. Ёзиб олинган асарларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институтининг Фольклор бўлими ва Ҳ.Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтининг фольклор архивларида бўлса, асосий қисми А.Қаҳҳоров, Ч.Ҳамро ва бизнинг шахсий архивимизда сақланади.

Қашқадарёлик Қодир бахши Раҳимов, Қаҳҳор бахши Раҳимов, ака-ука Қора ва Чори Умиров, Рўзи Култўраевлардан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonини туркум сифатида шакллантирувчи «Барчин Бекач», «Шомурод», «Худоёр», «Йўлчибек» дostonлари бошқа воҳаларда учрамайди.

Воҳада мустақиллик туфайли устозлар айта олмай кетган дostonларни шогирдлар ижро этаётгани характерлидир. Масалан, машҳур дostonчи Қодир бахши 1982 йил «Нима айтай» термасида:

Аллоҳ дедим яратганга бош урдим,  
Темур ҳақда дostonимни яширдим.  
«Олчинбек»у «Ёзи билан Зебо»ни  
Куйлай-куйлай шогирдларга оширдим, —



деб буюк жаҳонгир Амир Темур ҳақида ҳам дoston би-  
лишини, аммо уни ошкора айтаолмасдан репертуарида  
яширинча асраб келаётганини эслатиб ўтган эди. 1969  
йилдаёқ Амир Темур авлодига мансуб Захириддин Муҳам-  
мад Бобур ҳақида «Ойчинор» дostonини ёздирган (китоб-  
ни фольклоршунос А.Қаҳҳоров ёзиб олган ва 1985 йил-  
да нашр этилган) Қодир бахшининг Соҳибқирон ҳақида  
дostonи ёзилмай қолганди. 90-йиллардаги истиқлол ша-  
бадаси билан ўғли Қаҳҳор бахшидан «Темур ва Боязид»,  
Рўзи бахшидан «Соҳибқироннинг туғилиши», Чори бах-  
ши Умировдан «Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги»,  
«Улуғ соҳибқирон» дostonлари ёзиб олинди. Бу далиллар  
эса Қашқадарё бахшилари репертуарида Амир Темур ном-  
ли туркум дostonлар мавжудлигини асослайди. Ўзбек до-  
стончилигида тарихий дostonлар нисбатан камдир. Фоль-  
клоршуносликда 20-йиллардаги ижтимоий-сиёсий тузум  
воқеаларини акс эттирувчи «Амир қочди» «Дастагул», «Қо-  
ракум», «Комсомолка Ойтўти», «Мардикор», «Жиззах  
қўзғолони» сингарилар тарихий дostonлар деб баҳоланган  
бўлса-да, улар тарихий дoston жанри талабларига жавоб  
бермайди. Бироқ қашқадарёлик Рўзи Қултўраевдан ёзиб  
олинган «Тўмарис», Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинган «Гав-  
ҳари Хуштар» (Аҳмад Яссавий ҳақида), «Самарқанд таро-  
вати» (Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти акс  
этган), «Маҳтумқули» (туркман шоири Маҳтумқулининг  
ҳаёти ва ижоди тўғрисида) номли дostonлар ва юқори-  
даги Амир Темур ва темурийлар ҳақида туркум дoston-  
лар зўрма-зўракилик билан, топшириқ билан ёзилмагани-  
дан бадийий юксак, тарихийлик ва бадийийлик уйғунлаш-  
ган, насрий ва назмий ўринлар мутаносиблиги сақланган,  
ҳаётийлик ва ҳаёлийлик ўзаро мослашган, эпик аъёналар-  
га риоя қилинганки, бу тарихий дostonларни алоҳида таҳ-  
лил этиш фақат Қашқадарё дostonчилиги хусусиятини  
кўрсатиб қолмай, умумфольклоршунослик, эпосшунослик  
соҳасида ҳам янги маълумотлар беради.

Ўзбек фольклоршунослигида дostonлар таснифида ах-  
лоқий дostonлар учрамайди. Бизнингча, қаҳрамонлик, жан-  
гнома, ишқий-романтик, тарихий ва китобий дostonлар  
сафига ахлоқий дostonларни ҳам қўшиш керак. «Оллана-  
зар Олчинбек» (Мардонакул Авлиёқул ўғли, Қодир бах-

ши Рахимов ва Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан уч варианты ёзиб олинган), «Қирқ қасамёд» (айтувчи Қаҳҳор бахши), «Ота дуоси» (айтувчи Қодир бахши) дostonларни ёзиб олиб (фақат Мардонакул ўғлидан биз ёзиб олмаганмиз) таҳлил қилар эканмиз, шу хулосага келдик.

Профессор Ҳоди Зариф Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилиги ҳақида фикр юритиб: «халқ бахшилари бир ўзбек кизи ҳаётида содир бўлган реал фактлар, воқеа ва ҳодисалар формасида «Келиной» номида кўшиқлар тўқий бошлайдилар. Бу тугалланмаган асар бахшидан бахшига ўтади», — деб кўрсатган бўлса, кейинчалик фольклоршунос А.Қаҳҳоров унинг 20 дан зиёд вариантларини ёзиб олди. Энг мукаммали эса шу олим билан 1976 йилда Қодир бахши Рахимовдан ёзиб олинган учинчи вариантмиз бўлди.

Яна Ҳоди Зариф ёзади: «Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, ўзбек дехқони ер ҳайдаш ва ўрим-йиғимда ишқий-романтик дoston «Ёзи билан Зебо»дан олинган кўшиқларни куйлайди. Ёзи дostonда ўз хўжайинининг кизи Зебони севиб қолган камбағал батрак, дехқон ошиқ образидир. Ер ҳайдашда дostonдан олинган кўшиқ асосан кўшчининг ўзи томонидан куйланади. Ҳосилни ўриб йиғиб олишда эса, кенг майдонда маълум бир тўда кишилар ишлаганлигидан уни махсус кўшиқчилар — ёзичи, ёзигўйлар куйлайди, қолганлари жўр бўлади. Ёзи ва Зебо ҳақидаги ривоят ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган бўлишига қарамай, ўзбек фольклоршунослари томонидан тўла ва тугалланган дoston ҳолида қўлга киритилган эмас. Бироқ ёзиб олинган тўла бўлмаган вариантлари, парчалар асосида у ҳақда маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Илмий ходим унинг йиғма вариантини тузиб, оммавий нашрга тайёрлади ва босилиб чикди. Бунинг қанчалик йиғмалиги ҳали кенг муҳокама талаб қилади. Бу соҳада ишларни давом эттириш, янги вариантларни ёзиб олиш, мукамал вариантлар тўпламини тайёрлаш зарур». Устознинг фольклоршунослар олдига қўйган бу вазифаси ҳам Қашқадарёда удаланди. Қодир бахши ва ўғли Қаҳҳор бахшидан яхлит композиция ва сюжетга эга бўлган, фақат дехқончиликкина эмас, чорвачилик, хунармандчилик

кўшиқларининг ҳам гўзал намуналарини воқеабандлик асосида ўзида жамлаган, халқ урф-одатлари, расм-русумлари, ирим-сиримлари билан йўғрилган, халқона одобномадаги «Ёзи билан Зебо»ни ёзиб олишга муяссар бўлди. Янги, мукамал вариант ҳақида «Алпомишнома»нинг 1-китобидаги «Қодир бахши — Шеробод дostonчилик мактабининг буюк вакили» фаслида бир оз фикр юритганмиз.

Хуллас, айтилганлардан кўринадики, умумўзбек дostonчилигининг ривожидида қашқадарёлик бахшиларнинг ўзига хос улуши, ҳиссаси бор. Гарчи ҳозиргача воҳа ижодкорларидан ўнлаб дostonлар ёзиб олинган бўлса-да, уларнинг нашр этилмаётгани, тадқиқотлар етарли эмаслигини таъкидлаш ўринлидир. Бугунги кунгача воҳа бахшилари репертуаридан «Болхувон», «Ойпарча», «Дастагул», «Қорақум» (айтувчи Умир бахши Сафаров), «Ойчинор», «Жархун мас-тон» (айтувчи Қодир бахши Раҳимов), «Нуралининг ёшлиги» (айтувчи Бозор Омонов), «Ҳасанхон» (айтувчи Зоҳир шоир Қўчқоров), «Оға Юнуснинг олиб қочилиши» (айтувчи Ҳазраткул бахши Худайбердиев), «Нуралининг банди бўлиши» (айтувчи Сайдулла Тоҳиров), «Соҳибқироннинг туғилиши» (айтувчи Рўзи бахши Қултўраев), «Ёдгор» (айтувчи Қаҳҳор бахши Раҳимов) дostonларигина чоп этилди.

Халқ бахшиларининг ўзларига хос поэтик йўллар билан бир-бирларидан ажралиши дostonчилик мактаби ата-либ, умумлашган эпик анаъана доирасида маълум бахши ва бахшиларга хос индивидуал ижодий хусусиятлар, йўллар, услублар ўзгачалиги, устоз-шоғирдчилик муносабатлари мавжуд экан, уларни фарқлаш эмас, ҳар бир поэтик мактабга хос дostonларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда юқорида чоп этилган дostonлардан «Нуралининг ёшлиги», «Нуралининг банди бўлиши», «Оға Юнуснинг олиб қочилиши» Қамай поэтик мактаби вакилларига, «Ҳасанхон», Норпой дostonчилигига (чунки Қашқадарё-Сурхондарёда Ҳасанхон ва ўғли Равшанхон ҳақидаги дostonлар эмас «Авазхон» наслий ва биографик туркум дostonлар кенг тарқалган ва кўп ижро этилади), қолганлари Шеробод дostonчилик мактаби вакилларига тегишлидир.

Демак, Чироқчи бахшилари репертуаридан ёзиб олинган бирон дoston нашр қилинмаган.

Воҳа дostonчилик мактабларида у ёки бу дostonни ижро этишда фарқ бўлгани ҳолда, аммо барча бахшилар «Алпомиш»дан куйлашни, «Алпомиш»ни айтишни биладилар. «Алпомиш» дostonи ижро этмаган бахши ҳисобланмайди. У дастлаб ўрганилиши лозим бўлган дoston. Шу сабабли унинг кўп ижро этилиши, оммавийлиги, бошқа туркум дostonларга, хусусан, бутун «Гўрўғли» силсиласида, жумладан унинг катта қисмини ташкил этадиган «Авазхон» наслий туркумига қарашли «Нурали ва Шерали» ҳақида дostonларда ҳам учраб туради. Яъни бахшилар Гўрўғли, Аваз, Нурали, Шерали мардлигини, жасоратини ёритишда, «Алпомиш» дostonидаги айрим эпизодларни қисман ўзгартириб, дostonга киритаверадилар. Бу гоҳо конфликтни юзага келтириш, образлар талқинида ҳам учраб туради. Айниқса, эпик ўринлардан кураш, кўпқари, пойга ва ҳоказоларда бу ҳолат кўпроқ учрайди. Масалан, Қодир бахши куйлаган «Малла савдогар» дostonининг иккинчи талқинида Аваз билан Ҳайит овшар ўртасида конфликтни юзага келтирган бож сўраш билан, Бойбўри ва Бойсарӣ ўртасидаги закотдан келиб чиққан зиддият ўхшашдир. Ёки шу вариантдаги Аваз ва Ҳайит овшар, Аваз ва Қора дев кураши тасвирида Алпомиш ва Қўқалдош олишувининг таъсири сезилади. Чори бахши эса «Таркибадашхон» дostonидаги, гарчи Аваз аждаҳони ўлдириб, Зулфизарга уйланаётган бўлса-да, Авазнинг полвонлигини таъкидлаш учун кураш эпизодини тасвирлайдики, бу Қоражон билан қалмоқ алпларининг кураши тасвирининг дeярли ўзи. Аваз кураш тушаётган полвонларнинг тасвири қуйидагича:

**Биринчиси:** таналари тепадай, каллалари қападай, ўзи хафадай, жовринлари супадай;

**Иккинчиси:** омон қутилмас қўлидан, карвон ўтади белидан, ўзи девларнинг хилидан, жун чиқиб кетган тилидан;

**Учинчиси:** ўзи одамнинг зўридай, бурни қараса мўридай, оғзи товларнинг ғоридай, жовринлари сўридай;

**Тўртинчиси:** симхоридай ҳар бир пути, ейди ернинг бети, соқолида ўйнар пити, питдан тўлган қатма-қати;

**Бешинчиси:** бурни пакининг кинидай, танаси девнинг танидай, билаги филнинг сонидай, кети дўлтанинг инидай;

**Олтинчиси:** оғзи очилган ялоқдай, гов калла супра кулоқдай;

**Еттинчиси:** қараса нағзи ёмондай, қанорга тикқан сомондай, элда юрмаган чобондай, товларда юрган қобондай.

«Алпомиш» достонида эса Қоражон курашган алплар тасвирига диққат қилайлик:

**Биринчиси:** шумурти ёкалаб ҳар ёққа кетган, ичида сичқонлар болалаб ётган, издан тушган пишак олтойда етган;

**Иккинчиси:** одам тушмас унинг айтган тилига, беш юз кулоч арқон етмас белига;

**Учинчиси:** оҳ урса оламини бузар товуши, тўқсон молнинг терисидан кавуши;

**Тўртинчиси:** қаҳрланса тошни ёрар қаҳари, тўқсон молнинг гўшти бўлмас наҳори, ҳар изига анча кетар баҳори;

**Бешинчиси:** олтмиш қари олачадан қалпоғи, тўқсон қўйнинг терисидан телпағи;

**Олтинчиси:** тўрт юз тўқсон кулоч қўлда ҳассаси, сарҳовуздан катта эди косаси, шуни билан ўн саккизта нашаси, тўқсон қарич бўздан бўлган киссаси;

**Еттинчиси:** Кўкалдош (15).

Гарчи бу ерда тасвирлар айнан такрорланмаса-да, аммо полвонларнинг муболағавийлиги, айнан етти полвон билан кураш тушиши бир хилки, бундай ўринлар романтик дostonларга «Алпомиш»нинг таъсири эканлигини кўрсатади. Ёки Қодир бахшида Авазхон ва Ҳайит овшар Санамгавҳар шартини бажариш учун курашга тушар экан, бу ўринда ҳам етти кишининг олишиш тасвири берилади. Ҳайит овшарнинг Қора девга кучи етмайди. Кўкалдош билан Алпомишнинг курашга тушгани каби Авазхон Қора дев билан бир ҳафта олишади. Алпомиш Барчиннинг сўзлари таъсирида Кўкалдошни маълум қилган бўлса, Аваз доимий раҳнамоларнинг ғойибдан берган далдаси билан Қора девни етган. Қодир бахшида ҳам, Чори бахшида ҳам қаҳрамон кураши етти паҳлавон билан юз бераётган экан, бу қўшалоклаштириш усулининг ҳам айнан кўринишидир.

Эпик қаҳрамон Алпомишга ёки қалмоқларнинг алпларига хос сифатларни тарихий шахсларга нисбатан қўллаш ҳам тез-тез учраб туради. Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинган

«Махтумқули» достонида бек золим Фаттохни Махтумқулига шундай таърифлаб, уни кўрkitмоқчи бўлади:

Тўққиз арқон етмас алп белига,  
Олти чўққи жой бўлади кўлига,  
Султонимиз сенга зор бўб қарайди,  
Улуғ гапни жойлагандай дилига.

«Алпомиш» достонидан тасвирлар, сифатлашлар, ўхшатишлар, эпик ўринлар бахшилар дилига жо бўлиб, бошқа достонларни куйлаганда, термалар яратганда у ёхуд бу тарзда тилига кўчиб янгидан жилоланаверадики, бу ҳодисани «Алпомиш» достонининг бошқа достонларга таъсирини ўрганиш алоҳида олинган чуқур тадқиқотларни талаб қилади. Биз ушбу вазифани кимдир уддалашига ишонган ҳолда Қашқадарё бахшилари мансуб достончилик мактабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида бир оз тўхталамиз.

# 2-қисм

## ҚАШҚАДАРӘ ДОСТОНЧИЛИК ПОЭТИК МАКТАБЛАРИ



## ЧИРОҚЧИ ДОСТОНЧИЛИК ПОЭТИК МАКТАБИ

Ўзбек фольклоршунослигида қадимий достончилик анъаналарини ўрганиш орқали В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, Т.Мирзаев, А.Қаххоров ва бошқа олимлар қатор йирик достончилар поэтик мактаблари мавжуд бўлганлиги ва борлигини кашф этишган.

Ўзбекистонда Кўрғон, Булунғур, Жума, Шеробод, Қўтирқишлоқ, Кўлбўкон, Қамай, Шаҳрисабз (Чироқчи), Нарпай, Пискент каби достончилик мактабларининг бевосита ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва тингловчилар талаблари асосида юзага келиши қонуний ҳодиса бўлиб, бу ҳол достончилигимиз анъаналарига қадимийлиги ва ниҳоятда кучлилигидан ҳамда бахшиларда истеъдод, бадиҳагўйлик ва иқтидор юксак бўлганлигидан дарак беради. Ҳаёт тақозоси достонларнинг куйланишига ва тингланишига бўлган ижтимоий талабу эҳтиёж достончилар билан бирлашгандан сўнггина бахшилар поэтик мактаблари юзага келган ва бу мактаблар қадимий анъаналарни давом эттириб, достончилик тараққиёти ҳамда унинг камолот босқичига кўтарилишида муҳим роль ўйнаганлар.

Достончилик мактабларига бирлашган ёхуд уларда таълим олган бахшилар куйлаган достон мактаб кўрмаган бахшилар репертуарларидаги достонларга қараганда анъанага муносабат, индивидуал бадиҳагўйлик, куйлаш-ижро санъати ва хусусан, достонларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари каби достончиликнинг муҳим масалаларида ажралиб турадилар. Шу боисдан ҳам бошқа жойларга нисбатан анъана кучли ва изчил достончилик мактабларида достон куйлаш анча масъулиятли бўлган. Бу ҳол бахшилар истеъдоди ва маҳоратларининг ўсишига, достонларнинг ғоявий-бадий жиҳатдан янада қиёмига етувига таъсир қилмай қолмаган албатта.

Ўзбек достончилиги ўзининг узоқ тарихига эга бўлганидек, бахши-шоирлар ўртасида кучли адабий анъана ҳам шунчалик қадимийдир. Қадимги замонлардаёқ, қаҳрамонлик ва ишқий-романтик достонларнинг яратувчилари ва ижрочилари эл орасида жуда машҳур бўлган. Бунинг учун Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» луғати ва бошқа манбалардаги айрим қайдларни, улуғ ўзбек шоири



ва мутафаккири Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Восифийларнинг асарларидаги маълумотларни эшлаш кифоя.

Ўзбек эпик ижодиётнинг айрим намояндалари XIV-XV асрларда шуҳрат қозониб, ўша давр ҳукмдорлари, шоирлару олимлари томонидан уларнинг маҳорати, истеъдод қобилиятлари эътироф этилган экан, ўзбек бахшилари поэтик мактабларига асос солина бошлаган даврни биз ўйлагандан кўра қадимийроқ замонлардан ахтариш тўғрироқ бўлади.

«Бу адабий мактаб — адабий доиранинг мазмуни шундаки»,... — деб ёзган эди академик шоир Фафур Фулом, — шогирдлар тарбиялайди, эскидан келаётган дostonларни ишлайди, янгиларини яратади, бир-бировлари билан ким яхши айтиш мусобақаларини ўйнайди... Бир-бировларини синовдан ўтказар эдилар. Айрим дostonни қай томон дуруст, мукамал, гўзал айтса тақдирлар ва уни ўрганишга, оммалаштиришга тиришар эдилар. Ҳатто бошқа мактабнинг кишиларини иккинчи мактабнинг устозлари тинглар, санъатига баҳо берар эдилар!

Устоз фольклоршунос Ҳоди Зариф шундай дostonчилик поэтик мактабларидан бири сифатида «Шаҳрисабз»ни аниқлайди. Илк бор Абдулла шоирни Шаҳрисабз (ҳозирги Китоб) районидаги Қайнарбулоқ қишлоғида кашф этиб, ижодини ўрганишга киришгач, Абдулла шоир Нурали ўғли Шаҳрисабз дostonчилик мактабининг вакили деган хулосага келади ва шу номли поэтик мактабни китоблар (монография, дарслик ва мақолалар)га киритади. Кейинчалик дostonчилик мактаблари ҳақида фикр юритган профессор Тўра Мирзаев ҳам устоз изидан бориб, Шаҳрисабз дostonчилик мактаби атамасини қўллайди. Бироқ воҳа дostonчилигини 45 йил мунтазам ўрганган Абдумўмин Қаҳҳоров Шаҳрисабзда дostonчилик мактаби бўлмаганини, балки Чироқчи районида мавжудлигини таъкидлайди. Сўнгги кузатишларга кўра хулосага келган Абдумўмин Қаҳҳоров ўзининг кўп йиллик кузатишлари, Қашқадарё-Сурхондарё бахшиларининг устоз-шогирдчилик шажарасини ўрганиши ва тузиб чиқиши, устоз-шогирдлик анъанаси, Абдулла шоир Нурали ўғли билан бўлган учрашув ва суҳбатлари натижасида Шаҳрисабз поэтик мактаби ўрнига Чироқчи атамасини қўллаш зарур

деганда ҳақдир. Биз фольклоршунос А.Қаҳҳоров фикри-ни куйидагиларга асосланиб маъқуллаймиз:

1. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовнинг жанубий Ўзбекистон дostonчилигини, ундаги устоз-шогирдлик анъанасини чуқур ўрганишга имкони бўлмаган илмий командировка билан боғлиқ вақтнинг қисқалиги бунга йўл бермаган. Шу сабабли Абдулла шоир Нурали ўғлини Шаҳрисабз дostonчилик мактабига мансуб деб йўлма-йўлакай айтиб кетган, холос.

2. Ушбу устоз фольклоршунослар Абдулла шоирга хос хусусиятлардан асосийси матнни шўх айтишда деб кўрсатганда ҳақ. Аммо бир фикр Абдулла шоирга эмас, Чироқчи поэтик мактаби вакилларининг ўзига хос ижро усули сифатида барчасига тааллуқлидир. Дарвоқе, Абдулла шоир ўз устози чироқчилик Ражаб шоирнинг дostonларини шўх айтишини эътироф қилган. Кексаларнинг, хусусан, икки воҳа дostonчилигининг кўп ўрганган Чори Ҳамро, А.Қаҳҳоровларнинг айтишига ва кузатишимизга кўра Самарқанд бахшилари ҳам тан олган Мардон шоир ва унинг укаси Тоғай шоирлар шу хусусият билан ажралиб туришган. Чироқчи бахшиларининг сўнгги вакиллари Шомурод бахши Тоғай ўғли, Азим бахши Хўжаевлар ҳам фақат дoston матнларини шўх айтиши билангина эмас, ўзига хос қизиқчилиги билан ҳурмат қозониб келмоқда.

3. Бахши шоир қаерда туғилиб, ўсиб-улғайишига, яшашига қараб эмас, устоз-шогирдчилик анъанаси, устознинг репертуарини, айтиш усулларини, соз чертиш йўллариини ўрганиши, ўзлаштиришига кўра бирон дostonчилик мактаб давомчиси бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда Абдулла шоир Нурали ўғли Чироқчи поэтик мактаби вакилидир.

4. Маълумки, бахшичилик деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ўртасидагина мавжуд бўлган. Аввал мавжуд бўлса-да, шаҳарларнинг юзага келиши, ҳунармандчилик, илм-фан, маданиятнинг юксалиши бахшичиликни сиқиб чиқарган. Шунинг учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши сингари шаҳарларда дostonчилик мактаблари бўлмаган.

5. Бир устоздан сабоқ олган икки шогирд кейинчалик ўз ижро усули анъанавий матнлари бадиҳа йўли муста-

қил ишлаши, эволюция еки интерпритацияга олиб келган ҳолда янги бир поэтик мактабга асос солган устоз даражасига кўтарилиши мумкин. Абдулла шоир бунга эришмаган. У қанчалик шуҳратли бахши бўлмасин, ўзидек бадиҳагўйлик ва ижрочилик ҳофизаси кучли шогирд бахши етиштирилган эмас. Шу сабабли у туфайлигина Шаҳрисабз поэтик мактаби атамасини қўллаш ножоиздир.

Хулоса шуки, илмдаги вақт ва шароит билан боғлиқ дастлабки бироз адашишлар, хатоликлар ҳам ким томонидан айтилган бўлмасин, тузатилмоғи лозим. Шу маънода Шаҳрисабз ўрнига Чироқчи поэтик мактабини қўллаш фурсати аллақачон келди ва шундай қилган тақдирда В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов фольклоршунослик соҳасида бажарган улуғвор ишлар натижаси мутлақо камаймайди.

Дарвоқе, фикримизни таниқли фольклоршунос Т.Мирзаевнинг қуйидаги хулосаси ҳам тасдиқлайди: «Бирсон ердан бир дostonни ёзиб олиш ёки ўша ерда бахшинини яшашлиги мазкур қишлоқ ёки районда поэтик мактаб борлигини кўрсатмайди, балки у эпоснинг тарқалиш чегараларини белгилаш учун муҳимдир». Айни вақтда Абдулла шоирнинг ўзи суҳбатларида: «Ражаб шоирнинг уйида бир йил юрдим. У билмаган дoston йўқ эди. Гўрўғлининг ўзини ўттиз дoston қилиб айтарди. Менга доим даврада қаддингни тик тутиб айт дегани учун эгилиб айтмайман», — деганда (фольклоршунос А.Қаҳҳоровнинг 1953 йил бахши билан бўлган суҳбатидан), уни яна Шаҳрисабз мактаби вакили деб аташга ва бир талантли бахши боис ўша жойда сунъий ҳолда дostonчилик мактабини бор қилиб кўрсатиб иккинчи жойдагини тугатишга, йўққа чиқаришга асос ҳам, ҳожат ҳам йўқ. Гап Абдулла шоир Нурали ўғли ҳақида кетар экан, ҳамкасбимиз Т.Турдиевдан узр сўраган ҳолда, «Шажара» рисоласидаги Абдулла шоир ва Ражаб шоирнинг устоз-шогирдлиги ҳамда Абдулла шоир ва Чори Ҳамро ҳақидаги фикрларига озгина изоҳ бериб кетайлик. Муаллиф Ражаб шоирни Шеробод дostonчилик мактабининг асосчиси Шерна бахшининг мактабида таълим олган дейди. Йўқ, асло. Ражаб бахши (1846-1897) Қамашининг Тўқбой қишлоғидан бўлган Искандар шоир (XIX аср 70-йилларида вафот этган)нинг шогирди. Искандар шоир эса Ғузорлик Холназар шоир-

нинг, Холназар ўз навбатида Рустам шоирнинг шогирдидир. Эҳтимол муаллиф Шернанинг Дехқонободлик Ражаб бахши (1886-1990) номли шогирди билан Чирокчилик Ражаб шоирни алмаштиргандир.

Т.Турдиев Абдулла шоирнинг Ражаб шоирга шогирд бўлишини шундай изоҳлайди: «... уч кун давомида Ражаб шоир 40дан ошиқ дostonдан парча куйлаган бўлса, шуларнинг барчасига Абдулла шоир ўз сози-ю овози билан жавоб берган. Худди шу кунлари Ражаб шоир Абдулла шоирни шогирд деб пешонасидан ўпган. Уч кунлик зиёфатдан сўнг Абдулла шоир Ражаб шоир билан бирга Чирокчига кетади ва Ражаб шоир яшаган Куччи қишлоғида бир йил давомида устози билан мулоқотда бўлиб, оқ фотиҳа олгач, Қайнар қишлоққа қайтиб келади». Аввалроқ таъкидлаганидек, устоз-шогирдлик анъанасига кўра ва одоб юзасидан ёш, бошловчи бахши таниқли, доврукли устоз билан айтишмайди. Иккинчидан, уч-кеча кундуз машҳур бахши билан айтиша оладиган йигитнинг шогирдликка тушишига ҳожат қолмайди. Учунчидан, Қашқадарё-Сурхондарё бахшилар нечоғли таланти бўлмасин, уч-кеча кундузда 40 дoston айтмайди, айтиб улгура олмайди ва бунга ҳожат ҳам йўқ. Чунки дostonчидан халқ (тингловчилар) бошлаган дostonни тўлиқ айтишни талаб қиладики, бу анъана ҳамон мавжуд.

«Шажара» муаллифи Абдулла шоирни, Чори Ҳамро 40 ёшларида таниб кашф этганини таъкидлайди. Ҳолбуки, Ҳоди Зариф Абдулла шоирдан «Алпомиш»ни тинглаганда бахши 57 ёшда, Чори Ҳамро 9 ёшда ёки шоир Москвага борган ва донг таратган пайтда 63 ёшда бўлажак тадқиқотчи эса 17 ёшда эди. Демак, Абдулла шоирни «кашф» этган, уни ижодий-адабий доирага жалб қилган Ҳоди Зариф эканлигига шубҳа йўқ. Бундай дейиш Чори Ҳамронинг фидойилик, заҳматкашлик билан Абдулла шоир ҳузурида кўп бўлганини, репертуаридаги асарларини бошқалардан кўп ёзиб олганига асло соя солмайди. Албатта, булар кўпол хатолар, катта камчиликлар эмас. Аммо илм-фанда ҳар кимнинг хизматини холисона баҳолаш, ҳар бир халқ талантини, хизматини тўғри кўрсатиш зарур. Чунки кўлига дўмбира ушлаб, ички овозда айтадиган ҳар бир таланти-ю талантсиз, иқтидорлию иқтидорсизларни бир

хил макташ, матбуотда, радиою «ойнаи жаҳон»да бир қолипда шарафлаш кучайиб кетмоқда. Асли бадихағўй бахшилар эса кундан-кун камайиб кетмоқда...

Юқорида таъкидлаганимиз Искандар шоирнинг куччилик икки шогирди: Ражаб шоир ва Тўра шоирлар Чироқчи дostonчилигини бошлаб берганлар. Ҳозирча бу мактабнинг Элтой шоир, Мардон шоир, Тоғай шоир Маҳмонов, Эдига шоир (Самарқанднинг Челак тумани), Йўлдош шоир (Жом тумани) Орол шоир, Ниёз шоир, Сафар шоир, Худойберди шоир, Қоржов шоир, Муҳаммад шоир, Хушвақт шоир, Дониёр шоир, Мурод шоир Дониёр ўғли Қўзи шоир, Тўкли шоир, Ўсар шоир Эркаев, Шомурод шоир Тоғаев, Эрасан шоир, Оққўзи шоир, Эшонкул шоир, Азим шоир, Нарзулла шоир, Ёдгор бахши Азимов, Ҳамро шоир Эргашев, Мустафо шоир сингари ўттиздан ошиқ вакили маълум. Булар орасида дostonчилик анъанасини давом эттиришда, устозликда Маҳмон шоирнинг ўғли Мардон шоир (1880-1919) нинг шухрати баланд бўлган. У Чироқчи, Кўкдала районлари ва Самарқанддан ўндан зиёд шогирд этиштирган. Самарқанд бахшилари орасида ҳам айтишиб хурмат қозонган Мардон шоир ўттиз тўққиз ёшида вафот этади. Ундан ҳеч нарса ёзиб олиб қолинмаган. Укаси Тоғай шоир эса шўро даврининг азоб-укубатларини кўриб 1932 йилда Сибир қилинган. Йўқсизлик, совуқ туфайли хотини, айрим фарзандлари Сибирда ҳалок бўлган. Узоқ муддатдан сўнг қишлоғига қайтиб келиб 1976 йилда вафот этади. Ўғли Шомурод бахши Россияда болалар уйида тарбияланган, рус тилида савод чиқарган ва 16 ёшида отаси топиб олиб келган.

Шомурод Тоғаев дostonчилик сирларини 17-18 ёшдан бошлаб отасидан ўргана бошлайди. Тоғай шоир репертуарида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Равшанхон», «Ғаждумхон», «Шохдорхон», «Авазнинг Зулфизарга бориши», «Авазхоннинг Балхга сафари», «Шералининг отасини излаб Ҳиндистон бориши», «Юсуф Аҳмад», «Авазнинг арази», «Нурали» дostonларини ўзлаштириб олади. Унинг феъл-атворида Чироқчи бахшиларига хос шўхлик, қизиқчилик, ижро усули сақланиб қолган. Ўзбек ва рус тилларида куйлай олади. У «Қашқадарём», «Дўмбирам», «Яхши билан юрсанг» термаларини яратган. Айниқса, «Маҳкам чол» термаси

унинг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Унда эрини сургун қилдирган Маҳкамчолга Рангсангулнинг ва фарзандларининг нафрати, ғазаби ифодаланади. Отасини соғинган гўдаклар:

Кўчқорнинг манглайлари дўнг келар,  
Мунчалар ҳам пешонамиз шўр келар.  
Айтгин дейман, айтгин дейман, энажон,  
Отажоним менинг қачон, қачон келара.

Баҳор ўтди ёзлар ўтди, мана келди тирама,  
Энажоним, энажона, отагинам келама,  
Сенинг ёринг, менинг норим, келагайса, энажон,  
Сендай энам Бойбичадай бўлиб шодон юрама, —

деб зорланганда Рангсангул фарзандларга шундай жавоб беради:

Рангсангулман, Рангсангул,  
Пўпакларим қирқтангул,  
Билмаганим билдирдинг,  
Паймонамни тўлдилинг,  
Оёғимдан тайирдинг,  
Севар ёрдан айирдинг.  
Йигит ўлгир, Маҳкамчол,  
Яшамагур, Маҳкамчол,  
Уйинг куйгур, Маҳкамчол,  
Худой ургур, Маҳкамчол.

Бу Шомурод бахшининг ўз дарди, аламини ифодалайдиган терма кўшиқ. Ёшлиқдан онадан етим қолиш, отадан ўн олти йил тирик айрилиш аламларини шу термага жамлаб, гоҳ бола бўлиб зорланиб, гоҳ она бўлиб йиғлаб айтади шоир. У эллик йилдан буён шу термани дўмбирани зорлантириб, ингратиб, йиғлатиб, йиғлаб айтади. Шомурод бахши 1985 йилдан буён вилоят ва республика бахшиларининг кўрик-танловларида қатнашиб совринли ўринларни олиб келмоқда. У Чироқчи дostonчилик мактабининг сўнгги вакилларида бири бўлиб, унинг ижоди ўз йўли, ўз усули бор.

Нарзулла Холмўминов Чироқчи дostonчиларидан бири бўлиб, 1923 йилда Работ қишлоғида туғилган. Унинг ус-тозлари Ҳаким шоир (Қамашидан), Тоғай шоир ва Кўзи

шоир (Чироқчидан) бўлишган. Нарзулла бахши Ҳаким шоирдан «Қирқ шоир», «Санам ва Баҳодир», «Дилмурод», Тоғай шоирдан «Гўрўғли», «Гўрўғли Кашмирда», «Ойпарча», Кўзи шоирдан «Болхувон» дostonларини ўрганганини қайд қилади. Шу ўринда яна бир бор ёдга олиб қўйиш керакки, бир ҳудудда яшаган бахши ўша жойдаги дostonчилик мактабига мансуб бўлмаслигини юқорида айтган эдик. Нарзулла шоир ўзига устоз деб билган Ҳаким шоир Қамай поэтик мактабидан бўлса, иккинчиси Кўзи шоир ҳам устозларидан бирини қамайлик мулла Бозор Омонов деб кўрсатади. Шу икки устознинг йўли Нарзулла шоирга кўпроқ таъсир этгани боисданми, унинг ижросида ҳам, характерида ҳам шўхлик, қизиқчиликка мойиллик сезилмайди. Балки офирлик, сиполик, шошмаслик кўпроқ кўзга ташланади. Бу хусусиятлар кўпроқ қамайлик бахшиларда борки, бу ҳақда қуйироқда фикр юритамиз. Бахши репертуаридаги дostonлардан тўлиқ ёзиб олмаганимиз боис ижодини етарли баҳолаш имконига эга эмасмиз. Аммо созни (дўмбирани) яхши чертади. Ўзи ҳозир дўмбиракаш уста сифатида ҳам элга таниш. Овози ёқимли, дostonлардан парчалар айтганда матнлар дуруст чиқади. Анъанавий термалар куйлаш билан бирга ўзи ҳам «Урушга минг ланъат», «Пойтахтим», «Қишлоғим», «Тошкент қизларига», «Қарши чўлидан салом», «Бойлар бўри бўлди», «Қашқадарё» сингари термалар яратган. Бадиҳа йўли билан термалар ярата олишини кўрик-танловларда бир неча марта кўрганмиз. Дарвоқе, Қашқадарёда ҳар йили бахши-шоирлар, дўмбиракашлар, сибизғачилар, чанқовузчилар кўрик-танлови ўтказилади ва бахшиларга қутилмаган мавзуда бадиҳа йўли билан терма яратиш вазифаси қўйилади. Масалан, бир йили «Ўтирган ўтовни таърифланг» дейилса, иккинчи йил ёзилмаган оқ қоғозни таърифлаш айтилди. 1999 йил эса «Алпомиш» дostonини бошлаган жойидан узлуксиз давом эттириш билан биргаликда Абдулла шоирнинг 125 йиллигига бағишлаб бадиҳа йўлида терма яратиш шартлари қўйилди. Чунки танлов Абдулла шоир юрти Китобда бўлаётган ва «Алпомиш» дostonининг улкан тўйига ва Абдулла шоирнинг юбилейига бағишланган эди. Кўрик-танловдан қатнашган ўн саккиз бахши-шоирдан саккизтаси «Алпомиш» дostonининг сюжетини яхши билмаслигини

кўрсатган бўлса, ўнтаси бадиҳа йўли билан терма ижод қила олмади, иккитаси умуман шартга амал қилмади. Кўрик танловни бу тарзда ташкил қилиш афзаллиги шундаки, давранинг ўзидаёқ ижрочи, ижодкор ва ҳаваскор бахши кўриниб қолади. Ҳайъат аъзолари улар маҳоратини баҳолашда хатоларга йўл қўймайди ва бахшилар республика кўрик-танловларидагидек ўрин учун тортишиб кўнгил хиралик чиқара олмайдилар.

Аммо бугунги фольклоршунослик фанининг оқсаётгани, амалий ва назарий фольклоршуносларнинг кўнгилдагидек ишламаётгани шундаки, улар бадиҳагўй бахши-шоирлар ижодини ўрганмаётир, асарларини ёзиб олмаётир ва таҳлил қилмаётир. Бунга биргина Нарзулла шоир 76 ёшга кирса ҳам, бирон достони ёзиб олинмагани, ҳатто Абдулла шоирдек даҳо бахшидан ҳам биронта анъанавий достон тўлиқ ёзиб қолинмагани ёрқин далилдир. Ҳолбуки, Шомурод бахши, Нарзулла бахши, Ўсар бахшилар ҳам кексайиб қолди. Агар шулардан ҳам ҳеч нарса ёзилмай қолса, Чироқчи поэтик мактабининг шуҳрати ҳам, ўзи ҳам сўнади. Чунки издан келаётган, дostonчилик анъанасини изчил, тўлиқ ўрганаётган шогирдлар йўқ. Бир вақтлар гуркираб бутун республикада танилган устозлар қолмади ҳисоб. Аммо улар ҳақида хотиралар, ривоятлар асосида яшаб ўтган бахши-шоирлар номи яшамоқда.

«Чироқчи туманининг Қозоёқли (аслида Ҳозоёқли) кишлоғида дoston айтувчи бахши-шоирлар сулоласи ўтган, — деб хотирлайди Қарши давлат университети доценти Жўра Қултоев, — шулардан Ёдгорбой бўлиб, унинг тўққизта ўғли ҳам соз чертиб, кўшиқлар куйлаган. Аммо ака-укалар орасида Аваз ва Авазнинг ўғли Хўжан шоир машҳур бўлган. Хўжан полвонликда ҳам шуҳрат қозониб елкаси ерга тегмаган, дoston куйлашда давраларни қойил қолдирган.

Бир кун кексайган Хўжан шоир тумандаги Ҳайитгул кишлоғида бир одамникида кўноқ бўлибди. Мезбонлар бахши келди, бахши келди деб, Хўжан шоирни шодон кутиб олибди. Кўни-кўшнилар йиғилиб, бир кўйни сўйиб гўштини қозонга солибди-да, Хўжан шоирга айттиришни бошлабди. «Мен чақирай дostonларни киш-кишлаб, маъкулини ўзингиз олинг ушлаб», — деб, илтимосларга



кўра «Алпомиш» бошлабди. Тун яримдан оққанда, курашда Алпомиш ғолиб келганда, Хўжан бахши қишлоқнинг нега Ҳайитгул деб аталишини сўраб олибди-да, шу ерда эшитганларини дoston қилиб куйлабди. Унинг мазмуни шундай экан. Бир вақтлар шу қишлоқда катта тўй бўлибди. Тўйда кураш қизигандан қизибди. Шунда йўлдан ўтаётган карвон ҳам тўхтаб, тўртта йигит изма-из курашга туша бошлабди. Карвондан қўшилган тўрт йигит даврадаги ҳамма зўр полвонларни йикитибди. Қишлоқ аҳлининг орийатдан бели букилиб, юзи қизарибди, узок маслаҳат қилиб Ҳайитгул исмли келинчакка қайнотасидан рухсат олиб, уни эркакча кийинтириб, даврага бошлаб келибди. Ҳайитгул тўрт полвоннинг энг кучлисига талабгор бўлибди. Йигитлар ҳам ўзаро келишиб зўрини Ҳайитгул билан курашга чиқарибди. Ҳайитгул урф-одатга кўра дастлаб йигитнинг қўлидан ушлаб (қўл бериб) танишган бўлибди. Сўнг дастлабки қафасдаёқ чап ёндан қўш чил (қўш оёққа) олиб полвоннинг елкасини ерга искатибди... Йикилган йигит дўстларига: «Қўлини ушлаганимда бутун баданим жимирлаб, қўлим қалтираб кетди, жоним чиқай деди, бу эркак эмас», — деган экан. Ана шу паҳлавон келин Ҳайитгул қишлоқ орини олгани учун, қишлоқ номи Ҳайитгул аталган, ундан дунёга келган Оловхон, Мавлон, Абдусаттор, Хушвақт, Махмадали, Исоқлар елкаси ер кўрмаган (ҳеч кимдан йикилмаган) полвон бўлиб ўтишган экан.

Хўжан шоир шуларни айтиб келиб, уларнинг авлоди иккинчи жаҳон урушида Алпомишдек асирга тушганини таърифлаганда, етти ёшдан етмиш ёшгача йиғлаган экан. Шунда Хўжан шоир: «Севаркансиз дostonни, обод қибсиз бўстонни, аммо сўйган гўшт қани, қайноқ куйруқ тўш қани? Қайнаб пишса-да ўзи, солинмагандир тузи», — деб синчковлик билан шўрвага туз солинмаганини эслатиб кўйибди».

Шунингдек, Жўра Қултоев отасининг дўсти Ниёз шоирнинг дўмбирани сайратиши, «Алпомиш»ни куйлаб дилларни яйратиши ва бахшилар ҳақида яна кўп хотираларини сўзладики, биз бу ҳақда: «Хотираларда яшар бахшилар» китобида тўхталамиз.

Ҳозирча, у чироқчиликми, бойсунликми, самарқандликми, водийликми, Қорақалпоғистонданми, Хоразмдан эканлиги-

дан қатъи назар, халқ бадий ижодига доир бирон жумлани, халқ ижодкорлари ҳақида ҳатто кичик бир хотира, ривоят ва афсонани бизгача сақлаб келтирганларга ташақкур айта, ёритаётган мавзуга нуқта қўямиз.

## ҚАМАЙЛИК БАХШИЛАР

Қашқадарё ва Сурхондарё водийсида назм кучига, куй сеҳрига бахши санъатига эътибор ўта кучли бўлганидан бу ҳудудда созни сайратиш маҳорати, дoston куйловчи ижодкорлар иқтидори, таланти ҳақида афсона ва ривоятлар шу қадар кўп, шу қадар ранг-барангки, эшитиб адофига етиш, қоғозга тушириб улгуриш мушкул. Халқ ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалардан олган таассуротларини, қаҳрамонлик ва эзгуликларни қўшиққа солмасдан яшай олмагани каби, ўзларининг юксак орзу-умидларини куйлаган бахши-шоирлари, сеҳрли созининг садолари билан рухий таъсир этган созандаларининг фазилатларини афсоналар ва ривоятлар қатида асраб авлодлардан-авлодларга ўтказиб келмоқда.

Ривоят қилишларича, қадим ўтган замонда бир подшо бўлиб, қўшиқни, куйни мутлақо ёқтирмас экан. Шу сабабли у ким қўшиб куйласа, созни сайратса ўшани ўлимга маҳкум эта берибди. Бора-бора қўшиқ ҳақида, куй тўғрисида оғиз очганни ҳам ўша лаҳзадаёқ қатл этадиган одат чиқарибди. Кунлардан бир куни подшонинг вазири билмасдан: «Олампаноҳ боғингиздаги булбулнинг қўшиқ айтишини қаранг-а», — деган экан, подшо уни шу ондаёқ ўлимга буюрибди. Булбулни тутиб калласини узиб ташлашга, боғига ўт қўйишга фармон берибди. Сўнгра: «Кимда-ким қўшиқ сўзини тилга олса ўзи ўлимда, боши талонда», — деб жар солдирибди. Барибир қўшиқ тўқилаверибди, соз янграйверибди. Нима қиларини билмай, гаранг бўлиб қолган подшо ҳадеб жаҳл қилавергач, касалга чалиниб қолибди. Подшонинг яна бир доно вазири бор экан. Подшо уни ўз ҳузурига чақириб: «Нима қилсанг қил, касалимнинг давосини топ!» — деб буюрибди. Шунда вазир: «Касалингизнинг давоси кўнгилхушлик, яъни куй тинглаб қўшиқ эшитиш», — деб жавоб берибди. Бунини эшитган подшо: «Менга шаъма қилаяпти», — деб ўйлаб,

дарғазаб бўлибди ва вазирни жаллод қўлига топширибди. Табиб чақиртирибди. Табиб ҳам подшонинг куй ва қўшиқ билангина дарддан холи бўлишини айтибди. Фазаб отига минган подшо табибни ҳам ўлдиртириб юборибди. Табиблар чақиртираверибди, улар бир хилда тузалиш омилини айтаверибди ва ўлимга маҳкум бўлаверибди. Шу-шу юртда табиб ҳам қолмабди. Бир куни кўчадан бир мусофир ўтиб қолибди, табиб тополмай юрган жаллодлар уни тутиб олиб, «табиб» деб хукмдор хузурига келтиришибди. Подшо унга қараб: «Эй мусофир! Сени менга табиб деб айтишди. Менинг касалимни, борди-ю, даволай олсанг, подшолигимнинг ярмини бераман, агар тузата олмасанг танангдан каллангни жудо қиламан», — дебди. Шунда ҳалиги мусофир: «Мен табиб бўлмасам, қандай қилиб уни даволайман. Подшонинг авзойи жуда ҳам бузук. Барибир ўлдирадиганга ўхшайди, кел, таваккал қилиб тузатсам тузатайда, ўлимим олдидан мазза қилиб қўшиқ айтиб олай, — дебди ичида. Сўнг овозини чиқариб, подшога қараганча: «Хўп, тузатсам тузата қолай,» — дебди. Мусофир шундай дебди-ю, хуржунидан дўмбирани олиб, баланд овоз билан қўшиқ куйлай бошлабди. У подшонинг ҳой-ҳойи-ю бақириб-чақиршига парво қилмабди. Подшо жаллод чақиршига чунонам ҳаракат қилармишу, аммо мадори етмасмиш. Аста-секин кучдан кета бошлабди. Ниҳоят, ҳолдан тойиб қаттиқ ухлаб қолибди. Шу ухлаганча тўрт кечаю тўрт кундуз уйғонмабди. Мусофир ҳам тинмай қўшиқ айтаверибди. Бир замон подшо уйғониб қараса, соппа-соғ бўлиб қолган эмиш. Подшо хурсанд бўлиб: «Мени даволадинг, ваъдамни бажараман. Ол, подшолигимнинг ярмиси сеники. Лекин бир шартим бор, қўлингдаги дўмбирангни синдириб, овозингни ўчирасан. Бошқа қўшиқ айтмайдиган бўласан», — дебди. Шунда мусофир: «Марҳаматли олампаноҳ, менга подшолигингизнинг ярмиси тугул, чораги ҳам керак эмас!» — деб жавоб берибди. Подшо: «Бўлмаса, тила тилагингни», — дебди ҳайрон бўлиб. Мусофир: «Қўймадингиз-қўймадингиз-да, ҳа, майли сўрасам сўрай қолай, касалингизни тузатаман деб овозимнинг ярмини йўқотдим. Шу овозимни топиб берсангиз бўлгани», — дебди. Подшо қўл остидагиларни чақириб қўшиқ айттирибди, бўлмаб-

ди. Кейин ҳаммага бир-бир айттира берибди, бирининг овози иккинчисидан ёқимсиз эмиш. Ҳеч кимнинг овози мусофирникига ўхшамасмиш. «Подшолигимнинг ҳаммасини ол, фақат мени бу мушкул ишдан қутқаз», — деб ялинибди ҳукмдор. Мусофир бўлса: «Олампаноҳ, мен шоирман, овозим шоир овози. Сиз мамлакатингиздаги шоирлару созандаларнинг барчасини ўлдиртириб юбормаганингизда эди, бундай касалга дучор бўлмас ва шоир овозига ўхшаш овоз топман деб шунчалик қийналмас эдингиз. Энди ҳеч бўлмаса овозимга ўхшаш овоз топиб бермагунингизча ҳеч ёққа кетмайман», — дебди. Шу-шу бўлибди-ю, подшо аввалги фармонини бекор қилиб: «Подшони даволаб оёққа турғазган шоир овозига ўхшаш овоз топилмагунча шоирлару созандалар яшай берсин, қўшиқ айтилаверсин», деб фармон берибди. Амри подшо вожиб бўлиб, қўшиқ қайтадан қанот қоқа бошлабди...

Бу сўз санъатининг қудратига, мусиқанинг жозиба кучига, сеҳрига нисбатан тўқилган афсона. Биз уни 1969 йил Қашқадарёга уюштирган дастлабки экспедициямиз даврида ёзиб олган эдик. Ўша илк бор қатнашганимиз фольклор-диалектологик-этнографик комплекс экспедиция бизни бир умр бу воҳа фольклорининг муҳибига, тадқиқотчисига, ўрганувчисига айлантириб қўйишини билмас эдик. Шу сафаримиз даврида Қашқадарё барча туманларида бўлди, ўнлаб бахши-шоирлар, дўмбиракашлар, сибизғачи-ю, чанқовузчилар, эртакчи-ю қўшиқчилар билан учрашдик. Бу сафарда биз сеҳрли оламга кириб қолганимиздан ўттиз беш куну тун қандай ўтганини сезмай қолганмиз. Воҳа, жумладан Сурхондарё, Тожикистон ва Туркменистоннинг бир қисмида ўтказилган экспедицияда илк бор халқимизнинг буюклигига, бахшию созандаларга, ҳатто уларни ўрганувчиларга ҳурмати, марҳамати, иззати, муҳаббатини кўриб ҳайратдан лол қолганмиз.

Мухтарам китобхон! Эҳтимол, Сизга бу муболаға туюлар, аммо биз шунга гувоҳ бўлдиқ, 25 нафар экспедиция аъзолари бирон туманда ёхуд қишлоқда меҳмонхонада ётмади, умумий ошхонадан овқат емади. Қаерга бормайлик, у қишлоқми, туман марказими ёхуд чўпоннинг ўтовими — у ерда қувонч билан қаршилашди. Ҳеч кимнинг чехрасида шунча меҳмонни қандай жойлаштираман, қан-

дай едириб-ичираман деган ташвишни кўрмадик. Нон кам бўлса, тандирлар ёқилди, ўчоқларга қозонлар осилди, хуллас, ўзбекона меҳмоннавозлик, қашқадарёликларга хос тангилик билан кутиб олинди. Шуларнинг меҳри, саховати, бағрикенглиги, меҳридарёлиги боис халқ оғзаки поэтик ижодининг барча жанрларидан бой материаллар тўпладик. Тўй ва аза маросимларида урф-одатларни ўргандик. Бахшилик поэтик мактабларидаги ўзига хосликларни ва умумўзбек дostonчилигига ўхшаш жиҳатларни кузатдик. Қашқадарёдаги дostonчилик мактабларини ҳам ўшандан қизиқиб билишга, ўрганишга киришдик. Вазирлар Маҳкамасининг машхур қарори шарофати билан ташкил қилганимиз «Алпомиш изидан...» экспедициясида ҳам худди шундай бўлди...

Мана, орадан неча-неча йиллар ўтиб, нақд ўттиз йилдан кейин Қашқадарёда дostonчилик тўғрисида хусусан, Қамай дostonчилик мактаби ҳақида ўрганган, эшитган, билганларимизни баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилиб турибмиз. Биз билганда олтмиш бахшили Қамай дostonчилиги сўниб улгурган, у ҳақда ёзиш оғир дардга, аламга айланган бир пайтда у ҳақда фикр юритиш оғир. Юрак зирқирайди сози яйраб, тили сайраб турган бахшилар бугун йўқлигини ёдласак. Кўзга ёш келади Бобо шоирни айтишувда енгган Қамайлик Она бахши — Аёл бахши авлодлари, издошлари тугаганини эсласак. Аммо ҳақиқат шуки, ўн иккида алоҳида қишлоқнинг умумлашма образи бўлган Қамайда бахшичилик поэтик мактаби бор эди, у икки аср яшади, ўнлаб истеъдодли бахши шоирлар етиштириб берди. Бугун у ҳақда хотиралар, куйчилари-ю созандалари тўғрисида афсонаю ривоятлар яшаяпти. Тарихнинг аччиқ ҳақиқати шуки, ақалли шулар ёзувда қолмаса чексиз замон бағрида бу мактаб ва унинг вакиллари номи беиз кетиши ҳеч гапмас.

Изланишлар узлуксиз давом этарди...

...Июнь, 1980 йил.

«Хурматли домла! (яъни китоб муаллифларидан бири — Малик Муродов) Ҳамқишлоқларим таваллуд кунимни — олтмиш йиллигини нишонлашмоқчи.

Туман раҳбарияти ҳам маъқуллаган. Иложи бўлса, тошкентлик дўст-ёронлар билан юбилейга етиб келсангиз.

Сизга янги маълумотлар бор...» Ҳазраткул бахши Худойберди ўғли.

Телеграмма сўнгидаги «Янги маълумотлар ҳам бор...» жумласи бизга тинчлик бермай қўйди. Мана бир ҳақиқат: Ҳақиқий фольклоршуносга фалон жойда бахши, эртақчи ё қўшиқчи бор, деб хабар берсалар, улар қанчалик банд бўлмасин, бир иложини топадилар-да, ўша жойга етиб борадилар. Биз ҳам шундай қилдик. Қош қорайган бир аснода Қамайнинг Қорақўтон қишлоғига кириб бордик. Бир томони уфққа туташиб кетган, эртақларда тасвирланган бахайбат аждарҳодай тепаликлар устидаги яланглик-да бир тўда одамлар гивирлашар, катта дошқозонлардан чиқаётган ҳовур, лаззатли таом ҳиди улкан бир шодиёнадан дарак берарди. Чор атрофи кир-адирлардан иборат хушманзара Қорақўтон қишлоғини бир кўрсангиз эди, бундай пайтларда!... Ажабтовур кенглик. Киши қалбини сеҳрлаб қўювчи сокинлик. Сипқириб тўймайдиган ҳаво, айниқса, биз шаҳарликлар учун. Чигирткаларнинг чириллаши қулоққа чалинади.

Бундай пайтларда фольклоршуноснинг ёстиғи тош, тўшаги ям-яшил ўтлоқзор, чироғи ой, суҳбатдоши юлдуз-дир. Хаёлларимиз билан илгарилаб одимлаймиз.

Дабдурустан ёқимли дўмбира куйи олам сукунатини бузиб турган чигирткалар овозини босиб кетди.

... Чим қишлоғи ўтовли,  
Тоғлари бор оқ товли.  
Бахшиси бор мақтовли,  
Мадҳин куйла, дўмбирам...

— Ана, Тошкентдан удаға меҳмонлар ҳам кеп қолди, — деди бахши бизни кўргач ва ён-атрофидагиларга ишора қилди.

Тепадан ёғду чараклаб турган шоҳсупада узоқ-яқиндан келган меҳмонлар жамулжам эди. Даврада дехқонободлик Қодир бахши Раҳимов, шаҳрисабзлик Зоҳир шоир Қўчқоров, самарқандлик Остонақул бахши, машҳур Мардонақул юзбошининг ўғли сурхондарёлик Хушвақт бахши, чироқчилик Азим шоир, фўзорлик Абдурахмон ота Остонов ва яна биз яхши билмаган бир неча бахши гурунглашиб

ўтиришарди. Бир-биримиз билан ҳол-аҳвол сўрашувимиз тугар-тугамасдан дoston айтиш бошланиб кетди. Сўз-сўзга уланди, соз-созга. Ҳа, бахши-шоирларда одат шунақа, кўнгилга яқин кишилар тўпланишдими, ортиқча майда-чуйда гапларни, миш-мишларни йиғиштириб кўйишади-да, дарров кўлга дўмбира олиб айтишув бошлашади. Бу гал ҳам айнан шундай бўлди: бир пасда ўзига хос бахшилар мунозараси-беллашуви бошланиб кетди. Зоҳир бахши дўмбирасини сайратиб бўлиб, унга дам берган эди ҳамки, Азим шоир «тулпори» дўмбирасини қамчилади. Қодир бахши ҳар галгидек қайнаб тошди, Хушвақт қирғоқдан ошди. Абдурахмон созсиз шеър айтиб шошди. Сўнг кекса оқинлар тинглади Қаҳҳордай ёшди. Айтишган кизил тил бўлди, эшитган катта эл бўлди, тумонат одам сел бўлди, айтмоққа кел ҳа кел бўлди, даврада бахшиларни тинглаб чарчоқлар унутилди.

Тонг отай деб қолган бўлса ҳамки, ҳеч кимнинг кўзгал-гиси келмасди, гўёки қандайдир ўзига тортар куч, сеҳр бор эди бахшилар баҳсида. Ниҳоят кўшиқ навбати Ҳазратқул бахшига тегди:

Яхшилар ичидан етишар бахши,  
Бахшилар бўлади, одамзод нақши.  
Чечанни элим дер: яхши бу бахши,  
Булбул ҳам тан берган бахшилар яхши.

Бахшилар халқимнинг суюкли ўғли,  
Достонлар куйлашар юраги чўғли.  
Бахшили эл ботир бўлар, ёронлар  
Қамайда куйчи кўп, юраги доғли.<sup>1</sup>

Биз бу термани тинглар эканмиз, бу ёруғ оламга келиб гоҳ тузумнинг жабр-зулми, гоҳ ўзимизнинг бефарқ, безътиборлигимиз туфайли юраги доғли бўлиб кўзи юмилиб кетган не-не чўнг чашмаларни хаёлдан ўтказамиз. Кўз ўнгимизда Қамайда яшаб ўтган, ўтаётган сўз санъатининг улуғлари ўтаверади, улар ҳақида билганларимиз, эшитганларимиз ёдга келаверади.

---

<sup>1</sup> Малик Муродов, «Сарчашмадан томчилар». Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 80-81 бетлар.

Қамайлик бир бахши дoston куйлаётган Қамай кўчасини кесиб ўтган йўлнинг у четидан бу четини олти ойлик йўл деб ярим кун таърифлаган, йўлнинг у четида турган ошиқнинг бу четида турган маъшуқа олдига ўтиб кўлини ушлагунча бўлган фурсатни шунча куйлаган экан. Дарвоқе, ўзбек фольклоршунослигида Қамай дostonчилик мактаби эътироф этилган ўзига хос хусусиятлари ҳақида анча маълумотлар бор.

Қамайликлар XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Сурхондарёдан кўчиб келишган ва улар ҳамон шу воҳа аҳолиси билан қариндошчилик алоқаларини узган эмас. Доимий алоқада бўлиш, қариндошчилик муносабатлари Шеробод ва Қамай дostonчилигидаги ўхшашликларда ҳам ўз аксини топган. Ҳозирча Қамай бахшичилик мактабининг куйидаги вакиллари аниқланган. Бердимурод шоир, Мурод бахши Хўжаёр ўғли, Абдукарим Жуйрук, Хидир шоир, Бойсари бахши, Мулла Холназар, Мулла Йўлдош (ғузорлик), Саъдулла Ҳакимов, Мулла Хўжамкул, Мулла Эшонкул, Мулла Бозор шоир, Назар шоир Шукур ўғли, Шеркул бахши, Шоназар шоир, Худойкул шоир Яхшибой ўғли, Нормурод шоир, Ойназар шоир, Элмурод қори, Шомир шоир, Мейли шоир, Тўлак шоир, Бозор Шеркул ўғли, Маматқобил шоир, Бобоназар шоир, Бердиёр шоир, Эрка шоир Ойназар ўғли, Ўта шоир Сарбозор ўғли, Аҳмад Бердиёр ўғли, Шомон шоир, Ўташ шоир Сарбозор ўғли, Туроб шоир, Иброгим шоир, Ҳаким шоир Хидир ўғли, Холбой шоир Амин ўғли, Мейли Тошев, Чори Эшмурод ўғли, Файзи шоир, Бердишукур Пирматов, Равшан шоир, Пирмамат шоир, Холдор бахши ва ниҳоят Ҳазраткул бахши Худайберди ўғли. Қамай дostonчилигига мансуб ижодкорлардир.

Ривоят қилишларича, Қамайда олтмиш тўрт бахши яшаб, ижод ва ижрода донг таратган. Айтишларича, Абдукарим Жуйрук Қоракўтон кишлоғидан бўлиб, ҳатто Амир Ботирхон ва Бухоро амири Музаффархон олдида ҳам кўшиқлар айтган, дostonлар куйлаган. Унинг соз чертиши ва дoston куйлашига қойил қолган амир Чўроғаси унвонини берган.

Нақл: Музаффархон Қаршига келганда Абдукарим Жуйрукни йўклатибди. Аммо бу пайтда Абдукарим Жуй-



рук кексайиб қолган, ҳам оғир хаста экан. Амир: «Шоирни сажарага солиб олиб келинглар», — деб буюрибди. Йўл юриш иложи бўлмаган Жуйрук шогирди Хидир шоирни чақиртирибди-да (Хидир шоир Қизилкўл қишлоғидан бўлиб, у ҳам Амир Музаффархон ҳузурда бир неча бор дoston айтиб Чўроғаси унвонини олган экан), унга: «Қарши борасан, Музаффархонга учраб мен Абдукарим Жуйрукман деб қўшиқ айтасан деб тайинлабди. Хидир бахши Қаршига жўнаш олдидан Абдукарим Жуйрук: «Аmmo лекин хон «Гўрўғли» ё «Алпомиш» дostonидан айт, деса, уларни айтмай, амирнинг ўзини Қаршига келишини мақтагин», — деб тайинлабди. Хидир бахши Қаршига келиб, Музаффархон ҳузурга кирибди. Амир: «Дoston куйла!» — деган экан, шоир устози Абдукаримнинг айтганини қилиб:

Уйтиб жўнади жаноби олий,  
Буйтиб жўнади жаноби олий...—

деб уни мақтаган экан.

Профессор Тўра Мирзаев бу мисраларни изоҳлаб шундай ёзади: «Бу нақл бахшилар халқимизнинг ҳақиқий асарларини сақлаб қолиш учун эҳтиёткорлик билан иш тутганликларини, уларнинг ҳақиқий репертуарига хону бекларнинг муносабатини кўрсатиб турибди».

Биз Сурхондарёда юқоридаги икки мисранинг қуйидаги вариантини ёзиб олган эдик:

Уйтиб жўнади валламат,  
Буйтиб жўнади валламат,  
Абдукарим бекларин —  
Бойлаб сўйди валламат.

Қамай дostonчилик мактабида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Нурали» туркум дostonлари кенг тарқалган ва севиб айтилган Бахшилар ҳозиржавоб, қўрқмас, бадиҳа йўли билан ҳар қандай оғир вазиятдан қутулиб кета олган.

Ривоят қилишларича, Бухоро амири Музаффархон фалак кажрафторлигидан кўнглига ҳеч нарса сигмайдиган ва ҳеч нарсани ёқтирмайдиган бўлиб қолибди. «Авваллари кўнглим қувноқ эди, юрак-юрагимдан кула олар эдим. Энди бўлса, кўнглимга ҳеч нарса сигмайди, ҳеч нарса ёқмайди. Менга бир бало бўлди шекилли, ё вақти қазой-

им битдимикан?» — дебди вазирига бир куни у. Шунда вазири: «Амирим, юртда кўшиқчилар бўлар эди. Улар кўшиқ айтиб, дўмбира чертса қалбдан кулар эдингиз. Энди эса уларни таъкиб этиб, саройга йўлатмай кўйдингиз. Кўшиқчи кўшиғини айтмай, дўмбиракаш созини чертмаганидан бир сиз эмас, бутун эл қайғу-ғамда қолди» — дебди. Амир сир бой бермай киноя билан: «Бахши кўшиқ айтиб, дўмбирасини чертса юрак ёзиларканми?» — дебди. «Бале, амирим, — деб жавоб берибди унга вазир. — Кўшиқ ва куй дилларни яйратиб, кишига хузур ато этади». «Бўлмаса, бир бахшини топиб кел. Ўшанда гапингнинг чин-ёлғонлигига ишонаман,» — деб амир. Вазир Қамай деган жойда Хидир деган бахши борлигини биларди. Ўша куниёқ уни саройга чорлатибди. Бахши эски-туски, жулдирвақи кийимда бўлганидан вазир уни саройга киритмай кўчада қолдириб, тагига пўстак солдириб ўтқаздириб қўйибди. «Хонни шу ерга олиб чиқаман, — дебди вазир ўзига ўзи, — бахшининг иззат обрўйи-ю, кўшиқнинг нақадар хузурбахш эканлигини бир билиб қўйсин. Ҳа, деганда кўшиқ билан дўмбирага тош отавермасин». Бахши дўмбирасини чалибди ва терма айта бошлабди:

Кўнгил бир гул, уни асло сўлдирма,  
Гуноҳсизни тухмат билан ўлдирма,  
Дўст йиғлатиб душмангни кулдирма,  
Гар хон бўлсанг шунга амал қила бил...

Кўз очиб юмгунча бахшининг олдига оломон йиғилибди. Амир ташқарига чиқиб, девқомат бахшини кўриб, уни сўз билан мот қилмоқчи бўлиб: «Сен бу ерда нима қилиб юрибсан, намозгарнинг соясидай чўзилиб?» — дебди. «Сиз бу ерда нима қилиб турибсиз даканг хўроздай сузилиб?» — деб жавоб қайтарибди бахши. Амир бахши қайтарган жавобнинг чин маъносини англаб-англамай хандон отиб кулиб юборибди. Кейин вазирнинг имоси билан бахши дoston бсшлабди. Тумонат одам бахшини тинглаб дам йиглаб, дам кулибди. Амирнинг бор-йўқлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмабди. Барча бахшига офаринлар айтиб олқишлабди. Шунда Амир Музаффарнинг юрак қисиши қолиб кетибди».

Қариялар Хидир бахши ҳақида яна шундай нақл келтирадилар. Бахши Бухоро амири Музаффархон зулми ҳақида шундай деб қўшиқ айтган экан:

Ойболта кўйиб ушатди,  
Қурғур чак-чакнинг тошини.  
Лақайга бориб олгандир  
Абдукаримнинг бошини.

Музаффархоннинг Маматқора деган навқарини бўлса мана бундай деб қўшиққа солган экан:

Музаффар кўнглин овлаган,  
Отини қари деманглар.  
Туркмандан келган тойдай  
Маматни қора деманглар.  
Юзлари сутга чайгандай.

Оғзаки ижод шундай хусусиятга эгаки, унинг ижодкори, ижрочиси, яратилган асарнинг ўзи ёзилмагани боис доимо ўзгаришларга учраб туради, сўнги авлоддан олиб, ёдида сақлаб қолувчи бўлмаса унут бўлиб, йўқолиб ҳам кетаверади. Халқ хотирасигина халқ ижодининг яратилиши, яшовчанлигини таъминлаши мумкин. Шу маънода, Қамайда ўнлаб бахши-шоирлар яшагани ҳолда, улар ўнлаб дostonни маромига етказиб қуйлагани ҳолда ҳатто биз бахши-шоирларнинг номини ҳам тўлиқ аниқлай олмаяпмиз. Шу сабаб қамайликлар қайси бахши ҳақида нимани билса, бирон сўзни айтиб ёдласа ҳам қоғозга муҳрлаб қўйишини лозим топдик.

Шомир шоир. Қамайнинг Ўлмас қишлоғидан бўлиб, у ҳақда шундай ривоят қиладилар. Шоир бир куни Ғузор тўрасининг олдига борибди. Тўра: «Ким келди?» — деб сўрабди. Шунда: «Шомир келди», — дейишибди. Буни эшитган Ғузор тўраси: «Шомир келди дегунча амир келди десанг бўлмайдими?» — деган экан. Бу ерда фақат амирдан кўрқадиган, амиргагина қарам тўранинг: «Шомир келди дегунга амир келди десанг бўлмайдими? дейиши шоирнинг халқ орасида катта обрў-эътиборга эга эканлигини, ўз ижодининг қудрати билан тўрадан ҳам кучлилигини ифодалайди.

Элмурод кўр. Мирзапўчоқ қишлоғидан бўлган Элмурод шоир жуда чечан, айтишга уста бўлиб кўзлари кўр экан. Шу сабабли:

Мени худо қилди кўр,  
Қўшиқ айтиб бўлдим зўр.  
Қўлимдаги дўмбирам,  
Менга чирой, менга нур, —

деб ўз санъати билан элга хизмат қилганидан фахрланиб яшаган экан.

Бердиёр шоир. Қорасийрак қишлоғидан бўлиб, жуда ўткир шоир бўлган дейишади. Айтишларича бир куни кўшиб айт деганда айтмагани учун оқсоқол уни сазойи қилган экан.

Аҳмад дўмбиракаш. Бердиёр шоирнинг фарзанди бўлиб, эл орасида дўмбира куйларини энг кўп билиши, қойилмақом қилиб черта олиши, қизиқ-қизиқ термалар тўқиб айтиши билан ҳурмат топган ва бошқалардан ажралиб турган.

Мулла Хўжамкул. Сарибугажили бўлиб «Нуралининг ёшлиги» достонини созсиз ёдаки ва дўмбира жўрлигида айтган. (Бу достонга ва унинг ижрочиларига кейинроқ тўхталамиз).

Чори Эшмуродов. Сарибугажилидан, фақат «Ёзи билан Зебо» достонини айтган.

Мулла Эшонкул Жумаев. «Амир Темурнома» ва «Ёзи билан Зебо» достонларини айтган.

Ҳазраткул бахши Худайберди ўғли (1920-1997). Қамай достончилик мактабининг сўнгги бадихағўй вакили. У Бозор шоир Шеркул ўғли ва Маматқобил шоирларга шогирд тушиб достонлар ва термалар ўрганган. Репертуарида «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғли ва Оға Юнус пари», «Авазхон», «Авазнинг арази», «Авазнинг олиб келиниши», «Нурали», «Нурали ва Ойхумор», «Юнус билан Аҳмад», «Оға Юнуснинг олиб қочилиши», «Келиной» сингари 20 дан ошиқ анъанавий достон, 100 дан ошиқ эртаклар, кўплаб термалар бор эди. Қирқ йилдан ошиқ ўқитувчи бўлиб меҳнат қилган, ўқиб, ёзиб чарчамайдиган инсон эди. Биз билган бахши-шоирлар орасида Ҳазраткул бахши билганларини энг кўп қоғозга туширган ва архивларга топширган Ҳазраткул бахши эди. Ундан ёзиб олинган бир неча эртак ва «Оға Юнуснинг олиб қочилиши» достони нашр этилган. У ижодий жараёнда фаол иштирок этар,

бахши-шоирлар беллашувида, телекўрсатув ва радио-эшиттиришларда ҳам доимо қатнашиб турарди. Қамай дostonчилигида (умуман жанубий Ўзбекистон поэтик мактабларида) бизгача ёзма равишда сақланиб қолган биргина дoston ҳақида хабарни ҳам Ҳазраткул бахши аниқлаган ва илм аҳлига хабар берганди. «Қамай...XVIII-XIX аср бошларида ўз атрофидаги элатларга қараганда анча тараққий этган бўлиб, бу элдан жуда кўп шоир ва бахшилар, ўқимишли муллалар ўтганини ҳали-ҳали таъриф-тавсиф этадилар. Лекин ёзма ҳолда улардан бизгача бирор намуна етиб келмаган. Фақатгина Мулла Холназар бахшидан битта «Нурали» деган дoston кўлёзма қолган экан, яқинда у менинг қўлимга тушди.» Шунингдек, Ҳазраткул бахши Қамай дostonчилик мактаби ҳақидаги маълумотларни тўплашда ҳам бизга шу мактабнинг сўнгги вакили сифатида яқиндан кўмаклашди. У ўзи мансуб мактаб сўнаётганини билар, шунинг учун куйиб-пишар, у ҳақда бирон маълумот топиб олса, эшитса албатта хабар қиларди.

У бизга хабар қилган ёзма равишдаги «Нурали» дostonи Гўрўғли силсиласидаги аваз наслий туркумига мансуб эди. Сўнгги кузатишлар эса «Нурали» дostonининг ўзи ҳам қатта бир туркум бўлганини, унинг қирқдан ошиқ вариантларини аниқлашга имкон берди. Дастлаб «Нурали» дostonи Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган ва чоп этилган бўлиб, у биргина дostonдан иборат деган қараш бўлган. Аммо кейинги изланишлар Жанубий Ўзбекистон «Нурали» билан боғлиқ ўнлаб дostonлар борлигини кўрсатди. Аниқроғи, «Нуралининг туғилиши», «Нуралининг ёшлиги»; «Нурали ва беш юз мулла бачча», «Нуралининг ютилиши», «Майда савдогар», «Нурали ва Семурғ», «Ойсанам», «Нурали ва Жаҳонгир», «Нуралининг отасини олиб келиши», «Туғмас каниз», «Авазнинг қирқ йигити билан бўлиши», «Нуралининг уйланиши» кабилар. Бундан ташқари биргина Нуралининг сотилиши билан боғлиқ бўлган «Малла савдогар» дostonининг бир неча вариант ва талқинлари мавжуд.

«Нурали» туркуми дostonлари ҳам ички, ҳам ташқи товушда халқ бахшилари томонидан ижро этилган. Бундан ташқари, тарқалиш, ижро этилиш ва яшаш жараёни

жуда катта географик территорияни ташкил этади. Улар Ўзбекистон территориясидан то Тожикистон ва Туркменистоннинг жанубида яшовчи ўзбек қавмлари, ҳатто тожик ва туркман элатлари орасидаги бахшилар репертуарига ҳам кириб борган. Ҳатто ушбу ҳодиса лўли-жўги бахшилар — Омонниёз, Маҳманиёз кабилар репертуарида ҳам учрайди.

«Нурали» туркуми дostonларидан олтитаси 1989 йилда «Ўзбек халқ ижоди» серияси кўп жилдлигида алоҳида бир том бўлиб нашр этилди. Ушбу дostonлардан бири «Нуралининг ёшлиги» деб аталиб, уни профессор Тўра Мирзаев нашрга тайёрлаган.

Ушбу дostonнинг яратилиш тарихини ўрганиш муҳимдир. Дostonнинг яратилиши эмас, ёзма равишда бизгача етиб келиши XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган (тахминан 1910 йилда вафот этган) Қамай дostonчилик мактабининг вакили бўлган, довруғи баланд, истеъдодли бахши Мулла Холназар номи билан боғлиқ. У «халқ дostonларининг лирик йўналишига алоҳида эътибор берган... Айтишларича, бирор бахши Мулла Холназар хузурида дoston куйлаганда бандни тугал тўртлик шаклида айтмаса ёки қофияларни бузса, дарҳол уни куйлашдан тўхтаиб қўяр экан. У куйларнинг ёқимлилигига, асарнинг ҳар бир қахрамонига мос оҳанг ва овозда куйлашга алоҳида эътибор берган» (Тўра Мирзаев). Мулла Холназар чечан дostonчи бўлиб, у дostonни, айникса, дуторда жуда гўзал килиб куйлаган. Афсуски, фарзанди бўлмаган. Умрининг охирларида «Мендан ёдгорлик қолсин», — деб Мухторхон деган муллани уйига чақириб келиб унга «Нуралининг ёшлиги» дostonини ўзи айтиб туриб ёздирган. Мухтархон вафотидан кейин кўлёмани қамашилик Бозор Омонов олади. Қишлоқ аҳлининг талаби билан Бозор Омонов ушбу кўлёмани бир неча бор ўқиб беради. Ниҳоят, бутун дoston матнини ёдлаб олади. Кейинчалик кўлёмза қўлдан-қўлга ўтиб йўқолади. Бозор Омонов эса дутор куйида айтиб ижро этиб юради. Бу адабий матнни фольклоршунос олим Т.Мирзаев 1972 йили фольклор экспедицияси даврида Бозор Омоновдан ёзиб олади.

Дostonнинг яна бир вариантыни 1977 йил фольклор экспедицияси даврида Т.Мирзаев Тожикистоннинг Кол-

хозобод туман «Маданият» қишлоқ советининг Тошрабoт участкасида яшовчи Назар бахши Шеркулов (1897 йили тўғилган, асли Қамайлик, 1940 йили Тожикистонга кўчиб борган)дан ёзиб олади. Назар бахши ҳам дostonни Мулла Холназарнинг шогирди Бозор Шеркул ўғлидан (1887-1953) ўрганган экан. Демак, Т.Мирзаев нашр эттирган «Нуралининг ёшлиги» дostonи ана шу икки вариант асосида юзага келган. Профессор бу ҳақда ўзининг «Бахшиларнинг эпик репертуари» (1979) монографиясида, «Нурали» тўпламига ёзган «Бир-икки изох»да алоҳида тўхталади. Айниқса, Бозор Омонов вариантыга алоҳида эътибор бериб фақат шу асосда Қамай дostonчилик мактаби бахшилари ижро этган дostonлар бадийликда Шеробод поэтик мактабидан устун деган хулосага келади. Бу фикр ўша давр учун тўғри бўлсада, кейинги тадқиқотлар Бозор Омоновдан ёзиб олинган «Нуралининг ёшлиги» дostonи Қамай мактабигагина хос эмаслиги, балки у Шеробод дostonчилик мактабида ҳам машхур бўлганини кўрсатади.

Фольклоршунос А.Қаҳхоров 1968 йилда магнитофон тасмасига ва халқ дostonлари ихлосманди Эгамберди Худойбердиев 1969 йил кўлёзмада Саъдулла Тоҳировдан ёзиб олган «Нурали» дostonи 7 ва Бозор Омонов вариантыни қиёслаш янги факт ва хулосалар учун имкон яратади.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, фақат дин ҳомийлари, ислом дунёсининг улуғ заколари ҳақида эмас, балки халқ қаҳрамонлари, хусусан, Нурали ҳақида ҳам халқ китоблари яратилган, аввал улар қиссахонлар томонидан ўқилган. Ана шу ўқиш жараёнида хотираси яхши, талантли айрим ихлосмандлар дostonни ўзлаштириб, ёдлаб олганлар. Бозор Омонов ва Саъдулла Тоҳировдан ёзиб олинган «Нуралининг ёшлиги», «Нуралининг банди бўлиши» дostonлари худди шундай ёдлашнинг оддий намунасидир. Демак, Мулла Холназар Мухторхонга ёздириб қолдирган «Нурали» ёлғиз вариантда бўлмаган. Дарвоқе, юқорида Мулла Хўжакул ҳам фақат «Нуралининг ёшлиги» дostonини соз билан ва созсиз куйлаши айтилган эдики, бу ҳам фикримизни асослайди. Чунки ўша нусха Бозор Омоновда деб фараз қилсак, Саъдулла Тоҳиров бу кишини мутлақо

кўрмаган ва билмайди. Бири Қамашада яшаган, ўзгаси Қаршида яшайди. Иккинчидан, Саъдулла Тоҳиров Бозор Омонов варианты нашр этилгандан сўнг болаларидан ўқиттириб эшитгач, ўзи билган нусхадан фарқларини, чала эканини айтиб афсусланади ва шундан сўнггина ўзи ижро этган вариантни чоп эттириш ҳақида ҳаракатга тушади. Ўзининг айтишича, С.Тоҳиров дostonни ўқиб эмас Фузорлик Йўлдош бахшидан эшитиб ўрганган. Илк бор 1950 йилдан бу дostonни айта бошлаган.

«Нурали» дostonини халқ китоби тарзида ёзилиб, сўнг ўқиш орқали қиссахонлар томонидан ёд олинганини, у диний, китобий дostonлар асосида яратилганини матнни ўқиган ҳар бир кишининг англаши қийин эмас. Бу фикримизни асослаш учун қуйидаги далилларни келтириш кифоя деб ўйлаймиз.

Биринчидан, «Нурали»нинг ҳар икки вариантыдаги шеърӣ матнлардаги барқарорлик бадиийлик билан чоп этилган «Ҳазрати Иброҳим Адҳам» ёки «Ҳазрати Али» қиссаси китоблардаги шундай ўринларни қиёслаш кифоя.

Иккинчидан, «Нурали»да ҳам маълум территория — Қамаша ёки Қаршида яшовчиларнинг жонли тилидан кўра китобийлик устун туради.

Учинчидан, Худо, пайғамбарлар, чориёрлар ҳақидаги бандлар, яъни уларнинг тарифида жуда яқинлик сақланган.

Тўртинчидан, «Нурали» ҳам китобий дoston сифатида ўрганилгани боис унинг сўнгги ижрочилари, ёдлаб айтувчилари ҳам муқаддас билишган, ўзлари яшаган лаҳжа ёхуд шева хусусиятларни сингдиришни гуноҳ ҳисоблашган.

Бешинчидан, дostonнинг ижрочиси ва ёзиб қолдирган Мулла Холназар эканлигини унутмаслигимиз зарурки, бу факт даврнинг етакчи бахшиси бўлган Мулла Холназар бу санъат асарини қанчалик билса, саводхон киши сифатида китобий дostonларни ҳам, диний таълимотни ҳам шу қадар билган. Яъни у халқ дostonларини куйлаш билан бирга «Ҳазрати Иброҳим Адҳам», «Ҳазрати Али», «Абу Муслим жангномаси», «Шоҳ Машраб» ва ўзга дostonларни ҳам ўқиб ўзлаштирган ва ўша асарлар тил хусусияти, бадиияти, услубини сақлашни лозим кўрган. «Нурали» ни Мухторхонга айтиб ёздирётганда эса худди шу китобларда-



ги услубни ва тил хусусиятларини сақлаган. Айнан ёзиб қолдиришга «Нурали»ни танлаганига келсак, бу вариант Шеробод дostonчлигида кенг тарқалган бўлиб, Камай мактабида ҳали машҳур бўлмаган ва руҳий жихатдан қараганда ҳам фарзандсиз Гўрўғлига Нурали қандай шухрат келтирган неvara бўлса, Мулла Холназар ҳам бу дoston билан ўз номини шундай абадийлаштиришни истаган дейиш мумкин. Шу вариантни бизгача етказган Бозор Омонов ҳамда Саъдулла Тоҳировлар эса табиатан бадиҳагўй бахши бўлмаганидан, балки кучли хотирага эга кишилар бўлганидан бири қўлёмани ўқиб, иккинчиси эса эшитиб имкон қадар аслича ўзлаштирганлар. Аммо Саъдулла Тоҳировнинг сўзига ишонсак (рад этишга асосимиз йўқ), бу кишига дostonни айтган Йўлдош исмли гузорлик қиссахон ёхуд ижрочи бахши бўлган деган фикрдамиз. У Мулла Холназар ёздириб қолдирган вариантни мукамал ўзлаштирган. Бундай хулосага келишимизга сабаб шуки, гарчи Бозор Омонов қўлёмани қайта-қайта ўқиб ўзлаштирган бўлса, Саъдулла Тоҳиров Йўлдош бахшидан икки-уч марта эшитиб ўрганган. Аммо воқеалар тафсилоти диний мотивлар Саъдулла Тоҳиров вариантыда нисбатан кенгрок.

«Нуралининг ёшлиги» ёки «Нуралининг банди бўлиши (бизнингча, иккинчи номланиш аслига тўғри келади. «Нуралининг ёшлиги» деб номлаш нашр жараёнида юзага келган деб биламиз) дostonида воқеалар бошдан охиригача бир хил. Айниқса, шеърий бандларда айнан ўхшашлик мавжуд. Фақат айрим ўринларда бир вариантда шеърий матн кенгрок бўлса ўзгасида қисқа. Масалан, Гўрўғлининг Авазхонга «Бу дунё кимларга вафо айлади» деб айтган шеърий нутқи Бозор Омоновда уч банд бўлса, С.Тоҳировда тўққиз банд.

Амри билан ўтди одами Ато,  
Ўлимни кўрмишлар аларга раво,  
Ахтариб топмади ўлимга даво  
Бу дунё кимларга вафо айлади.

Умнат учун ўзин қилди хору-зор,  
Абу Бакр, Умар, Усмон — чориёр.  
Ўлимнинг ҳукмидан кетди боякбор,  
Бу дунё кимларга вафо айлади, —

сингари 24 мисрада берилган Ҳазрати Юсуф Муҳаммад пайғамбар, Ҳазрати Али, Ҳасан-Ҳусан ва авлиё-ю анбиёларга ҳам бу дунё вафо қилмагани ҳақида мумтоз сатрлар, донолик, фикрлаш, ақл, идрокка ундовчи пандлар Б.Омонов вариантыда тушириб қолдирилган. Ёки Нуралининг нажот истаб яратганга муурожаат қилиш ҳам биринчи вариантда йўқ. Бизнингча, Б.Омонов вариантыда дин билан боғлиқ ўринларнинг нашр вариантыда йўқлигининг бош сабаби «қизил империя»нинг динни қатағон этиши оқибатида бўлиб, ижрочи ё онгли равишда ўзи айтмаган ёхуд нашрга тайёрловчилар тушириб қолдирганлар. Нима бўлганда ҳам бу фольклоршунослигимизда тузумнинг зуғуми билан юз бериб келган хатолик оқибатидир. Зеро, тузумнинг бемаъни тазйиқи туфайли биз фольклор асарига ҳам коммунистик ёрлик беришга интилганимиз, синфийлик позициясида қараганимиз, унинг оқибатида рухий озик, маънавий камолот, ахлоқий покликка ундовчи диний мотивлар ҳозиргача чоп этилган дostonларда деярли тушириб қолдирилгани сир эмас.

Саъдулла Тоҳировдан ёзиб олинган ушбу вариант Бозор Омонов вариантыдаги «Қора нордан кўрган борми?» «Найладинг», «Азалдандир», «Али ёринг бўлсин сенинг» ва бошқа шеърини нутқларни қўшимча бандлар билан тўлдиради. Шунингдек, қахрамон Авазнинг боласини излаб от хайдаши ва йўқлашини 56 мисрада ифодалайдики, бу анъанавийликка мос эпик ўринлар Б.Омонов вариантыда йўқ.

«Нуралининг ёшлиги» достонида айрим ўринлар, воқеалар баёни чалкаш берилган бўлиб, бу хатога ҳам ушбу вариант аниқлик киритади. Масалан, хали Авазхон Нуралининг банди бўлганини билмай хилватхонага ётиб олади. Хотини Интизор Фиротнинг ёлғиз келаётганини кўриб воқеани айтаман деса, ичкари киритмайди. Шунда Интизор:

Танҳо бунда ором ётиб,  
Шоҳим ёлғиз келаяпти,  
Қўйма мени йўл қаратиб  
Отанг ёлғиз келаяпти, —

тарзида Гўрўғлининг ёлғиз келаётганини айтади. Аваз ҳам тура солиб, Гўрўғлининг ёқасидан тутиб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ:

Ота дедим, тутдим сани,  
Зор йиғлатдинг тутдинг мани,  
Нуридийдам, болам қани,  
Хундоримсан, сан Гўрўғли, —

дея ҳақоратлашга тушади. Саъдулла Тоҳировда эса бу тасвир бошқа жойда, яъни Гўрўғли Нуралини топа олмай қайтганда келтирилади. Ва воқеалар баёнида изчилликни таъминлайди. Зеро, боласи нима бўлганини билмай қайғу чекиш, ёлғиз от келаётганда отанг, шоҳим келаяпти деб хабар бериш, тутунган бўлса-да, отани бесабаб ҳақоратлаш дostonчилик анъанасига қанчалик зид бўлса, оддий муомала, ахлоқий нормаларга ҳам шу қадар зиддир. Асосийси, Б.Омоновда бу ўрин алмашиб кетганидан воқеалар занжирига боғланмайди.

Аммо бошқа бир ўринда С.Тоҳиров вариантыни Б.Омонов варианты тўлдиради. Жумладан Авазхон чоҳга бориб боласини кўриб сўрашуви, ота-боланинг ўзаро суҳбатига икки тасвир С.Тоҳировда қўшиб юборилади. Шунингдек, Авазнинг воқеалар сўнгида шаҳидлар билан хушлашуви ҳам С.Тоҳировнинг ушбу вариантыда йўқ. Албатта, бу каби икки-уч ўриндаги воқеалар тафсилотининг алмашинуви ёки бир шеърий парчанинг иккинчисига қўшиб юборилиши ижро билан, оғзакилик билан, бахши хотираси билан изоҳланади. Асосийси эса, маълум маънода бу икки вариант бир-бирини тўлдиради ва илк фактлардан бири сифатида «Нурали» китобий дostonининг Қашқадарёда мавжуд бўлгани кўрсатади.

Шу ўринда «Нурали» туркумига кирувчи ушбу вариант халқ бахшилари репертуарида ҳам бўлганми деган муаммога тўхталишга тўғри келади. Дарҳақиқат, айрим фольклоршунослар бу вариант фақат ёзма манба орқали сақланиб қолган, деган фикри мавжуд экан, шуни таъкидлаш зарурки, Нурали ҳаётининг бир қисмини ёритувчи бу дoston варианты дастлаб оғзаки тарзда кенг тарқалган ва ҳозиргача Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари репертуарида «Нурали ва 500 мулла бачча», «900 кун тўй», «Нуралининг биринчи овга чиқиши», «Нурали» номлари билан куйланиб келинади. Гарчи, уларнинг номланиши ва воқеанинг бошланиши (бирида тўй, бирида овга чиқиш)да фарқ бўлса-да, аммо воқеалар ривожига ва ечим бир

хилдир. Фақат бахшиларнинг бадихагўйлик маҳоратига кўра, бадихагўйлик жиҳатдан бири юксак, ўқимишли, қизиқарли бўлса, ўзгаси аксинча. Биз шу ўринда Қодир бахши Раҳимов (1937-1989) дан ёзиб олинган «Нурали ва 500 мулла бачча» дostonини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу вариант халқ эпосининг анъаналарини ўзида мукамал сақлагани, воқеаларнинг изчиллиги, бадийлик даражаси, халқ жонли тили мазмундорлигини бера олиши билан юқорида қайд этилган китобий ҳолда тарқалган, ёдланган ва бизгача етиб келган икки вариант «Нуралининг ёшлиги» — «Нуралининг банди бўлиши» дostonларидан устун туради. Аммо бу ўринда Бозор Омонов, Саъдулла Тоҳиров ва Қодир бахши Раҳимов вариантларини қиёсий таҳлил қилиш ва улар орасидаги фарқ ва ўхшашликларни етарли очиб бериш, айтувчилар маҳоратини ёритиш имкониятига эга эмасмиз. Шу сабабли бу вазифани «Нурали» дostonининг Мулла Холназар ёздириб қолдирган Б.Омонов ва С.Тоҳиров томонидан айтилган нусхаларини халқ китобларига солиштириб ўрганиш масаласи навбатдаги тадқиқот ишларини юзага келтиришини таъкидлаб, С.Тоҳиров — «Гўрўғли бобо» ва Бозор Омонов ҳақида бир оз тўхталишни лозим топдик.

Саъдулла Тоҳировни Қарши туманидаги «Чўли ота» жамоа хўжалигига қарашли Шилви қишлоғи ва унинг атрофидагилар «Гўрўғли бобо! деб юритишади. Ҳатто, қишлоқдошлари унинг асл номини унутишган ҳам. Зеро, халқимизда кишиларнинг касбига, ҳунарига, ҳатто шакли-шамойили қиёфасига қараб ном қўйиш одати бор. Аста-секин эса шу ном асосий бўлиб қолади. Масалан, бўкалик Очил шоирни фақат «Гўрўғли» туркум дostonларини куйлагани учун «Гўрўғли» Қарши давлат дорилфунуни ўқитувчиси Маҳманазар Қўлдошевни 50-йилларда Ҳамза ролини ижро этиб шуҳрат қозонгани учун «Ҳамза» деб аташадик, ҳатто бундай кишилар иккинчи номини эшитмаса, чақирсангиз ҳам қарамайди. Саъдулла Тоҳиров ҳам шундай кишилар жумласига киради. 1926 йилда туғилиб, суяги меҳнатда қотган, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатиб баданларини ўқ заҳмига, заҳматига дучор этган инсон, ёшлиқдан халқ кўшиқлари ва дostonларига қизиқиш, қишлоғида бўлиб турадиган қиссахонликлар, бахшичилик кечаларида қатнашиш натижасида ўзи ҳам

ёдида қолган парчаларни айта бошлаган. Аммо ҳеч қайси бахшига шогирд тушган эмас. Ўзининг айтишича, дostonларни қишлоғига тез-тез келиб турадиган Нормурод ва Йўлдош бахшилардан ўрганган. «Алпомиш», «Бало ва Балогардон», «Кунтуғмиш», «Равшанхон», «Маликаи айёр» дostonларини ўқиттириб, эшитиб ўрганган ва 50-йиллардан айта бошлаган. У кишининг дoston айтиши учун махсус чолғу асбоби — дўмбира бўлиши шарт эмас, дотор ёки тарелка чертиб ҳам ижро этаверади. Кўпроқ «Гўрўғли» туркумидан айтгани учун, дастлаб мухлислар «Гўрўғли» дейишган. «Қани, «Гўрўғли»дан бўлсин, «Гўрўғлидан эшитайлик» иборалари аста-секин унинг номи билан алмашиб ўзи Гўрўғлига айланган. Шу тарзда машхур эпос қаҳрамони номини олган Саъдулла Тоҳиров меҳнати, одамларга самимий меҳр-муҳаббати, беғараз ёрдами билангина эмас, айна вақтда ўзи билган ўнлаб термалар, қўшиқлар, бир нечта дoston билан ҳам уларга руҳий мадад берганидан ҳурмат-эътибор қозонган. У киши хотирасининг кучлилиги — қуйма қулоқлиги, қаерда қайси ёшдаги кишилар орасида бўлмасин, ўта камтарлик ва ҳоксорлик билан гоҳ соз, гоҳ созсиз тингловчининг хоҳишига кўра билганларини айтиб хушнуд этишни омад деб биледи. Турмуш ўртоғи Муяссар ая билан олти фарзандни вояга етказган «Гўрўғли бобо» — Саъдулла Тоҳиров ҳали бардам. У киши репертуарида бўлган дostonлар, термаларни тўлиқ ёзиб олиш, таланти, иқтидори ҳақида мукамалроқ фикр юритишга имкон бериши шубҳасиз.

«Нуралининг ёшлиги» дostonи ҳам, ижрода ҳам қўлёзмада бизгача етказган Бозор Омонов эски мактабда савод чиқарган. У диний илмдан яхши хабардор бўлгани сабабли мулла Бозор деб юритилади. Айрим манбаларда айтганидек, у Мулла Холназар шоирнинг эмас балки, Мулла Бозор Шеркул ўғли ва Мулла Мухторхонларнинг шогирди бўлган. Чунки Бозор Омонов икки ёшга кирганда Мулла Холназар вафот этган эди. Мулла Холназар ёздириб қолдирган «Нуралининг ёшлиги» дostonининг қўлёзмаси Мухторхондан Бозор Омоновга ўтади. У бадихағўй бахши бўлмаганидан қўлёзмани одамларга ўқиб бериш жараёнида ёдлаб олади.

Шу ўринда ўрганилиши керак бўлган ходисага дуч келамиз. Яъни Сурхондарёда, Қашқадарёнинг ҳам кўпгина

жойларида муллалар дўмбира чалишни қоралайди. Масалан, Бойсунда яшаган Мулла Эрмамат Бадалов дастлаб зўр дostonчи бўлган, бироқ кейинчалик 30-йиллардан (аниқроғи, устози Холиёр Абдукарим ўғли 1937 йил қатл этилгандан сўнг) мутлақо айтмай кетди. Ниҳоятда ширадор овозга, созандалик қобилиятига эга бўлган бу бахши билан қайта-қайта учрашиб қилган илтимосларимиз, ялинишларимиз бефойда кетди. Эҳтимол, биз йўғимизда айтар деб ўғли Хусан Эрматовга ҳам тайинладик. Бироқ ҳеч қайси ҳаракатимиз фойда бермади. Бундай мисоллар кўп.

Қамашида, Қамайда эса ўзгача манзарага дуч келамиз, яъни бу ерда яшаган муллалар ҳам муллачилик қилишган, ҳам бахшичиликни давом эттирган. Ҳатто Қамай дostonчилик мактабининг ўзига хослигини белгилловчилар асосан мулла бахшилар. Мулла Холназар, Мулла Бозор Шеркул ўғли, Мулла Хўжамкул, Мулла Бозор Омонов, Мулла Йўлдош, Мулла Эшонкул каби муллаларнинг бир силсиласи мавжуд. Улар халқни маърифатли, маданиятли, эътиқодли қилиб тарбиялашга ҳисса қўшиш билан бирга, дostonчиликда янги бир йўналишга ҳам асос солганлар. Улар ўқимишли бўлганидан халққа китобий дostonлар ўқиб бериб, айна вақтда шу дostonларни дўмбира жўрлигида куйлаб рухий озик беришганки, Қамайдан ўзга жойда бундай ҳолни кўриш мумкин эмас. Яна бир нарсани, ёзилганларни халқ муқаддас билишини бу бахшилар яхши англашган ва шу боис «Нуралининг ёшлиги» дostonини ёзувда қолдиришда эса халқ дostonларидаги тил хусусиятини сақлаш, эпик қахрамонни пирлар, азиз авлиёлар мададисиз, Аллоҳга илтижосиз улуғлаб бўлмас эдики, Мулла Холназар дostonни ёздириш жараёнида буни чуқур анлаган. Профессор Т.Мирзаев: «Чамамизда халқ дostonларини бадий гўзал куйлашда Қамай бахшичилик мактаби вакиллари Кўрғон дostonчилигига яқинлашиб борган» деган фикри фақат шу дoston учун хосдир. Зеро, Эргаш Жуманбулбул ҳам мадрасани битирган ижодкор эканлигини эсласак, у куйлаган дostonлар ва «Нуралининг ёшлиги» ўртасида яқинлашишини англаш қийинмас. Шунингдек, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби, Мулла Мухторхон, Мулла Хўжамкул, Саъдулла Тохиров ҳам кўп пайт дўмбирасиз куйлашган Қамай дostonчилик мактаби ва-

килларида ёзма равишда қолмаган, бошқа ҳар қандай достонни кўздан кечирсак, бадииятда, тил хусусиятида «Нуралининг ёшлиги» достонидаги юксалиш нуқтасини кўрмаймиз.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, қамайлик мулла бахшилар ижодини чуқурроқ кузатиш, текшириш, яна бир «Нуралининг туғилиши» деган достонни ҳам қўлёзмада бор эди, деган кўрсатмани рост-ёлғонини излаш, қамайлик мулла бахшилар ва мулла бўлмаган бахшилар ижодини қиёсий таҳлил қилиш керак. Бу ўзбек фольклоршунослигида янги фикрлар айтишига имкон беради.

## **ШЕРОБОД ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК КУЙЧИЛАРИ**

Умумўзбек достончилигида Шеробод достончилики поэтик мактаби ўзининг тарқалиш доираси, таъсир кучи жиҳатдан алоҳида ўринда туради. Ҳозиргача ўзбек фольклоршунослиги Шеробод поэтик мактаби каби кенг тарқалган ўзга достончилик марказини билмайди.

Бу, аввало, шу мактабнинг тенгсиз хогира ва истеъдод кучига эга бўлган Шерназар Бердиназар ўғлининг шуҳрати, шогирд тайёрлашдаги пири комиллиги, меҳри дарёлиги билан белгиланади. У ўз атрофига туғма-талантли ёшларнигина йиққан ва уларга саховат билан ўз билганларини ўргатган десак хато қилмаймиз. Унинг алоҳида қобилиятини билган у билан тенгдош, ҳатто ундан ёши улуғ Сафар шоир Бойназар юзбоши, Нормурод юзбоши ўз фарзандини шогирдликка берган бўлсалар, Эрка лўли, Маманиёз лўли, Омонниёз лўли, Жўра лўли бахшилар Қашқадарё, Тожикистондан Шерна хузурига бориб достон куйлашни ўрганганлар.

Дехқонободлик Ражаб шоир, Умир шоирларнинг Шернага шогирд тушиши Шерна шоир мактаби аъёнларининг Қашқадарёда ёйилишига сабаб бўлган. Агар Ражаб Нормурод ўғиллари Ўрол, Менглимамат, Исмоил бахшиларни тарбиялаган бўлса, жияни Қодир бахшига тўрт яшарлигидан дўмбира ясаб бериб раҳнамолик қилган. Умир шоир эса устози Шерна йўлини давом эттириб шогирд тайёрлашга алоҳида эътибор билан қараган. Воҳамиздан

етишиб чикқан Қодир бахши Раҳимов, ака-укалар Сувон, Қора, Чори, Панжи Умировлар, Сафар Хушвақт ўғли, Ҳайим Пиримқул ўғли, Бозор Норматов, Эшназар Раҳматов, Бекназар Раҳматов, Ҳасан шоир, Нурали шоир Қурбоновлар Умир бахшининг шогирдларидир.

Устоз фольклоршунос А.Қаҳхоров ва ушбу сатрлар муаллифларининг икки юз йиллик Жанубий Ўзбекистон бахшилар шажарасини узоқ йиллар кузатишлари шундай хулосага олиб келдики, сўз санъатининг, соз санъатининг бу тури генда бўлмаса авлоддан-авлодга ўтмас, биринчи нари борса, иккинчи авлодда узилиб қоларкан. Шеробод, Чироқчи ё Қамай поэтик мактабининг қайси бирига назар солмайлик, худо берган қандайдир талант билан шуҳрат қозонган бахши-шоир ўзи машҳур бўлади, элга танилади-ю, авлодидан чикмайди. Эҳтимол, шу босидан Шернадай довруқли санъаткор: «Менинг номимни қолдирса, ёйса Мардонақул билан шу сағирт (яъни Умир шоир Сафаров) қолдиради, ёйди,» — деган бўлса керак. Ҳақиқатан унинг шуҳратини бутун Марказий Осиёга шу икки шогирди ёйди. Устоз бахши башорат қилганда ҳам жияни, ҳам куёви (қизи Шарбатойнинг эри) Мардонақул ва Умир шоирнинг етти пушти дostonчи ўтганлигини назарда тутган бўлиши шубҳасиз.

Умир бахши авлодлардан ўғиллари — Сувон, Қора, Чори, Панжи, неваралари — Абдурасул, Абдуаҳхор, Жовли бахшилар етишиб чикди. Шогирдлари орасида ўзигача яна етти аждоди бахши ўтган Қодир бахши фавқулодда шуҳрат топди. У умумўзбек дostonчилигининг энг яхши жиҳатларини ўзида синтизлаштирди. Ҳатто 70-йилларда ёшларни бахши давраларига жалоб етиш учун дўмбирага микрофонни улаб, дўмбира ёнига доира ва бошқа чолғу асбобларини қўшиб, енгилроқ усулдаги термалар ҳамда дostonдан парчаларни айтиб Хоразм усулини олиб кирди. Аллоҳ берган овози, созни сайрата олиш қобилияти, матнларни ёшларга ёшдек, кексаларга кексадек айта олиш маҳорати тезда шуҳратини оширди. Шогирдлари кўпайди. Шеробод поэтик дostonчилик мактабининг 70-80-йиллар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. У ўғиллари Қаҳхор, Абдумурод, Бахтиёр ва Баҳромдан ташқари Қашқадарё-Сурхондарё, Туркменистон ва Тожикистон худудларида



Ўттиздан зиёд шогирд етиштирди. Бугунги кунда воҳамизда яшаб, қўлида дўмбираси билан бахшичиликни давом эттираман деб юрган, айримлари вилоятдагина эмас, республикада ҳам тан олиниб қолган қуйидагилар Қодир бахшининг шогирдларидир. Рўзи бахши Қултўраев, Шоқул Мирзаев, Бойкул Мирзаев, Муҳаммади Тангиоров, Мамарежаб Ҳусанов, Абдурашид Соатов, Гулбон Мирзаев, Асад бахши, Омон бахши, Мусурмон бахши, Ёдгор бахши, Қудрат бахши, Зиёдулла бахши, Мурод бахши, Исмоил Раҳмонов, Омон бахши (ғузорлик), Абдурашид Боймурод бугун устоз анаъанасини ҳоли қудрат давом эттирмоқда. Шунингдек, устозлар даражасига қўтарилмаган, яъни шогирд тайёрламай вафот этган ёхуд яшаётган Фармон юзбоши, Худойберди Фармон ўғли, Қурбонпўлат Хушвақтов, Исмоил Назаров, Файзулла бахши, Абдурахмон Оstonов, Анор Пириркуловлар ҳам Шеробод дostonчиларининг Қашқадарёда яшаган ва яшаб ижод қилаётган вакиллари дир. Қодир бахши шогирдлари орасида сурхондарёлик Шоберди Болтаев, Хуррам бахши, Боборайим бахши, Шодмон бахши, туркманистонлик Ҳожимурод Шомуродов, хоразмлик Нурбек Абдуллаев каби иқтидорли талантлар ҳам борлиги қашқадарёлик бахшилар шуҳратини чуқувроқ англашга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда вилоятининг Чироқчи, Қамай, Нишон, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва бошқа туманларида яшаётган бахшилар ҳам асосан Қодир бахшига таклид қилиб, баъзан унга шогирд бўлиб ўзлари мансуб поэтик мактаб йўллари дан узилган ҳолда Шеробод поэтик мактаби доирасига кириб кетдилар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, Қодир бахши Раҳимов тимсолида Шеробод дostonчилиги ижрода, айтиш усулида, дўмбира куйларида сифат ўзгаришларига учради. Энди фақат аввалги Шеробод мактабига хос хусусиятларга Самарқанд, Хоразм йўллари қўшилди ва умумийлашди. Демак, худди шу нуқтадан, яъни Қодир бахши эришган чўққидан туриб, унинг шогирдларига назар ташлаш, устоздан олиб қолган йўллارни ўрганиш ва Қодир бахшидан олдинги устозлар билан қиёслаб илмий хулосаларга келиш фурсати етди. Бу эса йирик тадқиқотларни талаб қиладиган мураккаб вазифа. Бироқ сўнгги таҳ-

лилларимизда бу ҳақда кенгроқ тўхталамиз. Ҳозирча шу мактаб вакилларидан айримлари ҳақида қисман фикр билдирамиз.

Ражаб бахши Нормурод ўғли (1886-1990) Деҳқонободнинг Тўдачорбоғ қишлоғидан. Ўн етти ёшда Шерна шоирга шогирд тушиб, ўн тўққиз ёшидан мустақил дostonчи сифатида давраларда айта бошлаган «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг ёрга бориши», «Малла савдогар», «Ойпарча», «Нурали, Авазхон ва Қундуз», «Келиной» дostonларини ижро этган. У айтган дostonларда қахрамонлик, дўстлик, севги ва садоқат ғоялари ўзи айтгандек «эркалатиб» тасвирланади. Бадиҳа йўли билан қатор термалар яратган. Ундан бир қатор асарлар ёзиб олинган, «Алпомиш»дан бир парча магнитофон тасмасига муҳрланган.

Қашқадарёлик халқ бахшиларининг Шеробод дostonчилигига мансуб вакиллари орасида Умир бахши Сафаров, Қодир бахши Раҳимов, Қора ва Чори бахши Умиров, Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан «Алпомиш» туркумига кирувчи «Алпомиш»; «Ёдгор», «Бева Барчин», «Шомурод», «Йўлчибек» (Худоёр) дostonлари ёзиб олинган. Биз Умир шоир Сафаровдан 1956 йилда фольклоршунос О.Собиров ёзиб олган, ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими архивида № 1254 инвентар рақами билан сақланаётган «Алпомиш» дostonи ҳақида профессор Тўра Мирзаевнинг қисқа тадқиқотини келтириб ўтсак, фойдadan холи бўлмас.

«Умир Сафар ўғли варианты Сурхондарё ва Қашқадарё водийларида айтилиб келинаётган «Алпомиш» дostonи хусусиятларини ўзида сақлаган бўлиб, бу воҳада ёзиб олинган вариантлар орасида энг мукамал ҳисобланади. Умир шоир вариантда Бойбўри ва Бойсари ўртасидаги конфликт оилавий-маиший характерга эга». У уруғнинг ажралиш даражасига кўтарилгач, ижтимоий мазмун касб этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу вариантда элатидан маслаҳат сўради, дейилса-да, уруғ кенгашларига хос бўлган ҳолатлар кўринмайди. Барчиннинг кўчишига норозилиги Фозил Йўлдош вариантдагидек бўртиб турмайди. Умир шоир вариантда Барчин хабари тегиши иккиланган: чархи синган кампирдан эшитади, ҳам Қалдирғочойим чечаси-

нинг хатини топиб, боришга ундайди. Алпомиш Култойни яккама-якка курашда уч марта йикитгач, Бойчибор отни олади. Қоражон билан куч синашгач, дўст бўлади. Бунда қахрамонлик шартларини Барчин эмас, Қалмоқшоҳ қўяди. Улар учта: пойга, кураш, олтин қовоққа отиш. Бу вариантда кураш тасвири жуда бўш. Унда умуман алплар эмас, фақат Алпомиш билан Кўкалдош олишади. Алпомишга Барчиннинг мадади акс этмаган. Умуман, бу вариантда Барчин образи кейинги планга сурилган. Унинг алп қизлиги кўринмайди.

Умир шоир вариантыда тасвирланишича, Алпомиш Барчинни олиб кетгач, Тойчахон бойларга ўн тўрт йиллик хирож солади. Бойлар хирожни тўламай кечалаб кўча бошлайдилар, чунки Бойсари Алпомишга орқадан етиб бораман, деб ваъда берган эди. Буни билган Тойчахон кўча хужум қилади. Икки ўртада жанг бўлади. Бойсари ва бойлар енгилиб, ҳар томонга тарқаб кетади, уларнинг молмулкани Қалмоқшоҳ тортиб олади. Тойчахон қўлида тутқунда қолган «Алпомиш» ҳолидан Бойсарининг собиқ чўпонлари хабар олиб турадилар. Сурхондарё вариантларида бўлганидек учта, учлантирилган: Кайқубод, Эломон, Замон. Аммо бир хил вазифани бажарадилар. Алпомиш ҳолидан хабар олиш кейинги ҳодиса бўлиб, қахрамоннинг узоқ муддат очлик ва сувсизликка чидаши мумкинлиги ҳақидаги қадимий тушунчани кейинги планга суради. Бунда Кайқубод ва Товка билан боғлиқ комик ситуациялар учрамайди. Товка Алпомишни туш кўради ва «отма суяк» ўйини давомида унинг чоҳини топади, зиндондан чиққан Алпомиш унга уйланади ва совға-салом билан Кўнғиротга қайтади.

Алпомишга пешвоз чиққан туя энчи Кўкалча бўлиб, Алпомиш унинг оғзига онасининг бир коса сутини қўяди. Алпомишнинг туя ва биянинг сутини ичиши ҳақидаги қадимий тушунча кейинги қарашлар доирасига сиғмай қолади. Натижада эпосдаги бу ҳолат ўзгаришларга учраган. Умир Сафар ўғли вариантыда гарчи Алпомишнинг Кўкалча билан ширхўралиги қолган бўлса-да, унга Алпомиш ўз онасининг сутини берган, — деб модернизация қилинган. Бу кейинги ҳодиса бўлиб, эпосдаги қадимий тасаввурларнинг ўзгара боришига ёрқин мисолдир. Кўкалча Алпомиш ва Бойчиборни ҳидлаб от олдига йиқилади.

Қаҳрамон унинг бошини кесади. Туя орқасидан зорланиб Қалдирғоч эмас, Бойбўри келади.

Умир Сафар ўгли вариантида «Култой» қиёфасидаги Алпомиш Барчин ўлан айтишиш жараёнида эмас, балки Ултоннинг совчиси сифатида танишади. Бунда тилла узук танитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Алпомиш Барчинга отда,  
Кистасидан тилла узук.

Бу узук аини пайтда сеҳрли ҳамдир. Уни Алпомишнинг онаси кўзига суртиши билан хира кўзи равшан бўлади. Бу вариантда бошқа вариантларда бўлганидек, ўз-ўзини бий сийлаган рақибдан ўч олишнинг воситаси сифатида қаҳрамоннинг сари ёйи хизмат қилади. Аммо бунда нишонага (олтин қовоққа) отиш орқали эмас, балки ёйдан отишни рақибга кўрсатиш (ўргатиш) баҳонасида эришилади. Бу ўринларда айтувчи томондан Ултонтознинг фаросатсиз киши эканлиги фош этилади. Қаҳрамон ёйини қўлига олгач, Ултон ва унинг атрофидаги қирқ хизматкорни қарға, чумчук, тулки ва ҳоказоларга ўхшатади.

Бугун чикдим Ўтапирга,  
Дучор келдинг Култой зўрга,  
Бўлиб отайинми бирга,  
Ўтапирдаги қирқ қарға,  
Қирқинг отайми бирингни?

Ултон бунинг маъносини тушунмайди. Умир шоир вариантида Бойсарининг тақдири ва уруғининг бирлашиши ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Шунга қарамай, унинг варианти тасвирий воситаларга бой вариантлардан ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Бу ерда фольклоршунос олимнинг фикрини тўлиқ келтиришдан мақсад шуки, биринчидан, тадқиқотчи ушбу вариант Жанубий Ўзбекистондаги «Алпомиш» достонининг хусусиятларини ўзида сақлаганини, бадий воситаларга бойлигини таъкидлайди. Иккинчидан, 90-йилларда бах-

---

<sup>1</sup> Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари, Т., «ФАН» 1968, 48-49 бетлар.

шилардан, хусусан, ўгли Қора бахши Умир ўғлидан ёзиб олинган вариант билан отаси айтган вариантни қиёслаб ўқиганда, таҳлил қилганда юз берган ўзгаришларни англаш лозим бўлади.

XXI асрга қадам қўяётган бугунги кунларда Қашқадарё-Сурхондарёда бахшичилик жонли жараёнда давом этаётган, қадимий оҳанглар ҳаётбахш нур бўлиб онгимизга кираётган, минг-минг йиллик дostonчилик анъанаси яшаб турган экан, бунга шу ҳудуддаги ижтимоий муҳит, аҳоли руҳияти сабаб. Аввало Шеробод дostonчилик мактаби вакиллари таркаган ҳудуд Қашқадарёнинг Дехқонобод тумани, Қамаш, Фузор ва Чироқчининг бир қисми Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг ўзбеклар яшайдиган жойларида, Сурхондарёнинг ҳамма туманларида яшовчи аҳоли, асосан кўнғирот уруғига мансуб этник қаламнинг дoston тинглашга иштиёқи кучли. Уларнинг етти пушти «Алпомиш»ни эшитиб ўтган, кетарида авлодларига шу хислатни юқтириб кетган. Шу сабабли ушбу ҳудудларда ҳозир ҳам кимдир тўй қилса бахши бўлишини, куйлашини шарт деб билишади. Шаҳарларда санъаткорнинг зўрини, машхурини тўйга чақириш мажбурият, бурч, элда фахр-ифтихор бўлганидек бу жойларда энг кучли, энг бадиҳагўй бахшини тўйга олиб келиб айтиришдан қувониш, фахрланиш туйғуси бор. Тўй эгаси, дастурхон соҳиби бу соҳада бор имконни ишга солади. Чунки кекса авлод бахшилардан дostonлар тинглаб суяги қотган. Уларнинг онгида Шерна шоир, Абдулла шоир, Умир шоир, Мардонақул юзбоши, Қодир бахшиларнинг сози садоларию нажот бахш, янғроқ овозлари сақланиб қолган. Улар шуни қумсайди, ўз қаҳрамони Алпомишнинг ўтда ёнмаслиги, сувда чўкмаслиги, ўққа учмаслиги, қилич кесмаслигини орзу қилади. Тўйларда, давраларда ёшларни дoston тинглашга ундайди, авлодларидан шундай қаҳрамонлар чиқишини қумсайди. Иккинчидан, фақат Шеробод дostonчилик мактабида шогирд тайёрлаш анъанаси қатъий давом этиб келаётир. Ёш ўттизга боргандан сўнг шогирди кимлигини сўрашади. Қизик, аввало, бахшини билими, бадиҳагўйлиги, айтиш маҳорати орқали синовдан ўтказгач, унинг устозликка яроқли-яроқсизлигига эътибор беришади. Ижодкор бахши ушбу масъулиятларни ҳис этиб

боради ва атрофига издошларни тўплайди. Шогирдлар дастлаб устоз билан юриб, дўмбира усулларини, термаларни, дostonдан парчаларни ижро этади. Маълум тайёргарликдан ўтгач, шогирд бир-икки тинглаган дostonни айтаётганда устоз тўхтайтиди-да, келган ўриндан давом эттиришни шогирддан талаб қилади. Бундай топшириқлар кўпроқ эпик ўринларда бўлади. Масалан, туш кўриш, от эгарлаш, дуо бериш, сафарга жўнаш, жанг қилиш, насихат кабиларга тўғри келади. Фаҳм-фаросатли, дидли шогирд, устоз айтган нуқтадан давом этаверади. Йўрғагида бўлмаган, ижодийлик етишмаган шогирд эса мум тишлаб тураверади. Ҳар ҳолда шогирдли бахши бўлиш эътибор қозониш, шухратли бўлишнинг бир туридир. Буни англаган бахшилар Шеробод поэтик мактабида борлиги боис ҳам анъана давом этмоқда.

Учинчидан, кўнғирот уруғи ҳақиқатда Алпомишни реал ўтган шахс деб билади ва ўзларини унинг барҳаёт авлодлари деб тушунади. Шу сабабли «Алпомиш»ни куйлаш, «Алпомиш»дан эшитиш уларга омадлилик белгиси. Эпик қаҳрамонни шунчалик севган, унга ишонган, бундай халқ дунёнинг бошқа нуқтасидан борми йўқми билмадигу, ҳар ҳолда, Қашқадарё-Сурхондарёда улар бор, яшаяпти.

Ушбу ўринда бир нарсани таъкидлаб қўяйликки, сўнги пайтларда кўлига дўмбира ушлаб ички овозда куйлаётганларнинг кўплиги бу халқ бахшисининг кўплиги эмас, ҳаваскорнинг «урра-уррачи»ларнинг кўплиги. Аслида ҳатто 60-йилларда ўнлаб бадиҳагўй бахшилар яшаган бўлса ҳозир жами ўнтадан ошмайди. Ўттиз бешгача бўлган бахши-шоирлардан ақалли бешта дostonни анъанавий тарзда тўлиқ айтадиган, бадиҳа йўли билан тўқий оладиган бешта бахши йўқ Қашқадарёда. Аммо «Гўрўғлими», Авазми, Нуралими, Равшанми, Кунтуғмишми, Рустамхонми қайсидан айт десангиз бир ёки икки ўринни айтиб ўзини «мумтоз» санаганлар кўпайиб кетди. Ҳатто шундай анъана бошландики, айрим бахшилар буюк талант эгалари Пўлкан ва Қодир шоирларга тақлид қилиб, етмиш дoston биламан, саксон дoston биламан, дейувчилар кўпая бошлади. Аслида, улар бир-икки дostonдан бошқасини билмайди. Бироқ бизнинг ҳакамлар ҳайъати «ойнаи жаҳон» ёхуд радио мухбирларга ишонади ва биргина парча айтти-

риб, ўрин бераверишини одатга айлантириб қолди. Кўриктанловда бахши ижодини 5-10 минутда баҳолаб бўлмаслигини тушунмайди, тушунолмайди. Чунки на ўша журналист, на ҳайъат аъзоси бахши эшитиб улғаймаган, шу боис уларнинг қудратини сезмайди. Қайсидир овозга, қайсидир созга маҳлиё бўлиб (ёхуд кимдир маҳлиё қилиб) ўтираверади, миясига минг йиллик анъана сиғмайди. Сиғмайди гарчи талабалигида фольклордан беш олган бўлса ҳам. У «Алпомиш», «Гўрўғли» достонининг энг мукамал (хатто номукаммали)ни ҳам ўқимаган, агар болаликда ўқимаган бўлса. Оқибатда ўзлари ижодини ёритмоқчи бўлган бахши талантини бир хилда улуглаб баҳолайверади. Бахшиларда шундай хусусият борки, уларни икки-уч мақтаб қўйгач, кейин уни шуҳрат, мақтаниш тахтидан тушира олмайсиз. Яқинда «Алпомиш» юбилейига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган бахши-шоирлар кўрик-фестивалида ҳам айрим бахшилар созни сайратиб қушларни ҳам дўмбирасига кўндирганини айтавергач, биз уларга қуйидаги ривоятни айтиб бердик.

Бир киши Ҳисор вилоятига бориб, бир дўсти билан мардикор ишлаб қайтарида бозордан дўмбира ҳам сотиб олибди. Йўлда кела-кела тўхтаб: «Эй дўстим, бозордан дўмбира олдим, бир чалайин отлар ҳам дам олсин», — деб иккаласи ҳам отдан тушиб, дўмбира олган киши чала бошлабди, шунда бир тўрғай булардан нари кетмай чирқиллайверибди. Дўсти: «Бўлди, кетамиз», — деса ҳам, дўмбиракаш: «Тўхтанг, махсум, мен шу тўрғайни дўмбира бошига кўндирайин», — деб роса чалибди-ю, дўмбирага тўрғай кўнмабди. Жойидан туриб кетаётди қараса, тўрғайнинг уяси олдида ўтирган, тўрғай уядаги тухумдан хавфсираб сайраётган экан. Иккаласи қулишиб кела-кела кечқурун бир момоникига меҳмон бўлибди, чой ичибди, нон ебди. Дўмбиракаш яна чидай олмай, хуржундан дўмбирасини олиб чала бошлабди. Орадан кўп вақт ўтмай кампир пиқ-пиқ йиғлашга тушибди. Дўмбиракаш хурсанд бўлиб, «Тўрғайни кўндиролмасам ҳам кампирни йиғлатдим-ку», — деб ўйлаб: «Моможон, нега йиғлайсиз?» — деб сўраса кампир: «Ҳа, болам, ўтган йили чолим қурғур ичи оғриб, шу тир-тирдан кетиб эди. Дўмбира чалишингни эшитиб, чолим эсимга тушиб кетди-да, болам», — дебди. Бу гапни эшитган дўмбиракаш созни қайта қўлига олмай кетган экан.

Ривоятни эшитгач, даврадаги ўзига лоф тўқиб бир-бирини ишонтирмоқчи бўлаётганлар жим бўлди. Биз эса бахшиларнинг кўплигидан рости хурсанд эмас эдик, чунки уларнинг каттагина қисми биргина дostonни, ҳатто «Ал-помиш»нинг ўзини ҳам яхши билмас, ақалли қайта-қайта чоп этилган Фозил шоир вариантыни ҳам ўзлаштириб олмаганини билардик. Республикада биргина поэтик мактаб жонли жараёнда яшаётганда улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, сўниш жараёнини секинлатиш, ХХI асрда ҳам авлодаримизнинг дўмбира оҳангларини эшитиб дoston тинглашига эришмоқ учун кўп иш қилмоқ лозим. Сабр-тоқатимиз етармикан, билмадик?!



3-фасл

"АЛПОМИШ" ДОСТОНИ  
ТАҲЛИЛИ



## КЎП ҚАДИМ ДОСТОН

Ўзбекистон истиқлолга эргашиб, истиқбол сари қадам кўяр экан, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ислохотлар қатори маънавиятга алоҳида диққат-эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ҳам маданий-маънавий, ахлоқий-руҳий ҳаётимизда мислсиз улкан воқеа бўлди. Чунки «Алпомиш» тўйини нишонлаш ўзбек миллатининг, унинг урф-одатлари, расм-русумлари, миллий ва руҳий кадриятларининг қайта тикланишига, этник маданиятимизнинг ўлмас обидаларига янгича тафаккур билан қараш, ўрганишга ундайди.

«Алпомиш» достонининг бекиёс руҳий-маънавий қудрати, ҳажман ва маънан юксаклиги ҳақида халқ бахшиларининг ўзлари алоҳида меҳр ва ғурур билан қайд этадилар. Давримизнинг улуғ бахшиси Қодир Раҳим ўғли: «Имконим, вақтим бўлиб берилиб айтсам, «Алпомиш» минг кеча-кундузда аранг тугаров»,— дерди.

Ёки биз «Алпомиш» достонини икки йил мобайнида ёзиб оларканмиз, машхур ўзбек бахшиси Умир Сафар ўғлининг фарзанди-шогирди Қора бахши Умиров: «Энди тугатмасам, қисқартмасам, етти йилда ҳам ёзиб улгура олмайсизлар,— деди.

Гарчи бу сўзлар муболағадек туюлса-да, аслида улар асосли заминга эга. Айниқса, Қодир бахшига шажараси туташ Эрназар Қобан бу достонни Бухоро амири хузурда айтиб, аранг Алпомишни чоҳга тушириш воқеасига етган. Ёхуд Амин бахши уч ойда достонни ниҳоясига етказолмаган.

Маълумки, жаҳон фольклоршунослигида у ёки бу эпоснинг ёши, яъни юзага келиш тарихи — генезисини аниқлаш, тарқалиши орқали жуғрофиясини белгилаш, миллий ва минтақавий нусхаларини тарихий, қиёсий-типологияк ўрганишнинг ҳам этно-маданий, ҳам ижтимоий-сиёсий ва ҳам маънавий-маърифий аҳамияти жуда катта. Шу жиҳатдан «Алпомиш»дай илк қаҳрамонлик достонининг ёшини аниқлаш ҳам ниҳоятда муҳим.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг фикри ожизимизча, «Алпомиш»нинг минг йиллиги» деганда, унинг мукамал, тўлиқ ҳолда яратилганига шунча вақт бўлибди, деган қатъий, узил-кесил хулосага келмаслик лозим.

Аслида Алпомишга асос бўлган илк бобосюжет ва у ҳақдаги кўшиқ-балладалар, афсона ва ривоятларнинг юзага келиши, уни эпик дoston тарзида куйлаш тарихи узок йилларга бориб тақалади. Президентимиз Ислom Каримов Оқмўлага жўнаб кетишлари олдидан берган мазмунли интервьюларида ҳам «Алпомиш»нинг тарихи икки минг йилга бориб тақалиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтдиларки, бу барчамизни янада теранроқ илмий изланишлар олиб боришга ундайди.

Ҳа, «Алпомиш»га асос бўлган дастлабки бобосюжетни ҳар томонлама чуқур ва атрофлича ўрганмоқ талаб этилади. Бу эса кўп йиллик ва бу соҳа тадқиқотчиларининг аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, илмий ҳалоллик ва ҳамкорлик билан ишлашини, тарихимиз қаърига чуқурроқ кириб боришни, қадимий тилларни ҳар томонлама пухта билишни, аср-асрлар давомида авлодлардан-авлодларга суяк суриб келган халқ хотираси маҳсуллари — урф-одатлар, удумлар, расм-русумлар, хулласи, халқона қадриятларимизни теран билишимизни талаб этади.

Энди дoston генезиси ҳақида айрим мулоҳазаларимизни баён этсак.

Аввало, дoston қатламларида, баъзи тадқиқотчилар ҳам алоҳида таъкидлаганидек, уруғчилик даврининг акс этгани, зардуштийлик, тотемизм ва анимизм билан алоқадор воқеалар, тасвирларнинг кўп учрашини унутмаслигимиз керак. Демак, бу илк қаҳрамонлик дostonининг бобосюжетини, яъни яратила бошланиши ёхуд шаклланиш даврларини исломдан олдин деб ҳисоблаймиз. Айни чоғда биз дoston матнининг асримиз 20-йилларигача ёзиб олинмаганлигини назарда тутиб, ёзиб олинган — вариантлар социалистик мафкура туфайли қайсидир ўринда «қайта ишланган»и, замонасозлик қилинганини таъкидлаб, бу буюк эпоснинг илк ўқ илдизлари, бошланиши қадимийроқ, десак, хато бўлмас. Фикримизнинг далили сифатида В. Бартольд, В. Жирмунский, Ҳ. Зариф, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов ва бошқа айрим тадқиқотларни эслаш кифоя.

Профессор Ф. Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» монографиясида Шарқнинг Ғарбга таъсирини кўрсатган ўринларни ҳам эсласак, ҳатто, Платоннинг: «Биз — эллиндар варварлардан ўтган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз», — деган фикрини «Одиссея»нинг яратилишига тадқиқ этсак, «Алпомиш» достонининг илк илдизлари кўп қадим экани маълум бўлади.

Илк бобосюжет бағрида достонга асос бўлган, унинг кейинги вариант-нусхалари қатламларида учрайдиган айрим қадимий тушунчаларга эътиборни қаратишни истар эдик.

Ҳомернинг «Одиссея» достони ва «Алпомиш» эпосининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўринда Т.Мирзаев, А.Алимухамедов ва бошқаларнинг илмий изланишлари, улардаги хулосаларни етарли деб ҳисоблаймиз.

«Алпомиш» достонида уруғчилик, яъни тарихдаги жез даври ўз аксини топганки, буни асардаги воқеалар асослайди. Биргина деталга, яъни энг катта, кудратли қуро — олти ботмон келадиган парли ёйга эътибор берсак, фикримиз бир оз ойдинлашади.

«Алпомиш» тўйини ўтказиш ҳақидаги тарихий Қарорда Сурхондарёга диққат қаратилиши кимларнингдир: «Алпомиш» Сурхондарёда яшаган», — дейишига имкон бермайди. Балки бу эпоснинг тўрт версияси орасида бизгача етиб келган Қўнғирот версиясининг мукаммаллашувида ва республикамиз ҳудудида қайта тарқалишида сурхондарёлик қадимий эпос куйчиларининг истеъдоди, иқтидори, ижодкорлиги, бадиҳағўйлигию шоирона маҳоратини тўғри баҳолашга хизмат қилади. Аслида, «Алпомиш»нинг илк бобосюжети, яъни у ҳақдаги дастлабки афсона ва ривоятлар ёхуд бошқа катта-кичик бадий лавҳалар Каспий ва Орол бўйи, Тоғли Олтой туркийлари орасида пайдо бўлгани, Қўнғирот уруғининг Каспий яқинидаги Бойсун элида шу жой билан боғлиқ тарзда дунёга келгани В. М. Жирмунский, Ҳ. Зариф, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов сингари олимлар томонидан илмий далилланган.

Бу фольклоршунослар кўчишлар даврида Қўнғирот уруғининг Жанубий Ўзбекистонга силжиганини тўғри кўрсатадилар. Масалан, йирик «алпомиш»шунос, филология фанлари доктори, профессор, Абу Райҳон Беруний но-

мидаги Давлат мукофотининг совриндори Тўра Мирзаев «Алпомиш» эпосининг қадимий излари саклар, массагетлар, суғдийлар, хоразмийларга мансуб уруф ҳамда қабилаларнинг афсона ва ривоятларига бориб тақалишини алоҳида уқтирадики, бунга қўшилмаслик мумкин эмас. Аммо, бизнинг фикри ожизимизча, буларни ҳам ҳали илмий аниқ далиллар асосида исботлаш зарур.

«Алпомиш» достонининг бош қаҳрамонларидан бири Барчиннинг Кўкаман, биз Қаҳҳор Қодир ўғлидан янги ёзиб олганимиз «Барчин бева ёхуд Бева Барчин» достонида Ултонтоз билан олишуви, ор-номус учун тенгсиз жангга кириши, ўз тақдирини ҳал этиш учун кураши, очик ҳолда эмин-эркин юриши, давлат, мамлакат ишларига аралашуви ва алп қиз сифатида қаҳрамонликлар кўрсатиши ислом дини қабул қилинганидан аввал юзага келган қатламлар, деб қарашга асос беради.

Достон сюжетида алоҳида ўрин эгаллаган чилтонлар, Хужайи Хизир (Хидир бобо) каби эпик ҳомийлар, баъзи бир қадим маданиятлар тушунчалари таъсири бўлиши керак.

Биз сурхондарёлик атоқли Қора бахши Умир ўғлидан янги ёзиб олганимиз «Алпомиш» достонининг ҳозиргача қоғозга туширилган энг сўнгги нусхаси бўлиб, унга кўра асар конфликтни закотдан келиб чиқмайди. Чунки конфликт маиший руҳда. Яъни икки овсиннинг кўтонда қий талашини ҳамда Барчин ва Ҳакимбекнинг болаларча жанжаллашуви ва унга оналарнинг аралашуви асос бўлади. Демак, илк бобосюжетнинг маиший руҳда бўлиши нисбатан қадимийликни кўрсатади, деб ўйлаймиз. Ислом динига ўтилгач, бахшилар уни закот билан алмаштирган бўлишлари ҳам мумкин.

Қора бахшидан ёзиб олинган вариантда яна зардуштийлик, тотемизм, анимизм билан боғлиқликлар кўп. Айниқса, қуёш, олов, сув билан боғлиқлик кучлироқ.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси устоз Ҳоди Зарифовнинг: «Қадимги замонда ака-ука тутиниш, ўша оилага мансуб бўлишни билдириб, оила орқали уруққа қабул қилинган»,— деган фикри Қоражоннинг Алпомиш билан дўст тутинишида, унга садоқатида, Бойсун элига келиб яшаб қолишида ўз ифодасини топган.

Достондаги асосий эпик ҳомийлар қирқ Чилтон, Хўжайи Хизир («Хидир» — исломдан аввал яратилган), Алпомиш ёхуд шунга ўхшаш қаҳрамонлар алп бўлишида, уларга ўқ ўтмаслиги, уларни қилич кесмаслиги, улар оловда ёнмаслиги, сувда чўкмаслигида шу ҳомийларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳатто, Алпомиш елкасида Хизир панжасининг изи борлигини ҳам қадимий тушунча деб ҳисоблаш мумкин.

Барчин қўйган шартлар ва унда ишлатиладиган қуроллар ҳам, қайта таъкидлаётганимиздек, темир давригача бўлган пайтни англатади. Пойга, кураш, ёй отиш, минг қадамдан камон билан танга пулни уриш қабиларни қадим даврларга хос ҳолатлар деб ҳисоблаш керак.

Тотемга сиғиниш Барчиннинг Бойчиборни чақириши ва отнинг Алпомишни чоҳдан қутқизишида, шунингдек, Қўқалчанинг эгаси ҳузурига чиқиб, жон бериши ва Бойчибор ҳамда Тарлон бия талашувида бағоят ҳаяжонли дамлар, ҳолатлар кўринадики, бунга Инсон ва Ҳайвоннинг бирлиги, яқдиллиги ҳақидаги қадимий тушунчалар маҳсусли, деб қараш мумкин.

«Алпомиш» достонидаги Алпомиш (эсланг: Алп Эр Тунга), Кайқубот, Тойчаҳон, Қалдирғоч, Бойбўри, Қултойқул, Бойсари каби номлар туркий халқларнинг энг қадимги исмлари сифатида баҳоланиши керак.

«Алпомиш» достони билан боғлиқ топонимлар ниҳоятда кўплиги ва уларнинг асрлар давомида ўзгармай келиши халқнинг ўз қаҳрамони номини абадийлаштириши, унга эътиқод қилиши, сиғиниши ҳам ибтидоий тушунчалар билан изоҳланиши мумкин.

Бир шахс, унинг қудратига ҳадсиз ишонч билдириш, унга сиғинишнинг ўзи достоннинг асосий бобосюжети исломдан бурунроқ юзага келган, дейишга имкон беради. Чунки ислом инсондан аввал Аллоҳни улуглайди ва ана шу Яратувчисигагина ишониш, эътиқод қилиш, сиғинишни тан олади, холос. Ёки қизларга алпик хусусиятларининг берилиши ҳам исломга, унинг ақидаларига зид ва бу она уруғи ҳукмронлик даврининг излари эмасмикан?

«Алпомиш» достонининг ёшини аниқлаш соҳасида бу каби далиллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Бирок, шу нарса аёнки, дунёда ҳеч бир эпос эпик қаҳрамонлар, эпик макон, эпик замон ва нафис бадийят соҳасида «Алпомиш» билан беллаша олмайди, десак, муболаға бўлмас.

Қадимий яшаш тарзи, ахлоқий қарашларни акс эттирган бу дoston, айтилганидек, тўрт талқин ва юздан ортик вариант-нусхаларда асосан туркий тилли халқлар ўртасида кенг тарқалган, оммалашган. Ҳатто, тил нуқтаи назаридан қариндош бўлмаган халқ форс-тожиклар ўртасида ҳам шуҳрат топган «Алпомиш» бахшилар, ўзанлар, оқинлар, санновчилар, жировлар, соқиларнинг шоирлик бешиги, ижодкор-бадиҳагўйлик асоси бўлган «Маҳобҳарат», «Рамаяна», «Кўрўғли» («Гўрўғли»), «Рустами дoston» каби умумбашарий асарлар силсиласида туради. Ҳатто, булардан устунроқ ҳам.

Зеро, ота-боболаримиз зукколиги, ижодий салоҳияти билан яратилган ушбу дostonнинг авлодлардан авлодларга, даврлардан даврларга ўтиб, неча минг йиллардан буён суяк суриб келиши, тарихнинг ур-сурлару жангу жадалларидан омон қолиб, ўтда ёнмай, сувда чўкмай, шамолда соврулмаб келиши боиси ҳам унинг ўқ илдизи — илк бобосюжетнинг асослари қадимга бориб тақалишидан, умумбашарий қадриятларни, ғояларни акс эттиришидан.

Дostonнинг бизга маълум бўлган ва қайта-қайта ёзиб олинган вариант-нусхаларида қахрамоннинг сифиниши, топиниши, улардан мадад олиши, йўл-йўриқ сўраши ва ислом мафқурасигача бўлган бир қатор халқона қадриятларнинг муҳрланган ҳолда сақланиб қолиши ва ҳоказолар ҳам асар илк бобосюжети асослари қадимийлиги, тарихимизнинг илк даврларида юзага келганлигини исботлашга имкон беради. Масалан, Қора бахши Умиров ўғли куйлаган «Алпомиш»нинг Жанубий Ўзбекистон вариантыда Алпомиш Оксув дарёси олдидан чиқиб қолади. Сув ҳайқириб, ҳар қандай киши ёхуд нарсани қаърига ютгудай бўлиб оқади. Баҳодир аввалига ана шу даҳшатли дарёга дўқ-пўписа қилиб, ундан йўл беришини талаб қилади. Йўл бериш қаёқда?! Кейин Алпомиш суви заррача камаймай оқаётган дарёга илтижо қилади:

Оксувдарё, дарёлигинг бил энди,  
Мусофирга раҳм-шафқат қил энди.  
Етти йиллаб заҳмат чекдим зиндонда,  
Сувинг тўхтаб, менга бергин йўл энди.  
Ота-она, юрт соғинчи шоширди,  
Душманларим жабр-зулмин оширди.

Оқсувдарё, ўзинг нажот бер, қани,  
Алпомишинг келиб сенга бош урди.  
Ёрил-ёрил, сувларингни бўла қол,  
Бир болангга раҳм-шафқат қила қол,  
Бир мартага сиғиндим-да, Оқдарё,  
Тангри гувоҳ, сўзларимни ола қол...  
Илтижода Бойбўрининг боласи,  
Етиб борди Аллоҳимга ноласи,  
Оқсувдарё қоқ иккига бўлинди,  
Ризо бўлди Алпомиш дил қалъаси.

Зеро, айтилганидек, сувга, ўтга, тупроққа, ҳавога топиниш энг қадимги тушунчаларни англатиши барчага маълум. Бу мисолда эпик қаҳрамон сувга илтижо қилса, наманганлик Ҳайдар Санновчи (Ҳайдар шашқал, Ҳайдар Бойча ўғли эмас) «Алпомиш»дан айтилган парчада эпик қаҳрамон Яратгандан қуйидагича мадад тилайди:

Етти йилда юрак бағрим тилинди,  
Ёлғизлигим, аттанг, менга билинди —  
Ўзинг гувоҳ, Яратганим, Худойим  
Бахтсиз бошим не балога чалинди.  
Қани, айтинг, қани қуёш, юлдузинг  
Тақдиримни белгилаган сен ўзинг.  
Кундуз куни кунгинамни йўқотдим,  
Тарқал булут, десанг, етар бир сўзинг  
Ушбу дамдан ўзга дамни дам дема,  
Алпомишни ўзгалардан кам деса.  
Она офтоб, нурларингни соча қол,  
Гуноҳкор деб, бу мардлигингни ғам ема.  
Бу гаплардан хасталанди дил энди,  
Осмондаги булут тарқаб бўлинди.  
Қуёш чикиб ёруғ бўлди йўллари,  
Яратганнинг мардга раҳми билинди.

Такроран келтирилган ушбу икки парчада куйловчининг икки табиий кучга — Сувга ва Қуёшга ўтинчи намоён бўлмоқда...

Кўринадики, «Алпомиш» достонининг ёшини аниқлаш, у ҳақда бирон-бир хулосага келишимиз ниҳоятда мушкул, мураккаб ва қийин. Бунинг учун, биринчидан, «Алпомиш»нинг тўрт версияда тарқалган барча нусхаларини тарихий-қиёсий, типологик жиҳатдан жиддий ўрганиш,



иккинчидан, кўлимизда мавжуд бўлган барча, яъни қирққа яқин вариант билан чуқур ганишиш, учинчидан, халқ орасига дадилроқ кириб, оғзаки тарзда жонли анъаналарда яшаб келаётганларини қўлга киритиш, тўртинчидан, ҳаёт бўлган бахшилар репертуарларидан хабардор бўлиб, бор вариантларни ёзиб олиш, бешинчидан, халқимиз орасида, жойларда сочилиб ётган эпос, унинг қаҳрамонлари, жой номлари, афсона-ривоятлар ва ибораларни йиғиш, жаҳон, хусусан, Шарқ фольклоршунослиги, этномаданияти ва элшунослигининг энг сўнгги ютуқларидан мақсадли фойдалана билиш зарур.

Шунингдек, бундай қалтис, аммо шарафли вазифани бажариш олимларимиз, хусусан, фольклоршунос, маданиятшунос, элшунос, тарихчи, тилчи ва бошқа соҳа тадқиқотчилари, ҳатто, шоиру адибларимиз бир ёқадан бош чиқариб, янгича тафаккур, янгича ғоялар асосида яқдил ишлашлари, фидойилик кўрсатишлари, мустақил ўзбек фанининг камолоти, жаҳонга чиқиши учун ҳаётларини бахшида этишларини тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан «Алпомиш» ҳақидаги тарихий Қарор мунтазам давом этадиган «Алпомиш изидан» деган халқаро илмий экспедициясини ташкил қилиш, унинг амалий ишини йўлга қўйиш, кўзланган мақсадга эришишда яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз.

Биз мазкур амалий экспедицияни режалаштириб, биринчи йўналишини Жанубий Ўзбекистон бўйлаб бошладик. Бунинг боиси шуки, бахши-шоирлардан дoston бирон марта ҳам тўлиқ ёзиб олинмаган.

Қолбуки, бу ҳудудда «Алпомиш» эпосини мукамаллаштирувчи «Бева Барчин», «Шомурод», «Ёдгорбекнинг уйланиши» дostonлари ҳозиргача жонли жараёнда яшаб келмоқда ва улар республикамизнинг турли ҳудудлари бахши-шоирлари репертуарида учрамайди. Шунингдек, биз 1996-1998 йилларда, хусусан, эсланган илмий экспедиция даврида илк бор тўлиқ ҳолда ёзиб олганимиз Қора бахши Умиров ўғлининг «Алпомиш» дostonи ҳажм жиҳатидан ҳам, бадииятда ҳам дostonнинг энг мукамал ҳисобланган Фозил шоир вариантыдан қолишмайди...

Хуллас, «Алпомиш» дostonи генезисини илмий асосда аниқлаш орқали халқимизнинг этномаданияти ниҳоятда

қадимийлиги ва унинг умумбашарий халқлар маданиятига асос бўлгани, ўзбек халқи бой бадиий даҳосининг чуқур илдизга эга ва юксак даражада эканлигини исботлаш, «Алпомиш»нинг жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутишини, унинг мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий ғурур ва ўзликни англаш рамзига айланганлигини янада теранроқ ёритиш биз — мутахассисларнинг виждоний бурчимиз, иймон-эътиқодимизга айланмоғи лозим.

## **«АЛПОМИШ»НИНГ СЎНГГИ ВАРИАНТЛАРИ**

Алпомиш ўзбекнинг миллий ғурури, фаҳри ҳисобланади. Ҳозиргача умумўзбек фольклорида «Алпомиш» достонининг бир неча вариант ва талқинлари бор.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достонининг қутлуғ тўйини нишонлаш тўғрисидаги Қарори эълон қилингандан кейин Шеробод поэтик мактаби вакилларида Қора бахши Умиров ва Абдуназар Поёновдан «Алпомиш»нинг икки вариантыни, Қаҳҳор бахши Раҳимов ва Чори Умировдан «Ёдгор»нинг икки вариантыни, Қаҳҳор бахшидан «Бева Барчин» ва Чори бахши Умировдан «Шомурод» достонларини ёзиб олдик. Шунингдек, Чоршанбе Раҳматуллаев «Алпомиш»нинг вариантыни қоғозга туширишди. Қаҳҳор бахши ва Абдимурод бахши Раҳимовлардан достон магнитофонга ёзиб олинди.

Ҳар бир поэтик мактабнинг ўзига хос ижод йўналиши бор. Шеробод достончилиги вакиллари дўмбирасини қўлга олганда, аввало, куй ижро этади ҳамда дўмбирани мадх этиб терма айтади. «Нима айтай» термасидан сўнг ўша давра ва муҳитнинг талабидан келиб чиқиб биронта достонни бошлайди.

Бахшилар маҳорати илк бор куй чертишда, дастлабки терма айтишдаёқ намоён бўлади. Достоннинг бошланмасидаёқ тингловчини жалб этишга ҳаракат қилади ва донгдор бахшиларнинг иқтидори кейинги авлодлар томонидан эътиборга олинади. Жумладан, Қора бахши Умиров ўғли ҳам «Созини қўлига олиб, термани ташлаб «Алпомиш»ни бошлайди». Эл орасида шундай гап юридики, Умиров

Бахши (Қора бахшининг отаси) «Алпомиш»ни ниҳоятда яхши билган, шунинг учунми, буни:

...Алпомишни айтса ойлар,  
Тинглаб ҳатто тўлин ойлар,  
Эшитганлар дилга жойлар,  
Сўзи созга мос келганда,  
Мавжланади тошқин сойлар, —

дея такрорланмас ва жозибатор сатрлар билан изоҳлайди. Байтга яхшилаб диққат билан эътиборни қаратайлик, дастлабки икки байтда тажнисли-омоним сўзларни жуда усталик билан қўллаган. Биринчи мисрадаги «Ой» сўзи бир йилда келадиган 12 ойнинг маълум ойларини ифодаласа, иккинчи мисрадаги «Ой» сўзи кўкдаги ойни, яъни моҳни ифодалайди. Кейинги уч ва бешинчи мисраларда сифатлашнинг ниҳоятда чиройли, оригинал шаклини қўллайди. «Мавжланарди тошқин сойлар». Нима учун бахши шундай деяпти? Чунки сой табиий равишда ҳосил бўлади, яъни ёққан ёмғир, жала, дўл, булоқ сувлари ўзига йўл топиш учун пастга қараб оқади ва табиийки, ўзига йўл очиб олади. Оқибатда тошдан-тошга урилиб оқаётган сув ажиб бир манзара кашф этади. Биз шу ҳодисани мавжланиш деймиз. Бахши соз ва сўзини мос қилиб куйлаганда даврадагилар сув тошдан тошга урилиб қандай мавжланса, улар шундай мавжланадилар. Бор вужуди кулоққа айланиб дoston тинглайдилар. Дoston қахрамонларининг қувончларига шерик, дардларига ҳамдард бўладилар.

«Алпомиш» достонида уруғчилик ўз аксини топганки, буни асардаги воқеалар асослайди.

«Одамлар уруғ-уруғ, ҳар уруғда бир йўриғ, ўзларича бор бўлди, яратгани ёр бўлди, душманлари хор бўлди. Шу уруғлар каттасини Қўнғирот дер эди, Қўнғиротлар ҳаддиди зўр эди, яшаш жойи дала-қир эди, ниятлари бир эди, ҳамиша чорва ғамини ер эди».

Бахши дostonда Қўнғиротнинг 64 уруғга бўлиниши, уларнинг бош боболари ҳақида ҳам маълумот берадики, бу бахшининг уруғ этногенезини ниҳоятда чуқур билишини кўрсатади. Аҳамиятли томони шундан иборатки, «Алпомиш» авлоди шажарасини ҳам бериб ўтади. Бахши созда шундан баён этади:

Қадим ўтган замонда,  
Бобо товдан туманда,  
Қўнғирот деган эл бўлган,  
Бойсун деган томонда.

Қўнғирот зўр эл бўлган,  
Яйлови кенг чўл бўлган,  
Шўра-янтоқ мўл бўлган,  
Олтмиш тўртта хил бўлган...

...Элас-элас бел қолди,  
Хотин эрта тул қолди,  
Алпинбийдай беклардан,  
Икки бирдай ул қолди.

Каттасига Бойбўри  
Кичигига Бойсари.  
Деган асил ном қўйди  
Иккови ҳам эл зўри.

Бойбўри ва Бойсарининг исмларини ҳам шарҳлаб ўтади. «Энаси катта ўғлига тўлғоқ тутиб турган кечаси эшик олдидаги қўтонга бўри оралаб, бир неча қўйни жоралаб кетгандан кейин туғилгани учун Бойбўри деб, кичик ўғлининг рангги сап-сарик бўлгани чун Бойсари деб от қўйди». Эътибор берайлик, бахши қандай бадиҳагўй. Халқимиз орасида шундай гап бор, сарик одамнинг жаҳли тез бўлади деган. Шунинг учун бўлса керак, Бойбўрининг номидан закот бериш ҳақида фармонни ўқиб бирдан Бойсарининг жаҳли чиқиб кетади. Ном танлашдаги мутаносибликни қаранг. Балки шунинг учун ҳам бу халқ буюқдир. Топиб Бойсари деб ном қўйишган.

Алқисса, ака-укалар Қўнғирот элининг «бир чупарон тўйига» борди, уларга ҳеч ким эътибор бермайди. Иззат-икром қилмайди. Ошнинг бетига гўшт чошламайди. Тўйдан изза бўлиб келганда хотини Кунтуғмишойим ундан ҳол сўрайди. Хуллас, ака-ука Худонинг бешинчи фарзини адо этиш учун ҳаж сафарига жўнашади. Бу нарса ўзга вариантларда бошқачароқ талқин этилади. Хусусан, Фозил шоир вариантыда ака-укалар «назр-ниёзини олиб, Шоҳимардон пирининг равзаси»ни зиёрат қилишга кетишади. Хушбоқ бахши вариантыда улар шикорга чиқишади.

Қора бахшида воқеалар силсиласини ўқувчилар бери-  
либ ўқийди. Ака-ука чин юракдан худодан фарзанд ти-  
лайди ва тавба-тазарру сифатида ҳажга отланади. Сувсаб,  
чанқаб қолишганда ёлғизоёқ йўлдан бориб ҳомиладор  
кийикнинг тузоққа тушганлигини кўради. Қорин оч ейиш  
керак. Аммо улар ичидаги ҳомиласига раҳми келади.

Сен эшитгин мендай аканг сўзини,  
Кўриб қўйгин жовдираган кўзини,  
Қорни жордай бувоз экан жонивор,  
Кўйиб юбор ёриб олсин кўзини.

Ўхшатишни қаранг. Яна табиат ҳодисасига эътибор  
берайлик: тоғлардаги жарликларнинг маълум қисми ёри-  
либ бўртиб чиқади. У алоҳида ажралиб туради. Вақт-соати  
етиб у ажралиб кетади. Демак, кийик жарлик бўлса, унинг  
ҳомиласи жар, у дам вақти соати етиб она қорнидан  
ажралади. Бу ердаги тасвирда ўзгача ўхшатиш қилиб  
бўлмайди. Ака-ука фарзандсизлик доғини бошидан ўтказяп-  
ти ва кийикни есак, эркак кийик бизнинг куйимизга  
тушиб қолади, деб бахши назмда уларнинг руҳиятини  
шундай тасвирлайди:

Биров юрар бола излаб йўлларда,  
Бола қолар хазон бўлиб қўлларда,  
Ҳам боладан, ҳам ёридан айрилиб,  
Сарсон бўлмасинда ота чўлларда.

Хуллас, ака-ука кийикни озод қилиб юборгандан ке-  
йин беҳол бўлиб, ўзларича уришиб, бузук йўлда суриниб,  
бир тепага етди, бемажол уйкуга кетди. «Мана шу пайт  
Бойбўри туш кўради ва тушида унга пиридан ваҳий  
келади. «Бугун улуғ иш қилдинг, юрагингни тош қилма-  
динг, кийик кўзини ёш қилмадинг, хаёлинггни чош қил-  
мадинг, ғазабингни фош қилмадинг. Очликдан силланг  
қуриб турса ҳам, шафқатинг ошиб турди, меҳринг тошиб  
турди, она кийикни озод қилишинг билан ноланг ярат-  
ганга етди, энди дилингдаги ғубор кетди. Энди изингга  
қайт», — деб қўлига бир қамчи ва бир узук бериб кетди».

Бахши бу воқеаларни бекорга киритмаган. Бу ерда  
биринчидан, сажнинг чиройли намунасини кўришимиз  
мумкин, иккинчидан, улар бир-бирига мантқили боғлан-  
ган, учинчидан, шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки,

биз аввало, пок бўлишимиз керак, инсонларга яхши муносабатда бўлиш ва энг қийин шароитларда ҳам қўлидан келганча яхшилик қилиш ғояси ётибди. Инсоннинг табиатга муносабати ётибди. Бугунда биз экология ҳақида бош қотириямиз. «Алпомиш»ни авлодларга тўғри тушунтира билсак, улар экологияни, табиатга муносабатни шу дostonдан ўргансалар, нур устига аъло нур бўлади.

Бойсари ҳам шундай туш кўради, унга эса қамчи бермай фақат узук беради. Хуллас, улар уйларига қайтишади, уч ойдан кейин шикорга чиқишди. Шикордан қайтиб фарзандли бўлганидан кейин қирқ кеча-кундуз тўй беришди. Тўй тарқайдиган куни пири келиб, Бойбўрининг ўғлига Ҳақимбек, Бойсарининг қизига Барчиной дея исм қўяди. «Ҳақимбек билан Барчинойнинг орқа этагини бирга ушлаб йиртди. ...Ҳақимбекнинг этаги ерга тегмасин, иккови вояга етиб эр-хотин бўлсин, овмин Оллоҳи акбар», — деб тўйхонадан чиқиб кетади. Энди уларнинг тақдирига эр-хотинлик ёзилди.

Закот масаласи ҳар икки дostonда икки хил талқин этилади. Қора бахши вариантыда Бойбўри ўғлидан сўрайдики, «ўғлим, мана, сиз мулла бўлдингиз нима яхши, нима ёмон, нима фарзу нима суннат, нима ҳалолу, нима ҳаром, ким сахию, ким бахил бўлганини» айтсанг. Алпомиш айтади: «Оллоҳга қараб имон келтириш, беш вақт намоз ўқиш, йилда бир ой рўза тутиш, моли закотга етса, закот бериш, иложи етса Маккаи Мунавварани зиёрат қилиш фарз».

Ана шундай кейин, Бойбўри укам бахил бўлиб қолмасин, деган ниятда ўн тўрт махрамини Бойсарининг олдига юборади.

Бойбўри ўғлидан сўрашдан олдин Ҳақимбек Барчинойнинг сочидан тортиб уради, Барчин энаси олдига йиғлаб боради. Келиб икки овсин роса уришади ва хотинининг авзойи бузуклигини кўрган Бойсари нима бўлди, деганда, бўлган воқеани айтиб беради. Бу ердан кўчмасак бўлмайди, дейди. Ана ундан кейин закотчилар келади.

Дostonнинг Хушбоқ бахши вариантыда закот олиш масаласини Кунтуғмишойим қўядики, аёл кишининг закотга аралашуви ва эрга эс бўлуви ишончли эмас.

Хаёлга гаплар олмайсан,  
Бирам жилмайиб кулмайсан.

Бесанов қўйли укангдан,  
Сираям закот олмайсан.  
Шундайин ойнинг сўйлайди,  
Айрилиқ мени қийнайди.  
Закот олмасанг укангдан,  
Фуқаро нима ўйлайди?  
Отга таққан ойил бўлай,  
Доим сенга мойил бўлай.  
Закот олсанг Бойсаридан,  
Тўрам, сенга қойил бўлай.

Бу ердан шу нарса маълум бўлдики, Кунтуғмишойим ака-укани бир-бирига тезлаяпти. Уриштиришга уриняпти.

— Ху, оқсоқоллар, акобирлар, илгари-ку, зурриёти фарзанди йўқ, деб закот олмас эдим. Оллоҳнинг каломиди ҳам бефарзанддан закот олинмайди, дейилган. Бойсарига Оллоҳ таоло фарзанд берди, мана, энди закот бермоқ вожиб бўлди. Бойсарига айтинг, ҳар қирқ қўйига бир тўқлидан закот берсин.

Бизга маълумки, Шеробод дostonчилик мактабида куйланган барча қаҳрамонлик типидаги дostonларда, халқнинг жасурлиги, кўркмаслиги, қаҳрамонлиги тараннум этилган. Бу ўлка одамлари ўзгага бош эгишни сира ишашмайди. Бироқ кўнғиротларга хос бу хусусият негадир акс этмайди. Шу ўринда Хушбоқ бахши вариантда Тойчаҳоннинг мамлакатига боргандан кейин ундан келган элчиларга Бойсарининг нола қилишига эътибор қаратайлик.

Чўпонлар бўлиб боқайин,  
Гар берсангда қўйингни,  
Бирга-бирга ўтказайин,  
Қилсанг яхши тўйингни.  
Рози бўлса Тойчаҳонинг,  
Сўрадим ўтирган жойимни,  
Агар сўрасанг берайин,  
Беш мингдан ошган қўйимни.

Фозил шоир ва Қора Умир ўғлида ўз акамга ўзим закот бергунча, қалмоқ бориб жузья бермоқ яхшироқ, деб акага закот беришни ор билса, бу вариантда (Хушбоқ бахши), Қалмоқ бориб беш минг қўйимни ҳам закот қилиб

берганим яхшироқ, дейди. Ахир қалмоқ элидагилар ҳам мусулмон эмас-ку. Сажъ достоннинг таъсирчанлигини оширади. Ёмон одам тасвирида нафрат туйғусини кучайтирса, яхши одам тасвирида меҳр туйғусини жўштиради.

Қахрамон характер-хусусиятини очиб берадиган қуйида сажнинг иккита намунасини кўрайлик. Сурхайл мастон тасвири: «Қалмоқ музафотида, Тойчахон мамлакатада Сурхайл деган кампир бор эди, феъли жуда тор эди. Кампирнинг ёши тўксондан ошган эди, тиши битта қолмай тушган эди, ўзи хаддили зўрдай эди, оғзи ўйилган гўрдай эди, яхшилик билан иши йўқ эди, баданда бир тишлам гўши йўқ эди, кўзи чўкиб ботган эди, тарашадай қотган эди, оғзи бурушган, манглайи тиришган, ҳар ким билан уришган, калласи хум эди, ўзи ўтакетган шум эди, захар тилли, етти улли кампир эди».

Энди Барчиннинг портретига эътибор берайлик. Унинг портрети сажда жуда чиройли тасвирланган: «Шу вақтларда Бойсарининг қизи Барчиннинг ёши ўн тўртга кириб, ўн тўртда тўлган ойдай бўлиб, ушланмаган тойдай бўлиб, қошлари ёйдай бўлиб, қуралай кўзли, олма юзли, ширин сўзли, мўрча белли, юзи холли, бўсаси толли, узун бўйли, кенг яғринли, ҳар бир яғрини ўн беш қаришдан ками йўқ юриш-туришдан, ...»

Достоннинг матнларида биз турли параллелизм, қаршилантириш, ўхшатиш, кўчим, сифатлаш каби баъдий воқиталарни учратишимиз мумкин.

Йиғилганнинг бари мени элимдир,  
Икки йўлни сўзлайдиган тилимдир.  
Бири меҳр, иккинчиси зулмдир.  
Икки йўлнинг бирин танлай ол энди  
Бири куда иккинчиси ўлимдир.

«Қодир бахши, Қаҳҳор бахши, Чоршанби бахши ва Чори бахши ҳам ўқимишли бўлганликлари сабабли шеърий сатрларда бўғинлар сонининг кескин фарқланиши, қофиядан чекиниш ҳолларига йўл қўймайди. Достонни дўмбира билан ижро этиш жараёнида фақат Қодир бахшида бандларидаги тўртлик ё бешлик, қофияланишда бир хиллик, сатрларда бўғинлар миқдори тенг сақланади. Бошқа бахшиларда эса ижро давомида айрим ўринларда гоҳ баланд тузилиши, гоҳ қофияланиш системаси, гоҳ ҳижола узун



қисқалигида фарқлар учрайди. Аммо муайян матнни ўзлари ёзганда ёхуд ёзиб олган матнни берганингизда ўқиб хатосини тузата оладилар». Бу фикрнинг рост эканлигини Қора бахши Умир ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» дostonида ҳам кўриш мумкин. Биз бандларнинг бузилиш ҳолларига дуч келмаймиз. Банд тузилиши, қофияланиш системаси, ҳижолар узун-қисқалиги тўлиқ сақланган.

Шеъринг нутқ тўрт мисралик бошланган бўлса, охиригача тўрт мисра, беш мисра бўлса, беш мисра, олти мисра бўлса олти мисра ва ҳоказо.

Дostonнинг аксарият қисми тўрт ва беш мисралик бандлардан тузилган. Айрим ҳоллардагина олти мисралик бандларни кўриш мумкин. Бу қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ. Бу жараёнда унинг вужудидаги аламлар, дардлар, изтироблар ҳаддан ошиб кетади. У анъанавий қолипларда баён этилмайди, унга сифмайди.

Барчиной Қалмоққа кўчиб кетаётибди. «Ана шунда Барчиной бу ишларнинг иложини топа олмай, энасининг гапидан ўта олмай, бундай ишлар тақдирида бор бўлиб, қийин савдога дучор бўлиб, ноилож, ночор бўлиб, Қўнғиротдан кетар бўлиб, қўйлар юрган излар билан, қанча каниз қизлар билан, кўзи тиниб, тақдирига кўниб, тўриқ отига миниб, ўпка-жигар эзилиб, кўзидан ёш тизилиб, турган жойларини излаб, Энадан айрилган бўтадай бўзлаб кетаётган ери:

Нима бўлади ҳолларим,  
Узоққа тушди йўлларим,  
Тўнқарилган белларим,  
Ўйнаб-ўсган элларим,  
Хуш энди-ё хуш энди,  
То кўргунча хуш энди.

Барчиннинг бу ҳолатида вазнда қисқалик — етти ҳижолик. Қаҳрамон руҳиятидаги беқарорлик, бедорликни кўрсатса, банднинг олти мисралик тузилиши, «Хуш энди»нинг такрорланиши ҳам айрилиқнинг оғир изтиробини ифода этади. Банд мусаддас шаклида. Қофияланиш тартиби (а-а-а-а-б-б)ни кейинги етти бандда ҳам кузатишимиз мумкин.

Тўнқарилган тоғларим,  
Ўтти ёшлик чоғларим,

Қарға, қузгун зоғларим,  
Ўйнаб-ўсган боғларим,  
Хуш энди-ё хуш энди,  
То кўргунча хуш энди.

Барчин «Тўнкарилган беллари, ўйнаб-ўсган эълари, шарқираб оққан сойлари, кишнаб чопган тойлари, элда қолган бойлари, ўйнаб-ўсган жойлари, ёшлик ўтган чоғлари, қарға кўзгун зоғлари, ўйнаб-ўсган боғлари, Кўлкамишдай кўллари, мактаб ўқиган жўралари, ҳалгинчак учган толлари, бирга ўсган баччалари, ҳалгинчак учган арчалари — бари-бари билан хуш энди-ё хуш энди то кўргунча хуш энди» — деб ҳайрлашиб боряпти.

Саккизта бандни ҳам охирида такрорланиб келган байтлар боғлаб турибди. Ҳар бир сатр етти бўғиндан иборат ва бирон жойда бунинг бузилиш ҳолатига дуч келмаймиз.

Фольклоршуносликка оид манбаларда таъкидланишича, шеърий сатрларда барқарор стилистик формулаларнинг қўлланилиши ҳар бир бахшида ҳар хил бўлиб, бу уларнинг маҳорат иқтидори билан белгиланади. Улар меъёردа қўлланганда дostonнинг бадий қувватини оширади, тингловчининг кизиқишини кучайтиради. Аммо такрор-такрор қўллайвериш, ўринли-ўринсиз ишлатиш назмий бандларни ташкил этишда бахшининг ҳофиза қуввати етишмаётганлигини билдиради. Зерикиш ҳосил қилади.

Биз юқорида кўрган шеърий парча фақат мана шу энг кўп учрайдиган мисралардан «Ой нечалар, нечалар ой қоронғу кечалар» шаклини кўришимиз мумкин. Бу мисранинг қўлланиши кейинги мисраларни боғлашга ва байтнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган:

Ой нечалар-нечалар,  
Ой қоронғу кечалар,  
Бирга ўсган бачалар,  
Ҳалгинчак учган арчалар,  
Алвида ё алвидо,  
То кўргунча алвидо.

Яна мана шундай олти бандли назмий қисмни Яртибой оқсоқолнинг Бойбўрига маслаҳат бераётган жойида учратишимиз мумкин. Бу ерда ҳам ўша оний ҳолат:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,  
Бошинг эсан давлатингни кам дема,  
Қалмоқ борсанг яйловини кум дема,  
Мен айтайин, Яртибойни шум дема,  
Кетар бўлсанг бундан кўчиб Қалмоққа,  
Бу элатни қолар дебон ғам ема.

Банд ўн бир бўғиндан ташкил топган. Ўзаро қофияланиш тартиби а-а-а-а-б-а. Қолган бандлар ҳам худди шу тарзда қофияланган. Бу байтда қофиядан кейин радиф ҳам қўлланган. Қофиядош сўзлар дам, кам, шум, кум, ғам бўлса, бу сўзлардан кейин такрорланиб келган дема сўзи радиф ҳисобланади.

Бу ерда нафақат Шеробод дostonчилик мактабига хос анъанавий мисра, балки умумўзбек фольклорига хос «ушбу дамнинг дамларини дам дема, бошинг эсон давлатингни кам дема» шакли устақорлик билан қўлланган.

Кейинги икки бандда қофияланиш тартиби бироз ўзгаради, лекин бўғинлар сони ўзгармайди.

Нима десанг айтганингни тутамиз,  
Молни ҳайдаб тоғу-тошдан ўтамиз,  
Насиб бўлса Қалмоқ элга жетамиз,  
Қимиз ичиб, мазза қилиб жотамиз,  
Закот дебди Бойбўрини нетамиз,  
Юртни кўрнамакка ташлаб кетамиз.

Бу ердаги қофияланиш тартиби а-а-а-а-а-а шаклида.

Маълумки, ҳар бир эпосдаги каби «Алпомиш» достонида эпик ўринлар сюжетда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айниқса, қаҳрамонлик дostonларида бу ўринлар яққол кўзга ташланади. «Алпомиш» дostonидаги эпик ўринлар ҳам Қора бахши Умир ўғли томонидан юксак бадий маҳорат билан берилган.

Алпомиш халқ идеалида назаркарда қаҳрамон экан, унинг остидаги от ҳам шунга яраша бўлиши керак. Алпомиш Қултой бобосига сурувдан битта от бергин деганда қўлига тилла юганни бериб: «Қурий-қурий» деб жуганни шиқирлатиб жар соласан, шу жуганга қандай от келиб тумшуғини солса, шу бедовни оласан, у ёғини ўзинг биласан дейди».

Алпомиш уч марта шу ҳолатни такрорлайди. Учаласида ҳам Бойчибор от тушади. Алпомиш учинчи марта ҳам шу от тушганда суруқ билан ураман деганда Қултой бобоси кўлидан сурукни олади. Чунки Бойчиборнинг қанақа от эканлиги Қултой бобога маълум эди. Фақатгина у Бойчибор Алпомишга муносиб эканлигини билар эди. Бойчиборнинг назарқарда от эканлигини уқтириб Алпомишга шундай дейди:

Душман олмасин-да болам галингни,  
Назарқарда тулпор билар ҳолингни,  
Ари бўлиб излаб боргин болингни,  
Жуган солиб, эгар босгин белига,  
Миниб кетгин Олло берган молингни.

Чу, деганда юлдузларни кўзлайди,  
Миниб борсанг, душманларинг бўзлайди,  
Шамолига етти дарё музлайди,  
Миниб кетгин Худо берган молингни,  
Сени билан Барчинойни излайди.

Бойчиборга қамчи чотишнинг кераги йўқ. «Чу, деса, бўлди — у юлдузларни кўзлайди. Шамолига етти дарё музлайди». Совуқ изғирин шамол дарёни музлатади. Бойчибор ҳам Қалмоқдаги душманларга шундай ҳолатда кетяпти. У ҳам бориб шамол дарёни музлатгани каби душманларини музлатиши керак. Шу ўринда яна бир тасвирга эътибор қаратайлик.

Бойчибор дер бу тулпорнинг отини,  
Аччиқланса чиқар ернинг тутуни,  
Сен билмайсан, мен биламан зотини,  
Бойчиборни миниб сафар айласанг,  
Ҳақимбекнинг Барчин бўлар хотини.

Бойчиборни Қалдирғоч эгарлайди. Бу тасвир ҳам жуда мукамал берилганки, дostonнинг ўзга Жанубий Ўзбекистон вариантларида таъриф бу даражада мукамал эмас. Бу ерда ҳам бахшининг донолигига қойил қолмоғимиз даркор. Ҳар бир ёпилаётган анжомнинг нимадан тайёрланганлиги ва уни тартиб билан отга ёпиш берилганки, тасвирга қойил қоласиз. Шу билан биргаликда асарнинг эмоционал-эстетик кучини ошириш учун бадий тасвир воситалари ўринли қўлланган:

Мард одамлар элга берар бирликни,  
Номард қилар ўз элига хўрликни,  
Бек Алпомиш қилар бугун эрликни,  
Бисмилло, деб от устига ташлади,  
Ичи майин, усти кимхоб терликни.

Дехқонлар ишлатар, ғолбир, чигилди,  
Якка жилов қилиб қозик қоғилди,  
Бўйнин ерга солиб тулпор эгилди,  
Ё Олло, деб боз устига ташлади,  
Ичи жундан, сирти шолдан дигилди...

Хуллас, ундан кейин «Ипакдан уйилган тақим чиргини, чирги устидан жаҳанникни, тилло қарсан боши олтин эгарди, эгарнинг устидан ойилни тортади, умулдирикни тўшдан олиб, эгарга илдиради, кўпчикнинг устидан тўғасини-тўғасига тийдириб пуштонни тортади, банотдан бўлган босилдирикни қарсанига боғлаб, якка жилов қилиб акаси Алпомишнинг олдига олиб келади.

Президентимиз: «Биз «Алпомиш»нинг минг йиллигини нишонлашга қарор қилдик. Бироқ, балки бу қадим дostonнинг икки ярим минг йиллигини нишонласак, бу ҳам ҳар томонлама асосли бўлади ва бунинг тагида, албатта, катта-катта маъно ва ҳақиқат бор», — деб айтганида минг қарра ҳақдир. Зеро, неча минг йиллар давомида халқимиз ақл-заковати намунаси, этнопедагогикаси маҳсули бўлиб келаётган дуо-олқишлар ёхуд дoston қатидаги қадимий тушунчалар ҳам юртбошимиз фикрига далилдир. Шу ўринда биргина Қултойнинг Алпомишга дуо бераётган жойини олиб қарайлик:

Душманларинг сени кўриб хор бўлсин,  
Қайда бўлсанг Шоҳимардон ёр бўлсин,  
Қайга борсанг, болам, бахтинг бор бўлсин,  
Барчин, кўзим, бир Оллога топширдим,  
Қирқ чилтонлар доим жиловдор бўлсин.

«Дostonдаги асосий эпик ҳомийлар қирқ Чилтон, Хўжайи Хизир («Хидир» исломдан аввал яратилган), Алпомиш ёхуд шунга ўхшаш қаҳрамонлар алп бўлишида, уларга ўқ ўтмаслиги, уларни қилич кесмаслиги, улар оловда ёнмаслиги, сувда чўкмаслигида шу ҳомий тимсолларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳтто, Алпомиш елкасида Хизир панжаси-

нинг изи борлиги ҳам қадимий тушунча маҳсулидир.

Барчин қўйган шартлар ва ишлатиладиган қуроллар ҳам, қайта таъкидлаганимиздек, «темир давригача бўлган пайт-ни англатади. Пойга, кураш, ёй отиш, минг қадамдан камон билан танга пулни уриш кабиларни қадим даврларга хос ҳолатлар деб қараш керак».

Юқоридаги фикрларнинг ўзи ҳам «Алпомиш» эпосининг тарихи икки ярим минг йилдан кам эмаслигини билдиради.

Энди от ҳайдашдаги бадииятни кўрайлик:

Кўзининг катталиги  
Карсан табоқ овзидай,  
Баданининг жуқалиги,  
Хитойнинг қоғозидай,  
Соврисининг қотгани,  
Тўнглаган тўқсон музидай,  
Чуйдага битган қулоғи  
Товларнинг андизидай..

Ёзма адабиётда бунақанги ўхшатишларни, эпитетларни кам учратамиз. Эътибор берайлик. Нега энди «Баданининг жуқалиги Хитойнинг қоғозидай ёки Соврисининг қотгани тўнглаган тўқсон музидай». Бизга маълумки, эрадан олдинги асрларда энг сифатли ноёб, нафис қоғозлар биринчи Хитойда ишлаб чиқарилган. От шу даражада зўрки, унинг терилари Хитойнинг қоғозидай нафис. Аслида боқилган отнинг совриси тўнглаган тўқсон муздай бўлади. Бойчибор эса боқилмаган, сурувда юрган от. Лекин у оддий от эмас, балки назарқарда от.

Ўпка боври эзилиб,  
Кўзидан ёши тизилиб,  
Туёқдан чиққан қора чанг,  
Ҳаво кетар чўзилиб.

Бу ерда от қамчидан «Ўпка боври» эзилаётгани йўқ, балки Ҳақимга қўшилиб дард чекапти. Муҳлат оз қолган. Белгиланган вақтда етиб бориши учун унинг «Ўпка боври эзилиб, кўзидан ёши тизиляпти». Кейинги мисралар отнинг ҳолатини, кайфиятини тўлдиради:

Адир-адир ерлардан  
Аланглаб ўтиб боради.

Пана-пана жойлардан  
Пиланглаб кетиб боради.  
Қатов-қатов жорлардан  
Қаланглаб кетиб боради.

Бу ерда отнинг ниҳоятда тезлашган ҳолати. Куй ҳам тезлашади. Отнинг туёқ тушишига сўз ҳам мос келяпти. Товушлар гармонияси вужудга келган. Аҳамиятга молик томони шундаки, умумўзбек эпосида от ҳайдаш ҳолатлари етти бўғинда берилади. Шу анъана Қора бахшида сақланган, бўғинлар сони ортиқча ёки кам эмас.

Хушбоқ бахши вариантыда от ҳайдаш эпизоди ўзгача бадииятда берилади:

Бир ёшида жонивор,  
Тўйдан улоқ айирди.  
Икки ёшда Бойчибор  
Учган қушни қайирди.  
Ҳақимбекка йўлдош деб,  
Ҳизир бобо буюрди.  
Ҳайда отамнинг оти,  
Устида ёлғиз зурриёти.

Достоннинг яна бир нуқтасига эътиборни қаратайлик. Алпомиш Қалмоқ мамлакатига борди. Муродтепада Қоражон билан Оллоҳни ўртага қўйиб дўстлашди. Қоражон Алпомишнинг номидан Ойбарчинга совчи бўлиб борди. Савол тўғилади, нега энди Барчин бирдан рози бўлмади? Тўртта шарт қўйди. «...Алпомиш келди деб этагидан ушлаб, алпларни ташлаб кетавераманми? Алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга отини солади, отини ўздирган одам олади. Мен тўрт шарт қўяман, шу тўрт шартни бажарганга тияман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи Қалмоқлар қилиб олсин. Шу гапимни айтиб бор...»

Барчин оддий қизмас. У Алпомишга она қорнидаёқ хомийлар томонидан тақдирига эр-хотинлик ёзилган қиз. Лекин шундай бўлса-да, тўрт шарт қўйди. Эҳтимол, Алпомиш кела солиб Барчинни олиб кетганда эпос бу даражада мукамал бўлолмасди. Назаримизда, бу ерда ҳам халқимизнинг асрлар силсиласида сайқалланган анъаналари мужассам. Барчин Алпомишнинг енгиб чиқишини билади. Аммо унинг енгиб чиқишини бошқаларга кўрса-

тиш ва шу баробарида ўзи ҳам ганимларга Барчиннинг Барчин эканлигини исботлаш. Бу нарса халқ ўзи яратган идеал қахрамонга интилишини, унга ўхшашга ҳаракат қилишини кўрсатади. Шарт куйидагилардан иборат: пой-га, ёй тортиш, минг кадамдан танга пулни уриш ва кураш.

Мен тегаман нор билакли полвонга,  
Кураш туриб тўксон алпни йиққанга.

Демак, кўриб турибмизки, Барчин Алпомишнинг енгиб чиқишини билади. Бойчибор ҳам назарқарда от. Тасаввуф йўналишида талқин қилсак, у ҳам Алпомишга пир, ҳам мадакдор. «...Бойчибор бовловли ётиб, «Кўнғиротдан Ҳаким билан не умидда келган эдик. Пойгачилар борса, ўзиборган отни кўрса, менга ишониб, Барчиндан курук қолса, бир куни ўлмай борсам, қандай қилиб эгамнинг юзига қарайман», деган ўй келди. Бойчиборнинг хаёли бузилди, кўздан ёши тизилди, жон ҳолатда бир жийрилиб чўзилди, оёғидаги арқон пичоқ билан кесгандай узилди...»

Бу ердаги отнинг кетишига қарайлик:

Бола ошиқ мевага,  
Чўпон ошиқ бевага,  
Булбул ошиқ навога,  
Тўрт оёғи жийрилиб,  
Кўтарилди ҳавога.

Барчин Алпомишга ёр бўлиш билан бирга пир ҳамдир. Бойчибор Кўкдўнон билан талашиб келаётганда Барчиной «кур-ҳайта» тўрамнинг оти деб илтижо қилса, курашда Алпомиш билан Кўкалдош тенг келганда Алпомишнинг ориятини кўзгайди:

Кўкка отсанг йигитлигинг билайин,  
Сен билан бирга ўйнаб кулайин,  
Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин.  
Бу Қалмоққа қиёмат кун солайин,  
Кўкка отиб пора-пора қилайин.

Қора бахши вариантыдаги «Алпомиш» эпосининг аҳамиятига молик томони шундаки, эпосда Кўнғиротларнинг азалий удумларини кўришимиз мумкин. Алпомиш Барчинни Бойсун-Кўнғирот элига олиб келгандан кейин «Келин кўрсатар» маросими бўлди. «Келин кўрсатар соп



бўлиб, ўчоқ бошига бориб турган» жойидан бир парчага эътиборни қаратайлик:

«Иқболи баланд бўлсин», — деб  
Келинга ўтин қалатди.

«Юзлари иссиқ бўлсин», — деб  
Ўчган овловни пилатди.

«Бола-чақали бўлсин», — деб  
Чимчиб гўдакни жилатди.

«Келин таҳамни билсин», — деб  
Туздондан тузни жолатди...

Халқимизда, хусусан, Жанубий Ўзбекистонда Алпомиш асрлар оша қаҳрамонлик, мардлик, орият достони сифатида куйланиб келинган. Алпомишдаги ориятни зиндонда ётганида дўсти Қоражон бориб чиқариб оламан деганида кўнмаганлигида кўришимиз мумкин. Иккинчидан эса, Алпомиш Барчинни Қалмоқдан олиб келди, энди у давру даврон сураверса бўларди, лекин у шундай қилганда Алпомиш бўлмасди. Ёв қўлидан орият, уруғдошлик туфайли Бойсарини ва ўн минг уйли Бойсун-Қўнғирот элини қутқазиб, ўз элига олиб келди.

Достоннинг аҳамияти шуки, бугунги мустақил Ўзбекистон ёшларига, мардлик, жасорат, орият, Ватанга садоқат сабоқларидан дарс беради.

Шу ўринда «Алпомиш» достонини мазмунан тўлдирувчи, мукаммаллаштирувчи, фақат Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуаридагина учрайдиган «Бева Барчин» достони ҳақида тўхталсак (дарвоқе «Алпомишнома»нинг биринчи китобида дастлабки фикрларни айтган эдик, ушбу саҳифаларда у ҳақда кенгрок, мукаммалроқ фикр юритамиз).

## **«БЕВА БАРЧИН» — ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОСИ**

«Бева Барчин» достони қаҳрамонлик эпоси ҳисобланади. Дастлаб Фозил Йўлдош ўғли томонидан айtilган қаҳрамонлик достони «Алпомиш» чоп этилган бўлса, эндиликда Қодир бахши Раҳимовнинг тўнғич фарзанди шогирди Қаҳҳор бахши томонидан айtilган иккинчи достон — «Бева Барчин» қаҳрамонлик эпоси фольклоршунос олимлар томонидан ёзиб олиндики, бу умум-ўзбек ва умумтуркий фольклоршунослигида катта воқеадир.

Ўзбек-бахши шоирларининг шоирлик бешиги бўлган «Алпомиш» илк қаҳрамонлик достони, ҳақида кўп назарий ҳамда амалий ишлар, тадқиқотлар амалга оширилди.

Биринчидан, достоннинг ўзбек халқи орасида тарқалган икки-уч тури қарийиб қирқ достончидан ёзиб олинди. Хусусан, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Бўри бахши Содик ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир Сафар ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Абдуқаҳҳор Қодир ўғли, Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозокбой ўғли каби чечан бахшилардан ёзиб олинган нусхалар халқ оғзаки ижодининг ҳақиқий олтин меросидир.

Иккинчидан, «Алпомиш» достонининг яратилиш даври, гоёвий мазмуни, асосий тимсоллари, бадиияти ҳақида деярли барча ўзбек фольклоршунослари, хорижий мамлакатларнинг етакчи олимлари илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Натижада рўзнома ва ойномаларда катта-кичик мақолалар эълон қилинди, ойнома ва тўпламларда тадқиқотлар босилди «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари», «Жанубий Ўзбекистон достончилигининг ўрганилиши», «Алпомишнома», «Алпомишни алп билар...» каби бир қатор китоб ва рисоалар, илмий тўпламлар чоп этилди.

Шоир Усмон Азим «Алпомиш» киносценарийсини яратди, олимлар М. Қўшмоқов ва Ш. Турдимов «Алпомиш» кўш серияли фильм сценарийсини ёзди. Кино олинмокда, бадий асарлар юзага келяпти. Учинчидан «Алпомиш» ва шу туркумга кирган «Ёдгор» достонлари, алоҳида олган ҳолда ва «Ўзбек халқ достонлари» (1—2 жилдлари), «Ўзбек халқ ижоди» (кўп жилдлиги), «Жаҳон болалар адабиёти» туркумларида қайта-қайта босилиб чиқди. Алоҳида китоб ҳолида ўзбек ва рус тилларида эса Тошкент, Москва ва Санкт-Петербургда нашр этилди. «Алпомиш» достони асосида мусиқали драмалар яратилди. Достон номзодлик ва докторлик диссертацияларига мавзу қилиб олинди.

«Алпомиш» достони аجدодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадий ёдгорлиги. У бугунги кунда ўзбек халқининг миллий бирлиги ва маънавий уйғониш, ўз-ўзини англашнинг рамзига айланган достондир. 1998 йилда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарихий қарори муносабати билан асарнинг тўла нашри биринчи марта амалга оширилди. «Миллий мафкурамиз бўлган «Алпомиш» достонининг тўла равишда халқимизга етказилиши маданий тараққиётимизда улкан воқеадир. Бу Истиклол туфайли юзага келган кўпдан-кўп имкониятлардан бирининг фольклоршуносликда ўзига хос равишда воқе бўлишидир.

Шундай қилиб, «Алпомиш» достони қарийб етмиш беш йилдан буён ўрганилиб, ёзиб олинди, нашр этилиб, тадқиқот манбаи бўлиб келмоқда. Аммо, ачинарлиси шундаки, машҳур бу қаҳрамонлик достонининг узвий давоми бўлган «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Бева Барчин» (ёхуд «Барчин бекач») достони тўғрисида фольклоршуносликда шу кунга қадар фикр мулоҳазалар юритилган эмас. Бунинг боиси, биринчидан, «Бева Барчин» достони фақат Жанубий Ўзбекистон бахши шоирлари томонидангина куйланиб келинмоқда. Достон кўпгина изланишлар натижасида бир қатор фольклоршунос олимлар томонидан тўлиқ ёзиб олинган. Даставвал, достон ота-бола бахшилар устоз Қодир Раҳим ўғли ва унинг фарзанд-шогирди Қаҳҳор Қодир ўғлидан парчалар тарзида магнитофон тасмасига туширилган. Бу вақт 1980 йиллар эди. 1993 йилда эса Қаҳҳор Қодир ўғлидан тўлалигича қоғозга туширишга эришилган. Бахши бу нусхани тўла ҳолда отаси Қодир Раҳим ўғлидан ўрганиб олиб куйлаб юрган. Афсуски, Қодир Раҳим ўғли бевақт орамиздан кетганлиги сабабли «Бева Барчин» достони унинг ўзидан ёзиб олинмаган. Аммо шукурки, достон Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинди.

«Бева Барчин» достонида орият, ғурур, садоқат, аёллик нафосати, мардоналиги улуғланади. «Бева Барчин» достони қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, турли элатлар, халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқати, оила мустаҳкамлиги ва уруғ бирлигини куйловчи улкан эпосдир. Унда Алпомиш ва Барчиной каби қаҳрамонларнинг мардонаворликлари, қаҳрамонликлари, Алпомишнинг етти йил тутқинликда қолиши, отнинг, ёрнинг, дўстнинг вафодорлиги ва ҳоказо воқеалар тасвирланади.

Севимли ёр, оила ва шу билан боғлиқ равишда уруғ бирлиги учун кураш ҳамда бунга тўсқинлик қилувчи барча

қора кучларни енгиш «Бева Барчин» достонининг бош ғоявий мазмунини ташкил этади. «Бева Барчин» достонда халқимизнинг қахрамонлик ҳақидаги ўй-хаёллари, орзулари, идеаллари, мардлик туйғуси ёрқин тасвирланади. Достонда мардлик, жасорат кўрсатиш, ор-номус учун душманга қарши курашмоқ лозим деган ғоя акс этади. Достонда қахрамонлик, жасурлик, мардлик туйғулари ватанпарварлик ғояси билан узвий боғланган ҳолда тасвирланади. Достон қахрамонлари ўн олти уруғ қўнғирот эли Бойсун-Қўнғирот диёри билан маҳкам боғлиқдир. Улар қаерда бўлмасин шу эл, шу диёр ободлиги, шодлиги, ғам-аламига шерик бўладилар. Достон қахрамонларининг ўз эли, халқи ва юртига бўлган ватанпарварлик ҳислари бўртиб туради. Бу ҳиссиёт қахрамонларнинг турли хил руҳий ҳолатларида акс эттирилади. Умр бўйи туғилиб ўсган юртини, халқини севган Алпомишдаги бу руҳият етти йиллик асирликдан кейин она тупроққа қадам қўйганда янада юқори нуқтага кўтарилди.

Достонда қахрамонлик ва мардлик, инсонпарварлик ва хурлик, ватанга ва халққа муҳаббат турли элатлар ҳамда қабилаларнинг инсоний ҳуқуқ учун курашида, дўстлиги ва ҳамкорлиги ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирланган.

Достонда кишиларни ўраб олган ижтимоий муҳит, шахсий кечинмалар, севги изтироблари, турмуш иккир-чикирлари, умуман, инсон ва ҳаёт муаммолари масалалари кенг кўламда бадиий бўёқларда тасвирланади. Достонда кадр-қиммат юксак баҳоланади.

Достон сюжетини ташкил этувчи воқеалар серкатлам бўлиб, тарихий характерга ҳам эгадир. Фикримизча, достон сюжетининг ўзаги Алпомиш ва Барчинойнинг муносабати (соғинчи, интилиши), Барчиной ва унинг тарафдорлари (Бойбўришоҳ, Кунтуғмиш, Ёдгор, Қалдирғоч, Қоражон ...) ва Ултонтоз бошчилигидаги қора кучлар ўртасидаги курашнинг эпик ифодасидир Бинобарин, эпоснинг характерли томони ҳам мана шунда, яъни, халқ ҳаётидаги улкан тарихий воқеаларни, жасоратни, ғолибликларни тасвирлаш шу орқали бутун халқ оммасини курашга, яшашга интилишга ундашдадир.

Достонда миллий руҳ ўзгача маҳорат билан акс эттирилган. Ундаги насрий ва назмий лавҳалар мантиқий

изчиликка, воқеалар батафсиллигига эга. Достонда айниқса назмга эътибор кучли, уларнинг салмоғи каттадир.

Достонда қахрамонлик, падавонлик анъаналари улуғланади. Севги ва садоқат мадҳ этилади. Бу эса аввало асар сюжетининг эпик қўламини оширади, айти пайтда эса буларнинг қадр-қимматини билиш учун восита бўлиб хизмат қилади. Бу достонни ҳам ёшлик, орият, қахрамонлик, айниқса аёллар мадҳияси деб айтиш мумкин.

«Бева Барчин» ёки «Барчин бекач» достонида халқимизнинг қахрамонлик ҳақидаги ўй-хаёллари, орзулари, идеаллари, мардликлари яққол тасвирланади.

«Бева Барчин» достони 10 214 (ўн минг икки юзи ўн тўрт) насрий ва назмий мисрадан иборат бўлиб, Алпомиш қалмоқларга асирликдан қутилиб она юртига, ўз уруғига қайтгунча ўтган етти йиллик муддатда Бойсун-Қўнғирот элида юз берган воқеаларни акс эттиради. «Бева Барчин» достонида ҳам уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг юзага кела бошлаши тасвирланса-да, унинг мустақил достон бўлиб шаклланишида «Алпомиш»нинг мазмунига асос бўлган олтойдаги қипчоқларнинг ёхуд Аму бўйлари ва Орол денгизи атрофидаги Қўнғирот қабилалари ўрни йўқ дейиш мумкин. Балки Жанубий Ўзбекистон бахшилари, хусусан «Шеробод» достончилик поэтик мактаби вакиллари «Алпомиш» достонининг иккинчи қисмини кўпроқ ижро этиш, ҳар ижрода ниманидир (ўзларининг бадиҳагўй-ижодкорликлари ва тингловчилар талаб эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қўшишлари) машҳур файласуф шоир ўзбек эпосининг катта билимдони Мақсуд Шайхзоданинг ташбеҳи билан айтганда, бир «ижодкаш»лик воситасида ҳам бора-бора «Бева Барчин»ни алоҳида, мустақил достон сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлгандир. Аёлларнинг беқиёс садоқати, фидойилиги, оилапарварлиги, алплиги, марду-майдонликлари «Бева Барчин»нинг асосидир.

«Ўз уйи» учун кураш ботирликнинг қадимий талқинларидан бўлиб, қахрамонлик эпосининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади... Унда, яъни, «Алпомиш» достонида эндигина юзага келаётган давлатчилик ғояси янги ижтимоий ҳодисага ижобий муносабат эмас, балки кўп асрлар давомида халқнинг қон-қонига сингиб кетган уруғчилик муносабатларини ҳимоя қилиш масалалари

илгари сурилган», — деган фикр тўлалигича «Бева Барчин» достонига ҳам тааллуқлидир.

«Бева Барчин» достони баҳодир Алпомишнинг ўғли Ёдгорнинг туғилиши, унга бешик тўйи ўтказиш, Алпомишни узоқ ўлкада ўлди деб эшитган Ултонтознинг Барчин бекачга, Қоралочиннинг Қалдирғочга уйланиш учун зимдан олиб борган курашлари, саъй-ҳаракатлари, Ултонтознинг Қоражонга қарши иғво уюштириб, Бойбўридан уруф хукмронлигини олиши, Бойбўрини биябоқар, Алпомишнинг синглиси Қалдирғочни ва Ёдгорни туябоқар, Кунтуғмишойимни эса чўри қилиб азоблаши турли йўллар билан Барчинга уйланишга интилиши ва Барчиннинг ақлзаковати, зукколиги, фаҳм-фаросат ва мардлик билан ўзининг, оиласининг ор-номусини, эътиқодини, иймонини, шаънини ҳимоя қилиш воқеаларини қизиқарли тарзда акс эттиради. Достонда Алпомиш зиндон қилингандан кейин Барчиной турли маломатларга, иғво-ю, туҳматларга алдов ва риёкорликларга сабр-бардош, тadbиркорлик ва матонат билан курашар экан, бу билан ўзинигина эмас, ўз уйи, ўз оиласи, уруғ-аймоғи, ор-номусини, эътиқодини қолаверса ўз эли, диёрини ҳимоя қилаётгани яққол акс этади.

Фозил Йўлдош нусхаси бўлган «Алпомиш» достонидаги Барчиннинг алплик хусусияти Кукаман алпнинг оғзи-бурнидан лахта-лахта қон кеткизганида ва тенгсиз баҳодир Алпомиш Кўкалдошни курашда йиқита олмай турганида:

Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин,  
Эркак либосини ўзим кияйин,  
Бор кучимни билагима жияйин,  
Бу қалмоқни пора-пора қилайин...  
• Мардлар бўлса иш кўрсатиб кетади...  
Бу сўзимни, жоним, оғир олмагин,  
Навбат бергин, сира-гина қилмагин,  
Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин,  
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,  
Ушласам қалмоқни нобуд қилайин,  
Оғир олма, тўрам, навбат сўрайин, —

деб, Алпомишга далда бериши ва бошқаларда кўринса, «Бева Барчин» достонида Барчиннинг алплиги турли иғво-

ларнинг бартараф этиши, Ултонтознинг пинҳона ва ошкора хужумларини даф этиши ва ҳоказоларда намоён бўлади. Оилада, севган ёрига садоқат, фарзандга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббат унга куч-қувват бағишлайди. Тунда бос-тириб келган Ултонтозни Барчин «Белидан маҳкам ушлаб, ердан даст кўтариб келган йўлига отди. Ултонтоз 20 қадамча отилиб кетди. Бир чуқурга гупиллаб етди. Итнинг жалоғига чалқараман тушган экан, анча туролмай ётди. Барчинойнинг бу жазоси суягига ботди». Пинҳона йўл билан, совчи қўйиш билан ҳам ниятига эриша олмаган Ултонтоз Барчинни саройга таклиф қилиб розилигини сўрайди. Барчиной унинг дўк-пўписалари, аврашларига мағрур турган ҳолда мардона жавоб бериб, ўз шаъни, ориятини дадил ҳимоя қилади:

Шоҳим, айтинг, нима ишни қилайин,  
Лозим бўлса тоғни икки бўлайин.  
Тўрт-беш кунлик салтанатда меҳмонсиз  
Ё камарни нозик белга чалайин...

Зулм қилсанг Бойсун элдан кетарман  
Йўл бермасанг, бир бошингдан жутарман,  
Гул танамни бойўғлига бергунча,  
Майда қилиб улиқ итга отарман.

Қодир бахши Раҳим ўғли нусхасида эса Барчин фикрини: «Бургут қўнган тўшимга қарғани қўндирмайман», деб бошқачароқ, яъни ниҳоятда нозик, айна чоғда баҳодирона ташбеҳ билан баён этади.

«Бева Барчин» достонида ҳам бош ғоя, мақсад, ёр, оила, уруғнинг бирлиги экан, буни исломий мафкурадан холи тарзда таҳлил қилиш мумкин эмас. Афсуски, қизил империя тазйиқи, комфирқанинг зўравон сиёсати туфайли «Алпомиш» достонининг айрим тадқиқотчилари эпосдаги баъзи бир воқеаларни изоҳлашда, тимсолларни таҳлил қилишда бир ёқлама фикр юритиб, ислом мафкураси билан боғлашдан онгли равишда чекиндиляр. Шу ўринда Қоражон ва Бойбўришоҳ тимсоллари таҳлилига назар ташлаш кифоя.

Кўпгина дарсликларда, ўқув қўлланмаларида Бойбўри золим, бойликка ўч шахс сифатида қораланиб, Қоражон садоқатли дўст тарзда улуғланади.

Аммо биз исломий одатларни ҳам, қон-қонимизга сингиб кетган қоидаларни ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу ердаги «Закот» масаласи эса бу одатларнинг бир кўри-ниши холос. Бойбўришоҳ ўғлининг сўзларидан кейин укам бахил бўлиб қолмасин, деб бир улоқчанигина сўрайди. Сурув-сурув моли бўлган бойга бир улоқча дарёдан томчидек гап... Қоражоннинг дўст тарзда улуғланиши эса Аллоҳнинг номини, демак, ўзини эътироф этишдир. Аллоҳнинг битта номи, битта сифати ҳам дўстдир. Демак, Қоражон билан Алпомишнинг дўстлиги шунчаки дўстлик эмас, ўртада Аллоҳ номи бор. Бу илоҳий дўстлик. Аллоҳ эса қон-қариндошданда яқин ва устундир.

Муаллифларга асос бўлган Фозил шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш» достони матнига теранроқ назар солсак, юқоридаги тимсолларни баҳолашда бир томонла-малик кўзга ташланади. Жумладан, Бойбўришоҳ Алпомиш-га китоб ўқитиб: «Кешининг моли закотга етса, закот берса, бул сахий эркан», — деган сўзларини эшитиб: «Менинг давлатимда ёлғиз иним Бойсарини бахилга чиқиб кетмасин», — деб закот сўрайди. Кўринадикки, аканинг нияти ёмон эмас ва бу уни қоралашга имкон бермайди. Балки у мусулмончиликнинг беш асосий фарзларидан бири — закот беришга ундаб, укасини ёмон гап сўздан қутқаз-моқчи бўлгани учун шарафланиши керак.

Ёки Қоражоннинг садоқатли дўст сифатида мақтар эканмиз, унинг мардлигини улуғлаган холда, ўз акаларини ўлдиргани, онаси ва эл-юртидан воз кечгани боисини асосламай ҳамду санолар ўқиймиз. Аммо «хар ким қайси уруғ, қабила ёхуд миллатга мансублигидан қатъи назар, ўз биродарларини ўлдирса, оқ сут берган онадан воз кечса, яхши инсон бўладими? — деган савол қўйилса, жавоб бериш мушкул. Бу ерда ислом дини мафқурасини, худонинг сифатларини ва номларини эсламасак, Қоражон тимсоли талқини чала ва ишончсиз бўлиб қолаверади. Гап шундаки, Қоражон тушида қирқ чилтон ёрдамида Алпомишни ва қавму қариндошларини кўриб, Алпомиш билан дўст бўлиб, «номоз вақти калима айтиб турди». Энди у тилида калимаи шаҳодатни такрорлаб, Алпомиш билан дўстлашиб турган экан, ундан воз кечиб бўлмайди.

Дўст фақат инсон, Алпомиш эмас, у Аллоҳнинг номи. Исломда дўст — Аллоҳ, Аллоҳ эса дўстдир. Шу сабабли



Қоражон мусулмон бўлгач, дўст — Аллоҳ учун дастлабки эътиқодларидан чекинади, қариндош-уруғлари, эл-юрт манфаатларини эмас, Алпомишни ҳимоя қилади. Чунки диний эътиқод юзасидан Аллоҳ йўлида, Яратган парвардигор учун ўзга ҳамма нарсадан кечиш мумкин. Шу ўринда биргина Иброҳим пайғамбарнинг худо йўлида яккаю ягона ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлганини эслаш кифоя. (Демак, халқ анъанавий дostonлари гоёси, тимсоллари талқинига янгича тафаккур, янгича муносабатлар асосида ёндашиш вақти келди).

«Бева Барчин» дostonида эса «Алпомиш»даги дўст худонинг номи, деб садоқат кўрсатиш оҳанги янада кучайтирилади. Алпомиш қалмоқларда ўлик-тириги номаълум бўлиб қолганда ҳам Қоражон «Дўст — Худонинг номи экан, султоним», — деб Бойсун Кўнғиротдан кетолмай Бойбўришоҳга ўғил сифатида хизмат қилаверади. Унга Ултонтоз тухматлар уюштирганда, ҳатто маломатларга Бойбўри ишона бошлаганда, Қоражон гоҳо пушаймон ҳам бўлади: «Бир оғиз сўз менинг учун армондир. Дўст — Худонинг номи дерлар ёронлар!» Қоражон Қалдирғочойимга ошиқлигидан юрибди, деган гап-сўзлар рост-ёлғонлигини синаб кўрмоқчи бўлган Бойбўришоҳга шундай дейди: «Агар синглимга ола қарасам, икки дунёим ҳам куяди-ку. Менинг охиратдан умидим бор... Боқий дунёда айбим учун ўтда ёнмайин». Кўринадикки, гарчи қадимги замонда ака-ука тутиниш ўша оилага мансуб бўлишни билдириб, оила орқали уруққа қабул қилинган бўлса-да, «Бева Барчин» ва «Алпомиш» дostonида бу одат ислomий маърифат билан йўғирилган кўйи берилган. Шу боис мазкур дostonлардаги воқеаларни шарҳлаш, тимсоллар муносабатларини ўрганиш ва баҳолашда, албатта, ислom дини таълимотини ёдда тутиш зарур.

Дарвоқе, «Алпомиш» дostonининг X-XII асрларда шаклланиши ҳам шуни тақозо этади. «Бева Барчин» эса «Алпомиш» дostonини асрлар давомида куйлаш таъсирида, юқорида ҳам шаъма қилганимиздек, XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида ажралиб чиққан. Шу боис ҳам зиддиятлар, ҳокимият учун кураш, феодал давлат тузиш даражасида ривожланиш, диний оҳанглар, «Бева Барчин» дostonида кўпроқ ўрин эгаллайди.

Жанубий Ўзбекистонда «Алпомиш» дostonи умумхалқ эпосининг янги тарихий шароитида ривожланиши, маҳал-

лий халқ эхтиёжи, истак-талаби натижасида ўз бошидан хатто бир қанча сифат ўзгаришларини кечирдики, булар оқибатида «Бева Барчин»дек алоҳида мазмунга, яхлит тизилмага эга дoston юзага келди ва анъана доирасида шаклланди. Энди бу дostonнинг ғоявий асосларини, бадииятини, ундаги Барчин, Алпомиш, Ёдгор, Бойбўри, Қоражон, Кунтуғмиш, Култой, Ултонтоз, Қоралочин, Омон, Мулла Холиёр, Мулла Холмат... сингари тимсолларнинг асар воқеалари ривожидagi ўрнини, уларда халқ идеалининг акс этишини ўрганиш асосий вазифалар сифатида туради. Аммо биринчи галда «Бева Барчин»нинг маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий тарбиямиздаги муҳим ўрнини ёш авлод камолоти борасидаги аҳамиятини кўзлаб ўз вақтида нашр эттиришга эришмоқ лозим.

Борди-ю, мазкур дoston тегишли сўзбоши, изоҳлар ва луғат билан чоп этилса, ЮНЕСКОнинг «Алпомиш» эпоси тантанасини ўтказиш бўйича халқаро қутлуғ тўйига муносиб совға бўлур эди.

«Бева Барчин» дostonида ўзбекларнинг қўнғирот эли урф-одатлари, удумлари моҳирлик билан тасвирланади. Дostonнинг бошланишида Қўнғирот элининг, юртининг таърифи тасвирланади-ю, воқеалар Ёдгорнинг тўғилиши билан бошланади. Бу ўринда болага от қўйиш масаласида кўпгина гап-сўзлар бўлади ва оилада болага исми оиладаги эркак киши қўйиш одати тилга олинади:

«Чақалоқнинг бешик тўйини ўтказиш, болага от қўйиш келгуси душанба кунига қолдирилади. Шунда онаси (олдига чиққан, бунда ҳам Худони ўртага қўйиб она-бола тутинади) Хуморой Барчинойга қараб: «Болам, чақалоққа ном қўйиш заифаларнинг иши эмас, эркаги бор уйда болага ном қўйиш мардларнинг ишидир. Менимча, болангга исми қайноганг Бойбўришоҳ қўйгани маъқул», — деди...

Бундан ташқари, бешик тўйи, совчи қўйиш, суюнчи, бешиккerti қилиш, пойга (кўпқари) чопиш кабилар ҳам шулар жумласидандир. Дostonнинг бошидан охиригача ўзбекона миллий рух уфуриб туради. Ўзбекона урф-одатларимиздан яна бири совчилик бўлиб, у асарнинг ғоявий мазмунини очиб беришда муҳим воситалардан бўлиб хизмат қилади. «Бева Барчин» дostonида бу икки ўринда кўринади. Бирида Барчинойникига Жавлон билан Мавлон совчи бўлиб боради ва рад жавобини олади:

Музофатда Холиёрдай тоғам бор,  
Банот кийсам нуқрадан жоғам бор,  
Бектўрамни ўлган дема нокаслар,  
Эл оғаси Алпомишдай эгам бор...

...Сурув қўйлар уялайди жойланиб,  
Дўнгда ётар боври ерга тайланиб,  
Қўнғиротнинг қадасини бузмайик,  
Иккинчи бор келмангизлар айланиб.

Иккинчи бор Ултонтоз томонидан Саран момо ва  
Қаран момолар боришади:

Алвон қўйлага женги тор,  
Кийағайда-ё, Барчинжона,  
Ултонтозам шердай ул,  
Тийағайда-ё Барчинжон-а...

Барчинжоним сўйлагина,  
Беваликни тайлагина,  
Ултонтозга нима дейик,  
Бизга жавоб айлагина.

Ўзбекона урфлардан бири ёшларнинг алвон, яъни қизил рангли гулли қўйлак кийишидир. Бу рангли кийим қувноқликнинг белгисидир. Азали бўлганлар кўк кийишади. Ўша пайтда Алпомиш учун Барчиной кўк кийим кийган. Совчиликка келган момолар Барчинойга азадорлик белгиси бўлган кийимингни ечиб энги тор келса ҳам (энги торлик эса салбий маънога эга, бу билан Ултонтозга тегиш яхши эмаслиги таъкидланмоқда) алвон қўйлак кия қолгин, яъни Ултонтозга тегишга рози бўла қолгин дейилмоқчи. Одатда, ўзбек, қўнғирот қизлари энги тор қўйлакни ҳам кийишмайди. Демак, улар Барчинойга урф-одатга зид бўлган нарсани таклиф қилишмоқда...

Барчиной момоларни алдаб яхши гапириб ўтовга олиб қиради ва икковининг ёқасидан олиб:

...Барчинойнинг баданлари тошдай бўб,  
Нозланади учадиган қушдай бўб,  
Икки бошни бир-бирига уради,  
Тийган жойлар шиша берди мушдай бўб...

Барчинойнинг кўнгли бузилди, кўздан ёши окди, «вох дариг-о», деб йиглай берди:

...Кўнфиротга мен ҳам хизмат қилайин,  
Ёрим келса мудом ўйнаб кулайин,  
Ултонтозга тийгин дема, момолар,  
Тийар бўлсам девона бўб ўлайин.

Бу ўринда Барчинойнинг садоқати алоҳида эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, қайси ўзбек уйига борманг, бешик кўрасиз. Болани туғилган пайтлари бешикка ётқизиш маросими бешик тўйи ҳисобланади...

Ёдгорнинг бешик тўйи Кўнфирот эли учун байрам ҳисобланади.

Сумаклари толдан бўлсин,  
Бешиклари ғулдан бўлсин,  
Қовуслари хилдан бўлсин,  
Алёрни айтинг эгачим.

Ён таёғи зарангданми,  
Кўл бовлари фарангданми,  
Тубаклари тарангданми,  
Алёрни айтинг эгачим.

Бу бешик тўйи кимлар чун байрам бўлган бўлса, кимлар учундир аламли, фиску фасодлар учун қулай кун бўлди».

...Малъун қалблар қувончга тўлди, Ёдгоржонни тилло бешикка солди. Ҳамма уйқусидан оз-оздан улашди. Чаппа-ўнгига қилди. Отажони омон-эсон келганда олдига «отажон» деб чопқиллаб чиқсин», деб орзу қилдилар...» Ҳар бир ўзбек фарзанди бешикда алла эшитиб улғайган. Достонда шундай ўрин борки, кишини беихтиёр ўзига чорлайди. Бир назар солган кишининг тўхтаб диққат қилиб ўқимасдан ҳеч иложи йўқ. Бу сатрларда кишиларни ўзига ром этадиган ажиб бир сеҳр, ажиб бир оҳанграбо, сиру синоат мавжудки, уни ҳеч инкор этиб бўлмайди. Бу — она алласи. Бу — Барчинойнинг Ёдгорига айтган алласи:

...Сенда қолди тилагим,  
Арслон бўлгин, алла-ё.  
Кеча кундуз керагим,  
Олвон бўлгин, алла-ё.

Сенсан менинг юрагим,  
Йўлбарс бўлгин, алла-ё,  
Суянганда тирагим,  
Ботир бўлгин, алла-ё.

Олма, анжир, терагим,  
Ақл бўлгин, алла-ё,  
Доно бўлгин сўроғим,  
Маъни бўлгин, алла-ё.

Кўзим, қошим, қароғим,  
Шердай бўлгин, алла-ё,  
Сен юракдан бароғим,  
Достон бўлгин, алла-ё.

Душманни қил дарбадар, алла-ё,  
Отангдай бўл Ёдгор, алла-ё,  
Алла-ё, алла-ё, алла,  
Жоним болам, алла-ё алла.

Она алласида онанинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари, тилаган тилаклари мужассамлашган. Она алласида фарзанд келажагининг порлоқ бўлишини ният қилинади.

Достондаги воқеалар Алпомишнинг етти йил тутқинлиги вақтида Қўнғирот элининг, Барчинойнинг кечирган кечинмаларидир. Уларнинг бошига ёғилган тошлар, отилган маломатлар, ғийбату бўҳтонлар халқнинг мадорини қуритадиган даражада эди. Кунтуғмишга, Ёдгорга, Қалдирғочойимга, Қўнғирот элига ва Барчинойга қилинган жабру ситамларининг ҳисоби йўқ эди.

Достонда ҳаёт машаққатларига матонат билан бардош билан чидаган Барчинойнинг садоқати куйланади. Достоннинг ажиб хусусиятларидан бири шуки, унда анъанавийлик мавжуд. Ёдгорнинг, Қалдирғочнинг туш кўриш эпизодларини ёдлайлик. Туш кўриш халқ оғзаки ижодида энг муҳим эпик ўриндир. Туш кўриш жуда кўп воқеаларни, муаммоларни очиб беради.

Алпомишнинг етти йил тутқунликдан қутилиб келиши Қалдирғоч ва Ёдгорнинг тушидаёқ аён бўлади.

«Қизларга хосу назокату ибo билан кулиб чечасига қараб суюнчи сўраб, кеча кўрган тушини баён қилаётган жойи:

...Кўй жойилар шибок ўсган дашима,  
Ҳис-туйғусиз юрган одам кишима,  
Суюнчини берасизми, чечажон,  
Саҳар-саҳар акам кирди тушима.

...Ёмон курсин доим юрар зидланиб,  
Ўлгунича яшаб ўтар хитланиб,  
Икки ботир қучоқлашиб, хушлашиб,  
Менинг акам ғойиб бўлди отланиб...

...Туркман овул гала қилар туяни,  
Тулпор отнинг ҳеч тиймайди зиёни,  
Фурсат ўтиб акам чикди Чиборда,  
Яхшиликка бўлсин тушим баёни.

Қалдирғочдан бу тушни эшитган Барчиной хурсанд бўлади. Аммо, «ғойиб бўлди» деган жойини эшитиб хавотир олди. «Садақа радди бало» деб бир бутун нонни худойи қилади».

Демак, хайр эҳсон қилиш эзгу ишдир. Буни Барчиной шундай таърифлайди: «Эгачим, садақа кўп яхши бўлади, ҳар бир одам садақа чиқариб турса келаётган ёмон балоларни шу садақа қайтаради». Достоннинг ниҳоясида эса Ёдгорнинг туш кўришида ниҳоят эзгуликнинг ғалабаси тасвирланади. Ёдгорнинг туши ёруғ кунлардан дарак беради. Демак, куёш илоҳий тушунча. Ёдгорнинг тушида куёш чиқиб онасининг қўлига келиб қўнди. Барча зулмат мунаввар бўлиб олам ёришиб кетади. Ёдгор уйқудан туриб қараса онасининг қўлида бир узук... Бу Алпомишнинг келганлигини билдирувчи туш эди. Бу ерда Алпомиш куёшга менгзалади. Алпомиш Қўнғирот элининг куёши бўлиб порлайди. Элининг, юртининг осмонида зулматни ёритувчи нур каби порлайди. Мана Қалдирғоч ва Ёдгорнинг кўрган тушлари тафсилотлари. Мана шу тушлар ҳақидаги фикримизнинг далили сифатида ушбуларни келтиришни лозим деб билдим...

Қалдирғоч тушини Қоражон Алпомишни излаб Қалмоқ элига кетган вақтда кўради. Қоражон худони ўртага кўйиб Алпомиш билан дўст бўлади ва бутун Қўнғирот эли туриб, Алпомишни излаб биргина шу қалмоқ йигити кетади. Бу эса дўстликнинг улуғлигидир. Дўстнинг Аллоҳ

номи билан аталишидир. Қоражон Алпомишни чоҳдан топиб уни кутқармоқчи бўлганда Алпомиш ҳамма қариндош-уруғини, эл-юртини, ота-онасини, ўғлини, отини, зотини, Қултойкулни ва ниҳоят Қоражонни эслайди. Бу Қоражонни кўнглига тегади.

Дўстлик худонинг отидир,  
Инсон Эгамнинг зотидир,  
Биргина қулча кўрмадинг,  
Бу ҳам қалмоқнинг мотидир,  
Пастлик ҳам шундай бўлама.

Аммо Алпомиш кечирим сўрагандан кейин Қоражон уни кечириб, тортиб олиш учун арқон ташлайди. Арқонни Қоражон тортаётганда Алпомишнинг кўнглига бир гап келади. Қоражон бир куни сени мен кутқардим деса, йигитнинг уялгани ўлгани. Кел, пешонамда чиқиш бўлса ўзим чиқай, деб чоҳга оёқ тирайди. Қоражон силтаб тортганда арқон узилиб кетади ва Алпомиш чоҳга қулайди. Қоражонга жавоб бериб: «Сен кетавер, ҳали чоҳда менинг насибам бор экан», — дейди.

Мана бу Қалдирғочнинг кўрган туши баёни ва унинг ҳаётда намоён бўлиши...

Эпоснинг ғоявий мазмуни хусусида сўз юритар эканмиз, бу ерда ўзбек элининг урф-одатлари ўша мазмуннинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилаётганини англаб етмоғимиз лозим. Юқорида айтилган фикрларни тасдиқ этган ҳолда, яна шуни айтиб ўтиш жоизки, мазмунни очиб беришда далиллар ёки нарсалар муҳим ўрин тутаяди.

Кўнғиротларга, умуман ўзбекларга хос бўлган урф-одатлардан бири суюнчи сўраш одатидир. Эпос бошламасида Ёдгор (Алпомиш ва Барчинойнинг ўғли) туғилганда Қалдирғочбиби отаси Бойбўришоҳ ҳузурига суюнчи сўраб қиради. «Жоним отам, суянчим, энди беринг суюнчи» деб султонга хабар беради.

Зўр йигитлар сафар қилар отланиб,  
Баҳор келса қўй жойилар бетланиб,  
Отажоним, менга беринг суюнчи.  
Хўрсианаман қувончимдан шодланиб.

Бир қилиғи худойимга пориди,  
Салтанатга Хўжайи хидир дориди,  
Суюнчини катта қилинг, отажон,  
Ойбарчиннинг сахар кўзи ёриди.

...Катта бўлса қувонасиз бўйига,  
Султон бўлар отасининг жойига,  
Бобожони, бўлиб беринг суюнчи,  
Қоғинасиз оғам бешик тўйига.

Бойбўришоҳ суюнчига ўзининг қўлидаги ўн саккиз минг сурув қўйга алмаштирган араби лаъл феруз кўзли узугини беради. Суюнчининг одат бўйича катта-кичиги бўлмайди. Ҳар кимнинг атаганича бўлаверади.

Эпоснинг охирида Алпомиш юртига қайтганда Қултой чол Алпомишнинг яқинларидан, Барчинойдан, Қоражондан суюнчи олади. Қултой чол Алпомишнинг ёнига келиб, «Сен Ёдгор билан топишиб иззат кетди, мен ҳам сенинг орқангдан яқинларингдан суюнчи олиб, бой бўлиб иззам кетсин...»

Жумладан от, камон... шарт қўйиш кабилар ҳам қаҳрамонлик белгиларидир. От доимо қаҳрамоннинг йўлдоши, ёрдамчиси бўлади. Камон эса (ўн тўрт ярим ботмонлик) қаҳрамонлик кўрсатувчи, алпнинг алплигини кўрсатувчи детал бўлиб хизмат қилади.

Ултонтоз Алпомишни ўлди деб ҳисоб қилиб Барчинойга оғиз солади, аммо бу ишнинг ривожига Қоражон ҳалақит беради. Ултонтоз турли макру-ҳийлалар билан Бойбўришоҳдан Бойсун тахтини тортиб олади ва ўз атрофига қора ниятли кимсаларни тўплайди. Барчинойни ва унинг яқинларини турли азобларга солади. Ўзи эса Барчинойга сохиб бўлиш иштиёқига тушади. Шу ниятни амалга ошириш учун элу юртга зулм ўтказди, укубатлар оғушига солади. Азоблар энг юқори даражага етган чоқда Аллоҳ иноят қилиб, ниҳоят Алпомиш Қултой чол қиёфасида Бойсун юртга келади ва зулм остидаги биродарларини кўради. Ота-онаси, синглиси, ўғли Ёдгорнинг хор-ҳокисор бўлиб юришини кузатиб Ултонтозга нафрати ошади. Айниқса, Ёдгорнинг ким кўринган кимсалардан, хизматкорлардан гап эшитиб турткисини еб туришини кўриб ғазаби тошади, аммо сездирмайди. Ниҳоят дostonнинг охирида Ултонтоз Барчинойнинг ҳурмати учун



тўйида кўпкари берганда, тўйда Култой чол (Алпомиш) ҳам қатнашиб зафар қозонади. Пойгада Қоралочин ҳам иштирок этади. Қоралочин Ултонтознинг энг яқин мас-лаҳатгўйи бўлиб, Қалдирғочга шайдо эди. Қоралочин улоқни олиб Қалдирғочнинг олдига олиб келади ва унинг нафсониятига тегадиган сўзлар айтади. Буни эшитиб чидай олмаган Алпомиш (Култой чол) улоққа кўшиб Қорало-чиннинг ҳам оёғини судраб кетади.

Лочин борар чиркираб,  
Жувон сони сиркираб,  
Кўйча-кўй деб йиғлайди,  
Кўз-ёшлари тиркираб.

Алпомиш (Култой чол) Қоралочиннинг бир оёғи ва улоқни суғуриб олиб Қалдирғочнинг олдига келтириб ташлайди. Бу воқеадан сўнг алпнинг қариндошлари уни келган деб гумон қилишади.

Барчиной Ултонтозга икки вазифа юклайди. Бирин-чиси, кўпкари бериш. Иккинчиси, Долпинбий бободан қолган ўн тўрт ярим ботмонли парли ёйни Кўк қамиш-дан олиб келиб ёй тортиш.

Кўпкарида Култой чол (Алпомиш) ғолиб бўлиб қо-йиллатади. Иккинчи шартни ҳеч бир паҳлавон бажара олмайди. Шунда Култой чол (Алпомиш) Ёдгорга сен тортиб кўргин деб мурожаат қилади. Ёдгор тортиб кўрганда ўн тўрт ярим ботмонли ёйни бемалол кўтаради. Култой чол бу ёғини энди менга кўйиб бер, деб Ултонтоз ва унинг қирқ йигитини камон ўқи билан отади. Ҳамма ёвуз кучлар ўзлари қазиган чоғга ўзлари қулайди. Яхшилар муродга этади. Бахши анъанавийликка доимо эътибор берган. Масалан, туш кўриш, йўл юриш, тутқунлик, қаҳрамонлар-нинг ичида аслзодалар бўлиши, шарт кўйиш, қора кучлар мавжудлиги кабилар шулар жумласидандир. Ёинки, хона-донда ўғил фарзанд туғилиши Аллоҳнинг инояти ҳисоб-ланган. Ўғил фарзанд авлоднинг давомчиси, уйнинг чироғини ёқувчи дейилади. Бу ерда яна бир удум мав-жуд бўлиб, уйда «чироқ», «нур» бўлиши лозимлиги.

Эпосда яна шундай ўрин мавжудки, биз буни илға-масдан қолмаймиз. Аллоҳнинг бутун 18000 (ўн саккиз минг) оламини жумладан, табиат ва инсонни ҳамда бутун

мавжудотни яратганлиги барчага маълум. Эпосда Аллох, табиат инсоннинг яхлитлиги кўзга ташланади. Бу эса табиат орқали амалга оширилади. Инсонга — қахрамонга қирк чилтон, ҳизр, пирлардан, ташқари, қоялар, туялар, биялар, гиялар (гиёҳлар) ҳам ёрдам беради. Бунда эса ўз-ўзидан кўриниб турибдики, илоҳийлик мавжуд. Аллох инсонга ўшалар орқали мадад беради.

Қалдирғоч билан Ёдгорни туябоқарликка юборган Ултонтоз йигирма кун мобайнида на сув, на нон юбортиради. Ташналик ва очликдан Ёдгорнинг силласи қуриydi. Шунда Қалдирғоч Алпомишнинг Омон отлик чўпон оғайнисидан нон, сув сўрагани қўшни отарга бориб умидсизликка тушиб қайтади... Ниҳоят, галаларга мурожаат қилиб йиғлайди.

...Омон чўпон зордоб қилди гўшимни,  
Парча нонга айлантирди бошимни,  
Инсон бўлиб жаврай берди хушимни,  
Шўр жетимга раҳм қилинг, галалар,  
Ёдгор эса жотиб олиб ҳалалар.

Сизлар учун майли берай жонимни,  
Сув қиб ичинг томирдаги қонимни,  
Омон кўрмасинда йиғлаганимни,  
Шул сағирга раҳм қилинг, галалар,  
Ёдгор эса қумда ётиб ҳалалар!

Одамзоддан бугун эсли бўлинглар,  
Ҳайвон бўлиб инсон ишин қилинглар,  
Бек ўлмаган бўлса майли келинглар,  
Тирик бўлса раҳм қилинг, галалар,  
Ёдгор эса ёниб-ёниб ҳалалар.

Алқисса, галалар изига чаппа қайтди. Шунда галаларнинг ичидан қора рангли говмиш туя чиқиб, Ёдгорнинг ёнига келди. Икки орқа путини олчанглатиб, эмчагини ийдириб, эмчак учини Ёдгорнинг оғзига тийдириб тута берди... «Аллохнинг қудрати чексизлигини қарангки, баъзан инсон ҳайвонлик қилганда ҳам ҳайвон меҳр-оқибат кўрсатади. «Туя ҳайвон бўлса ҳам, Омондан кўра эслироқ экан» дейди Қалдирғоч. Бу ўринда турқи таровати ин-

сонга ўхшагани билан ҳар бир киши инсон бўлавермас-лигини... одам бўлмоқ қийинлигини таъкидлайди бахши.

«Бева Барчин» достонида шундай бир туйғу борки, у барча қахрамонларга руҳий қувват бахш этади. Бу руҳий қувват — Умид ҳисобланади. Достонда Алпомишнинг қайтиб келишига ишонч туғдиради. Алпомишнинг ота-онаси, Барчиной, Қалдирғоч, Қоражон... ва Ёдгорлар етти йил кўзлари нигорон бўлиб интизорликда умид билан Алпомишни кутишди. Умид иплари таранг тортилган бир пайтда эса эзгулик ғалаба қилди ва Алпомиш юртга қайтди. Демак, ишонч ва умид кишининг руҳини тетик, юрагини бакуват қилади.

Кам бўлсангда думоққинанг чоқ бўлсин,  
Хун тортсангда кўнглинг доим оқ бўлсин,  
Отажонинг келиб қолар Ёдгор,  
Шул мартага болам кўнглинг тўқ бўлсин.

Яхши ният ярим давлат, дейишади. Яхши ниятли киши албатта бир кун муродига етади, деб бежиз айтишмаган. Яхши ният, яхши дуо кишини доимо эзгуликка чорлайди. Шу ўринда бир нарсани айтмоқ жоизки, ота-она, ёр-биродар, қон-қариндошлар дуоסי, тилаган тилаги кишини бало-қазолардан омон саклайди. Айниқса, ота-она дуоסי болани асрайди. Ота-она дуогўй, эгачи Алпомишдан дарақ бўлавермагач,

...Кумуш бўлар кировканинг чегаси,  
Ҳар жигитнинг зотдор бўлсин тоғаси,  
Келмаётир ўлигимнинг эгаси,  
Орқа товим Алпон болам келмади.

...Ёмон фарзанд отасига дардисар,  
Ўз халқига қанот бўлар зўрабор,  
Ёлғизимдан қолган бўлса Ёдгор,  
Ёдгоржон кетган отанг келмади, —

деб Бойбўришоҳ ташвишга тушади. Қалдирғочнинг Ёдгор туғилганда:

Ҳар бир ийни қирдай бўлсин,  
Билаклари нордай бўлсин.  
Отажони келганилда,  
Тўқайдаги шердай бўлсин.

Кўнғиротнинг аждаҳори,  
Миллатининг мадақкори.  
Суянганда тоғи бўлсин,  
Бўлсин Бойсуннинг шунқори.

Ҳар бир тилак, истак замирида катта-катта маънолар мавжуд. Қалдирғочбиби оғасининг тиловчиси, отасининг суянчиғи бўлади. Ҳар дамда отасига далда беради.

Қараб турсам ота қаддинг букилди,  
Селдай тошиб кўзингдан ёш тўкилди,  
Душманимни хурсанд қилма падарим,  
Сен букчайсанг юракларим сўтилди.

Ота сенсан Кўнғирот элнинг шунқори,  
Сен мунғайсанг кетар юртнинг мадори,  
Қаддинг кўтар халқингга бўл ибрат,  
Ёмон кунда кетар қизинг қарори.

Юқоридаги мисралардан кўринадики, Қалдирғоч нафақат отасининг, оғасининг, балки эл-юртнинг, ватанининг тинчлиги, соғлиғининг тиловчисидир.

Асарда асосий ғоя ҳам асосан мана шу юрт фаровонлиги, элнинг тинчлиги, ватаннинг ободлиги учун олиб борилган ҳаракатлар мажмуидир. Кадр-қиммат, меҳр-оқибат, ҳаётга муҳаббат, ватанга садоқат, севгига, дўсту ёрга вафо, лутфу-назоқат, ўзбекона урфу-одат, номусу орият, миллий қадрият — барча-барчаси асар ғоявий мазмунининг битта-битта устунларидир.

Достонда Барчиной ва Алпомиш образлари халқнинг юксак идеалларини ифодалайди. Алпомиш ва Барчиной образида эпчиллик, зукколик, топқирлик, хозиржавоблик ва ақллилик, донолик, билимдонлик, алплик хусусиятлари бўртиб, сезилиб туради. Бу эса эпоснинг умумий руҳи билан алоқадор.

Достондаги барча образлар бевосита ҳаётдан Кўнғирот уруғининг, элининг турмуш шароитидан олинган. Зотан, қаҳрамонлик эпосида баҳодирни норга, лочинга, мардона юзини суқсурга, қаҳрамоннинг рақибини кузгунга... ўхшатиш характерлидир. Бу эса муҳим бир поэтик белги сифатида хизмат қилади.

«Бева Барчин» достонининг бош қаҳрамон соҳибжамол, ақли баркамол, тўлин ой мисол моҳичеҳра, Бойсун-Кўнғирот элининг эрка қизи Барчинойдир. У меҳнатқаш,

фидокор халқнинг қахрамонлик кучлари, эзгу ниятларини ўзида мужассамлаштирган, ёвузликнинг ашаддий душмани, эл-юрт фаровонлиги йўлида мардлик кўрсата олган мардона аёл образидир.

Достон катта маҳорат билан яратилган. Барчиной ва унинг садоқати асосий мавзудир. Достондаги садоқат образи, садоқат рамзи Барчинойдир. Бу гўзал образ — қахрамон аёл, садоқат бекаси, нафосат кўрғонининг соҳибаси, вафо қасрининг маликаси, бардош деб аталмиш қалъанинг ҳокимаси бўлиб, унинг тимсолида покиза ўзбек аёли улуғланади. Достонда Барчинойнинг, қўнғирот уругининг сабру бардоши, меҳр-оқибат кўйланади.

Сабру қаноат ила Алпомишни кутган Барчиной ниҳоят мақсадига эришади. Асар ниҳоясида Алпомиш етти йиллик тутқунликдан халос бўлиб келади ва Ултонтознинг тўйи Алпомишнинг тўйига айланади, Алпомишнинг келиши дарагини эшитган Барчиной «Худойи таолла бошида тақдиримизни оғир чалкашликларга дучор қилиб, етти йил бир-биримиздан ажратиб, мана бугун яна дийдорлаштиряпти. Етти йилда нима савдо ўтган бўлса бари чин. Шунинг учун менинг исмимни Барчин деб қўйган экан-да» деб хаёл суради.

Эпосда Алпомишнинг куч-қудрати, баҳодирлик салоҳиятини тасвирлашга алоҳида эътибор берилган. Воқеалар жараёнида образлар тўлақонли равишда, бир-бири билан бўлган муносабатлари мобайнида намоён бўла боради. Шунингдек, бир образ иккинчисини очиб беради.

Барча образлар жуда яхши, мукамал ишланган. Айниқса, Барчиной образи ҳар томонлама камолга етган, етук қилиб яратилган образидир. Ватан ва оилани севиш, халққа ва қариндошларига ҳурмат, мустақиллик ва жасорат бу образнинг ички мазмунини ташкил қилади. У оқила, тадбирли аёл сифатида тасвирланади. «Бева Барчин» достонидаги Барчинойнинг жанговарлиги тасвирланган лавҳалар халқ қахрамонини идеаллаштириш ва унинг жисмоний куч-қудратини синаш воситаси сифатида хизмат қилади.

Барчиной образи асар воқеаларини ҳаракатлантирувчи, образлар хатти-ҳаракати ва руҳий ҳолатидаги драматик теранликни психологик жиҳатдан асосланганлигини таъминлайди. У ақл заковати, жасорати, келажаги, ўз Ватанива ёр-дўстларига бўлган муҳаббати йўлида мавжуд

тўсиқларни тап тортмай енгишга интилиши билан ўзбек аёлининг идеал қиёфасини акс эттирган. Достонда қаҳрамонлар фақат Барчиной образи орқали мулоқотга киришадилар. Барчиной образининг достонда тутган ўрни, мавқеи, воқеалар ривожининг бевосита у билан боғлиқ ҳолда кечиши сабабли ҳам асар унинг номи билан юритилган.

Шундай қилиб, Барчиной жанговар алп қиз, Алпга садоқатли ёр, оила ва уруғ номуси учун фаол курашувчи она образидир. Бу образда халқнинг хотин-қизларга нисбатан самимий муносабати жуда катта эъзоз ва хурмати мужассамлашган, аёллар юксак инсоний қудрат ва шон-шарафга эга эканлиги баралла куйланган.

Достонда Барчиной образини янада тўлдириб келувчи образлардан бири Қалдирғочбиби образидир. Қалдирғоч Алпомишнинг синглиси бўлиб, унинг ички олами янгаси Барчинойга жияни Ёдгорбекка, акаси Алпомишга ва ота-онасига кўрсатган меҳрибонликларидаёқ яққол кўзга ташланади.

Достонда кишиларни ўраб олган ижтимоий муҳит, шахсий кечинмалар, севги изтироблари, турмуш икир-чикирлари, умуман, инсон ва ҳаёт масалалари кенг кўламда, бадиий бўёқларда тасвирланади. Достонда қадр-қиммат юксак баҳоланади.

Эпосда Алпомиш жисмоний жиҳатдан бақувват, маънавий жиҳатдан етук қаҳрамон сифатида берилган. Унинг куч-қудрати, баҳодирлик салоҳиятини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратилган. Достоннинг яна бир ижобий, яхши жиҳати шундаки, унда дўстлик, биродарлик тушунчалари улуғланади. Буни Алпомиш ва Қоражоннинг дўстлиги мисолида кўриш мумкин. Алпомишнинг дўсти Қоражон билан муносабати достон давомида чуқурлашиб боради. Достондаги турли-туман эпизодларда Қоражон образи ҳар томонлама очилади. Алпомишдаги чинакам инсоний фазилятлар, зулм ва разолатга қарши кураш Қоражонни тобора унга яқинлаштирган.

Қоражон эса ҳар қандай бало ва офатларга, ғийбат-фасодларга қарамай, эътибор бермай Қўнғирот элини, Алпомишни, Барчинойни ҳимоя қилади. Адолат ва ҳақиқат, озодлик ва тинчлик, инсон ҳуқуқи ва ор-номуси учун курашади. Алпомиш билан Қоражоннинг дўстлиги қаҳрамонона дўстлик даражасига кўтарилган.

Достонда Ултонтоз ва унинг маслакдошлари ноҳўя ва ярамас ишлари, маънавий қашшоқликлари, тубанликлари учун қаттиқ қораланади. Алпнинг баҳодирлик номуси, уруғини, қариндошлари, ота-онаси, синглиси, севимли ёри ва ўғлини азоблаган, хўрлаган, халқ билан ҳисоблашмаган золимга жазо беришни талаб қилар эди. Ултонтоз эса ҳар жиҳатдан тубан инсон бўлганлиги учун халқ нафратига дучор бўлади ва достоннинг ниҳояси яхшилик билан тугайди. Қахрамонлар фаолиятининг якуни сифатида тўй тасвири, мурод-мақсадга етганлиги кўрсатилади.

Демак, «Бева Барчин» достонида Барчинойнинг садокати, халқнинг ватанга, бир-бирига муҳаббати, Алпнинг, элининг, юртининг орзуларини ушалиши ниҳоядир. Бу мулоҳазаларнинг барчаси эпос сюжетидаги барча эпизодлар жумладан кураш эпизодлари, муҳаббат мотивлари, достоннинг қахрамонлик характеридаги достон эканлигини тасдиқлайди.

Халқ эпоси адолат ва ҳақиқатни тараннум этганлиги сабабли унда ҳақиқат учун кураш олиб бораётганлар голиб чиқиши табиий ҳолат. Эпосдаги мана шу хусусият халқ ижодкорлари томонидан ўйлаб топилган сунъий ечим эмас. У асрлар давомида халқнинг адолат, эрк ва озодлик учун курашида ҳар доим голиб чиқишини кузатишлари оқибатида юзага келган ҳаётий ечимдан иборат.

«Бева Барчин» достонидаги образлар талқин қилинар экан бир образнинг иккинчиси билан узвий боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Барчиной образини Қалдирғочсиз, Қалдирғоч образини Ёдгорсиз ёки Ултонтоз образини Барчинойсиз талқин қила олмаймиз. Барчиной образи ҳақида кўплаб фикрлар айтилади. Бу образ шунчаки бир аёл образигина эмас. Бу образда бахшишоирнинг орзу-истаклари, ўй-хаёллари ўзбек аёлларига хос бўлган жамики яхши фазилатлар жамланган. Барчиной гўзаллик, мардоналик, вафо рамзидир.

Унинг гўзал аёл эканлигини кўп таърифлаб ўтирмай мана бу парчага мурожаат қиламиз:

...Барчиной Қалдирғочнинг бу сўзларини эшитиб, етти йилда биринчи марта қақирлаб кулиб юборди. Юзларига қизиллик югурди, бироз салқиган юзлари таранглашди, чехрасида ажиб бир гўзаллик намоён бўлди, ёш юмган кўзлари тиниклашиб афтининг гўзаллигини янада очиб юборди. Қоп-қора кундуздай бўлган сочларида қуёш

нурининг зумрад заррачалари пайдо бўлди, камон қош-ларини найза киприкларини ва бодом дудокларидан жаннатнинг ҳиди анкиди, бир оламнинг дунёси етмайдиган мўъжаз қадди-қомати янада тетикланиб жаҳонни ва паррандаю даррандаларни, табиатни, қурту-қумурсқаларни маҳлиё қилди. Қалдирғоч олдида гулдай очилиб турган, куёш нуридай сочилиб турган худойимнинг бетакрор мўъжиза гўзаллигини кўриб, латофат нима, назокат нима, тароват нимаю, гўзаллик нима эканини ҳозир англаб нафасини беихтиёр ичига тортиб юборди ва Алпомишнинг нақадар бахтли инсон эканлигига амин бўлиб ичида қувонди. Барчиной ҳасад билан эмас, хавас билан термулди. Ултонтознинг дидига ҳам қойил қолди.

Барчиной фақат гўзаллиги билангина эмас, ақллилиги, алплиги, мардоналиги билан ҳам кўзга ташланади. Барчиной ҳамма гапни, ҳар бир қадамини ақл тарозисида ўлчайди. Халқнинг, оиласининг, ўзининг ор-номусини доимо ҳимоя қилади ва бунинг уддасидан чиқа олади ҳам. Бу гоҳ Ултонтоз билан учрашувида, гоҳ совчилар ҳузуринида, гоҳ бешик тўйи маросимида, гоҳ қариндошлари ҳузуринида кўзга яққол ташланиб туради.

Барчиной Алпомишини узоқ етти йил сабр-тоқат билан, матонат билан кутади. Ва албатта, ўз муродига етади. Барчинойнинг алплигини мана бу ўринларда кўрамиз.

«Ултонтоз бир кечаси таваккали худо деб Барчинойнинг ўтовига жўнади. Жуда эҳтиёткорлик билан ўтовга кириб Барчинойнинг оёқ учиди қираётганда сездириб қўйди. Барчиной жаҳл билан жойидан туриб Ултонтозни ушлади, биқинига беш-олти марта муштлади, учасига тўрт-беш тепиб ташлади. Ултонтоз қўрққанидан кўзини намақоб қилиб ёшлади. Шунда Барчиной Ултонтознинг жогасидан ушлаб «Не сабабдан сўроқсиз кириб келдинг нармода!» — деб сўзлаётган жойи экан:

Ўйлаганда ўйи йўқ,  
Бўйлагали бўйи йўқ,  
Нега келдинг бостириб,  
Элга берар чойинг йўқ.

Мени бева белдингми,  
Фар деб фикр қилдингми,  
Ўз гуноҳ ўзинг билан,  
Паймонаси тўлдингми?



Ёруғда кел зўр бўлсанг,  
Кўнғиротда шер бўлсанг,  
Юзма-юз гаплашайлик,  
Йигитларга тир бўлсанг,—

деб Барчиной Ултонтозни бўғиб-бўғиб ҳар силкиганида, подшонинг оёғи бир қарич, икки қарич кўтарилиб кета-берди. Шунда Барчиной Ултонтозга қараб сен ҳам бир иш қилибсан мен ҳам ибр иш қилайин деб подшони судраб ўтовдан ташқарига чиқариб белидан маҳкам ушлаб, ердан даст кўтариб, келган йўлига қаратиб отди. Ултонтоз йигирма қадамча отилиб кетди, бир чуқурга гупиллаб етди. Итнинг жалоғига чолқараман тушган экан, анча туролмай ётди».

Қаранг, аёл кишининг алплигини. Биз аждодларимиз Тўмарис, Қурбон додхо, Барчинойлар билан бутун жаҳонга мақтансак арзийди. Эпос қаҳрамонлари: Саран момо, Қаран момо бекорга: «Барчинойнинг ғазаби Ултонтознинг фармонидан кучли», — эканлигини тан олишгани йўқ, албатта.

Барчиной мард аёл. Унинг қилган мардлиги, жасурлиги ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қариндошлари йиғилишганда Барчиной «Ҳой оғайнилар! Агар маслаҳат бера олмасаларингиз дуо беринглар. Эртагача Алпомиш келсин, бўлмаса мендай Ойбарчин шу кеча ўлсин», — деб дуо сўрай берди.

Ахир бу тахлит дуони ҳар ким ҳам юрак ютиб сўрай олмайди. Элнинг дуоси ижобат бўлади. Элнинг қарғишига дуо аралашса қарғишнинг ижобат бўлиши гумон. Барчиной эса шундай дуони сўрайди. Ун икки ёшли мулла Эрмат Барчинойга берган дуосида эзгу ният, садоқатли улуғлаш, бу йўлдан қайтса қарғиш бор.

Термулиб қарайман бугун ҳар ёкка,  
Оҳ десам довушим кетар фалакка  
Аввали йиғлайман худойим ҳаққа,  
Эртан чашка Алпон айдақор келсин,  
Келмаса Ойбарчин тенгсанмай ўлсин.

Фалак қилдинг найлай боврима жафо,  
Беш кун дунёсан қилдингма вафо,  
Айландим Муҳаммад ҳазрат мустафо,  
Эртан чошка Алпон зўравон келсин.  
Келмаса Ойбарчин нон жемай ўлсин.

Кўнғиротнинг юрти бўлсинда бўстон,  
Бекнинг юрган жойи доим гулистон,  
Гўрўғли эгаси. сен қирқта чилтон,  
Эртан чашка Алпон зўрабон келсин.  
Келмаса Ойбарчин кун кўрмай ўлсин.

Дунё қилдинг найлай неча зўрни зор,  
Хар қадамда дўстлар билсанг душман бор,  
Қудратлисан оламда тўртта чориёр,  
Эртан чашка Алпон айдоҳар келсин,  
Келмаса Ойбарчин шишмадан ўлсин...

Барчинойга дуо берган ёш мулла аввал Худо кейин  
Пайгамбар, 40 чилтон, 4 чориёр, эшони шайит, Хўжаи ҳизр,  
ҳазрат Баҳовуддин, Шоҳизинда, ўтган машойиғу, уч минг  
600 авлиёларга сифиниб, улардан Алпомишнинг келиши  
бўлмаса Ултонтозга теккандан кўра Барчиннинг ўлиши  
илтижо қилиб сўрайди. Элу халқ бу дуога қўл очиб фотиҳа  
килади.

Демак, ўзбек аёли мард ва жасур бўлмоғи даркор экан.  
Бу ўринда Барчиной ҳақидаги гапни мухтасар қилсақда,  
Барчиной образини янада тўлдириш учун эпосдаги яна  
бир ўзбек, кўнғирот элининг қизи Қалдирғочбиби ҳақи-  
да фикрлашсак. Бу ерда оилада жигарбандларнинг бир-  
бирига меҳр-оқибатини шу образ мисолида кўриш мум-  
кин. Алпомиш ўзга элда эканлигида Қалдирғоч ҳам отаси  
Бойбўришоҳга ҳам чечаси Барчинойга ҳам жигари Ёдгорга  
таскину тасаллиллар бериб уларнинг кўнглини кўтариб  
турди.

Султон бўлар ота элнинг оғаси,  
Сўралади мард йигитнинг тоғаси,  
Қизим десанг ғамдан кўтар бошингни,  
Хўл бўлмасин адрас тўннинг ёғаси.  
Султон одам қаддин долдай букарин,  
Кўз ёшини муштипардай тўкарин,  
Дўсти-душман нима дейди отажон,  
Куч-қудратни ғам қаърига отарми? —

дея отасига далда бериб кўнглини кўтариб турди. Чечаси  
Барчинойни ҳам кўнгли ярим деб асраб-авайлади.

Сарғаймасин гулдай юзинг,  
Мангуликни кўзлар кўзинг.  
Яхши хабар олиб келди,  
Барчинойим сарвинозим.

Қалдирғочбиби Алпомишнинг бир қориндан талашиб тушган эгачиси. Шунинг учун у бошқалардан кўра кўпроқ куюнади, аммо ўзини-ўзи бошқара оладиган иродаси мустаҳкам қиз. Қалдирғоч ўз олдидаги тўсиқларни мардларча енгиб ўтади. Барчиной Ултонтознинг совчиларини қайтариб, ўзини улоқтиргандан кейин Ултонтоз аччиқланиб, Бойбўришоҳни, Қалдирғоч ва Ёдгорни ҳам йилкибоқарликка ва туябоқарликка Чилбирнинг чўлига ва Ойнанинг кўлига жўнатади. Ойна кўлида туя боқаётган Қалдирғоч билан Ёдгорга йигирма кун мобайнида на нон, на сув юборишади. Сувсизлик ва очликдан Ёдгорнинг мадори қуриydi ва Қалдирғоч шу яқин ўртадаги Алпомишнинг дўсти Омон деган чўпондан Ёдгор учун нон сўраб боради. Лекин Омон Алпомишнинг берган тузини нутиб Қалдирғочга ола қарайди.

...Ўлганларни излама,  
Оғам бор деб бўзлама,  
Мен турғанда Қалдирғоч,  
Бектемирни кўзлама...

дея Қалдирғочга ёмон ният билан боқади, шу сўзларни айтади. Шунда Қалдирғоч: «Бу аҳмоқ дўстни, акам Алпомишни, оғам Ёдгорни билмади. Кел-е Худони ўртага қўйиб сўраб қўрайин қани, балки меҳри бўшаса бир парча нон берар, деб Омон ака, Худойжонимнинг ҳурматига бир парча нон бер», — деб сўраётган экан.

...Ёмон гапни энди ташланг Омонжон,  
Акадайин менга бўлинг қадрдон,  
Лозим бўлса худойимнинг сифати,  
Ёдгорга беринг ака парча нон.

Аммо Омон бу гапларни тушумади. Шунда Қалдирғоч ақл заковатини ишга солди. Омонни алдаб: «Майли, сиз ўпангиз икки кўзингизни юмиб туринг», — деб Омонга яқинлашиб бориб қулоғининг остини кўзлаб шундай қаттиқ урдики, «Омон чўпон яшин ургандек таппа жиғилиб тушди. Омон чўпон энадан туғилиб ҳатто бойлардан ҳам таёқ емаган эди. Бу зарбани Қалдирғоч урганини ҳам девлар урганини ҳам англамади. Анчагача туролмай ўтди». Шунда қалдирғоч: «Кўнғирот қизларининг муччиси шундай аччиқ бўлади...» деди

Мана Қалдирғочнинг алплигидан биргина лавҳа. Қалдирғоч лобар, дилбар ҳамдир. Қалдирғочнинг таърифига

сўз ожизлик қилар. Унинг шайдолари кўплаб бўлиб унга сўзлашга ботина олмасдилар.

Қизлар асли баҳордир,  
Сумбул сочи наҳордир,  
Бир қимтинса Қалдирғоч,  
Ҳар боқиши заҳардир.

Қизлар мисли жайрондир,  
Қиё боқса даврондир,  
Қалдирғоч жамолингга,  
Ҳатто ойлар ҳайрондир.

«Бева Барчин» достонида яна бир образ борки, бу Ёдгор образи. Бу образ Кўнғирот элининг умиди, ишончи таянчидир. Ёдгорни онаси (эл уруғи) худди отасидек мард ўғлон қилиб тарбиялайди. «Барчиной Ёдгорни оқ ювиб, оқ тараб ерга қўйсам гард бўлади, осмонга отсам дард бўлади, яхшиси бешикка солиб, бирга ўтириб алла айтиб ухлатсам отасидай мард бўлади» дея тарбиялайберади.

Ёдгор бу тарбиядан паҳлавон бўлиб, ор-номусли бўлиб ўсди. Отаси Алпомиш каби алп бўлди. 14 порли ёйни бир ўзи кўтаради. Ултонтозга нисбатан қаҳрли бўлиб ўсди. Ёдгор эс-хушли, ақлли бола бўлади. Бобоси, онаси ва аммасини ниҳоятда севади. Отаси Алпомиш билан ғурурланади ва отасининг келишига чин дилдан ишонади.

Бойбўришоҳ образи Алпомишнинг отаси бағри кенг, саҳий инсон. Фарзанди Алпомиш учун жуда кўп қайғуради. Кўнглига куй, қўшиқ, қил сифмайди. Меҳрибон ота образидир. Бойбўришоҳ «Бева Барчин» достонида фарзандлари қувончи учун ҳамма нарсадан воз кеча оладиган ота сифатида тасвирланган. Биргина мисол: Ёдгор туғилганда Қалдирғочга ўзининг қўлидан ўн саккиз сурув қўйга алмаштирган араби лаъл феруз кўзли узугини суюнчига беради. Бойбўришоҳ мана шу мол дунёдан фарзанд азиз эканлигини англаб етган бийлардан бўлади. Бойбўришоҳ оқ кўнгил султон. У Ултонтознинг маккорона гапларига ишона-ишона салтанатни қўлдан бой беради. Содиқ дўст Қоражонга тухмат тошларини ёғдирган Ултонтознинг макрига учди. Қоражондан ажратишини англамади.

Қоражон образи эпосда дўстлик рамзи бўлиб хизмат қилади. Қоражон биргина «дўст» сўзининг кучи билан мана шунча жабру-ситамларга бардош берди. Дўст —

Аллоҳнинг номи эканлигини бир лаҳза бўлса-да унутмади. Дўстни душмандан ажрата биларди. Қоражон Алпомишнинг ҳурмати учун имкони борича курашди ва кутилмаган бир матонат билан барчасига дош берди. Қоранг бу рамзий ифодада ёмонлик рамзидир. Аммо Қоражон жисмидаги жон қорадан кўра ёрқинроқ бўлиб унинг яхши сифатини оширади ва Қоражонни эзгуликнинг соҳиби бўлишга чорлайди. Бу ўринда яна бир образ Алпомишнинг паҳлавон дўстларидан бири Қоралочин образига тўхталсак-да, икки дўстни таққосласак. Қоражон Қоралочин образларининг ҳар иккиси Алпомишнинг дўсти. Қоражон «вафоли», Қоралочин «жафоли» дўст бўлиб қолди. Қоралочин образи «Бева Барчин» эпосида икки юзламачи, лаганбардор, таъмагир образ сифатида гавдаланади. Дўсти Алпомиш тутқунликда бўлган вақтда Ултонтознинг гумаштасига айланади. Унинг ёвузликларига шерик бўлади. Ултонтоз Барчинга шайдо бўлганидек, Қоралочин Қалдирғоч васлига интиқ бўлади. Қоралочин Ултонтоз каби ўз мақсадига эришиш йўлида ҳеч қандай ёвузликдан ҳам тоймайди. Аммо у бу мақсадларига Ултонтоз қўли билан эришмоқчи бўлади.

Қоралочин Ултонтоз Барчиной учун пойга қилганида бир неча марта улоқни олиб келиб Қалдирғочнинг пойига «Бу биринчи кечалигингга», «Ма, Қалдирғоч, бу сенинг иккинчи кечалигингга...» дея ташлаб кетади. Буни кўриб кузатиб турган «Қултой чол» — асл Алпомиш чидаб туролмай такани ушлайди, такага кўшиб Қоралочиннинг путини ҳам ушлайди ва: «Эй, Қоралочин, бир вақтлар мен билан бўйинса, улфат эдинг. Бир майизни топсак, бўлиб жер эдик. Лекин кўпкаридаги қилиғингни кўриб, сендан ихлосим кўтарилди. Етти йил Ултонтоз билан даврингни сурдинг, урғанингни урдинг. Энди «Қултой чол» бу ишларингга кўймас», — деб отини Қалдирғоч томон буриб Қоралочиннинг бир пути билан такани суғуриб кетиб Қалдирғочнинг чайласига етиб: «Ма Қалдирғоч, бу сенинг уч кечалик хунингга» деб ташлаб кетади. Ёвуз ниятли Қоралочин ёвуз ўлим топади. Бировга қазиган чоҳига ўзи тушади. Қоралочин ўзи паҳлавон, баҳодир, лочин каби ўктам йигит, аммо ўз кучини эзгу ишларга сарфламайди. Ултонтознинг разил ниятлари учун хизмат қилади. Қораниятли инсонларга хос бўлган рамзий маъно ўз кучини

кўрсатиб Лочинни ёвузлик сари торткилайди. Қоралочин эса ёвузликнинг қурбони бўлади.

Достонда Ултонтоз куйидагича таърифланади: «Ана энди гапни Бойбўришоҳнинг кул уруғидан бўлган яса-вул Ултонтоздан эшитинг. У ҳам баҳодир йигитлардан бўлиб, чаққон, эпчил, ҳарбий ишларини Алпомишдан ўрганиб олган паҳлавон йигит эди. Алпомиш билан улфат бўйинса бўлиб, лекин бекдан ҳунари оз эди. Бир оз фирромлиги бор эди. Барчинойни жонидан ҳам яхши кўрар, кўлидан бир ушлашни кечалари ҳам орзу қилар, лекин Алпомишдан ўлгудай кўрқар, унинг кучидан ҳаймиғар эди...»

Ултонтоз султон бўлган чоғда ҳам барибир қуллигига, кўрмаганлигига боради. У кўп мулоҳазали одам эмас. Ким нимани маслаҳат берса ўшани қиладиган киши. Аммо ўзига етгунча муғомбир.

Яна бир йирик образ Ултонтоз образини талқин қилар эканмиз, тож-тахтнинг кучига яна бир карра ишонамиз. бу тахт қанчадан-қанча кишиларни ёстигини қуритди. Қанчалар отани боладан, оғани инидан айирмади. Ултонтоз қулдан бўлсада, Бойбўрининг фарзанди-ку! Ажаб савдо! Боланинг отага меҳри мана. Майли, Ултонтоз ота меҳрига сазовор бўлмаган ҳам дейлик. Аммо минг қилганда ҳам у фарзандликдан тонса ҳам инсонликдан, одам эканлигидан тона олмайди-ку!

Ултонтоз эпосдаги энг қабиҳ инсон. Бу фикрларимизнинг далили сифатида инсоният энг улуғ деб билган зот онани Ултонтоз оёқости қилишини ёки муқаддас ҳисобланган аёл зотига қилинган ҳурматсизликни ёйинки, ҳали она сути оғзидан кетмаган Ёдгорга қилган қабиҳликларини айтишимиз мумкин.

Жоланг оёқ жоланг бош,  
Бир қўлида полвон тош,  
Боланинг бу ҳолига,  
Сув бўб эрир бағри тош.

Ултонтознинг ўтказган зулми Бойсун юртининг фуқаросини ҳоритди. Ултонтоз Барчиннинг ҳузурига бекларидан юборади. Улар: «Ёдгорни бизга бер, бекнинг хизматини қилиб турсин...» дейди. Бунга Барчиннинг қаҳри келиб:

Қўнғирот катта эл бўлса,  
Ёдгор шунқор ул бўлса,  
Қайтиб боламни ишлатар,  
Ултонтозбегинг қул бўлса...

деб жавоб беради. Наҳотки, Ултонтоз каби бир «султон»-нинг куни норасида Ёдгорнинг хизматига қараб қолган бўлсая. Бу ҳам унинг золимлигининг бир кўринишидир. Айтишадики, шоҳ одил, савдогари саҳий юрт фаровон бўлади деб. Ултонтоз юртга бош бўлди-ю, қут-барака кўтарилди. Мамлакат равнақига путур етди. Одамлар орасидан меҳр-оқибат кетди. Алпомишнинг бор вақтида Барчинойнинг нонининг гулини еган қариндошлари Ултонтоз бек бўлгач Барчинойдан етти йил мобайнида хол-аҳвол сўрашмади. Ултонтоз Барчиной кўнавермагач ана шу қариндошларни йиғиб дорга осдирмоқчи бўлди. Шунда Мулла Холиёр (Барчинойнинг тоғаси) «Эй, Ултонтоз! Ҳеч замонда ота ҳам қизига совчи бўлиб бордими ва қариндошлар бир-бирига совчи бўлиб қизини бегонага берадими? ... Барчинойнинг қахридан ўлгандан кўра сенинг зулмингдан ўлганимиз маъқул» дейди. Бу гапнинг асл маъноси қадим-қадимларга бориб қадалади. Одамлар қабила-қабила бўлиб яшаганларида фарзанд она тарбиясида бўлиб, унинг отаси «маълум» бўлмаган, яъни бошқа қабиладан бўлган. Она ва бола тоғанинг қарамоғида бўлган. Шу сабабли бир тоға етти отага тенг деган гап пайдо бўлган. Мана шунинг учун ҳам Мулла Холиёр «ота ўз қизига совчи бўладими...» деяётгандир. Ултонтоз зулмини энди қон-қариндошларга ўтказмоқчи. Зулми киши қандай бўлмасин ўз мақсадига эришмоқ истайди. Аммо ўзни эр билиб, ўзгани шер билиш етти ухлаб тушига кирмайди.

Эпосда яна бир образ борки, биз уни кўпда англаб етмаймиз. Бу образ Алпомишнинг рухидир. Қоражон Қалмоқ элига бориб келгач, булар, яъни алпнинг яқинлари кўп қийналмасин деб, уларнинг юраги совсин, интизорликда ранги сарғаймасин деб Алпомишни «ўлган»га чиқаради. Шу лаҳзадан бошлаб эпосда Алпомиш руҳи пайдо бўлади. Бу образ дoston қахрамонларига руҳий қувват бахш этади. Уларни ҳар дақиқа қўллаб қувватлайди...

...Фольклордаги тарихийлик воқеликка бадиий муносабатнинг умумий тамойили сифатида ҳамма вақт ижодкор ва тингловчининг бадиий назарлашлари, уни бадиий идрок этишлари воситасидир. Бинобарин, ҳар қандай асарни ғоявий-бадиий жиҳатдан баҳолаш бевосита тарихийлик масалалари орқали амалга оширилади.

Халқ эпоси душманнинг таслим бўлиши, эзгуликнинг тантанаси билан якунланади. Маълумки, халқ эпоси сюжети ўзига хос услубий тизимга эга. Бу тизим эса ўз навбатида сюжетнинг махсус бошламаси, эпик тугун, воқеалар ривож, ғалаба мадҳиясидан ташкил топган эпик якундан иборат тузилишга эга эканлигида кўзга ташланади.

Достоннинг яна бир ютуғи шундаки, унда ўзбек халқи шеърятининг буюк қудрати намоён бўлган. Достонда асар руҳига мос фавқулодда яратилган ажойиб тасвирий воситалар асарга гўзал бир безак бўлиб тушгандир.

Асарда шеърый сатрлар бадиий жиҳатдан шу даражада мукамал ишланганки, уларнинг кўплари асарлар тажрибасини ўзида мужассамлаштирган афоризмлар даражасига кўтарилган.

Давлат тийса қашқа чибин бошига,  
Семурғ қушлар салом берар қошига...

Битта йўлбарс минг тозига тенг бўлар,  
Катта ўрмон икки шерга танг бўлар...

Достоннинг композицион тузилишини умумий ва анъанавий... юртини кўрган Қоражон севинчини зўридан, соғинчининг дардидан «она юртим бормисан» деб баралла қичқириб юборди...

Бойсун-Кўнғирот юртидан,  
Машҳур тоғларнинг ортидан,  
Чексиз денгизлар сиртидан,  
Сўроқлаб келдим она-юрт...

Эшит болангнинг сўзини,  
Кўрай дўстим юзини,  
Тинчитай Бойсун дўзини,  
Ўзинг қувват бер она-юрт...



Достоннинг тарихий маданий аҳамияти мислсиздир. У халқ ўтмишининг бадиий қомусидир. Тарихнинг эса бадиий қилиб яратилган аксидир. Достон халқимизнинг ўзига хос бадиий тарихидир. Унда халқимизнинг асрлар бўйи қилган орзу умидлари, порлоқ келажак ҳақидаги уй-фикрлари жамланган.

Достондаги шеърий парчаларнинг диққатга сазовор ўрни шундаки, улар ҳар гал барқарор эпик мисралар қўллаш билан бошланади ва улар оғзаки анъана талаблари доирасида баён этилади. Барқарор шеърий мисралар асарга изчил ритмлик (гўё куйга солинган қўшиқдек) бағишладан ташқари уларга юксак образлилик ҳам бахш этган.

Бахши-шоир Қаҳҳор бахши Раҳимовнинг ўзига хос назмий услуби борки, бу ижодкордан катта бир маҳорат талаб этади.

Достончи назмда ҳар тўрт мисранинг икки мисрасини ҳикмат (ёки ҳикмат каби), икки мисрасини қофия билан тузган. Бу гўёки ипга мунчоқларни тизгандек чиройли чиққан.

Масалан:

Султон суягини билсанг хўрламас,  
Меҳнат қилмай шўр пешона терламас,  
Ҳар бир ишни ўйлаб қилгин Ултонтоз  
Отам келса ҳеч бирингни борламас.

Ёки:

Давлат кетса одам шошар йўлидан,  
Фаҳмсизнинг кўп хатоси тилидан,  
Жоним энам айб деманг сўзимни,  
Баён беринг Бойсун-Кўнғирот элидан.

Достонда халқнинг жуда кўп рамзий ибора ва бирик-малари қўлланилган. Улар тингловчининг руҳий ҳолати ва кайфиятига кучли таъсир кўрсатади. Қисқача қилиб айтганда, Қаҳҳор бахши достонда халқнинг нозик маъноли қочирим иборалари, рамзий ифодаларидан унумли ва ўринли фойдаланган. Улар яъни иборалар эса достоннинг ифодалилигини, баёндаги изчилликни, таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

«Бева Барчин» достонидаги назм ва наср муносабатига диққат қилинса, асарда нутқнинг ҳар икки тури ҳам муайян мутаносиблик асосида иштирок этганлигининг гувоҳи бўламиз...

Ўзбек халқ дostonлари кўп асрлик бадий анъаналарига эга бўлиб, бу умумтуркий халқлар эпосидаги бадий анъаналар билан муштарак ҳамда фарқли томонларга эга. Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари эпосида шундай бадий санъатлар учрайдики, улар эпоснинг бадийлиги-гагина эмас, балки унинг кенг оммалашшида ҳар бир восита сифатида хизмат қилди.

Шундай санъатлардан бири сатирадир... Ўзбек халқ дostonларида сажъ куйидаги типик ўринларда қўлланилади. Ўзбек халқ дostonчилиги ўзининг қадимий бадий анъаналари билан ажралиб туради. Бу бадий анъаналари энг аввало типик ўринларда қўлланган сажъ санъати билан изоҳланган. Шундай типик ўринлардан бири дostonлар бошламаси бўлиб, бахши эпик воқелик макони ва замони, дoston қаҳрамони авлодининг шажараси, мансаба мавқеини равон баён этади. Уларнинг тингловчилар ёдида мустаҳкам қолишини таъминлаш учун тингловчилар диққатини айтилмоқчи бўлган дostonга кучлироқ жалб этиш мақсадида сажъ санъатини қўллайди.

...Бу юртда ҳамма нарса муҳайё, эл-юрт тўқ ва фаровон, кўчалар чароғон, улусларда зориқиш йўқ, эртанги куннинг ташвишини қилмас, қориннинг ҳаракатини билмас эдилар. Аслида бу гўзал юртга кўнғиротлардан Бойбўрибой деган бир улуғ шоҳлик қилар, эл-улуснинг дардини билар, душман келса бағрини зеҳни билан тилар, бахшилардан гапни-гапга улар, кўнғирот юртини адолат билан тебратар эди...

Дostonлар прозасида сажъ икки хил бўлиб, бир тури ёзма адабиётдагидек мукамал бўлса, бир тури куртак ҳолатда учрайди. Бундай сажъ ёзма адабиёт нуқтаи назаридан сажъ санъатининг талабларига тўлиқ жавоб бера олмаса ҳам, бироқ оғзаки ижодда муҳим аҳамиятга эга.

Чунки дostonда узундан-узоқ парчалар худди шундай характерда сажъланган бўлиб, улар баёнда равонлик, оҳангдорлироқ юзага келтиради.

Бойбўри шоҳнинг алами зиёда, дўстлари пиёда Алпомишнинг йўлида умид билан кўз тикиб кунлар ўтказиб, тонгни оттириб, қуёшни боттириб, юракларига ўз баҳодирининг сувратини хаёл билан қатириб эрта-кеч йўлга қараб ётар эдилар.

Мана, юқорида келтирилган матнда зиёда, пиёдадан сўнг, кўз тикиб, кун ўтиб оттириб, ботириб, қотириб каби

сўзлари сажьланган. «Бева Барчин» достонида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Достонда сажьдан ташқари яна кўплаб бадий воситаларни учратамиз. Ўшатиш (ташбех), жонлантириш кабилар мавжуд.

«Бева Барчин» достонида кўплаб муболаға мавжуд. Муболағалар достондаги ҳаракатни бўрттириб, кучайтириб ифодалайди. Бу хил тасвирда эса бадий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади. Муболаға достондаги тимсол кечинмаларининг кучайтирилган ифодасидир. Ушбу муболағани ўқиган киши беихтиёр бахши-шоирнинг бадий кашфиёти олдида ҳайратланади, маҳоратига таҳсин айтади.

Қиё боқса тошлар сел бўб Ақадир,  
Ҳавас билан кўкдан куёш боқадир.  
Кечалари ой ҳам келар қизганиб,  
Юлдузлардан маржон олиб тақадир.

Қаранг, бу ерда Барчиной гўзаллигига Қоралочин тилидан таъриф берилмоқда. Гўёки, Барчиной қиё боқса тошлар сув бўлиб оқади. Бу билан бахши-шоир Барчинойнинг нигоҳини кўкларга кўтармоқни истайди. Кўзлари шахло кўз, чарос кўз, қуралай кўз демоқдан чекиниб мана шу сўзни айтади. Бу эса тингловчига ўз таъсир кучини кўрсатади, албатта. Барчинойнинг бир қиё боқишига ҳатто тош ҳам зор. Унинг нигоҳи шунчалар ўтликки, тош ҳам дош беролмас, дейди. Ҳавас билан кўкдан куёш боқади дейилади, иккинчи мисрада куёш аслида чароғонлик, нурлилик, гўзалликни билдиради. Демак, Барчиной шунчалик гўзал эканки, ҳатто куёш ҳам унга ҳавас билан боқаркан. Бу ўринда Барчиной ҳусни таърифида бир муболаға мавжудки, бу асарнинг кўркидир.

Муболағалар тасвирнинг таъсир кучига қараб уч турга бўлинади. Булар таблиғ, игроқ ва ғулув деб аталади.

Таблиғ ақлан ишониш мумкин бўлган ҳаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболағадир. «Бева Барчин» достонидаги куйидаги:

Зилзилада ернинг бағри тилинар,  
Ҳатто тошлар қарс иккига бўлинар,  
Эсли ҳайвон шундай кунда билинар,  
Ёдгор учун биринг келгин галалар,  
Ёдгор эса лаби қотиб «қолалар».

Байтларда муболағанинг таблиғ даражаси мавжуд. Чунки зилзила бўлгач гоҳо ернинг бағри тилинади. Баъзан тошлар ҳам иккига бўлинади. Гоҳида эса ҳар иккиси ҳам бўлмайди ёки биттаси рўй беради. Аммо бироз бўрттириб тасвирланади ва муболағанинг таблиғ даражаси юзага келади.

Муболағанинг иккинчи даражаси игроқда ишониш мумкин бўлса ҳам, ҳаётда юз бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб тасвирланади:

...Зарбангдан тоғлар ҳам қилар доди-дот  
Туш кўрсам жаҳонга бўлар қиёмат.

Ёки Барчинойнинг совчи бўлиб келган Саран момо ва Қаран момоларга берган жавоби мисолида:

... Икковини бир-бирига урганда,  
Қизил қонга ботаётир калласи.  
...Зарба қилиб ҳар тепганда Барчиной,  
Ҳар учалар икки қария вуйилди.

Муболағанинг учинчи даражаси ғулув бўлиб, унда ақл бовар қилмайдиган, ҳаётда юз бермайдиган воқеалар тасвирланади. «Бева Барчин» достонида Ёдгорнинг ўн тўрт ярим ботмон парла ёйни кўтариши тасвирланади. Бахшишоир айтишича:

...Тошлар кетди жорилиб,  
Тоғ арчага қорилиб,  
Неча тўбо неча сой,  
Қолаберди турилиб.

Заранг синди қарсиллаб,  
Арча ёнди чарсиллаб,  
Ҳа деганда Ёдгор,  
Қоя кетди гурсиллаб.

«Бева Барчин» достонининг насрий қисмида ҳам муболаға ғоятда маҳорат билан тасвирланган. Масалан: «Барчинойнинг ғужури қайнаб орияти кўзғалиб юраги ўйнаб момоларга қараб: «Яна совчи бўлиб келасан, бундан беш баттар бўласан. Яна бир марта қайтиб келсанг тайин ўласан» деб икковини маҳкам ушлаб изига сермаб туриб отди. Бирови ўн тўққиз маҳалла нарман ошиб, бировнинг мўрисида тушиб кетди, бўғоз хотин кир жувиб ўтирган экан шунинг қозонига шолаплаб тушди. Буғоз

хотин эсдан оғиб, анча ётди. Момолар булар шу ётишда тонг вақтигача ётди.»

Бу ўриндаги муболагада ҳажвий тимсол кенг қўлланилган.

Шарқ адабиётида кенг тарқалган санъатлардан бири ташбеҳ бўлиб, «ўхшатиш» маъносини ифодалайди. Икки нарса ёки тушунчани улар ўртасидаги ҳақиқий ёки мажозий муносабатларга кўра ўхшатиш санъатидир. Ўхшатиш тасвирланаётган шахс, буюм ёки тушунчани ўқувчи кўз ўнгида аниқроқ, жозибалироқ гавдалантиришга хизмат қилиб, асар тимсоллари маънавий қиёфасини ёрқинроқ очиш, бинобарин, дoston ғоясини тингловчига тўла-роқ етказишга имкон беради.

Дostonларда, бадий асарларда кўпинча, қизларни охуга гулга, баҳорга... ўхшатишади. «Бева Барчин» дostonида Омон чўпон Қалдирғочни баҳорга, лолага, асалга, охуга, моҳга, олмага, анорга, ёкутга, баркутга, какликка, гулга ўхшатади.

...Қизлар асли охудир,  
Ёки олтин моқидир.  
Лаблари қандолатдир,  
Тили эса беҳидир.

Қизлар мисли жайрондир,  
Қиё боқса даврондир,  
Қалдирғоч жамолингга  
Ҳатто ойлар хайрондир.

Бадий асарда юз бераётган ҳодиса, персонажларнинг айрим хусусиятларини ифодалаш учун ишлатиладиган бирикмалар сифатлаш деб юритилади.

«Бева Барчин» дostonида кўплаб сифатлашни кўришимиз мумкин. Сифатлашда қаҳрамонга хос белгилар яққол намоён бўлади. Эпосдаги бир ўринда Қоралочин Ултонтозга Барчиной ҳақида шундай дейди:

Сиздай бекка бир муносиб гул бордир,  
Қоши камон қуралай кўз хумордир.  
Тишлари дур, сочи сумбул, зар зебо,  
Ундай санам фақат бекларга ёрдир.

Бундан ташқари, дoston қаҳрамонларининг номи билан унинг ҳарактерини белгилаш усули. Масалан, Қоралочин — ёмонлик рамзи, Қора — ёмонлик, жон — ях-

шилиқ рамзи, Қоражон — яхшилиқ, Қалдирғоч — даракчи каби.

Бундан ташқари, эпосда халқ мақолларидан кенг кўламда фойдаланилган. Халқ мақоллари сажъланган бўлиб, ғоятда равон ва оҳангдордир. Бу эса дostonни тингловчиларга етказиб беришда катта ёрдам беради, ҳамда халқ мақолларининг таъсири ўша воқеа, ходисани янада ёркинроқ англашга кўмаклашади. Халқ мақоллари таъсирида дostonнинг таъсир кучи орта боради. Халқ мақоллари фикрний ифодалашда таянч ҳисобланади. Бахши-шоир фикрининг далили, асоси бўла олади, мана шундай мақолларни келтирган «Она кум, ота тош», «Сингандан чиққан ёмон», «Итнинг қопганидан отнинг тепгани ёмон» каби-лар фикримизнинг яққол далилидир.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилигини ўрганиш, таҳлил этишга 70-йилларда киришилган бўлса, кейинги йилларда, айниқса, мустақилликдан сўнг тадқиқотлар доираси кенгайди. Ушбу сатрлар истиқлол туфайли ёзиб олинган дoston таҳлилига бағишланган бўлиб, биз ўз тадқиқотимизда илк бор «Алпомиш» туркумини тўлдирувчи «Бева Барчин» («Барчин Бекач») дostonининг ғоявий йўналишларини, образларини ва бадииятини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот жараёнида устоз фольклоршуносларнинг дostonларни таҳлил этиш усулларидан фойдаландик. Иш жараёнида «Бева Барчин» дostonида эпосшунослигимизнинг қадимий анъаналарига риоя қилинганлигини гувоҳи бўлдик. Дoston бош қаҳрамонлар ҳарактер хусусиятини очишда «Алпомиш» эпосини тўлдиради, бироқ, асар тарихий тараққиётининг кейинги босқичларида яратилганлиги давлатчилик сиёсатидан кўриниб туради. Дostonда «Алпомиш» дostonидаги образларга қўшимча Омон, Қоралочин, Холиёр, Мулла Холмат каби персонажлар ҳам учрайдики, улар асар конфликтини кучайтиришга, ҳаётдаги салбий типларни кенгрок очишга хизмат қилади.

Ушбу тадқиқотимиз йирик эпик асар — «Бева Барчин» дostonининг дастлабки ўрганилиши бўлиб, бу соҳада таҳлилни кучайтириш, «Алпомиш» туркум дostonлари орасидаги ўрнини белгилаш, бахшининг бадиий маҳоратини тадқиқ этиш навбатдаги ишлар жумласига ки-ради.

4-фасл

**"АЛПОМИШ"НИНГ УЛУҒ  
КУЙЧИЛАРИ**



## АБДУЛЛА ШОИР НУРАЛИ ЁҒЛИ

*Дўмбирам, сени ўйласам,  
Жушиб-жўшиб куйласам,  
Биргалашиб сен билан,  
Эл-юрт юриб тўйласам.  
Танамга сўзим сиемайди,  
Гоҳ бўшатиб сўйласам.*

Бу мисраларда Қашқадарё-Сурхондарёнинггина эмас, бутун ўзбек халқининг, туркий элларнинг улуғ сўз санъаткорларидан бири Абдулла шоир Нурали ёғлининг эстетик идеалини кўрсата олувчи, ҳаётининг маъноси, яшашининг мақсадини ифодаловчи дил сўзлари мужассам. Зеро, XIX асрнинг сўнгги чораги Фозил шоир Йўлдош ёғли, Пўлкан шоир Жомрод ёғли, Эргаш шоир Жуманбулбул ёғли, Ислом шоир Назар ёғли, Умир шоир Сафар ёғли сингари сўз санъатининг даҳоларини берган экан, улар сафида Абдулла шоир Нурали ёғли (1874-1957)нинг ўз ўрни, ўз овози, ўз сози, ўз усули ва ўз йўли бор. У баракали ва баркамол ижоди ҳамда бой репертуари, бадиҳагўйлик иқтидори, дўмбирани турли мақомларда сайрата олиш маҳорати, овозининг шиддаткорлиги, ёқимлилиги, ширадорлиги билан ажралиб турган. Бу ҳақда Хоразм дostonчилиқ мактабининг улуғ сиймоларидан бири Бола бахши Абдуллаев шундай деганди:

— Мен тўксон ёшлиқ умримда иккита буюк бахшини кўрдим. Биринчиси — Абдулла шоир, иккинчиси — Қодир бахшидир. Абдулла шоир билан Москвага бориб келгунча бирга бўлганман. Айтишганман, кўп нарсани ўрганганман. Катта театрда Абдулла шоирнинг куйлашига уч дақиқа вақт берди. Аммо мухлислар унинг овозига, дўмбирани сайратишига, ҳаракатли айтиш усулига шунчалиқ қизиқиб қолдики, қарсақ устига қарсақ чалишиб, роса ярим соат айттиришди. Мен ўшанда бу шоирга, унинг қўшиқ тўқиш маҳоратига қойил қолганман.

Бу бахшининг бахшига берган баҳоси, иқрори. Эътироф этиш керак. Бахши-шоирлар бир-бирларини жуда камдан-кам тан олишади. Улар асосан ўзини макташни яхши кўради. Бола бахши Абдуллаевнинг юқоридаги фикри эса сидқидилдандир.

Бу Абдулла шоирнинг иштирокига берилган юксак баҳодир. Бу вақтда Фозил шоир, Пўлкан шоир, Ислом каби



шоирлар ҳам ҳаёт эди. Бироқ бахшиларни Москвага жўнатиш декада аъзолари сафига кўшишдан олдин Тошкентда катта танлов ўтказилди. Ўзини тута олиш, соз ва сўз яхлитлигига эришиш, овознинг ширадорлиги, муомила маданиятига кўра Москвага бориш Абдулла шоирга насиб этди. Демак, ўзбек бахшиси овози ва созини халқаро миқёсга олиб чиқиш Абдулла шоирга насиб этди. Бу Абдулла шоирнинг кенг миқёсда танилиши эди.

Унгача...Унгача эса Абдулла шоирнинг 63 йиллик ҳаёт йўли — оғир ўтган болалиги, сағир ўсмирлиги, йўқсил йигитлиги, бахтли оила учун интилган эркаклиги, оталик бахти учун курашган онлари, созда ва сўзда элга танилган умри ортда қолган эди. Уларнинг барчасини, яъни бахши-шоирнинг ижод йўлини ҳикоя қилиш учун юзлаб саҳифаларни тўлдириш лозим бўлади. Лекин биз ҳозирча бу имкониятга эга бўлмаганимиздан айримларинигина ёдга оламиз. Аниқроғи, 1874 йилда заминдаги жаннатнинг бир бўлаги — Китоб туманининг Қайнарбулоқ қишлоғида Нурали подачининг уйида бешинчи фарзанд бўлиб туғилган Абдулланинг, кейинчалик Абдулла шоир бўлиб ном қолдирган куйчимизнинг «Кунларим» достонидаги айрим мисраларига разм соламиз:

Отадан қолдим мен етти ёшимда,  
Минг турли жафолар шўрлик бошимда.  
Ёрбой деган мени олиб сақлади,  
Онам шўр келолмас сира қошимга,  
Онамни соғиниб юрган кунларим.

Отасиз етти ёшли бола бой эшигида туну кун бедор, аммо бир бор нон тўйиб ейиш йўқ. Ҳатто тунда «Бойнинг бешикдаги шодмон қизини» тебратишдан бўшамайди. Зулм шу қадарки, она боласини кўргани келолмас, фарзанд эса чопиб олдига боролмас бағрига киролмас, азиз бошин кўксига қўйолмас эди. Ўзининг ўксик қалбини овутиш учун интилади. Бир бурда нон учун меҳнат қилади, созга ошно бўлади.

Тоғдаги чўпонлар чалар дўмбира,  
Кулфат тоши бошларин қилмиш яра,  
Пайт пойлаб борардим улар ёнига,  
Билар-билмас дўмбира чала-чала,  
Уйга келиб эшитган қўшиқларни  
Айтардим молхона, авлоқларда...

Ўзича уруниш, интилиш, ҳаракат қилиш орқали дўмбира чертишни, термалар айтишни ўрганган Абдулла Нурали ўғли «Дунёнинг ғуссаси, ғамидан бешиб, ўн саккиз ёшидан юриб, эл кезиб, Чироқчи дostonчилик поэтик мактабининг донгдор вакили Ражаб шоирга шоғирд бўлади. Устоздан «Алпомиш», «Гўрўғли», «Хон Далли» «Авазхон», «Гулихиромон», «Кунтуғмиш», «Эрали ва Шерали», «Рустамхон», «Равшанхон» каби ўндан ошиқ дostonларни ўрганади. Уларни Ражаб бахши мансуб Чироқчи услубига хос шўҳ ижро этишигача ўзлаштирди. Шу ўринда устоз Ходи Зариф қўллаган Абдулла шоир Шаҳрисабз дostonчилик мактабига мансуб деган фикр тўғри эмаслигини уқтирамиз. Чунки Шаҳрисабз, Қарши, Термиз ёки Самарқанд сингари шаҳарлар ва шаҳарга яқин жойларда дostonчилик мактаблари бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ.

Дostonчилик, чорвачилик билан шуғулланадиганлар бисёр бўлган. Аммо қаердан зўр, иктидорли бахши чиқса, ўша ерда дostonчилик бор дейиш катта хато ҳисобланади. Абдулла шоир эса Чироқчи поэтик мактабидининг энг талантили, истеъдодли вакили ҳисобланади.

Абдулла шоир ўзбек бахшилари орасида илк бор халқаро миқёсга чиққан ижодкоргина эмас, балки термалари, дostonларидан парчалар илк бор радио тўлқинлари орқали янграган, патефон пластинкаларига кўчган санъаткор ҳамдир. 1938 йилда Абдулла шоирга «Ўзбекистон халқ дostonчиси» унвони берилган ва бир умрлик пенсия тайинланган. Худди шу йили «Дўмбирам», «Дангаса», «Аваз жангга боради», «Бедов от» термалари патефон пластинкаларига ёзилиб, кўп нусхада тарқатилган.

Абдулла шоирнинг жозибали овозида ўтмиш ва ўзи яшаган даврнинг долғали воқеалари, синфий курашнинг тўлқинларидан тортиб, эпос қаҳрамонларининг ақл бовар қилмайдиган паҳлавонликларигача, инсон ҳаёлотининг чексиз-чегарасиз мўъжизаларидан замондошлари рўёбга чиқараётган бунёдкорлик ишларигача ўз аксини топган. Унинг ижодида фикр теранлиги, тасаввурнинг жонлилиги, мулоҳаза-мушоҳадаларнинг кенглиги ва тўлалиги, образларнинг умумлашма кучи ва қудрати реал ҳаётнинг қон томирлари билан пайвандлашиб кетган.

Халқ дostonлари, қўшиқлари ва термаларини дастлаб устозлардан ўрганиб, ўзлаштириб санъаткорона ижро этган

Абдулла шоир бадихагўй ижодкор, улқаң талант соҳиби сифатида ўзи ҳам дostonлар, термалар, кўшиқлар яратган. Ўзи ижод қилган асарларда эзгуликни, диёнатни, садоқатни, меҳр-муҳаббатни, адолатни, аҳлокни, покликни, ориятни, номусни, меҳнатни шарафлаган. Унинг индивидуал ижод маҳсули бўлган «Кунларим», «Али ва Жонгил», «Мардоннинг дўсти» дostonларида, «Унутмаган», «Қайнарбулок тошмаса», «Терим полвони», «Кўчма элим», «Керакми», «Куйларим», «Отангман», «Қайнарни кўрмагунча», «Чўпон кўшиғи», «Накти бор», «Дангаса», «Улуғ Ватан уруши» сингари термаларида давр воқеаларига ҳозиржавоблик, юртсеварлик, ақл-идрокни улуғлаш асосий ўрин эгаллаган ҳолда, халқона ҳикматлар кўплаб учрайди:

Қолибман деб сан ақлингни йитирма,  
Кекқайгanning оёғида чуқур бор.  
Ботир бўлар эл-юртига севган эр,  
Номусли эр манглайдан тўкар тер.

Абдулла шоир сўзнинг сеҳрини, таъсир кучини, инсонни янғидан-янғи марраларни эгаллашдаги таъсир кудратини яхши билади, ҳис қилади ва шу сабабли:

Сўзинг бўлсин маъно берар, завқ берар,  
Ботин юракка ҳам йўл топиб кирар, —

дея мурожаат қилади. Унинг эътиқодича: «Шоир бўлса, жазман этиб сайрасин, уни тинглаганлар қониб яйрасин». Абдулла шоир тинглаганни қониктириб куйлаб дунёнинг пасту баландидан сўйлаб, ҳамиша одамларга эзгулик ўйлаб, разолату ёвузликни орқага тайлаб, бахтиёр шодон кунларга бўйлаб яшади. Ўзбекнинг тини, дилида борини, юракда зорини кўшиққа солиб хурмат-эътибор топди.

Аммо афсус, минг афсус, мустабид тузум унга шафқатсиз зулмини ўтказди. Замона зайли билан иш кўрган фольклоршуносларимиз бу даҳо сўз санъаткоридан на «Алпомиш», ни на «Гўрўғли»ни, на бошқа бирон-бир анъанавий дostonни вақт топиб, бафуржа, тўлиқ ёзиб ололмадилар. Балки уни ҳам замонасозлик руҳи билан суғорилган асарлар ёзишга ундадилар, кучини шунга сарфлатдилар. У айтган дostonлардан ёзиб олинган парчалар эса бу бахши иқтидори, салоҳияти, талантини баҳолашга тўла имкон бермайди. Абдулла шоир билган

достонларнинг унгагина хос варианты ўзи билан абадият қаърига сингиб қолди. Абдулла бахшининг улкан денгиздек ижодидан Ходи Зариф, Музайяна Алавия, Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаххоров, Шарофжон Орифий сингари фольклоршунослар ва зиёлилар олиб қолган қатралар учун, озгина адабий мерос учун шукрона қиламиз. Аммо хануз шулар ҳам бир жойга тўпланган, яхлит таҳлил қилинган, Абдулла шоир иқтидори, ўзбек фольклорига қўшган муносиб ҳиссаси баҳоланган эмас.

Абдулла бахшининг ўзбек бахшиларига, достончиларига таъсири нақадар кучли бўлганини давримизнинг яна бир буюк, тенгсиз сўз ва соз санъаткори Қодир бахшининг 1986 йили Қайнарбулоқда, Қайнарбулоққа термулиб, бахшининг қабрига нигоҳ ташлаб яратган қуйидаги термасидан англаш қийин эмас:

### ҚАЙНАРБУЛОҚ БУЛБУЛИ

Қайнарбулоқ қаршисида,  
Ўйга толиб тураман.  
Дўмбирамнинг торин чертиб,  
Куйга солиб тураман.

Қайнарбулоқ қайнай кетди,  
Куй, навога қўшилиб.  
Сўзи сувдай оқар эди,  
Қиз сочидай эшилиб.

Деди:

— Мен ҳам Қайнарбулоқ,  
Абдуллача бўлмадим.  
Файрат қилдим кеча-кундуз,  
Нариги сойни кўрмадим.

Абдулла-чи сувлат ошиб,  
Булбул бўлиб сайради.  
Бир биёбон чўлга борса,  
Булоқ бўлиб қайнади.

Дўмбиранинг қўша тори,  
Бир Жайхун эди-ей.  
Ўзи савр жаласидай  
Тошган Сайхун эди-ей.

Қора тоғ ҳам қаршисида,  
Бошин эгиб турарди.  
Булутлар ҳам пастга чўкиб,  
Кўл ёш тўкиб турарди.

Гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдириб,  
Кексани ёш қилди-ей.  
Йўқ нарсани бор қиларди,  
Тошдан ҳам ош қилди-ей.

Яхши ният мард йигитнинг,  
Маёқ бўлди йўлида.  
Порахўрнинг, чайқовчининг,  
Қиёқ бўлди қўлида.

Дангасага дoston айтиб,  
Мард қилганин кўрганман.  
Эшагини мақтай-мақтай.  
От қилганин кўрганман.

Москвага бориб келди,  
Дўмбирасин эш қилиб,  
Қайтиб келди Алпомишга,  
Муромецни дўст қилиб.

Мангуликка кетди ўзи,  
Мангу қолди кўшиғи.  
Бу кун руҳи кулиб турар,  
Дўстга очик эшиғи.

Абдулладан улгу олган,  
Қанча Қайнарбулоқ бор.  
Кўшиқ айтиб дўстлик деймиз,  
Хурлик деган тилак бор.

Қайнарбулоқ қаршисидан,  
Қодир ўйга толарман.  
Элим бахту иқболини,  
Куй-кўшиққа соларман.

Бу Абдулла шоирга на фақат инсон, она табиатнинг,  
унинг бир бўлаги, неча юз йиллардан буён бедор булоқ-  
нинг баҳоси, балки бахши умри абадийлигига гувоҳли-  
гидир.

— Абдулла шоирдан, — деб эслайди ҚаршиДУ университети ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси Норбўта Эргашев, — дoston ва термаларни ёзиб олишда Тошкентдан келган фольклоршуносларга ўқитувчимиз Самад Ҳайдаров доимо ҳамроҳлик қиларкан, у кишининг хотирлашича, Музайяна Алавия, Зубайда Хусайнова Абдулла шоирдан «Алпомиш» дostonини ўн етти-та дафтарга ёзиб олишган экан. Улар беш кун давомида ёзиб олганларини Абдулла шоирга ўқиб беришган ҳам.

Дарвоқе, устоз Ҳоди Зариф ҳам ўз тадқиқотларида Абдулла шоир «Алпомиш»ни ўзгача тарзда куйлаганини эътироф этган. Аммо профессор Т. Мирзаев Абдулла шоирдан ёзиб олинган вариант бахшининг хасталиги сабабли яхши чиқмаганини таъкидлайди. Кейин эса Абдулла шоирдан «Алпомиш» дostonи қайта ёзиб олинмаган. Аммо, бизнингча, ёзиб олинган вариантларни чоп этиш мумкин бўлса, бахши иқтидорига янада мукамалроқ баҳо берилган бўларди.

## УМИР БАХШИ — ИККИ ВОҲА БУЛБУЛИ

Қашқа-Сурхон элида донг таратган,  
Қанча терма дostonларни яратган,  
Дўмбирани булбул мисол сайратган,  
Даврасида халқнинг кўнглин яйратган,  
Умир шоир отам, менинг, устозим.

Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг яшовчанлигида, бизгача суяк суриб етиб келишида Умир шоир Сафаровнинг алоҳида ўрни, хизмати бөр. У эллик йилдан ортиқ муддат мобайнида Қашқадарёю Сурхондарёда бирдай ардоқланиб, халқнинг кувончу шодликларини, ғаму аламларини, орзу-умидларини, кўшиқлар, термалару дostonларга жам қилиб куйлади.

Унинг отаси Сафар бахши ҳам полвон, ҳам чавандоз эди. Элда ор учун курашган, ор учун талашган ва бир сабаб билан Дехқонободнинг Қарашина қишлоғидан Шерободнинг Ғамбир қишлоғига бориб яшаб қолади. Умир Шерободда туғилади. Отаси Умир тўрт ёшга тўлганда вафот этади ва оила амакиси Бойназар юзбоши қарамоғида қолади. Шўхшан болалик унинг онг-шуурида, ғам-алам, йўқсизлик бўлиб муҳрланди.

Сағирликда кийдим мен тилаб жанда,  
Ҳеч мехрибон бўлмади менга у кунда,  
Бахтимга онам бор экан зўр зинда,  
Сарсонликда кезиб юрган кунларим.

Ўн бешимда Султонбой кўп ҳоритди,  
Зулм билан илик-ёғим қуритди,  
Коса зардоб билан уч кун юритди,  
Етимликда хуноб бўлган кунларим.

Бошқа бир термасида шоир: «Аввал эдим гул етим, сўнгра бўлдим шўр етим» — дейдики, бу билан ўн икки ёшда онадан ҳам ажралади. Энди ўзи ва укаларини боқиши катта рўзғорли Бойназар бахшига ҳам оғирлик қилиб қолади ва ўн икки ёшли ўсмир бойлар эшигида хизматга ёлланади. Умирнинг шоир бўлишида ўз даврининг етук дostonчиси Бойназар бахши уйидаги адабий-ижодий муҳит самарали таъсир қилади. У Умирга созни чертишни, термаларни айтишни ўргата бошлайди. Элда бир куйган шоир бўлади, бир суйган, деган гап бор. Ҳар ҳолда ёш Умирни отасизлик, онадан жудолик алами, иқтисодий танглик, кишилар эшигидаги сарсон-саргардонлик шоир қилгани рост ва яна аслида ҳам, наслида ҳам сўзга чечанлик, созга ўчлик бор эди. Акасининг ўғлидаги иқтидорни сезган Бойназар бахши уни даврининг тенгсиз бахшиси Шерназар Бердиназар ўғлига шогирдликка беради. Ўзига хос шогирд тайёрлаш услубига эга бўлган Шерназар (Шерна) мактабида Умир тез кўзга ташланади. У устоз репертуарини ўрганишда ўз одоби, куймақулоқлиги, бадиҳағўйлиги билан алоҳида эътибор қозонади ва юқорида эслатилганидек, устознинг башоратли дуосини олиб ўн етти ёшдан мустақил бахши сифатида давраларга киради, дўмбира сирдошига айланди:

Суйла, дўмбира, йўл билан,  
Танглайда қизил тил билан,  
Ўттиз икки нағманг бор,  
Қоқсам беш парда қўл билан.

Дўмбиранинг йўл билан сўзлаши, қадимий анъаналарга риоя қилишини англатади. Шу йўлни, усулларни яхши билгандагина танглайдаги қизил тил маъноли сўйлайди.

Соз ўқсиб-ўқсиб суйлаганда, ўқсиган эгаси дардини тилга чиқаради, дард тилга чиқдими, демак, инсон енгиллашади, рухи тетиклашади:

Дўмбирам ўзи қув ёғоч,  
Бўйнида тори бир қулоч,  
Ўқсиб-ўқсиб сўйлаган,  
Ўқсиган эганг кўнглин оч.

Умир шоир дўмбирани маҳорат билан сайрата олгану бошқа бахшилардай дўмбира сайламаган, у соз бахши овозини очмайди, бахшининг маҳорати ҳар қандай созни сайрата олади деб англаган. Шу боисдан Умир бахши қаерга борса, ўша ердаги дўмбира ёки дугорни олиб чертиб кетаверган. Шу ўринда сўзни Умир шоирнинг буюк шогирди Қодир бахшидан эшитайлик:

— Давраларда сўз айтиш, терма тўкиш тажрибамдан шу нарса аёнки, шоирнинг иккита мулки бор: бири — сўз, иккинчиси — унинг сози, дўмбираси. Дўмбира торларини шоир чертади, тор толаларидан куй оқади, куй шоирни даврага тайёрлайди, сўз айтишга чорлайди. Куй оғушига чўмган шоир сўз уммонида сайрга чиқади, қаҳрамонлари билан ҳаракат қилади. Куй энди шоирни ҳам, унинг сўзини ҳам бошқаради. Куй шоирга илҳом бахш этади, овозига овоз, парвозига парвоз қўшади. Дўмбира чертишни Умир шоирдан, тоғам Ражаб бахшидан ўрганганман. Куйда ҳам, овозда ҳам, сўзда ҳам Умир шоир менинг устозим. Умир шоир дўмбира чертишда анча билагон, уста чертагон, нозик таъб куйчи эди. Унинг қўлида дўмбира минг бир мақомга йўрғалар, гоҳ шўҳ, ўйноқи, гоҳ янгроқ, гоҳ ҳазин куй таратарди. У куйлаганда дўмбира торлари сўзга етакчи бўлиб, шоирнинг ўзини ҳам, овозини ҳам, сўзини ҳам бошқарарди. Оҳанглар оғушига чўмган, унинг завқи билан маст бўлган шоирнинг жўшганини кўрганнимда қалбим туғён уриб, кўшилиб куйлагим келарди.

Умир шоир «Охува» куйини чертганда шўҳ қизларнинг, ёш-ялангларнинг сой бўйида, сўлим дарахтлар кучоғида арғумчоқ учаётгани, қувлашиб ўйнаётгани кўз ўнгингизда намоён бўларди. «Иззатой» куйини чалганда ҳам таҳқирланган қиз, эрки топталган жувон, дам эркаклардан тап тортмайдиган жасур хотин, дам даврага чиқиб эл обрўси учун курашаётган шижоатли аёл гавдаланарди. «Иқболой»,



«Ўғилой» куйларини ижро этганда эса дўмбира торларидан сизиб чиқаётган нолаю фифон, шодлик садолари киши қалбида ўчмас из қолдиради.

Куй Умир шоир ижодида бошловчи, етакловчи қалит эди. Шу қалит билан у тингловчилар қалбига кириб борарди. Шунинг учун ҳам қалбининг зарблари унинг асарларида садо бериб турибди.

Умир бахши дўмбира торларидан сизиб чиқаётган оҳангга сўз топа олган, сўзни минг мақомда айтишга қудрати, ҳофизаси етган санъаткор. У энг кўп ва хўп анъанавий термаларни бизгача етказган, дилдан аламини кетказган, қўшиқ куйлаб оғир ишни битказган ижодкор. Унинг асарларида ҳаётини ҳодисалар, воқеалар ҳикмат, ўғит даражасида онга сингиб боради:

Шўртанг ердан сув чиқади,  
Бир газ пасайтиб қазган сўнг.  
Югурик от деб шуни айтинг,  
Кўпкарида пойгадан ўзган сўнг.  
Мерган деб шуни айтинг,  
Нишондан ўқни ўзган сўнг,  
Бебадорлик кун шу кундир  
Оға-ини уришиб тўзган сўнг.  
Номард деб шуни айтинг,  
Ота-онани ташлаб безган сўнг.  
Бу дунёдан маҳрум бўлдинг,  
Хешинг гўрингни қазган сўнг.

Бахши дostonни «Алпомиш» ё «Гўрўғли»ни, «Кунтуғмиш» ё «Рустам»ни; «Аваз» ёхуд «Нурхон»ни куйлашдан аввал, албатта, терма айтиб, ўша термада ҳаётини ҳикматни сўзлаб, мухлислар эътиборини ўзига жалб этарди:

Зар қадрини заргар билмас,  
Қайнаб-қайнаб тошмагунча,  
Ёр қадрини номард билмас,  
Бир ёмонга қўшмагунча,  
Ини қадрин ука билмас.  
Якка қолиб тошмагунча,  
От қадрини йигит билмас,  
Пиёда тоғ ошмагунча,  
Мард қадрини номард билмас,  
Бошга мушкул тушмагунча...

Болаликдан азоб, машаққат, меҳнат, жабр-зулмни кўрган бахши улғайгач, инсон бахт билан яшаши зарурлигини, бунинг учун курашиш, иродали бўлиш кераклигини қайта-қайта уқтиради. Биз-ку, инсон ҳатто:

Йўлда ётган полвон тошлар...  
Одам тугул учган қушлар  
Ўлмаган жондор қолмади...

Шунинг учун «ўлмасдан олдин сур даврон». Бахшининг:

Қўлингда бўлса давлатинг,  
Кетмасдан аввал сур даврон.  
Бу дунёда умринг ўтар —  
Ўтмасдан туриб сур даврон.  
Қора товдай қовматинг,  
Ботмасдан аввал сур даврон —

сатрларини ўқиб, беихтиёр буюк алломаю улуғ шоир ҳазрати Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonидаги қуйидаги сўзлар ёдга келади: «Бу дам бир лаҳзалик бўлиб, шу хушвақтлик қўл келган пайтда, шодлик қадахидан ўзингни маст айлагин... Умринг тарихи, яъни қанча яшашинг ноаниқ бўлгач, ҳозирги улфатларинг ҳамдам-ҳамнафаслигини ғанимат бил... Сен кетиб бу одамлар қолади, деб ўйлама, ҳаммалари ҳам у дунёга боришга мажбурдир. Бу одамларнинг ҳаммаси ғанимат, сизнинг ҳаммангиз бир-бирингизга ғанимат... Ҳаётда муродингизга ўйин-кулги билан етинг, йигитлик айёмларини хушчақчақлик билан ўтказинг... Шунини ошқору ниҳон билингким, бу жаҳон ҳам емакка арзимади. Ҳаётга бир лаҳза ишонч бўлмагандан кейин бадандаги жонга ишониб бўладими?... Ўтган ва эртаги келадиган кундан дам урманг, ахир ўтган кун ўтди-кетди, эртаги кун эса ҳали йўқ. Бугун бор эканмиз, нимаики бор-йўғимиз бўлса, ҳаммаси икки йўқлик ўртасидадир... Кечгача эмас, кишининг ҳаёти битта нафас билан ўлчанади, охири нафасини ололмаса, тамом. Шу қисқагина умрни ҳам ғам билан ўтказган одамдан ақлдан асар ҳам йўқ деса бўлади... Фалакнинг иши бевафолик бўлиб, бу оқибатда жудоликка олиб боради... Бу дунёни ташлаб кетишинг турган гап, аммо нима учун ўзингга ситам қилиб, бу сафарни тезлатасан? Бу фалакнинг қўлидан келадиган иш шуки, бу

қандай ободликни кўрса, тезда хароб қилади... Тоққа ўхшаб оёғингни этагингга ўраб ўтириб бир неча кун шу вайрона дунёда роҳат қилсанг, шундан яхшиси йўқ» (А. Навоий «Садди Искандарий», Т-1991, 760—761-бетлар). Гарчи Умир шоир ҳарф танимаган, ўқимаган, ёзмаган бўлсада, у куйлаган термадаги фалсафий фикр билан ҳазрат Алишер Навоий асаридаги фикр, дидактик мазмун ҳамонҳангдир. Чунки ҳар иккаласи халқ вакили, халқдан озиқланган, халқ дардини куйлайдиган ижодкор эди.

Инсон ҳаёт йўлида ҳар доим эзгулик сари интилади, умид билан яшайди. У ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳдан умидвор бўлиб, ундан сўраб, унга интилиб яшайди. У табиат ҳодисалари, коинот сирлари орасида ўзига бахтли, саодатли, омадли бир умр истайди, истакларини яратгандан тилайди:

Баланд тоғлар тўнқарилиб,  
Қор устига қор деб тилар,  
Тиралган барно бўй қизлар,  
Бир муносиб ёр деб тилар.

Адолати йўқ подшолар,  
Ҳазинага зар деб тилар,  
Якка бўб учган турналар,  
Кўшилмоққа хил деб тилар.

Йигирма бешдаги келинлар,  
Ўнг тиззага ул деб тилар,  
Саҳар сайраган булбуллар,  
Бир қўнмоққа гул деб тилар.

Осмонда учган ўрдақлар,  
Кеча-кундуз кўл деб тилар,  
Адолатга минган подшо,  
Яхши замон эн деб тилар.

Думидан айрилган бедовлар,  
Абрашин бир ёл деб тилар,  
Финғиллаб учган зомбирлар,  
Бол устига бол деб тилар.

Эллиқдан ошган кампирлар,  
Олтмиш ёшли чол деб тилар,  
Фирқиллаб учган сўналар,  
Бир сузмоққа кўл деб тилар.

Арикда юрган мироблар,  
Доим-доим сел деб тилар,  
Чўлда юрган чорва моллар,  
Исмалоқли чўл деб тилар.

Умир бахши мазмунан бой термалар айтишда зўр бўлган, дoston куйлашда пир бўлган, жуда бардам, бакуват елкалари қир бўлган, йигирма-йигирма икки ёшдан сўнг яна яшаш жойи Дехқонобод туманидаги Етимқудук деган жой бўлган. Алвон-алвон сўйлаган, яхшилиқни ўйлаган, ҳар даврада дўмбирасини сайратиб, кўнгилларни яйратиб, элга терма-doston тайлаган. «Алпомиш», «Гўрўгли», «Таркибадахшон», «Зандигар», «Олтин қабок», «Ойпарча», «Ширин-Шакар», «Малла савдогар», «Ёзи билан Зебо», «Болхувон», «Келиной», «Оҳ-воҳ», «Сув париси», «Боғдод», «Авазхон», «Нурали», «Равшан», «Гулнор», «Мойгулистон», сингари қирқ dostonни қирқ мақомда куйлаган. Айниқса, у «Алпомиш»ни «Ойпарча»ни кўп айтган, бошқалардан хўп айтган. Қашқадарё-Сурхондарёда тўйлар, байрамлар, сайллар Умир бобосиз ўтмаган.

...Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида «Алпомиш»ни етти кеча-кундуз ижро этибди. Олти кеча ухламаган Умир шоир еттинчи кеча тун яримдан ошганда қўлда дўмбираси билан мукка тушибди-ю, ўтирган жойида ухлаб қолибди. Шу ухлашда икки кеча-кундуз ухлаган экан. Тўй эгаси: «Эҳ Умирни қийнаб қўйибман-ку», деган экан афсусланиб. Биз юқорида Умир шоирдан ёзиб олинган «Алпомиш» dostonининг варианты ҳақида профессор Т.Мирзаевнинг фикрларини келтирган эдик. Ўша вариантни, шунингдек, унинг «Қорақум», «Дастагул», dostonларини, термаларидан бир қисмини фольклоршунос О.Собиров ёзиб олган ва нашр эттирган. Шунингдек, «Умир шоир Сафаров» номли рисола ёзган. Умир бахши асарларининг бир қисмини фольклоршунослар Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаҳҳоров, Музайяна Алавия, Зубайда Ҳусайновалар ҳам ёзиб олган.

Шоирнинг шухрати шунчалик катта бўлганки, Дехқонобод туманидаги қишлоқларнинг ҳар бир хонадонида яшовчи киши дўмбира ясаптириб қўйган ва у Умир бахши келганда doston айтиш учун хизмат қилган. Шу сабабли ҳам у кўп пайт дўмбира олиб юрмаган, олиб юрган созини ҳам ташлаб кетаверган.

— Мен, — деб эслаганди Умир бахшининг шогирди Қодир бахши Рахимов, — етти ёшларда эдим. Қишлоғимизда тўй бўлди. Биз ҳали барча болалар ўйин-кулги билан машғул эдик. Шунда одамлар: «Бахши келди, бахши келди», — деб қолишди ва уйдан гилам поёндоз чиқаришди. Қорабайир отдан қора соқолли, чакноқ кўзли, чиройли юзли, қорин қўйган этдор одам тушиб, хуржиндан дўмбирасини олиши билан одамлар оёғи остига поёндоз тўшаб, уйгача оёғини қуруқ ерга бостирмай, олиб кирди. Бахшининг атрофдагилар саломлашиб, кўришиб сўрашишига ҳам қўйишмади, поёндоз тўшашга қаршиликка ҳам қарашмади. Шу ердаёқ, мурғак бола бўлсам-да, бунчалик иззат-хурмат боиси нима, катта бўлсам мен ҳам шундай эътиборли бўлармиканман, деган ўй бутун вужудимни қамраб олди. Бир зумда қалбимга ичкаридан таралаётган дўмбира оҳанглари кира бошлади. Аммо биз болаларни ўтовга киритмаганлари сабабли эшик (ташқари)дан қулоқ солардик. Ёшу қари, эркагу аёл шунчалик кўпайиб кетдики, ўтовнинг чийларини олиб ташлашга тўғри келди. Бахши куйлар, куйлай-куйлай олдинга силжиб борарди. Нима айтаётгани ёдимда йўғ-у, аммо дўмбира садолари, гоҳ гулдуросли, гоҳ ҳазин овоз биз гўдақларнинг ҳам кўзига уйку эндирмади. Тонг пайти дoston тугаганда уйку голиб келиб, уйга етмай, яқиндаги хандак (лой учун тупроғи олинган чуқурча)да ухлаб қолибман. Энам топиб олиб ичкарига киритиб ётқизиб қўйибди. Уйқудан уйғонсам, бошимда чиройли тўфак тақилган дўмбира турибди. Сўраб билсам, кечаги бахши, донгдор дostonчи Умир шоир Сафаров тонгда бизникида қўноқ бўлган ва сози қолиб кетган экан. Турдим-у, уни чала бошладим».

Қодир бахши эслаганидек, Умир бахшининг ўзи алпқомат, этдор одам бўлган. Дўмбира чертавериб тирноқлари ейилиб кетган бахши, дoston айтишга киришишдан олдин, бир коса қуйруқ мойни эритиб ичган ва айтиш, узоқ айтиш жараёнида шаробдан ҳам олиб турган. Ёши етмишдан ошганда уйига Тожикистон академиясидан фольклоршунослар келибди. Чой-нон қўйилиб, гўшт келтирилиб, меҳмонлар олдига бир-икки шиша ҳам чиқарилибди. Улар овқатланишар экан, оппоқ соқолли, баҳайбат бахшига шароб узатишдан ийманиб: «Шоир бобо Сизни шаробдан косада олиб туришарди, деб айтишди, шу гап

ростми?» — дейди. Бахши ўзини эшитмаганга солиб индамай, «Олинг, меҳмон», — деб ўтираверибди. Шунда тандирда иссиқ нон пишиб, тўртгасини дастурхонга келтиргач, бахши ўзининг тол товоғини чақиртирибди. Товоққа бир нонни тўғраб, устидан шаробдан куйибди-да, обдан ивитибди. Меҳмонлар ҳайратдан қотиб қолишган: «Чол нима қилаётир?» Бахши эса роса ивиган нонни олиб еяр экан: «Болам, янги шароб ичаркансиз, деб сўрадингизми? Йўқ, ичмайман, кексаликда тишлар тушиб қолган, бори ҳам қаттиқроқ нонга ўтмайди. Шу сабабли нонни кўрганингиздай ивитибгина еб ўтираман. Ароқни сизлар ичасизлар кичик-кичик пиёлага солиб», — деб айтган экан. Меҳмонлар долу ҳайрон бир чолга, бир ўзларининг аҳволига қараб, турганларида Умир шоир созни қўлга олиб, ҳар нағмага солиб «Алпомиш»дан бошлабди:

Қора кўздан қонли ёшинг эшилиб,  
Қайда бўлсанг элдан чиқма чешилиб,  
Не учун йиғлайсан бағринг тешилиб?!  
Хазон урмай боғда гуллар сўлама,  
Ака-уканинг бу уруши бўлама,  
Элдан чиқиб кетма буйтиб бўлиниб,  
Қайда бўлсанг эл билан юр илиниб,  
Агар кўчиб кетсанг бошқа жойларга,  
Эл қадри қолмасин-да, билиниб.

Бу қабила оқсоқолининг Бойсарига қилаётган ўгити. Фозил шоирдагидек закот эмас, хотинларнинг ўзаро жанжалидан сўнг ўзга жойга қалмоқ юртига кетишни ихтиёр айлаган Бойсарига маслаҳати. Умир бахшига хос хусусият у айтган асарларда донишмандлик сабоқлари, пандномаларнинг кучлилиги. Шарқда ака-уканинг урушиши, қариндошларнинг жанжаллашуви гуноҳ. Бир кун уруш чиққан хонадондан қирқ кун фэйз кетади, барака кўтарилади, дейилиши бежиз эмас. Оқсоқол кўпни кўрган, шу боис мусофирлик оғирлигини бир кун туғилган юртнинг, туғишган элнинг, қариндош уруғнинг қадри мусофирга билинишини башорат қилади. «Элнинг қадри қолмасин-да, билиниб». Қалмоқ юртига келган, аканинг гапини нотўғри тушуниб хато қилган Бойсари бошига ташвиш тушади. Ушанда эл қадри билинади.

Ахмоқ бўлиб чиқибмиз элдан,  
Адашдим юрган йўлдан, —

деб пушаймон бўлган эпик қаҳрамон бошига тушган балоларни, қайғу-ғамларни таърифлаб, ўзининг хулосасини баён қилади: «Йўлдан чиқсанг чик, элдан чиқма... Ҳар ким элида, ўрдак кўлида». Юрт соғинчи, элдан жудолик инсон руҳиятига нақадар таъсир этиши Бойсари образи орқали асар давомида қизил ипдек ажралиб туради:

Кексарипти энди ёшим,  
Садақа бўлай қариндошим,  
Кулоқ солгин тенги-тўшим,  
Чаппа айлангандай бошим,  
Бойсарига берсин ўлим.  
Шунқор тепиб синди белим,  
Сарғайгандир нурли юзим,  
Энди ўйилсин-да, кўзим,  
Элдан айрилиб ўзим,  
Бойсарига ўлим лозим.

«Алпомиш» достонида Умир бахши маҳорати образларни ўзига хос талқин этишда, ғоявий мақсадни юксак ифодалашда, қадимий асосларнинг сақланишида, бадиий тасвирий воситалар ва усулларда фойдаланишда яққол кўринади. Барчиной садоқати, муҳаббати, Алпомишнинг мардлиги бутун воқеалар давомида дostonга зеб беради. Барчиннинг:

Қайнаға, кўйинг хушима,  
Бундай келманг-да қошима,  
От айлантирманг бошима,  
Гўнг қарға келиб кўнама,  
Қарчиғай кўнган тўшима... —

деб айтган сўзларидаги сўнгги уч мисра ўзининг фавқулодда мазмундорлиги, образлилиги билан кишини ҳайратлантиради. От айлантириш ёмон. Чунки ёш йигит ўлса, унинг отини айланиб, айлантириб йиғлашган, садр тушишган — Барчин шу руҳиятда. Унинг оппоқ тўшига қарчиғай кўнган (Қодир бахшида лочиң), у қарчиғайнинг жойи. Қарчиғай эса чўққига, юксакликка кўнади. Барчин номуси, хуши йўк, яъни Ултонтозга тегмоқчи эмас. Умир бахши куйлаган «Алпомиш»ни тўлиқ таҳлил қилиш, унинг умумўзбек «Алпомиш»ига хос ва куйловчи маҳоратига мансуб жиҳатларини чуқурроқ таҳлил этиш сўнгги ишлар силсиласига кириб, у ўз тадқиқотчисини кутиб турибди...

Умир шоирдан ёзиб олинган «Ойпарча», «Болхувон», «Дастагул», «Қорақум» дostonлари, «Келиной»дан парча чоп этилган. Бироқ бахши билан бирон фольклоршунос ёки зиёлининг доимий алоқада бўлмаслиги, тадқиқотчи вақтининг чекланганлиги унинг репертуаридаги дostonларни ҳам тўла, мукамал ёзиб олишга имкон бермаган.

Умир шоир ниҳоятда чечанлиги, ҳозиржавоблиги, овозининг ширадорлиги билан катта шуҳрат қозонган.

Умир шоир Оқиртма деган қишлоқда дoston куйларкан, ташқарида маст-аласт кишиларнинг овози эшитилибди. Шунда бахши:

Қишлоғинг номи Оқиртма,  
Мастларингни бақиртма,  
Мастларингни бақиртсанг,  
Мени тўйга чақиртма, —

деб куйлаганда даврадаги оқсоқол ташқари чиқиб тартибсизлик қилаётганларни уй-уйига жўнаттириб ичкари кирган экан.

Шоир ҳаёти, ижодига боғлиқ бундай мисоллар кўп. Барчасида элнинг ўз куйчисига ҳурмати, эъзози, эътиқоди, муҳаббати мужассам. Аммо бу машҳур дostonчини ҳам замонасозлик қилишга, сиёсий мавзуларда асарлар яратишга мажбур этишган. «Дастагул» ва «Қорақум» ана шундай асарлар сирасига киради. Бу асарлар дoston тарзида эътироф этилган ва сунъий тарзда юқори баҳоланган.

Ҳақиқатда эса мавжуд факт, яъни «Қорақум» ва «Даस्ताгул» дostonларининг чоп этилган нусхаси дoston жанри талабларига ҳам, тарихий кўшиқ деб аташга ҳам ҳуқуқ бермайди, балки икки жанр ўртасидаги оралиқ шакл эканлигини кўрсатади. Ҳўш, унда ХХ асрнинг иқтидорли, донг таратган, забардаст бахшиларидан бўлган Умир Сафар ўғли ёки Холиёр Абдукарим ўғли «Қорақум», «Даस्ताгул», «Амир қочди» ни нега дoston деб куйлашган?

1. Янги тарихий дostonларнинг юзага келиши бахшиларнинг хошиш иродаси билангина бўлмаган, балки бир қур зиёлиларнинг илтимослари, уқтиришлари туфайли яратилган.

2. Бадиҳағўйлик қобилиятига эга бўлган бахшилар, бизнинг назаримизда, фольклорга доир жанрларни, назарий фарқламасалар-да, амалий жиҳатдан терма, кўшиқ ёки



достонни ижро этаётганини чуқур идрок этишган. Зеро, Жанубий Ўзбекистонда тингловчи ҳам достонни анъана бўйича ижро эта олмаганларни бахши демайди, балки термачи, кўшиқчи ёки терма айтди, кўшиқ куйлади, дейди-кўяди. Шундай экан, Умир шоир ёхуд Холиёр Абдукарим ўзлари ижро этаётган матнни, воқеани достон деб баҳолаган эканлар, бунга ишонмоқ керак.

3. Ёзиб олувчилар бахши достон деб атаганда ва мазкур асарларни ёзиб олиш жараёнида айтувчи (бахши) руҳиятини, вазиятни, вақти бор ёки йўқлигини ҳисобга олмаган, балки ўзининг руҳияти, вақти, имконига асосланган. Натижада, бахши «вазиятдан қутулиш», меҳмон ёзиб олувчи хоҳишини бажариш учун ижро этган. Бахши руҳияти ва вақтни ҳисобга олмаслик эса ҳамиша катта хатоликларга олиб келади.

4. Ёзиб олувчилар айтилганларни эътибор билан қозғатма туширмаган, айрим ўринларни замоннинг сиёсатига кўра қисқартирган, тушиб қолдирган. Бизнинг бу фикрга келишимизга сабаб, замонавий достонларнинг наср қисмига асарга изоҳларнинг кириб қолгани, архивга топширилган нусханинг ишончли эмаслиги ва шу достонларни яратувчи бахшидан тинглаб, эшитиб қолган кишиларнинг хотиралари чоп этилган матндан кескин фарқ қилишадир. Ушбу достонларнинг қўлёзма асосида нашр этилган нусхалари асл нусхадан узоқлашганини яна бир неча далиллар билан исботлаш мумкин. Жумладан, 1992 йили Дехқонobod туманининг 1 Май қишлоғида яшовчи отахонлардан бири Умир бахши Сафаров даврасида кўп бор бўлган Улаш Тоғаев суҳбатда «Қорақум» достонидан Сайдалбек ўлимига онаси айтган марсия (йиғи-йўқлов)ни ёд айтиб, нега шу ўринлар достонда акс этмаганини сўрайди. Ёки Умир бахшининг фарзанд-шогирдлари, бадихагўй бахшилар Қора ва Чори Умировлар: «Отам «Қорақум»ни ҳам, «Дастагул»ни ҳам бундай қисқа айтмас эди. Кўпгина воқеаларни ташлаб кетган», — деб эслайдилар. Шунингдек, Умир бахши Сафаров айтган илк достон «Ойпарча» чоп этилганда, хаста бахши достонни ўғли Қорага ўқиттириб, эшитди-да, йиғлаб юборибди. Фарзандлар отамиз китоб чиққанидан хурсанд бўлиб йиғлаётгандир-да деб ўйласа, Умир бахши: «Бу мен айтган достон эмас-ку? Нега кўп жойлари тушиб қолган? — деб йиғлаётган экан.

Айтилганлардан кўринадики, дostonни ёзиб олувчилар ёзиб олиш ва нашрга тайёрлаш жараёнида замонасозлик қилишган, асл матнни сақламаганлар. «Қорақум»дан биргина Сайдалибек ўлимида онаси айтган йиғи-йўқловни тушиб қолиши ёхуд «Ойпарча»нинг талай қисқартиришларга учрагани сир эмас. Зеро, даврнинг, сиёсий мафкуранинг талаби тазйиқи билан халқ анъанавий дostonларидаги эпик ҳомийлар — Ҳизр, қирқ чилтон, азиз-авлиёлар, пирлар, пайғамбар, чориёрлар билан боғлиқ ўринларни тушириб қолдириш оғир йўқотишларга олиб келгани аниқ. Ҳатто ханузгача жаҳон қаҳрамонлик эпосининг юксак намунаси «Алпомиш» дostonининг бахши ижро этган каби мукамал матнда қисқартиришсиз чоп эта олмаганимиз ачинарли ҳолдир. Шундай экан, «Қорақум», «Дастагул» асарларининг дoston ва тарихий кўшиқ жанрлари ўртасида оралиқ шаклда қолишига ижтимоий муҳит ҳам айбдордир.

«Қорақум», «Дастагул», «Амир қочди» дostonлари босмачилик ҳаракати деб аталган, бугунги кунда ҳақиқий ватанпарварлик ҳаракати деб баҳоланаётган, воқеаларни акс эттиради. Дostonлар ҳақида фикр юритган фольклоршуносларнинг аксарияти, бахшилар янги тузумни хурсандчилик билан кутиб олдилар, уни мустаҳкамлаш учун курашдилар, тузум душманларини аёвсиз фoш этдилар деб баҳолайдилар. Аслида янги асарлар саводсиз халқ бахши-сига топшириқ бериш, шу мавзуда асар ёзинг, деб мажбуриятдан тўқитилгани ёки халқ бахшиси ўзи мажбур бўлиб (ихтиёрий эмас) яратгани сир сақланади. Чунки шўро мафкураси шунга мажбур этди. Фикримиз куруқ бўлмаслиги учун шуни таъкидлаймизки, Холиёр Абдукарим зўр бахши бўлиб, янги тузумни хушламаган. Шу сабабли бир неча муддат босмачилар тўдасида тўқсабо лавозимида фаолият кўрсатган. Босмачилар энгила бошлагач, аниқроғи, Анвар пошшонинг Бойсунда мағлуб бўлгандан сўнг Бойсуннинг Паданг қишлоғидан бўлган Холиёр Абдукарим ўғли жон сақлаш мақсадида «Амир қочди» дostonини яратган ва шу билан ўзини янги тузум тарафдори қилиб кўрсатган. Аммо у ҳар қанча янги тузумни ёқламасин, 1938 йил шу тузум томонидан қатл этилган. Умир бахши Сафаров эса 1922 йил Шерободдан

Дехқонободга келиб қизил отрядга қўшилишга мажбур бўлган ва улар сафида босмачиларга қарши курашган. «Қорақум» ва «Даस्ताгул» да тасвирланган воқеа-ҳодисаларга Умир бахши ўзи гувоҳ бўлган, ҳаётда юз берган ҳодиса-воқеалар бахшининг эстетик идеали тарзида бадий сайқал топган.

«Қорақум» асари сюжети куйидагича. Босмачилар қишлоқни талайди. Бештаси уста Ҳазратқулнинг уйига келиб, уни тўрт камчи уриб, отини тортиб олиб ўзини дарахтга боғлаб кетади. Ҳазратқул милиция бошлиғига бориб улардан арз қилади. Бошлиқ бир милиционерни Ҳазратқулга қўшиб Термиздаги қизил аскарларга хат билан жўнатади. Полк командири Ҳазратқулни ҳам кўнгилли қилиб олади-да, босмачиларни уриб-суриб кураша кетади». Жангда босмачилардан Ўтанбек қутилади. Бойдилбеги тутилади, Сайдилбеги отилади.

«Даस्ताгул» асарида ҳозирги Туркменистоннинг Чоржўй вилояти Керки тумани Чолганча қишлоғида яшовчи Мулла Мақсуд деган дехқоннинг Даस्ताгул исмли сулув қизининг босмачилар томонидан ўғирлаб олиб кетилиши ва унинг қизил аскарлар томонидан қутқазиб олиниши акс эттирилади. Достон воқеаларида беш босмачи, ўн олти қизил аскар, икки чўпон, Мулла Мақсуд ва қизи Даस्ताгул иштирок этади.

Айтилганлардан кўринадики, воқелик қўлами устида гап боргудек бўлса «Қорақум» ҳам, «Даस्ताгул» ҳам бир эпизодди, кичик бир воқеа тасвирига бағишланган. Бироқ шу кичик эпизодга катта мазмунни, босмачилар ҳаракати ва унга қарши кураш воқеаларини умумлаштиришга ҳаркат қилинган. Ҳар иккала достон деб юритилаётган, аммо оралиқ шаклда қолиб кетган асарда бахши босмачилар ҳаракатини қоралагани, уларни ўғри талончи, золим деб тасвирлангани, қизил аскарларни халқ ҳалоскори сифатида таърифлагани учун бугунги кунда, бугунги қарашлардан келиб чиқиб, Умир бахши ёки ўзга бадиҳагўй достончи шоирни қоралаш, уни айблаш мумкин эмас. Бу фикрни шу позицияда туриб ҳар икки асарни (шунингдек, бошқа бахши-шоирлар ижодидан ёзиб олинган достонларни, тарихий қўшиқларни ёхуд оралиқ шаклдаги асарларни) баҳолаган фольклоршунослар тўғрисида ҳам айтиш зарур.

Аслида, XX асрнинг буюк имкониятлар берган ижодий намунаси деб баҳоланиб келинаётган, янги тузумни шарафловчи эпос намуналари деб аталган «Қорақум», «Амир қочди», «Дастагул» каби асарлар том маънодаги ижодий янгилик бўлмай, балки анъанавий дostonлардаги эпик ўринлардан фойдаланиб бадиҳагўй бахши-шоирлар томонидан замонасозлик билан ижро этилган асарлардир.

Ўзбек фольклоршунослигида тарихий дostonлар хужжатийлик даражасига кўра: а) тарихий қаҳрамонлик, б) тарихий фантастик, в) тарихий конкрет, г) тарихий биографик каби ички турларга бўлинади. Жанубий Ўзбекистон бахши-шоирлари репертуарларидан ёзиб олинган «Ойсулув» (Рўзи бахши Қултўраев) тарихий қаҳрамонлик, «Ойчинор» (Қодир бахши Раҳимов), «Соҳибқироннинг туғилиши» (Рўзи бахши), «Темур ва Боязид» (Қаҳхор бахши Қодир ўғли), «Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги» (Чори бахши Умиров) тарихий-фантастик дostonлар бўлса, Умир бахшидан ёзиб олинган, биз таҳлил қилаётган «Қорақум» ва «Дастагул» асарлари тарихий конкрет асарлардир.

Авалло шуни таъкидлаш зарурки, ҳар қандай бадиий асарда аниқ тарихий солномалардаги сингари маълумотларни излаш мантиқан тўғри эмас. Фольклошунос В.Пропп ҳам тарихий шахс ва воқеаларни куйлаш эпос функциясига кирмаслигини таъкидлайди. «Аmmo, — дейди у, — куйчиларнинг хоҳиши ва эстетик интилишларига қарамай, эпосда тарихий воқеалик кенг равишда инъикос этилади». Янги давр — 1917 йилдан сўнг яратилган дostonлар ҳар қалай реал воқеаларга асосланган бўлса-да, бироқ улар ёлғиз фактлар эмас, воқеалар мажмуасидан, умумлашмасидан баҳс этади, асрий халқ идеалини ифодалайди. Зеро, воқеалар тарих саҳифаларида аниқ рақамлар билан ифодаланса, фольклорда халқ ижодчилари маънавий олами призмасидан ўтиб, образлар орқали бадиий ифодаланади, анъана доирасида қайта ишланади, сайқал топади.

Бошқа урус фольклоршуноси В.И.Чигаревнинг: «Халқ эпосида синфий курашнинг кенг омманинг ижтимоий қарама-қаршилиги ва халқ ватанпарварлиги хусусиятларининг ифодаланиши характерлидир», деган фикри ўзбек

эпоси, хусусан, янги дostonларнинг инқилобий руҳдаги «Қорақум» ва «Даcтагул»га унчалик тўғри келмайди. Чунки халқ дostonларининг кўпчилигида макон ва замон тушунчаси ҳамиша нисбий ва эпик характердадир. Борди-ю, юқоридаги фикрни «Қорақум», «Даcтагул», «Амир қочди» ёхуд «Ойша» типидagi тарихий асарларга татбиқ этганимизда ҳам тўлиқ тасдиғини кўрмаймиз. Бунинг сабаби шундаки:

1. Кўрсатилган дoston ёхуд оралиқ шаклдаги асар халқ ватанпарварлиги ёхуд озодлик учун курашини ўзида мужассам эта олмайди.

2. Биз таҳлил этаётган «Қорақум» ва «Даcтагул»да эпик кўлам жуда тор доирада.

3. Мазкур асарларни янги тузум билан мағлуб бўлган тузум тарафдорлари ўртасидаги курашни ифодалайди деб айрим фольклоршунослар фикри ўша давр нуқтаи назаридангина тўғридир.

«Қорақум» ва «Даcтагул»ни таҳлил қилган фольклоршунос С.Умаров<sup>1</sup>: «Шуниси характерлики, шоир дoston («Қорақум») учун асосан Термиз, Бойсун ва қисман Қарши атрофида бўлиб ўтган воқеаларни асос қилиб олган бўлса-да, бироқ бу ҳамма ерда давом этаётган типик воқеа эди. Шоир уста Ҳазратқулнинг умумлаштирилган образи орқали босмачиларга қарши курашган коллектив халқ образини ярата олган», — деб баҳоласа, бу баҳо юзаки ва ҳатто бадий адабиётни бир хил қолипга солиб таҳлил қилиш намунаси дир. Биринчидан, дoston матни билан танишган киши Ҳазратқул образида коллектив халқ образини кўрмайди, иккинчидан, босмачилар деган гуруҳ фақат мол ўғирлаш билан шуғулланган деган гоё тўғри эмас, учинчидан, Термиз, Бойсун ва Қаршидаги воқеалар дostonга асос қилиб олинган эмас. Чунки бахши эътироф этгандек шаҳарда қизил аскарлар маркази жойлашган. Шу боис босмачилар шаҳардан узоқроқ кишлоқларда талончилик қилган бўлиши аён.

Шу фольклоршуноснинг энг тўғри адолатли фикри «Қорақум» дostonини таҳлил қилишдан олдин айтган қуйидаги гапда ўз аксини топган. «Қорақум» дostonида шоир элини талаётган ўғриларнинг кирдикорларини мана бундай ифодалайди:

<sup>1</sup> С.Умаров. Тарих ва замон. Т., 1984, 56-бет.

Қишлоқларни оралаб,  
Уй-рўзғордан мўралаб,  
Ҳовли-ҳовлига кириб,  
Уйқуда ётган дехқонларни,  
Барчасин бир-бир уриб,  
Яхши отларини суриб.

Дарвоқе, дoston анъанавий сажъ ўрнида худди шу мисраларни келтириш билан бошланади ва босмачи сўзи кўлланмаса, бешта ўғрининг босқинчилигини ёритади, холос. Фольклоршунос эса ўзи хоҳламаган давр мафкурасидан келиб чиқиб, «уста Ҳазратқулнинг милиция бошлиғига қилган илтижо-шикояти ўта табиий чиқади. Оддий қишлоқ халқи турмуш тарзининг элементар томонларини чуқур ўрганган халқ шоири дехқонлар ҳаёти картиналарини ишонарли деталларда тасвирлаган, у шу давр колоритини қуюқ бўёқларда бера олган», деб баҳолайди. «Қорақум» асарининг матнига назар ташласак, уста Ҳазратқул шикаяти ўта табиий, халқ ҳаёти картинаси акс этгани кўринмайди:

Биз келибмиз сизга қилдик арз-зор,  
Босмачилар устидан бўлдик абгор.  
Бадбахтлар дастидан қишлоқлар хароб,  
Ёрдам беринг деб келдик сизларга сўраб,  
Бу кеча қишлоқларни кетди талаб,  
Ноилождан қолдик кўчада йиғлаб,  
Қишлоқларда бўлди жуда ёмон гап,  
На от қолди, на жон қолди жучу жон<sup>1</sup> (121-бет).

Бу ерда биринчи мисра дostonларда кўп учрайдиган «Биз келибмиз сизга қилиб зору зор» барқарор мисранинг ўзгаришга учраган шаклидир. «Зору зор»ни арз-зорга ўзгартиришнинг ўзи ҳам табиийликни, бадийликни бузган. Халқ бахшиси анъанавий дostonлардаги ўринларни ўзгартириб қўллашга, бошқача айтганда, анъанавий дoston қолипига замонавий, тарихий мавзуни сингдиришга мажбур бўлган. Иккинчи томондан, асарни ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчининг хатоси билан бадийликка янада путур етган. Масалан:

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба.

Босмачига ўлимдир,  
Бойлади икки қўлимни,  
Шунча қилди зулмни,  
Йиғлатди қиз-ўлимни... (127-бет).

Мисраларида ўлимдир сўзига «қўлимни», «зулмни», «ўлимни» эмас, «қўлимди», «зулимди», «ўлимди» қофияланиб келган. Чунки бахши мансуб Қўнғирот уруғида жўналиш келишиги -ни ўрнига -ди қўлланади. Ҳозир ҳам шундай. Бахшининг ўғиллари гарчи олий маълумотли бўлсалар-да, дoston куйлаганда худди шундай -ди тарзида қўллайди. Фикримизни асослаш учун шу ўринда Чори бахши Умировдан ёзиб олинган «Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги» достонидан биргина парча келтирамиз:

Дехқон янчади хирмонди,  
Касал олади, дарманди,  
Жаллод ўқийди фармонди,  
Олиб кетса Баёнкулди,  
Болалар қилар армонди.

С.Умаров «Дастагул» достони (бизнинг оралиқ шакл)-ни ҳам «Қорақум» сингари таҳлил қилади. Бу ерда ҳам гоҳ ўғрилар, гоҳ босмачилар тарзида социалистик йўналишда туриб қоралайди ва Дастагул, унинг отаси Мулла Мақсуд, икки чўпон ҳамда аскарларни ҳимоя қилади. Бу асарларнинг яратилиш даври гарчи XX асрнинг 20-йиллари деб кўрсатиб келинаётган, бунга босмачилик ҳаракати деб аталган ва қораланган, ҳозирда эса ватанпарварлик ва миллатсеварлик сифатида баҳоланаётган ҳаракат сабаб деб кўрсатилса-да, аслида ундаги воқеалари замини янада қадимийроқдир. Яъни анъанавий дostonларда ўғрилик ҳодисаси кўп бор ишланган ва айрим ҳолларда эпик ўрин даражасига кўтарилган. Жумладан, Қодир бахши ижро этган «Авазхон» туркумига кирувчи дostonлардан бири «Қораман ва Оламан» деб аталса, Чори бахши Умиров «Мулло савдогар» достонида воқеалар занжирига Қораман ва Оломон қилмишларидан қолиплаш йўли билан улаб юборади. Ҳар икки тенгдош бахши Умир Сафаровнинг шогирди эканлигини назарда тутсак, бу мавзу устоз санъаткорда ҳам кенг ишланганига шубҳа қолмайди. Шунингдек, фольклоршунос Чори Ҳамраев Умир шоирдан ёзиб олган «Тошгул» ва «Оху воҳ» дostonида

хам «Дастагул»га ўхшаш воқеа, қизнинг мажбуран узатилиши ва унинг қаттиқ норозилиги акс эттирилади. Фольклоршунос А.Қаҳҳоров шу боис «Тошгул», «Дастагул», «Норгулой», «Машарой» каби дostonларни ҳақли равишда «Келиной» туркумига киритар экан, бир қизнинг олиб қочилиши билан боғлиқ воқеага асосланади. Кейинги даврларда қўшиқларга хос тўртликлар, эпик ўринлар бошқа-бошқа сюжетли асарларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бироқ улар ҳар хил шакл ва ўзгаришга ҳам учрайди. Чунки уларга давр талаби билан ўзгартиришлар киритилган. Бу ҳол дostonлардаги образлар талқинида ҳам, воқеаларни баён этиш усулида ҳам кўринади. Аммо улар анъанавий дostonлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, янги дostonлардаги янги воқеалар ва инсон образлари ҳаётдаги реал тарихий шахсларнинг образларидир. Султоқ, Узок, Тоштулак, Тошниёз, Али, Эшқўзилар, иккинчи томондан, Ўғилой, Норгулой, Иззатой, Ойша, Иқболой, Жумагул, Дастагул, Тошгул, Қизлархонларнинг образлари бўлиб, улар тарихий реал шахслардир. Уларнинг образлари янги дostonларда янгича усул билан тасвирланган. Юқорида номлари келтирилган ҳар бир образ прототипининг у ёки бу томони олиниб, уларда ижтимоий ҳаётда учраган ва бўлаётган воқеалар ва кишиларнинг типик хусусиятлари умумлаштирилиб, муайян бадий бўёқ берилади. Ана шундай умумлаштириш, бадий бўёқ бериш бахшининг савияси, дунёқараши, ҳаётий тажрибалари, бадиҳағўйлигига боғлиқ ҳодисадир. Давр талаби билан боғлиқ ҳолда янги дostonни куйлашга киришган бахши-санъаткор табиий равишда эпик анъаналар заминида эпик қолиплар, эпик ўринлар, тайёр мисраларга суяниб ижод қилади. Умир бахшининг «Қорақум» ва «Дастагул» дostonлари ҳақида фикр юритган фольклоршунос олимлар Камол Очилов, Охунжон Собиров гарчи таҳлилнинг замонавий мезонидан борса-да, нисбатан энг тўғри йўл тутган ҳолда янги дostonларнинг юзага келишида эпик анъананинг ролини асосли кўрсата оладилар. Ҳақиқатан ҳам, Умир шоир янги замон воқеаларини, янги тематикани ёритишда ўзи куйлаган анъанавий дostonлардан ижодий озикланган, баҳраманд бўлган. Бу асардаги воқеаларни баён қилишда, уларнинг ривожланишида муаллиф нутқида, насрий қисмларнинг берилишида ва асар қахрамонларининг ўзаро



мулоқотларида кўзга ташланади. Умир шоир куйлаган «Ойпарча» достонидаги айрим ҳолатларни «Қорақум», «Дастагул» асарларидаги шундай ўринларга чоғиштирсак, юқоридаги фикрларни тасдиқлаган бўламиз. Масалан, «Қорақум» асарида босмачилар томонидан зўрлик билан деҳқон уста Ҳазратқулнинг отини олиб қочилиши, ўзини устунга боғлаб хўрлаган ҳолатини, унинг хотинига му-рожаат қилиб айтган куйидаги сўзларини олиб кўрайлик:

Мирғазаблар илди менга зулмни,  
Хотин, тез кеп ечгин мени кўлимни,  
Қонхўрларга худо берсин зулмни,  
Кўлимни еч, атроф-бетга қарайин,  
Арзим тинглайдиган жойга борайин,  
Имкон бўлса булар изин сўрайин,  
Қизил гулдай ранги рўйим сўлгунча,  
Мол-отдан бундай айрилиб қолгунча,  
Бир югуриб кўрай бундай ўлганча.

Уста Ҳазратқулнинг бундай нола-фиғони, арз-доди Ойпарчанинг ҳақсизликдан зор-зор йиғлаб айтган куйидаги сўзларига ўхшаб кетади:

Оғаларим кулоқ солинг арзим бор,  
Гап сўрамай ҳайдаяпсиз жаллодлар!?  
Кулоққа тут жаллод менинг сўзимни,  
Оғаларим бойлаб олиб ўзимни,  
Оламга тўрт қилинг икки кўзимни,  
Қағажон ўлдирди ўғил-қизимни,  
Оғаларим қилманг менга зулмни,  
Ноҳақдан боғламанг буйтиб кўлимни,  
Қағажон ўлдирди қизим ўлимни.

Худди шунингдек, босмачилар нутқи билан сарой жаллодларининг дўқ уриши, қўрқитиши, дағ-даға солиши, уларнинг бераҳм зўравонлиги ўртасидаги ҳам умумийлик, яқинлик билиниб туради. Шоир қахрамоннинг психологик ҳолатини тасвирлашда ҳам анъанавий дostonлардаги тайёр бўёқлардан унумли фойдаланади, унинг руҳини теран, таъсирчан ифодалашга эришади. Масалан, «Дастагул» достонида Мақсуд бобо қизил аскарларнинг қахрамонлигидан, қизи Дастагулнинг босмачилар зулмидан озод қилинганлигидан беҳад хурсанд бўлиб миннатдорчилик билдириб қутлар экан, уларни «Йўлбарс юрак полвонларим», «Душманга йўлбарс юракларим», ёхуд:

Оғир кунда керакларим,  
Ҳам орқа, бўкса кўкракларим,  
Ҳам ўпка билан юракларим, —

деб таърифлайди, таҳсинлар ўқийди. «Ойпарча» достонида, Ойпарчанинг қизи билан учрашуви ва айтган қуйидаги сўзларида ҳам биз худди юқоридаги тасвири учратамиз:

Суянган нав терагим,  
Шундай кунда керагим,  
Орқа, бўксам, кўкрагим,  
Ўпка билан юрагим.  
Излаган соҳибдигарим,  
Ёнди ўчган чироғим.

Юқоридаги парчада келтирилган Мақсуд бобонинг сўзи бутунича 28 мисрадан иборат бўлиб, ундаги 19 мисраси юрганларим, берганларим, сурганларим, терганларим, чироқларим, юракларим, керакларим, яроқларим, кўкракларим, диракларим, солганларим, полвонларим шаклида олқишловчи, ўзига яқин олувчи сўзлар билан қофияланиб келади. Умуман, ўзбек халқ дostonларида, жумладан, Умир бахшидан ёзиб олинган дostonларда ҳам узундан узок сатрларни уйқаштириб қофиялаш кўпинча ҳисҳаяжоннинг тўлиб-тошганини ёхуд жадал содир бўлаётган ҳодиса-ҳолатни ифодалаш учун қўлланади. Бундай қофиялар нутқда маълум даражада ҳис-туйғуларни оширишга, нутқни таъсирчан этишга имкон беради<sup>1</sup>.

Бундай тасвир «Ойпарча» дostonида бир неча жойда учрайди. Бу ерда мазкур тасвир орқали одамларнинг ўзидан кейин қоладиган издоши-фарзанди, зурриёти, ёки соҳиби тахт ҳақидаги фикри баён этилса, «Дастагул» дostonида мутлақо янги мазмунни ифодалашга хизмат қилади.

Демак, Умир бахшидан ёзиб олинган янги тарихий дostonларга зеб берган унсурлар, бадий воситалар анъанавий дostonларда бор эди. Шоир ўшаларни олди ва кимларнингдир илтимоси, тушунтириши билан янги дoston яратар экан, ўшаларни олди ва ёмон деганни

<sup>1</sup> Очиллов К., Собиров О. «Қорақум» ва «Дастагул» дostonларининг яратилишига доир». Ўзбек совет фольклори масалалари. Т., 1970, 112-119-бетлар.

ёмонлади, яхши деганни олқишлади. Бу соҳада унда гуноҳ йўк.

... Бир куни Умир бахши Сайдалбекни мақтаган Умир бахши қизил аскарлар қўлига тушиб қолибди. Командир ёнига олиб келгунча бахшининг у ёқ-бу ёғини ковлабди, аммо ҳеч нарса тополмабди. Командир кимлигини сўраганда чўпонман, қўшиқ ҳам айтаман деб, хуржундан дўмбирасини олибди-да, уларни роса мақтабди. Яхши сўз билан илон инидан чиқар дейди. Мақтов кимга ёқмайди, командир ҳам унинг олқишидан эриб кетибди-ю, қўйиб юборибди.

Биз 1969 йилда Қашқадарё-Сурхондарёдаги фольклор этнографик экспедициясида илк бор бўлганимизда Дехқонободда, Шерободда, Шўрчида, Деновда, ҳатто Туркменистон ва Тожикистонда Умир бахши номини кўп эшитдик, тингладик, шогирдларига дуч келдик. Абдумўмин Қаҳҳоровнинг бахши ҳақидаги айтиб тугамас хотираларини эшитдик. Қодир бахшининг меҳр билан қилган таърифларидан ҳайратландик. Аммо у 1966 йилда оламдан ўтганини эшитиб, энди учрата олмаслигимиздан афсусландик. Бироқ бахши руҳи бизга тинчлик бермади. 1970-72-йилларда ўғли Чори бахши билан учрашдик, аммо у айтишга рўйхушлик бермади. Шу орада йиллар ўтаверди. 1980 йилдан Қодир бахши фидойилик, садоқат билан устозининг 90 йиллик юбилейини ўтказиш ташаббусини кўтариб чиқди, маъқулладик. Бахши орқали ўғилларини чақиртирдик, лекин келмади, хатларга жавоб бермади. Нега? наҳотки фарзандлар отасига, унинг руҳига шу қадар бефарқ бўлса? Наҳотки уларда буюк бахшининг юксак фазилатларидан қолмаган?! 1983 йилда Умир Сафаровнинг нашр этилган китобларини олдик, машина юкхонасига бир кишининг дўмбирасини ҳам солиб Қора бахши Умировнинг дўсти Бўрон Зиёдовни ҳамроҳ қилдик-да, Сурхондарёнинг Музрабод туманига йўл олдик. Куёш ботмай манзилга етдик. Бизни 50 ёшлар чамасида, ўртача гавдали, буғдойранг киши кутиб олди. Икки синфдош кучоқлашиб кўриша кетди, одатга кўра биз ҳам. Кун ботмай биз жойлашган супага пашшахона тугилди. Ана ёруғ дунёнинг қафаси. Ҳар пашша аридай келади, чаққан жой кичиб бўртиб чиқади. Аммо пашшахона бизни ҳимоясига олган. Гурунгни бахшига, бахшичиликка бурамыз. Қора

бахшининг кўзлари ёнади. Демак, қонида бор. Қон жунбушга келаётир. Ҳали бир-биримизни билмаймиз, танимаймиз. Биз темирни иссиғида урамиз, гўё қаерда, кимнинг хонадонида ўтирганимизни билмагандай.

— Ака, бу Умир бахши деган ўтган экан. Шу кишидан бирон фарзанд қолмаганми?

Бахши сачраб тушади, ўзи ўғли эканлигини, акаси, укалари борлигини айтади. Биз эса ишонмаймизда иккинчи зарбага ўтамыз.

— Балким ўғлидирсиз. Ўғли бўлсангиз отангизнинг чиққан китобларини бир кўрсатиб, дўмбирасини олиб чиқинг-чи?

Энди Қора бахши мот бўлади. Китоблар номини ким ёзиб олгани, қайсилари қачон чиққанини айтади-ю кўрсата олмайди. Дўмбира борлигини, лекин торсиз осилиб турганини маълум қилади. Биз ташқарига чиқамиз-да, машинадан Умир шоир китобларини, дўмбирани олиб, пашшахона ичкарисисидаги бахшига узатиб, тунда атрофни айлангани чиқамиз. Шу орада соат тунги ўн бирдан ошган, ҳамроҳимиз Бўрон ака «йўқ»лигимиздан фойдаланиб бизнинг кимлигимизни Қора бахшига айтиб улгуриши керак эди.

Энди бахши жунбушга келган, кимнидир чақириб 15 чақирим нарида яшовчи укаси Чори бахшини олиб келишга жўнатган, ўзгага қўй сўйдиришни бошлатган, бошқа бировга ароқ ва шампан излатган. Биз ҳеч нарса билмагандай қайтиб келиб, кўрпачага ёнбошлаймиз. Ярим соатда давра кенгая бошлайди, ҳовликиб, шошиб Чори бахши етиб келади. Зиёфат куюқ, дўмбира қўлдан-қўлга ўтади. Умир бахши маҳорати, сози-ю сўзи ҳақида суҳбат қизийди. Бир вақт қарасак, тонг отиб қолибди.

Шу нарса аён бўлдики, Умир шоир умрининг сўнгида мияга қон қуйилиб паралич бўлиб қолган (ўшанда ҳам вазни 120-125 кг экан), бу хасталик боисини кўп дoston қуйлаб кўз тегишда деб тушунган экан. Шу сабабли элда машхурлашиб бораётган ака-ука бахшилар Сувон, Қора, Чори, Панжиларни чақириб машхур дostonчи бўлмасликни, элда кўп танилмасликни васият қилибди. Ота вафот этгач, фарзандлар нима қилишни билмай боши қотибди. Дехқонободда ҳамма танийди, ҳеч ким уларнинг билмайман, айтмайман деганига қулоқ солмайди. Яхшиси ҳеч ким

танаймайдиган жойга кўчиб кетиш. Шу қарорга келган тўрт ака-ука Музрабод туманига кўчиб келиб, жимгина яшай бошлабди. Вужудида бахшилик қони жўш ургандагина уйда тор даврада машқ қилиб айтиб турадиган бўлибди. Шу орада ўн тўрт йил уларни ҳеч ким изламабди, ўн тўрт йил ўзларини сир сақлабди.

Биз эса шунча фурсатдан сўнг дуч келгандик. Ўғиллар ота юбилейини ўтказишни бўйнига олди, лекин айтишга рози бўлмади. Шунда биз агар машҳур бахшининг фарзандлари отадан ўрганганларини юбилейда куйласа, анъанани давом эттирсагина юбилей ўтади деб, айтишга рози қилдик.

Биз кетгач, кўп ўтмай Бойсунда Шоберди бахши Болтаевнинг тўйида Қодир бахши Қора бахшига дуч келибди. Ҳамиша: «Қора бахши остона, остона улуг», — деб юрадиган Қодир бахши Қора Умировнинг саломига алик ҳам олмабди, сўрашмабди ҳам. Бутун тўй давомида Қодир бахшининг бу муносабати Қора бахшига қаттиқ таъсир қилибди. Ҳамма тарқалиши арафасида Қодир бахшининг олдига бориб: «Қодир сенга нима бўлди? Нега на саломни биласан, на аликни? На аҳвол сўрайсан, на аҳвол сўраса жавоб берасан?», — деб сўрабди. Шунда Қодир бахши: «Қора ака, мен сизни Умир шоирга ул деб билар, ҳурматлар эдим, сиз ул эмас тўл экансиз. Мени сиздай отам бўлганда, отани билганимда, меҳрига тўйганимда олтиндан ҳайкал қўярдим. Сизни отангизнинг юбилейини ўтказамиз деб чақирсам ҳам бормадингиз. Мен районнинг каттаси Тожи Холтўраевга, олимларга айтиб қўйгандим, энди уятли бўламан. Сиз ва Чорисиз ҳам ўтказаману, лекин одамлар Умирнинг боласи борми-йўқми деб сўрамайдами?» — дейди. Дард устига чипқон деганидек, Қодир бахшининг бу қаттиқ дашноми Қора бахшига қаттиқ таъсир қилади-ю, орият учун, ота номини абадийлаштириш учун укаларини ёнига олиб ҳаракатга тушади. Ниҳоят, 1984 йил май ойида Деҳқонободда чинакам бахшилар байрами бошланади. Тожинор Холтўраевдек фольклор фидойиси, дostonлар ошиғи, бахшилар мухлиси, ўта моҳир дўмбиракаш юбилей кунигача Деҳқонобод қишлоқларида бахшихонлик, дostonхонлик тадбирларини уюштиради. Ўттиз кишилик агитбригада ўн беш кун давомида ҳар куни икки қишлоқда бахшилар, санъаткор-

лар учрашувини ўтказди. Тадбирда ўн-ўн беш минут Умир бахши ижоди ҳақида маъруза эшитилди, хотиралар тингланди, бахшилар чиқиш қилди, санъаткорлар томоша кўрсатди. Ниҳоят, Дехқонободда Умир бахшига аталган тўй куни етиб келди. Яхшидан шарофат деганидек, 70 йил чанг-тўзон, лой, Дехқонобод-Етимкудук қишлоғида 8 чақирим йўл тўрт кунда асфальтланди, бахши ётган қабристон ободонлаштирилди. Юбилейда Саид Аҳмад, Юсуф Султонов, Музайяна Алавия, Тўра Мирзаев, Отаёр, Зубайда Хусаинова, Урол Ўтаев сингари йигирмадан зиёд тошкентлик олимлар, адиблар, шоирлар қатнашди. Қашқадарё-сурхондарёлик меҳмонларнинг саноғи бўлмади. Шоир яшаган қишлоқдаги «Правда» мактабига Умир шоир номи берилиши, «Правда» бошқа мактабга кўчирилиши ҳақида қарор ўқилди. Дехқонобод ўз тарихида бу қадар юксак савияли тадбир ўтказганини билмайди.

Аммо бир йилдан сўнг Умир шоир номини «Правда» мактабига беришни республикада тасдиқланмагани маълум бўлди. Сабаб, уни ўзгартириб бўлмас эмиш. Биз ҳам ўша замонда буни яхши англаганимиздан қарорда мактаб номини эмас, тартиб рақамини кўрсатган эдик. Нега шундай бўлди? Бир вақт кимдир қулоғимизга шивирлади: «Ўша қишлоқлик Умир шоир билан бирга ишлаган бир чол ёзибди: «Нега менга мактаб номи қўйилмайдую, Умирга қўйилади?!», — деб. Энди кимга додингни айтасан? Наҳотки бир умр элни эзгуликка бағишлаган, ғалабаларга илҳомлантирган биргина бахшининг номини абадийлаштириб бўлмаса?! Тошкентдаги юқори идораларга югура-югура Қора бахши билан чарчадик. Кимгадир учрашиш учун ҳафталаб идора эшигини пойладик. Ниҳоят ҳозирда Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг бизни қувватлаши, вилоят партия қўмитаси биринчи котибига телефонлари, Ёзувчилар уюшмаси номидан берган хати туфайли, 1985 йилда Дехқонободнинг Қарашина посёлкасида янги қурилган мактабга, туман тарихида биринчи бўлиб маҳаллий халқдан етишган Умир шоир Сафаров номи берилди. Бир мактабга ном қўйиш машмашаларини ёдга олар эканмиз, ҳатто кекса қариянинг ҳам ўзи бир вақтлар бирга ишлаган Умир шоирга кекини эслаганда Қодир бахши сатрлари дилдан тилга кўчаверди:

Бор бўлсанг кўролмас баъзи одамлар,  
Йўқ бўлсанг беролмас баъзи одамлар.  
Ўртада юрсанг ҳам гоҳи-гоҳида  
Туртмайин туролмас баъзи одамлар.

Ҳа, Умир бахши Сафаров ўз умрини дoston айтиб, терма яратиб, соз чертиб халқни улуғлаб, эркни шарафлаб, юртни эъозлаб келган эди, беиз кетмади. Кўролмаслар ҳам, йўқда беролмаслар ҳам, туртмай туролмаслар ҳам унинг шуҳратига соя сололмади.

Бугун бир муддат айтмай кетган Қора ва Чори бахшилар созни олиб яна эъозда. «Алпомиш» юбилей муносабати билан Термизда ўтказилган кўрик-фестивалда, Қаршидаги кўрик танловда икки невараси Абдурасул ва Қаҳҳор бахши Қора ўғиллари зўрлар билан беллашиб фахрли ўринларни эгаллади, бобо руҳини шод қилди, Қора бахши, Чори бахши ишончини оқлади. Зеро, Чори бахши 1984 йилда башорат қилганди отаси ҳақида «Устозим» деган шундай бир терма:

Тўрт ёшида сағир қолиб хор бўлган,  
Бу ҳам асли тақдирида бор бўлган,  
Дунёнинг ўтиши унга тор бўлган,  
Ёшлигида парча нонга зор бўлган,  
Умир шоир — отам менинг устозим.

Етти ёшда тилин дутор айлаган  
Яхши-ёмон гапни дилда сўйлаган,  
Сағирликда парча нонни ўйлаган,  
Ўн ёшида бойга ўзин бойлаган,  
Умир шоир — отам менинг устозим.

...Ўтирган даврасин нурга тўлдирган,  
Дoston айтиб халқни қойил қолдирган,  
Бир зумда йиғлатиб, зумда кулдирган,  
Қанча шоирларни ортда қолдирган,  
Умир шоир — отам менинг устозим.

Донг таратди Қашқа, Сурхон элида,  
Терма дostonларни тинглаб тилида,  
Зор қақшатди дўмбирани кўлида,  
Умир шоир номи халқнинг дилида,  
Умир шоир — отам менинг устозим.

Шогирдлари дилга сўзин жойлаган,  
Хурмат қилиб халққа хизмат айлаган,  
Қодир бахши булбулмисол қуйлаган,  
Қирқта дostonларни дилга жойлаган  
Умир шоир — отам менинг устозим.

Савоб ишни қилинг босган қадамдан,  
Ўтар дунё билинг ҳар бир одамдан,  
Куйлай-қуйлай отам ўтди оламдан,  
Куйлаш мерос менга ота-бобомдан,  
Умир шоир — отам менинг устозим.

Дўмбирани қўлга олиб чаларма,  
Айтган гапим халққа маъкул келарма,  
Оққан дарё оқмай энди қоларма,  
Чори бахши отасича бўларма,  
Умир шоир — отам менга устозим.

Бу, ўғилнинг, фарзанд-шогирднинг отаси, устози ҳақидаги дил сўзлари. Унда кўпроқ бахши ҳаётини ёритиш асосий ўрин эгаллайди. Аммо ўғил — ўғил, шогирд — шогирд. Гоҳо бемехр ўғилдан садокатли, эътиқодли шогирд устун туради. Халқда беҳудага «Тукқандан тутинган афзал» дейилмайди. Тутиниш мақсадлар, ниятлар, умидлар бирлигидан юзага келади. Шу нуқтаи назардан қараганда Қора бахши қариндош эмас, балки шогирдлигини ўйламаса бегона. Бегона эса ҳаётингизни фарзандингиз қатори билмайди. Шундай ардоқли шогирд Қодир бахши устознинг оилавий ҳаётини эмас, маҳоратини баҳолайди. Бунга ишонмоқ учун шогирднинг — Қодир бахшининг «Устозимга» термасини ёдга олиш кифоя.

Ҳали-ҳали эсимдадир,  
Дўмбиранинг созлари.  
Нағмасига нола қилар,  
Ғанғиллар қўл ғозлари.

Икки торда майин овоз,  
Сайхун билан Жайхундай,  
Кўз олдимга келар эди,  
Бепоён чўл пойма-пой.

Куёш ботмай бошлар эди,  
Кўзин юмуб дostonни.



Калит солиб очар эди,  
Гўёки бир бўстонни.

Кўрар эдим Алпомишни,  
Бойчиборни қисташин  
Кўрар эдим Ойбарчинни  
Сулув қизлар устасин.

Саф-саф тортган лашкарлару,  
Қадди тоғдек полвонлар,  
Хай-хайлаган чўпонлару,  
Савлат тўккан алпонлар.

Тўқсон бошли оқ ўтовлар,  
Кўз олдимда ўтарди,  
Чанқовузни чалган қизлар,  
Ўз ёрини кутарди.

Достондаги ғамли кунда,  
Эл кетарди эшилиб,  
Эл йиғларди бахши йиғлар,  
Алпомишга қўшилиб.

Озод бўлса эл ботири,  
Бахши созин кўрардик,  
Кулар эди саф одамлар,  
Сўзга қойил қолардик.

Бошин тўлғаб айтар эди,  
Қўлда сози гул бўлиб,  
Тер оқарди ўтирган жой,  
Усти боши хўл бўлиб.

Умир эдинг, узоқ умр,  
Абадийсан ҳаётда,  
Шогирд Қора, Чори, Қодир  
Қамчи чотар Фиротда.

Ҳа, бугунги кунда Қодир бахши бемисл шуҳрат қолдириб оламдан ўтди. Қора ва Чорининг эса оёғи узангида. Улар ота созини қўлига олиб, доврўқ қозониб, хурмат қозониб халққа хизмат қилаётир. Ҳозир Жанубий Ўзбекистонда шогирди Қодир бахшининг тўрт фарзанди, Умир бахшининг тўрт ўғли-ю уч невараси қадимий

анъанани давом эттириб келмоқда. Демак, Умир шоир яшаяпти, яшайди...

## ҚАҲҲОР БАХШИ — ЕТУК ДОСТОНЧИ

Қаҳҳор бахши — бугунги ўзбек достончилигида ўз овози, ўз сози, ўз сўзи, ўз ижро усулига эга бўлган истеъдодли, эътиқодли ижодкор. У замонамизнинг буюк бахшиси Қодир Рахимовнинг тўнғич фарзанди, 1957 йилда туғилган, Қарши давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Аждодларининг достончилик, созандалик қони унинг томирларида гупириб турибди.

Ўта саховатли, шафқатли, меҳрибон бўлган, чумчуққа ҳам озор бермайдиган, гўдакнинг-да райини қайтармайдиган Қодир бахши 70—80-йилларда ҳар бир кексаю ёш бахшини радиога, «ойнаи жаҳон»га етаклаб борар, ҳомийлик қилар эди-ю, негадир Қаҳҳорга бу ғамхўрликларни қилмас, уни телекўрсатувларда чиқишига монелик кўрсатар: «Ҳали ёш, ўргансин», — деб қўя қолар эди. Бир куни: «Нега Қаҳҳорга йўл бермайсиз, унинг ҳам элга таниладиган вақти келди-ку?» — десак, бахши шундай деди: «Танилиш осон, удалаш қийин. У ҳозир ўз устида ишласа, таниёлмаётганидан алам қилиб изланса, кўпроқ билади. Ҳозир, мен Қодирнинг ўғлиман, деб гоҳ радиога, гоҳ телевидениега чопса, шу йўлга ўрганиб қолади. Фарзандларим мендан зўр бўлиши керак. Элга танила борганда одам шон-шуҳратни кўтара оладиган, унга итоатгўй бўлиб қолмайдиган хусусиятни аввал ўзида тарбиялаши лозим».

Биз Қодир бахши ўз фарзандини ота сифатида суйиб, устоз сифатида асраб-авайлашига иқрор бўлдик. «Қайғу одамни улғайтиради», дейишади, рост экан. Қаҳҳор яшиндай келиб отасини олиб кетган ўлимнинг ғамидан бир йилда улғайиб қолди. У бир йил аза тутди, созни қўлга олмади, сўзни тилга олмади, ғамли ўйдан толмади. Ота борида ой эди, изида юрган той эди, гўё минг қўйли бой эди. Бир йил қадди букилди, кўзидан ёш тўкилди, ғамдан юрак сўкилди, алам бўғизга тикилди... Кейин у ота созини қўлига олди, айтганларни дилига солди, қанча фурсат ўйлаб толди, бир йилда улғайиб қолди. Сўнгра давраларга ўт бўлиб ёниб кирди, ўлимни минг қарғаб ёниб кирди, энди аввалги Қаҳҳор бўлиб эмас, Қодир бўлиб айтмоқ, қуйламоқ, сўй-

ламоқ, заруриёти билан «тулпори» — дўмбирани кўлига олиб, Қодир бахши усулларига солиб куйлашга тушди. Бахшисини мангуликка жўнатиб зериккан эл, озгина толиққан эл Қаҳҳорнинг қодирона ҳайкиришларидан жунбушга келди, Яратганга шуқурлар қилди. Гўё элнинг куйчиси, ардоқли бахшиси қайтган эди. «Ўшанда Қаҳҳор халойиқни сел қилиб «Малла савдогар»ни айтган эди, ўшанда «Алпомиш» дostonидан Қултой чолу Хадичани куйлаб одамларни кулдириб-кулдириб тўйхонадан қайтган эди».

Мана йиллар ўтди, Қаҳҳор ойдан-ойга, йилдан-йилга бахши сифатида тўлишиб, баркамоллашиб, шуҳрат топиб борди. Тойлар тулпор от бўлди, беллашувлар, айтишувлар, танловларда отага мос ўғил эканлигини намоён қилди. Вилоят ва республика кўрик танловларида «Озарбайжон ва Ўрта Осиё халқ таланглари, бахши-шоирлари баҳсида» ҳамиша голиб ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. 1991 йилда илк бор ўзбек бахшиси овози океан ортида бир ой жаранглади. У Америка Қўшма Штатларида бўлиб, ушбу давлатнинг етти штатида ўзбек бахшичилик санъати жозибасию қудратини намойиш этди.

Бугунги кунда Қаҳҳор бахши репертуарида «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Соҳибқирон», «Жархун мастон», Малла савдогар», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Авазнинг олиб келиниши», «Авазнинг арази», «Хон Далли», «Олланазар — Олчинбек», «Бева Барчин ёхуд Барчин Бекач», «Ёдгор», «Маликаи айёр», «Зандигар», «Зайидкул», «Шерали билан Эрали», «Муродхон», «Рустамхон», «Болхувон», «Қирқ қасамёд», «Ойсулув», «Чамбил қамали», «Ойтумса», «Балогардон», «Ҳасан-Ҳусан», «Болойим», «Нурали ва Семурғ», «Таркибадахшон», «Ойчинор», «Келиной», «Темур ва Боязид», «Махтумқули», «Самарқанд таровати», «Гавҳари хуштар», «Равшанхон», «Ғўппоной», «Ёзи билан Зебо» каби элликдан ортиқ дoston бор.

Қаҳҳор бахши отаси айтишга улгуролмаган дostonларни айтиб, уларни ёздириб, ўзбек дostonчилигига муносиб улуш қўшди, улуғ боболаримиз ҳақида тарихий дostonлар яратиб, ўз иқтидорини намойиш қилди. Бу, ундан ёзиб олинган «Ойсулув», «40 қасамёд», «Малла савдогар», «Олланазар — Олчинбек», «Бева Барчин», «Ёдгор», «Темур ва Боязид», «Ёзи билан Зебо», «Самарқанд таровати» (улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг Самарқандаги ҳаёти

ҳақида), «Гавҳари хуштар ёхуд Аҳмад Яссавий», «Махтум-қули» дostonларида яққол намоён бўлди. Бу дostonларнинг аксарияти илк бор мукамал ҳолда қоғозга тушгани ва фақат Қаҳҳор баҳши репертуари орқалигина бизгача етиб келганини таъкидласак, унинг умумўзбек дostonчилигига қўшган ҳиссасини англаш қийин бўлмайди. У 1999 йил 16 февраль воқеаларидан сўнг «Истиклол» номли ажойиб дoston яратди. Тарихий воқеалар, мамлакатимизда мустақиллик йилларида рўй бераётган улугвор ўзгаришлар Ой, Қуёш, Хуршамол сингари маъжозий образлар орқали дostonда гўзал ифодасини топди.

Ўн йилларки, Қаҳҳорни бир жудолик қийнайди, азоблайди. Отадан айрилиқ, уни кумсаб, соғиниш туйғуси ором бермайди. Бу беоромлик отаси ҳақидаги «Баҳши» дostonини, «Кўринмас», «Куйласа», «Отам» термаларини яратишга олиб келди. Қаерда баҳши-шоирлар баҳслашса, айтишса, мусобақага киришса, кўз ўнгига алп келбатли, Ҳизир сифатли ота гавдаланаверади. 1999 йил май ойида «Алпомиш» юбилейига бағишлаб Термиз шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ва Ўзбекистон баҳши-шоирлари кўрик танловида Қаҳҳор баҳши Қора баҳши ўғли шундай термалардан бирини яратди ва маҳорат билан ижро этиб, барчани қойил қолдирди:

...Устоз ўтди шогирдларга пир бўлиб,  
Достон айтди устозларга тир бўлиб,  
Гўринг ёнсин, устоз, доим нур бўлиб,  
Жанон қизлар кетар эди хур бўлиб,  
Қодир баҳши «Зандигар»ни куйласа.

Юрар эди кўрикларда бош бўлиб,  
Шогирдлари орқасида эш бўлиб,  
Яратганим олди кўнгли тош бўлиб,  
Меҳрибоним, Қодир Аллоҳ, Худойим,  
Не бўларди бугун Қодир куйласа...

Ҳа, шогирд баҳши нечоғлик ўртаниб ёнмасин, энди Қодир баҳши куйламайди... Қодир баҳшининг фарзанд-шогирди Қаҳҳор баҳши ота изидан бориб укалари Баҳром, Абдумурод, Бахтиёрни, шогирдларини ўзига эш қилиб, баҳшичилик санъатини ўргатмоқда. Ота ёди, ота хотираси Қаҳҳорни хотираларни ёзишга, тўплашга ундади. У респуб-

ликамиз ва Тожикистон, Туркменистоннинг қай жойига бормасин, отаси ҳақида яхши гапларни эшитди, ривоятга айланиб кетган ҳақиқатни кўп тинглади. Шуларни ёзиб борди. Қаҳҳор баҳши Қодир баҳшининг инсоний фазилатлари, дostonчилик маҳорати тўғрисида 200 га яқин ривояту афсоналарни тўплади, ёзди. Бу ривоят-афсоналар Қодир баҳши иқтидорини, салоҳиятини, талантини кўз-кўз этувчи саҳифалардир.

Қаҳҳор баҳши репертуарида «Айрилса», «Меҳмондир», «Бўлмаса», «На фойда», «Ишинг тушмасин», «Қарилик», «Дўмбирам», «Дўмбира хосияти», «Ривоят», «Ҳикоят», «Мардлик», «Қолмади», «Ўтаро», «Фурбатда», «Юртим», «Она меҳри», «Бувимга», сингари юздан ортиқ анъанавий ва замонавий термалар ҳам борки, улар ўз ахлоқий, маънавий-маърифий фазилатлари билан алоҳида аҳамиятга эга.

Биз «Алпомиш» туркумига кирувчи дostonлар ҳам моҳир ижрочиси бўлган Қаҳҳор баҳшининг «Бева Барчин» дostonидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар ҳақида ушбу китобнинг бошқа фаслида фикр юритганимиз сабабли шу ўринда ундан ёзиб олинган тарихий дostonлардан бири — «Темур ва Боязид» ҳақида тўхталамиз. Сўнг «Олланазар — Олчинбек» дostonи тўғрисида сўз юритамиз.

Умумўзбек дostonчилигида, хусусан, Жанубий Ўзбекистон баҳши-шоирлари репертуарида қаҳрамонлик, ишқий-романтик, жангнома туридаги дostonлар билан бир қаторда тарихий воқеа-ходисалар, тарихий шахслар, ўтмишда яшаб ижод қилган улуғ саркардалар, ҳукмдорлар, алломалар, авлиёю пирлар, шоирлар ҳақида эпос намуналари ҳам учрайди. Муҳим жихати шундаки, Қашқадарё, Сурхондарё баҳшилари нисбатан кам бўлган тарихий дostonларни асрлар силсиласидан, даврлар синовидан асраб-авайлаб бизнинг кунларгача етказиб, нафақат етказиб, балки шу кунларда ҳам эл орасида севиб кўйлаб келмоқдалар. Бу жихатдан Қодир баҳши Раҳим ўғлидан ёзиб олиниб, 1984 йилда чоп этилган Бобур ҳақидаги «Ойчинор», Рўзи баҳши Қултўраевдан ёзиб олиниб, 1993 йилда нашр этилган «Соҳибқироннинг туғилиши», Чори баҳши Умировдан ёзиб олинган «Амир Темурнинг туғилиши ва ёшлиги» дostonлари алоҳида аҳамиятга молик ҳамда бу каби яна кўплаб асарлар умумўзбек поэтик ижодига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Тарихий дostonлар ҳақида гап кетганда, аввало, Қаххор бахши Қодир ўғли «Темур ва Боязид» дostonини куйлаш орқали ўзбек дostonчилигининг ўлмас сиймолари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Шерна шоир, Умир шоир Сафар ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли анъаналарини изчил давом эттираётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Темур ва Боязид» дostonи: «...ёши олтмишни қоралаган, соқолига беҳишт оралаган, алдамчини, фирибгарни сўзи билан яралган, айтган сўзи бир, кўзи ўтқир, бўйи ўрта, мурти бурта, бургут кабоқ, шер юрак, қоплон билак, гавдаси кенгиш, мардга сўзи беҳишт, ёш ўрта эди, курак тиши болта эди, бунга ёмонлик қилганнинг умри калта эди. Ҳарбий қилич қўлида ўйнар, душманларини қийнар, овқатланса, эринмай чайнар эди... Зарбаси душманга етган, қиличини зарб билан урса пўлатга тўрт энли ботган. Кимсан — Амир Темур бўлиб, номи жаҳонга тарқаб кетган» Соҳибқироннинг ўз тарихчиларидан таърифини эшитиш билан бошланади.

Тарихчи Фосих Хаворийдан шу ёшигача қилган юришларини, жангу-жадалларини, шодон онларию гоҳо фарзанд доғида куйган дамларини, буюк салтанатни барпо этишда чеккан заҳматларини тинглаб қилган савоб ишларини сарҳисоб этган Темур ўша куни уйқуда туш кўради. Тушида пири Баҳовиддин намоён бўлиб, у Гуржистонда қолган мусулмонларни озод этишга ишора қилади. Дoston воқеалари ривожи худди шу нуқтадан бошланади. Аммо юборилган элчилар гуржи хукмдори Букротдан: «Мусулмонлар зиндонимдан чиқиши Темурхоннинг боши билан баробар», — деган жавобдан сўнг Темур кўшинлари сафарга отланадилар. Воқеалар занжирига Соҳибқироннинг суюкли набираси Султон Муҳаммад Рум мамлакати подшоси Боязиднинг кизи Севинчбонунини тушида кўриб севиб қолиши келиб қўшилади. Темур гуржилардан мусулмонларни жангсиз озод этиб қайтаётганда Самгул исмли аёлнинг Боязиддан арз қилиб келиши, ўғли Давлатни топтириб беришни илтимос қилиши ва ниҳоят, Темурнинг Султон Аҳмад ва Қора Юсуф исмли икки навқари Румга — Боязид хузурига қочиб кетиши воқеалар ривожида янги турткиларга сабаб бўлади. Соткин навқарларни қайтаришни сўраб Амир Темур юборган элчиларни Боязид рад этади ва ҳатто Темурни ҳақоратлай-

ди, жангга таклиф қилади. Шу тахлит Боязиднинг қайсарлиги боис икки ўртада жанг бошланиб, Боязид Темурдан очик, яккама-якка жангда мағлуб бўлади. Темур галаба билан ўзигача ўтган пайғамбарлару жаҳонгирлар хикмати жо бўлган «Тобути Самина» сирларини билиб, аммо хоин Қора Юсуф томонидан ўлдирилган Султон Муҳаммад жасадини олиб изига қайтади.

Достонда Амир Темур, Султон Муҳаммад, ёш Улуғбек, Боязид, Боязиднинг ўғли Шабли, қизи Севинчбону, Самгул образлари ниҳоятда жозибали тарзда берилган. Айниқса, Соҳибқирон Темур ва у алоҳида меҳр, ихлос қўйган Султон Муҳаммад образлари жўшқин илҳом, самимий муҳаббат билан тасвирланади. Улуғ Соҳибқирон ўғли Жаҳонгирга кўрсата олмай қолган меҳр-муҳаббатини ҳам ундан қолган ёдгорлик — Султон Муҳаммадга бағишлайди. Бутун умидини унга боғлайди, ихлос қўяди. Достон воқеалари давомида Темур ёши улғайган донишманд, кўп жанглари кўрган моҳир саркарда, қудратли давлат барпо этган улуғ шоҳ сифатида, асосийси, ўз халқи, ўз юрти келажаги учун фидойи курашчи қиёфасида намоён бўлади. У ўз «дардларини» кўпроқ Султон Муҳаммадга айтиди, ўзи эриша олмаган орзу-умидларга шу набираси эришувини ният қилади. У ўз тахтига ворис сифатида камолга етказа боради. Шу сабабли: «Ул бошқа, тул бошқа. Менинг бойликларим ва тожу тахтим кучи билан гирдикапалак бўлаётган фарзандлар ул эмас, тулдир», — деб изтироб чекади. Искандар Зулқарнайн ҳақидаги ривоятни айтиб, набирасига ўз умри кам қолаётганлигини эслатиб қўяди. Темур Султон Муҳаммад билан ҳар бир суҳбатда ҳаётнинг аччиқ-чучукларини татиб кўрган, ўта донишманд бобо сифатида насихат қилади, эзгулик, ахлоқий, руҳий, жисмоний, ақлий баркамоллик йўлларини таъкидлайди. Соҳибқироннинг панд-насихатларида халқимизнинг ахлоқий қарашлари ўзининг тўлиқ аксини топган, бу ўғитлар комил инсонни вояга етказиш ҳақида бўлиб, куйида улардан бирини келтиришни лозим топдик:

Агар билсанг дунё ўтар бошма-бош,  
Фам тушганда кўздан оқар селоб ёш,  
Онани ой билгин, отани Қуёш,  
Отанг турган томнинг устига чикма.

Ёшликда ҳар кунинг ўтар мастона,  
Ҳар бир дақиқалар битта достона,  
Отанг азиз бўлса, онанг остона,  
Остона тошнинг бағрига чиқма.

Донолар ишини доим зўр қилар,  
Яхши фарзанд онасини хур қилар,  
Нонни хор қилмагин кўзни кўр қилар,  
Буғдой донасининг устига чиқма.

Беморни кўрганда ҳолини сўра,  
Мард бўлсанг ғарибнинг кунига яра,  
Сафарга жўнасанг отингга қара,  
Йўлдошинг синамай сафарга чиқма.

Бир хилга кўринсанг хандон кулади,  
Кўзинг пана бўлса, ғийбат қилади,  
Сирингни билдирсанг, бетга солади,  
Бемурод инсоннинг олдига чиқма.

Ҳавога сочмагин олтин зарингни,  
Дўстларга сарф қилгин харна борингни,  
Бесабаб хўрлама севган ёрингни,  
Ёрингни ёмон деб кўчага чиқма.

Ҳамсоя ранжиса, фикр кетди де.  
Сирларим фош бўлиб, элга етди де,  
Менга зулмини тошдай отди де,  
Ҳамсоянг бақирса, олдига чиқма.

Ҳар инсон туғилиб пушаймон бўлмасин,  
Корига етсинда эрта ўлмасин,  
Сен учун бировнинг гули сўлмасин,  
Ҳеч қачон зулмнинг устига чиқма.

Ҳар бир ҳаракатнинг вақти бўлади,  
Сабрнинг олтидан тахти бўлади,  
Моҳир созанданинг сохти бўлади,  
Хунарли бўлмасдан майдонга чиқма.

Инсонни хўрлама қадрини бил,  
Яхшилар ҳурматин бир умрга қил,  
Ёмоннинг бағрини фикринг билан тил,  
Шайтонга ушланиб чўлига чиқма.



Миннатли ишни бил заҳардан ёмон,  
Заҳарни еганлар қолмаган омон,  
Ёмоннинг келиши яшиндан ёмон,  
Бош эгиб, шунқорим, даврадан чиқма.

Бу пандномалар ҳаётнинг баланд-пастини, яхши-ёмонини бошдан кечирган, ўз авлоди, уруғи, халқи, юрти келажаги учун қайғурувчи доно, зукко бобо сабоқларидир. Шу ўғитлар Амир Темурнинг ақл-заковатини, кенг тафаккурини, ўз халқининг одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашларини мукамал билган комил инсон бўлганини кўрсатади. Айни дамда Темур буюклиги шундаки, у ҳар қандай ишни бажаришдан жангга кириш, сафарга отланиш, йирикроқ иморат қуриш, муаммоли масалани ҳал этишга киришишдан аввал ўз амалдорлари, яқинларини тўплаб, кенгашади, ёшнинг ҳам, кексанинг ҳам таклифини, фикрини, маслаҳатларини тинглаб, муҳокама юритади, чуқур мулоҳаза қилади. Зеро, Соҳибқироннинг: «Барча ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган тўққиз улушини қилич билан бажо келтирдим», — деган иқрори дostonда ўз аксини тўлиқ топган. Шу қатъий одатдан келиб чиқиб, Боязид билан жанг қилиш олдидан ҳам: «Кимда қандай фикр-мулоҳаза бор? Кенгашли тўй тарқамас, гапиринглар», — деганда 9 ёшли Улуғбек Мирзо ўз фикрини баён қилади. Аввал узр сўраб, бобонинг ҳукмдорнинг ҳурматини жойига қўйган ва сўзга рухсат олган Улуғбек:

Мардлар билан номардларнинг фарқи бор,  
Бугдой билан нўхатакнинг нархи бор,  
Золимликнинг бир кун бўлар сўрови,  
Улуғбекнинг сўзламоққа турки бор, —

дея гап бошлар экан, унинг гапларидан ақл-идроки, фаҳм-фаросати, диди, кишиларга муносабати, иззат-икроми аён бўлади. Ёш бўлишига қарамай, яхши-ёмонни, дўст-душманни, баланд-пастини, мард-номардни тўғри ажратади. Унинг ёш тасаввурида ҳам биринчи бўлиб уруш очганлар лаънатга лойиқ. Шу боис гарчи Боязид Темур қўшинлари турган жойга бостириб келган бўлса-да, жангни ҳам аввал Темур эмас, Боязиднинг ўзи бошлагани маъқул.

Боязид ҳам келган экан ўшқириб,  
Полвонлари жанг излайди пишқириб,  
Бу воқеа тарих бўлар бобожон,  
Ўқиганлар жирканмасин тушқириб.

Кўпқарида толмас отнинг жарови,  
Заҳар бўлар тираманинг қирови,  
Биринчи бўб бошламайлик қиёмат,  
Ҳар нарсанинг бир кун бўлар сўрови.

Бахши маҳорати шундаки, барча персонажлар каби Улуғбек сўзларини ҳам халқона, маънодор, бадиий мукамал тарзда бера олган. Юқоридаги биринчи банд охирида қофия бўлиб келган сўзлар ҳам бадииятни, ҳам маънони кучайтиради. Боязиднинг ўшқириб келиши билан, жаладан сўнг дарёнинг ўшқириб оқшининг бойловдаги от (ёхуд хўкиз) пишқирishi билан ўлжа илинжидаги йигитлар пишқирishини қиёсласак, кўз олдимизга келтирсак, дostonчи санъаткорлигини англаш қийин бўлмайди. Дарвоқе, дарё ҳамиша ўшқириб оқмайди. Селга тўлиб ўшқириб оқдими, демак, фалокат, вайронагарчилик келтиради. Боязид ҳам ўшқириб келган экан, у ҳам офат, балойи азим. Бу балони, офатни қайтариш керак. Аммо келгуси авлодлар тарих балогардонларни лаънатлайдиган тарзда эмас, олқишлайдиган, шарафлайдиган тарзда. Тарихда шарафланишини хоҳловчилар эса мард бўлиши, дастлаб қилич кўтармаслиги лозим.

Улуғбекнинг фикрларини теран англаган бобо, улуғ жаҳонгир набирасидан ҳақли тарзда ғурурланиб: «Офарин! Гуноҳ ишдан жирканиб, эл-улуснинг тинчлигини ўйлаб, менга айтган бу ҳақиқат сўзларинг доно инсон тафаккурининг мевасидир. Шукрим, фарзандларим, набираларим жоҳил эмас, балки фозилу комил бўлиб етишмоқда экан», — деган сўзларида фикр, ифтихор туйғуси мужассам.

Дарвоқе, қобил фарзанд, ақлли набиралар билан фахрланиш, уларнинг эзгу савоб ишларидан қувониш ҳар бир одамга хос хусусият. Айни дамда халқимизда энг оғир кулфат фарзанд доғини, набира ғамини тортишдир. Темур бу ҳақда «Ҳар инсон туғилиб пушаймон бўлмасин, корига етсин-да, асло ўлмасин», — деб Султон Муҳаммадга ният қилганда, Соҳибқирон яна бир оғир жудоликка учрайди.

Соткин Қора Юсуф туфайли меҳр қўйган, валиахд бўлади деб алоҳида меҳр-ихлос билан тарбиялаётган Султон Муҳаммад ҳалок бўлади. Бу оғир йўқотиш не бир жангларни кўрган, Амир Темурдек жаҳонгирнинг ҳам қаддини лол этиб, кўздан селоб ёшини тўқади. У нечоғлик буюк бўлмасин, иродали бўлмасин Яратган парвардигордан нажот тилаб қаттиқ изтироб чекади.

Олдин келганларни олдин олсанг-чи,  
Бу савдони, худо, менга солсанг-чи,  
Раҳм айлаб, шунқоримни қайтаргин,  
Нима қилсанг, майли, мени қилсанг-чи...

Қор эриса озик кирар жерларга,  
Қуёш тушса жер кўпчийди қирларда,  
Ворисим деб тортаётир боврига,  
Ушбу дамда ким чидайди зорига...

Бу дардли мисраларда нафақат Темур қайғуси, кулфати, руҳияти бор, балки туркий оталарга хос умумийлик ва руҳият мужассам. Уларнинг фоний дунёда, ер юзида яшашдан чиқарган хулосалари қуйидагича:

Савоб билан одам ками тўларкан,  
Яхши кетса яхши номи қоларкан,  
Қўлдан келса Темур қилгин яхшилик,  
Одамзоднинг белгиси шу бўларкан.

Ҳамма зўрни ўқиб чиқдинг бошидан.  
Хабар топдинг қилиб кетган ишидан,  
Ноҳақ тухмат ёмон экан, Темурбек,  
Йиқилсанг ҳам ўтма ёмон қошидан.

Доно бўлсанг, Темур шундай фикр қил,  
Яратганнинг ҳар кунига шукур қил,  
Сен кетган сўнг яна қанча ўтади,  
Савоб иш билан умрингни охир қил.

«Темур ва Боязид» достонида афсонавийлик ва тарихийлик, чатишиб кетган, бахши саводхон бўлганидан Амир Темур ҳақидаги тарихий манбалардаги далилларни ўқиб ўрганган. Бу фольклорга хос макон ва замоннинг ноаниқлиги анъанасидан чекинишга имкон яратади. Асарда

фақат иштирок этувчилар реал шахслар бўлиб қолмай, воқеаларнинг ривожини, юз берган вақти ҳам тарихий далилларга мос келади. Темур Султон Муҳаммад, Улуғбек, Боязид, Қора Юсуф, Султон Аҳмад сингари тарихий шахслар воқеалар марказида турган ҳолда, сюжет ривожининг асосини ташкил этса-да, бу образларнинг у ёхуд бу хислатларини ёритишда Самгул, Давлат, Суюн Бека, Шабли сингари тўқима ёхуд прототипга эга персонажларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Реал тарихий воқеалар, шахслар ва тўқималардан бадиийлик талаби билан асар юзага келган.

Тарихий мазмундаги дostonларнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг мавзуси, образлари, ташиган ғоялари муайян тарихий шароитдаги қурашлар билан боғлиқ. Гарчи бу тур асарларда ҳам бош қахрамон образини идеаллаштириш тенденцияси мавжуд бўлса-да, бу ҳол қахрамонлик ва ишқий романтик дostonларда бўлганидек ўта идеал даражага кўтарилмайди, балки ўз замонасининг илғор вакили сифатида барча ижобий томонлари биноан намоён бўлади.

Биз ўрганаётган Қаҳҳор бахши Қодир ўғлидан ёзиб олинган «Темур ва Боязид» дostonидан ҳам шу ҳолат кўринади. Аввало шуни қайд этиш лозимки, Қаҳҳор бахши ўзбек анъанавий дostonчилик хусусиятларини жуда яхши билади ва шу билан бирга тарихий фактларни, воқеаларни ўрганиб, XIV аср тарихига, тарихий воқеа-ҳодисаларнинг йўналишига ҳолисона муносабатда бўлиб асарни ижро этган. «Темур ва Боязид» дostonида қахрамонлик, ишқий-романтик дostonларга хос хусусиятлар тарихийлик билан уйғунлашган ҳолда ғоявий мақсадни юзага чиқарган. Бу дoston, асримизнинг 20—30-йилларида яратилган «Жиззах кўзғолони», «Очил дов», «Қорақум», «Дастагул», «Амир қочди» дostonларидан ўзининг тили, анъанани сақлагани, тарихий даврни акс эттириши, бадиий хусусиятлари билан кескин фарқ қилади. Мазкур дostonларнинг асосий қисми, гарчи дostonчилик жанри талабларига жавоб бермаса-да, тарихий қўшиқ ёки оралиқ шакл даражасида қолиб кетса-да тарихий дoston сифатида баҳоланиб келмоқда. Мазкур асарлар ҳукмрон синф мафқураси тазйиқида яратилгани, уларнинг композицияси ва сюжети, воқеаликни қамраб

олиши дoston дейишга асос бермаслиги фольклоршунослар томонидан исботлаб берилган.

XX асрда яратилган тарихий замонавий дostonлардан «Темур ва Боязид» тубдан фаркланиб, у фақат тарихий воқеаларнинг шарҳидан иборат бўлиб қолмаган. Балки унинг юзага келишида узоқ асрлик туркий дostonчилик анъанасига амал қилинган. Халқ эпосидаги насрий ва назмий ўринларнинг алмашилиб келишигина эмас, воқеанинг (сюжети) қизиқарлилиги, композициянинг яхлитлиги билан бирга эпик ўринлардан, тайёр мисралардан, зачин ва тугалланмаган, қахрамонлик ва ишқий-романларга хос романтик кўтаринкиликдан ўринли фойдаланади.

Албатта, бу дostonни куйлаш, тарихий шахс, улуф Сохибқирон ҳақида тарихий ҳақиқатни сақлаган ҳолда бадий тафаккур қилиш бахши учун осон эмас эди. Қаҳҳор бахши масъулиятни чуқур ҳис этади ва буюк Амир Темур ва темурий шахзодалар образида, тарихий шахс Боязид ва ўзга тарихий шахслар ва бадий тўқима образларда ҳаётийликка амал қилади. Дoston конфликт юзага келиши ва ҳал этилиши тарихий ҳақиқатга тўғри келади. Бахши Амир Темур фаолиятини, тарихдаги мисилсиз хизматларини, ҳалоскорлик миссиясини бир асарда ёритиш имкони йўқлигидан, унинг кўпдан-кўп зафарли юришларидан бири — Боязидга қарши курашини ёритиш орқали Темурга хос фазилатларни акс эттира олади.

Ҳар бир воқеа, образни яратишда бахши санъаткорлиги, маҳорати намоён бўлади. Бу, айниқса, сажъ қўллашда, бадий воситаларни қўллашда, халқнинг жонли тилидан фойдалана олишда, портрет яратишда, образларни умумлаштириш ва индивидуаллаштиришда яққол кўринади.

Маълумки, сажъ ўзбек эпоси учун жуда қадимий услуб элементи ҳисобланади. Фольклоршунос Т. Мирзаев дostonларимизда анъанавий услуб элементлари кўп эканлигини таъкидлаб шундай ёзади: «...асрлар бўйи ишланган халқ бадий традицияси ва куйловчи ижодий фаолияти бирлигида вужудга келган эпосда традицион стиль элементлари ва поэтик формалар устун туради»<sup>1</sup>. Сажъ санъ-

<sup>1</sup> Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968, 131-бет.

атининг эпосда устун туришини ҳозир маълум бўлган халқ дostonларининг прозасини текшириш тўла қувватлайди. Унинг қадимийлигини эса оғзаки ижоддан ташқари ёзма қадимий манбалар — Урхун-Энасой ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, халқ оғзаки бадий ижодида сажъ жуда ҳам қадимий бўлиши ўз-ўзидан маълум, чунки ёзма манбаларда қўлланган сажъ учун замин ёзув пайдо бўлишидан анча илгарироқ пайдо бўлганлиги ўз-ўзидан аниқ. Қахҳор бахши ҳам бу қадимий ва анъанавий услубдан бутун дoston давомида унумли фойдаланади. «Темур ва Боязид» дostonининг бошламасида, хулосасида, портрет яратишда, ўрин-жой тасвирида, характер, хусусиятни ифодалашда сажъдан кенг фойдаланилади.

«Темур ва Боязид» дostonи бошламаси: «...осмоннинг остида, Ургут товнинг пастида, Бухородай азим шаҳарнинг ростида, жаҳонга машхур гулшани макон, ҳайратда жаҳон, таъзимда Полопон, келган савдогар бир кеча бўлар меҳмон, пасти Фарғонаю Андижон, яна Марғилон, кун ботиши Эрон, ёнбоши Турон, атрофи Исфижаҳон, кун чиқиши ойнаи жаҳон, Покистон билан Ҳиндистон, бу ёғи Хуросон, Каспийдан нарёғи Гуржистон, марказий майдони Регистон, қабатида Қашқа билан Сурхон» бўлган Самарқанд жойлашган ўрин-жой тасвирини сажъли кўрсатиш, таърифлашдан иборат. Бу тасвирда бахши реалликка риоя қилиш билан бирга, Полопон сингари анъанавий эпик, макон (тоғ), ойнаи жаҳон каби сифатлашни ҳам қўллайдики, улар ишқий-романтик дostonлар таъсирида кириб қолган.

Портрет яратишда ҳам бахши маҳорати яққол кўринади. Буни аниқроқ ҳис этиш учун мисолларга мурожаат этайлик. Мана, улуғу жаҳонгир Амир Темур портрети: «...ёши олтмишни қоралаган, соқолига беҳишт оралаган, алдоқчини, фирибгарни сўзи билан яралаган, айтган сўзи бир, кўзлари ўткир, бўйи ўрта, мурити бурта, бургут қабоқ, шер юрак, қоплон билак, гавдаси кенгиш, сўзи беҳиш, ёши ўрта эди, курак тиши болта эди, ёмонлик қилганнинг умри калта эди, харбий иш билан ўйнар, дангасани қийнаиб овқатни эринмай чайнаб эди. Кўкрагининг ҳоври тандир эди, чарданининг очти чандир эди... Зарбаси душманга етган, қиличини зарб билан урса пўлатга тўрт энли ботган,

кимсан Амир Темура бўлиб жаҳонга номи тарқаб кетган эди» (3-бет). Кўринадики, бахши Темура портретини яратишдаёқ унга хос мардлик, адолатпарварлик, кучлилик хусусиятларини бера олади.

Сажъ усулида яратилган Боязид портрети унга хос хусусиятлар эса тубандагича тасвирланади: «...Рум шаҳри подшоҳини Елдириб Боязид деб атар, кун ботиш диёрида Рум қайсари деб ном олган, кўпгина жойларни ўзига қарам қилган, ўрта аж, сўзини маъқул демаган билан ўлгунча ғам, пешонаси тиришган, халқумлари буришган, хотини гапга кирмаса тонг отгунча уришган, бекларнинг бирови гап гапирса, ётиб олиб суришган, суришгани пора берса кўрмагандай кўришган, бир қайсар одам эди. Ҳарб юришларида ном қозонган ўзи паҳлавон, жоҳилликда иблисга дарс берган фирибгар, энг гўзаллиги шунда эдики, фаросатли, билимдон эди, елкаси озроқ гўр, пешонаси қайсарлигидан шўр, лекин бир кўзи кўр эди, бироқ гапга кўнмаган гўр эди». Боязид портретида анъанавий эпосдаги салбий образларга хос тасвир етакчилик қилади. Аммо улардан фарқи шундаки, Боязид батамом ёвуз, жоҳил, номард эмас. Балки паҳлавон ва билимдон ҳам. Бироқ қайсарлиги, ажлиги ундаги бу ижобий хусусиятларга соя солиб туради. Зеро, бахши таърифлаган бу хусусиятлар тарихий асарларда ҳам эътироф этилган.

Қаҳҳор бахши портрет яратишда ҳамisha сажъ санъатини у ёхуд бу тарзда қўллайди, халқ оғзаки ижодида қизлар таърифидида сажъ кенг ишлатилгани ҳолда, ўхшатиш ва сифатлашлардан фойдаланиш асосий ўринни эгаллайди. Шу ўринда Боязиднинг қизи Севинчбону қиёфасига бир назар солайлик. «Шу пайт арқа оламнинг мўъжаз малаги, худонинг қудрати билан чин меҳр бериб яратилган сулув, гулдан нозик, сугдан оқ, сувдан тиник, асалдан ширин, тонг шамолидай майин, тойдай асов, қўйдаи жувош, бели қилдай, сочи тилладай, хумор кўзлари тонг юлдузидай порлок, қошлари уч кунлик янги туғилган ойдай, юзлари эса қизили қизилга, оқи оққа ажралган анордай бир парипайкар, зебо бир юз эркалик билан кириб келди-да, барчага кўнғирокдай овози билан салом берди.

Ўзбек халқ дostonларидаги сажъ анъанавий поэтик элемент бўлганлиги сабабли у типик ўринларда кўп қўлла-

надики, буни Қаҳҳор баҳши репертуаридан ёзиб олинган бир дoston мислида ҳам қисман кўрдик. Дoston бошлан-масида қўлланган сажъ дostonда тасвирланаётган воқеаларнинг вақти, қаҳрамонларнинг юрти, авлоди, уларнинг аҳволи, воқелик ўрни ва бошқалар ҳақида хабар беради. Экспозициянинг сажъланиши орқали баҳши юқорида айtilган (макон, замон, авлод шажараси ва аҳволи каби) ларни равон баён қилишга эришса, портретни сажъли баён этиш, уни тингловчи хотирасида мустаҳкам ўрнашиб олишига имкон яратади. Фольклоршунос Б. Саримсоқов қайд этганидек, «Темур ва Боязид» дostonида қўлланган сажъ ҳам асосан икки функцияни бажариб келади:

1. Эвфоник функция. Бунда тасвирнинг эмоционал таъсири ортади ва тингловчи (ўқувчи)ни зериктирмайди, унинг диққатини кучли жалб этади.

2. Баҳшининг дostonни куйлаш жараёнида импровизация қилиши учун кенг имконият очиб бериш функцияси. Маълумки, ўзбек дostonчилигида у ёки бу ижодкор маълум бир матнни ўрганиш ва уни оғзаки куйлаш орқали қайта ижод қилади. Бироқ Қаҳҳор баҳши каби кучли истъоддога ва ҳофиза қудратига эга бўлган, қирқдан ошиқ дostonни мукамал билган баҳшининг у ёки бу дoston матнини куруқ ёд олган ва шуларни куруқ такрорлайди деб ўйлаш тўғри бўлмайди. У доим ҳар бир дostonни ижодий куйлайди. Шундай экан, бунда бадиҳагўйлик (импровизация) асосий роль ўйнайди. Сажъ эса ўзининг оҳангдорлик, равонликни таъминлаш функцияси орқали, яъни ўзига ҳамвазн, ҳамоҳанг сўзни чақириб олади ва шу билан импровизацияга кенг имконият очиб беради<sup>1</sup>.

«Темур ва Боязид» дostonида энг кўп қўлланган бадий-тасвирий воситалардан яна бири эпитетлардир. Эпитетлар маълум фикр, белги хусусият ёки ҳолатни старлича аниқ тасаввур қилиш, асарнинг эмоционал таъсир кучини ошириш, бадий-эстетик қимматини тушуниш учун хизмат қилади.

Муҳаммадим эди найлай қарчиғай,  
Мерганликда югурик ҳамда қарағай.

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Дostonларда сажъ ва унинг характери. Фозил шоир. Ўз. «Фан» нашр. 1973 й. 113-бет.



Шу Темур номидан айтилган биргина жумлада Султон Муҳаммаднинг мардлиги, эпчиллиги, ўта мерганлиги йигитларга қўлланиладиган қарчиғай, қарағай доимий эпитетлари орқали берилган.

Достонда турли-туман кўчимлар, хилма-хил такрорлар бадий ва синтактик параллелизмлар кўп қўлланилган. Илгари сурилган асосий фикр, ғоя, ифодаланмоқчи бўлган ҳолат, нарса, табиат ҳодисалари, предмет ва воқеаларга киёслаш, кўчириш орқали солиштирилади. Шу билан параллел келган, тасвирланган воқеа-ҳодисалардан бирининг маъноси кучайтириб берилади. Параллелизм энг аввало киши руҳий дунёсини очишда, асарнинг эмоционал кучини оширишда катта аҳамиятга эга. Мана, Темур руҳиятини яққол кўрсатувчи шундай параллелизмга мисол:

Искандарни тикдинг ернинг қаърига,  
Рустами Зол қолди тоғнинг бағрида.  
Келганларни дунё бир-бир йиғлатдинг,  
Муҳаммадни бугун олдинг захримга.  
Сулув қизнинг сулувлиги юзида,  
Меҳри гўё кўринади кўзида.  
Муҳаммадни пар кўрпага ётқизди  
Қип-қизил қон томиб қолди изида.

Султон Муҳаммад ва Севинчбону бир-бирини тушида кўриб севиб қолиши, уларнинг ишқий дардида қоврилиши, илк учрашув ва видолашув лаҳзалари, Севинчбону таърифида ишқий-романтик достонлар таъсирини сезиш қийин эмас:

Чашма булоқ сувлари ҳам оқмай қолди,  
Дарахтлар меваларини тўкмай қолди,  
Гўшасидан агар чикса ташқарига,  
Кечалари ҳеч ким ойга боқмай қолди.

Бу Сангул опанинг Севинч ҳақидаги Султон Муҳаммадга хабари. У аёллар назарида шу қадар юксак таърифланар экан, йигитлар назари тушганда қанчалик улуғланишини англаш қийин эмас. Севинчбону ташқарига чиқиб, ўз жамолини кўрсатиб турмасида чашма булоқ сувлари оқмайди, дарахтлар пишган мевасини бермайди,

чикқанида эса ой юзи унинг чехраси олдида хира бўлганидан ҳеч ким ойга боқмайди.

Демак, яратилган тўқима образлар орасидаги муносабат, ахлоқий-ақлий зиддиятлар, кураш ва интилишлар ўша давр воқелигини юксак даражада ифодалашга имкон яратади.

Улуғ Соҳибқирон ҳақида ушбу дostonда «Гўрўғли», «Алпомиш», «Рустамхон», «Кунтуғмиш» ва ўзга анъанавий дostonлардагидек эпик қаҳрамонга ҳомийлик қилувчи қирқ чилтон, Хўжайи Ҳизир образлари учрамайди. Аммо қаҳрамон Амир Темур ҳомийсиз ҳам эмас. Темурга ҳомийлик унинг пири Баҳовуддин зиммасига юкланади. Баҳовуддин кўп вақт Темурнинг тушига кириб, уни эзгу ишларга ундаб туради, хатолардан, фалокатлардан огоҳлантиради, эзгуликка, яхшиликка, ғалабага рағбатлантириб руҳий куч-қувват бағишлайди:

Бегуноҳни, болам, зинҳор хўрлама,  
Тоби йўқни ғазо куни зўрлама,  
Сапол чинни бўлмас, бегона ини  
Гап учиб таги шунқор жарлама.

Ҳомийларнинг қадимий қирқ чилтон ёхуд Хўжайи Ҳизирдан пирга ўтиши, таъкидлаганимиздек, ислом мафкурасининг таъсири бўлиб нисбатан кейинги даврларда яратилган дostonларда юзага келган.

«Темур ва Боязид» дostonида Боязид ҳам қора бўёқларга чаплаб ташланмайди. Балки унинг авлиё сифат киши бўлгани, жангдаги мислсиз мардлиги, кучлилиги эътироф этилган ҳолда, фақат табиатан қайсарлиги, шу қайсарлик туфайли хатоларга йўл қўйиши далиллаб берилади. Аммо унинг мард ўғли Шабли, гўзал қизи Севинчбону отасининг хатоларини тўғри англаб етадилар. Шабли сулҳ тарафдори бўлганидан Темур хузурига бориб жанг қилмаслик, халқ қонининг беҳуда тўкишнинг олдини олиш чораларини излайди. Шабли, Севинчбону, Темур ва Султон Муҳаммад образларида туркий халқлар қон-қариндошлиги, дўстлиги улуғланади.

Бахши образлар қиёфасини чизишда, ҳатти-ҳаракати, кураш ва интилишларни ёритишда жонли халқ тили

бойликларидан, бадий-тасвирий усуллар ва воситалардан ўринли ва унумли фойдаланади. Маълумки, анъанавий дostonда образ яратишнинг муҳим воситаларидан бири ўхшатишдир. Бу анъанавий «Темур ва Боязид» асарида ҳам тўла сақланган. «Ўхшатишлар ҳам бахши қандай гоёни илгари сургани, кимни ёқлаш ёки қоралашга кўра икки салбий ва ижобий маъно оттенкаларида қўлланилади. Эпосда қаҳрамонларга доимо аждарҳодай, шердай, арслондай, гўзалларни ўн беш кунлик ойдай, душманга кузғундай, итдай ўхшатишлари қўллаш характерлидир. Қаҳрамонлар характерини очиш, уларнинг ички ва ташқи дунёсини тингловчига тўлароқ етказишда ўхшатишларнинг мослиги, уларни ўз ўрнида ишлатиш катта аҳамиятга эгадир»<sup>1</sup>. Мана бу Амир Темурнинг элчилари Боязидга мактуб олиб бораётгани тасвиридаги ўхшатишларга эътибор берайлик:

Бўйи етган бўй қизлар,  
Бир қошиқ сувга ўхшар.  
Пешонада хумор кўз  
Лаъли гавҳарга ўхшар.

Тўрт туёқдан чикқан чанг,  
Булут кўчганга ўхшар.  
Қулоқнинг ораси кенг  
Бепоён чўлга ўхшар.

Бедов отнинг қулоғи  
Тоғдаги қирга ўхшар.  
Ўмгандаги бўлаги  
Кўпган хамирга ўхшар.

Саманнинг майин жоли,  
Шаршара сувга ўхшар.  
Баданда етмиш холи,  
Бухор тангага ўхшар...

...Отлар карсақдай қотди,  
Қамчилар симдай ботди.

---

<sup>1</sup> М. Муродов, А. Эргашев. «Гули хиромон» достони ҳақида. Исломи шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. Т., «Фан» 1978, 24-бет.

Қахрамонлар тасвирида анъанавий дostonлардагидек муболағалар, жонлантиришлар кўплаб учрайди.

Темур борар ишқириб,  
Остида от пишқириб,  
Темурбекнинг захрига  
Куёш писди тушқириб.

Олам юзин беркитди,  
Кўшин тоғни ҳуркитди,  
Темурнинг сиёсати,  
Ҳатто ерни кўркитди.

Худди шу тўртликдаги қофиядош сўзларга биз юқорида ҳам дуч келгандик. Аммо сўзларга юклатилган маъно икки ўринда икки хиллигича, вазнга назар ташласак, бахши маҳоратини англаш қийин эмас. Қахрамонлик эпосига хос ҳолда Темурни эпик қахрамон даражасида тасвирлаш учун бахши муболаға санъатидан моҳирона фойдаланади. Ҳали ҳал этувчи жанг бошланмасданок, «оти пишқириб, ўзи ишқириб» турган, қаҳридан «куёш тушқирган, сиёсатидан ерни кўрқитган» Темурнинг ғалабасидан тингловчи огоҳ бўлади. Дostonда бундай ўринларни истаганча келтириш мумкин. Аммо бу алоҳида тадқиқотни талаб этишини қайд этган ҳолда Қаҳҳор бахши ижодидаги муҳим бир хусусиятни таъкидлаш лозимки, бу дostonнинг насрий ва назмий ўринларида халқ ҳикматларининг мақолларининг ниҳоятда кўп учрашидир. Ўзбек бахши-шоирларидан фақат икки киши — Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Қодир бахши Раҳимов ижодида бир тўртликнинг дастлабки икки, гоҳо уч сатри ҳикмат, сўнгги мисра воқелик баёни экани кўзга яққол ташланади. Қаҳҳор бахши куйлаган барча дostonлар, хусусан, «Темур ва Боязид»да ҳам шу устозларнинг анъанаси ёрқин намоён бўлади. У халқ донишмандлигини яхши билган ижодкор сифатидагина эмас, ўзи ҳам доно, билимдон, кўпни билган, ҳаётий-фалсафий тушунчаларга эга инсон сифатида кўринади. Шеърини ўринларнинг асосий қисмида бир банднинг дастлабки икки сатрида ҳикмат айтиш, бу ҳикмат сўнгги икки мисра мазмунига, воқеалар мазмунига путур етказмаслиги, балки янада мазмунан бойитиши бахши маҳоратини белги-

ловчи омиллардан биридир. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Инсонни хўрлама қадрини бил,  
Яхшилар хизматини бир умрга қил.

Миннатли ошни бил заҳардан ёмон,  
Заҳарни еганлар қолмагай омон.

Ҳар инсон туғилиб пушмон бўлмасин,  
Қорага етсинда эрта ўлмасин.

Беморни кўрганда ҳолини сўра,  
Мард бўлсанг ғарибнинг кунига яра.

Ҳоварга сочмагин олтин зарингни,  
Дўстларга сарф қилгин ҳар борингни.

Ҳамсоя ранжиса фикр кетди де,  
Сирларим фош бўлиб элга етди де.

Бир хилга кўринсанг хандон кулади,  
Кўзинг пана бўлса ғийбат қилади.

«Темур ва Боязид» дostonининг ўзидагина бундай афоризм даражасидаги мисоллар мингта яқинлигини айтишнинг ўзиёқ Қахҳор бахши халқ донишмандлигини нақадар кенг билганлигига гувоҳдир. Айни вақтда дostonда халқ педагогикасининг мағзи бўлган насихатлар, дуо-насихатни кенгрок ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги кунда жуда зарур ва долзарб вазифалардан бўлиб, бу миллий қадриятларни тиклаш, ёшларга миллий урф-одатларни сингдириш воситасидир.

Хуллас, Амир Темур ҳақида ўзга дostonлар каби «Темур ва Боязид» ҳам тарихимизни мукамал билишга, яратувчи ва бунёдкор тафаккурини англаш, ўз қаҳрамони, ҳалоскорига бўлган муҳаббатини ҳис этишга хизмат қилади...

Қашқадарё, Сурхондарё халқ оғзаки ижоди, хусусан, дostonчилик юқорида ҳам қисман айтилганидек, қадимий бўлиб унинг бугунги кунда ҳам яшовчанлиги, жонли

жараёнда давом этаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу воҳалардаги бахшилар репертуаридаги бир қатор дostonлар жумхуриятимизнинг ўзга поэтик мактабларида учрамайди. Шундай дostonлардан бири «Олланазар — Олчинбек» дostonидир. Олланазар — Олчинбек — халқ бахшиси, бахшининг имон-эътиқоди, садоқати, поклиги ҳақида қасидадир. У айниқса, Жанубий Ўзбекистонда энг шуҳратли бўлган Шеробод поэтик мактаби вакиллари орасида машхур бўлган. Ўзбек фольклоршунослари «Олланазар — Олчинбек» дostonининг олти вариантини ёзиб олганлар. Шу вариантлар ичида бадий жихатдан энг яхшилари Мардонакул Авлиёкул ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли ва Қаҳҳор бахши Қодир ўғли вариантларидир. Бу уч вариант Шеробод дostonчилик мактабининг уч авлод вакили томонидан ёзиб олинган.

Айтишларича, «Олланазар — Олчинбек» дostonи дастлаб Шеробод поэтик мактабида синов дostonи вазифасини ўтаган. Яъни устоз бахши шогирдини ойлаб, йиллаб ёнига олиб юрган, унга дўмбира куйларини, билган дostonлари матнини ўргатган. Шогирд камолга етиб мустақил дostonчи сифатида дуо олиш лозим бўлганда устоз унга ўзи ўргатмаган «Олланазар — Олчинбек» дostonидан парча айтишни талаб қилган. Фикрлаши кенг, соз ва сўз маҳорати етишган шогирдга устоз Олланазар — Олчинбекнинг от эгарлашини ё сафарга чиқишини ёхуд ёрга боришини айтинг, деганда бадиҳа йўли билан тўхталмай куйлай олган. Бошқача айтганда, иқтидорли шогирд устоз ўргатган дostonлардаги шу каби эпик ўринларни бадиҳа йўли билан ўзлаштириб «Олланазар — Олчинбек»ка нисбат бериб айта билган ва дуо олишга муяссар бўлган. Бадиҳагўйлик қобилиятдан холи, фикрлаш доираси тор, фақат ёдлаганини такрорлаб қолувчи ёш бахши эса дуо ололмаган, оқибатда у мустақил дostonчи сифатида эътироф этилмай ижрочи бўлиб қолаверган.

Шундай синов дostonи вазифасини бажарган «Олланазар — Олчинбек» дostonи мавзу жихатдан ва ўзида ифодалаган ахлоқий-таълимий хусусиятларга кўра айрича аҳамиятга эгадир. Бизнинг фикримизча, дастлаб устоз бахши томонидан шунчаки синов мақсадида топилган

Олланазар — Олчинбек номи билан маълум матнларни айтавериш натижасида кейинчалик дoston шаклланган. Дostonнинг номланишига келганда шуни айтиш жоизки, бахшиларга ҳам худонинг назари тушган бўлади деган қараш бор. Шу сабаб бахшининг номи Олланазар, яъни худонинг назари тушган маъносидадир. Зеро, бир бадиҳагўй дostonчининг юз минглаб мисрани ўзида жамлаган 60—70 эпос намуналарини билиши ва уни эллиқдан ортиқ дўмбира куйларига мослаб ижро эта олишиёк, шу фикрни асослайди. Олланазарнинг «Олчинбек» таҳаллу-сини олишини эса деҳқонободлик Ҳайим бахши Пиримкул ўғли «Олчинбекнинг ҳар ийни ва кўкраги бир олчин<sup>1</sup> бўлгани билан изоҳлайди.

«Олланазар — Олчинбек» дostonи вариантлари орасида нисбатан ёш бахши Қаҳҳор Қодир ўғли варианты ўзининг нисбатан мукамаллиги, воқеаларнинг етарли асослангани, халқ урф-одатлари, расм-русумларининг кўпроқ сақланиб қолгани, қадимий дostonчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштиргани билан ажралиб туради.

Бунинг боиси шундаки, Қодир бахши Раҳим ўғлидек машҳур дostonчига фарзанд-шогирд бўлган Қаҳҳор болалиқдан созни сайратиши, дoston куйлаб кўнгилларни яйратиш сирларини отасидан ўрганди. У ўнлаб дostonлар каби «Олланазар — Олчинбек» дostonини ҳам Қодир бахшидан қайта-қайта тинглаб, ўзлаштириб олди. Айни дамда архивимизда сақланаётган шу дostonнинг Мардонакул Авлиёкул ўғли вариантыга дуч келди. Шу икки устоз бахшидан ўрганган вариантни ўз ижодий қобилияти, бадиҳагўйлик маҳоратини ишга солиб яқинлаштирган ҳолда куйлай бошлади. Тасодифан халқ бахшилари ҳаётининг меваси бўлган Олланазар бахши ва отаси Қодир Раҳим ўғли тақдиридаги ўхшашликларни илғаш Қаҳҳор бахшига кенгроқ имкониятлар яратиб берди. Олланазарнинг отадан етим қолиб, онаси қўлида тарбияланиши, ташки тузилиши, созни маҳорат билан сайрата олиши,

---

<sup>1</sup> Бир олчин бир қулоч ўрнида юрган.

овозининг ёқимлилиги, эътиқодининг мустаҳкамлиги, ўлими фожиаси тасвирлари айнан тарихий шахс Қодир бахши ҳаёти билан шу қадар ўхшаш, ўхшашгина эмас, балки буни Қодир бахшини яқиндан билганлар фарқламайдиган даражада эдики, тақдирнинг бу такрори ҳақида таажжубга тушмай илож йўқ.

«Олланазар — Олчинбекнинг ноҳақ ўлими тасвири келганда, — дейди Қаҳҳор бахши, — отам Қодир бахшининг бевақт вафоти, уни дафн этиш маросими, бу оғир йўқотишдаги йиғи-йўқловлар ўз-ўзидан куйилиб келаверди». Ана шу ўз-ўзидан кечинмалару дарднинг куйилиб келавериши, эпос воқеалари тасвирида йиғи-йўқловни юзага чиқарди. Элу халқнинг тукқандан тутунган афзал, тузга хиёнат қилиш гуноҳи азим, лафзни муқаддас билиши, имонсизга, сўзида турмайдиган субутсизларга нафрати эса қарғишларда акс этди.

Асли «Олланазар — Олчинбек» достони бахшичилик санъати, бу санъатнинг ўзига хосликлари, халқ бахшиларининг устоз-шогирдлик анъанаси, ахлокий фазилатлари ҳақида асардир. Зеро, Жанубий Ўзбекистонда бахшишоирлар ҳамиша ардоқли бўлган. Шу сабабли машҳур Шерна Бердиназар ўғли, унинг шогирдлари Мардонакул юзбоши, Умир шоир Сафар ўғли, Маматрайим юзбоши, ҳатто яқинда яшаб ўтган Қодир бахши ҳақида ҳам кўплаб ривоятлар, афсона даражасига кўтарилган ҳикоятлар яратилганки, жумҳуриятимизнинг бошқа жойларида яшаган бахшилар ҳақида бундай фактга дуч келмаймиз. Айни вақтда бахшичилик санъатини ўрганиш ва бахшилар ахлоқи ҳақида қасида тарзида «Олланазар — Олчинбек» яратилган.

Достоннинг фазилатлари тўғрисида гап кетганда устознинг дуо бериши, қадимий устоз-шогирдлик анъанаси, талқини етарли берилганини таъкидлаш керак. Бадиий образ даражасига кўтарилган тарихий шахс Бобо шоир Олланазарга шундай дейди:

Дўмбира кўшиқни муқаддас деб бил,  
Камтарликни доим фазилат деб бил,  
Ким яхши, ким ёмон танлаб олар эл,  
Ҳеч қачон ўзингни элга кўз қилма.



Достон айтганинда чала ташлама,  
Хар жойдан кемириб, чайнаб ташлама,  
Билмасанг достонни узиб бошлама,  
Сассиқ попушакнинг хунарин қилма.

Бу тарзда халқ пандномаси она томонидан ҳам, Бухорода амирлик ҳузуридаги йиғинда ҳам берилади.

Олланазар Бухорога сафар қилар экан, йўлда Хоналибойнинг хонадонига тушиб, тунаши ва бой билан ота-бола тугиниши достон воқеаларининг ривожини, конфликтни юзага келтиради. Бойнинг қизи ниҳоятда гўзал Гуландомнинг Олланазарни севиб қолиши ва унга эришиш учун қилган хатти-ҳаракатлари, аммо Олланазарнинг ўз сўзига собитлиги, эътиқоди, диёнати тасвири ниҳоятда таъсирли, бадиий мукамал яратилган. Олланазар худо номини ўртага қўйиб Хоналибой билан дўст тутингани боис, Гуландом муҳаббатини рад этади, бир зумлик лаззатдан, худога, ўзига хиёнатдан заҳар ичиб ўлмоқни афзал кўради. Бу достон бошқа эпос намуналари каби қаҳрамоннинг мақсадга эришуви билан эмас, ҳалокати билан тугайди. Аммо унинг диёнати, ҳалоллиги эзгуликнинг ўлмаслигига умид, ишонч пайдо этади.

Шуни айтиш лозимки, достонда тасвирланган воқеалар ўтмиш, узоқ тарих бўлса ҳам унда кўтарилган ахлоқий-маънавий руҳий масалалар бугуннинг ҳам, келажак авлодларнинг ҳам қалбида жўш урган умумбашарий ҳолатларнинг, фазилатларнинг баёнидир. Жумладан, бахшичилик анъанаси, бир-бирини кўролмаслик, диёнат ва хиёнат, номус ва беномуслик, эътиқод ва субутсизлик худди шу фикримизга гувоҳдир.

Қаҳҳор бахши қадимий анъанага суянган ҳолда воқеалар ривожига туртки бўладиган фарзандсизлик мотиви юзага келтириш ва ривожлантириш орқали ғоявий мақсадни баён қилади. Айни вақтда Олланазар — Олчинбекнинг Бухорога бориши, амир ҳузурида достон куйлаш факти ҳам тарихий ҳақиқатга мос келади. Таниқли фольклоршунослар В. Ж. Жирмунский ва Ҳоди Зарифовларнинг кўрсатишича, Бухоро амирлиги ҳузурида халқ бахшилари тез-тез бўлиб турган. Абдукарим жуйрук, Эрнарар қобон, Хидир бахшилар Бухоро амири ҳузурида ойлаб

достон куйлаганлар. Ўша вақтда Бухорога бориш, амир хузурида достону термалар айтиб эътибор қозониш барчага насиб этавермаган. Олланазар — Олчинбек Шарқда энг муқаддас қадамжолардан бўлган Бухорода бўлиб, ғолиб келгани, ёрлиқ олгани бежиз эмас.

Асосийси, Бухорога бориб-қайтиш воқеалари заминда баҳши шахси зиммасидаги масъулият, ахлоқий баркамоллик, диёнат, бир бурда нонни қадрлаш ғояси ўта таъсирли, юксак бадий мукамал тарзда берилади.

Ушбу Қаҳҳор баҳши вариантини бошқа баҳшилардан ёзиб олган вариантлар билан қиёсий таққослаш, унда сақланган миллий урф-одатларни, қадриятларни, руҳий тебранишларни, анъанавийликни, бадииятни илмий таҳлил қилиш, ғоявий асосларни ўрганиш навбатдаги йирик тадқиқотлар жумласига киради.

# 5-фасл

## ҚАШҚАДАРЁЛИК ФИДОЙИ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛАР



## ЧОРИ ҲАМРО — СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

*Айтмоқ даркор назаркарда эрларни,  
Вақтинда гуркираб ўтган шерларни  
(Эргаш Жуманбулбул ўғли)*

Давримизнинг донишманд шоири, олими, драматурги, мураббийи Мақсуд Шайхзода:

Умрлар бўладики,  
Тиригида ўликдир.  
Умрлар бўладики,  
Ўлигида тирикдир, —

деб ёзганида, шубҳасиз, эл назарига тушган, ишончини оқлаган, юрт ободлиги учун курашган, тириклик пайтида эзгу ишлар, улуғ мақсадлар учун тиним билмай меҳнат қилган кишиларни назарда тутган. Халқимиз орасидан фидойилар, беш кунлик дунёда ўз умрини эл-юрт манфаати йўлига тикканлар кўп чиққан. Шулардан бири Чори Ҳамродир. Унинг яшаб ўтганига тўққиз йил бўлаяпти. Аммо Чори Ҳамро ҳаёти, ижоди, саховати ҳақида афсоналашган хотиралар, ривоятлар камаймай, аксинча кўпаймоқда. Йиллар унинг бўйига бўй қўшиб, йирик гавдасини янада улканлаштираётгандай. Қашқадарёнинг қай бурчагида бўлманг, бу номни эшитасиз ва беихтиёр ким экан у, деб қизиқиб қоласиз. Зеро, у:

Инсон ишқин кўкнинг бўйнига солса,  
Самовият шу дам ёниб кетарди.  
Агар бир бор одам ишқида ёнса,  
Куёш куёшлигин инкор этарди, —

деб, ишқ билан яшаган, ишқи билан ижод қилган, ишқ билан севган ва ишқ билан айни шу ҳақ гапини айта олган инсон эди. Биз бу инсон билан уч-тўрт бор учрашганмиз, ақлига, фикрига тан берганмиз, аммо негадир ҳатто фан номзоди бўлмаганидан, Фафур Фулом, Ҳоди Зарифов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Амир Худайбердиев ва бошқалар эътироф этган, қойил қолган Чори Ҳамро ҳеч қандай илмий даража, унвонларсиз яшаганидан ҳайратда эдик. Аммо кейинроқ буни англандик, қачонки, ўғли Бунёд отаси ҳақидаги барча маълумот-

ларни айтганда, хужжатларни кўрсатганда, шеърларини ўқитганда, йиққан материалларини варақлатганида англадик. Англаган, билганларимиз бизни ёзишга ундади...

Чори Ҳамро 1919 йилда Қарши туманидаги Пармитон қишлоғида туғилган. Деҳқончилик билан шуғулланадиган, «Ёзи билан Зебо» дostonидаги деҳқончилик кўшиқларини кўп билган, ижро этган отаси Ҳамро ака эл орасида чавандоз номи билан шуҳрат топган. Чавандозлар, полвонлар, бахши-шоирлар — элнинг ори. Ориятли, номусхаёли, эътиқодли инсонлар эса тўғри сўз, ҳар ишда собит, кийинчиликларга қарши мардона кураша оладиган одамлардир.

Онаси Маъмура Ниёз қизи халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан етарли хабардор бўлган, кўшиқлару эртақларни кўп билиши, ижро этиши билан танилган билимли, покдамон аёл ўтган. Она ўзининг сеҳру жодуга тўлган эртақлари, гоҳ шодон янграган, гоҳ маҳзун кўшиқлари билан фарзанд қалбига ўт солган, халқнинг буюк ижодига меҳр уйғотган, кўкрак сути билан фарзанди дилига, жисмига оила, эл-юрт муҳаббатини жо этган эди. Аслингда борми, дейдилар, етти пуштинг сўрайдилар, Қашқадарёда. Чори Ҳамро ўшандай сўроқларга ёруғ юз билан жавоб берадиган хонадонда ўсган, вояга етган, отанинг алплигини, шижоатини, онанинг меҳрини, муҳаббатини, ҳар иккисининг саховатини жисмида жойлаган эди.

Барча ота-она каби Ҳамро ака ва Маъмура опа ҳам фарзандининг илм олишини, элда танилишини истар эди. Шу боис узоқроқ бўлса-да, Қарши қаҳридаги ҳозирги Алишер Навоий номли ўрта мактабга ўқишга келди. Мактабни тамомлагач, ўн етти ёшдан ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. Шу вақтдан Чори Ҳамро гоҳ мақолалари, гоҳ шеърлари орқали матбуотда кўрина бошлайди. Йигирма ёшида кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга жўнади. Чори Ҳамро Бессарабия, Финландия урушларида қўлда қурол билан иштирок этади. Фашистлар Германияси собиқ Иттифокқа хужум бошлаганда Чори Ҳамро ўзга ватандошлари қатори, жангу жадални кўрган аскар сифатида олдинги қисмларга юборилади. 1942 йилда тиш-тирноғи билан қуролланган фашистлар у хизмат қилаётган армияни қуршовга олади ва мағлуб этади, Қрим қўлдан ке-

тади. Табиатан серғайрат Чори Ҳамро партизанлик ҳаракатига қўшилади ва «Алексей пастух» лақаби билан душманга зарба беришда шухрат қозонади. Душман «Алексей пастух»нинг боши учун анча маблағ ваъда қилиб, унинг изидан тушади ва қўлга тушириб, Херсондаги қамоқхонага қамайди. Чори Ҳамро оғир лагер шароитига кўникаиб, душманга бўйсуниб қолмайди. Табиатида курашчанлик, эрк туйғуси жўш урган Чори Ҳамро лагердаги ўзидек озодликка ташна йигитларни топади-да, 1942 йил кузида лагердан қочиб, фронтни ёриб ўтади-да, ҳаракатдаги армияга қўшилади. 1944 йили Украина учун бўлган жангларда Чори Ҳамро оғир яраланиб, госпиталга тушади. Анча вақт даволанган Чори Ҳамро фронтга яроқсиз деб уйга қайтарилди. У ғалабани умид билан кутди, қувончу ифтихор билан қаршилади, туйғуларини шеърга солди:

О, ғалаба интизор бўлди кўзлар,  
Тўрт йил-қирқ етти ой сарғайди юзлар.  
Шу тўрт йил отишма бўлмаган кун йўқ,  
Ярадору қарахт бўлмаган кун йўқ.

Чарақлади ҳар оила хонаси,  
Тинчлик деб бошланди турмуш санаси.  
Ҳаётга ишончни сен қилдинг тайин,  
О, ғалаба, кел бўйнингдан ўпайин.

Урушдан сўнг, осойишта кунлар бошланганда Чори Ҳамро Фотима Козим қизига уйланди. Ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Ҳаётининг сўнгги онларига-ча у мохир мураббий, тиниб-тинчимас фольклоршунос, талантли шоир, иқтидорли тилчи, билимли тарихчи, ёш талантларни қўллаб-қувватловчи устоз сифатида ўзининг серкирра фаолиятини намоён қилди.

## **ЧОРИ ҲАМРО — УСТОЗ, МУРАББИЙ**

30-йиллар Ўзбекистонда кирилл алифбосида саводхонлар оз, мактабларда ўқитувчилар етишмасди, асосан 7—8-синфни тамомлаб дарс берар эди. Олий ўқув юртлирида таҳсил олганлар бармоқ билан санарли бўлиб ўрта маълумотлилар ҳам етишмасди. Шу боис Чори Ҳамро ўн етти ёшидан ўқитувчиликни бошлаган бўлиб, урушдан

Ўз касбида ишлашни давом эттирди. 1946 йилда Самарканд Давлат университетига сиртдан ўқишга киради ва ўша йили Деҳқонободда биринчи бўлиб ташкил этилган 1-ўрта мактаб (ҳозирги Фулом Юсупов номли мактаб)га директор қилиб юборилади. У ўзининг ишчанлиги, талабчанлиги, билимдонлиги, айна дамда Чори Ҳамрога хос чўрткесарлиги билан бир йилдаёқ ҳурмат қозонади. Ўша пайтдаги шогирдлари, бугунги дамда нафақада бўлган қариялар Чори Ҳамронинг қуюнчақлигини, дарс ўтиш маҳоратини кўп хотирлашади. Унинг мумтоз адабиётни чуқур билиши, халқ оғзаки ижодидан яхши хабардорлиги, жаҳон адабиёти ва XX аср ўзбек адабиётини етарли ўзлаштиргани, матбуотда мақолалар, очерклар, фелъетонлари билан фаол қатнашиши, шоирлик истеъдоди нафақат ўқувчи ёшлар, балки вилоят аҳлига танилишининг муҳим сабабларидандир. Ҳақиқатгўй, айтганини қиладиган Чори Ҳамрони деҳқонободлик раҳбарлар тергайвергач, Қаршига ишга қайтади. Яна ўқитувчи, мактаб директори сифатида фаолият кўрсатади. Аммо ҳамма жойда ҳақиқат чала, адолат хаста. Чори Ҳамро эса бутун ҳақиқат, адолат учун курашади.

ҚаршиДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудир, филология фанлари номзоди, доцент Турсун Бозоров шундай ҳикоя қилади:

— Воҳамизнинг таниқли кишиларидан бири Чори Ҳамро эди. Камина тақдир тақозоси билан бир неча бор ҳаёт чорраҳаларида бу улуг инсон билан учрашиш бахтига муяссар бўлганман, у кишининг суҳбатларини болаларга хос қизиқиш билан мириқиб тинглаганман, тинглаб кўплар қатори қувонганман. Эсимда, кафедра йиғилишларидан бирида домлани махсус курс ўқишга таклиф этишга қарор қилдик. Домланинг дарсларига кафедрамиз аъзолари, барча студентлар қизиқиш билан қатнашди. Бизнинг қаршимизда 20-30-йиллар адабиётида сўппайиб турган Ҳамза қаршисида Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Элбек, Усмон Носир каби яна бир қанча буюк зотлар пайдо бўлиб, «камбағал» адабиётимиз кўркам ва виқорли тоғлар даражасига кўтарилди. Афсуски, тарихда қилинган бу суҳбатларнинг умри қисқа бўлди. Ҳеч ким танимайдиган «адабиётчилар» домланинг жиғига тегдилар, «урилганлар»ни ўқитишда айбладилар. Аммо у кишидаги умидворлик ҳаммамизни тетиклаштирди. — «Чўлпон, Фитратларни кўзга

суртадиган замонлар келади...» Домла башоратлари, мана, бугунги мустақиллик кунларда амалга ошди...

Ҳа, Чори Ҳамро мустабид тузумнинг даҳо ижодкорларимизга, маърифатпарварларимизга нисбатан қўлланган бемаъни сиёсатни рад этар, ўз дарсларида дарсликларда бўлмаган янги материалларни баён этардики, унинг бу ҳақиқатпарварлиги кўп пайт қаршиликка учрар, аммо атрофида шогирдлар кундан-кун кўпайиб борарди. Араб, крилл, лотин ёзувларидаги ўзбекча, арабча, русча, туркча, форсча асарларни ўқий олиш, мустақил мутолаа билан билимини ошира бориш, билганларини ўз ўқувчиларига ўргатиш Чори Ҳамрони ижодкор ўқитувчи, мохир мураббий, халқ таълимининг фидойиси сифатида танитди...

## ЧОРИ ҲАМРО — ФОЛЬКЛОРИМИЗ БИЛИМДОНИ

Биз негадир расмий қоғозларга кўпроқ ишонамиз. Инсоннинг кимлигини иқтидори, қобилияти, хунарига эмас ҳужжати, маълумотномаси, гувоҳномаси, дипломлари ва ҳоказоларига қараб аниқлашга, баҳолашга ўрганиб, кўникиб қолганмиз. Агар шу кўникмага амал қилсак, балки Чори Ҳамрони фольклоршунос атаб бўлмас. Эҳтимол, қайсидир дипломи фольклоршунос Чори Ҳамрони шундай аташдан энсаси қотар. Аммо шуниси аёнки, Чори Ҳамро — муҳрли ҳужжатсиз катта фольклоршунос. Ҳатто айтиш мумкинки, амалий фольклоршуносликнинг Чори Ҳамродек вакиллари кам. У табиатан ўзи мансуб эянинг тарихи, маданияти ва маънавияти билан қизиқувчи, уни юксалтирувчи инсон сифатида кўринади. Болаликда онгига ўрнашган онанинг қўшиқлари ва эртаклари қалбида фольклорга бўлган муҳаббатни, гўзалликни англаш туйғусини ўстиргани шубҳасиз. Шу боис фольклорнинг барча жанрларини — мақоллар, қўшиқлар, эртаklar, ривоятлар, дostonлар, канотли ибораларни тўплаш билан шуғулланди. Гоҳ Қарши атрофидаги туманларда, гоҳ Шаҳрисабзда, гоҳ Дехқонободдаю, гоҳ Шерободда бахшилар изидан юриб, тиним билмай ижод дурдоналарини тўлади. Тошкентдан фольклоршунослар келиб, бу воҳалардаги фольклор асарларини тўплай олмаслигини англаб етди. Чори Ҳамро ўз даврининг учта улўф бахшиси Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир шоир Сафар ўғли, Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли



ижоди билан кўпроқ ва жиддийроқ шуғулланди. Шунингдек, Бўри бахши Аҳмедов, Муҳаррам Зоҳидова, Хушвақт Мардонкулов, Қора ва Чори Умиров, Қодир бахши Раҳимов ижоди билан қизикди, уларнинг устозлардан қай ҳолатда ўрганаётгани билан қизикди, авлодлар ўртасидаги анъанани кузатишда давом этди.

Шу соҳада унга шогирд тушган кўп йиллар ижодий ҳамкорлик қилган таникли фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров ёзади:

«Чори Ҳамроев Жанубий Ўзбекистон фольклорининг энг кўп билағони, ёзиб олиб, тўплаган ҳазинадори эди. Унинг кутубхонасида, жойлашган шахсий архивида ўтган XIX асрдан бошлаб ҳозирги XX асрдаги бахшилар ва уларнинг устоз-шогирдчилик сулоласи шажараси, халқ бахши-шоирларининг дoston ва термалари, минглаб эртак ва афсоналари, мақол ва топишмоқлари, нақл ва ривоятлари, кўшиқ ва фольклорнинг бошқа жанрларининг гўзал намуналари бор эди. Бу борада устознинг сақлаган фольклор асарлари халқимиз оғзаки бадиий ижодиётининг битмас-туғалмас ҳазинаси эди.

Чори ақанинг кўплаб шогирдлари қаторида мен ҳам шу улуғ зотдан зиё олдим. 1946 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Самарқанд Давлат университетига талаба бўлганимдан кейин устоз Чори Ҳамроевдан қўл узмадим. Дорилфунуннинг филология куллиётини тамомлаб Қарши ўқитувчилар институти, ҳозирги дорилфунунга ишга келганимдан кейин ҳам Чори Ҳамроев мени ўзининг орқасидан эргаштириб юрди. Жанубий Ўзбекистоннинг барча қишлоқларида гоҳ пиёда, гоҳ эшакда, гоҳ отда юриб, у ердаги халқ бахшилари билан таништирди. Халқ бахшиларидан терма ва дostonлар ёзиб олдик. Ундан кейин эса Ўзбекистон Фанлар академиясига қараб етаклади, етук фольклоршунослар — Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавиялар билан таништирди».

Чори Ҳамронинг фольклоршунослик фаолияти ҳам унинг кўнгил иши эди. У Қашқадарё-Сурхондарёда биринчи бўлиб халқ ижодининг қадрини, қимматини чуқур англаб етди, айниқса, бахшичилик буюк бир санъат эканлигини тушуниб, улар билан ишлашга йўл топди. 80-йилларга келиб Чори Ҳамро Абдулла шоир, Умир шоир, Мардонақул шоирларнинг ўғилларини чақириб, оталари-

дан қўлда ва магнитофонда ёзиб олинган дostonларнинг машинкаланган нусхасидан беради ва ўрганишни айтади, магнитофондан уларнинг овозини эшиттиради.

1984 йил Хушвақт бахши Мардонқулов Чори Ҳамро ҳузуридан қайтар экан, дўсти Қодир бахши хонадонига тушиб, хурсанд ҳолда: «Қодир, хазинадордан хазина топиб келяпман», — деди-да, магнитофонга тоғаси Бўри Аҳмедов ижро этган «Алпомиш» достони ёзилган кассетани қўйди. Бўри Аҳмедовга хос нолакор овоз янгради. Икки бахши унинг айтиш усулини, соз чертиш йўлини берилиб тинглашди ва ўзлаштириб олишди. Бу биргина далил эмас, албатта.

Чори Ҳамро расмий ҳолда илмий иш қилмади, аммо амалий жиҳатдан фольклоршуносликда шунчалик кўп иш бажардики, бир киши қандай улгурганига ҳайрон қоласан киши. У ёзиб олган ҳар бир қўлёзмани ёхуд магнитофон ёзувини машинкада яна уч марта кўчиради, асосий нусхани ўзида сақлаб, машинка нусхани матуботда, нашриётларга ҳавола этар, бир нусхани эса айтувчининг (ижодкорнинг) авлодига бериш учун сақларди. Чори Ҳамро юборган материаллар бадиий мукамал, ёзган мақолалар илмий юксак бўлса-да, матбуотда чоп этилавермасди. Бунинг боиси у илмий даражали фольклоршунос эмас эди. Шу боис Чори Ҳамро (ушбу китоб муаллифларидан бири — М. Муродовга — *муҳаррир изоҳи*) хатида шундай ёзади:

«Ҳурматли Маликжон! Аввало рафиқамнинг вафотига ҳамдардлашганингиз учун раҳмат. Сиз республика газета-журналларига, радиосига ёзиб, қатнашиб туришимни уқтирибсиз. Раҳмат Маликжон! Ўзингиз биласиз, изланиб ижод қилган киши ёзмай, чиқаришга уринмай тура олмайди. Айти кунларда Тошкентдан чиқадиган газета-журнал редакциялари ҳатто жавоб ёзмайдилар. Босиб чиқариш ёки қизиқтириш ҳуқуқига эга бўлиш — бўрининг оғзидан суяк олишдан ҳам қийин. Улар қўлёзмага: «Қандай ёзибди, деб эмас, балки нима иш қилар экан», деб қарайдилар.

Азиз Маликжон, менинг бутун умримни сарфлаб ёзганларим халқимга керак бўлса, бир кун топиб олар...

Ҳозир мени кейинги бахшилар: Қодир, Қора, Бекназар, Чори, Ҳазратқул, Хушвақтларнинг ижодий фаолияти

ўйлантиради. Булар билан учрашиб аниқ йўналиш, ёрдам бериб, асарларини ёзиб олиб, руҳан кўтариб борилмаса, фольклоримизда етакчи жанр бўлиб келган дostonчилик сўниб қолади, узилиш келиб чиқади. Шоирлар ўтган бўлсалар ҳам халқ бахшичилиги ўтмасин, давом этсин.

Доимий «Жулдуз» (қозоқча), «Алатов» (қирғизча), «Азербайжан», «Қазан ўтлари» (татарча)ни ўқиб борганим сабабли, шу масалада биз, туркий қардош-қавмдошларимиздан орқада қолаётормизми деб номусда қоламан.

Хайр, Абдумаликжон, то тўйиб суҳбатлашгунча омон бўлинг. Сизга бақувват соғлик, илмий-ижодий ишингизга ютуқ, ўзингизга камолот тилаб Чори Ҳамро».

Шу биргина мактубда Чори Ҳамрога тинчлик бермаган қанчалар дард, изтироб ифодаланган.

Ўзбек фольклоршунослигида Абдулла шоир, Умир шоир, Мардонқул шоирларнинг ижоди юксак баҳоланар экан, бу аввало Чори Ҳамронинг тўпловчилик фаолияти билан боғлиқ. У дoston ижро этувчи аёллар ҳам борлигини яна бир бор асослади. 1954 йилда Қарши туманининг Ғубдин қишлоғида яшовчи Муҳаррам Зоҳидовадан «Тоҳир ва Зухро» дostonини ёзиб олди. У 1994 йили «Насаф» нашриётда чоп этилди.

Чори Ҳамронинг фольклоршуносликка, тилшуносликка қўшган яна бир муҳим ҳиссаси — «Фольклор сўзлиги» ҳамда «Туркий сўзлар ва Навоий» сўзлик луғатларидир.

«Фольклор сўзлиги» дoston ёки эртақдаги нотаниш сўзларни қайси асардан олинганини кўрсатган ҳолда изоҳлайди. Синонимлари ҳам берилади. Масалан, «Алпомиш»да шундай сатрлар бор:

Қоражонбек хаста кўнглин хушлади,  
Жуппай қилиб ёқасидан ушлади.

«Жуппай» дегани қандай сўз? Жуппай — ёқанинг икки тарафини бир қилиб маҳкам ушлаш.

Асқар-асқар — юксак, чўққили тоғ, баланд тоғ, қоятош:

Чақир-чуқур йўллардан,  
Босиб кетиб боради.  
Асқар-асқар тоғлардан,  
Ошиб кетиб боради.

(Татарларнинг «Идегей» дostonидан).

Шу тарзда туркий халқлар фольклорига оид мингдан зиёд сўзга изоҳ берилган, ўша сўз қўлланган матн келтирилган.

Чори Ҳамро қаламига мансуб «Туркий сўзлар ва Навоий» сўзлик луғати — унинг энг сўнгги асари. Бу луғат тузилиши бир оз мураккаброқ. Дастлаб Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асаридаги маълум сўз олиниб, ҳозирги қўлланилиши изоҳланади. Сўнг ўша сўзнинг халқ достони ёхуд кўшиғида учраши кўрсатилади. Охирида мазкур сўз Алишер Навоийда қандай қўлланилиши келтирилади.

АРВАШДИ (АРБАШДИ) — аврашди, авради. Камлар камуғ арвашди — сеҳргарлар бир турли сўзлар айтиб аврашдилар (*1-239-бет*).

«Аврашди» сўзи ҳозирги тилимизда «аврашди» тарзида қўлланади. Лекин фольклорда Маҳмуд Қошғарий қўлланганча «аврашди» сўзи «арбашди» шаклида келган.

«Шўйтиб махтаётир, арбаётир», кун кеч бўлса, улайбулай деб. Кўлбарнинг кўлидан кутулиб кетсам деб, илондай тил чиқариб арбаётир эди. (*«Холдорхон» достони, 185-бет*).

Фамгин бўлиб икки кўзга ёш урди,

Улуғ деди остонага бош урди.

Ташқарида арбайберди Шаҳзоди

Арбовман илоннинг ақлин шоширди.

(*«Кунтуғмиш» достони, 56-бет*).

А.Навоийда ҳам арбаш — арбоғ тарзида қўлланилади:

Зулфи савдосида билмаслар Навоий нуктасин

Ким жунун рафторидур ёхуд йиллоннинг арбоғи.

СУРДИ — сурди, хайдади, суриб хайдади, олдига солиб сурди.

Тилимизда ва халқ оғзаки адабиётида кўпроқ ҳар икки тури: «сурди» «хайдади» бўлса ҳам кўпроқ «хайдаш» қўлланилган:

«Бойсари Бойсин — Кўнғирот бойларига: Бу Бойсин яйловидан, бу тўқайлардан қўйларингни, туяларингни, йилқиларингни — ҳаммасини хайданглар. Қалмоқ юртига юра берсин», — деди.

Бедов минган от-абзални шайлаган,  
Чўпонлар қур-ҳайтлаб қўйни ҳайдаган.  
Мусофир бўлдиқ деб неча уй-уйлар,  
Дахмарда сардорлар молни ҳайдаган.

(«Алпомиш»дан).

«Сўрди» сўзи А.Навоий ўз ҳолича «сўринг», «сўриш» тарзида ишлатилган:

Тарки ишқ этдим, мени ишқ аҳли хайлидин сўрдинг,  
Чиқмасам таъну жафо тоши бошимга ёғдурдунг.

**БУТРУШДИ** — талашди, тортишишди.

Нор моянг юрибди Чилвир дашида,  
Минг беш юз тиллалиқ овсар бошида.  
Кўрдим тўқсон лапнинг той — талашада  
Нор моянг шу кунда довруқ устида.

(«Алпомиш» дан).

«БЎТРУШДИ» сўзи А. Навоийда «бутрашасур» тарзида қўлланилади:

Сабру ором сипоҳи неча кам йиғоаси ишқ,  
Гаҳ ани синдирадур, гаҳ ани бутрашасур.

**ЮҚЛАТДИ** — юқорилатди, бизда «юққорилатиш», «юққорилатмоқ» тарзида иккита «қ» билан қўлланилади:

Қирғий деган кушлар учар юққори,  
Терскай бетда бўлар тоғларнинг қори.  
Юққорилаб бордиқ Маскопга сари  
Шаҳри азим жойни кўрган дўмбирам.

(Абдулла шоирдан).

«Юқлатди» сўзи А.Навоийда ҳам «юққори», «юққоридин» шаклида келган:

Уч қуйи, уч юққори қилди шитоб,  
Юққоридин инди икки бургут.

«Туркий сўзлар ва Навоий» сўзлик луғатининг 92 таси изохланганда Чори Ҳамро умри ниҳоясига етади ва луғат тугалланмай қолади. Аммо 42 саҳифадан иборат ёзилган қисм ҳам Чори Ҳамронинг синчков тадқиқотчи, мумтоз адабиёт, фольклор ва тилимизнинг етук билимдони эканлигини асослай олади...

Ҳали Чори Ҳамро архивида сақланаётган бир неча минг саҳифалик халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш, таҳлил этиш, нашрга тайёрлашдек улкан вазифалар олдинда. Шу улкан маънавий меросдан фақат биргина «Тоҳир ва Зухро» достони, миттигина «Ёр интизор» кўшиқлар тўплами чоп этилган, холос. Аслида, Чори Ҳамро биз билмаган, эшитмаган манбалар, материалларни ҳам тўплаган. бўлиб, халқ донишмандлиги, халқона фалсафа билан йўғрилган бундай асарларни Чори Ҳамро «Чечанлар билан нима дейди?» рукни остида жамлайди. Мана, шулардан бирини ўқиб кўринг:

— Денгиздан чуқур, ердан оғир нима?

— Денгиздан чуқур илм, ердан оғир яхшиликка ёмонлик.

— Денгиздан ҳам бой борми?

— Қаноат ва чидам бойликнинг калити, қаноатли киши денгиздан ҳам бойдир.

— Аҳмоқ қайси вақтда ақлли кўринади?

— Жим турса.

— Доно қайси вақтда ақлсиз кўринади?

— Мақтаниб кўп гапирганда.

— Қандай ҳолда одамнинг уйқуси қочаверади?

— Чўнтагида пули кўпайса.

— Қайси вақтда одамни уйқу босаверади?

— Ақли камайса.

— Нима одамни узоқ яшашга ундайди?

— Унинг эртанги кундан умиди.

— Одамзодда нима орсиз?

— Одамзодда томоғ орсиз, уйқу, кулгу орсиз.

— Нима бўлмаса ёмон?

— Найза борида ботир, одамда юз-хотир бўлмаса ёмон.

Бу сингари фольклор намуналарини авлодлар учун асраб қолган, «Алпомиш»у «Гўрўғли»дек ўзбек бахшилари куйлаган дostonларнигина эмас, «Дада Кўрқут», «Идегей», «Манас», «Маҳобхорат», «Рамаяна» сингари жаҳон эпосининг нодир намуналарини ҳам мукамал билган, қиёслай олган Чори Ҳамронинг фольклорий меросини тўғри баҳолаш, илмий асослаш, унинг хизматларини тўлиқ таҳлил этиш фурсати аллақачон етган. Зеро, у ёзган эди: «Биз XX аср одамларимиз, лекин йигирма биринчи асрга тааллуқли кишилар орасида ҳам яшайпмиз. Вақти келиб эсга оладилар, уларга йўл очиб берганимиз учун ташаккур

билдирадилар. Шундай экан, ҳаётимизни ўрганадиган кишилар, ўргатадиганлар олдида ўзимизни тетик, муносиб тутаюлик, ўзимизни ерга урмаюлик».

## ЧОРИ ҲАМРО — ШОИР

Серқирра ижод соҳиби Чори Ҳамро мустабит тузумнинг тарихимизни, маънавиятимизни, маърифатимизни йўқотиш соҳасидаги кирдикорларини ўз кўзи билан кўрган, бундан ғазабланган, куйинган, лекин истиқлолга ишонган эди. Шу сабабли 60-йиллардаёқ ён дафтарига: «Дунёга Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий ва Навоийларни берган буюк Туркистон ўз қаддини тиклашига мен аминман», — деб ёзган эди. Айни дамда ўзининг ижоди ҳам қачонлардир ўрганилишига, ёзганлари вақти келиб чоп этилишига ишониб яшади. Бир зум ижоддан тинмади. У бадиий сўз санъатининг барча соҳаларида асарлар ёзди.

«Яхши асар ёзиш пистанинг пўчоғига дунёни жойлаш демақдир», — деб билган Чори Ҳамро ижодида шеърият алоҳида ўрин тутади. Унинг шеъриятида халқ ижодидаги соддалик, донишмандлик, ўзбекона феъл-атвор ва фазилатлар етакчи ўринда туради. У армон билан, ҳаётдаги ноҳақликлардан юраги зада бўлиб яшади.

Зориқиб ўтдилар кезларим менинг,  
Қолди юрагимда сўзларим менинг.

Бундай мисралар унинг шеъриятида кам. У кўпроқ эл ташвишларини, туйғуларини куйлашга, ҳаётни севиш, инсонни улуғлашни, сабр-бардошни, меҳр-муҳаббатни кўшиқ қилиб айтишга мойил. «Тол» шеърида юртимизда оммавий тарзда ўсадиган, ўстириладиган дарахтларнинг бири орқали урушга нафрат ифодаланади.

Йўлнинг ёқасида ўсган якка тол,  
Кенг ёйилиб, шу жойга кўрк солганди.  
Узоқларга кетганида йигитлар,  
Оқ йўл тилаб вазмин туриб қолганди.

Ойлар ўтди, фасллар алмашдилар,  
Йилларнинг кетидан йиллар ўтмоқда.  
Қартайган шохлари сийрак якка тол,  
Ҳамон қишлоқ йигитларин кутмоқда...

Тол — рамз. У гўё фарзандини жангга кузатиб, интизор кутаётган она. Соғинчдан сарғайган, тўла-тўқис оиласи сийраклашган, қадди ғамдан букилган аёл.

Чори Ҳамро шеърларида шахс ва юрт тушунчаси, Ватанни севиш уни ободлиги учун кураш туйғуси кучли. У оғир жангларда бўлиб, душман қўлига бир муддат асир тушиб, юрт соғинчини чуқур ҳис этган ижодкор. Шу боис ёзади:

Энг кичик, энг оддий одам бўлса ҳам,  
Ўз юртида юрар-арслондир, шердир.  
Осмоннинг соҳиби бўлган бургутлар,  
Осмондан айрилган чоғда асирдир.

Бахт — юртга эга бўлиш, парвоз учун ўз осмонига соҳиблик. Юртинг бўлса, ўз халқинг орасида яшасанг, толе деганлари шу. Яшаш жараёнида эса кимларнингдир қаршилигига, маломатига дуч келишинг табиий. Бундай дамларда ўша юрт ва эл меҳри қувват беради, курашлардан омон асраб ўтади. Инсон коинот гултожи, заминдаги жамики бойлик, табиатдаги бор гўзаллик унинг учун. У шу гўзалликларни, хилма-хил туйғуларини қалбига жо қилиб яшайди. Унинг кўнглига ўн саккиз минг олам жойлашади, бироқ зиғирдай ҳақсизлик дилини вайрон этади:

Куруқлик ва қуршаб олган уммоннинг,  
Султони оламдир, борлиққа эга.  
Куёш, юлдузларга тўла осмоннинг  
Асрорини билиб жойлар дилига.

Барчасин сиғдирар ўзига якка,  
Инсон юраги кенг, лекин қулоқ сол.  
Қанчалар жой бўлса ҳамки юракка  
Сиғмас ҳақсиз бўлган зиғирдайн ҳол.

Бироқ ўша ҳақсизлик ҳамиша бор. Чунки дунё куну тун, яхшилик-ёмонлик, сув, олов, замину фазо сингари мангу қарама-қаршилиқлар, зиддиятлардан иборат. Чори Ҳамро эса етмиш икки йиллик умрида кўп ноҳақликлар кўрди. Ҳақиқатни муқаддас билган, унга талпинган, унинг тантанаси учун курашган инсонга гоҳ яқинларидан, гоҳ ҳамкасбларидан, кўпроқ измига юрита олмаган турли тоифадаги раҳбариятдан ноҳақликлар, адолатсизликлар



қилинди. Шундай дамларда у ўз дардини қоғозга тўқди.  
Ҳаёт зарбаларини кўравериш шундай хулосага келди:

Ҳақнинг соясида ноҳақ юраркан,  
Халоллик бор ерда ҳаром ҳам бордир.  
Замин шу зайилда бўлиб тураркан,  
Қалбимда ҳамиша ярам ҳам бордир.

Баъзан қош-қавоғинг солинган дерсиз,  
Ростдирки боиси шундандир чиним.  
Оҳ, ҳақсизлик, қолар жароҳатли из,  
Туйғусиз эмасман инсонман мен ҳам.

Чори Ҳамро шоирлигига хос бир хусусият шундаки,  
у сиёсий тузум, у билан боғлиқ тарихий саналар, шахсларга  
атаб шеър ёзмаган. Унинг шеърляти қалб туйғулари билан  
йўғрилган, ўзи кўрган, билган, қалб призмасидан ўтган  
хиссиётлар орқали юзага келган.

Ўқиган китобим — ишга тушган кон,  
Камолот йўлида одил ҳукмдир.  
Ўқилмаган китоб — тубсиз бир уммон,  
Елкамдаги тоғдек оғир юкимдир.

У турмуш ўртоғи Фотима Козим кизини ниҳоятда  
ардоқлар эди. Эрининг истеъдодини яхши ҳис этган бу  
саранжом-саришта аёл Чори Ҳамронинг бошига тушган  
кулфатларга елкадош бўлган, яхши кунларида бирга  
яйраган табаррук она эди. Кексайганда ундан ажралиш  
Чори Ҳамро учун оғир жудолик, хадсиз ғам бўлди.

Нима кечирмадик бирга қирқ йилда...  
Ўтган эди ахир, кунлар ярим оч.  
Топганимиз зўрға етиб шу хилда,  
Рўзгоримиз билан яшардик муҳтож.

Шоир сўнгсиз ҳижроннинг сўнгсиз азобларини тун  
бўйи қоғозга битаверади, айрилиқ дарди қалбини тита-  
веради, кун ботар тонггача кўзини тикиб кутаверади...

...Фалак гоҳида гул, гоҳида гардсан,  
Ва ё орзу-ҳавас, гоҳида дардсан.  
Кераксиз шум яшар юз йилдан ортиқ,  
Бир она ёшини қирққан номардсан.

Жароҳатлиманки, оққан қоним йўк,  
Дард оғирки қон оқмаса ярадан.  
Энди бу дунёда сендек хоним йўк,  
Бемаҳалда чиқиб кетдинг орадан.

Ўз уйим ёт бўлди, ўрин тутмайди,  
Энди уйда муҳаббатнинг тахти йўк.  
Ҳеч ким чиқиб мени сендек кутмайди,  
Минг шам ёқсин аввалгидек ёқти йўк.

- Икки юк елкамда чидарман майли,  
Мен икки дунёдаман сенинг туфайли.

Муҳаббат ўлмайди, ўлдириб, йўқотиб бўлмайди. Инсон тирик экан, унинг юрагида муҳаббат яшайверади — бу Чори Ҳамронинг хулосаси:

Бор десам йўқдирсан, йўк десам борсан,  
Ерда десам, кўкда булутсан бирда.  
Қуюнсан, ёмғирсан, гоҳида қорсан,  
Ҳар хил рангда тўниб турарсан ерда.

Чори Ҳамро шеъриятнинг барча жанрларида қалам тебратди, «Асрлар товуши», «Бургутли қоя» дostonларини ёзди, ўндан ортиқ драматик асарлар битди. «Мансаб билан бермоқ бўлиб панд, юрган ўша мунофику паст»ларга менинг мақсад — уйларим баланд, сен уларни топтай олмайсан», — деб ижод уйини юксак тарзда қурди. У сўнгги шеърларидан бирида шундай ёзган эди:

Хуш қол сойга сайқал берган жилдираган жилғалар,  
Ёзмиш битса бир кун сизга қайтар вақтлар ҳам бўлар.

Дарвоқе, Чори Ҳамронинг бадиий ижодини тўлиқ таҳлил этиш, Чори Ҳамрога қайтиш мустақиллик шарофати билан қайта бошлади. Энди бу ижодни ҳар жанрда эришган ютуқларини, бадииятини изоҳлаб, халққа қайтариш, тўплаб чоп этиш вақти келди. Чори Ҳамродан сув ичган булоқлар — унинг шогирдлари бу ишга ҳисса қўшсалар, нур устига аъло нур бўларди.

## ЧОРИ ҲАМРО МАКТАБИ

Аввало, Қашқадарёдагина эмас, Ўзбекистонда ўз овозига эга бўлган, Чори Ҳамро мактабида таълим олган талантили, устоздек ҳақиқатпараст, юртпараст, элпараст Амир Худайбердининг «Чори Ҳамрони эслаб» номли шеърига бир қур назар ташласак:

Дер эдингиз: «Одам умри бу дунёда омонатдур,  
Курашмоқлик, ёниб жўшмоқлик бизларга саодатдур.  
Хиёнат айлағай кўплар, нечунким бу омонатга,  
Улар тош остида қолғай, бу тош сангу маломатдур.

Бу олам катта карсондур, қошиқ ташлаб ичармиз биз,  
Карсонга мук тушиб ётмоқ нодонликдур, жаҳолатдур.  
Унут ғамни, ол-ей шоир тўкилсин бошдин ғурбатлар,  
Надир ғам чекмагин, дунё азалдан бағри ғоратдур.

Фақат биз битта ғишт бўлсак деворга бас эрди, ул —  
Фалак меъмори қурмакка абад машғул иморатдур.  
Азиз устоз, бугун йўқсиз, қаранг фасли баҳор келмиш,  
Сулув қиз нозидек кўкда кўринган ой малоҳатдур.

Зулумот сизга сиғмас эрди, сиз қандай зулумотга,  
Сиғиб тор бир қабр ичра ётурсиз, бу на ҳолатдур.  
Қаранг, борлиқ яшармишдир, уйингизга қадрдонлар,  
Йиғилмишдир, алар базми зарофатдур, фасоҳатдур.

Азиз устоз! Сизни ёдлаб юзимиз бўлди равшанлар,  
Фалакда нур сочиб турган қуёш бундан далолатдур.

Бу — Чори Ҳамронинг бир шогирдининг назмдаги миннатдорчилиги. Амир Худайбердининг устоз ҳақида ўзга асарларини эшитишга ва хотираларини тинглашга кунлар керак. Чори Ҳамрода эса шогирд бир, иккита эмас, ўнлаб. У Қашқадарёда, Қаршида адабий муҳит яратган ижодкор. Айтишларича, Тошкентда академик шоир Ғафур Ғулом уйи дарвозасига қулф солинмас экан. Қаршида эса Чори Ҳамро хонадони ҳамиша очиқ бўлган. У хонадонга қишин-ёзин, куну-тунда киравериш, хонадон соҳиби билан суҳбат қуриш мумкин бўлган. Бироқ ижодга бел боғлаган, илмга чоғланган ёшми-кексами, унга қуруқ қўл билан (ёзма

бугунги кунда республикамининг талантли ҳажвий ёзувчиларидан Муҳаммад Очилнинг куйидаги хотирасини эслаш кифоя:

— Тошкентдан воҳа марказига келиб адиб Самар Нуровдан: «Азим Қаршида қандай қаламкашлар бор ва кимлар билан ижодий баҳслар қилиш мумкин? — деб сўрадим. Самар ака: «Чори Ҳамронинг манзилгоҳига борасиз. Сал қайсар, ўзига хос ўжар, аммо сиз излаб юрган инсон. Ижодқорман деганга, лозим бўлса, юрагини суғуриб беради», — деди... Айтилган хонадонни топиб бордим. Ёғоч дарвозанинг бир тавақаси очиқ эди. Бир пастдан сўнг танганинг кўзидек ҳам ёруғ тушмайдиган ишком тагидаги сўрида ўтирардик. Қоматдор киши — Чори Ҳамро экан. Унинг ўғли Бунёд — буғдойранг, кўзлари мовийга мойил, доимий тортинишми, жилмайишми юзида зоҳир, ҳаракатлари чакқон йигит, дарҳол дастурхон тузади. Одатий манзиратдан сўнг мезбон менинг кимлигим, каерданлигимни, бир қур бўлса-да, сўрамади. Фақат сочимдан туфлимнинг учигача назар солгач, шиддат оҳангида деди:

— Ўқинг!

— Нимани?

Ҳа-я... Самар аканинг маслаҳатига кўра газета-журналларга чиққан ва ҳалигача босилмаган беш-олтита ҳикоямни кўлтиққа қисиб боргандим. Дарҳол, қироат билан ўқишга тутиндим. Ҳар замонда «ёқаяптими-йўқми» дея қараб қўяман. Чори Ҳамро кўзларини хиёл қисиб, лабларини қимтиганча сукут сақларди. Фақат «Муштум» журналининг тўлиқ икки бетини эгаллаган «Кўйга ем бўлган кўзивой» ҳикоямни ўқиётганимда оғир силкиниб кўйди (боиси, ҳажвиянинг бош қаҳрамонининг исми ҳам Чори бобо эди).

Ниҳоят, охири саҳифани ёпдим.

— Тугадими? — мезбоннинг қисик кўзлари чакнади.

— Энди биздан эшитинг... Бунёд!

Бунёд бу тарздаги «меҳмон кутишлар»га кўникиб қолганми, лаҳза ўтмай, хонтахта устида ҳар бири ёстиқдай келадиган ўн-ўн беш «папка» пайдо бўлди.

Дастлаб шеърлар ўқилди, сўнг баллада ва дostonларга ўтилди, ниҳоят, драмаларга навбат келди. Таржималардан «татиб» кўрилди...

Алқисса, камида уч соатга чўзилган «ҳамроҳонлик» халқ

Алқисса, камида уч соатга чўзилган «хамрохонлик» халқ оғзаки ижоди намуналари билан якун топди.

— Хўш, қалай?

Гапнинг очиғи, эшитганларимнинг маъқул жиҳатлари ҳам, номақбул томонлари ҳам бор эди. Шу боис тизгинни бурдим.

— Шунча нарса ёзган экансиз, буларни чоп эттирсангиз бўлмайdimи?

Чори Ҳамро жиддийлашди:

— Шунча нарса? Бисотимнинг ҳали ўндан бири бу... Чоп эттириш масаласига келсак, пайтида «Шарқ юлдузи»дан тортиб «Гулистон»гача чиққанман. Эндиликда... ўзлари сўраб келишса, марҳамат. Ундан кейин, ука... Инжиқлигимиз ҳам бор. Бирор-бир шеър ёки ҳикоямни таҳрир қилиш у ёқда турсин, бирор-бир жумласини ўзгартиришса ҳам менга маъқул келмайди.

Самар аканинг «ўжар» ва «қайсар» деган таърифини эслаб кулимсирадим.

— Бунақада ёзганларингизнинг чиқиши қийин бўларов?

— Нима бўпти? — Чори ака кулимсирайди. — Фақат газета-журналда чиқиш учун, шухрат топиш учун ёзиш керакми? Ижод — бу кўнгил иши. Сендан сўраб ўтирмайди. Юрак қургур куймаяптими ёзавер... Сенга ҳам ўқувчилар топилар, фурсати келганда китоб бўлиб чиқар. Энг муҳими — ижоддан лаззат ола билиш...

Ҳа, ижодни лаззат деб билган Чори Ҳамро ёш талантларга қатикқўллик, талабчанлик билан муносабатда бўлар, аммо уларни ҳатто яхши чиққан бир мисра, бир банд шеъри ёхуд ҳикояси учун рағбатлантира оларди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бўлими ташкил бўлганда унинг дастлабки масъул котиблигига Чори Ҳамро тайинланган эди. Ўшандан у вилоят туманларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар билан ҳам яқин алоқа ўрнатди. Ҳақли равишда Чори Ҳамро мактаби деб аталган норасмий ижодий уюшма (тўгарак) ёхуд гурунглар, мулоқотлардан Гелди Бердиев, Чори Аваз, Сувон Соқий, Амир Худайберди, Муҳаммад Очил, Холмуҳаммад Ҳасан, Норкул Тиловов, Али Ниёз, Абдумўмин Қаҳҳоров, Орол Мўминов, Райим Ражабов, Ғози Раҳмон сингари ўнлаб адиблар, шоирлар, олимлар етишиб чиқди. Улар устоздан маънавий озиқландилар. Бу адабий-ижодий муҳитни

шакллантирган Чори Ҳамро хизматлари ҳар қанча олқишга сазовордир.

## ЁРИТИЛМАГАН САҲИФАЛАР

Чори Ҳамро ҳақида ёзарканмиз, бир ёш ижодкор йигит ёдга тушди. Яхши шеърлар ёзарди, кичкина бир китобча нашр эттирди-ю, шу орада кўпроқ шуҳрат топгиси келиб қолди. Гўё Тошкентга борса, адабий давралар уники бўладигандек, катта-катта китоблар чиқарадигандек туюлди. Шартта хотини ва беш боласини эргаштириб Тошкентга кетди. Аммо на китоб чиқара олди, на машҳур бўлди. Бир неча йил хонадонма-хонадон юриб фарзандларини ўқишдан қолдирди, гоҳо нонга зор қилди.

Аммо Чори Ҳамро ўз умрида бундай шуҳрат талаб қилмай яшади. Унинг ҳаёт йўли осон кечган эмас, бадавлат ҳам яшамади. Бироқ у эришган бойликка жуда кўплар эриша олмади. У мустақил изланиш, қатъийлик, собитлик билан китоблар ўқиди, тинимсиз ёзди, адабий давраларда бўлди, саховат билан яшади. У газета-журналларни бир ўқиб ташламади, эринмай жамлади, китобларни йиғди. Буюк Туркистонни Республикаларга ажратиб ташлаган бўлса-да, ўша республикаларнинг адабий газета-журналлари, нашрларини уйда жамлади. Топгани томоққа, кийимга эмас, китобга кетди. Ўзи тўплаган халқ оғзаки ижоди намуналарини Чори Ҳамрога хос дид билан тартибга келтирди. Унинг кутубхонаси, шоирлиги, ўлка тарихини яхши билиши, саховати, фольклор асарларини тўплаши республикамиз жамоатчилигига ҳам аён бўлди. У боя айтган укамиздек шуҳрат, таниш-билиш изламади. Балки шуҳрат уни излаб келди, меҳнати, ижоди уни элга ҳам, илму ижод аҳлига ҳам танитди.

Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Мирмуҳсин, Шукрулло, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов каби ижодкорлар Ҳоди Зарифов, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Муҳаммаднодир Саидов, Охунжон Собиров сингари олимлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг эътиборини тортди ва муносиб баҳосини олди. Чори Ҳамронинг оддийгина, кўримсиз, аммо доимо саранжом-сариршта хонадониди, бой кутубхонасида бу сиймолар ўзбек маданияти, адабиёти, санъати тарихи ҳақида кўп бор қизғин мунозаралар олиб борди.

Қисқаси, «Алпомиш»ни ёзиб олган, ўрганган Алпомиш-дек савлатли, ғайратли, шижоатли, саховатли, элу юртга муҳаббатли Чори Ҳамронинг 80 йиллик юбилейига вилоят ҳокимлиги тайёргарлик кўраётганини таъкидлаб, «Алпомиш»нинг улкан тўйи ва унинг Жанубий Ўзбекистондаги илк тадқиқотчиси Чори Ҳамро юбилейининг бир вақтда ўтказилишида рамзий маъно борлигини уқтиргимиз келди.

## АБДУМЎМИН ҚАҲҲОРОВ — ФОЛЬКЛОРШУНОС

Қашқадарё-Сурхондарё воҳаларида ўтмишда йирик дostonчилик анъаналари бўлган ва ҳозир ҳам яшаб келмокда. Ҳар вақт тўйларда, хилма-хил йиғинларда дoston куйлаб, термалар тўкиб кишиларни хушнуд қилиш, уларни илҳомлантириш, юксак одамийлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, қаҳрамонлик, садоқат каби фазилатлар руҳида тарбиялашга катта эътибор берилган. Дoston тинглаш оддий кишилар — деҳқонлар, чорвадорлар ва бошқа меҳнат аҳлининг энг сеvimли машғулоти бўлган, дейиш мумкин. Улар ўзларининг атоқли дostonчилари билан ҳақли равишда фахрланганлар. Воҳа дostonчиларининг шоғирдлар етиштиришдаги анъаналари кишини ҳайратга солади. Чунончи, яқин ўтмишда яшаб, халқнинг катта ҳурматиға сазовор бўлган халқ бахшиларидан Қосим, Бобо, Алим, Амир, Шерна, Ниёзбадал, Худойкул, Нормурод, Шотўра ва Холёр (рўйхатни яна давом эттириш мумкин) каби шоирларнинг бой репертуарлари дoston куйлашдаги санъаткорликлари, дostonчи шоғирдлар етказишдаги жонбозликлари ҳақида хабар берувчи тарихий фактларға асосланган ҳикоялар ва баъзи бир нақл-ривоятларға кулоқ солинг-а. Мисоллар жуда кўп. Улардан фақат биттасини келтирамиз. Аниқланишича, ўз замонасининг машҳур сўз заршуносларидан бири бўлмиш Шерна Эрназар ўғли (1855—1915) қарийб 50 дан ортиқ дostonни (уларнинг ҳар бири минг-минг мисралардан ташкил топганлигини айтмайсизми) ёд билиши, уларни эл орасида мохирона куйлаб юришидан ташқари, 15 дан ортиқ катта-кичик дostonчи-бахшилар етиштирган экан. Чунончи, Шотўра Худойкул ўғли, Умр Сафар ўғли, тожикистонлик Аҳмад бахши, сурхондарёлик жўра Эшмирза ўғли, Мамадрайим

сингари дostonчилар катта талант соҳиби бўлмиш шернадек устозларини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Бугина эмас. Шерна Эрназар ўғлининг авлодаждодлари — жиянлари Мардонкул, Бектош, ўғиллари Нормурод ва Тўқли, невараси Хушвақт Мардонакул ўғли ҳам Шерна мактабидан етишиб чиққан дostonчи — бахшилардир.

Ҳа, Шерна Эрназар ҳақиқатан ҳам ўзига хос дostonчилик мактабини яратган устоз бўлган... Шоирнинг номи ўзи ҳаётлик чоғидаёқ кўшни воҳаларга машҳур бўлиб кетган. Шерна дostonини тинглаган тингловчилар шоир номини улуғлаб ҳатто афсона-ривоятлар тўқийдилар, дostonчилар эса унинг жўшиб-тошиб дoston куйлашига тан бердилар.

Шернага ўхшаш шоирлар тилга олинган воҳада аллақанча. Уларнинг кўпчилиги бундан аввал ўзбек фольклорноснослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Охунжон Собиров, Муҳаммаднодир Саидов каби фольклористлар, Абдимўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамро, Камол Очилов ва бошқа халқ оғзаки ижоди ошиқлари, санъатшунослар, ёзувчилар томонидан «кашф» этилган ва қисман ўрганилган эди. Экспедиция аъзолари ўз навбатида ана шу устозлар изидан бориб, дostonчилар билан яна бир бор учрашдилар, улар репертуарларидаги асарлардан баъзи бирларини қўлда ва магнитофон лентасига ёзиб олдилар. Шўрчилик Эшқобил Қўшоқ ўғли, деҳқонободлик Ражаб шоир, Тошмурод Тўра ўғли, Нормурод Поён ўғли, Фойим Раҳим ўғли, Эшмурод Шердон ўғли, Эргаш шоир, Хушбоқ Сафар ўғли, Қиём шоир, Юсуф Ўтаган ўғли каби шоирлардан ёзиб олинган «Малла савдогар», «Авазхон», «Ғарибнома», «Гўрўғлининг туғилиши» сингари машҳур «Гўрўғли» туркумига кирган дostonларнинг вариантлари, «Алпомиш» катта қаҳрамонлик эпоси, шунингдек, воқелигимиз акс этган дostonлар — «Келиной», «Иззатой», «Хонсулув» каби асарлар шулар жумласидан. Бу дostonларнинг катта кўпчилиги, ғоявий-бадий юксак бўлишидан ташқари, маърифий-эстетик, тарихий-илмий аҳамиятга молик.

Қашқадарё-Сурхондарёда, Туркменистон ва Тожикистоннинг ўзбеклар яшайдиган ҳудудлари 1953 йилдан бошлаб мунтазам тарзда ўтказилган фольклор-этнографик



экспедицияларида, сатирик, ҳаётий-реалистик ва сеҳрли эртақлар, Алишер Навоий, Бобур, Беруний, Ибн Сино ва бошқа адабиёт, фан арбоблари ҳақида афсоналар, ривоятлар, ўтмиш ва ҳозирги замонга бағишланган кўшиқлар, лапарлар, ўланлар, термалар, тўйлар, маросимлар, болалар фольклори билан боғлиқ фольклор намуналари, дўмбира куйлари ёзиб олинди. Ҳозир Қашқадарё-Сурхондарёда дostonчилик жонли жараёнда яшаяпти. Бироқ ҳозиргача буларнинг ҳеч қайсиси етарлича ўрганилган эмас. Ҳали Қашқадарё-Сурхондарё воҳаларида ўз текширувчиси ва ёзиб олувчисини кутаётган фольклор асарлари ва унинг ижодкорлари — халқ шоир ва бахшилари, бадий сўз ва соз ошиқлари кўп...

Бу сўзлар Абдумўмин Қаҳҳоровнинг бир ҳисоботи эди. Унгача ҳам у кўп бор Тошкентда бўлган, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти фольклор сектори (бўлими)даги фольклоршуносларга дардини юз бор айтган эди. Негадир айрим муҳтарам устозлар ўн беш-ўн олти йиллаб заҳмат чеккан, икки вилоят қишлоқ ва овуллари кезиб чиққан тадқиқотчининг фикрларига ишонмас, бу икки воҳада бахшилар қадимий аънанани бўлганини, яшаётганини тан олгиси келмас эди. Аммо тадқиқотчи табиатан қанчалик ювош, оғир, мулойим бўлса, ўз фикрида шу қадар мустаҳкам, қатъий эди. 1969 йилда Қодир бахшидан «Ойчинор» дostonини ёзиб олиб, бир қўлда дostonни кучоқлаб, иккинчи қўлда Қодир бахшини етаклаб устозлар ҳузурига борди. Бобур ҳақида ажойиб дoston борлигини, уни энг ёш бахши — Қодир бахши айтганини асосламоқчи бўлди. Афсус, фольклор учун анча ишлаб шуҳрат чўққисига эришдим деб билган, ўзини халқ бахшиларининг ҳомийси, дostonларнинг билимдони деб ҳисоблаган, сўзи қилни қирқ ёрадиган, у устоз деб билганлар на қўлёзмани варақлаб кўришди, на бахшини тинглашди, на Абдумўмин Қаҳҳоровни эшитишди. Қандай борган бўлса, шундай изига қайтди. Марказлашиш сиёсати, дохийлик касали шундай кучли эдики, тадқиқотчи йиққан бой материалларининг қайси соҳасидан илм қилишни, тадқиқот ёзишни билмасди. Ниҳоят, унга умуман Қашқадарё-Сурхондарё фольклоридан номзодлик иши ёзишни айтишди. Тадқиқотчи манбалар (йиғилган материаллар)нинг рўйхати бир диссертация ҳажмига тенг

келишини асослагач, мавзу «Қашқадарё-Сурхондарё дostonчилик» доирасида қисқарди. Аммо бу пайтда тадқиқотчига ўзбек халқ дostonларининг Жанубий Ўзбекистон бахшиларидан ёзиб олинган 150 дан ортиқ дoston маълум эди. Ниҳоят, учинчи марта унга «Келиной» туркум дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятлари мавзуида иш ёзишга руҳсат этишди.

Абдумўмин Қаҳҳоровнинг дostonлар кўп, дostonчилар яшаяпти деб бонг уришлари, юқоридаги каби ҳисоботларидан сўнг айримлар, эҳтимол у тўғри айтаётгандир, деб ўйлай бошлашди ва 1969 йилда тадқиқотчи далилларини кўриш, унга ишониш ёхуд рад этиш учун фольклоршунос, кўлингиздаги китоб муаллифларидан бири (Малик Муродов — *муҳаррир изоҳи*) сафарга чикди. Жанубий Ўзбекистон фольклорини ўрганишга бағишланган, йигирма кунга мўлжаллангану ўттиш беш кун давом этган бу экспедиция икки воҳада дostonчиликни ўрганиш борасида бурилиш ясади. Худди шу йили устоз Ҳоди Зарифнинг Жанубий Ўзбекистонда дostonчилик мактаблари борлиги, бахшичиликни жонли жараёнда яшашини тан олиши, унинг ўзига хос жиҳатларни кўрсатиши тошкентлик олимлар юзини Қашқадарё-Сурхондарё томон бурилишга мажбур этди. Бу вақтда Қаҳҳоровнинг шогирдлари (фольклордан бошқа соҳаларда) номзодлик ишини химоя қилган, доцентлик унвонини ҳам олган эди. Улардан баъзилари Абдумўмин акани тан олишмай қолди. Гўё домла билмагандай, илмий иш қилиш қўлидан келмагандай эди, улар назарида. Кимлардир адабиёт деган уммоннинг бошқа бир соҳаларида тадқиқот қилишни таклиф этди.

Бироқ Абдумўмин Қаҳҳоров ўзи болаликдан меҳр кўйган, узоқ йиллар тўпловчилик билан шуғулланган фольклордангина илмий иш қилишни мақсад қилган, нияти қатъий эди. 1946 йилдан бошлаб халқ оғзаки ижодининг барча жанрларига доир материалларни тўплаб келарди. У шулар орасидан бир қисмини «Келиной» туркум дostonларинигина тадқиқотга жалб этди ва 1972 йилда номзодлик ишини химоя қилди. У қишлоқмақшилоқ, овулма-овул юриб, «Алпомиш»ни, «Гўрўғли»ни, «Аваз»ни излади ва шу орада «Келиной»га дуч келди. Унинг «Тошгул», «Ойтошгул», «Норгулой», «Машарой»,

«Хонсулув», «Қизлархон», «Улуғой», «Жумагул», «Улдоной», «Дастагул», «Пардахол», «Тўлғаной», «Иззатой», «Иқболой», «Ойсихат», «Ойша» номлари билан аталган юздан ортиқ вариантларини ёзиб олди. Бу туркум турли номлар билан аталса-да, барча вариантларни умумий бир ҳолат бирлаштиради. Ҳар қайси вариантда қизнинг гўзаллиги, ошиқ йигитнинг мақтовлари, унинг ишқий-руҳий кечинмалари тамоман бир-бирини тўлдириб боради. Бундан ташқари, дoston шаклига кирган вариантлар барчасида ошиқ йигит қизни излаб келади. Қизнинг отасига совчи юборади. Қизнинг отаси «Йўқ» жавобини бергач, олиб қочади. Уларда муҳаббатда тенглик ва эркинлик темаси ўз ифодасини топади.

Тадқиқотчи «Келиной» достонида «Алпомиш» қаҳрамонлик эпосининг таъсири борлигини таъкидлар экан, бу Сўлтоқ ва Норгулой (Қодир бахши Раҳимов варианты)нинг алп сифатида кўриниши, шарт қўйилиши ва уларнинг курашида намоён бўлишини айтар эди. Дарвоқе, гўзалликда беназир Норгулой (Келиной) Сўлтоқнинг муҳаббат изҳорига шундай шарт қўяди:

Норгулой: — Саратонда товнинг боши бўлар қор,  
Ёмон одам кенг дунёни қилар тор,  
Юрагингда майли армон қолмасин,  
Ким хоҳласа унга битта шартим бор.

Сўлтоқ: — Белга белбоғ, қўлга таёқ олайн,  
Қазом тўлса мен йўлингда ўлайн,  
Тортинмагин, айтабергин шартингни,  
Бир шарт эмас, минг шартингни қилайин.

Норгулой: Мен шартимни сен олдингга қўяйин,  
Бор кучимни билагимга қўяйин.  
Мени билан олиш, мени йиқитсанг,  
Тан бағишлаб майли сенга тияйин.

Бу ерда беихтиёр Барчинойнинг Қоражон орқали Алпомиш ва 90 алпга қўйган шарти ёдга тушади. Норгулой ҳам Барчиндек: «Бор кучимни билагимга йиғаман», деб курашга шай турибди. У ошиққа ўзи талабгор бўлажак эрини ўзидан кучли, бақувват бўлишини истайди. Мана, ўша кураш тасвиридан парча:

Кийимларин Норгул тўрга уяди,  
Қаҳрланса тов зарбига куяди,  
Бошига тим қора сочин туяди,  
Юлиб олиб жун чакмонди кияди.

Томошага осмонда ой тайлади,  
Қандай бўлар экан деб ой ўйлади,  
Силкиб олди бўсағидан чилвирни,  
Хипча белга кирмов қилиб бойлади.

Бул сўзимни, Сўлтоқ пухта бил, деди.  
Кучинг етса мана санам ол, деди,  
Кучин жийиб, қошин уйиб ой Норгул,  
Добдирамай энди тайёр бўл, деди.

Сўлтоқ айтар: — Йиқитмасам бўлмади,  
Балки бизни назарига илмади,  
Бир йиқилиб тияр бўлса шу Норгул,  
Энди бизда сира армон қолмади.

Айланишди чўлда лочин учгандай,  
Аччиқ келар кўкда булут кўчгандай,  
Бир-бирига қўл узатиб ушлашди.  
Баланд товга яшин келиб тушгандай.

Силташади ерлар қолди қазилиб,  
Зарбасига тов кетгудай бузилиб,  
Бир-бирини силташади куч билан,  
Осмон титраб, кетар юлдуз узилиб.

Норгул энди ўз кўнглини хушлади,  
Енгди қўйиб, ёқасидан ушлади.  
Бирор фасл ўтган эди орадан,  
Сўлтоқни дустаман қилиб ташлади...

Мана, «Алпомиш»дек буюк эпоснинг ўзидан кейинги минг йилликларда яратилган янги дostonларга таъсири. Фольклоршунос Абдумўмин Қаҳҳоров ўзи ёзиб олган ўнлаб дostonларни «Алпомиш»га қиёслаб ўрганди ва шундай хулосага келди: «...Қашқадарё-Сурхондарёда «Алпомиш» дostonини билмайдиган дostonчини бахши деб тан олишмайди. Ҳатто «Алпомиш» туркумини тўлди-

рувчи «Барчин Бека» ёки «Бева Барчин» деб номланган алоҳида дoston ҳам бўлган. «Алпомиш» туркумидаги дostonлар кенг тарқалганидан воҳа аҳолиси жуда кўп жой номларини, дoston қаҳрамонлари ва воқеаларига боғлаб атаганлар<sup>1</sup>.

Абдумўмин Қаҳҳоров ниҳоятда камтар, камгап, камсукум, бироқ далилларга суянадиган, фикрида қатъий, ўша қатъиятни ҳам самимият билан секин баён қиладиган инсон эди. У оз эмас — кўп эмас 69 йиллик умр кўрди, шундан 51 йилини фольклор материалларини йиғишга бағишлади. Жанубий Ўзбекистоннинг бирон қишлоқ ё овули қолмадики, у кўрмаган, кириб чиқмаган, нимадир ёзиб олмаган. Қаерда бахши ёхуд эртақчи, ё қўшиқчи бор деб эшитса, ўша кун йўлга тушар, етиб бориб ижодкорни кўрар, нимадир, ёзиб оларди. Қадди қомати келишган, юзидан нур ёғилиб турган, самимият билан, айтиш лозимки, ўта назокат билан муомала қиладиган бу одам ижодкорлар қалбига йўл топа оларди ҳам. Танлаган соҳасидан шу даражада қувонарди, фахрланардики, нолишни билмасди, шикоят қилмасди. Аммо фольклор материали тўплаш учун кетиб қолганда уй-жой, иш ёдидан чикарди.

1970 йилда домла таътилга чиқиб, Москвага бориб ҳам кутубхонада бир оз ишламоқчи, ҳам дам олмоқчи бўлибди. Аммо Самарқанд давлат университетиде Худойберди Дониёровга учрашиб кетиши керак экан. Борса, домла ўзбек уруғларини биладиган Ҳайим Пиримқулов борлигини эшитиб қолиб, ўша одам билан учраштиришни сўрабди. Табиатан кўнгилчан А.Қаҳҳоров 2-3 кун кечикиб борсам, ҳеч нарса бўлмас, дебди-да, Х.Дониёров билан Қашқадарёга қайтибди. Шаҳрисабзга келиб машҳур раис Фани Бобоёровни сўраса, йўқ экан. Аммо укаси колхоз машинасини бериб Дехқонободга жўнатибди. Ҳайим бобонинг суҳбатлари кўнғирот уруғлари генизисидан тортиб, дostonлар куйлаш, дўмбира чертиш маҳоратига берилган меҳмонлар уч кун қолиб кетибди. Шу орада Ҳайим бахши Сурхондарёнинг Бойсун ва Денов туманларида ўзбек уруғларини ўзидан кучлироқ биладиган икки киши бор-

---

1 А.Қаҳҳоров. Янги дostonлар. Т., «Фан», 1988, 19-бет.

лигини айтиб қолади. Машина бор, олимлар энди Сурхондарё сафарига отланибди. Шофёрга ҳам: «Фалон куни келасан», — деб эмас, «Домлаларга хизмат қилинг», — деб айтилгани сабабли кунларнинг ҳисобини олмай ишлаган. Хуллас, Сурхондарёда 14 кун қолиб кетибди. Бу орада раис машина қайтмаганидан ҳайрон, раиснинг укаси ичига ўт ёкса исимайди, шофёрнинг оиласида безовталиқ. Қарши педагогика институти ректорига телефон қилса, А. Қаҳҳоров дам олишга кетган, деган жавоб. Ҳамманинг сабрбардоши тугаган бир пайтда «йўқолганлар» топилади. Энди А. Қаҳҳоровнинг дам олишга рухсат этилган вақт ҳам тугаган эди. Бундай воқеа домла ҳаётида бир марта эмас, кўп рўй берган.

Дарвоқе, 50—60-йилларда транспорт воситаси ҳозиргидек сероб эмас, қишлоқларга чиқиш оғир эди. Туман марказига боргач, узоқ қишлоқларга отда ёхуд эшакда чиқиларди, гоҳ ўнлаб чақирим пиёда юришга тўғри келарди. Домла бир марта шундай сафарларда Дехқонободдан Қаршигача қишлоқма-қишлоқ юриб пиёда келган экан. 90 чақирим йўлни пиёда босиб ўтишнинг машаққатини тасаввур қилиш қийин эмас.

Айни дамда Абдумўмин Қаҳҳоров шу қийинчиликлар, машаққатларни енгиб, ҳеч кимга нолимасдан Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактабларини асослади, фанга олиб кирди, Қашқадарё фольклорчилик мактабини яратди.

— Устоз Ҳоди Зариф: «Тўпла, йиғ, ёз», — дерди. Йигирма йил тўплаб, сўнгра таҳлилга киришдим. Кейин яна ҳамон тўплайпман. Мен сизларга Ҳоди бобонинг сўзини эслатайпман. Халқ орасида кўпроқ бўлиш, ундан ўрганиш, йиғиш керак экан. Айримлар қўлида материал йўғу илм қиламан дейди. Фольклоршуносликда манбаларни тўпламай, йиғмай, ёзиб олмай тадқиқот қилиб бўлмайди. Устоздан ҳамон ўша ўгити учун миннатдорман, — дерди домла.

Дарвоқе, Абдумўмин Қаҳҳоров архивида уч юз минг метрдан ошиқ магнитофон тасмасига, минг-минглаб саҳифаларга дostonлар, қўшиқлар, эртақлар, ривоятлар, афсоналар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар битилган улкан маънавий хазина жамланган. Умрининг ярим асрида тўпланган бу мерос ҳали тасниф этилган, таҳлил

объекти қилиб олинган ёхуд тадқиқ этилган эмас. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Абдумўмин Қахҳоров: «Пала-партиш, енгил-елпи, маза-матрасиз кўп нарса ёзгунча из қолдирадиган, тарихда ўчмайдиган бир нарса ёзиш керак», — дерди. Айни вақтда домла ўз ақидасига амал қилиб яшади. Ўндан зиёд илмий мақоладан ташқари «Янги дostonлар» монографиясини яратди. Қашқадарё ва Сурхондарё халқ бахшилари репертуари асосида яратилган бу асар Жанубий Ўзбекистон дostonчилигининг икки асрлик тараққиётини ифодалаши, дostonчилик мактабларининг ўзига хослигини асослаши, анъанавийлик ва бадий махоратни акс эттириши билан ажралиб туради.

Абдумўмин Қахҳоров илмпарвар инсон бўлиб, ёшларнинг фан чўққиларини эгаллашига алоҳида эътибор берган, Қарши давлат университети профессорлари Дамин Тўраев, Тўра Нафасов, Ботир Хайридинов, доцентлар Камол Очилов, Нафас Шодмонов, Хўжамурод Жабборов, Поён Равшанов, Бойназар Йўлдошев, Эшпўлат Жабборовларнинг фанга кириб келишида домланинг алоҳида хизматлари бор. Орол Мўминов, Райим Ражабов, Тоштемир Турдиев, Камол Очилов, Салима Жумаева сингари фольклоршунослар (шу китоб муаллифларидан бири А. Эргашев ҳам — *муҳаррир изоҳи*) Қахҳоровнинг шогирдларидир. Ҳар бир шогирд домла ҳақида фахрланиб гапиради, яхшиликларини эслайди. Дарвоқе, А.Қахҳоровнинг шогирдларга меҳр-муҳаббати шунчалик кучли эдики, айримлар бу фидойиликни тасаввур этиши қийин. Масалан, Камол Очиловни бир неча марта Тошкентга олиб бориб устоз фольклоршунослар — Ҳ.Зарифов, М.Алавия, М.Афзаловларга учраштиради. Яна бир шогирдининг иши юришмай турганда хаста эканига қарамай, Тошкентга бориб (бу домланинг сўнгги сафари эди) ҳал этиб келади ва ҳоказо.

Шу ўринда А.Қахҳоров билан узоқ йиллар бирга ишлаган шевашунос олим, ҚаршиДУ доценти Кенжа Усмоновнинг хотирасини келтиришни лозим топдик:

«1972 йилдан бошлаб марҳум, халқ оғзаки ижодиётининг билимдони Абдумўмин Қахҳоров билан талабларни ўзбек шевашунослиги ва халқ оғзаки ижодиётини ўрганиш учун ўн беш йилча экспедицияга олиб бордик. Бу экспедиция даврида асосий масъулиятни А.Қахҳоров ўз

зиммасига олар эдилар. Абдумўмин Қахҳоров билан юрар эканман, у киши билан биргаликда Малик Муродов билан ҳам бир неча марта суҳбатда бўлганман. Шундай суҳбатларнинг бирида Малик Муродов: «Халқ оғзаки ижодиёти катта бир денгиз. Бу денгизни ўрганиш ниҳоятда зарур. Биз бу денгизни батамом ўрганиб, тугата олмаймиз. Шунчаки, бу денгиздан бир челак сув олиб, ундан фойдалангандай бўламиз. Бу денгизни ўрганиш келгуси авлодлар давом эттиради», деган фикрларни билдирган эдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Сурхондарёнинг А.Қахҳоров билан мен бормаган бирон-бир тумани қолмади. Бундан ташқари, Қашқадарёнинг туманларида (Яккабоғ, Чироғчи, Шахрисабз, Китобда) бўлиб, халқ оғзаки ижоди материалларини тўпладик. Биз ҳатто Тожикистон Республикасига ҳам бориб, у ердаги ўзбеклар билан суҳбат уюштириб, «Алпомиш», «Гўрўғли» дostonлари ҳақида материаллар тўплар эдик. Тўплаган материалларимизнинг барчаси асосан магнит тасмаларига ёзиб олинар эди. Ниҳоят, магнит тасмаларини қайта-қайта қўйиб, тўпланган материалларни таҳрир қилар эдик.

Биз экспедиция даврида марҳум Қодир бахши билан ўн-ўн беш кунлаб бирга бўлар эдик. Қодир бахшига А.Қахҳоров ва мен «Алпомиш»дан айтинг, дер эдик. Қодир бахши «Алпомиш»дан айтар эди. Даврамизда 50—60 нафарга яқин талабалар ва ўша қишлоқдаги 100—200 га яқин йиғилган одамлар бўлар эди. Бу йиғилишларда Қодир бахши «Алпомиш»ни шундай таъсирли қилиб тасвирлар эдики, қувонганимиздан айрим ўринларида А.Қахҳоров ва мен ўзимизни тўхтата олмай йиғлар эдик. Бундан ташқари, йиғилганларнинг ва талабаларнинг кўпчилиги ҳам йиғлар эди. Бунга сабаб, халқимиздаги орият, мардлик, орномус, енгилмас куч, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, қахрамонлик, жасурлик каби ҳислатларни Қодир бахши томонидан Алпомиш образи орқали жонли ҳолатда таъсирчан қилиб кўплаб бериши эди.

1985 йилда Қашқадарёнинг Дехқонобод, Сурхондарёнинг Денов, Сариосиё, Ангор, Жарқўрғон, Шеробод каби туманларида бўлиб, у ерлардаги бахшилар билан учрашдик. Бу учрашувларда ҳам асосан «Алпомиш» дostonидан, шунингдек, «Гўрўғли» дostonларидан материаллар тўплдик. Шу пайтда мен Абдумўмин Қахҳоровга шундай дедим:



«Абдумўмин ака, мен Алпомишнинг туғилган жойини кўрганим йўқ. Отам айтар эдилар, Алпомиш Бойсунда туғилган, деб. Бойсунда Алпомишни ўлдириш учун зиндон қазилган ва Алпомишни зиндонга солишган. Шунда унинг оти — Бойчибор келиб, зиндонга думини солган. Алпомиш отининг думидан ушлаб, зиндондан чиқиб кетган. Шу Бойсунни бир бориб кўрайлик, у ердаги маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашайлик, дедим». Абдумўмин Қаҳҳоров ва Қодир бахши менинг таклифимга рози бўлишди. Машина Бойсунга қараб йўл олди. Бойсунга етиб келдик. Қодир бахши шофёрга қараб деди: «Машинани мана бу қишлоққа буринг, бу қишлоқда менинг бир шогирдим бор. Агар у киши уйида бўлса, суҳбатни ўша ерда давом эттирамиз». Шофёр машинани айтилган қишлоқ томон бурди ва бир кўча бўйлаб кириб бордик. Қодир бахши машинани тўхтаттириб, Шоберди бахшининг уйи томон юриб, унинг ҳамсояларидан Шоберди бахшини сўради. Кўчадаги одамлар бахши акасининг уйида таъзия бўлганлигини айтди ва ниҳоят, улардан биттаси бориб Шоберди бахшига бизнинг келганлигимизни билдирди. Шоберди бахши кўчага чиқиб, Қодир бахши билан кучоқлашиб кўришди. Биз кўнгилсиз воқеа бўлганлигини ва ўз таъзиямизни бахшига билдирдик. Лекин Шоберди бахши бизни кўярда-қўймай уйига таклиф қилди. Катта меҳмонхонасига элликка яқин одам жойлашди. Бундан ташқари, кўшнилари ҳам келишди. Салом-алик, сўраб-суриштиришлардан сўнг дастурхон ёзилиб, чой келтирилди. Шунда Абдумўмин Қаҳҳоров Қодир бахшига: «Бахши, навбатни кимдан бошлаймиз?» деди. Қодир бахши: «Шоберди менинг шогирдим бўлади. Қани, Шобердидан эшитайлик, мен уни анчадан бери кўрганим йўқ, овози ва услубида қандай ўзгариш бўлган экан, буни бир айттириб кўрайлик», деди. Қодир бахши мен ва А. Қаҳҳоровга қараб: «Домлалар, Шоберди қайси дostonдан куйласин», деди. Биз: «Алпомиш» дostonидан куйласа яхши бўларди», дедик. Шунда мен кўшимча қилиб қўйдим: «Қодир ака, «Алпомиш» дostonида Барчининг Ултонтозга никоҳ қилиниши ҳақида гап бўлганми?

Ултонтозга теккунча,  
Ўл Барчиним ёр-ёр...—

деган ўринлар бор. Шунини Алпомиш айтганми? Шоберди бахши шу жойидан айтса, қандай бўлади?» дедим. Қодир бахши: «Домла, Сиз айтган ўринлар ҳам бор, қани, бахшига навбатни берайлик», деди. Шоберди бахши устозидан рухсат олиб, «Алпомиш» достонини куйлай кетди. Биз бахшининг айтаётган гапларини магнит тасмасига ёзиб ола бошладик. Бирор соатлар чамаси Шоберди бахши «Алпомиш» достонидан куйлагандан кейин, тўхтаб, бир пиёла чой ичиб, устозидан сўради: «Устоз, қандай бўлибман, камчиликларим бўлса, айтинг». Қодир бахши Шоберди бахшини табриклаб, хурсанд бўлганлигини, қойил қолганлигини айтди.

Шундан сўнг «Алпомиш» ҳақидаги фикр Бойсунда Шоберди бахшининг уйига тўпланган одамлар орасида давом этиб кетди. Бойсунга борганда «Алпомиш»га оид жуда кўп афсона-ривоятларни йиғилган одамлардан эшитдик. Жой номлари, жўғрофий атамалар ҳақида жуда кўп маълумотлар олдик. Ҳақиқатан ҳам отамнинг айтганлари тўғри чикди. Халқимиз ва унинг сардор бахшилари Алпомишни ўз қахрамони сифатида жуда эъзозлаши, бошига кўтаришини яна бир бор гувоҳи бўлдик. Улар наздида Алпомиш яшаб ўтган, жонли қахрамон экан. Бойсуннинг оддий кишилари ҳам, бахшилари ҳам сизни бунга ишонтириш қобилиятига эга эканлар. Йиғилган одамлар билан Алпомиш ҳақидаги фикрларимиз, суҳбатимиз тугагандан сўнг биз Қодир бахшидан ҳам «Алпомиш» достонини айтиб беришини илтимос қилдик. Қодир бахши «Алпомиш» достонини айтишга киришди, ўртада тўхтаб-тўхтаб айтар эди. Достондаги айрим ўринларни бахши билан муҳокама қилар эдик. Достон тонг отгунча айтилди. Қодир бахшининг кучига ва ширали овозига ҳайрон қолдим ва бахшига қарата шундай дедим: «Қодир ака, бу касбни сизга худо берган экан, мен кўп бахшилар билан учрашиб, улардан «Алпомиш» достонини тинглаганман. Лекин бирортаси ҳам сизга тенглаша олмайди. Шундай усул билан айтасизки, одам ўрнидан туриб, қўлига қурол олиб, Алпомишнинг ёнига бориб, душманга қарши курашиб кетгиси келади. Халқимиз шундай ўлмас қахрамонни яратганки, унинг ҳеч бир жойидан камчилик

топиб бўлмайти. Эртаси куни Шоберди бахши бизни Дехқонободгача келтириб қўйди ва хайрлашиб кетди.

Биз Дехқонободдан кечаси тўғри Китобга етиб келдик. Китобдан Зоҳир бахшини топтириб, у киши билан суҳбатлашиб, дoston айтиб беришларини таклиф қилдик. Зоҳир бахши ҳам «Алпомиш» дostonини бир кеча айтиб берди. Зоҳир шоир ҳозирги Касби туманидаги Муборак қишлоғидан. Зоҳир шоирнинг ота-онаси вафот этганларидан сўнг, у амакисининг қўлида қолган. Кунларнинг бирида у поездга чиқиб Эргаш Жуманбулбул ўғлининг уйига етиб келган. Эргаш Жуманбулбул ўғли уни ўз тарбиясига олган ва дoston куйлашни ўргатган ва ниҳоят, уни уйлантирган.

Қашқадарё вилоятида ҳам дoston айтувчи бахшилар кўп. Қашқадарёда дoston куйловчиларни шоир деб аташади. Мен шоирлардан Қодир шоир, Элмат шоир, Барно шоир, Кунна шоир, Азим шоирларни биламан. Бу шоирлар даврасида бўлиб, уларнинг «Алпомиш» дostonини марок билан куйлаганларини эшитганман. Менинг назаримда, Қашқадарё дostonчилиги унчалик даражада ўрганилган эмас. Буни ўрганиш ҳозирги фанимизнинг асосий вази-фасидир. Албатта, юқоридаги фикримиздан Дехқонобод дostonчилиги мустасно.

Суҳбатлардан бирида Абдумўмин Қаҳҳоров: «Кенжабой, режам катта, шуни амалга оширсам, дунёдан армонсиз кетар эдим», — дер эдилар. Етгита фан номзоди, иккита фан доктори етишиб чиқишига имоним комил. Менда йиғилган материаллар кўп, бу материаллар билан ишлайдиган одам керак», деганди...

Кенжа Усмоновнинг айтганлари А.Қаҳҳоровнинг яна бир хислатини ёдга солди. Дарвоқе, унинг хонадони фольклоршунослар, бахшилар, талабалар, шогирдлар билан хамиша гавжум эди. Ўзбек фольклоршунослигининг даргалари Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев, Зубайда Хусайнова, Охунжон Собиров, Сиддиқ Асқаров, халқ бахшилари — Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир шоир Сафаров, Қодир бахши Раҳимов, Хушвақт бахши Мардонақулов, Шомурод бахши Тоғаев, ака-ука Қора ва Чори Умиров,

Қахҳор бахши Раҳимов, Азим бахши Хўжаев ва бошқалар Абдумўмин ака хонадонида неча бор илмий баҳсга киришишган, дostonу термалар айтишган. Домланинг архивида олимлар, адиблар, шоирлар билан ёзишмалари, хатлар, тақризлар сақланади. Улар орасида дostonчилик Қашқадарёда йўқ, бўлмаган деганлари ҳам, айни вақтда эътироф этганлари, ҳатто Санкт-Петербург, Москва, Вашингтон олимларидан келган миннатдорчилик сўзлари битилганлари ҳам бор.

Америка Қўшма Штатларидан Вольтер Фельдман ёзади: «Хурматли домла Қахҳоров, ассалому алайкум. Бу саёҳатимнинг охирида сизга салом ва раҳмат айтмоқчиман. Сизнинг ёрдамингиз орқали ўзбек дostonчилигининг «Алпомиш» «Гўрўғли», «Аваз» каби асосий манбалари ва муаммолари менга очилди. Сиз билан Шерободга боришим қисқача бўлса-да, менга кўп нарса ўргатди, албатта, бахши масаласини тушуниш учун... Матнларни Қахҳор бахши билан бирга юборсангиз... Сизга соғлик тилайман.

*Вольтер Фельдман.  
1991, 14 июль, Москва».*

Ҳа, ўша йили Қахҳор бахши В.Фельдманнинг ёрдами билан АҚШда бўлди. 1992 йилда эса тадқиқотчи А.Қахҳоров архивдан ёзиб олган материалларни Америкада инглиз тилида чоп эттирди:

— Ҳаётимда, — деб эслайди Қарши маданият техникуми ўқитувчиси, фольклоршунос Раҳимжон Ҳақимов, — Абдумўмин Қахҳоровдай шогирдларга меҳрибон, шафқатли устоз учратмадим. «Раҳимжон болам, қийинчиликдан қўрқмай одамлардан, кексами-ёшми, эркакми-аёлми ёзиб олинглар. Яхши муомала қилсаларинг, одамлар билганини айтади. Ҳозир ҳеч ким оч-яланғоч қолмайди. Шундай бўлгач, кишининг ҳақиға асло хиёнат қилмай, илмда ҳалол бўлинглар, олимлик покликни талаб қилади», — дерди. Мен домла билан бир неча марта экспедицияларда бўлганман ва у кишининг ҳамма жойда хурмат-эътибор билан кутиб олинганини кўрганман.

Хуллас, фольклоршунос мураббий, шоиртабиат, Абдумўмин Қахҳоровнинг хизматлари, умумўзбек фольклор-

шунослигига қўшган ҳиссаси, «Алпомиш», «Бева Барчин», «Ёдгор» дostonларининг Жанубий Ўзбекистон вариантларини ёзиб олиш ва ўрганишдаги хизматлари беқиёс таҳсинга сазовордир. У тўплаган манбаларни ўрганиш, чоп этиш эса навбатдаги вазифалар сирасига киради. Қизи Шаҳноза, Орзигул, шогирдлари Насим Очилов, Бахтиёр Ризаев, Хулкар Бозорова, Дилбар Ҳалилова, Тожиддин Қоржовов шу соҳада ишлашга бел боғлаган. ҚаршиДУда домланинг номидаги фольклор-этнография илмий лабораторияси иш бошлаган. Уни домланинг шогирди Камол Очилов бошқармоқда.

— Бу лаборатория, — дейди биз билан суҳбатда, филология фанлари номзоди, доцент Камол Очилов, — биринчидан, Жанубий Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор фольклорини, хусусан, бахши дostonчилиги ундаги «Алпомиш» эпосининг оламшумул аҳамияти, бу дostonнинг жаҳон туркийзабон кишилари ўртасидаги талқини ва вариантларини жиддий, мунтазам ўрганиш, йиғиш, тартибга келтириш, нашрга тайёрлаш ва илмий тадқиқ этишдан; иккинчидан, бу соҳада фидойилик кўрсатган, умрини ана шу шарафли ва муқаддас ишга бағишлаган фольклоршунослар — Абдумўмин Қаҳҳоров, Чори Ҳамро ва бошқаларнинг архивларидаги нодир материалларни бир жойга жамлаш ва тартибга келтириш; улар устида илмий текширишларни марказлаштириш; учинчидан, иктидорли ёшлар орасидан халқ оғзаки ижоди тадқиқотчилари етказиш ва ниҳоят, Қашқадарё-Сурхондарё маънавияти, маърифати ҳамда маданиятига муносиб ҳисса қўшишдир. Борди-ю, мазкур лаборатория, яъни илмий марказни университетимиз илмий жамоатчилиги бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳр-муҳаббат ва иштиёқ билан яратиб, оёққа турғизиб олсак, Жанубий Ўзбекистоннинг бетакрор адабий-бадий меросининг ўзига хослигию поэтик гўзаллиги, халқимизнинг бадий даҳосини, хусусан, Қашқадарё, Сурхондарё бахшичилиги санъатини, бу воҳа «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркум дostonларини жаҳонга кўз-кўз қила оламиз. Мен шунга аминманки, вақт-соати келиб, Республикамиз, қолаверса, жаҳон фольклор тадқиқотчилари Қарши давлат дорилфунуни қошидаги фольк-

лор-этнографик Илмий марказида бўлиб, ўз илмий тадқиқотларини олиб борадилар. Бунинг учун биз мустақил Республикамизда илк бор ташкил этилган илмий марказимизни етакчи мутахассислар билан таъминлашимиз, моддий-техник базасини кучайтиришимиз лозим. Хуллас, мазкур лабораторияни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиб, ишга тушира олсак, ўзбек фольклоршунослигининг улкан қисми — Жанубий Ўзбекистон фольклоршунослигига асос солган марҳум алломаларимиз Чори Ҳамро ўғли, Абдумўмин Қаҳҳоров ва бошқаларнинг руҳи покларига қўйилган ўзига хос ҳайкал-хотира бўлур эди.

Басма

АЙТАЙИНМА, "АЛПОМИШ" ДАН  
БИР МАЙДОН



«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН ПАРЧА<sup>1</sup>

Алпомиш етти йил калмоқнинг зиндонида ётиб, баданига зах ўтиб, Ойтавка ва Қайқувват ёрдамида, зиндондан чиқиб, ўз юртига келаётиб эди.

Кўрди, Октубадан ошиб бир туя бўкириб, чопиб келаётир. Алпомиш айтди, бу туя кутурганми ёки бир галадан қочганми деб туриб эди, туя яқин келиб қолди. Шунда Алпомиш таниди, бу туя сағир қолиб, сут бериб ўзи катта қилган туя экан. Алпомишнинг юраги бўшаб, кўзидан ёш жўшаб, ўзини отдан ташлаб қулоч очиб туянинг олдидан келди. Жонивор инграниб, Алпомишнинг юзидан жалаб айланаберди. Қайта-қайта бўксидан искайберди.

Алпомиш ҳам туянинг юзидан ўпиб туриб эди, жонивор бир томонга гуп этиб йиқилди. Харчанд кўтарди бўлмади, туянинг жони чиқиб кетаберди: Алпомиш айтди: Кел-е, ўзимнинг ҳалол молим эди, харом ўлмасин деб ҳалол молим қилди. Йўлнинг бир томонига қўмиб, мазор устида ният қилди. Мен ҳам ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлганимда шу туянинг ўнг томонига мени ҳам қўйсин, қабрим шу жойда бўлсин, деб дуо қилиб, от устига миниб кетаберди. Октубадан ошди, ҳала, деган товуш қулоғига келди. Шундай қаради бир чол, усти боши титилиб кетган, кўзлари юмилиб кетган, кўздан оққан ёш соқолига қўшилиб кетган. Алпомиш чолнинг қадди-қовматини бировга ўхшатиб тикилиб қаради, таниди. Отаси Бойбўри, Алпомиш от устида оҳ деб юборди.

Ўзига тасалла бериб, мен отамга ўзимни танитсам, оғзидан юраги отилиб чиқиб кетар, туядек жони чиқиб кетар, ҳозир танитмайин, вақти билан танитсам яхши бўлар, деб йўлни чап солиб, юзини тесқари буриб ўтаберди. Шунда Бойбўри от добирини эшитиб манглайга қўлини қўйиб қаради. Бир қора ғуборланиб кўзига кўринди. Шунда товуш бериб, ҳей йўловчи тўхта, йиғлаб кўзларим кўр бўлган, манглайларим шўр бўлган, сенга бир оғиз арзим бор деб, икки оғиз сўз айтиб турибди:

<sup>1</sup>Қодир бахши айтган «Алпомиш» достонидан олинган ушбу парча архивимизда сақланиб қолган нусхадан олинди — М. М., А. Э.



Қаторимда гуркираган қора нор,  
Қора норга ҳала дейман зору зор.  
Бир фаслга тўхта дейман йўловчи  
Сендай бекка айтадиган арзим бор.

Оҳ деганда олти тоғни қақшатдим,  
Ёшим оқиб харсанг тошни ушатдим.  
Бир фаслга тўхтат отнинг бошини  
От добирин бир бедовга ўхшатдим.

Болам десам суякларим қақшайди,  
Ингрансам темир, пўлат бўшайди.  
Олиб келгин бир искайин жолидан  
Қолмоқ кетган чиборимга ўхшайди.

Ўйловимда Қолмоқ элдан келгансан,  
Ё йўқчисан молинг излаб юргансан,  
Ёлгон дема ростидан айт йўловчи  
Шу бедовни қайдан сотиб олгансан.

Гул тарзим сарғайиб сенга қарайин,  
Қанотларим синган нима қилайин,  
Қаддингдан айландим тўхта йўловчи  
Шу бедовнинг айт эгасин сўрайин.

Ола тоғнинг айланаси қормекан,  
Булоғидан оққан суви шўрмекан,  
Мендай шўрли йиғлаб сендан сўрайди  
Шу бедавнинг айт эгаси бормекан.

Бўз тўрғайдай тўлғанаман оҳ уриб,  
Метин эдим кетдим қордайин эриб.  
Оти Ҳаким, Алпон кўзим сўрайман  
Толдайин титрайман бедовин кўриб.

Алпомиш бу гапни эшитди, тенаси тутаб кетди, кўзи-  
дан ёш кетди. Отнинг жолидан саврнинг жоласидай сув  
кетди. Ўзини илла босиб, энтикиб нафас олиб, довушини  
бошқа қилиб жавоб айтгани:

Орқамдадир келаётир сатта нор,  
Ҳар лўкчада олтин билан зарим бор,  
Ҳар кимсага ўхшатмагин ўзимни  
Мени билсанг элда юрган савдогар.

Ёмон султон элга қилса сиёсат,  
 Шунда бўлар ҳар қишлоқда доду дод,  
 Кўзингни каттароқ очгин бобожон  
 Минган отим ёшлигидан хонозот.  
 Эгам очиқ қилсин бобойўлингни,  
 Маҳкам боғла икки жойдан белингни.  
 Кўрмасам ҳам одамлардан эшитдим,  
 Омон дейди Алпомишдай улингни,  
 Катта тоғнинг бошин туман чолара,  
 Шу кунларда боланг йўлга тушгандир.  
 Ойга қолмай Ҳакимжонинг келара,  
 Бойбўри дер: қора ерлар қақшайди,  
 Ёмғир ёғса хамирдаин бўшайди,  
 Бобонг ўлсин келар деган тилинга,  
 Довушинг ҳам Алпомишга ўхшайди.  
 Алпон туралмади отни уради,  
 Бедав от қимтиниб чўлдан жўнади,  
 Болам бўлса келарди деб Бойбўри  
 Орқасидан тиклаб-тиклаб қолади.

Ана энди Алпомиш Бойсунга бораётиб эди, Бойчибор бекнинг айтганига юрмади, Кўкқамиш кўлига қараб ангишлайберди, сувликни тишлаб, кўзини ёшлаб кўлга қарайберди.

Алпомиш: «Хов саганая, онаси изидан кела-кела Кўкқамишида қолганини кўриб эди. Ҳалиям тургандир деб ўйлаётганда, ҳа, борса борсин, кўлни кўрсин, йўқлигини билсин, сўнгра йўлга кирсин», — деб жиловни отнинг ихтиёрига берди.

Шунда Чибор ихтиёр ўзига тийганини билиб, бўйни-ни чўзиб, оғзини очиб, чориллаб бир-икки кишнади, товушига тошлар қарсиллаб айрилаберди, кўлнинг камишлари таппа-таппа ётаберди. Кўкқамишни тўзон тутаберди. Ана энди Бойчиборнинг онаси Тарлонбиядан гапни эшитинг. Жонивор етти йилдан бери икки кўзи тўрт бўлиб, қарай-қарай дармони кетган эди, туролмайд ётган эди, тумшуғи ерга тиралиб, баданидан суюқлари чиқиб кетган эди.

Шу вақт Бойчиборнинг товуши қулоғига келди. Тарлон инграниб бошини кўтарди, гулдираб келаётган Чиборнинг товушини билиб, саганага дормон кириб, жойидан туриб, ўқраниб товуш бериб, кўзидан ёш тўкилаётган жойи:

Икки кўздан ёши селдай куйилди,  
Куйруқ жולי булутдаин жойилди.  
Имтилиб ўзини отди жонивор  
Ётган жойи дорёдаин ўйилди.

Тарлон йиғлаганда тошлар йиғлади,  
Кўриб қолган азиз бошлар йиғлади,  
Она йиғлаганда қийин эканда,  
Сувлари сирқираб тошлар йиғлади.

Тарлон йиғлаганда боғлар йиғлади,  
Гала бўлиб учган зоғлар йиғлади,  
Она йиғлаганда қийин эканда,  
Сувлари сирқираб тошлар йиғлади.

Тарлон йиғлаганда боғлар йиғлади,  
Гала бўлиб учган зоғлар йиғлади,  
Она йиғлаганда қийин эканда,  
Қорини ёш қилиб тоғлар йиғлади.

Етти йилда суяклари сирқираб,  
Тумшуғидан қуюлди ёш шарқираб,  
Бошини кўтариб йўлга қарайди,  
Кув желинга сутлар келди тирқираб.

Айрилиқдан сум юраклар жаради,  
Дам ўтмайин ўқраниб қаради,  
Кув желиндан окди сути тиззиллаб,  
Қора ерни икки ёриб боради.

Бек Алпомиш от устидан қаради,  
Келаётган шу Тарлонди кўради,  
Тош бадани кетаберди бўшашиб,  
Воҳ аттанг, деб пешонага уради.

Одам эдим асло сенча бўлмадим,  
Қолмоқ элда тор зиндонда ўлмадим,  
Отажоним бўзлаб чикди олдимдан,  
Оёғига бошгинамни урмадим.

Эҳ, аттанга, чибор сенча бўлмадим,  
Қиёматим куйганини билмадим,  
Танитмадим, лекин билди ўзимни,  
Отажон деб қулоқ очиб бормадим.

Оқтубадан бўзлаб чикди қора нор,  
Топишмоқлик фарз деганди боякбар,  
Алпон эдим шул Чиборча бўлмадим,  
Ўқраниб онанга топиш жонивор.

Отдан тушиб эгарини олади,  
Кулундаин ҳайвон тезлаб боради,  
Қандай тобишаркан дейди Алпомиш,  
Разм солиб ҳайвонларга қаради.

Бедав отнинг қуйруқлари шойланди,  
Шамолига жоли-жолга бойланди,  
Кулундаин кишнаб бориб Бойчибор,  
Онасини етти марта айланди.

Фарзандига ҳар ким умр тилайди,  
Жоли билан бўйинларин силайди,  
Ўқраниб чопиб келди сағана,  
Онасининг манглайдан жалайди.

Ёмон бўлсанг, дунёнинг қаҳри бор,  
Яхши бўлсанг, қайда юрсанг меҳри бор,  
Ўқрасидан искаб-искаб Чиборнинг  
Олчанглаб желининг тутди жонивор.

Айрилиқ эритар тоғнинг тошини,  
Жафо деган мисли кўкнинг яшини,  
Олчанглаб желинин тутди шу Тарлон,  
Бойчибор желинга қўйди бошини.

Алпомиш оҳ дейди кўнгилда ғубор,  
Онангни ийдириб эмгин жонивор,  
Мен ҳам сендай бўлиб кўрай онамни,  
Эртароқ олдига келгин Бойчибор...

*Қаҳҳор бахши Раҳимов*

### **«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН ПАРЧА**

Алқисса, Алпомиш етти йил айрилиқдан сўнг Бойсун музофотига, элига, ота-она, ёр-жўра дийдорига мушток бўлиб келаётса, узоқдан бир лўкнинг берман қараб сернавлаб, холиқлаб тайлаб келаётганига кўзи тушди, қаради, қараса, ўзининг болаликдаги ширхўра туяси. Бу иккови-

нинг ширхўралиги шунда эдики, Алпомишнинг энаси Кунтуғмуш ойим полвон, кайвони хотин эди. Алпомиш туғилганда бир эмчагидан саккиз, яна бир эмчагидан саккиз, жами ўн олти меш сут сийнасига келар эди. Шунда Алпомиш аранг саккиз меш сутни эмиб, қониқ бўлар эди. Кунтуғмуш бойбича «боламнинг насибасини ерга совиб ташламайин, кел, шул бўталоқ емсин», деб қолган саккиз меш сутни шул келаётган туяга берган эди. Шул боис бу туя одоқдан келаётган шамол Алпомишнинг ҳидини бурнига жумалоқлаб ургандан кейин кўзи очилиб, гавхаридан ёш сочилиб, суяги сирқираб, бувини бўшаб, емагаси эзилиб, баданидан тери тизилиб, галани боғиб юрган Қалдирғочга тутқич бермай, «эмчакдошим, ширхўрам озод бўлиб келаётир, энди ғанимлар ўлаётир», — деб толпанглаб ёниб келаётган эди. Галани боғиб юрган Қалдирғоч бу туянинг қилиқсиганини кўриб: «Энди сенга нима бўлди, доим шолпойиб, хомуш бўлиб юрар эдинг, бугун кеча туғилган қулиндай тосирдаб қолдинг ё жомнадингма ё ёмон ўт жедингма», деб орқасидан човиб, шунча ҳаракат қилди, туя изига қайтмади, нима деяпсан деб айтмади. Оқибат Қалдирғоч: «Ҳаракатимга қайтмади, энди шул соғонани халалаб кўрайин, зора қайтса», деб усти йиртилиб, тобони қирра тошга тешилиб, зор-ночор йиғлаб, умидини ёлғиз худога боғлаб, туянинг орқасидан чопқиллаб, йиғлаб, қичқириб келаётган тойи:

Қала дейман, қала дейман қоранор,  
Бугун сен ҳам ёндирмагин жонивор,  
Оғам кетиб вайрон бўлди элатим,  
Йўлга караб гулдай юзим сарғаяр.

Қала дейман, қала дейман қоранор,  
Орқаси йўқ ҳар даврада мунғаяр,  
Боврим босиб оғам ўзингни,  
Ташлаб кетма сендан бошқа кимим бор.

Қала дейман, қала дейман қоранор.  
Мен шўрлини йиғлатмагин зору зор.  
Тими кетса баланд тоғлар қулайди,  
Бир сени деб чўлда бўлдим дарбадар.

Йиғлай-йиғлай пешонамдан кун ўтди,  
Чаба-чаба табонимдан жер ўтди,  
Бу дунёда ёлғизлиги қурисин,  
Гул тенамни ора чўлда чирийди.

Сен чопасан бузилмайди галаё,  
Довушингга вайрон бўлди қалъаё,  
Бир хабарни сездингма-ё жонивор,  
Ёки ҳаққа жетдимакан нолаё.

- Бўзтўрғайлар қаботингда бўзлайди,  
Кулофингга келиб қушлар сўзлайди.  
Икки кўзинг жойида йўқ жонивор,  
Ора чўлда айт нимани излайди.

Алқисса, Қолдирғоч шунча чориллаб, туяни изига қайтараман деб зориллаб чопди, туя қайтмади. Оқибат нима бўлар экан, қайтармасам Ултонтоз эшитиб, мени урса, қайтараман десам, эгасиз қайтмаса, келе изидан чопа берайин қани, нима бўлар экан», — деб ўзини бу юришларига хўрлиги келиб, кўлқаси тўлиб, сен ҳам оғамнинг йўклигини билдингга деб туянинг орқасидан чопа берди.

Усти боши бодомчага илиниб, оёқлари қирра тошга тилиниб, ҳайдар какиллари кўз ёшига икки ёққа бўлиниб, орна-сойлардан, чакалакзорлардан оқу оригон этиб келаяпти. Қалдирғоч қараб турди, туя шу чопишда тўппа-тўғри ҳалиги отлига қараб чопиб бораёпти. Шунда туя қаландарга етиб, ўзини отиб, гоҳ туриб, гоҳ ётиб бораётган жойи:

Сув оқади шарқираб,  
Тошга тийса тирқираб  
Тоқ ирмоқдан кўшилса,  
Жилваланар ярқираб.

Шундай қилиб қоранор,  
Холсирайди жонивор,  
Эгасини кўрганда,  
Тоғга бўлди баробар.

Тўрт оёғи тираги,  
Етиб келди кераги,

Эгасини кўрганда,  
Гурсиллайди юраги.

Ҳайвон ҳам қанот бўлар,  
Йигитга давлат бўлар,  
От тилини билмасанг,  
Кўрганинг меҳнат бўлар.

Туя етди чориллаб,  
Довуш берар зориллаб,  
Эгасини кўрганда,  
Айланади гириллаб.

Кўзидан ёш отилар,  
Бағри қумдай сўтилар,  
Тоқ еманса жонивор,  
Осмонда ой тутилар.

Мард кунингга жарайди,  
Келин сочларин тарайди.  
От устида Алпомиш,  
Ўз молига қарайди.

Оғзин очар Бойчибор,  
Дили бирда жонивор,  
Икки ҳайвон искашиб,  
Довуш берар баробар.

Шунда дунё бузилди,  
Тоғлар ердан узилди,  
Эгасини кўрган лўк,  
От устига чўзилди.

Ўрим сочи бир қулоч,  
Пешонада майин соч,  
Шу пайтда туяга,  
Етиб келди Қалдирғоч.

Алқисса, Қалдирғоч бу манзарани кўриб тахта бўлиб қотиб қолди, устининг йиртиқлигидан, шарм-ҳаёдан бир питанинг тагига ётиб қолди. От устидаги қаландарни кўриб, беҳосдан қалби гурсиллади, сайноқ тошлари қарсиллади, лекин акам Алпомиш бўлмасин деб бор бувини чорсиллади. Аммо, акаси бу Қаландардан анча сини-симбатли

эканлигини билиб, ўзини кўлга олди. Бойчибор эса Қалдирғочга қараб, бир-икки гулдираб кишнади шу пайт бутун чўли биёбон яшнади.

Алпомиш эса отдан тушиб, ўзининг эмчақдош туясини бир-икки силаб, сийпаб, қиядан гуриллаб ташлаб келаётган галага қаратиб ҳайдай берди. Сўнг Алпомиш отланиб, ширхўрасини кўрганидан шодланиб, «аммо элимга нима бўлди экан», деб хитланиб жўнаётбеди, шунда орқасидан бир муштипарнинг «Гулдай сўлган тарзим бор, сизга сўзлар орзум бор», деб бўзлаётган довуши эшитилаберган жойи:

Куйганларнинг ўт киради ичига,  
Бир заифлик ҳоким бўлар кучига.  
Турай десам усти-бошим йиртилган,  
Кўз ёшларим енар оёқ учига.

Мен йиғласам тош ёнар ҳоврима,  
Ҳатто тоғлар эзилади жоврима.  
Бир орзум бор қулоқ солинг оғажон,  
Сиз томондан нур сочилар боврима.

Тиклаверсам бувинларим бўшайди,  
Суякларим тим-тимидан қақшайди  
Борлаб-борлаб қараяпман оғажон,  
Шул отингиз Бойчиборга ўхшайди.

Бу тоғларнинг боши бўктар қор эди,  
Куртиклари гўё ўркач нор эди,  
Хато демай қулоқ солинг оғажон,  
Мен ўлайин сиздай оғам бор эди.

Бойсун тоғнинг этаклари орали,  
Чуққилари минорадай қарали,  
Етти йилдир мен йиғлайман зору зор,  
Оғам кетиб юракларим жороли.

Ёшлигимда тиклаб музни кўчирдим,  
Жилва қилиб арча чўғни ўчирди,  
Бир оғамдан хабар ол деб найлайин,  
Чакамандан етти ғозни учирдим.

Қор келтирар одоқ бетнинг ғубори,  
Тулпор бўлар отнинг чибори,



Етти ғоздан майиб қайтди бирови,  
Мен ўлайин оғамнинг йўқ хабари.

Ноқирсанинг элга тегар зиёни,  
Мартлар қувар элдан қора куяни,  
Ёлғон демай рост гапиринг оғажон,  
Узоқларда йўкма оғам баёни.

Шунда Алпомиш питанинг орасида ўтирган синглиси Қалдирғоч ойимни таниб, юраги ёниб, кўзи тиниб: «Бек бўлиб нима қилдим, бир эмчакни эмишганимни ора чўлда хор қилдирибман», деб бир муддат синиб, лекин тағдирига кўниб, от устида ўзини тутиб олиб, қарчиғайдай дўниб: «Синглим хафа бўлма, изи борнинг чироғи бор, қизи борнинг изи бор, иқтидори борнинг орқасидан сўзи бор», деб бир-икки далда бериб, ўзини танитмай сўзлаётган жойи:

Кенг дунё тор кўринар кўзимга,  
Дона эдим кузгун тушмас сўзимга,  
Оғам десанг чўл ёнади чўғдайин,  
Ундай дема келолмайман ўзимга.

Қул тилло берсанг бек бўлар,  
Ёлғончига омонат бер йўқ бўлар,  
Оғам дема суякларим чорнайди,  
Ҳафта ўтиб ким ҳақлиги ҳақ бўлар.

Кун чоғланса кузгун бургут бўлмайди,  
Доно одам ўлса сўзи ўлмайди,  
Ҳар кимсани оғам дема эгачим,  
Ўлган одам синглим қайтиб келмайди.

Султон одам суягини хўрламас,  
Тулпор отлар кўпқарида терламас.  
Ўткинчини оғам дема эгачим,  
Ақли роса нор-модани чорламас.

Шамол эритади тоғда қорингни,  
Ўткинчига ҳеч билдирма зорингни,  
Йўл ўткинчи жамолинга бурилар,  
Мени десанг хонга берма орингни.

Шуни билгин очилса гул сўлади,  
Доно одам яхшиликни биледи,  
Ҳар кимсага очаберма сиригни,  
Мени десанг оғанг бир кун келади.

Алқисса, Алпомиш Қалдирғочга далда бериб, кўнглини кўтариб, лекин емачаси ёзилса ҳам билдирмай, синглисининг бағрини қанча тилдирмай, эртароқ юртига етмоқ, душманларнинг баҳридан ўтмоқ ниятида Бойсун сари от солиб кетаётган жойи:

От боради тенгсалиб,  
Йўлнинг танобин олиб.  
Чувҳа дейди Алпомиш  
Осмондан юлдуз олиб.

Ер жорилар чарсиллаб,  
Тоғ бўлинар қарсиллаб,  
Бойчибор зарбасига,  
Тошлар қолди дириллаб.

Бағрин очди жонивор,  
Ойга бўлиб баробар,  
Кеча-кундуз йўл тортди,  
Алпомишдай айдақар.

Сермаб отса йўллар тор,  
Яшин бўлди Бойчибор,  
Олтиндан устун экан,  
Пок одамга номус ор.

Мерган овда мўралар,  
Рост келганда қоралар,  
Тулпорнинг зарбасига,  
Довуш берар даралар.

Туўғидан отса тош,  
Тоғлар бермайди бардош,  
Юртга чибор келди деб,  
Дуо қилар қари-ёш.

От боради шориллаб,  
Тоғ кўчгандай гуриллаб,  
Зарба қилар жонивор,  
Гоҳ қўлбордай чориллаб.

Ватан ишқи ёндира,  
Тош юракни кўндира,  
Ватан деса Алпомиш,  
Хўл арчани синдира.

Тоқ қулиндан диркиллаб,  
Жувон сони иркиллаб,  
Ёниб борар жонивор,  
Оч бўридай чиркиллаб.

От йигитнинг қаноти,  
Оға сини-синбати,  
Беорарзанд минса отни,  
Ҳам орарзанд, ҳам давлати.

От йигитнинг белдоши,  
Чўлда йўлчи, йўлдоши.  
Авлоди пари отнинг,  
Билсанг марднинг тилдоши.

Отни урма бесабаб,  
Какулин айла тавоб,  
Доно бўлсанг тулпорга,  
Бир куни айлар жавоб.

Шул боисдан жонивор,  
Буклаб отар Бойчибор,  
Ҳақ деса тоғдан ошар,  
Унга етолмас губор.

Ўлимнинг йўқ чораси,  
Мард одам бечораси,  
Уч кундан сўнг кўринди,  
Бойсун-Кўнғирот қораси.

Алқисса, Алпомиш йўл тартиб, меҳнати бошидан ор-  
гиб, йўлдан Қултой бобосига дуч келиб, ундан усти-бошини  
алмаштириб, ўн тўрт қўй билан бир саркани тўйхонага  
олиб, олдига солиб келаётса, Хадичаойга дуч келди. Унинг  
уйидан қорнини тўйғизиб, ўзидан кетиб, ўн тўрт ботмон  
носни капалаб отиб, носнинг кайфида тўйга бораётган  
байбичаларнинг қаллама-кучасини қуришиб, ўрнига даппа  
тезаклардан ўраб, тўйхонага қараб ўтаберди. Тўйхонага  
шундай етган вақтида бир муштипар ёши эллиқдан ўтган,

кучи кетган, ҳатто ўзининг кимлигиниям унутган, қулоғи том битган бир кампир тўйга сўйилган қорин-ичакни, калла-пойчани ҳадеб тозалаяпти. Шунда Алпомиш узоқдан бу кампир ким экан, ё гадо, ё фарзандлари нормада ҳеч кими йўқ бечора экан, деб кузатиб тураберди. Шу пайт кампирнинг суви қорин-ичакка етмай қолди. Шунда Ултонтоз томон канизақлар келиб: «Ҳов шаллоқи, оёғидаги паллаки қори бўлса ҳам қилиғи чиллаки кампир, сенинг алчанглаб юрадиган давринг, Алпомишга суяниб қиладиган қилиқларинг ўтди. Энди манови мешни ушла, байбича қилиғингни ташла, ҳов ана анҳор, шундан сувни олиб кел, ичакни тозала, Ултонтоз эртага Барчинойнинг қўйнига олтой боқилган буқадек, қуяқ тоғилган такадай кириши керак», — деб Кунтуғмуш ойимнинг юзига қамчи билан жозиллатиб тартиб юборди. Қамчидан кўрққан Кунтуғмуш «Вақ болама», — деб мешни кўтариб анҳорга жўнаб кетди. Кўрққанидан меш сувга тўлиб кетган экан, харчанд қилди байбича кўтара олмади. Шунда канизалар етиб бориб яна одоқ-бош демай савалай кетди. Шунда Алпомиш зехн солиб қараса, оқ сут берган энаси, балки тепаси Кунтуғмуш ойим туркиллаб йиғлаётир, бағрини тиргаб доғлаётир. Бойсунга келгунча неча изтиробларни, воқсаларни кўрган Алпомиш ўзини мардона босди. Бойчиборни бир қистаб мардона босди. Бойчиборни бир қистаб қизларнинг кобдалига етди. Шунда Алпомиш: «Ҳов қизлар, мен бир қаландарман. Эскида бир гап бор, бир биянинг боласи тулпор, улоқчил от бўлса, шул боласининг хурматига бияни» зотдор бия, боласи ор-номусни олган номдор бия деб, уни ўзи ўлмаса суймаган. Хўп десаларинг шу кампирнинг ҳам боласи етти сувлатга, етти вурага алп деб ном кўтарган. Алпомишнинг хурматига энасини урманглар, мешни мен кўтарайин», — деб хезлай берди. Шунда қизлардан бири олдинга чиқиб, «Тирикнинг ўрни бор, ўлганнинг гўри бор», — деб Алпомишни танимай чоп гапириб қаландар садақа сўрайди, бу ишни Ултонтоз сўрайди деб жавоб бераётган жойи:

Тоғлар боши қояма,  
Бовридаги сояма,  
Таъзим солмай бу ишга  
Кучинг бўлса аяма.

Одам улар қомайди,  
Сендан кўнглим тўлмайди,  
Алпомишни суйлама,  
Ўлган одам келмайди.  
Ултон элнинг тўраси,  
Асқар тоғдай қораси,  
Кенг давлатни бошқарар,  
Йигитларнинг сараси.  
Гоҳо кўнглим хушлайди,  
Гоҳ унисин ушлайди,  
Кукнор еган лукдаин,  
Ёш қилиғин бошлайди.  
Ҳаромга аралайди,  
Фунчалар саралайди.  
Гоҳ қизларни гул қилиб,  
Шинакдан мўралайди.  
Кўксимизга кул берар,  
Гоҳ биз билан ўлтирар.  
Қизиқса ҳовузларда,  
Томоша қилиб турар.  
Алпомиш ёмон эди,  
Адолат томон эди.  
Қизларга қиё боқмас,  
Барчинда замон эди.  
Бизларни илмай кўзга,  
Қиё боқмаган сўзга.  
Барчин энди топгани,  
Назар қилмаган бизга.  
Адолат деб ёнарди,  
Мардни кўрса қонарди.  
Барчинга бериб жонин,  
Гул қизлардан тонарди.  
Шунда алам зиёда,  
Бугун беклар пиёда.  
Ўлмасин Ултонтоз,  
Минг яшасин дунёда.  
Лекин армонлар бордир,  
Кимлар кимга хумордир.  
Буни айтолмас дилим,  
Донога меҳрим ёрдир.  
Алам бизни ёндирар.  
Армон бизни синдирар.  
Чидам бўлмас андукга,  
Бизни қамчи кўндирар, —

деб қизлар «куйганиданми, ёнганиданми мешни кўтар мегажин», — деб Кунтуғмуш бойбичани кул химич билан савалай кетди, химичнинг зарби суякка етди, бойбичанинг хаёли паромуш бўлиб, ўзини унутди, секин ёнбошлаб ерга ётди, шу пайт Алпомиш ҳам ётди. Отдан сакраб тушиб, энасининг бошини кучоғига олиб, қизларга зарба қилиб, «Одам бўлиб ит қилиғин қилганлар, тирик бўлиб эркисизликдан ўлганлар, сулув бўлиб ичи қонга тўлганлар, дили куйиб кўзи гулдай кулганлар, кет дейман шакбатбозлар», — деб қичқираётган жойи:

Тойлар бир кун от бўлар,  
Билсанг манман мот бўлар.  
Бу ишингни охири,  
Синглим бориб дот бўлар.  
Кеккайганга мурод йўқ,  
Боз оқибат давлат йўқ.  
Ўз юртига чопганга,  
Бу дунёда ҳиммат йўқ.  
Нори кетса норча бор,  
Зари учса зарча бор,  
Сен чакишга ишонма,  
Боз аязи қорча бор.  
Тоғ букилмас бели бор,  
Ҳар кирликнинг йўли бор.  
Гар келмаса Алпомиш,  
Ёдгоржондай ули бор.  
Сийинг борда сийрок еп,  
Ўлмайдесанг юртга чоп.  
Урма бекнинг энасин,  
Қутилмишнинг йўлин топ.  
Оққан ариқ оқади,  
Қуёш юртга боқади,  
Агар келса Алпомиш,  
Аждакардай чақади.  
Етик ечма сув кўрмай,  
Етагинг ёп ўлтирмай.  
Итдан йўлбарс чиқмайди,  
Сўзинг росла тик турмай.  
Номард ўлар мард ўлмас,  
Ёмғир ёғса гул сўлмас.  
Қарға булбул бўлмайди.

Кўз ёшга кўлмак тўлмас.  
Кетсанг қолади жонинг,  
Кейин бўлмас армонинг.  
Шерга тегинма қизлар,  
Агар бўлса дармонинг.  
Алпомиш ул бўлган,  
Фанимларга тил бўлган.  
Маконинг топ ғалчалар,  
Бойсун тоза эл бўлган.

Алқисса, Алпомиш қизларга шундай ёв қараш қилди, қизлар икки букилди, жони ҳалқумига тикилди, нажапилари эса таппа-таппа жойига йиқилди. Бир хили эса қочолмай ўз оёғига ўзи қоқилди. Бундай куч-қудратни кўрмаган қизлар: «Қирилиб кетгурнинг қараши Алпомишнинг хўмрайиб туришига ўхшайди, тиклагандан бувиним бушайди», — деб урра аркка қоча берди. Шунда қизлар икки газа ошиб, нафасини ростлаб, бир тўхтама келиб, шунда Донагул деган қиз: «Ҳов қизлар, Кунтуғмушни орини орлаб, жирини жирлаган кимлигини билдиларингма, ҳеч вақтда дона одамдан бошқа биров бировнинг орига чопганини кўрганмисан. Энажоним деб бағрига олди. Тик қараши, гап сўраши, қўлини белига тираши, ғариб, камбағалларнинг кунига яраши Алпомишга ўхшайди. Сулаймон келди, девлар қочди», — деб таъмизлаган белгиларини гапираётган жойи:

Ҳар елкаси Асқар товга ўхшайди,  
Разм солса санг музлар ҳам бўшайди.  
Бургут қарашлари олар жонимни,  
Қарба қилса ўн саккиз тоғ шовшайди.

Ҳар билаги метин, арча ҳоридай,  
Нигоҳи бор чилла мастнинг қоридай,  
Бу синбатни Худо бермас ҳеч кимга,  
Хурпайиши ўлжа олган бўридай.

Кўзларида кўрдим бургут синини,  
Гап мағзида билдим Ултон хунини,  
Эс борида йўлинг топ қизларим,  
Йўлбарсдан ҳам баланд дедим танини.

Остидаги оти мисли қарчиғай,  
Минг тулпорнинг синин берган бир Худой,

Дўпиридан чиғар орнинг шовқини,  
Бундай отни миналмаган Қорун бой.

Энасини олди билсанг кўйнига,  
Ўнг кўлини ташлаб кўйди кейнига,  
Бегоналар бундай сирни билмайди,  
Қойил бўлдим Қаландарнинг зейнига.

Ўзбек эди қизлар билсам миллатинг,  
Устонтозга бориб синди хиллатинг,  
Қаландарнинг туришига бир қара,  
Гавдасига тўлди Бойсун элатинг.

Тоғ бошини билсам туман чолгандир,  
Манман одам манманликдан ўлгандир,  
Ҳар гўшага қоча бергин қизларжон,  
Энди билсам бек Алпомиш келгандир.

Худойимдан бўлсин фақат адолат,  
Бу кунлар ҳам қизлар билсанг ғанимат,  
Хато қилмай мен ўлайин қизларжон,  
Шундай бекни мен қилмадим зиёрат.

Алқисса, шундай деб қизлар қоча берсин, эндиги гапни Кунтуғмуш ойимдан эшитинг. Кўзини очиб шундан қараса бошида бир Қаландар меҳрибонлик қилиб, мунгайиб турибди. Шунда бойбичанинг бадани жимирлаб, теналари қимирлаб, сийналари тўлиқсиб, бурнига боласининг иси елиб, кўлкаси тўлиб, кўзи ёшланиб: «Ёмон кунда меҳрибоним ким бўлди», — деб бўзлаётган жойи:

Қирғий деган қушлар бўлар қиёда,  
Бойлар отда камбағаллар пиёда,  
Жасатингдан айланайин Қаландар,  
Меҳрибоним бор экан-ку дунёда.

Минг жасорат кўринади кўзингдан,  
Ҳатто девлар юролмайди изингдан,  
Шул сўзимга нима дейсан Қаландар,  
Бир султоннинг ҳиди келди ўзингдан.

Не сабабдан қоқ сийнама сут келди,  
Нафасима Қўнғиротдан дут келди,  
Ор-номусинг баланд экан бек бола,  
Қабатингда мени искаб от келди.



Тулпор отинг қабатингдан кетмайди,  
Сени ташлаб ҳеч олдинга ўтмайди,  
Бойчиборга ўхшаб кетар сиёғи,  
Кўп чарчаган неча ерга ётмайди.

Бугун келиб менга бўлдинг вафодор,  
Не сабабдан холсирайсан зўрабор,  
Ёки болам сенинг онанг ўлганма,  
Ё мендайин вайронмеди кирдикар.

Бойсун тоғнинг терскай бети қор эди,  
Сурувимда сонсиз лукча нор эди,  
Бир келбатинг ўхшаб кетар боламга,  
Худди сендай Алпон болам бор эди.

Доно бўлсанг нодонликни қилмагин,  
Ноқирсдан ҳеч омонат олмагин,  
Етти йилдир мен қарайман интизор,  
Тоғи ўзинг Алпомишим бўлмагин.

Алқисса, шунда Алпомиш энаси Кунтуғмуш ойимни юпатиб, далда бериб: «Энажон, одам одамга ўхшайди, мол эса молга. Лекин кўнглингиз тўк бўлсин, Алпомишингиз омон-эсон келади, бундан думоғингиз чоқ бўлсин», — деб кўнглин кўтариб, энасини ростлаб, ариқ бўйида қолдириб, ўн тўрт кўй билан бир саркани хайдаб шашт билан Бойсун музофотига шердай дўниб, икки кўзи ёниб, ёниб келди.

Қараса, Бойсунда катта гургумали тўй, катта-катта ўчоқлар уйилган, устига қирқ қулоқли қозонлар қуйилган, душман кўзга чори чиқма, панжи чиқма охта сан семиз кўйлар сўйилган, элу халқ оқибат нима бўлар экан, деб чор тарафдан жийилган. Шунда Қултой бобо кийимида келаётган Алпомиш олдидаги тўёна кўйларни эл «кўрсинга» қилиб, эл аралатиб хазинасини чорлай берди: «Қултой бобо катта тўёна билан бекнинг тўйига келибди», — деб атрофини одамлар олаберди. «Қурга ўтинг, қурга ўтинг» қилишиб, оқсоқоллар Қултой бобони қурга ўтказишди. Аслида Алпомиш «Қултой бобо» даврага разм солиб, кўз ости билан теваарак-атрофга назар танлаб, ким дўст, ким душманлигини ажратиб разм солиб турса, бир ёш бола хо деб жолат оёқ, жолонг бош бодомча ўтинни тепиб синдириб, ўчоққа солаётир. Ёқуб ошпаз: «Энафар, икки

кўзинг теваракка питгунча, ўтинни сол», — деб ҳар замон, ҳар замон ош капкиртнинг учи билан туртиб ураётир. Бола ҳам оч экан-да, капкиртдан тушган, қозондан отилган боз оштобоқлардан тушган хом хатала гуручларни мулла тўрғайдай сакраб-сакраб териб жиб, хизматни қилаётир. Шунда Алпомиш: «Ҳа, бу боланинг ё отаси йўқ, ё гадо. Мабодо менга ош келса, шу болани олдимга чақириб, улушимни берайин. Менинг ҳам болам тири бўлса, шу боладай сарғайиб юргандир. Сағир суғурнинг кўнглини овласанг Макка бормоқ на ҳожат, деган мошойиклар. Кел, шул боланинг қорнини бир тўйғизайин», — деб ният қилиб турди. Лекин етим бола ҳам у ёқдан-бу ёқдан тобоқ тошиб, Алпомишга сўққаниб ўтаберди. Шу пайт Алпомишнинг олдига катта тол тобоқда ош сузиб, унинг устига орқа жиликни кўйиб, олаберинг бобо деб манзират қилди. Шунда Алпомиш ҳалиги етим болани чорлаб: «Ма, болам», деб устихонни узатди. Етти йиллаб гўшт кўрмаган етим бола устихонни икки қўллаб, топпа босди. Иссиқ-совуғига қарамай овзига тикди. Шу пайт Ёқуб ошпаз ҳалиги етим бола — Ёдгорнинг устихон ушлаб турганини кўради ва «Ҳа уйинг куйгир Ёдгор, келган-кетгани ҳам қуясанма, йўқма? Сенинг жазирингдан меҳмонлар эркин ош жийма, йўқма? Соғир одам суҳаноқ бўлар экан, ким яхши гапирса олдига ҳа деб борар экан», — деб қаҳри келиб, қўлидаги капкиртни отди, отган капкирт Ёдгорнинг манглайига етди, пешонасидан икки энли жойини жўлиб ўтди, шул пайт оқ бадан қизил қонга ботди, «воқ эна-я», деган довуши тўқсан олти бошли оқ ўтовда қайғуғамда ўтирган Барчиной энасига ҳам жетди. Шу пайт Ёдгор қўлидаги жиликни ташламай, аслида Алпомиш — Қултой бобога қараб: «Жилик бермай сен ўл, жилик камирмай мен ўлайин», деб бўзлаётган жойи:

Сағир дединг мен сағирни аядинг,  
Жилик бериб дармонимни суядинг,  
Сум гўшт жемай мен улайин бобожон,  
Оқ баданим қизил қонга бўядинг.

Очилмайин қизил гуллар сўлганма,  
Ё бўлмаса менга бир гап бўлганма,  
Сўрамасдан ураётир ошпазлар,  
Чини билан менинг отам ўлганма?!

Отасизнинг кўрган куни шўрлима,  
Давлатманднинг топган моли кўрлима,  
Не сабабдан менинг отам келмайди,  
Бек отамнинг хоқ ўлгани сирлима?!

Ўн тўртида тўлин ойлар тўлмайма,  
Ёмон кўрсин ўз холини билмайман,  
Орасатда қолдимма мен бобожон,  
Ростин айтинг менинг отам келмайма?!

Нима қилай ота даврин сурмадим,  
Ўларимда бек отамни кўрмадим,  
Кун шу бугун келди менинг ғайратим,  
Ултонтозни бир бошидан қирмадим.

Жилик учун кенг пешонам тешилиб,  
Қоним оқар, бир-бирига эшилиб,  
Бола бўлиб не кунига жорадим,  
Мен ўлмадим бек отамга қўшилиб.

Чечан одам даврасида жўшайди,  
Сағир қолган совуқ гапга қақшайди.  
Отам келса бир кун олар хунуни,  
Лекин отам ўлмаганга ўхшайди.

Адолатдан устун чиқмас разолат,  
Бир ниятим халқим бўлса саломат,  
Куйганимдан бобо сиздан сўрайман,  
Шундай кунда менга беринг моҳлақат.

Алқисса, шунда Алпомиш: «Ёдгор болам, сиз бекнинг боласи, беклик қилинг, ҳар нарсанинг вақти бор, солиқликни қўй кўтаради. Бу кунлар ўткинчи кунлар, хали отангиз келади, ор-номусини олади, ғанимларнинг бошини жулади, юрт эгали бўлади. Кейин кўрмагандай бўлиб кетасиз», — деб далда бераётир.

Шу пайт Барчиной ҳам етиб келиб: «Кўздан оққан жоломни, Бойсун дейди қаламни, қандай нокас урди отаси йўқ боламни деб етиб келди. Қараса, Ёдгор боласи қизил қонга бўялган, бир бобога суялган Ёқуб ошпаз бошида ўдағайлаб турибди. Шунда Барчиной Ёқуб ошпазга қараб, қаҳри келиб сўзлаётган жойи:

Юрсанг йўлинг окмеди,  
Бир овладинг бекмеди,  
Нега урдинг боламни,  
Сенда бола йўкмеди?

Эшон озон турмайма,  
Хидир сахар юрмайма,  
Етим бола уволи,  
Сен нокасни урмайма?

Гапимнинг йўқ хатоси,  
Ултоннинг бор ситаси,  
Кейин нима қиласан,  
Бир кун келса отаси?

Шунда воқм босмайма,  
Йўлинг ажал тўсмайма,  
Бу ноҳақ ишларингга,  
Келиб гўшинг вўсмайма?

Ҳар ишнинг бор сўрови,  
Қишнинг олдин қирови,  
Келса бошинг жулмайма.  
Кашал кетган бирови?

Одамим келса шердай,  
Элат тулғанса хурдай,  
Шунда қандай ётасан,  
Ё бўласанми гўрдай?

Сен ҳам бир кун кетарсан,  
Ер қаърига ўтарсан,  
«Яхшиликдан айт» деса,  
Сен нимани айтарсан?

Шунда ўтарми войинг,  
Шайтон бўлса Худойинг,  
Тавба билан айтмайман,  
Дўзах бўлади жойинг.

Ҳали султон ўлмаган,  
Чоқ тубида қолмаган,  
Жорқиллаб келар бир кун,  
Шум ниятинг бўлмаган, —

деб Барчиной Ёдгорнинг кўлидан ушлаб, боласининг кўнглини: «Отанг келади, душмонинг ўлади», — деб хушлаб турса, қурда аслида Алпомиш — Қултой бобо мунғайиб турибди, боласи Ёдгор шул бобога қараб йиғлаб маслақай сўраяпти. Оқибат Барчиной аччиғи келиб, чидай олмай, Ёдгорга қараб: «Болам гавҳарни ерга урма, ер гавҳарни нима билади, темирни нима билади. Сен бу Қултойга жилагунча Худога йиғла. Бунинг кўлидан нима келади. Авваллари отанг билан ака-ука, дўст эди. Кунда уйимиздан чикмай кучук баччадай эркалаб ётар эди, қорни тўйғандан кейин гумра бўлиб кетар эди. Шул бобонинг ақли бўлса, отангнинг нону тузнинг хурматига етти йилда бир марта келиб сену мендан хабар олар эди, йиғласанг Худога йиғла, банданинг кўлидан нима ҳам келар эди», — деб сўзлаётган жойи:

Жоним болам кулоқ солгин сўзимга,  
Етти йилдир дунё тордир кўзимга.  
Итлар соқиб бўлди бугун дўзимга,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим.

Ёмон кўрсин ўз хоҳишим билмайди,  
Куйган одам дунё берсанг кушмайди,  
Ёлқовларнинг кўлидан иш келмайди,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим.

Заифларнинг кучи етмас донага,  
Фарга тегиб ботиб ётма гунога,  
Бир кун отанг келиб қолар хонага,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим.

Кўнглим тўлмас нодонларнинг ишига,  
Нон киради камбағалнинг тушига,  
Оҳ деб ётма Қултой бобо бошида,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим.

Ҳар иш келар Яратганнинг кўлидан,  
Заҳар томар ёмон хотин тилидан,  
Чиқа олмайди Бобонг Бойсун элидан,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим.

Ҳар бир банда ҳеч қолмасин ўзидан,  
Номард ияради аҳмоқ изидан,  
Қултой бобонг кўркмас отанг тузидан,  
Йиғласанг Худога йиғла фарзандим, —

деб Барчиной Ёдгорни ияртиб жўнаётибди, бу сўздан Алпомишнинг бадани жимдираб кетди, бир оҳ тортди Асқар тоғнинг арчалари қарсиллаб синди. Баданидаги туклари ўсиб кетди, ғайратидан чопонини тешиб кетди, шу ерда юрган бир-икки бегўр чўпон бу нима деб таёкликка кесиб кетди. Лекин Алпомиш астоғфурилла келтирди. Ўз ёрининг, вафодорининг ўғли Ёдгорнинг кўп азоб, жабр тортганлигини билди. Куйганларнинг ҳаварини босиш учун Ёдгорни ияртиб кетаётган Барчиннинг орқасидан: «Халқим билмас нечаё, ой қоронғу кечаё, оғзим бор деб ҳар нарсани сўзлай берасизми чечаё», — деб ўз ёрига далда бераётган жойи:

Мардлар бор номардлар бор,  
Хафа бўлманг ой чеча,  
Гуллар бор чечаклар бор,  
Бир очилинг ой чеча.

Бекнинг ёри бўлгансиз,  
Мисли ойдек тўлгансиз,  
Тонг саҳарлар кулгансиз,  
Дамни ростланг ой чеча.

Бу дунё ўткинчи,  
Одам келиб кетгинчи,  
Тўлаб қолманг суюнчи,  
Доно бўлинг ой чеча.

Лочин бор қарғалар бор,  
Лекин бургут зўрабор,  
Унинг кимдан ками бор,  
Одил бўлинг ой чеча.

Хор қилганлар зор бўлар,  
Зўрга Худо ёр бўлар,  
Қуллар тахтдан йиқилар,  
Биби бўлинг ой чеча.

Гуллар очилар бирам,  
Шохлари тарам-тарам,  
Яқин қолмоқда байрам,  
Бир саллонинг ой чеча.

Эл-юрт кувончга тўлар,  
Кетгандан нишон келар,  
Шунда қуллар йиилар,  
Ойдаи тўлинг ой чеча.

Ёлғиз бола той бўпти,  
Доноликқа бой бўпти,  
Элат чаман-той бўпти,  
Бир очилинг ой чеча.

Қултой ўзи билади,  
Бир кун қайтиб келади,  
Уялгандан ўлади,  
Кир сақламанг ой чеча.

Эрта ғаним паст бўлар,  
Бирлар ҳаққа дўст бўлар,  
Ҳар бир сўзим рост бўлар,  
Сиз бой бича ой чеча.

Ҳар нарсага қилманг дот,  
Иш битқазмас фарёд,  
Бор экан-ку зурриёт,  
Бир тенг солинг ой чеча.

Алқисса, Барчиной Қултой бободан бу сўзни эшитиб: «Энди ўзини окламоқчи бўлаяпти, мени овутаёпти. Қуруғир, бу чолнинг келбати Алпомишимга ўхшар экан, нимагадир бу чолга қайта-қайта қарагим, бирон нарсани сўрагим келаяпти. Ҳа, олдиндан хизматимизни кўп қилган, шундан меҳримиз тушган-да, шунга қайта қарагим келаётгандир. Кел, энди қарамайин, одамлар бошқача ўйламасин», — деб боласи Ёдгорни ҳам ияртиб ўтовга жўнай берди. Ёдгор ҳам йўлда кета-кета орқасига бурилиб қайта-қайта қарайверди. Улар уйга етганда Ёдгор энасига қараб: «Энажона, бу чолда бир гап бор, шу чолни кўрдимда гаварам кенгишди, қаддим тик бўлди, қалбим кувончга тўлди, билагимга куч келди, кўзларим равшан тортди. Отамнинг қандай белгиси бор эди, жавоб бер қайтадан бир юзига қараб келайин, отам бўлса олдида бўлайин, гап-сўзига қулоқ солайин, отам келган бўлса, душманганимни бир бошидан қирайин, боши бирикмаган қўнғиротларни тўдалаб сурайин, отамни қайтадан бир кўрайин», — деб жавоб сўраётган жойи:

Дарахт ҳам ўсар экан питали,  
Неча йилдир эна юрдим ситали,  
Бўлдим мекан бугун мен ҳам отали,  
Жавоб бергин чолни бориб кўрайин.

Доно одам сайқал берар эсига,  
Лодон киши қаст бўлади дўстига,  
Бир тўйин шул бобонинг исига,  
Жавоб бергин Култой чолни кўрайин.

Ёв қараши йўлбарсларга ўхшайди,  
Зарба қилса ҳатто тоғлар қакшайди,  
Билсанг темир нафасига шовшайди,  
Жавоб бергин Култой чолни кўрайин.

Кўзларига одам қараб бўлмайди,  
Бундай синбат номардларга тўлмайди,  
Хўшомадга ақли роса кулмайди,  
Жавоб бергин Култой чолни кўрайин.

Одам учун ҳар бир фурсат ганимат,  
Ўтган кундан фикр қилмас одамзот,  
Майли бўлай шул бобога зурриёт,  
Жавоб бергин Култой чолни кўрайин.

Алқисса, бу гапдан Барчиной сергак тортди: «Шу гўдак ҳам бир нарсани сезибди, хаёлини ота меҳри бузибди. Бола интиқ бўлгандан кейин ёмон бўлади, кел, Ёдгорнинг мовқини пасанда қилайин, кўнглини олайин, фикрини бошқа йўлга солайин», — деб ўйлаб: «Болам, сенинг отанг зўр эди, ҳар елкаси пар эди, гўё ойдахар эди, кўзлари хумо эди. Сен келиб-келиб бир чолни отам дейсанми», — деб сўзлаётган жойи:

Кулоқ солгин сўзимга,  
Келолмайман ўзимга,  
Отам дема бу чолни,  
Ёш келади кўзимга.

Дона одам онг эмас,  
Тақир йўллар чанг эмас,  
Култой бобо жон болам,  
Бек отангга тенг эмас.



Ҳали отанг келади,  
Бойсун нурга тўлади,  
Ана шунда кўрасан,  
Ултон хайрон қолади.

Чечаклар очилади,  
Лолалар сочилади,  
Ана шунда бу элдан,  
Номардлар кўчилади.

Отанг олар қўйнига,  
Осиласан бўйнига,  
Бойчиборни минганда,  
Мингаштирар кейнига.

Елкасига қўйиб бош,  
Ҳар кун бўласан сирдош,  
Узоқ сафар ойласа,  
Йўлда бўласан йўлдош.

Юзларини силайсан,  
Отам деб онтолайсан,  
Шикорлардан кеч келса,  
Соғ келсин деб тилайсан.

Қишларинг бўлар баҳор,  
Ҳаётга тўлар ноҳор,  
Ҳеч ким демас отасиз,  
Дуо оласан наҳор.

Очилади бахтимиз,  
Қўшиқ бўлар сахтимиз,  
Насиб бўлса қайтади,  
Куллар минган тахтимиз.

Ёмон йўлдан юрмагин,  
Нопокларни кўрмагин,  
Бугун болам Қултойнинг,  
Сен олдиға бормагин.

Алқисса, бу гапдан Ёдгорнинг қадди букилди, кўзидан жимиллаб ёши тўкилди, барча орзулари сўтилди, тепалари фози кетган буюмдай титилди. Бунни сезган Барчиной ўғлининг букилганини сезиб: «Бор болам, майли бобон-

гни кўриб кел, лекин хаёллама, дилингни, сирингни ганим-га берма», — деб тайинлади. Ёдгор бу рухсатдан хурсанд бўлиб милтиқнинг ўқидай ўтовдан отилиб чикди. Қурга бориб қараса, Қултой бобо жойида йўқ, тол тобоқдаги ош бузилмасдан турибди: «Воҳ, ўлдим», — деб Ёдгор изига қайтаберди. Энди гапни Алпомишдан эшитинг. У қаври-ни босиб олиб: «Кел, қул қандай подшо бўлибди, қандай амал-ақида қилибди бир қулли бўлсин қилиб баччағорни ўз кўзим билан синаб кўрайин», деб тахти адолатга, аркони давлатга равона бўлди, чолга қушлар парвона бўлди.

Алпомиш аркка шундай кираётса, икки ясовул: «Ҳов, Қултой чол, бекнинг олдига бойлар киролмайди. Сен ким бўлдинг, сўрамай кириб кетаяпсан. Агар одам-ку, одам, қошқа чибин рухсатсиз кирса, манглайига қарсиллатиб урасан, деган. Сен ким бўлдинг, нари борса бир чўпон-санда, қайт изингга занғар», — деб ўдағайлаберди. Шунда Алпомиш: «Хў баччағор-а, қул қутурса, қудуққа қармоқ ташлайди, деган гаплар рост экан. Ултонтознинг ишига қаранг», — деб икки ясовулни ушлади, аввал елкасига бир-икки муштлади, оч биқинига зарбали қилиб тепиб ташлади. Сўнг икковини ҳам кўтариб олди, бири ўн олти, бири ўн саккиз тўбадан нармағон ошиб кетди. Ўн олти тўбадан ошгани кир ювиб ўтирган бир кампирнинг ўчок мўрисидан тушиб кетди. Қирқ яшар кампир бувоз экан, топпа бола ташлаб хушидан кетди. Ўн саккиз тўбадан ошгани эса қўнғиротларнинг катта бир кишлогининг ўртасига пилатлаб тушди. Бу савдони кўрган эли-халқ: «Воҳ атангга хундор бўлдик, ўзимиздан гуноҳ ўтди. Бир-биримизда меҳр-оқибат қолмади, мана, шунинг жазоси», — деб ҳар томонга қочиб, кўчиб кетди. Шунда жарчилар кичкираберди.

Ҳай одамлар одамлар,  
Қайғу бўлди бу дамлар,  
Бало ёғилди бизга,  
Нопок мези қадамлар.

Тавба қилинг Худога,  
Мамиз берманг тўдога,  
Дарвешона қилайлик,  
Қўллар кетсин садағи.

Иш бермас одам войи,  
Кўйнинг қонтолок жойи,  
Келинлар ҳақ йўлига,  
Бир қилайлик худойи.

Беморларни кўрайик,  
Бориб холин сўрайик,  
Оч, гадо, камбағалга,  
Топганимиз берайик.

Садақа радди бало,  
Деган машойик, аъло,  
Қурбонликка қўй бойла,  
Мустаҳкам бўлар қолар.

Ҳам талаш қил молингни,  
Очай десанг йўлингни,  
Ана шунда ушлайсан,  
Ҳар балодан элингни.

Жин чалган кўчаларни,  
Зиёнли чечаларни,  
Бир ўқит мўллаларга,  
Рангсиз бойбичаларни.

Кўз, суқ ёмон дунёда,  
Бекни қилар пиёда,  
Ҳатто бургут қулайди,  
Тик ўлтирса киёда.

Ажина чалар ҳамон,  
Арвоқ кўймайди омон,  
Мўлласи йўқ қишлоқнинг,  
Ана шуниси ёмон.

Кирна бурар ичингни,  
Заиф қилиб кўзингни,  
Ҳар нарсага бир нарса,  
Тумор олар ўчингни.

Ҳапамат таққан қизлар,  
Кўзи чўлпон юлдузлар,  
Ибо, одобинг сақла,  
Ярқилламасин юзлар.

Билак узук қўлингда,  
Чарм бўлсин белингда,  
Ибо — қизлар чиройи,  
Иқбол бўлсин тилингда.

Салла кийган момолар,  
Оқ матоли боболар,  
Ёшларга бош бўлинглар,  
Ахир гувоҳ самолар.

Чиллик отган бачалар,  
Оқсуяк ўйнаб кечалар,  
Кексаларни ҳурмат қил,  
Келин тушган чечалар.

Урчуқ игирган хола,  
Ўрмак тўқир гул бола,  
Тарбият қил болангни,  
Кейин бўлмасдан нола.

Ана шунда гул бўлар,  
Уллар ўсиб эл бўлар,  
Меҳр-шафқат бор бўлса,  
Арпа, бугдой мўл бўлар.

Алқисса, бу қишлоқ жойлаша берсин, эндиги гапни Алпомишдан эшитинг. Алпомиш шундай аркка кириб борса, Ултонтоз тилло мантада, бек либосида шундай чайқалиб, ёнбош уриб ётибди. Бу ёғида йигирма сулув, бу ёғида йигирма сулув жононлар бекни ўртага олиб, елпиғич билан шамоллатиб турибди. Ултонтоз ўртада кўзини хиёл очиб, кўзига ёққан қизларни қитиқлаб, чимчилаб мийиғидан кулиб ором олаяпти. Алпомиш пойгадан туриб: «Ассалому алайкум», деб салом берди, лекин Ултонтоз алик олмади. Алпомиш Ултонтоз эшитмади, қайтадан салом берайин деб яна икки марта қаттиқ-қаттиқ салом берди. Охири Ултонтоз: «Кел, Қултой чол, нима арзинг бор», — деди, саломни олмай. Шунда Алпомиш: «Эй бек, илгариди етолса, от қулли бўлсин қилади, уй олса, уй қулли бўлсин қилади. Мана, бугун сиз Барчинойдай ёр олибсиз, қуш қулли бўлсин қилгали келди», — деди. Шунда Ултонтоз: «Бўлмаса айт қуш қулли бўлсинингни», — деди. Алпомиш Ултонтозга қараб қулли бўлсинни бераётган жойи:

Бегим очилган бахтингиз,  
Тилло гавхарлар такдингиз,  
Етти йиллардан бермаған,  
Айтинг-чи кимга ёқдингиз,  
Куллилар бўлсин бўлажон,  
Беклардан қолган тахтингиз.

Билсам ошгандай гунангиз,  
Хур бўпти қора тўнангиз,  
Етти йиллардан бермағон,  
Тор зиндон бўпти хонангиз,  
Куллилар бўлсин бўлажон,  
Мардлар қолган енангиз.

Билсам ошгандай хотангиз,  
Кўп бўпти элда ситангиз,  
Ора чўлларда бўзлайди,  
Боғиблар юрган бўтангиз,  
Куллилар бўлсин бўлажон,  
Мардлар қолган отангиз.

Сизнинг ҳам борми орингиз,  
Келмай кетдими зўрингиз,  
Оқибат бир кун қурийма  
Қоқ пешонадан шўрингиз,  
Куллилар бўлсин Ултонтоз,  
Мардлардан қолган ёрингиз.

Бир кун бузилар қалангиз,  
Худога етмай нолангиз,  
Қуш қулли бўлсин қилади,  
Қултой кийинган бўлангиз,  
Куллилар бўлсин Ултонтоз,  
Ёдгор жетим болангиз.

Қорақарғадай ийнингиз,  
Зап жувон бўпти бўйнингиз,  
Хафтага қолмай гул бўлар,  
Вайрон қиб кетган кийнингиз,  
Куллилар бўлсин Ултонтоз,  
Ойқалдирғочдай сингнингиз.

Заҳарга ботган тилингиз,  
Кўп гуноҳ қилган қўлингиз,  
Етти йил ўтиб орадан,  
Букчайиб қопти белингиз,  
Қуллилар бўлсин Ултонтоз,  
Алпондан қолган элингиз.

Тоналари тўрпи жийилиб,  
Бода бўлади Ултонтоз,  
Иккилар уруғ жийилиб,  
Қуда бўлади Ултонтоз,  
Эртан чашкада тахтингиз,  
Адо бўлади Ултонтоз.

Лекин кирмабди эсингиз,  
Сиздан қочибди дўстингиз,  
Асқар тоғларда сарғайган,  
Баҳор чиқмасдан хосингиз,  
Эртан чашкада осилар,  
Мансурлар дорга песингиз.

Қизларнинг бўлар камоли,  
Қизнинг бир хусни рўмоли,  
Барчиной сизга тийдима,  
Курмаклар бўларми шоли,  
Бойсун элатни кезгандай,  
Ултон, Алпоннинг шамоли.

Алқисса, бу гапнинг мазмунига Ултонтоз қуллигига бориб тушунмади: «Ҳа, яша Қултой чол, энди гап бундай, ҳали Барчиной бизга кўнгил бермаётир, Алпомиш тирик, келади деб кўнгил узмаётир. Алпомиш ўлган бўлса, суяги чакда қолган бўлса, унинг нимасини умид қилади. Сен ҳам бир маслаҳат бер, энди нима қиламиз», — деди Ултонтоз. Шунда Алпомиш: «Майли Барчинойни кўндираман, душманларининг белини синдираман, тулкининг шерга осилганлигини кўрсам эртан ўтдай ёндираман. Лекин менга хизматим учун нима берасан», — деди синамоқ учун. «Майли, — деди Ултонтоз, — ҳар шанба куни қул бозорда эшак бозори бўлади. Эшак бозорга доллол амалини сенга бераман. Эрталабки тушган тангани манга, кечкурун тушган тангани сен оласан. Қарабсанки, бойиб кетамиз», — деди. Бу гапни эшитган Алпомиш хоҳолаб

кулиб юборди: «Энда кимлигингни билдирдинг. Майли ҳамма танга сенга бўлсин, лекин менинг бир шартим бор», — деб сўзлаётган жойи:

Эшак бозор, кул бозор,  
Сенга бўлсин Ултонтоз,  
Бойсун элда минг гўзар,  
Менга бўлсин Ултонтоз.

Барча алам, барча ғам,  
Хумор кўздан окқан нам,  
Ҳамма кулфат бўлса жам,  
Сенга бўлсин Ултонтоз.

Ор-номусли элатим,  
Бойсун-Кўнғирот миллатим,  
Эл талашган давлатим,  
Менга бўлсин Ултонтоз.

Барчиной кулишига,  
Ҳам савлат, қовматига,  
Бойсун салтанатига,  
Бир кўпкари берасан.

Барчиной кулишига,  
Ўтовга келишига,  
Ойдаи тўлғонишига,  
Парми, ёйми оттирасан.

Шундан сўнг кетар жонинг,  
Тупроқ бўлар армонинг,  
Айт бизга не фармонинг,  
Сукқбат охир, Ултонтоз...

## АБДУМУРОД БАХШИ ҚОДИР ЎҒЛИ

Абдумурод бахши — Қодир Раҳим ўғлининг иккинчи фарзанд-шоғирди. Унда дostonчиликка ҳавас жуда эрта уйғонди. Бир томондан, отасининг магнитофон тасмаларига муҳрланиб қолган «Алпомиш» ва бошқа анъанавий дostonлар ҳамда термаларни жиддий тинглаб ўрганган бўлса, иккинчи томондан, туғишган акаси Қаҳҳор бахши ёнида доимо юриб, унинг дoston айтиш усулларини дўмбиранинг соз чертиш йўлларини мукамал эгаллаб олди.

Абдумурод отасига ўхшаб миллий мусиқа асбобларининг кўпчилигини яхшигина чала билади, дўмбирани эса мақомига келтириб «бўзлата» олади. Бахши репертуарида «Алпомиш» туркумидаги асарлар — «Алпомиш», «Ёдгор», «Барчин Бека» каби дostonлар билан бир қаторда ўндан ортик анъанавий асарлар ва кўплаб термалар бор. У бир неча бор республика бахши-шоирлар кўрик-танловиларининг совриндори...

## АЛПОМИШ (дostonдан парча)

Алқисса, Алпомиш етти йил зиндонда ётиб, баданига ботиб, лаби қотиб, гоҳида наъра тортиб, ғам алами ортиб анида, чакнинг бошига Қайкубот кал келиб, чакнинг ўзида ётган Алпомишга қараб: «Алпомиш эшит сўзим-ни, хароб қилдинг ўзимди, аввали ўйдинг кўзимди, энди сит нозимди», деб икки оғиз сўзлаган жойи:

Ёмон одам элда бўлар дарбадар,  
Қизикмайди ўтиб кетса қиш-баҳор,  
Етти йиллаб чак тубида ётасан,  
Ўйлаб кўринг сенда борми номус ор.  
Тингла арзим нор бўйингдан Алпомиш,  
Бугун сенга айтадиган сўзим бор.  
Бугун дардим айтай сенга сўз билан,  
Ҳазиллашма ҳеч қандайин без билан,  
Ҳеч бир ишинг бўлмас биз билан,  
Ўйнамадим ҳали бирин қиз билан,  
Етти сурув кўйдан бири қолмади,  
Мен эгамга қарайман қош юз билан.  
Ёлғон-яшиқ гапнинг менга поритдинг,  
Қайда душман кўрар бўлсанг пиришдинг,  
Мендай фақир бир чўпонни хоритдинг,  
Ғамли кунда кўзга ёшни доритдинг.  
Айтаримга жавоб қайдан топаман,  
Ҳатто чичқоқ улоқни ҳам қуртдинг,  
Ўн бешида осмонда ой тўлмайма,  
Эр йигитдан яхши фарзанд қолмайма,  
Кеча-кундуз индамасдан ётасан,  
Ҳар кишининг қариндоши бўлмайма,  
Қариндоши бўлса агар кишининг



Бирон бири келиб хабар олмайма.  
Ёки ўзинг безормисан хонадон,  
Безор бўлиб қочдингми бошпанадан,  
Етти йилдир уринмайсан ўтасан  
Хабар олмай ота билан энадан.  
Аввал Худо, кейин Расул ҳақмиди,  
Айт ростини гулдай тананг покмиди,  
Шунча йилда биров келмас изингдан  
Ота-онанг, қариндошинг йўқмиди.  
Бугун сўзла менга ҳарна борингдан,  
Яна бўлса элда биродорингдан,  
Ё бўлмаса миниб юрган норингдан,  
Шу ётишда ётаверсанг Алпомиш  
Айриласан билгин номус-орингдан.  
Мен ҳам ўлиб кетмайинда дастингдан,  
Қалмоқшоҳ ҳам юрган эмиш қастингдан,  
Чакамандан қирқ ароба тош олиб  
Тўпдирмоқчи бўлган эмиш устингдан.

Алқисса, Алпомиш бу гапни эшитиб бошидаги телпагини Қайқубот калга узатиб, мўйловини бураб, у ёқ-бу ёққа қараб, оёқни ерга тираб: «Шу ишимни бажарасанми?» — деб сўраб турган экан:

Оқиздим кўзда ёшимни,  
Билмай тенгу тўшимни,  
Етти йилдан бермоғон  
Кўрмадим қариндошимни.  
Қайқубот сендан сўрайин,  
Бажаргин битта ишимни.  
Кимлигимни сен биларсан,  
Шунинг чун хизмат қиларсан,  
Қуритдинг қўйларимни деб,  
Менинг олдимга келарсан,  
Хафалар бўлма Қайқубот  
Насиблар ўйнаб куларсан,  
Шу ишни сенга айтайин,  
Ҳаялламай қиларсан.  
Гапирганда гап келар,  
Куйган одамнинг тилига.  
Бормасанг зинҳор бўлмайди,  
Ўйилгир қалмоқ элига.

Хўжайхизирлар дорисин,  
Сендаин бекнинг йўлига.  
Ўйлаб кўрдимда танага,  
Ётмайин дедим қапада.  
Телпагимни олиб кир,  
Қалмоқда сайис хонага.  
Мендаин ночор ўйланган,  
Хушсиз бўб қўлим боғланган,  
Армон билан найлайин,  
Шу чахка обкеб тайланган.  
Сайисхонага кириб кўр,  
Шу жойда отим байланган.  
Минганим якка бўз чибор,  
Файрати мингта шерча бор,  
Кўнглимда қолмасин ғубор,  
Қаялламай бор биродар,  
Сайисхонадан топилар,  
Бул ишонганим Бойчибор.

Алқисса, Қайкубот Алпомишдан бу сўзни эшитиб,  
кўнглига гап келиб, қўлига телпакни олиб, Алпомиш чақда  
қолиб, Қайкубот жўнайберди гоҳ чарчаб, гоҳ толиб, го-  
ҳида мен ҳам бўлармиканман ғолиб, деб ғайрат қилди.  
Кеча-кундуз йўл олди, сойу қирлар, даралар билдики, орқада  
қолди.

Шундай қилиб, Қайкубот неча кун деганда Қалмоқ-  
нинг мамлакатига етди, ҳеч кимга билдирмай ўтди, кўринг  
энди Қайкуботди, танадан жонин сотди, шуйтиб сайис-  
хонага етди. Тиклаб туриб қаради, разм солиб боради,  
сайисхона ичида Бойчиборни кўради. Жонивор чибор  
кийналган, иссиқ жойга тайланган, Чиборнинг тўрт оёғи  
занжирбанд қиб байланган.

Буни кўрган Қайкубот жонивор Чиборга қараб, бир сўз  
айтиб турган экан:

Бу кенг дунё сенга тор,  
Сен бўлибсан хору-зор,  
Жониворим қулоқ сол,  
Сенга айтар сўзим бор.  
Обкелдим сенга хабар,  
Чақда тирик эганг бор,  
Гапит тинглаб олсангчи,

Дўстлигимни билсангчи,  
Кўзгал жонивор жойдан  
Берманга бир келсангчи,  
Кушдай учганда чакка,  
Зўрдан хабар олсангчи.  
Мен дўстлигим айтаман  
Айтган гапим қилсангчи.  
Излаб келдим изингдан,  
Кеб танидим тусингдан,  
Тез-тез тургин Бойчибор,  
Ёш кетмасин кўзингдан,  
Эгангдан ол хабарди,  
Энди хизмат ўзингдан.  
Елиб қилсанг хизматди,  
Алпинг ўпар юзингдан.  
Занжиринг ботган билан,  
Тошдайин қотган билан,  
Ҳеч сира фойда бўлмас  
Чибор сен ётган билан.  
Душман айтмайди раҳмат,  
Жабрни тотган билан,  
Отни кўриб саломат,  
Қайқубот қилди фарёд.  
Эганга бор дуч бўл деб,  
Қилаберди маломат,  
Шунча йиғлаган билан  
Кўзалмади ҳайвонот.

Алқисса, Қайқубот Бойчиборга мен келдим, чиборлигингни билдим, эганга хизмат қилдим, олдинга келаман деб, сарсон бўлдим, йўлда чарчадим, толдим, сен жойингдан турмайсанма, яхши кунни кўрмайсанма, менинг гапимга кўнмайсанма, эганг олдига бормайсанма деб, гапиргани билан бедов от Қайқуботга қарамади, холини сўрамади, ҳатто тенг олмади, жонивор бедов қаттиқ ғамда экан бир марта қарамади.

Буни кўрган Қайқубот ҳайрон бўлиб, кўнглига гап келиб, тиззаси толиб — Алпомиш чакда турберди, мени бир-икки йил олдин кўрбеди, Чиборимга искат деб бир телпакни бербеди майли айтганига юрайин, телпагини Бойчиборга берайин, нима бўлишини кузатиб турайин, деб

қўлтиғидан телпакни олиб, Чиборнинг олдига боришга қўрқиб, бермандан туриб олдига ташлади.

Ҳа, алқисса, телпакнинг товушини эшитгани билан баччағар кўзини очмади, лекин Бойчиборнинг бурнига телпакнинг хиди боравергандан сўнг жонивор кўзини очиб, пишқириб, телпакни қайта-қайта искаб, ана энди жойидан қўзғалаётган экан:

Эл қувонар бўлса марднинг бўйидан,  
Доно айтар гапни керак жойидан,  
Телпакнинг хиди борбеди бурнига  
Бойчибор ҳам сакраб турди жойидан.  
Қизик экан бу фалакнинг гардиши,  
Пасту баланд ўтади келган киши,  
Эгасининг хиди борди бурнига  
Яшиндай бўб чикди бедов товуши.  
Юрагидан қайта кўчди яралар,  
Осмонда учолмай қолди турналар,  
Чакмоқдай бўб кишнабеди жонивор,  
Довушда бузилдида даралар.  
Эгам деди, юрак бағри эзилди,  
Вафодорнинг кўзидан ёш тизилди,  
Кишнашига сайисхона бузилди,  
Тоғда дарахт меваси узилди.  
Ҳидлаб-хидлаб юрак томри сўтилиб,  
Тенгсалади мисли қамчи чотилиб,  
Оёғини тортаётир жонивор.  
Тўрт оёқда кишан кетган етилиб,  
Яшиндай бўб кешнабеди жонивор  
Оёғидан кишан кетди отилиб.  
Тушгандайин савдо бедов бошига,  
Обрў берсин чин вафодор кишига,  
Хўрсинади баданини тер босиб  
Келаверди қайта телпак қошига.  
Ким билади шум тақдирнинг ишини,  
Гоҳ кулдириб, гоҳ оқизар ёшини,  
Одамзотнинг бил оласи ичида  
Ҳурмат қилмас бола ота кишини.  
Чўкка тушиб қаранг келди жонивор  
Шўл телпакка кўчберди тўшини.  
Бедов ҳам бўлади дўстлар вафодор,  
Эгасиз бедовга дунё бўлар тор.

Бошинг, кўзи, қошингдемас не киши,  
От қадрини билармикан одамлар.  
Кўйди кўксини, кишнади Бойчибор,  
Кишнашига нураб кетди годувор.  
Гапни айтай бугун пойма-пойидан,  
Мамад тилар мусурмон худойидан,  
Кўз, бадандан оққан терга гун ўсди  
Инграниб турди бедов жойидан.  
Дононинг сўзига меҳр қонади,  
Ёмон қурсин ваъдасидан тонади,  
Инграниб турди бедов жойидан  
Кишнаб-кишнаб чакка қараб жўнади.  
Қаранг энди Бойчиборга,  
Ўқдай кетар ҳамда жўрға,  
Баланд ё бир паст демайди,  
Тўғри келса чопар қирға,  
Чини билан жўнаб кетса,  
Кўзинг бир илади зўрға.  
Дирка-дирка ўйнайберди,  
Тилла сувлуқ чайнайберди,  
Билиб эгасин борлигин  
Ширин жонни қийнайберди.  
Кеча ёки кундуз демай,  
Тикка-тикка тайлайберди.  
Энди кўринг чибор отди,  
Йўлда қилди сиёсотди.  
Тўртта бирдай пўлат туёқ ,  
Ерга бир-бир қарич ботди.  
Ботган изни кўрган одам  
Бармоқ тишлаб ўйлаб ётди.  
Бойчиборнинг шамолига  
Тўққиз дарё музлаб ётди.  
Кишнаб-кишнаб тайлагани  
Бузи қувчан шердай бўб,  
Елка билан учалари  
Асқар товда қирдай бўб,  
Чарчаб нафас тортиши  
Елли айдахардай бўб.  
Тоғлардан ошиб ўтгидай,  
Бургутдай бўлиб етгундай,  
Оғзини очса жонивор

Қора тоғларни ютгудай,  
Икки оёқ орасидан  
Юкли карвони ўтгидай.  
Осмондаши учар қушни  
Қанот қоқдирмай тутгидай,  
Жониворнинг шамолига  
Қари арчалар ётгидай.  
Туёқлари теккан жойдан  
Қирқ йилда гиё битгидай,  
Тезлигининг довушига,  
Туяда томчи қочидай.  
Йўлда ўсган кўп заранглар,  
Чиборнинг йўлин очади.  
Туёғининг товушига,  
Осмонда булут кўчади.  
Чиборни кўрган жонзотлар,  
Олтойлик йўлга қочади.  
Сурса давру давронига,  
Тўзим берсин жонига,  
Кеча кундуз шабгир тортиб  
Етди қалмоқ зиндонига.  
Ор-номус деди ўйланди,  
Шу азиз жони қийналди,  
Етиб келди чак бошига  
Гирдини етти айланди.  
Айрилган кўнгил ташнади,  
Чарчаган бедов пишнади,  
Чак бошидан бир қаради  
Холсиратиб хўр кишнади.

Алқисса, Бойчиборнинг гулдираган довуши чакнинг туб-тубига етди, ҳар томон ларзага етди, шу билан бирга Алпомишнинг қулоғига ҳам етди. Алпомиш туриб қаради, юраги ёниб боради, чак бошида Чиборнинг кеб турганин кўради. Алпомишнинг эси кетиб, ҳисоби житиб, қулоғи битиб, кўнгилдан чиқди ғуборим, келгандай номус-орим, эгангни излаб келдингма бўйингдан Бойчиборим деб, Чиборга қараб бир сўз деб турган экан:

Кўнгилдан кетди ғуборим,  
Қайтгандай номус-орим,  
Юракдан чиқар черим,  
Билагимдан кетмай зўрим.

Эгангни излаб келдингма  
Бўйингдан Бойчиборим.  
Тўлди осмонда ойм,  
Очиларда чиройим,  
Билсам ўзингни етказди  
Яратган эгам худойим.  
Маъни гап чикмас бойдан,  
Обрў топмайсан тойдан,  
Дашда чўпон айрилмас  
Боқай деб олган кўйдан,  
Нолалар қилиб олбедим,  
Ўзингни якка худойдан.  
Душманним йўли тўсайин,  
Ушласам дорга осайин,  
Жониворим келгин берман,  
Сени бир боврима босайин.  
Бошга тушмайди маломат,  
Дўстинг қилмаса хиёнат,  
Чак бошига келаберди  
Учаси билан бедов от.  
Қаранг кўнглин хушлади,  
Энди ишин бошлади,  
Бедови чин вафодор экан  
Думини чакка ташлади.  
Кўздан ёши узилди,  
Гапи-гапга тузилди,  
Ташлабеди думини  
Қирқ газ бўлиб чўзилди.

Алқисса, жонивор Бойчибор чакни орқаси билан келиб, бўлар гапни билиб, эгасининг гапини олиб, турди чакка думин солиб, кўрсангиз кўп гап сўз бўлди, осмон булутга тўлди, думин ташлади жонивор, чўзилиб қирқ газ бўлди. Бек Алпомиш келиб Чибор думидан тутди, Чибор қилди ғайратди, кучин тўплаб, жонивор, эгасини бир торгди. Қаранг, бедов шоштига, тери оқиб пастига, кишнаб торгди жонивор Бек чикди, чак устига. Ана шунда Алпомиш сиғиниб аввал Худога, охи кетиб ҳар ёға Чиборнинг олдига келиб вафодори билан топишаётган жойи экан:

Етти йилда бовринг тузлаб қолдингма,  
Жониворим йўлда бўзлаб келдингма,

Бўйгинангдан айланайин Бойчибор  
Чакда ётган эганг излаб келдингма.

Ким чидайди танамдаги қоврима,  
Қойил қолдим фалак сенинг жаврингга.  
Жониворим, биродарим бормисан,  
Кел, жонивор, бир босайин боврима.

Қўлга тушиб банди бўлдинг Қалмоққа,  
Зор йиғлатиб мени ташлади чакка,  
Минганимда қушга тенгим бормисан,  
Шукр айтиб, бугун йиғлайин ҳаққа.

Йиғлайманда тошдай эриб бораман,  
Олдингда гуноҳкордай бўб тураман,  
Кел, жонивор, бир боврима босайин,  
Неки бўлса тақдиримдан кўраман.

Йўллариингни мен қилайин гумчамбар,  
Ортда қолди етти йиллик дарбадар,  
Шукр айтай, худо ўзи сақлади,  
Сақладида уч юз олтмиш пайғамбар.

Ёлғончидан ўтган соҳибқиронлар,  
Ўйлайверсам бош қотади ёронлар,  
Ичқуярим кел босайин боврима,  
Боз устига сақладида чилтонлар.

Ўтар экан дунё пони-пония,  
Бир кун чиқар одамзотнинг жония,  
Йўлни топган кўзларингдан айланай,  
Сақлабдида бизни азиз авлиё.

Қаранг дўстлар мард йигитнинг ишини,  
Ўнгардида бугун ақл хушини,  
Йиғлаб келди Бойчиборнинг олдига  
Туёғиҳа қўйди азиз бошини.

Шу кунларга етганига йиғлади,  
Бир худодан саломатлик тилади,  
Товдай бўлиб турган шу Бойчиборнинг,  
Жоним чибор деди, ёлин силади.



Эшитингда Алпнинг оху зорини,  
Ёд олади Худо, эшон, пирини,  
Чиборжоним деб ғўзасин силади  
Баданидан олди оппоқ терини.

Она бола айрилса онтолайди,  
Топишгунча дўстлар билинг жилайди,  
Ўполмайди эгасини жонивор  
Искаб-искаб манглайдан ялайди.

Разм солсанг, асли қизик бу ҳаёт,  
Йиғлаб келиб, йиғлаб кетар одамзод,  
Алпомишман топишди бедов оти  
Бир-бирини қилаберди зиёрат.

Алқисса, Бойчибор эгасини излаб келиб, чакдан топиб, думини солиб Алпомишни чиқариб олди, иккови кучоқлашиб қолди, икки кўзи толиб, бу иш яхши бўлди. Алпомиш Бойчиборни силаб гоҳ кулиб, гоҳ жилаб, баданидаги терини олиб, отини қашқажўнғирчқага ўтлатиб, дамини олдириб, ўзининг хориганин билдириб ётди, вақт ҳам анча бўлиб ўтди, бир маҳал қулоғига аллатавур довуш етди, фигони учди, мисли ер кўчди. Алпомиш яна тақдирга қўнди, иккўзи тинди, чиборнинг абзалини солиб пўш айилни тортди, тўға-тўғага тегиб шарқ этди. Бирдан минди чибор белига, қилични олди қўлига, қараб турди келаётган товуш йўлига.

Узоқдан кўтарилган чанг, кўкнинг аҳволи танг, қирқдан нари, саксондан бери аравага, тош ортилган келаётир, кун қиёмат бўлаётир, бир хили Алпомиш бугун ўлади деб кулаётдир.

Келаётган аравакашлар ҳам узоқдан Алпомишнинг от устида турганини кўриб, эси кетиб, қулоғи битиб тўхтаб қолди. Шунда ўзларига маслаҳат қилиб тўхтаганлардан беш-олтови от солди. Кун пор-пора бўлаверди, қогони қолаберди, Алпомиш ҳам, нима бўлар экан деб, қараб тураберди. Беш-олти от солган киши кетди, алқисса, Қалмоққа етди, Алпомишнинг тирик эканини айтди, пошшонинг фармони билан беш юз лашкар тақ бўлиб чак бошига жўнаб кетди. Ана эртаси тонг отди, лашкарлар ҳам аравалар олдига етди. Бун кўрган Алпомиш осмонда ой тўлар экан, очилмай гул сўлар экан, кимга кун қиёмат бўлар экан, деб шой бўб ётди.

Алқисса, душманлар қўйга ташланган бўридай бўлиб  
от сотди. Бек Алпомиш ҳам қўлга қилични олди, кўнгли-  
га дуо солди, бедовнинг чотига аямай саккиз қамчи солди.  
Шундай қилиб, Қалмоқдан келган душманлар бир томон-  
дан, Алпомиш бир томондан майдон аро от солаётган  
жойи:

Алпон қилди ғайратди,  
Бедовига қамчи чотди,  
Қанчидан қўрққан оти,  
Ўзин кийикдай отди.  
Кўзни очиб юлғунча,  
Душман олдига етди.  
Душман олдига келди,  
Қиличин қўлга олди,  
Дуч келган душманини,  
Аямайди хуб солди.  
Ҳар сермаса Алпомиш,  
Ўннинг бошини олди.  
Қаранг бедов ишига,  
Келди майдон дашига,  
Рўбарў келган отди,  
Тишлаб олар тишига,  
Очуви шундай котти.  
Чўлларга сермаб отди,  
Ерга тушган бедовлар.  
Мисли тошдай бўб котди,  
Бедовлар туёғига ер,  
Лой хандикдай қозилди.  
Келган неча бекларнинг,  
Танадан жони узилди.  
Ўлик кўриб кўп қузғунлар,  
Мўнчокдай бўб тизилди.  
Билсанг дунё аёвсиз,  
Қарамайди меҳмонга,  
Бир кун ютар қора ер,  
Бўялди қизил қонга.  
Обод бўлсин, дўстлар,  
Қўнғирот бойсун қалъаси.  
Вох, отажон, дер бўлди,  
Кўп бекларнинг боласи,  
Очилган гуллар сўлди,

Ер қизил қонга тўлди,  
Ажал етган майдонга,  
Худди бемаҳал ўлди.  
Кўринг полвон ишини,  
Билмайди тенг тўшини.  
Неча сатта бекларнинг,  
Сўрамай олди бошини.  
Чўл элатда жойратди,  
Ёғийларнинг лошини.  
От ҳайдаб аста-аста,  
Душманларига қастда,  
Қиличини сермайди,  
Ҳамлага йўл бермайди.  
Қилиғи теккан душман,  
Нақ йиқилар турмайди.  
Майдонни бузаётир,  
Қалмоқни кезаётир,  
Ҳар сермаса қиличин,  
Ўн бошни узаётир.  
Бул майдон гузар бўлди,  
Семизлар озар бўлди,  
Бекафан ўлаётир.  
Бари бир мозор бўлди.  
Ғажир кутар навбатди,  
Сўнг байрам тузар бўлди.  
Чангга ботган ой бўлди,  
Нечов ажали келди,  
Нечовидан бемаҳал.  
Азроил жонин олди.  
Туёқлар қонга ботди,  
Тупроқ қизил лой бўлди,  
Ўликни санаб бўлмас,  
Қузғунлар ҳам бой бўлди.  
Чеккадан тортаётир,  
Мисли қаранг тўй бўлди.  
Қулоқ сонг майизига,  
Ёв кўринмас кўзига,  
От ҳайдаган душманнинг.  
Дев кўринар кўзига,  
Орасидан кўрқоғи,  
Вой, деб қочар изига.

Обрў берсин яратган,  
Алпомишнинг ўзига.  
Баланд тоғлар қор бўлди,  
Пешонада тер бўлди,  
Ростин айтсам, ёронлар,  
Бугунги жанг зўр бўлди.  
Тер кетди, бедов тўшидан,  
Пушаймон душман ишидан,  
Алпомиш ғайрат қилди,  
Ёвни қирди бир бошдан.  
Сув кўрмаган жилғалар,  
Сув ўрнига қон кўрди.  
Тош кўрмаган бу сойлар,  
Тош ўрнига бош кўрди.

Алқисса, бек Алпомиш гердаиб турди, сўнг отга қамчи урди, келган душманни кирди, худо иқболини берди, бедови ҳам боврини очди, дарёдай тошди, кўрқоқ душманлар қочди. Шундай қилиб, Алпомиш Қалмоқ мамлакатига от ҳайдаб, кеча-кундуз демай йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бедовининг чотига қамчи уриб, майиз бериб етиб бориб одамларни ҳайрон қилди, юртини вайрон қилди, қолғани Алпомиш кимлигин билди ва сўнг таъзим қилди.

Алпомиш чакда эканда Қайқубот билан иккови келишган эди. Қайқубот насиб бўлса, эсон-омон чиқсам, душманни вайрон қилсам, оримни олсам Қалмоқ юртига бек қиламан, қайғуни йўқ қиламиз, боз ой Товкани олиб бераман, деган эди. Қайқубот Алпомиш олдига келиб, мейиғидан кулиб, дарёдай бўб тўлиб «Алпомиш мен Қалмоқ юртига бек бўлсам, биров мени танимайди, биров мени билмайди, ҳатто писанд қилмайди, қандай маслаҳат берасан» деб сўради. Шунда Алпомиш Қайқуботга қараб: «Бўлмаса, бундай қиламиз. Сен одамларнинг кўзига зўр бўласан, озроқ зўр бўласан, мени ушлатиб яна қайта чакка ташлатасан у ёғи бир гап бўлар» деб маслаҳат берди. Бу маслаҳат Қайқуботга ҳам маъқул тушди. Шундай қилиб кун ботди, ҳамма уйқуга ётди, киприк-киприкка тегиб қотти, эрта-мертан тонг отти Қайқубот зўрдай бўб беш олтов билан бекнинг олдига етти, елкасига таёқ тортиди, жўртака бакираверди, зўрдай бўб қоқираберди, «жаллод» деб чақира берди. Жаллодларга ушлатди, иккўзини ёшлатди, бордириб яна қайта чакка ташлайди.

Қалмоқлар буларнинг бундай ҳийласини билмас эди. Элатни тинчитиб Қайкубот жойидан туриб кетди, яна чакнинг бошига етди, чиборнинг ўзиниям олиб етди. Шундай қилиб Алпомишни чиқарди. Алпомиш Қайкуботга қараб, мўйловини бураб, яккадан мадад сўраб шундай деётган жойи экан:

Сенга Қалмоқдай давлат,  
Аммо қилсин куч-қувват,  
Шул гапима қулоқ сол,  
Бўйларингдан Қайкубот.  
Гаплар келар тилима,  
Ҳизир чиқсин йўлима,  
Кетар бўлдим мен энди  
Бойсундойин элима.  
Бошдан кетди қиёмат,  
Кетди азоб уқубот,  
Қалмоқлар Қайкубот сенга,  
Энди қилмас сиёсат,  
Бойсун элда қариндош,  
Бормикан соғ-саломат.  
Сўйлатаман тилимни,  
Очсин худо йўлини.  
Етти йиллаб бошима,  
Қалмоқ солди зулмди.  
Кўрсатмасин яратган,  
Мард кишига ўлимди.  
Тезроқ бориб кўрайин,  
Бойсун қўнғирот элимди.  
Бил усталар ишлатар,  
Болта билан таборди.  
Сени менга, мени сенга  
Оллоҳ ўзи юборди.  
Қалмоқлар бош кўтарса,  
Тезроқ бергин хабарди.  
Ойдаи бўлиб тўларман,  
Яхши ишни қиларман.  
Тезроқ берсанг хабарди,  
Яшиндай бўб келарман.  
Сенга айтай арзимди,  
Гапни айтмоқ лозимди,  
Бойсарига қил насихат,  
Бу иш сенинг қарзингди.

Қалмоқда ўйнаб кулмаса,  
Нари берини билмаса,  
Айт Бойсун эшга кетсин,  
Бирор қариндош бўлмаса,  
На давлатдан нишон бор,  
Қалмоқ элда бўлмаса,  
Ўйлаб кўрсин ичкуяр.  
Юрса йўлин ким тўсади,  
Бемалол қадам босади,  
Етиб борсин Бойсун элга  
Кўрган боврига босади.

Алқисса, Алпомиш, Қайқубот шундай маслатти қилиб турбеди Қайқуботнинг юзи сарғайиб, кўзи тиниб энди нима бўлар экан, деб ичида ўйлаб отга минаётган Алпомишнинг изида икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ўтов тикиб ўдаға,  
От ҳайдадинг тўдаға,  
Икки оғиз сўзим бор,  
Бўйингдан мен садаға.  
Булбул кўнар химчаға,  
Гап айтаман нечаға,  
От ҳайдасанг Алпомиш  
Отинг ҳайда кечаға  
Кетмасинда номусор,  
Дўстлар бўлсин вафодор,  
Отинг ҳайда кечаға  
Сезмасинда қалмоқлар.  
Гапирганда гап келар  
Тил билан танглайма,  
Оғиз савдо тушмасин,  
Мен шўрнинг манглайма.  
Қилайинда ғайратти,  
Минайин чибор отди,  
Бек бўлиб давр сурай,  
Гулдай қилиб элатди.  
Кеча кет, кундуз кетма,  
Курмайин молوماتти.  
Қулоқ солмас зорига,  
Гапни айтсам барига.  
Алпомишим етказай,

Сўзингни Бойсарига.  
Оёғингни эгарга,  
Бек Алпомиш тирайбер.  
Кеча кўрган тушингни  
Сувга айтиб жўрайбер.  
Омон-эсон Бойсун бор.  
Ота-энанг сўрайбер.  
Оқ қиб ҳарна дилингни,  
Билдинг кетар йўлинни  
Сўра қариндошларингни,  
Ўпгин Барчин гулингни,  
Тизанггача ўтирғизиб  
Суйгин Ёдгор улингни  
Майли дер Анг сўзига,  
Қамчи босди дўзига,  
Кўз қоққанга кўринмайди  
Қайкуботнинг кўзига  
Ҳайирлашиб, хўшлашиб,  
Кал ҳам қайтди изига.

Энди гапни қалмоқлардан эшитинг. Қалмоқлар Қайкуботдан панада тўда-тўда бўлиб, бири тўхтаб, бири гап олиб: «Биродарлар, Қайкубот ҳам бир келгиндида, элда бир гап бор моли кўпнинг зўри кўп, якка отнинг шўри кўп дегандай, Қайкубот якка бўлса, бирор изловчиси бўлмаса, давлатни шунинг кўлидан биримиз ололмаймизма», — деярдди. Яна бири эсдан чиқарманглар Алпомиш ҳали чакда, бош кўтарсанг, Алпомишнинг чакдан олиб келади, кун қиёмат бўлади, бош кўтарганку тайин ўлади, билмадим ким ўлади, ким қолади.

Ана шу гапдан сўнг қалмоқлар ўйлашди, гап тайлашди, шудай қилиб жойлашди. Қайкубот пошшо бўлиб давру-даврон сураберсин. Энди гапни Алпомишдан эшитинг.

Алқисса, Алпомиш кеча-кундуз шабгир торди, алами ортди, бедов шамолига дарё музлаб олтой ётди, кўринг энди Алпомиш мартди, бедов билан йўл тортди, ҳайдаб-ҳайдаб Оқсув дарёга етди. Алпомиш келган билан дарё тўлиб ётди. Узангига оёқ тираб, дарёга қараб, алқисса, Алпомиш шундай деб турган экан:

Қараб туриб мен хайрон,  
Остимда ўйнар жийрон,  
Йўл бер, Оқ сув дарёси  
Сўнг қилмагинда армон.  
Мани дейди гар билсанг,  
Бойсунда номдор полвон  
Миниб келдим отимни,  
Кўнғирот дейди зотимни.  
Билмасанг ҳам билиб қўй,  
Алпомиш дер отимди  
Минган отим Бойчибор,  
Зехни минг парича бор.  
Йўл бер, Оқ сув дарёси  
Кўнглингда қолмас ғубор.  
Душман йўлин тўсаман  
Ранггини қилиб сомон,  
Ҳар сермасам қилични  
Мингта бошни кесаман  
Қаҳрим келса минг девни  
Битта дорга осаман  
Йўлда келаман толиб,  
Кўнглима кўп гап олиб,  
Ачиғимни чиқарма,  
Сендан ҳам ўзим қолиб.  
Вақтим ўтар дастингдан,  
Остимда ўйнар чибор  
Сакратаман устингдан.  
Гапимни порिताман,  
Сўзима юритаман,  
Йўл бер, Оқсув дарёси.  
Кўпагим сорिताман,  
Тошингни чирिताман.  
Шу гапга йўл бермасанг  
Балиғинг қурिताман.  
Отимга берсам қамчи,  
Сен бўласанда ғамги,  
Чинданам ачув қилсам  
Сендан қолмас бир томчи.  
Шу пайтда бузилди,  
Осмон бетнинг ҳавоси,  
Билмадимда бормикан,



Ёмон дарднинг давоси  
Тўлиб-тошиб жўнади,  
Оқсувдайин дарёси,  
Алп ҳам кетди шошилиб,  
Юрак бағри тешилиб,  
Дарёнинг тошганига,  
Тошлар кетди қўшилиб,  
Дўстлар айрилиқ ёмон,  
Тоғларни чалди туман  
Алпомиш ўтмоқлиги,  
Энди дўстларим гумон  
Ёмон ўлим боласи,  
Унинг йўқдир жилоси,  
Дарёнинг тошганига  
Кўкдан куйди жалоси.  
Тўлқин кетди эшилиб,  
Толлар қолди бош уриб.  
Жаланинг куйганига  
Селлар окди қўшилиб  
Кун қиёмат кун бўлди  
Тонгда азиз жой бўлди,  
Кўкни булут қоплади  
Тол туш мисли тун бўлди.

Алқисса, Бойчибор жонивор ҳам орқага тисирилиб кетаберди, дўллар бошдан ўтаберди. Алпомишнинг кўнглига бир гап келди. Жим-жим гапирсанг илон инидан чиқади, қатти-қатти гапирсанг мусурмон диндан чиқади, деган гап бор. Ке, куй, Оқсувга жим-жим гапириб кўрайин деб, қайта бошдан Оқсувга қараб икки оғиз сўзлаётган экан:

Катта бўлсин мард йигитнинг давлати,  
Аввал эл ичида бўлсин хизмати,  
Йўл бермасанг бўлмас Оқсув дарёси,  
Яратганим якка худо хурмати.  
Ўйламайин янглишибман тилимдан,  
Ҳам адашдим юрар бўлсам йўлимдан.  
Худо ҳақдир не иш келар қўлимдан,  
Оқсув дарё йўл бер элим хурмати.  
Етти йилида кўрдим жабр ситанди,  
Энди билдим қилиб қўйган хотамди,  
Чак тубида йиғладим кўрмай отамди,  
Оқсув йўл бер Бойбўри отам хурмати.

Яратгани кечиради гунамди,  
Душманларим ўтга ёкди танамди,  
Кўрай дедим оқ сут берган энамди,  
Жон Оксув дарё йўл бер энам хурмати.  
Билмадилар душман тўку-очимни,  
Зиндонда зах жойлар олди кучимни,  
Етти йил кўрмадим Қалдирғочимни,  
Айланай йўл бергин синглим хурмати.  
Азоб-укубатлар ўйди кўзимни,  
Сувга қараб танимадим ўзимни,  
Найлай соғинибман Ёдгор кўзимни,  
Йўл бер Оксув ёлғиз болам хурмати.  
Ким тингларди чакда оху-зоримни,  
Боз соғиндим элда биродаримни,  
Юрак тўхтар эслаганда ёримни,  
Йўл бер Оксув Барчин ёрим хурмати,  
Чикдим йўлга топилмади бир йўлдош,  
Мусофирлик ёмон кўздан келар ёш,  
Омонмикан элда барча қариндош.  
Оксув йўл бер қариндошлар хурмати.  
Аста-аста тарқаб жунади аёз,  
Тўлган дарё келаётир энди оз,  
Бир пасл ҳам ўтар ўтмас орадан  
Тошган сувлар бирдан бўлдида саёз.

Алқисса, бу ҳолни кўрган Алпомиш яратганга шукурлар айтиб, тавба қилиб, дарёга таъзим қилиб, ичида, эй яратган, бемахал ўлимдан, оловдан, тухматдан, тошган сув балосидан ўзинг сақла, деб Бойчиборини аста-аста ҳайдаб Оксув дарёнинг кўзига саёз кўринган жойларидан ўтиб кетди.

Шу ҳайдашдан қистаб отди, чатанига қамчи чотди, қамчи курсин симдай ботди, жонивор Бойчибор ўзини сермаб отди, сойу қирдан ошиб ўтди, қаранг Алпомиш валломатди ўтди, вақт кун ботди, ҳолсираб лаблар қотди, эрталаб яна тонг отди, яна қилди сиёсатди, тиндирмай қистаб отди, желдириб-желдириб Окдобон тепага жетди.

Чиборини қистаб ҳайдаб Окдобон тепанинг устига чиқиб қаради, қараса, юраги ёниб боради, элас-элас Бойсун эли, кўчалари, ошиқ ўйнаган жойлари, улоқ тортган жойлари кўзига кўриниб, кўнгли, ёши тизилиб Бойчибор отига қараб икки оғиз сўзлаётган жойи:

Остимдаги шул чибор,  
Осмондан кетди губор,  
Бир паслга хизмат бор,  
Ишонганим сен тулпор.  
Озроқ қолди ўйларим,  
Кунда ўсар бўйларим,  
Ҳайла кўзга кўринди,  
Мен туғилган жойларим.  
Етти йилдан бермагон,  
Сарғайберди райларим,  
Обод қилдик қалмоқди,  
Гаплар бўлсин салмоқли,  
Шу селгада тортардик,  
Жонивор сенман улоқди.  
Шоир ёзар ошиқни,  
Ёр тебратар бешиқни,  
Майдонда отар эдинг,  
Болалар билан ошиқни,  
Қилардик кўп қилиқни.  
Дўстинг меҳри илиқди  
Оқ сўяқни ўйнаб тонгда,  
Отар эдик илиқни,  
Олтов-саккиз ўйнар эдик,  
Зувуллашиб чиликни,  
Элимга меҳрим ҳовуч,  
Бойчиборим қушдай уч,  
Тўртов-саккиз салом солиб,  
Ўйнардик дашинмович  
Гоҳ чарчаб, гоҳ толишиб,  
Гоҳ ўзиб, гоҳ қолишиб,  
Тор кўчада ўйнардик.  
Гоҳ олишиб, солишиб,  
Қизиқ ёшлиқда юриш,  
Кўнглим қилади хуруш,  
Қизиққанда ўйнардик,  
Буруң қонатиб чим уриш,  
Кеча ёриқ ой билан,  
Мен турибман ўй билан,  
Жандани ташлаб қўйиб,  
Тортишардик той билан,  
Айланайин Бойчибор,

Етти йиллаб бўлдик хор,  
Файрат қилмасанг бўлмас.  
Бедовдан ўзинг номдор  
Дунё бизга тормикан  
Айрилганлар хормикан.  
Энди елгин Бойчибор,  
Ота-энам бормикан,  
Тезлигинг бир аломат,  
Дарёларга қиёмат,  
Бойсун элда бормикан.  
Ёрим, болам саломат  
Ақлсизнинг меҳри тош,  
Ақлли бўлсин ҳар бош,  
Соғ саломат бормикан.  
Синглим ҳамда қариндош.  
Ғариблар қилар додди,  
Ким билади ҳаётди,  
Чў деганда Алпомиш,  
Чибор ўзини отди...

## БАҲОДИР БАХШИ ҚОДИР ЎҒЛИ

Баҳодир бахши Хўжамаҳмуд қишлоғида Қодир бахши оиласида 1970 йилда туғилган учинчи фарзанд. Устози — Қодир бахши ва Қаҳҳор бахши. Вилоят кўрик-танловларида қатнашган. «Алпомиш», «Кунтуғмуш» ва «Малла савдогар» дostonларини, ўнлаб дўмбира нағмаларини ва 20 дан ортиқ анъанавий ҳамда замонавий дostonларни билади. Айни пайтда ўзи ҳам ижод билан шуғулланади. «Ўзбекистон истиқлол муборак», «Ватаним — жоним», «Устоз — отамни эслайман» ва «Онам» каби термалари бор.

### АЛПОМИШ (дostonдан парча)

Бойсун-Кўнғиротда катта кўпқари бўлаберди, чор атрофдан норбилак, шерюрак, қоплон сиёқ чавандозлар гурас-гурас отланиб келаберди. Тўш-тўшга қўшхона тайлай берди, отларни овнатиб, якка чирги қилиб байлайберди, човохонлар ўзларининг жанда кийимларини кийиб, ўзларини кўпқарига шайлайберди, белларини чилвир билан маҳкам байлайберди. Оти кам арпа жеганлар бугун қандай бўлар экан деб ўйлай берди. Шунда кўпқа-

ри бекавули ўртага саксан ботмон келадиган такани олиб келиб тайлайберди. Шунда бековул: — Ҳов йигитлар, бугун Барчинойнинг биринчи шарти, ҳалоллаб айирасилар, 60 уруфдан човондозлар келган, ҳар ким кучини кўрсатсин деб биринчи зотни тайлаётир:

Кўпкари марднинг иши,  
Кўнғироқ от довуши,  
Меҳмон келди юзта бор,  
Куч кўрсатсин ҳар киши.

Жибга солсанг бермайман,  
Гар келишсанг кўрмайман,  
Тоқалаб чик, кўрадан,  
Қоботингда юрмайман.

От сонига тепмайсан,  
Улоққа сув сепмайсан,  
Агар биров йиқилса,  
Чопма десам чопмайсан.

Кирмовга байламайсан,  
Кўрада тайламайсан,  
Улоғинг қолса келиб,  
Зот бер деб сўйламайсан.

Шерик бўлма бировга,  
От ҳайдама қировга,  
Ёмонлик қилиб тагин,  
Қулаб тушмагин зовга.

Мен ҳам ҳақни ўйлайман,  
Белим маҳкам байлайман,  
Бологардон зотини  
Аввал бошдан тайлайман.

Мард йигитнинг сўзи бор,  
Фарзандлининг изи бор,  
Бологардан ҳақиға  
Етмиш кўзи зоти бор.

Ана энди тайланглар,  
Оқибатни ўйланглар,  
Ҳалол қилсанг яқин кел  
От-отингни шайланглар.

Ана шунда чобагонлар «урра» деб кўрага тайлаб кетди, улоққа етди, бир хил чавандозлар ўзини отнинг устидан улоққа отди. Ҳей бир маҳал тортиша кетди. Бир маҳал Туловмат-кўнғир отлардан Холиёр чавандоз қора тўри билан Болагардон зотини ҳалол олиб чикди. Ҳамма қойил қолди, кўпқари жой минг отга тўлди. Шундан кейин бековул Абротмат: «Энди йигитлар, иккинчи зотни тайлайман, бу зот анча овуру, юз кўзи тайлайман. Худди Холиёр чавандоздай айиринглар, отнинг бошини чикка бел қилиб қайиринглар», деб иккинчи зотни ҳам эълон қилди. Ана шундан сўнг чавандозлар бирин-кетин айира берди. Алпомиш ҳам тоқалаб-тоқалаб Бойчибор билан айира берди. Мамлакатнинг энг зўр чавандози Қоралочин ҳам кетма-кет улоқни айираберди. «Кўпқари кўрайик, бу ерга узоқ-яқиндан одамлар келади, булардан отамнинг хабарини сўрайик», деб Ёдгор билан Қалдирғоч ҳам бир чақада чайлани соя қилиб тамоша қилиб турбеди, буларнинг турганини Қоралочин чавандоз бошида кўрбеди, ёшлигидан Қалдирғочга ошиқ бўлиб юрбеди, лекин Алпомишдан кўрқиб айтолмас эди. Энди Алпомиш ўлди, бугун хунаримни бир кўрсатайин деб кўпқарида тиш қайраб юрбеди. Шу пайт бековул Абрамат охури таканинг бировини эълон қилди. Ҳамма чавандоз кўрага қорсиллаб тайлайберди. Қоралочин ҳам отини қистаб етди, шу боришда кўрага кириб кетди, таканинг пойчасидан тутди, бир сермаб тортди, така эгарга келиб қопишди, Қоралочин такани тақимга босиб, отни ҳайдаётган жойи:

Қоралочин айдахар,  
Эл ичида зўрабор,  
Остидаги оти ҳам,  
Ўзи билан баробар.

Осмон чангга қоришди,  
Така ердан турилди.  
Қоралочин шаштига,  
Кўра тикка бўлинди.

От боради гулдираб,  
Тилло жуван шалдираб,  
Жем жемаган бедовлар,  
Қолаберди гилдираб.

Қоралочин фирибгар,  
Олдин эди дарбадар,  
Бугун эса от хайдар,  
Тўлик бўлиб кирдикор.

Тақимида улоғи,  
Гап тингламас қулоғи,  
Қалдирғочга етмоқлик  
Қоралочин тилағи.

Қоралочин морқада,  
Ултонтозга эрқада.  
Четкир отлар қоб кетди  
Зўрдан анча орқада.

Ким тағдирга кўнади,  
Ҳолин билган донади,  
Қоралочин тап тортмай,  
Қалдирғочга жўнади.

Полвон кўнглин хушлади,  
Ёмон одат бошлади,  
Ма, Қалдирғоч бир кунлик  
Кечангга деб ташлади.

От жўнади дикирлаб,  
Ҳамма кулди қоқирлаб,  
Ҳам Қалдирғоч Ёдгор,  
Йиғлайберди ҳиқиллаб.

Алқисса, шундай қилиб, Қоралочин уч марта уч охури такани Қалдирғочга ташлаб ўтди, бу алам янада суякка етди. Бу воқеани кузатиб турган Алпомиш охири чидай олмади. Қоралочин тўртинчи марта охури такани олиб, тақимга босиб Қалдирғочнинг ўтовига тикка дўниб жўнайбеди, Алпомиш ҳам Бойчиборни бир ниқтабеди. Жонивор етиб бориб, Қоралочиннинг отига қарс эткизиб қўшди. Алпомиш ҳам Қултой кийимида билдирмай Қоралочиннинг бир пути билан такани қўшиб ушлаб эгарга босди. Бундай кучни кўрмаган Қоралочин Ултонтозни орқа қилиб, Алпомишни Қултой чол деб буралаб сўкиб, оёғимни қўй дейберди. Алпомиш қўя бермагач, Қоралочин Алпомишни қамчи билан ура кетди, Алпомиш

хам Бойчиборни бир қистабеди, жонивор ўзини отди,  
Қоралочиннинг бир пути билан такани изгириб кетди,  
Қалдирғочнинг чайласига етди, «Ма, Қалдирғоча уч та-  
канинг хунига», деб ташлаб ўтди. Шунда Ёдгор: «Амма-  
жон, биров бизнинг оримизни олмагич эди, бул ким бўлди,  
кечаги Қултой чол эмасма», деди. Шунда аммаси: «Су-  
юнчи бер, жон болам», деб қичкираётган жойи:

Ёдгоржон, сенга етар сўзларим,  
Отанг билан обод бўлар дўзларим,  
Ўзим тиккан мен дигилни танидим,  
Агар ўйилмаса икки кўзларим.

Гапирганда гап келади пойма-пой,  
Ҳар бандага мадат берсин бир худой.  
Тақим-чирги иссиқ бўлди кўзимга,  
Зеб-зарини тиккан эди Барчиной.

Жуванинг ҳар бир банди тиллодан,  
Тортқилари жипак билан пилладан,  
Эгарига қара дейман жон болам,  
Карсани бор баланд келар калладан.

Дупиридан ернинг бети қотарди,  
Ёлғиз эгам бизга эга юборди,  
Жониворнинг селтанглаши зиёда,  
Мен ўлайин танимабман Чиборни.

Кишнаганда туман қочар поналаб,  
Гар қичқирса ой тутилар доналаб,  
Калла чайқаб тайлашига қарагин,  
Ҳомқар отлар қочаётир экалаб.

Қулоғидан келар жаннат шамоли,  
Санам қиздан зиёд қадди-камоли,  
Айдаҳардай пишқиради жонивор  
Шул Бойчибор элатимнинг зўр моли.

Етим жоли олар менинг жонимни,  
Эркаласи руҳлантирар танимни,  
Думғўзаси лопиллайди шамолда,  
Қадамига мен сочмадим қонимни.



От йигитнинг қанотидир Ёдгор,  
Оллоҳимнинг ҳимматидир Бойчибор,  
Шундай отни кўрганларнинг бахти бор,  
Ор-номусга қандай отди жонивор.

Алқисса, шунда Ёдгор аммаси Қалдирғочдан бу сўзни эшитиб, кўнгли кўтарилиб, энтика берди. Шунда Қалдирғоч: «Ёдгор болам, менинг туйғуларим алдамага, шул отли бошқа кийимда юрган отанг бўлмасин. Кел, бир синайик, тағдирга кўнайик, сен шул отлининг орқасидан «Отажон, тўхтанг», деб қичқириб чоп, қани агар отанг бўлса изига қарайди, бегона бўлса қарамай кетади» деб маслаҳат берди. Шунда қўлқаси тўлиб турган Ёдгор ҳалиги отлининг орқасидан «оталаб» чошиб бораётган жойи:

Ойналайин отажон,  
Қулоқ солинг сўзимга.  
Етти йилдир найлайин,  
Келолмайман ўзимга.

Оллоҳ ишим питказди,  
Отажоним етказди,  
Бошимдаги губорни,  
Бугун мендан кетказди.

Оллоҳда бор адолат,  
Боз устига ҳақиқат.  
Тўхтанг дейман, отажон,  
Искаб қилай зиёрат.

Сиздан бошқа кимим бор,  
Кўзда ёшим намим бор.  
Юзингизни кўрайин,  
Душманнимга замим бор.

Мен ҳам бўлдим отали,  
Олдин эдим ситали.  
Орқангиздан эргашай,  
Сиз ҳам бўлинг, бўтали.

Отажоним, гавҳарим,  
Искаганда хуморим,  
Келдингизма Бойсунга  
Энди кетар беморим.

Отажоним, полвоним,  
Сизман бордир давроним.  
Мабода келмасангиз,  
Ютар эди армоним.

Энди тойлар минарман,  
Полвон бўлиб қўнарман.  
Душманларни кўрганда,  
Олов бўлиб ёнарман.

Суянсам тоғим бордир,  
Чорбоғим, боғим бордир.  
Энди менинг камим йўқ,  
Боз ёшлик чоғим бордир.

Алқисса, Алпомиш боласи Ёдгорнинг довушини баралла эшитиб, лекин ғанимлар билмасин, деб сир бермай, отини урмай, аста-секин тўманлаб кетаберди. Ёдгор эса чопиб, кела-кела чобағон қарамагандан кейин, чини билан отасидан умидини узиб, ўзи тағдиримда отани кўриш, унга эркалаб елкасига осилиш манглайимда йўқ эканда, деб ўзини кумнинг устига отиб юборди. Шу пайт аммаси Қалдирғоч етиб келиб: «Болам кўзингни оч», деб турта берди. Шунда Ёдгор аммасига қараб, мендан бошқа аллайдиган бола йўқмиди, деб сўраётган жойи:

Аммажоним тиловчим,  
Шўр пешонам силовчим,  
Куйганимда жиловчим,  
Отам йўқма аммажон.

Ахир бўлдим девона,  
Бир онам бор парвона,  
Отасизлик ёмона,  
Нима қилай аммажон.

Мен йиғлайман эшилиб,  
Тобонларим тешилиб,  
Сиз йиғлайсиз қўшилиб,  
Қайга борай аммажон...

## БАХРОМ БАХШИ ҚОДИР ҶҒЛИ

Баҳром бахши 1974 йили Хўжамаҳмуд қишлоғида туғилган. Қодир бахши оиласида тўртинчи фарзанд. Баҳром онасининг кенжаси, парвонаси. Устозлар — Қодир ва Қаҳҳор бахшилар вилоят ва Республика кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаган; ўндан ортиқ дostonларни мукамал эгаллаган. «Юсуф Аҳмад», «Алпомиш», «Кунтуғмуш», «Бологардон», «Авазнинг олиб келиниши» ва «Гўрўелининг туғилиши» dostonларини куйлаб келмоқда.

Ўндан ортиқ дўмбира нағмаларини, қирқдан ошиқ термаларни ёд билади. Баҳром ҳозир ижод устида. Унинг «Мустақиллик», «Темур бобом», «Чўпонларга», «Касб танла», каби термалари бор. Маълумоти ўрта. Туман маданият бўлимида ишлайди. Оилали, бир нафар фарзанди бор. Келажаги порлоқ, нияtlари улуғ, йўли эса оқ.

### «АЛПОМИШ»ДАН БИР МАЙДОН

Алқисса, Алпомиш Бойчиборни миниб, тақдирга кўниб келаётса, узоқдан кўзига бир қора кўринди. Отини қистаб ҳайдабериб кўринган қоранинг олдига етиб борса, ўзининг ширхўра туяси. Бу жонивор Алпомишнинг келаётганини билиб, ҳалалаганига қарамай, улардан қочиб чиққан экан. Жонивор Алпомишни зиёрат қилди, искаб ерга ётди, танасидан жони кетди. Буни билган Алпомиш эси кетди, йўл ёқасидан қабр қазиб туяни кўмди. Кейин қасам қилди: «Охир-оқибат худо менинг жонимни олганда, гўрим шу туянинг ёнидан бўлсин», — деди. Шундай деб турса, узоқдан ҳала деган овоз қулоғига чалинди. Яқинлашиб келгандан сўнг разм солди. Бойбўри отасини таниди. Бойбўри ҳам Алпомишнинг тусидан, келаётган исидан, боз Чиборнинг дўпири ва темтик-темтик ҳолидан танигандай бўлиб, юраги уюшиб: «Бедов отди желасан, элда ўйнаб куласан, ёлғон демай айт ростин, болам, қайдан бўласан», деб сўйлаётган экан:

Гапир баланд-пастингдан,  
Туям кетди қастингдан,  
Ё адашиб келдимми  
Болам сенинг устингдан,

Бир оғиз гап сўрайин,  
Айтгин болам ростингдан.  
Душманим кўп изимдан,  
Кўнглим қолди ўзимдан,  
Етти йиллаб болам деб,  
Айрилдимда кўзимдан.  
Ёлғон демай айт ростин,  
Рози бўлай тузимдан.  
Аҳмоққа кеч эс келар,  
Пес қошига пес келар,  
Айтгин болам ростини  
Сендан таниш ис келар.  
Кувониб қоматингдан,  
Айрилма давлатингдан,  
Алп болама ўхшатдим  
Жон болам келбатингдан.  
Илғайин мен сўзингни,  
Тавоф қилай изингни,  
Айтгин болам ростини,  
Силаб кўрай юзингни.  
Ўйнар эди пирогим,  
Ўчди пастлай чирогим,  
Сени кўрганим замон,  
Уюшади юрагим.  
Бедов отлар чопади,  
Баланд тоғнинг белидан,  
Отингни танияпман  
Тўшида темтик холидан.  
Элда ўйнаб кулгансан,  
Айт қаердан келгансан,  
Ёлғон демай ростин айт  
Отни қайдан олгансан?  
Маҳкам бойлаб белингни,  
Билдинг тўғри йўлингни,  
Айт ростини, жон болам,  
Кўтарай қиз улингни,  
Ҳаялламай сўйлагин  
Нима дейди элингни.  
Етти йил оқди ёшим,  
Найза киргандай тўшим,  
Болам дейман йиғлайман,  
Сел бўлди, кўзда ёшим.

Бойсун бугун вайрона,  
Қолмади бир тенг тўшим.  
Босган жойи ўсилиб,  
Кўкат кетди кесилиб,  
Йиғлайберди Бойбўри  
Алпомишга осилиб.  
Пирларга қилинг тавобни,  
Менга берманг азобни,  
Шундай деб, сўз бошлади  
Отасига жавобди.  
Отим майдон желаман,  
Ҳам ўйнайман, куламан,  
Алпомиш дейсан, бобо,  
Уни қайдан биламан.  
Ишимни сўрдинг, бобо,  
Мен йўловчи бўламан  
Остимда чибор отни  
Қалмоқ бозордан олганман.  
Осилмангда, бобожон,  
Мен кечикиб қоламан.  
Кўплар пушаймон бўлар,  
Қилганда хатосига,  
Ўлмасин деб бу гапни  
Айттида отасига.  
Одамзотинг ўлара,  
Кўз тупроққа тўлара,  
Нечов кетар дунёдан  
Яна нечов келара.  
Бир кун кулса одамзод,  
Эртаси кун йиғлара,  
Тирик деб, эшитдим алпни,  
Қиستانмагин келара.  
Буриб шунда бетини,  
Ўйламади кетини,  
Қистаб ҳайдаб юборди  
Остидаги отини.  
Отанинг юрагини,  
Бола кетди яралаб,  
Юз тубан тушди ота,  
Боври қумни оралаб.

Алқисса, Алпомиш ўз отасига раҳми келиб, шундай жавоб қайтариб, отини қистаб ҳайдаб жўнади. Бедовини ҳайдаб-ҳайдаб Кўкқамишга яқинлаша берди. Остидаги Бойчибор тенгсалиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, эгасининг айтганига юрмай Кўкқамишга қараб кетаберди, туёқ ерга бота берди. Кўкқамишнинг устидан етаберди. Кўкқамишда боласини кутиб ётган Торлон бия боласининг исидан билиб, гулдираб кишнаб юборди. Ана шунда Алпомиш ўзига айтди: «Мен Бойсундан чиққанимда эна шўр ҳам эргашиб шу ерга келиб ярамай қолбеди, Қоратоғнинг устига чиққанда Бойчибор орқасига бир қараб билбеди, ҳали ҳам ётганини билиб келаётган эканда», деб отдан тушиб, тилда жўшиб, бор энанг билан топиш, деб эгар-жабдуғини олиб, кўйиб юборди. Бойчибор топишаётган жойи:

Ўйлаб кўрса кимга бўлди маломат,  
Эр йигитга ҳеч тушмасин қиёмат,  
Гулдур-гулдур кишнаиб берди ҳайвонлар,  
Энасига қушдай учди ҳайвонот.  
Ҳайвон бўлса ҳам номус-ор бўлиб,  
Ўтиб келди оқ сут берганин билиб,  
Кишнаб туриб жўнайберди жонивор  
Шу бадани оқ кўпикли тер бўлиб.  
Дўстлар, қаранг, бу ҳайвоннинг ишига,  
Ўқ писандмас кўзи ҳамда қошига,  
Эмраниб етди, она қошига,  
Хўрсинади йиғлайман деб, жонивор  
Туёғига қўйди бориб бошини...

*Қора бахши Умир ўғли*

**«АЛПОМИШ»**

*(достондан парча)*

... Ана шунда Барчиной бу ишларнинг иложини тополмай, энасининг гапидан ўтолмай, бундай ишлар тақдирида бор бўлиб, қийин савдога дучор бўлиб, ноилож, ночор бўлиб, Кўнғиротдан келар бўлиб, қўйлар юрган излар билан, қанча каниз қизлар билан, кўзи тиниб, тақдирига кўниб, тўриқ отига миниб, ўпка-жигар эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, турган жойларини излаб, энадан айрилган бўтадай бўзлаб кетаётган ери:

Нима бўлади ҳолларим,  
Узоққа тушди йўлларим,  
Тўнкарилган белларим.  
Ўйнаб-ўсган элларим,  
Хўш эндиё, хўш энди,  
То кўрганча хўш энди.

Шаркираб оққан сойларим,  
Кишнаб чопган тойларим,  
Элда қолган бойларим,  
Ўйнаб-ўсган жойларим,  
Хўш эндиё, хўш энди,  
То кўрганча хўш энди.

Тўнкарилган тоғларим,  
Ўтди ёшлик чоғларим,  
Қарға, кузғун зоғларим,  
Ўйнаб-ўсган боғларим,  
Хўш эндиё, хўш энди,  
То кўрганча хўш энди.

Қурмалдида тилларим,  
Кўчиб борар элларим,  
Ўтлаб сурув молларим  
Кўлқамишдай кўлларим,  
Алвидоё, алвидо,  
То кўрганча алвидо.

Бирга ўсдик сизу-биз,  
«Қиринг қув»да изма-из,  
Мактаб қатнаб юрганмиз,  
Ўйнаб ўсган улу-қиз,  
Хўш эндиё, хўш энди,  
То кўрганча хўш энди.

Ўйнаб боғни оралар,  
Оралаб гулни соралар,  
Элда қолган тўралар,  
Мактаб ўқиган жўралар,  
Алвидоё, алвидо,  
То кўрганча алвидо.

Боғдан терган болларим,  
Кенг яйловда молларим,

Дуода бўлган чолларим,  
Ҳалгинчак учган толларим  
Хўш эндиё, хўш энди,  
То кўрганча хўш энди.

Ойлар неча-нечалар,  
Ой коронғу кечалар,  
Бирга ўсган бачалар,  
Ҳалгинчак учган арчалар,  
Алвидоё, алвидо,  
То кўрганча алвидо.

Алқисса, ўн минг уйли Қўнғиротнинг Зокирбой ову-  
лидан бошқа барча овуллар тала-тўп бўлиб, қий-қийлаш-  
ган кўп бўлиб, ғала-ғовур гап бўлиб, якка бўлмайд тўп  
бўлиб, кўчиб жўнай берди. Элибойларни худо олди, элга  
кўп ташвиш солди, Зокирбойнинг тенги-тўши бир овул  
бўлиб кўчмай қолди. Бир хиллари Зокирбойни донога  
чиқариб, бир хиллари ғирт аҳмоққа чиқариб лаловлашиб  
кетаётган ери экан:

Бойбўрибойдан гинади,  
Ҳар ким тақдирга кўнади,  
Яратган ўзи понади,  
Нор туяларга юк ортиб,  
Кўлкамишдан жўнади.

Худо бандаси сизу биз,  
Сарғаймасин нурли юз,  
Чув-чувлашиб улу қиз,  
Юк ортилган туялар,  
Кетиб боради изма-из.

Бир хиллар чўчиб боради,  
Баданлар учиб боради,  
Ватандан кечиб боради,  
Ўн минг уйли Қўнғирот,  
Қалмоққа кўчиб боради.

Тов бетлаб учган сўнади,  
Сувсаган сувга қонади,  
Тинмаган охир тинади,  
Куйдузлари йўл юриб,  
Кечалари кўнади.



Ошиб қанча беллардан,  
Қинғир-қийшиқ йўллардан,  
Айрилиб ўсган эллардан,  
Йўл азоби, гўр азоби,  
Кетиб боради чўллардан.

Миниб юрган тойлардан,  
Норози бўб бойлардан,  
Хавф-хатарли жойлардан,  
Ўн минг уйли Қўнғирот,  
Ўтиб боради сойлардан.

Тик нишобли новлардан,  
Дам ўтмас говлардан,  
Тор қояли зовлардан,  
Кўчманчилар азоб еб,  
Ошиб боради товлардан.

Илон юрмас ўрлардан,  
Кулон ўтмас жерлардан,  
Бадан қўл бўб терлардан,  
Қийналиб ўтиб боради,  
Қирра тошли қирлардан.

Ҳалолаб тўя тортади,  
Жонивор аранг жўртади,  
Айрилиқ жонни ўртади,  
Қўнғирот эли бойлари,  
Ойлаб йўлни тортади.

Орадан олти ой ўтади,  
Сувсиздан лаблар қоғади,  
Ширин жонларни сўтади,  
Олти ойлаб йўл юриб,  
Охир Қалмоққа жетади.

Камар бойлаган белига,  
Кўчиб Қалмоқнинг элига,  
Тушган айрилиқ йўлига,  
Кеча-кундуз йўл тортиб,  
Келди Чилбирнинг чўлига.

Бедов отларин минади,  
Қўнғирот элдан жўнади,

Йўлларда жотиб тунади,  
Қаторлашиб бу бойлар,  
Чалбир чўлга кўнади.

Алқисса, Кўнғиротдан кўчиб жўнаган эли бойлар олти ой деганда кўчнинг олди Чилбир чўлига етишди, орқаси йўлнинг ярмидан ўтишди. Кўнғиротдан келган кўчманчилар олдин келгани Ойна кўлини ёқалаб кўнаберди. Бойлар қараса, Қалмоқ даштлари тиродада ҳам баҳордагидай кўм-кўк ўт тиззага ўраб ётибди. Шунда бойлар буни билишиб, мийиғида кулишиб: «Қалмоқнинг ери бой экан, адир, қирли сой экан, қўй ўтлайдиган кўнғир бошли жой экан», деб насиё пули нақ бўлаётир, думоқлари жуда чок бўлаётир. Кўнғиротнинг бойлари чорвадор бўлгани учун деҳқончиликни қилмас эди, кўкариб ётган тиромойи майсани билмас эди. Яйловма-яйлов кўчиб молнинг изида юрар эди, молнинг орқасидан тирикчилик кўрар эди. Шунинг учун майсаларни кўнғирбош деб молларини ўтлатиб, ўз ташвиши билан бўлиб юрсин, гапни Қалмоқдан эшитинг.

Қалмоқ юртининг оқсоқол-ақрабаларидан бир нечтаси йиғилиб: «Бу йил экиннинг ниҳоли яхши эмиш, шу чин гапми билайлик, экинларни ўз кўзимиз билан кўриб келайлик», — дейишиб, отланиб Чилбир чўлига келса, саноғи йўқ уй Ойна кўлни ёқалаб тикилиб ётибди. Бир томонда Туркистон томондан сонсиз адоғи йўқ моллар ошиб келаётир, экинга оралагани майсаларни еб қора чигирткадай босиб ялаб келаётир. Молнинг изи қора шудгор бўлиб қолаётир.

Буни кўрган қалмоқ одамларининг хаёли бошидан учиб, калласи ўчиб, кўчманчиларнинг бу ишидан чўчиб: «Бунча сонсиз киши бизнинг айтганимизни қилмас, гапимизга кулоқ солмас, бошқа ёқдан келганга ўхшайди, тилимизни билмас, бориб подшоликка хабар қилмасак бўлмас», — дейишиб изига қайтиб кетишди, Қалмоқшоҳнинг давлатхонасига етишиб бир сўз деб тургани:

Номозимда ҳам суннату фарзим бор,  
Яратгандан жон бермоқлик қарзим бор,  
Хазон бўлиб сўлган гулдай тарзим бор,  
Туркистондан бойлар кўчиб келибди,  
Шоҳим, сизга менинг айтар сўзим бор.

Молин кўриб ақл-хушим олибди,  
Келгиндилар бошга говға солибди,  
Давлатини кўрдим жуда голибди,  
Аслин билсанг, Кўнғиротдан келибди,  
Экиннинг барини вайрон қилибди.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади,  
Элимизда қимматчилик бўлади,  
Экинларни кўйлар босиб олади,  
Бола-чақа бу йил очдан ўлади,  
Сиздай шоҳим бундан беҳабар қолади.

Уйир-уйир отларини бойлабди,  
Экинларни пайхон қилиб тайлабди,  
Шул сабабдан бойлар сизга сўйлабди:  
Сиздай шоҳим, буңдан бўбсиз беҳабар,  
Чилбир чўлни ҳисобсиз кўй жойлабди.

Кўриб келдик, хаёли йўқ бангини,  
Чўпонлари минган отдай хангини,  
Экинларга ҳайдаб чори монггини,  
Энди дехқонларнинг ҳоли не кечар,  
Чиқарибди шудгорнинг чангини.

Чўлга бориб кўйларга бўлдик дучор,  
Ораласанг, ўзингни ҳам еб қочар,  
Экинларни кўриб хаёлинг учар,  
Шу сабабдан келдик олдинга начор,  
Бола-чақа ҳоли энди не кечар.

Сиз эшитинг биздай кулнинг зорини,  
Айтиб бердик кўрганларнинг барини,  
Қистирдида дехқонларнинг шўрини,  
Сен қилмасанг, бизнинг қўлдан на келар,  
Ўзинг қилгин бу бойларнинг корини.

Ана шунда Қалмоқшоҳ оқсоқоллардан бул сўзларни эшитиб қаҳри келиб, илондай захри келиб, қобоғи уйилиб, мияга қони куйилиб, алам журакка жийилиб, жойидан туриб бақириб, мирғазабларини чақириб: «Отни майдонда желасан, мени ўзинг биласан, айтганимни қиласан, қилмасанг тайин ўласан, Чилбир чўлига бориб кўчманчиларнинг бошлиғини олиб келасан. Ўз ихтиёри

билан келса келсин, ихтиёри билан келмаса, оёқ кўлини байлаб, бошига қамчи тайлаб, ҳайдаб келасан», деб буюрди. Мирғазаб боши, яна қабатида ўн киши, ўзи билан ўн бир киши бўлиб, Чилбирнинг чўлига, Ойнанинг кўлига, букадай қилиб от суриб чиқиб бориб қараса, ўн минг қора уй қаторасига тикилган. Мирғазаблар ҳайрон бўлиб: «Бу уйларнинг қайси бири каттасиники экан, билиб бўлмайди киши». Ҳаммаси бир хил. Каттаси шул-да деб, дуч келган қариясини ҳайдаб кетайин деса, унинг ҳам ҳисобини топмади. Мирғазаблар зехн солиб қараса, бир уй бошқача кўринди. Бошқа уйларнинг устига кигиз ёпилган, бу уйнинг устига эса кигиз ўрнига қизил бахмал ёпилган. «Шу уй кўчманчиларнинг каттасининг уйи бўлса керак», дейишиб, тикка бахмал ёпилган уйнинг олдига келиб: «Ҳой, кўчиб келган бой», деб товуш қилди. Бойсарибой уйнинг тўрида мардош қуриб, хаёл суриб ўтирган эди. «Лаббай», деб ташқарига чиқиб, келган «меҳмонлар» олдига келди. Шунда миршаблар таппа-таппа отдан тайлади. Бойсарининг кўлини маҳкам бойлади, бошига қамчи тайлади. Миршаблар: «Ҳозир олдимизга тушиб журасан, журмасанг кунинг кўрасан, шохимизнинг олдига борасан, қилган гуноҳингга жавоб берасан», деб дўқлаб, қамчисини чаклаб ҳайдай берди. Шунда Бойсари: «Қайси гуноҳим учун кўлимни байладинг», деб мирғазабларга қараб бир сўз деб турган экан:

Кравка тўнда жагалар,  
Бўламиз жиян тоғалар,  
Оқ белдовли бўсағалар,  
Не сабаб кўлим байладинг,  
Қалмоқдан келган оғалар.

Осмон оёз кўқларим,  
Менинг кўнгил тўқларим,  
Йўқ кўнгилда кекларим,  
Не сабаб кўлим байладинг,  
Шайдам отли бекларим.

Кимга ўтар айтган войим,  
Кўнғиротдир ўсган жойим,  
Ўзи сақласин худойим,

Не сабаб қўлим бойладинг,  
Недир қилган гунойим.

Қамчи ушлаб қўлингда,  
Олмас пўлат белингда,  
Ойна деган кўнглингда,  
Не сабаб қўлим бойладинг?  
Мусофирмиз элингда.

Қарамай кўзда ёшимга,  
Чивинлар тушди ошига,  
Сўрамай кўнгил хушига,  
Не сабаб қамчи урасан?  
Мусофирнинг бошига.

Қалмоқ деб ният қилганмиз,  
Элимда ўйнаб кулганмиз.  
Кўнғиротдан келганмиз,  
Не сабаб ғазаб қиласан?  
Элингни дўст деб билганмиз.

Қалмоқ деб, билдим понамни,  
Куйдирма кулба хонамни,  
Хор қилма гулдай танамни,  
Кейин байласанг розиман.  
Аввал айтгин гинамни.

Эшит сўзимни жаллотлар,  
Сен билан бўлма баробар,  
Не сабаб йиғлай зори-зор,  
Аввал айтгин айбимни,  
Нимага бўлдим гуноҳкор?

Мирғазаблар Бойсаридан бу сўзларни эшитиб: «Сен хали қилган гуноҳингни, нима учун қўлингни бойлаганимизни билмайсанми? Бўлмаса эшит, қилган айбингни айтаман, деб Бойсарига қараб, шопдай муритини бураб, оёғини узангига тираб бир сўз деб турган ери:

Ойна қўлда учган ўрдак, ғозимди,  
Миршаб боши дейди менинг ўзимди,  
Айбингни айтмоқ менга лозимди,

Ўз айбингни Қўнғирот ўзинг билмасанг,  
Айтиб берай, эшит менинг сўзимди.

Энди билдим, ўз элингдан келибсан,  
Қалмоқларни тоза нодон билибсан,  
Деҳқонларга жуда зулм қилибсан,  
Билмасанг, билдирай қилган айбингни,  
Элнинг экинига молинг солибсан.

Билиб туриб, билмаганга йўйибсан,  
Семиртириб қўйи-қўчқор сўйибсан,  
Қорнинг қошиб, мойи-гўштга тўйибсан,  
Шул сабабдан мен бойладим қўлингни,  
Экинларни едирибсан, қўйибсан.

Қалмоқ элдан отли миниб шайладик,  
Элибойнинг раҳбари деб ўйладик.  
Шу ўй билан сенинг қўлинг бойладик,  
Энди билгин қилган айбинг, Қўнғирот,  
Шул сабабдан бошга қамчи тайладик.

Тойчахон амрин бизлар тутамиз,  
Агар айтмаса сени бойлаб кетамиз.  
Тўғри келса, ширин жонинг сўтамиз,  
Дод десанг ҳам, вой десанг ҳам, Қўнғирот,  
Олдимизга солиб ҳайдаб кетамиз.

Олдимга туш, нега қараб турибсан,  
Такдирингда нима бўлса кўрасан,  
Хаёлламай бизман бирга юрасан,  
Шул сабабдан сенинг қўлинг бойладим,  
Қалмоқшоҳга бориб жавоб берасан.

Бул ишингдан кўп пушаймон бўласан,  
Ўзинг билмай, хўп ишларни қиласан,  
Ажал ҳайдаб Қалмоқ элга келасан,  
Бола-чақанг кўрмай ғариб қоласан  
Қалмоқшоҳга бориб тайин ўласан.

Ҳар ким кўнар манглайда бориға,  
Қулоқ солмас, ҳеч ким айтган зориға,

Хеч кўнмайди, берса туя норига,  
Энди билдинг қилган гунанг баччағар,  
Осиласан Тойчахоннинг дорига.

Бойсари Мирғазаблардан бу гапларни эшитиб, юраги қолди куйишиб, бадани қолди уюшиб, ҳолсираб лаби қотди, ичидан қиринди ўтди, лаби учиб пириллаб, тулум бадани дириллаб, хаёли учиб, калласи кўчиб, танглайи тақиллаб, тиши-тишига тийиб йиқиллаб, хаёли кетди, иситмаси қирққа жетди. Ирисқиси кийилиб, дунё устига ўйилиб, бадандан совуқ тер куйилиб, ўзига бир гап бўлгандай, тирик бўлса ҳам ўлгандай, дағ-дағ титрайди Сибирнинг совуғида қолгандай. Мирғазабларга қараб, ўлим-ўтимини сўраб, шундай деди: «Хазинамда заримди, ҳайдовдаги норимни, манглайимдаги боримни, уюрдаги тойимни, сурув-сурув кўйимни, экинингга ҳисоблаб олгин, етмаса Барчин қизимни ҳам берайин, бир қошиқ қонимдан кечгин», деб ялиниб ялворди. Мирғазаблар эса: «Сенинг мол-дунёнгга учиб, ўзимиз Тойчахоннинг қаҳрига учрамаймиз», деб, кўнмай Бойсарини зор-зор йиғлатиб, юракбағрини тиглатиб, олдига солиб ҳайдаб кетди.

Ун минг уйли Қўнғиротнинг эли бойлари бир ерга жам бўлиб, Бойсариси кам бўлиб, бўйинлари хом бўлиб, нима қиларини билмай қолди. Шунда эли Бойлардан бири: «Энди чекамиз оҳи-вой, ҳамма ишни сен қилдинг уйинг куйгур Яртибой, кўчамиз деб олдинг, элни ташвишга солдинг, Зокирбойни аҳмоққа чиқардинг, у доно экан, ўз элида қолди. Энди Бойсарини дорга осади, қолганимизнинг шўримиз қисади, бурдалаб гўштимизни кесади, ҳаммамизни тўдалаб бошимизни кесади. Бегона юртда арзимизга ким қулоқ солади», дейишиб вағир-вуғур бўлиб ётаберсин гапни Бойсаридан эшитинг. Мирғазаблар Бойсарини уриб, бошини ёриб, қонига қориб, пойи пиёда Тойчахоннинг олдига олиб борди. Ана шунда Тойчахоннинг томирда қони суйилиб, қабоқи уйилиб: «Нима учун деҳқонларнинг экинини молингга едириб юбординг», деб сўради. Шунда Бойсари Тойчахоннинг оёғи остига нураб, манглайини ерга тираб, ўлим-ўтимини сўраб, зор-зор жилаб, бир қошиқ қонидан ўтишини тилаб, бир сўз деб турган экан:

Мен йиғлайман тақдиримга зорузор,  
Бу элатда сиздан бошқа кимим бор,

Арзим тинглаб кулоқ солинг пошшойим.  
Қалмоқ келиб, сизга бўлдим гуноҳкор.

Бегим эшит, менинг айтган зоримни  
Берайинда қатор-қатор норимни,  
Нор устига юклаб берай заримни.  
Ҳисоблаб ол, манглайимда боримни.

Эшит, паноҳ менинг айтган тилимни,  
Ташлаб чикдим, ўйнаб-ўсган элимни,  
Миршабларнинг олди, қурғур галимни,  
Ҳисоблаб ол, сурув-сурув молимни.

Фариб кулман, тақдиримдан кўрайин,  
Паноҳ излаб келдим, сендан сўрайин.  
Понойингда мен ҳам бош куш журайин,  
Тўқсон ўйир йилқиларим берайин.

Одил шоҳим, эшит менинг сўзимни,  
Тўрт қилмагин икки бирдай кўзимни,  
Моли-мулким экинингга етмаса,  
Мен берайин, уйда ёлғиз қизимни.

Фариб кўрсам, манглайини силайман,  
Нотовонман, Олло — Ҳаққа жилайман,  
Дехқонларга ҳисоблаб бер молимни,  
Ўлимимни сиз паноҳдан тилайман.

Сиз деб, ташлаб келдим ўсган элимни,  
Ахир кўрдим, бунда қаттиқ зулмни,  
Миршабларинг бойлаб келди қўлимни,  
Паноҳ излаб, топдим фариб ўлимни.

Ўз элимдан Қалмоқ борсам деб, кулдим,  
Сиздай шоҳни ҳимоятим деб, билдим,  
Куш питага сифингандай сифиндим,  
Қочган қушман паноҳ бўлар, деб келдим.

Айтар сўзим, шоҳим, сизга шул энди,  
Фариб кулман нима қилсанг қил энди,  
Ҳимоят деб келдим, бўлдим гуноҳкор,  
Меҳрибоним, меҳрибонлик қил энди.



Бол томади, шоҳим, айтган сўзингда,  
Меҳр-шафқат кўринади кўзингда,  
Паноҳ излаб, банди бўлдим кўлингда,  
Нима қилсанг ихтиёринг ўзингда.

Алқисса, Тойчахон ўзи жуда зўр экан, урлаша кетса ўр экан, менга ўхшаб кутарма шўр экан. Бойсаридан «Қочган кушман, паноҳ бўлар деб келдим», деган сўзини эшитиб, кўтармалиги тутиб, тукригини бир жутиб, Бойсарининг гуноҳидан ўтиб: «Мени паноҳ деб келган бўлсанг, паноҳлик қилайин, қатордаги норинг ҳам, устидаги заринг ҳам, молу мулқинг — боринг ҳам, уйингдаги қизинг ҳам, сурув-сурув кўйинг ҳам, кўтондаги молинг ҳам, бирга келган элинг ҳам, бизга керак эмас, ўзингга буюрсин. Яйловингга Чилбирнинг чўлини, сувловингга Ойнанинг кўлини бердим. Етти йилгача молинг безакот, бесўров юради, сўроқ қилган киши кунини кўради, кимда ким мусофирларга қаттиқ гапириб, ўзбошимча иш қилса, боши ўлимда, моли таловда», деб фармони олий бериб, муҳрлаб, Бойсарининг гуноҳидан кечиб, кўлини ечиб, кўлига берди. Қалмоқшоҳ экинидан зарар кўрган деҳқонлардан олиқсолиқ олмайдиган бўлди. Тойчахон Бойсарига тўн кийгизиб, бир отга миндириб, икки маҳрами билан ўз уйига жўнатиб юборди. Ҳар ким ўз тирикчилиги билан бўлаберсин гапни бу ёқдан эшитинг.

Қалмоқ музофотида, Тойчахон мамлакатади Сурхайил деган кампир бор эди, феъли жуда тор эди. Кампирнинг ёши тўқсондан ошган эди, тиши битта қолмай тушган эди, ўзи ҳаддили зўрдай эди, оғзи ўйилган гўрдай эди, яхшилик билан иши йўқ эди, баданда бир тишлам гўши йўқ эди, кўзи чўкиб ботган эди, тарашадай қотган эди, оғзи буришган, манглайи тиришган, ҳар ким билан уришган, калласи хум эди, ўзи ўтакетган шум эди, захар тилли, етти улли кампир эди. Каттасини Кўкалдош, Кўкаман, Кўққашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Кўшқулоқ ва кенжасини Қоражон дер эди. Бу етти оға-инилар ҳаддили зўр алплар эди. Қалмоқшоҳ буларга тир қилиб, ҳар мамлакатдан олиб келиб тўқсон алп қилиб Кашал ғоридан жой бериб, таътилига тўқсон ширбоз кўй бериб, бир ейишга бир қориндан мой бериб, ҳар қайсисига кунига бир қадоқдан чой бериб тўқайстонда боқиб ётар эди.

Шу вақтларда Бойсарининг қизи Барчиннинг ёши ўн тўртга кириб, ўн тўртда тўлган ойдай бўлиб, ушланмаган тойдай бўлиб, қошлари ёйдай бўлиб, қуралай кўзли, олма юзли, ширин сўзли, мурча белли, юзи ҳолли, бўсаси толли, узун бўйли, кенг яғринли, ҳар бир яғрини ўн беш қаришдан, ками йўқ юриш-туришдан, хўп етилган, тоза, таърифи Қалмоқ элга овоза бўлиб кетди. Бу овоза тўқсон алпларга ҳам етди. Тўқсон алплар йиғилиб, кўчиб келган Қўнғирот бойларида бир қиз бор эмиш, кўрганлар армонда эмиш, кўрмаганлар дармонда эмиш. Алплар шу қизни кўрмасдан гоҳ бири оласи, гоҳ бари оласи, гоҳ ҳаммаси ўртада хотин қиласи бўлиб маслаҳати битмай ётди.

Кунлардан бир куни алпларнинг энаси Сурхайил мастон бир шумликни уйлаб, аста-аста қадам тайлаб, кўп гапларни кўнглига жойлаб, Тойчахоннинг олдига келиб бир сўз деб турган экан.

Қулоқ солгин, менинг айтган тилима,  
Бир гап келди, мен курғурнинг дилима,  
Борсаммикан, Чилбир деган чўлига,  
Мусофирлар кўчиб келди элима.

Давлатингда мен ҳам ўйнаб кулай, деб,  
Хизматингни тортинмасдан қилай, деб,  
Мусофирлар келди Қалмоқ элима,  
Бунда келдим, маслаҳатинг билай, деб.

Мен қаридим, давлатингда ўлайин,  
Ўлгунимча хизматингда бўлайин,  
Элимизда урфу-одат шул бўлар,  
Мусофирни ҳорманг — бор бўнг қилайин.

Бунда келиб, маслаҳатинг олайин,  
Ғарибларнинг ҳолин бориб билайин,  
Халқимизнинг таъмилидир, беғижон,  
Саройингга нонга айтиб келайин.

Сўз эшитгин, мендай момонг тилидан,  
Кўчиб келди Қўнғиротнинг элидан,  
Рухсат берсанг, мен борайин Чилбирга  
Хабар олай, ўзбекларнинг ҳолидан.

Дунё курсин, охир бир кун ўтади,  
Фафлатда кеп, бу ёқадан тутади,  
Жавоб берсанг, момонг чўлга жетади,  
Элимиздан туз-намак бўб кетади.

Нонга айтсанг, билгин тайин келади,  
Орамизда борди-келди бўлади,  
Бўлмаса, хасис экан деб, кулади,  
Сахийлигинг ана шунда билади.

Бошинг омон бўлсин, элда тўрасан,  
Элу халқда нима бўлса кўрасан,  
Салтанатда ўйнаб кулиб журасан,  
Ўйларимга не маслаҳат берасан.

Мен биламан, тожу тахтинг зиётдур,  
Борди-келди қилсанг яхши ҳаётдур.  
Ярим давлат билгин яхши ниятдур,  
Чақирмасак, билгин, тайин уятдур.

Тойчахон момосидан бу сўзларни эшитиб ўйлади: «Бу уйинг куйгур мастоннинг савоб ишга ҳуши йўқ, яхшилик билан иши йўқ эди, худо қандай инсоф берди экан?» Момосига қараб: «Ҳой момо, аввал овинг жиртилибди жома, ўзбекнинг бирон чолига тийиб қома. Мен шуни ўйлаб юрган эдим, кимни юборишни билмай турган эдим, ўзингиз яхши келдингиз, менинг ниятимни билдингиз, бизнинг номимиздан нон-чойга меҳмонларни айтиб келинг», деб жавоб берди. Кампирнинг тоқати тоқ бўлиб, насяси нақ бўлиб, думоғи чоқ бўлиб, сергакланиб оқ бўлиб кетди, ани-мани дегунча, икки кампир бир шафтоли егунча уйига етди. Кампирнинг нияти нон-туз эмас эди. Олий фармондан кўрқиб, нон-туз баҳона жавоб олиш эди. Мастоннинг ниятини кейин биламиз. Сурхайил кампир уйига бориб, овуллик кийимини кийди, тўққизта кампирни жийди, кампирларга ихтиёр тийди, овози оқирайиб, кўзи бақрайиб, қулоғи тикрайиб, бели букрайиб, журишлари жўн бўлиб, бари жийилиб, ўн бўлиб бораётир. Сурхайилнинг кенжа ули Қоражон ўн уч маҳрами билан чўлда отларини совутиб юрган эди. Шундай қараса, энаси тўққиз кампирни ияртиб Чилбир чўлга қараб кетаётир, орқасидаги кампирлар аранг жетаётир. Шунда Қоражон

ўйлади: «Энам қурғур шумли қилмаса ўлади, бойларнинг овулига бориб бўлмағур гап-сўз қилади, одамлар алпларнинг онаси шуйтиб юрибди, деб кулади. Қалмоқшоҳ буни билади, бу баччағарлар зўрлигига ишониб, менинг ҳукимимни писанд қилмади деб хафа бўлади, ундан кўра нима бўлса ҳам, энамни изига қайтариб юборайин», деб энасининг олдидан чиқиб бир сўз деб турган экан:

Ол, ол бўлсин, ол бўлсин,  
Насибангиз мўл бўлсин,  
Ўрдак сузган кўл бўлсин,  
Йўлга чиққан момолар,  
Энажон, сизга йўл бўлсин?

Элда ўйнаб куласан,  
Менга эна бўласан,  
Меҳнат тортиб келасан,  
Бир шумликни биласан,  
Чўлда нима қиласан?

Термуламан юзингга,  
Инонмайман сўзингга,  
Қон қуйилган кўзингга,  
Чўлда нима қиласан,  
Эна, қайтгин изингга.

Кўшилибсан хилингга,  
Эрк бермагин тилингга,  
Иснод бўлма улингга,  
Менинг гапим шул бўлар,  
Қайтгин келган йўлингга.

Хаёлингни бўлмагин,  
Гапим ҳазил билмагин,  
Кўнглингга оғир олмагин,  
Ўзбекларга оралаб,  
Бизга иснот бўлмагин.

Эна, буйтиб озмагин,  
Овора бўлиб тўзмагин,  
Кўздан ёшинг тизмагин,  
Билиб ҳукмни бузмагин,  
Ўзинг гўрингни қозмагин.

Жонингга зулм қилмагин,  
Қиёмат кунни солмагин,  
Келган йўлингдан қолмагин,  
Бир шумликни сен ўйлаб,  
Пайкон дорда ўлмагин.

Энаси Қоражондан бу сўзларни эшитиб, айтар гапини  
пишитиб, Қоражоннинг аччиғи келганини билиб, мийи-  
ғида кулиб, Қоражоннинг ақлини олиб, юрагига қўл солиб  
бир сўз деб турган экан:

Ойна олиб, ой юзимга қарадим,  
Тароқ олиб, сумбул сочим тарадим,  
Кўнглин олиб, ўз кунима жорадим,  
Ҳаддим борма, ўзбекларга келишга  
Келишимни Тойчахондан сўрадим.

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,  
Учар қушсан, уча-уча толмагин,  
Юришимдан болам, хафа бўлмагин,  
Юришимни Тойчахондан сўрадим,  
Бул энангни анойи деб, билмагин.

Бу чўлларда сарсон бўлиб жураман,  
Яхши ният билан бунда тураман,  
Йўлдан урма, ўзбекларга бораман,  
Ўзбекларнинг яхши қизи бор бўлса,  
Назар солиб, у қизларни кўраман.

Давлатингда шолдан рўмол ўрайман,  
Кўрган тушим яхшиликка жўрайман,  
Разм солиб сулувларга қарайман,  
Энангнинг хаёлин ёмон билмагин,  
Боши очик қизларини сўрайман.

Ҳайрон бўлма, энанг қилган ишига,  
Йўлдан урма, қўйгин ўзин хушига,  
Шул сабабдан юрдим чўлнинг тошига,  
Яхши қизни мен танласам ўзбекдан,  
Келин қилиб, рўмол ўрай бошига.

Насиб бўлса бориб келин оламан,  
Шул сабабдан бу чўлларда келаман,

Эл оралаб, сулувларни биламан,  
Қайтармагин мени борар йўлимдан,  
Ўзбекларга сени куёв қиламан.

Номард билма, болам, менинг ўзимди,  
Ҳазил билма, менинг айтган сўзимди,  
Ўзбеклардан уйланмагин лозимди,  
Бориш-келиш, тоға-жиян бўламиз,  
Куёв қилай, Қоражондай кўзимди.

Бу сўзларни Қоражон энасидан эшитиб, кўнгли ўсиб  
тоғ бўлди, димоғи жуда чоғ бўлди, энасидан кўнгли тўлди,  
мийиғида бир кулди. «Эна гапинг чин бўлса, қани шун-  
дай бўлса, тақдиримни синаб кўраман, сен келгунча шу  
ерда тураман», деб энасини йўлга солиб, ўзи шу ерда қолиб,  
кампир оёғини кўлига олиб йўлга тушди.

Монг, монг босиб, монг босиб,  
Қадамларин тенг босиб,  
Атир-упалар сасиб,  
Кетиб борар кампирлар,  
Бир-бирига муносиб.  
Кампирлар кетди хурдай бўб,  
Оқ рўмоли қордай бўб,  
Елкалари қирдай бўб,  
Чақчақлашиб боради,  
Ҳаммалари бирдай бўб.  
Тўққизи бирдай чарчади.  
Сурхайил кетди зўрдай бўб.  
Олло бандаси сизу биз,  
Сарғаймасин нурли юз,  
Ҳис қилади тўкол қиз.  
Мастон кетди илгари,  
Тўққизи келар изма-из.  
Сурхайил дейди: борсам, деб  
Бой қизини олсам, деб,  
Бошига рўмол берсам деб,  
Жўртиб беради, мегажин,  
Эртароқ бориб турсам деб.  
Чўлнинг янтоқ-шўраси,  
Узоқ экан ораси,  
Топилар ишнинг чораси,

Кўринди сойнинг дараси,  
Кўринмас кампир қораси.  
Чўлда юриб уринди,  
Қирра тошларга сўринди,  
Уйлар қораси кўринди,  
Итлар товшин эшитиб,  
Ичидан кетди қиринди.  
Кўйлак тўзи тор эди,  
Сурхайил ҳам нор эди,  
Кўрмоққа интизор эди,  
Эли бойи Бойсарининг,  
Тўққиз ити бор эди.  
Шобирни билиб кўппаклар,  
Тўда бўлиб жўнади.  
Олдин келган Бўйноқ ит,  
Мастон устига минади.  
Ўлдим дейди Сурхайил,  
Энди тақдирига кўнади.  
Тинмай ўлгур шум кампир,  
Ўлмаса энди тинади.  
Тўрткўз қопти пўтидан,  
Тишлаган пути қонади.  
Сирлан тортда оёқдан,  
Тортган оёқ синади.  
Йўлбарс келиб ириллаб,  
Чатанга овуз солади.  
Қорабой келди пириллаб,  
Бирдан куйруқдан олади.  
Бўрибосар ғириллаб,  
Шум кампирни талади.  
Сирлантуёқ силкиб тортди,  
Чолқайраман жигилди.  
Қоплон келиб иштон жиртди,  
Жони ҳалқимға тигилди.  
Итлар талар ириллаб,  
Ит остида гириллаб,  
Қони кетар шариллаб,  
Ит остида бақиради,  
«Ўлдим» дейди чириллаб.  
Тиш бадандан ўтади,  
Энди куни битади,

Ҳолсираб лаби қотади,  
Чинқираган товуши,  
Хотинларга жетади.

Алқисса, Сурхайил мастон ит остида бақириб, одамларни чақириб ётаберсин, эндиги гапни ўзбек хотинларидан эшитинг. Мусофирлик, айниқса, хотинларга ўтган эди, бугун Бойсарининг уйида тўда бўлиб гурунг қилиб ётган эди. Гурунг билан бўлиб, кўйларнинг маърашини ҳам, итларнинг хуришини ҳам билмай қолибди. Бойсарининг хотини, Олтиной дер эди отини, ташқарига қозонга осиб сутини, ичкарига кириб безор қилди тутини, кавлаб келай деб ўтини, ташқарига чиқиб қараса, кўриб қолди тўда бўлган итини, силкиб тортаётир бир нарсанинг путини. Қайда қолди, билмам, икки кавиши, қулоғига келаётир «ўлдим» деган заипанинг товуши. Шунда хотинлар кўп бўлиб, бирга жуп бўлиб, кавишини кийишиб: «Тирҳа-тир» дейишиб, чопқиллашиб боришди, итлар ўртасида бир кампирни кўришди, «кутириб ўлгур» деб итларни уришди. Итлар ташланган баданларни сийириб, итларни уриб, кампирни олдига айириб, итлар курғур бўлганма оч, иштон кўйлакни йиртиб отибди, кампир қолди қиппа яланғоч. Олтиной уйига қараб чопди, бир янги иштон-кўйлак топти. Бул кампир қўли билан олдини яшираётир уялиб, бадани қопти кип-қизил қонга бўялиб. Хотинлар жун кийизни куйдириб, босаётир ярасига тийдириб, Олтиной кўйди янги иштон-кўйлакни кийдириб, шундай қараса яна тўққиз кампир манглайлари тиришиб, бир-бири билан уришиб, бели букрайиб қулоғи тикрайиб келиб қолди. Кампирлар шундай қараса, итга таланган Сурхайилни кўради. Сурхайилга қараб, нима бўлганини сўраб: «Ажаб бўбди, хўп бўбди, кўнглимдагидай гап бўбди. Олдиндагини бизлар тортиб олиб жийдигандай бўлиб қарамай кетдинг, биздан қизганиб мана насибангга жетдинг. Агар бирга келганимизда муна турган тўққиз ит биттадан бизнинг ҳақимиз эди. Олдин келиб, ҳақимизни биздан қизганиб тўққизини ҳам тортиб олдинг», деб таъна қилишди.

Алқисса, Олтиной меҳмонларни уйига бошлаб, остига кўрпача ташлаб, кўнглини хушлаб уйга киритди. Барчин дугоналари билан уй тўрида ўтирган эди. Барчиной одоб юзасидан меҳмонларни кўриб жойидан туриб таъзим қилиб ўтирди. Олтиной ҳам ҳаш-паш дегунча, кампирлар-



нинг думоғини хуш қилиб, ташқарида ош қилиб, қаттик қилмай бўш қилиб, тўртта товоққа чош қилиб, устини тўла гўшт қилиб, зирани сепди туйиб, устига гўштни уйиб, тавоқни меҳмонлар олдига қўйиб ўзи ҳам ўтирди. Кам-пирлар гўштни тувради, Сурхайил қурғур қувради, ошга қўл урмасдан Олтинойга қараб жавради:

Ойна олиб ой юзимга қарайин,  
Бошин силаб қора сочин тарайин,  
Агар сизга гапим малол келмаса,  
Эгачижон, сиздан бир гап сўрайин.

Уйларида бир пас турай деб, келдим,  
Боши очиклигин сўрай деб, келдим,  
Агар боши очик бўлса қизингнинг,  
Белги қилиб, рўмол ўрай деб, келдим.

Шу ишларни бориб билай деб, келдим,  
Бир қиз экан сиздай тилай деб, келдим,  
Совчиликнинг айби йўқдир, байбича,  
Дилбарингни келин қилай деб, келдим.

Қулоқ солгин, бекам айтган тилима,  
Ғариб бўлиб, кўчиб келдинг элима,  
Тўрда турган Барчин сулув қизингни,  
Келин қилай Қоражондай ўлима.

Барчинойинг етилибди гажакдор,  
Неча қизлар Қоражонга интизор,  
Иккисидир бир-бирига муносиб,  
У қизларни тенг кўрмас, болам, номдор.

Расми-қаданг айтгин менга билайин,  
Нима десанг, айтганингни қилайин,  
Бир қиз экан, келин қилиб олайин,  
Тўйни ҳайдаб, бекам, қачон келайин.

Турган ерим бойнинг кулбахонаси,  
Очилибди Барчин гулдай танаси,  
Келин қилсам, йўқдир ҳеч ким гинаси,  
Мен бўламан Қоражоннинг энаси.

Қинғир ишнинг пушаймони сўнг келар,  
Кенгашиб бичилган тўнинг кенг келар,  
Тортинмасдан берабергин қизингни,  
Қоражонга Барчинойнинг тенг келар.

Сен билмадинг мендай кампир ўйини,  
Хайдаб келай сурув-сурув қўйини,  
Ўтказайлик Барчинойнинг тўйини,  
Куда қилиб, ўзбекларнинг бойини.

Итларга талатиб келдим биласан,  
Бўй етибди бермай нима қиласан,  
Барчинойнинг айтгин бугун маргини,  
Овзингга сикқанин мендан оласан.

Ана шунда Олтиной: «Уйинг куйгур шум кампирнинг  
итларга жем бўлиб юришининг сабаби буёқда экан», деб  
момосига қараб бир сўз деб турган экан:

Ойна олиб ой юзингга қарама,  
Бошин силаб, қора сочин тарама,  
Момо, айтгин сўзим малол келади,  
Бундай гапни мендан асло сўрама.

Бу келишинг билгин, менга хуш эмас,  
Ош устига тўғраганим тўш эмас,  
Тўғри айтдинг, эрка қизим ёш эмас,  
Барчинойнинг момо, боши бўш эмас.

Қулоқ солгин Олтинойнинг тилига,  
Кўчиб келдик биз ҳам Қалмоқ элига,  
Ёшлигида этак йиртиш қилинган,  
Бобосининг шунқор Ҳаким ўлига.

Ҳар ким ўз элида бекма, тўрама,  
Барчинойни Қоражонга сўрама,  
Қургур момо, ўз танингга ўйлагин,  
Қарчиғай қарғага жемтик берама?

Асқар товда бўқтарилган қори бор,  
Зар юкланган, қаторида нори бор,  
Қизгинамга Қоражонинг тенг эмас,  
Барчинойнинг Алпомишдай ёри бор.

Олтойчалик йўлдан шунқор келмайма?  
Қалмоқларга қиёмат кун солмайма?  
Қурғур кампир, тек ўтирсанг бўлмайма?  
Қоражонинг от остида қолмайма?

Хабар етса, бек Алпомиш келади,  
Келиб қолса, билганидай қилади,  
Келган йўлга кетабергин, моможон,  
Қалмоқларга қиёмат кун бўлади.

Алпон келса, билмаганинг билдирар,  
Хазон қилиб, қизил гулинг сўлдирар,  
Қинғир ишдан сен қийикни излама,  
Хабар топса Қоражонни ўлдирар.

Сурхайил кампир Олтинойдан бу гапларни эшитиб,  
қони томирда суйилиб, очувининг бари бурнининг учига  
жийилиб: «Менга шунча ёшга кириб, ҳеч ким бунчалик  
баланд гап гапирмаган эди. Келиб-келиб қариганимда  
келгинди бир қорабосгир тўқолдан гап эшитиб, индамай  
кетавераманми?», деб Олтинойга қараб: «Ҳой эгачи «ит-  
нинг калласини товоққа солсанг юмалаб кетади», деган  
эканлар. Энди гапни биздан эшитинг деб тургани:

Сен билмадинг менга айтар сўзингни,  
Баланд тутма мендан сен ҳам ўзингни,  
Тўрт қиларман икки бирдай кўзингни,  
Яхшиликман берсанг бергин, бўлмаса,  
Бек Қоражон тортиб олар қизингни.

Алпомиш деб бунча лофни урасан,  
Қизинг олиб ўз қўлингман берасан,  
Бу ишингдан пушаймон бўб турасан,  
Барчинингни Қоражонга бермасанг,  
Алплар келса, кўп кўргилик кўрасан.

Олтойчалик йўлдан қайтиб келади  
Келган билан ёрин қандай олади?  
Тўқсон алпнинг ўртасида қолади,  
Қоражоним қиёмат кун солади,  
Алпон келса билгин тайин ўлади.

Қоражондай ботир гапга кўндириб,  
Қизил юзинг заъфарондай сўлдириб,  
Ёлғизингни орқасига Кўндириб,  
Энасининг бу ишини тиндириб,  
Олиб кетар, бедовига миндириб.

Гап эшитгин мендай мастон тилидан,  
Юргин дейман, Сурхайилнинг йўлидан,  
Кўчиб келдинг Кўнғиротнинг элидан,  
Тортиб олиб кетса бундан қизингни,  
Не иш келар мусофирлар қўлингдан.

Бу гапларни Олтиной Сурхайил кампирдан эшитиб,  
тепа сочи тикка бўлди, сергакланди, ҳаққа бўлди «Кампир  
курғур гапдан қолмас, гапига яраша жавоб қилмасам  
бўлмас», деб: «Ҳой момо, ит жиртган жойингни жома,  
иккинчи бу ерларга кема, келгувчи йилга қома, ит иззат-  
ни билмас, деганларидек, ит бўлмасанг иззатингни билиб,  
итларингдан ўтабер, келган йўлингга кетабер. Бўлмаса,  
итларимга бақираман, боҳ-боҳлаб чақираман, яна ўртага  
олади, сендай мастон ўлади, суягинг ҳаворда қолади», деб  
турган ери:

Билиб айтдим сенга айтар сўзимни,  
Баланд билдим сендан мен ҳам ўзимни  
Ҳаддинг борми, тўрт қилишга кўзимни  
Ўлсам бермам Қоражонга қизимни.

Сен билмайсан Кўнғиротнинг тўрасин,  
Қоражонинг қочар кўрса қорасин,  
Бек Алпомиш қилар алплар чорасин,  
Кўрган тушинг Пайғамбарлар жўрасин.

Сен билмадинг кўнглимдаги хитимни,  
Кўнғирот дейдилар менинг зотимни,  
Чақирайми тўққиз бирдай итимни?  
Қизим тувил сенга бермам битимни.

Меҳмонлигинг иззат қилиб тураман,  
Гўштарингни жулиб итга бераман,  
Волдирамай уйдан чиқиб кетабер,  
Билгин, момо, тешмай қонинг сўраман.

Уйдан чиққин, ўндан биринг кам бўлмай  
Ошни егин қорнигинанг дам бўлмай,  
Носақи гапни бунда гапирмай  
Эртароқ кет, итларимга жем бўлмай.

Кампирлар Олтинойдан оғир гапларни эшитиб: «Қу-ровиз кетмайлик», деб иккитадан гуручни олди, йигирма гуручни овзига солди «овмин», деб дуо қилиб туришди, ити қурғурлар яна вовиллаб ҳуришди. «Эгачижон, итларингизни ушланг», деб чиқарига киришди. Аёллар чиқиб итларни ушлади, Сурхайил йўлни бошлади, ит дегандан қимоб бўлиб, катта-катта қадам ташлади. Кампирларнинг гапдан қорни тўқ бўлди, ғаза-ғазадан ошиб жўқ бўлди. Сурхайил мастон ўтиб илгарилаб кетди. Тўққиз кампир яна орқада қолди. Мастон йўлнинг ярмини босиб ўтди, ўйлай-ўйлай бир йўл тутди: «Агар бўлган воқеанинг чинини айтсам, ҳам ўзим шарманда бўламан, ҳам Қоражон билан Тойчахонни хафа қиламан, ўтирик айтсам, ўзимнинг обрўйим баланд бўлиб, уларнинг кўнглини оламан. Ундан кўра шунча ўтирикнинг бирида, шу ҳолда ўтирик айтиб обрўйимни сақлайин», деб ўйлаб кела-берди...

*Қаҳҳор бахши Қодир ўғли*

**«БАРЧИН БЕКА»**  
*(достондан парча)*

Алқисса, жуда қадим замонда, кун чиқадиган томонда, минг хил товланадиган сайроқи қушлари, хушовоз булбуллари ҳар ёнда, одамнинг акси кўринадиган зилол сувлари туманда, оламга машҳур, ҳар кеча-кундузи минг дoston бўладиган жаннатмакон бир ўлка бор бўлиб, уни авлиёлар ва пирлар Бойсун-Қўнғирот деб номлаган эдилар. Қалъаси ўн саккиз паҳса, ҳар муюлишида икки табақали нақшинкор эшик, ҳар бир эшик тўқсон саккиз ботмон, унинг нақшларига тилла суви юритилган, қалъада жами қирқта катта дарвоза. Қўрғоннинг ичида юз минг маҳалла, ҳар бир кўчасига дид ва маҳорат билан мраммар ётқирилган, барча кўчанинг четига ёқутдан ишлов берилган. Иморатларнинг кўча томонига зумраддан дераза ва эшиклар ўрнатилган. Ариқларда зилол сувлар шарқираб

окиб турибди. Шаҳар бўйлаб минг хил мевали ва манзарали дарахтлар тартиб билан экилган. Улар икки хил гуллаб мевалайди. Қўнғиротларнинг усталигидан дарахтларнинг ярми ёзда меваласа, ярми қишда фарқ пишади. Ховлиларда ишқомда чарос, хусайни, бошбармоқ, марварид, хилол ва чаман каби юз хиллаб узумлар одамларни ўзига чорлаб маҳлиё қилади. Қалъанинг ичидаги биронта иморат тузатишга мухтож эмас. Кўчалар равон, тоза. Ҳар қақиримда товус каби товланиб турган боғ-роғлар, келинчакдай шайланаётган оҳанграбо асал мевалар. Ҳар қадамда қатор расталар, расталарда бодом писталар, бир четда боғбонлар атлас гулларни ошиқларга дасталар, пештахталарда минг хил ҳўл қуруқ мевалар, бир четда чордона қурган бувалар, ундан ўтсангиз, ҳисобсиз бозор.

Бозорнинг кун чиқишида бозорчилар роҳатланадиган, овқатланадиган жой, ёнбошидаги самоварчида тўқсон беш чой, ошпазда кўйрук мой. Кимда ким бу катта бозорда бировнинг ҳақиға хиёнат қилса, ҳолиға аламжоғон вой. Бир четда яхна гўшт, бир четда тандир қабоб, яна бир четда сихқабоб, хуллас, дунёда неча хил таом бор бўлса, ҳаммаси мана шу Қўнғирот бозорида. Кўча тўла бозорчилар, шаҳар тўла худонинг онгли қилиб яратган мўъжизаси. Ҳамма ҳар томонга шошилади, ниманидир излайди, йиқилганни кўрса суяйди, ҳожатбарорлар камдармонларга ёрдам беради. Йигитлар қизларга боқади, қизлар эса йигитларни ноз билан куйдириб, бўйинларига шода-шоода ҳапамат тақади, бозор кўчаларида одамлар сел бўлиб оқади. Кечқурун алпқомат йигитлар уйларига аранг етиб боради, кечаси аранг оёғини бир қоқади, сўнгра тўққиз жаннат шамоли кўкрагига теккандай ором олиб уйқуга кетади. Шундай қилиб бу гўзал диёрда, қўнғиротлар макониди кеча-кундуз шундай алмашиб туради.

Бу юртда босими машҳур қўнғирот уруғи яшайди. Ўзбек миллатида юзга яқин катта-кичик уруғ бўлса, шуларнинг ичида энг салмоқлиларидан, энг улуғларидан бири содда, беғараз, оққўнғил, лекин билимдон, донишманди катта қўнғирот уруғидир. Бу уруғнинг одамларига қирқ хунар ҳам оз. Бу одамлар ичида қўй сўймайдигани, пахса урмайдигани, ёғочга ишлов бера олмайдигани, иморат қуrolмайдигани, ов қилолмайдигани, дехқончилик ва чорвачиликнинг тилини билмайдигани, дўмбира чертмайдигани

гани, шеър тўқимайдигани, чавандозлик қилмайдигани сира ҳам топилмайди. Нечта хунар бўлса, бу уруғ одамлари маҳорат билан бажаради. Лекин улар биргина фазилатни ёмон кўрадилар, у ҳам бўлса сипойигарчилик. Сипойи одам билан очилиб, сочилиб суҳбат қуролмайдилар, улар белгиланган йўлга қўнғиротлар сира юролмайдилар. Улар соддаликни, деҳқони юриш-туришини жуда ҳам қадрлайдилар. Бу одат бизнинг бош бобомиз Қўнғир отли Хидиралибойдан қолган одат деб эъзозлашиб эслаб юрадилар. Бу юртда ҳамма нарса муҳайё, эл-юрт тўқ ва фаровон, кўчалар чорагон, улусларда зориқиш йўқ, эртанги куннинг ташвишини қилмас, қориннинг ҳаракатини билмас эди.

Аслида бу гўзал юртга қўнғиротлардан Бойбўрибой деган бир улуғ шоҳлик қилар, эл-улуснинг дардини билар, душман келса бағрини зеҳни билан тилар, бахшилардай гапни-гапга улар, хуллас, Қўнғирот юртини адолат билан тебратмоқда эди.

Мамлакатдаги шунча тўқлик, фаровонлик, очик-сочиқлик ҳозирча ҳеч кимни шодлантирмас, хурсандчиликка чорламас, биров-бировни хўрламас, кунлар эса оғир қадамлар билан вазмин кечиб турар эди. Чунки ҳар нарсага бир нарса дегандек, қўнғиротларнинг фаҳри, юртнинг енгилмас паҳлавони Алпомиш отлиқ Ҳакимбек бир йилдан бери Қалмоқ юртидан келмай қолганлиги сабабли мамлакатга совуқ хабар тарқаб кетган бўлиб, шу туфайли эл-улусга тўқлик ва шўхлик татимай турган эди. Бойбўри шоҳнинг алами зиёда, дўстлари пиёда, Алпомишнинг йўлига умид билан кўз тикиб кунни ўтказиб, тонгни орттириб, кўёшни боттириб, юракларга ўз баҳодирининг сувратини хаёл билан қотириб, эрта-кеч йўлга қараб ётар эдилар.

Алқисса, шундай изтироб ва сукунат кунларининг бирида Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч ойим ўзида йўқ севинч билан отаси Бойбўришоҳнинг саройига кириб келди-да: «Жоним отам, суянчим, энди беринг суюнчи», деб султонга қараб, шодлигидан хабар бераётган жойи:

Зўр йигитлар сафар қилар отланиб,  
Баҳор келса қўй жойилар бетланиб,  
Отажоним, менга беринг суюнчи,  
Хўрсинаман қувончимдан шодланиб.

Оғажоним кетиб Қалмоқ элига,  
Армон билан тушган жунгли қўлига,  
Хабаримга саккиз дунё тенг бўлмас,  
Диққат қилинг муштипарнинг тилига.

Ака-ука суюб куда бўлдингиз,  
Шикор айлаб тоғда ният қилдингиз,  
Араз уриб Бойсаридай бий акам,  
Қалмоқ кетса қайтиб келар деддингиз.

Бойсаридай бий йиғласа зорланиб,  
Қалмоқ юрти пешонаси шўрланиб,  
Қайнотасин излаб кетди Алпомиш,  
Қўнғиротда, кутқармоққа орланиб.

Неча йилдир акамнинг йўқ хабари,  
Не азобга тушган экан Чибори,  
Барчин чечам хурматига кетбеди,  
Чакка тушиб адо бўлган мадори.

Неча йилдир аросатда бул макон,  
Йўлга қараб чирқирайди ширин жон.  
Оғам дейман термуламан юзига,  
Ҳеч ўрнини босармикан Қоражон.

Шундай кунда зор йиғлайди муштипар,  
Эгасизга ўхшаб кетар кирдикор,  
Ҳар на бўлса яратганнинг ишида,  
Қўнғиротни хурсанд қилди Барчин ёр.

Бир қилиғи худойимга пориди,  
Салтанатга Хўжай Хидир дориди,  
Суюнчини катта қилинг отажон  
Ойбарчиннинг саҳар кўзи ёриди.

Бекадрлар ўз элида дарбадар,  
Ўзга элда татимайди кумуш-зар,  
Барчин чечам ўғил кўрди, отажон,  
Алпомишдан бизга қолди ёдигор.

От ўрнини босар экан бир кун той,  
Бефарзанднинг кўрган куни бўлар вой,



Ҳақимбекдан ота қолди зурриёт,  
Меросхўрга эга бўлди Бойсун жой.

Шамол турса буғдой бошоқ чайқалар,  
Бефарзанддан ўлгунича вой қолар,  
Худойимга шукур қилинг, отажон,  
Чўккан ғамлар туман каби тарқалар.

Катта бўлса қувонасиз бўйига,  
Султон бўлар отасининг жойига,  
Бобожони бўлиб беринг суюнчи,  
Қоғинасиз оғам бешик тўйига.

Алқисса, Бойбўришоҳ тилла тахтдан қувонч билан  
сачраб турди, икки қўлини бир-бирига урди, ақлли қизи  
Қалдирғочойим қаршисига юрди. Қувончидан кўзлари  
ёшланди, ғамгин кўзлари жовдиради, ўпкаси тўлиб, ўзи  
билан ўзи бўлиб, суюнчи сўраётган қизини бағрига олди,  
сочларини силади, хабари учун унга кетмас давлат ти-  
лади. «Болам Қалдирғоч, олтин-қумушдан, гавҳар ва зум-  
раддан ҳеч каминг, зориқишинг йўқ. Менинг тириклигимда  
қўнғирот элдаги ҳамма нарса сеники, лекин гапинг ерда  
қолмасин», деб ўзининг қўлидаги ўн саккиз сурув қўйга  
алмаштирган араби лаъл феруз кўзли узугини олиб,  
Қалдирғочнинг йўғон бармоғига такди. «Бу сенга шоду  
хуррамлик келтирсин. Мен яна сенга худодан ёлғончи  
дунёда соғлиқ, бахт ва узоқ умр тилайман», деб икки оғиз  
сўзлай берди:

Майдон кўрмай тулпор отлар чопилмас,  
Ўлчанмайин куёв тўнлар бичилмас,  
Алпомишдан қолган бўлса зурриёт  
Одам бўлса унинг кўнгли топилмас.

Ғамли қулман кўкракларим кесилди,  
Орзуларим яккаликка осилди,  
Хабарингдан айланайин Қалдирғоч,  
Тандирдайин ёнган дардим босилди.

Бойсарибой оғам мени қаритди,  
Араз уриб айрилиқни доритди,  
Ўлмагандай гавдаланар фарзандим,  
Ўлган бўлса юрак мойим чиритди.

Барчин келиб оғам қолди айрилиб,  
Қалмоқ элда давлатидан тойрилиб,  
Ор-номус деб яна кетди Алпомиш,  
Нима қилай келмай кетди қайрилиб.

Амир бўлмай кўкда қуёш ботарми,  
Шамол турмай чўккан туман кетарми,  
Ҳам отадан ҳам ёридан айрилган,  
Ойбарчинга тўй-томоша татирми.

Неча йилдир шўрли йиғлар зору зор,  
Келарми деб Алпомишга интизор,  
Бешик тўйга беролмайман маслаҳат  
Ҳар на бўлса Барчинойда ихтиёр.

Шамол турса ернинг бети қотади,  
Ёмғир ёғса майсага нам етади,  
Барчинойдан сўраб қилинг ҳар ишни,  
Нима қилсак кўкайдан кетади.

Қуёш чиқса нур ёғилар элимга,  
Алпомишим қувват эди белимга,  
Қизим бўлиб маслаҳат бер, суйгунчим,  
Небарамни қачон олай қўлимга?

Кўчки бузар баланд товнинг бетини,  
Кўй ўтмайди жиға сойнинг ўтини,  
Барчинойдан сўраб кўргин Қалдирғоч,  
Ким деб атар небарамнинг отини.

Ғам қурисин ҳатто тоғни қуритар,  
Полвонтошни қумдай қилиб иритар,  
Барчинойдан сўраб қилинг ҳар ишни,  
Ҳафа бўлса суягимни чиритар.

Алқисса, Бойбўри: «Болам Қалдирғоч, Барчинойнинг кўнглига қаранглар, нима иш қилсанглар сўранглар. Бир вафодор хотин бўлса, Барчинойча бўлади. Алпомиш келгунча сира хафа қилманглар, бу гапни ҳазил билманглар, унинг кўнгли ярим, ҳам отадан, ҳам ёридан айрилиб қолиш осонми?» деб оҳ тортди, тенаси жимирлаб кетди, чуқур кўзларига ёш етди. Алпомишдан бошқа барча борлиқни

унутди. Кўлкаси, кўзи қалпоқланди, аммо ўзини аранг кўлга олди. Жозибали, нақшинкор сарой кўзига жуда совук кўриниб кетди. Вужудидаги қалтироқни аранг босиб, Қалдирғоч томон юрди. Фарзанд доғи, унинг куюғи Кўнғиротнинг султони Бойбўрини оч бўри сингари кемириб, ўз домига ва исканжасига батамом олиб ғажимокда эди. Султон ўзини аранг босиб: «Қалдирғоч, қизим, бу эски дунё бўрон ва ёмғир ҳамда шамолга ўхшайди. Келганда келиб ҳамма томонга даҳшат солади. Бир пастандан кейин қуввати етмагандай секинлашиб тўхтайдди. Бизнинг даври-давронимиз ҳам секин барҳам топаётганга ўхшайди. Давлат ва салтанат ишларидан кўнглим совимокда. Хаёлимдан Алпомиш кетмайди. Сизлар мустаҳкам бўлинглар. Дўсти душманни билиб иш қилинлар», деб юзини бурди.

Қалдирғочнинг ҳам алами зиёда бўлиб, анча фурсат кетолмай турди. Кейин борлиқ томон юрди. Бу вақтда Алпомишнинг куюғи нафақат саройни, балки саройдан ташқаридаги аҳли мўмин мусулмонларни, дили пок инсонларни, ўз паҳлавонини элнинг фахри, кўрки ва шарафи шони, деб тушунган барча ҳалойиқни саросимага солиб, ўз гирдобига олиб авраётган захарли илондек уларнинг хаёлини ва хушини олаётган ва ўғирлаётган эди. Бу оғир сокинликни, ғафлатдан чорловчи ёруғликда турган Қалдирғочбибининг зумраддек товланиб ғамга тўлган кўз ёшлари ҳам, Барчинойнинг оламини мунаввар қилувчи бегуноҳ, нафис ёдгорлик чақалоғи ҳам Бойбўришоҳдан батамом жудо қилишга ожиз эди. Барча кўнғиротлар кўзлари тўрт бўлиб, дили ғамга тўлиб, орзиқиб, кутиш кемасида дард билан сузмокда эдилар. Оқибат Қалдирғочбиби отаси Бойбўришоҳнинг ёнига келиб, хумор кўзлари ёшга тўлиб, ғам аралаш кулиб, отасига гап солиб, кўнглини кўтариб, Алпомишнинг келишига ишонтариб, муштипар бўлса ҳам икки оғиз далда сўзларини баён қила бошлаётган жойи.

Тикилсанг қурийдди дарёнинг гуми,  
Қаҳринг келса нузар қўрғоннинг тими,  
Ғамдан кўтар, жоним отам, бошингни,  
Султонликнинг ота белгиси шуми?

Чангалласанг тоғни талқон қиласан,  
Аччиғлансанг ёвга қайғу соласан,  
Алпомишим келар, ота, отланиб  
Ана шунда ой мисоли тўласан.

Султон бўлар, ота, элнинг оғаси,  
Сўралади мард йигитнинг тоғаси,  
Қизим десанг ғамдан кўтар бошингни,  
Хўл бўлмасин адрас тўннинг жоғаси.

Султон одам қаддин долдай букарми,  
Кўз ёшини муштипардай тўкарми,  
Дўсти душман нима дейди, отажон,  
Куч-қудратни ғам қаърига отарми?

Нафис бўлар дилбар қизнинг хумори,  
Ота, мен ҳам айрилиқнинг бемори,  
Ёлғиз оғам келар соғу саломат,  
Қўлтиғида бордир пирнинг тумори.

Занг турганда чўнг темирни кемирар,  
Эр ўлганда ифлос хотин семирар,  
Давлат боши йиғлаб турса падарим,  
Бундай ташвиш суягимни кемирар.

Сел келганда орна сойлар тўлмасин,  
Кўчки кўчса элга ташвиш солмасин,  
Эл-улуснинг руҳин кўтар, отажон,  
Бундай кунда душман босиб келмасми?

Қараб турсам, ота, қаддинг букилди,  
Селдай тошиб кўзингдан ёш тўкилди,  
Душманимни хурсанд қилма, падарим,  
Сен букчайсанг юракларим ситилди.

Ота сенсан Қўнғирот элнинг шунқори,  
Сен мунғайсанг кетар юртнинг мадори,  
Қаддинг кўтар, халқингга бўл ибрат,  
Ёмон кунда кетар қизинг қарори.

Алқисса, Бойбўришоҳ қизининг бу гапларига ўзини  
тетик тутди, руҳини кўтарувчи бу сўзлар суягига етди,

хаёлида ғам-ташвишни силтаб отди, лекин шу пайт эсига яна Алпомиш тушиб кетди, кулоғи чиппа битди, шу дам дунёни унутди. Қалдирғочбиби ўзини тезда отасининг кучоғига отди. Хуллас, Бойбўришоҳ мардоналигига бориб, ўзини яна қўлга олиб, давлат ишларини бажаришга тушиб, Қалдирғочбибига жавоб берди. Қалдирғочбиби қўли олти, оёғи етти бўлиб, севар чечаси Барчинойнинг олдига етди.

Барчинойнинг энаси чақалоқни олиб, тузли сувга солиб, пишган жойларини мойлаб чўмилтираётган экан. Шунда Қалдирғочбиби Барчинойга қараб: «Ҳарна бўлса сенда қолди ихтиёр» деб сўзлаётган жойи:

Сарғаймасин гулдай юзинг,  
Мангуликни кўзлар кўзинг,  
Яхши хабар олиб келди,  
Барчинойим сарвинозинг.

Обод бўлсин кирдикоринг,  
Тўйга кетсин олтин-заринг,  
Ихтиёрни сенга солди,  
Бойбўридай зўраворинг.

Келиб қолса Алпон ёринг,  
Гуллаб яшнайти рўзгоринг,  
Барчинойим сенда қолди,  
Элга сочгин ҳар на боринг.

Аллалагин чақалоқни,  
Қўлига тақ кўзмунчоқни,  
Доно сўздан сўзла чеча,  
Бугун тарқатиб чарчоқни.

Кам қилмасдан бер сутини,  
Нурга қиздир оқ бетини,  
Султон отам рухсат берди,  
Оғамнинг қўйгин отини.

Менинг шулдир олтин-зарим,  
Суягимда ҳарна борим,  
Отасидай йўлбарс бўлсин,  
Бекдан қолган ёдгорим.

Ҳар бир ийни кирдай бўлсин,  
Билаклари нордай бўлсин,  
Отажони келганида  
Тўқайдаги шердай бўлсин.

Қўнғиротнинг аждаҳори,  
Миллатининг мадақори,  
Суянганда тоғи бўлсин  
Бўлсин Бойсуннинг шунқори.

Қалдирғочбиби сўзлай берди, яхши ниятларни кўзлай берди. Барчинойнинг олдига чиққан энаси Хуморой чақалоқни сошлаб чўмилтириб, усти-бошини оппоқ чойшаблар ва атлас-кимхоблар билан ўраб Барчинойга тутди. Шул орада Қалдирғочбиби энаси Кунтуғмишойимдан ҳам суюнчини олиб, олдига солиб, чиллахонага эргаштириб келди. Хона хотинларнинг гурунгига тўлди. Икки овсин суйгунчикдай қилиб чақалоқни қўлма-қўл қилдилар. Озгина бўлса-да, хаёлларидаги орзиқиш, кутиш туманлари тарқагандай бўлди, қалблари севинчга тўлди. Барчинойга ҳам нима бўлса бўлди. Ҳар чақалоқни кўрганда хаёлига Алпомиш келди. Ўртадаги жимликни Барчинойнинг ўзи бўлди. Бойбўришоҳ шуни лозим топиб, менда қолган бўлса ихтиёр Алпомишнинг қуюғи ҳам, чақалоқнинг суюғи ҳам ўзимники деб энаси ва қайнонаси қараб, уларнинг чўккан кўнгилларини кўтармоқчи бўлиб, Қалдирғочбибинини гапга солиб бир сўз айтди:

Баҳорда очилар гуллар,  
Гулга шайдодир булбуллар,  
Сайрасин бугун гунг тиллар,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Тор очилар тоғнинг гули,  
Боеда ўсар гулнинг мўли,  
Туғилди шунқорнинг ўғли,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Тошни куйдирар нолишинг,  
Лекин тўкмагин кўз ёшинг,  
Кўзинг очиб кўтар бошинг  
Алёрни айтинг, эгачим.

Сурув-сурув кўйни ҳайданг,  
Бия билан жойни ҳайданг,  
Гул тепадан войни ҳайданг,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Сумаклари толдан бўлсин,  
Бешиклари гулдан бўлсин,  
Қовуслари хилдан бўлсин,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Ён таёғи зарангданми,  
Қўл бовлари фарангданми,  
Тубаклари тарангданми,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Қиркин қизни қиқирдатиб,  
Хапаматин шақирдатиб,  
Қассобларни диқирдатиб,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Ёрим келганда орланиб,  
Қош қабоғи хуморланиб,  
Биз йиғламайлик зорланиб,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Уруғимиз кўнғиротдир,  
Ўзбек элига қанотдир,  
Лекин ёвга қабоҳатдир,  
Алёрни айтинг эгачим.

Яхши кунда бўзламайлик,  
Ёмон сўзни сўзламайлик,  
Аммо ойни кўзламайлик,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Малъун кўнгиллар шодлансин,  
Мардлар майдонга отлансин,  
Ғанимлар кўриб додлансин,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Барчиннинг бўлсин ҳиммати,  
Боламнинг ошсин қиммати,

Алпон ёримнинг хурмати,  
Алёрни айтинг, эгачим.

Энаси Хуморой билан кайнонаси Кунтуғмиш Барчинойнинг гапини маъкуллади. Чақалоқнинг шарофатига бешик тўйи ўтказиш, болага от қўйиш келаси душанба кунига белгиланди. Шунда энаси Хуморой Барчинойга қараб: «Болам, чақалоққа ном қўйиш заифаларнинг иши эмас, эркаги бор уйда болага ном қўйиш мардонларнинг ишидир. Менимча, боланга исми кайнотанг Бойбўришоҳ қўйгани маъкул», деди. Бу гапни Кунтуғмишой маъкуллади. Қалдирғочбиби отасининг олдига яна кирадиган бўлди...

Алқисса, Бойбўришоҳ Қалдирғочбибидан бу сўзларни эшитиб, боласининг боласига ном қўйишдек чароғон кунларга етказганидан худога яна минг шукр қилиб, ҳалқуми ёшга тўлиб, Барчинойнинг бу мардона ишларини йигитларнинг ишларидек билиб, унинг заифа бўлса ҳам қалбида тоғдек орзу-умидлари барқ уриб гуллаётганига қўнгли тўлиб, бир қарсақ чалиб, бошини қалмоқ йўлларига солиб, Алпомишдан умид қилиб, узоқларга кўз ташлаб, ҳам набирасига исм қўйиб, Қалдирғочбибига қараб: «Нима бўлди ёлғиз болам келмади», деб наъра тортаётган жойи:

Гангиб қолди найлай султоннинг боши,  
Оҳ, десам эзилар сойларнинг тоши,  
Саврай тўкилар кўзимнинг ёши  
Нима бўлди Алпон болам келмади.

Кумуш бўлар кировканинг чегаси,  
Ҳар йигитнинг зотдор бўлсин тоғаси,  
Келмаётир ўлигимнинг эгаси,  
Орка товим Алпон болам келмади.

Аттанг-а Қалдирғоч терак менда йўқ,  
Белимдан суюётган зирек менда йўқ,  
Дардим айтсам дард эшитар менда йўқ,  
Нима бўлди орқа товим келмади.

Кўздан ёшим селдай бўлиб отилар,  
Нордай қаддим толдай бўлиб букилар,



Бефарзанд деб кўп бўлдимда кулкилар,  
Ота деб йиғловчи эркам келмади.

Тиклай берсам хумор кўзга ёш келар,  
Айрилиқда гул танага иш келар,  
Бор вужудим кундан кунга бўш келар,  
Бир кўришга ёлғиз болам келмади.

Болам кетиб, бебарака кирдикор,  
Аждарҳодай дамга тортар олтин, зар  
Бек боламдан қолди ёлғиз ёдигор,  
Ёдигори қолган болам келмади.

Ёмон фарзанд отасига дардисар,  
Ўз халқига қанот бўлар зўравор,  
Ёлғизимдан қолган бўлса Ёдигор,  
Ёдигоржон, кетган отанг келмади.

Кўнғиротнинг орин олсин Ёдгор,  
Алпликнинг борин олсин Ёдгор,  
Шу бугундан исми бўлсин Ёдгор,  
Ой Қалдирғоч нега оғанг келмади?

Бойбўри охи фиғон этиб, кўзидан қатор-қатор ёш кетиб, халқумига тикилган нарсани ютиб, қизи Қалдирғочбибининг ёнига жетиб: «Небарамнинг исми Ёдгор, ёлғизимдан Ёдгор бўлсин», деб айтиб, душман кўнғилдан яна аллақандай айқаш-уйқаш фикрлар ўтиб, қизига жавоб айлаб, ўзи ёлғизликни хуш кўрди.

Алқисса, шундай қилиб, кунлар ботиб, тонглар отаберди. Шахарда дув-дув гап бошланди. Барчинойнинг кўзи ёрибди. Алпомишдан бўлганми ёки қалмоқларнинг бировидан илдириб келганми? Нима бўлса ҳам улуғ Кўнғирот уруғига иснод бўлди-да. Энди қаранг, эр бедарак, бу ерда Барчиной бешик тўй бермоқчи. «Итнинг қопганидан отнинг тепгани ёмон», деганларидек Бойбўришоҳ ҳам келинининг гапини маъқуллабди. Алпомиш келса яхши, агар келмаса Барчинойнинг бешик тўйини бекнинг маъракаси деб билинглар, деб ичи қора одамлар гап таркатаберди-да. Ақлли одамлар эса: «Барчиной асл доно муштипар экан. Қаранг, саройдаги барча қариндош уруғларининг руҳини, эл-улуснинг кайфиятини мана шу

бешик тўй орқали тетиклантиради. Сингандан чўккан ёмон деганларидек, ганимларга сир бой бермай, саройда шодлик, хуррамлик кечасини уюштирди. Бир хил заифа бўлганда ё эрга тегиб кетар эди, ё сочи кўкиб, пирори бўлар эди. Ҳар қалай Қўнғиротнинг қизи-да. Бунинг матонатига, ёрга садокатига, эл-юртга муҳаббатига қаранг», деб раҳматлар ёғдира бердилар. Хуллас, ҳаммада ҳар хил фикр, ўй. Шундай қилиб, душанба куни ҳам етиб келди. Барчинойнинг кошонаси қариндош-уруққа тўлди, ҳамма Барчинойнинг донолигини билди, шу кеча ўйин-кулгини қилди. Мўйсафидларга Бойбўришоҳнинг бахшиси Турди шоир «Юсуф ва Аҳмад» достонини куйга солди. Маҳзун қалблар қувончга тўлди. Ёдгоржонни тилла бешикка солди, ҳамма уйқусидан оз-оздан улашди, чапма-ўнгма қилди. Отажони омон-эсон келганда олдига отажон деб чопқиллаб чиқсин деб орзу қилдилар. Эртасига ҳамма қариндошлар қутлуғ қадамлар, улуғ дуолар ва ширин орзу-умидлар билан Алпомишни эслаб тарқадилар. Бойбўришоҳ ҳам бир оз кўкрагини кўтариб Ёдгоржонга овунди.

Ана энди гапни Бойбўришоҳнинг кул уруғидан бўлган ясовули Ултонтоздан эшитинг. У ҳам баҳодир йигитлардан бўлиб, чакқон, эпчил, ҳарб ишларини Алпомишдан ўрганиб олган паҳлавон йигит эди. Алпомиш билан улфат, бўйинса бўлиб, лекин бекдан хунари оз эди. Бир оз фирромлиги бор эди. Барчинойни жонидан ҳам яхши кўрар, қўлидан бир ушлашни кечалари тушида ҳам орзу қилар, лекин Алпомишдан ўлгудай кўрқар, унинг кучидан ҳаймиғар, шунинг учун бу орзу-умидлари юзага чиқмай ичида темир каби чириб, конига қўшилиб, ҳаваси икки кўзида қолган эди. Барчинойнинг бешик тўйига жон деб бормоқчи, ўзининг хушторлигини билдирмоқчи, Алпомиш ўлган бўлса мен бор демоқчи эди. Лекин тақлиф этилмаганидан кейин алами зиёда бўлиб, кўзи ғазабга тўлиб, ўзига муносиб дўсти Қоралочиннинг ёнига бориб, дардини ёриб: «Дўстима, нима бўлса ҳам Алпомиш келма-синда», деб бўзлаётган жойи:

Ойбарчиннинг юзи бағрим ёндира,  
Тиклаб турсам равшан кўзим тиндира,  
Бир умидим вайрон бўлди, Лочиним  
Бу қилиғи боз устига куйдира.

Алпон борда айтолмасам сўзимни,  
Сезиб қолса қуритмайма изимни,  
Қалмоқ юртдан келмай қолса баҳодир,  
Барчинойга тенг деб билдим ўзимни.

Жафо тиғи найлай жондан ўтади,  
Ой жамоли юрак бағрим йиртади,  
Қаботига боролмайман найлайн,  
Қарайберсам хусни имлаб тортади.

Сийналари юрганида тенгсалар,  
Чаман бўлар агар сочин ёйсалар,  
Кенг дунё бирдан бўлар вайрона,  
Қош чимириб қабоғини уйсалар.

Ўйловимча оқ бадани қорча бор,  
Киприклари найза мисол торча бор,  
Фунча лабин тонг ўтгунча сўрмадим,  
Кокуллари олтинча бор, зарча бор.

Аждар сочи эшилгандир тол-тол,  
Ҳар бандига берсанг етмас дунё мол,  
Эй худоё, келмасинда Алпомиш,  
Ёри бўлиб олчанглардим бемалол.

Асовлиги минилмаган тойча бор,  
Камолоти ўн беш кунлик ойча бор,  
Тахмин билан айтаберсам, чироғим,  
Қўрғончаси сув юрмаган сойча бор.

Қарамаса девона бўб кетаман,  
Тоғу тошдан, денгизлардан ўтаман,  
Дўстим бўлиб маслаҳат бер, бўйингдан,  
Нима қилсам Барчинойга етаман.

Мақтайберсам дoston бўлар қолгани,  
Бор зулматни равшан қилар кулгани,  
Умид билан пойлар эдим изидан,  
Ошиб кетди кеча унинг қилгани.

Алқисса, Қоралочин Ултонтознинг бу гапларига овнаб-овнаб кулди, сўзлаган ҳар бир дардини ҳазил билди. У ялина бергандан кейин шундай маслаҳат қилди. «Эй

хомкалла, оғзингдан чикқан гапингни кулоғинг эшита-  
яптими? Сен кимни кўзлаяпсан, кимга ўзингни тенг  
килаяпсан? Агар қайнотаси Бойсун музофотининг сул-  
тони бўлса, Алпомишдай енгилмас баходир унинг ёри  
бўлса, жаҳонда ягона бой деб танилган Бойсарибой отаси  
бўлса, Қоражондай зўравор ёрининг дўсти бўлса, сен билан  
мен ким бўлдик? Нар и борса сен ҳам Бойбўришоҳнинг  
бир кулида. Ажали тўлган эшак бўрига тегишади, хаёлинг  
жойидами? Ҳеч қачон бу гапни гапира кўрма», деб  
Ултонтозга бакрайди. Шунда Ултонтоз: «Эй дўстим, ба-  
рибир сенинг ҳам куллигинг таъма қилди-да. Осилсанг  
баланд дорга осил. Осилсанг асл сардарахтга, ўлсанг ун-  
дан нарига деган гаплар бор-ку. Мана тусмоллаб кўр. Ал-  
помишнинг Қалмоқ юртидан келмаганига йилидан ошди.  
Алпомишнинг келмаётганига, буларнинг ҳаммаси ичини  
курт еган дарахтга ўхшаб бир томирга илашиб турибди,  
бир тепсанг гуп этиб кулаб тушади. Даврон сен билан  
меники бўлади-қўяди. Нима бўлса ҳам яна бир йил Ал-  
помиш келмай турсин. Кейин кўрасан томошани. Барчи-  
нойнинг кечаги бешик тўйи сен билан бизга зарба, хом-  
калла», деб аланглайберди. Бу гапдан кейин Қоралочинни  
ҳам ширин орзулар гирдобига олди, ўзича фикр қилди  
ва Ултонтозга шу гапларни сўзлаб мийиғида кулди ва бу  
ҳам ўз дардини ёрди:

Агар бўлса худойимдан фармоним,  
Ушаларди ўйлаб юрган армоним,  
Маслаҳатинг бўлса айтгин Ултонтоз  
Ҳар ишингга етар тоғдай дармоним.

Амир келса танадан жон узилар,  
Қаҳрлансам Бойсун эли бузилар,  
Тилгинангдан айланайин, Ултонтоз  
Бир сулувга менинг бағрим эзилар.

Баҳтим чопса ой мисоли тўлайин,  
Душманингни кўрсат бошин жулайин,  
Айтганимни олиб берсанг ўзима,  
Нима хизмат бўлса майли қилайин.

Қоражон ҳам белга камар чалмасин,  
Қалмоқ юртдан Алпомиш ҳам келмасин,

Тилагимни берсин ёлғиз худойим  
Орзу-умидларим гулдай сўлмасин.

Тойиб кетса оҳ уради қора нор,  
Мингта кучук бир йўлбарсга баробар,  
Айтганимни олиб берсанг, Ултонтоз,  
Ўлгунимча мен бўлайин хизматкор.

Қиркта йигит отланганда бирма-бир,  
Бир-бирига аждаҳодай бўлар тир.  
Алпомишга кетган эди қўшилиб,  
Қалдирғочнинг куёвчаси Бектемир.

Чала бўлар Ултон гапнинг қуруғи,  
Шуъла бермас бефарзанднинг ёруғи,  
Бектемир ҳам ўлган бўлса қўшилиб,  
Тортувладан эди унинг уруғи.

Севганимнинг орқа сочи бир қулоч,  
Шу сочига малойкалар меҳринг соч,  
Кучоғима кириб келса нозланиб  
Ҳам тўлғониб, эркаланиб Қалдирғоч.

«Ўхў, деб юборди Ултонтоз, иштаҳанг ёмон эмас-ку. Дардинг меникидан ҳам оғирку, дўстим. Икковимиз ҳам икки бевага хуштор бўлиб юрибмиз-а, Қоралочин». «Ҳа, бу севги бевани ҳам, қизни ҳам билмайди. Ким юрагингдан жой олса, шунга меҳринг иссиқ сари мойдай уради. Одамнинг дили кимни севиб қолса, у ҳар доим кўз олдида туради, у қаёққа қараса, кимни кузатса севган қизи кўз олдида гавдалана беради. Қалдирғоч ҳам менинг хаёлимда доим яшаб келмоқда», деди армон билан Қоралочин. «Тўғри экан айтган гапларинг. Инсоннинг кўнглида нимаики орзу-умиди, тилаги бор бўлса, оғзингни сўзга жуфтлаганингда қалбингдаги сўзлар тилингга келавераркан. Ё хуш бўл, ё беҳуш бўл барибир излаганингни эслайверасан, эслайверасан», деб Ултонтоз Барчинойни эслаб кетди. Душман қочса ботир кўпаяди деганларидек Ултонтоз билан Қоралочин анча маслаҳатлашиб, ўзича режалар тузиб, нияти бузилиб, хушидан фикр кетиб, дарди ичида юрабердилар.

Алқисса, энди гапни Алпомишнинг жон дўсти Қалмоқ юртининг баҳодирини Қоражондан эшитинг. Қоражон Алпомиш кетгандан кейин Бойсун юртда ясовулбоши унвонини олган эди. Бойбўришоҳ саройнинг хавфсизлигини Қоражонга катта ишонч билан топширган ва унга қаттиқ ишонган эди. Саройда Ултонтоз билан Қоралочиннинг оёқ олиши ўзгарганини сезган Қоражон: «Бу гапдан Бойбўришоҳни огоҳ этайин», деб салтанатга, шоҳнинг хузурига кириб: «Бир қошиқ конимдан кечсангиз, бир оғиз гапим бор», деб рухсат сўради. «Кечдим, сўзланг», деди шоҳ. Шунда Қоражон ўз фикрини шоҳга баён бераётган жойи:

Иш билмаслар эли-юртда кулгидир,  
Сулув қизнинг қош қоғиши улгидир.  
Ёмонлардан, ота қилай хикоят,  
Ўрмонда йўлбарснинг изи белгидир.

Катта товнинг бошин чалар тумана,  
Яшин тушса одамзодга ёмона.  
Сўзларимга қулоқ беринг валломат,  
Битта бекдан қиляпман гулмана.

Хумор кўздан зумрад ёшим тизилди,  
Қоқ суягим қақшаб бағрим эзилди,  
Ҳайрон қолиб Ултонқулнинг ишига,  
Юришига менинг кўнглим бузилди.

От хориса чолганида хоримас,  
Доно одам ёшлигида қаримас,  
Салтанатга келмай қўйди Ултонтоз,  
Эл йиғилса гавжум жойга доримас.

Исбот қилинмаган гаплар хатоди,  
Мени кўрса ёмон кўзлар отади.  
Саҳар-саҳар ўтиб қолар саройдан,  
Ҳар келганда оқ ўтовга кетади.

Булут кўчса тов бетини жойлайди,  
Ёмғир қуйса тош устини мойлайди.  
Ҳайрон қолдим Ултонтознинг ишига,  
Ҳар ўтганда Барчинойни пойлайди.

Миннат қилса чўпон қўйни боқмасин,  
Қўй думига боқиб шотмоқ тақмасин,  
Ҳар бир ишга эҳтиётлик яхшидир,  
Ултонтоздан бир кун ишқал чикмасин.

Шунда Бойбўришоҳ Қоражоннинг бу сўзларига ҳайрони лол бўлди, олдин ишонмай, сўнгра бир оз кулди, изига ҳайрон қолди ва: «Қоражон, болам, Ултонтоз менинг хизматкорим бўлса, Алпомиш учун жонини берса, нима иш буюрсам иккиланмай қилса, мабода тили тойиб кетса бошининг жулинишини аниқ билса, у қандай қилиб Барчинойга кўз олайтиради. Мен уни Алпомишнинг ҳурматига ёрдамчи муҳрдор вазифасида сақласам, у яна қандай қилиб менга душманлик қилади. Сен бу гапларингни аниқ исботлаб гапир. Мабода сўзларинг ёлғон чиқиб қолиб юзинг ерга қарамасин», деди. Бу сўзлардан кейин Қоражон: «Эй султоним, мен бу юртларга келганда, мусофирман. Ёлғиз Алпомишнинг ҳурмати учун ўз юртимдан айрилиб қўнғиротлар элида юрибман. Менга ғийбатнинг ҳеч кераги, лавозимнинг эса ҳеч даркор жойи йўқ. Лекин мен Ултонтознинг оёқ олишини ёмон билиб, сизни оғоҳлантиришни лозим топдим», деб султонга таъзим қилди. Шунда Бойбўришоҳ: «Эй Қоражон, сен шуни аниқ билгинки, ҳар бир инсон оғзидан чиқаётган доно сўзи учун улуғликка эришади, яна улғайиб, бек, подшо ёки амалдор бўлади. Аммо ғализ сўз инсоннинг азиз бошини ерга баробар қилади. Яна тағин ўйлаб гапиргин», деб оғоҳлантирди. Бир оз талвасага тушган Қоражон Бойбўришоҳга қараб: «Ундай бўлса кулоқ солинг, султоним», деб бир пасл кичқираётган жойи:

Қалмоқ эл ҳам жаннат мисол макондир,  
Ўз юртимда юрсам менга даврондир,  
Дўст худонинг оти экан, султоним,  
Бир оғиз сўз менинг учун армондир.

Қаҳрлансам тош ёнади тешилиб,  
Дамга тортсам тоғлар келар эгилиб,  
Муқаддас деб билдим дўстлик сўзини,  
Ҳаким ўлса мен ҳам ўлай қўшилиб.

Кечиб келдим Қалмоқ юртдай даврондан,  
Фурурим бор юракдаги армондан,  
Шул нарсаки аниқ айтай, султоним,  
Фоний кунда дўстлик чикмас Ултондан.

Номард одам айтган сўздан тонади,  
Мардни кўрса юрар йўли понади,  
Шу сафарга мени қилинг айбдор,  
Барчинойни кўрса кўзи ёнади.

Элатимнинг мен ҳам тоза гулиман,  
Қалмоқ юртнинг сайрайдиган тилиман,  
Шул гапларим ёлғон бўлса, султоним,  
Ўлгунимча Ултонтознинг қулиман.

Сафар кетган одам билинг ойлайди,  
Топганини хуржунига жойлайди,  
Кечалари итдай чиқар акиллаб,  
Сиздай бекнинг қадамини пойлайди.

Қасам бўлса, бегим, бугун ичайин,  
Ёлғон десанг мен дўстликдан кечайин,  
Менинг сўзим инобатга ўтмаса,  
Дуо бергин Қалмоқ юртга кўчайин.

Алқисса, Қоражоннинг бу сўзларига Бойбўришоҳнинг алами зиёда бўлди, хаёлидан не фикрлар ўтди, хижолатдан ёқасини тутди. «Ҳеч қачон одам одамга ишониб бўлмас эканда. Ултонтознинг қадам олишини ҳеч кузатмаган эканман. Қоражон ҳам менга ёлғон гапирмас. Алпомишнинг бир оғиз дўстлиги учун юртига кетолмай юрибди. Раҳмат шунга. Одамни икки нарса яшартирар экан. Бири унинг яхши феъли бўлса, иккинчиси эса унинг беғараз сўзи. Тилаги бор бўлса, у одам икки дунёда хор-зор бўлмас экан. Лекин одамни ортиқча бойлик билан ғам қуритади, балки темир каби чиритади. Қоражоннинг эзгу сўзларига қаранг, бу одам содиқ инсон, вафодор дўст бўлар экан, сўзига фаришталар овмин дейди, яхши сўздан маслаҳат бер, Қоражон», деб бир оғиз сўзлаётган жойи:

Яхшиликни, болам, мен ҳам кўзлайин,  
Қулоқ солсанг икки оғиз сўзлайин,



Кетгим келар тоғу тошни оралаб,  
Рухсат бўлса ёлғизимни излайин.

Қариганда, болам, мен ҳам жўш урай,  
Қўнғирот элни майли сенга топширай,  
Алпомишни кетай дейман ахтариб  
Тополмасам азиз бошга мушт урай.

Бойсаридай оғам олса орланиб,  
Барчинойим йиғлай берса зорланиб,  
Алпомишдан сира дарак бўлмаса,  
Мен тирида Ултон юрса турланиб.

Қачон одам бўлар экан Ёдгор,  
Эғали бўб тинчирмиди кирдикор,  
Куйган танам ҳўл арчадай тутайди,  
Ё кетсамми ўзга элга дарбадар.

Бир Қалдирғоч мардонамас, муштипар,  
Гап сўрасанг қирқ кун йиғлар зору зор,  
Ёлғиз болам келмай кетса бедарак,  
Сендан бошка, Қоражон, айт, кимим бор.

Очувлансам ҳўл зарангни синдирай,  
Бир қўнмоққа тўлин ойни кўндирай,  
Ултонтозни нима қилай, Қоражон,  
Ё бўлмаса уруғиман тиндирай.

Мард йигитга фойда бермас доду дод,  
Шоҳ эгилса шу кун бўлар қиёмат,  
Хаёлимни ўғирлаган Алпомиш,  
Қоражон, бер ёмон кундан маслаҳат.

Алқисса, Қоражон Бойбўришоҳнинг бу аламзада сўзларига танг қолди, бир оз ўйга толди. «Яраса, ярамаса бир маслаҳат берайин», деб, султонга қараб: «Эй шоҳи султон, қўнғирот уруғининг улуғ давлатбошиси, мен нима ҳам дейман. Ёмонни саройдан четлатсангиз, унинг ёмонлиги баттар ошиб, яна сизга душман қайтади. Агар ўлдирсангиз, одамлар: «Бойбўришоҳ Алпомиш келмаётганлиги сабабли нима қилишини билмай бекларини бирин-кетин

ўлдираяпти», деб гап тарқатди. Ёмон бехатар бўлсин десангиз, кўз олдингизда сакланг, саройдан кетмасин, Ана унда илож тополмай, гаранг кўйдаи саройда айланиб ётаберади», деди зўрға Қоражон. Бу гап Бойбўришоҳга маъкул келди ва Ултонтозни топтириб келишни эшик оғаси Давлаткулга топширди. «Сен, болам Қоражон, ўз ишингни мустаҳкам бажарабер, ганимларга доимо эҳтиёт бўл. Алпомиш келгунча муштни бир жойга уриб турайлик. Ултонтоз сенинг бу ерда эканлигингни билмасин, бор болам», деб Бойбўришоҳ Қоражонга рухсат берди. Қоражон саройдан кета туриб ўйлади: «Қаранг, подшоларнинг тили ҳам қафасда ётган арслонга ўхшайди. Арслон қафасдан бўшалдими тўғри келган нарсани вайрон қилади. Мен ҳозир ҳай-ҳайламаганимда Бойбўришоҳнинг тили Ултонтозни уруғи билан қуритар эди», деб ўзининг гўшасига кетди. Ана энди навбат Ултонтозга етди. Давлаткул Ултонтозни Қоралочин билан бирга тутди, саройга олиб келиб Бойбўришоҳга равона қилди. Алқисса, салом-аликдан кейин Ултонтознинг муғомбир кўзи ялтираб, ияги қалтираб, Бойбўришоҳга тил учида хушомад қилиб: «Улуғ султон, бизга нима хизмат бор?» деб эгилиб икки оғиз сўзлаётган жойи:

Султон бўлар худойимнинг сояси,  
Тулпорга панд бермас гўза пояси,  
Йўқлатибсиз биз гадони шаҳаншоҳ,  
Яхшиликка бўлсин эгам ғояси.

Баланд бўлар ғайратлининг давлати,  
Давлатига ярашади савлати.  
Нима хизмат бўлса бошим устига,  
Жоним берай Алпомишнинг хурмати.

Хўп десангиз пойингизни силайин,  
Ё бўлмаса қадамингиз ялайин,  
Иккиланмай айтинг бугун, султоним,  
Алпон учун нима хизмат қилайин.

Яшин тушса, тушган жойи шовшайди,  
Ҳатто тоғлар зилзила қиб қақшайди,

Алпон оғам келмаётир, султоним,  
Шундай инсон чириганга ўхшайди.

Сув тўпланса ер қолади иркиллаб,  
Тақир жойдан кийик қочар диркиллаб,  
Боз устига Барчиной ҳам қақшайди,  
Арвоҳдайин кечалари чиркиллаб.

Алпон дўстим элда даврон сурмади,  
Ёлғизига худо умр бермади,  
Бир нарсага кечалари ёнаман,  
Ёдгоржон отасини кўрмади.

Гўзал бўлар тоғлар боши қор бўлса,  
Йигит хурсанд кучоғида ёр бўлса,  
Ҳайялламай бугун айтинг, султоним,  
Ултонтозга оғир хизмат бор бўлса.

Алқисса, Ултонтознинг бу гапларига Бойбўришоҳнинг қотиб турган вужуди бўшаб кетди. Ултонтоз эса муғамбирона шоҳни кузатиб турар, унинг яна бирон заиф томонини ахтарар, иложи борича шоҳни қақшатиш йўллари тинмай излар эди. Бойбўришоҳ Ултонтознинг бу ҳаракатларини, сўзлаган сўзларини англаб, Қоражоннинг сўзларини эслаб, унга ҳурмати ошиб, «Ёмоннинг сўзи ҳам, кўзи ҳам, ҳатто ўзи ҳам қизиган тандирдай куйдирувчи бўлар экан, ундан фақат ақл-заковатли инсонларгина омон қолиши мумкин экан», деб ўйлаб, Ултонтозга тикилиброк боқиб, елкасига гурзидай кўллари билан қоқиб: «Болам, сенга худо берди», деб икки оғиз сўзлаётган жойи:

Ийтиқ сўзнинг билинади белгиси,  
Кумовининг ҳеч келмайди кулгиси,  
Хизматингни ўйлаб кўрдим Ултонтоз  
Панд беради кирмов ипнинг салқиси.

Ахмоқ курсин доим толпиш сўзлайди,  
Гарди-гурди буюкликни кўзлайди.  
Аламжоғин ният қилдинг, Ултонтоз,  
Сўзларинга сув баданим музлайди.

Ҳар бир ишни сусиб кетсанг қиласан,  
Шаллик бўлсанг узоқ бормай ўласан,  
Алпомиш ўлган дема Ултонтоз,  
Қаҳрлансам оқибатин биласан.

Қотув бўлсанг томирингни бўшатиб,  
Ёмон кетсанг суягингни қақшатиб,  
Ёлғизимни ундай дема, Ултонтоз,  
Тилгинангни кулдай қилиб шовшатиб.

Ўн бешида осмонда ой тўлади,  
Алпомишим от ўйнатиб келади,  
Барчинойга тил теккизма, Ултонтоз,  
Юртга келиб болам эга бўлади.

Ўйловсизнинг бошларида тухмат бор,  
Салтанатда сенинг учун химма бор,  
Нима бўлса Алпомишнинг хурмати,  
Кенг саройи, Ултон, сенга хизмат бор.

Ҳар сўзингни, болам, ўйлаб кўраин,  
Болам келса мен ҳам даврон сураин,  
Бош муҳрдор бўлгин Ултон саройда,  
Шул хизматни майли сенга бераин.

Яхши хизмат қилсанг олқиш оласан,  
Ёрлиқ олсанг юртингда бек бўласан,  
Сенга лозим топдим катта хизматни,  
Шу бугундан бошлаб ишни қиласан.

Бойбўришоҳ дадиллик билан амр этди, шул пайт Ултонтознинг етмиш икки томири бўшаб кетди, гаварасини совук тер босди. Ултонтоз куллигига бориб каловланиб қолди. Ўзини аранг ўнглаб олиб, бели толиб, эшилиб таъзим қилиб, султоннинг ўнгирини ўпди. Бойбўришоҳ рухсат қилгандан кейин Ултонтоз таъзим қилиб, тезда саройдан чикди. Бойбўришоҳ дам олиш гўшасига ўтди. Ултонтоз эса бозордан қайтган эшакдай ўзининг манзил маконига етди. Қоралочин кутиб ўтирган экан. Ултонтозни кўрган Қоралочин: «Ҳа бек, нима бўлди? Султон сенга тўн ёпдима, терлаб кетибсан. Бир қарашда қилжибирга

ўхшайсан, ё бўлмаса бошингга кийгиздима, гапиролмай қолдинг. Нима бўлди, сўзла», деди калакалаб. Шунда Ултонтоз Қоралочиннинг шўхлигига куйканаги куйиб, бироз Бойбўришоҳдан жосқаниб, бир оз олдинга ҳарба қилиб, бироз орқага тисирилиб, кўрғўза қўйдаи тебралиб, ўзини аранг ўнглаб олиб: «Эй дўстим Қоралочин, сидир-ги юрмадим-да, султоннинг ҳамма ишимиздан хабари бордай», деб дардини ёраётган жойи:

Ўйлаб берсам ўтармикан давроним,  
Агар ўлсам кўпда менинг армоним,  
Авзойимдан фикр кетди, дўстгинам,  
Ёмон гапни англагандай султоним.

Қахрланса тутандирик бўлмайман,  
Алпон келса ҳеч ҳам ойдай тўлмайман,  
Мен нороса султонликни ўйлабман,  
Бу кетишда сира ўйнаб кулмайман.

Сап ботирлар элда бўлар ҳукмдор,  
Ганда шўрнинг кўрган куни хору зор,  
Қарсоқдайин қотдим бекнинг сўзига,  
Бир нарсани ўйлагандай амалдор.

Дона одам дап айтади сўзима,  
Кенг дунё тор бўб кетди кўзима,  
Бош муҳрдор лавозимга сайлада,  
Кўп ташвишни ортиб олдим ўзима.

Қурумсоқнинг кўп бўларми давлати,  
Қувалади мени бекнинг савлати.  
Кирдикорим сенга бўлди ҳавола,  
Мендай шўрни эзар султон хизмати.

Қурсоғимда қолди айтар сўзларим,  
Ёшга тўлди икки гавҳар кўзларим,  
Бойсун элни сўрамадим мисқолча,  
Барчинойдан туғилмади қизларим.

Гарданига тақалмадим ҳапомат,  
Амиримни кутса эди жамоат,

Ўлмай қолган бўлса агар Алпомиш,  
Бойсун элга келармикан ҳамзамат.

Ултонтоз ҳам анча даврини сурган,  
Нечовларнинг ушлаб додини берган,  
Алпомиши ўлган бўлса худойим,  
Бойбўрини мен ҳам кўрганим-кўрган.

Кумортқиси куриб мени чақирди,  
Емачиси эзилгандай бақирди  
Тиклай олмай ерга боқдим, лочиним,  
Ғазабига ҳатто булут тушқирди.

Алқисса, Қоралочин Ултонтознинг бу вазоҳатини кўриб, сонига қарсиллатиб беш-олти уриб, жойидан ширпа туриб, султонни у ёқдан бу ёққа суриб, қақирлаб кулаберди. «Ҳо баччағара, барибир куллигингга борибсан-да. Бу туришингдан, бу юришингдан қандай султон бўласан, қандай қилиб Барчинойга уйланасан. Бойбўришоҳ овзингга чайнаб солса ҳам ютолмабсан-а», деб Ултонтозни аҳмоқ қилиб келаберди. «Эй рунда, у султони даврон бўлса, мен бир қулбачча бўлсам, қандай қилиб унга тик боқаман, айт», деди. Шунда Қоралочин: «У сенга бош муҳрдор вазифасини бергани Барчинойдан хабардор бўл дегани. Энди кунинг саройда ўтади, Барчиной бўлса ўтовига саройдан ўтиб кетади. Бир куни сенга ўхшаган мард овлоқда даппа қўлидан туттади, боз устига саройдаги кирдикорлардан, Бойбўришоҳнинг сир-асроридан ҳар куни хабардор бўлиб туради. Пайти келганда ширпа султоннинг заиф томонини билиб шу жойга зарба билан бир уради, султонни кулатиб, жойида Ултонтоз бек бўлиб даврини суради. Шунга ҳам ақлинг етмадима, гумроҳ», деб билимдонлик қила берди. Шундай қилиб иккови яна ўзларича режа тузиб юраберди. Ултонтоз саройга борганда қийпинглаб кунини ўтказаберди.

Алқисса, эндиги гапни Барчинойдан эшитинг. Барчиной Ёдгоржонни оқ ювиб, оқ тараб: «Ерга қўйсам гард бўлади, осмонга отсам дард бўлади, яхшиси бешикка бўлаб, бирга ўтириб, алла айтиб ухлатсам отасидай мард бўлади», деб тарбиялай берди. Ёдгоржон ҳам бу тарбияга ой сайин эмас, кун сайин етила бошлади. Энасининг ҳалол

ва пок, тўйимли сутига тобора каттариб, атай-тутай бўла-  
берди. Унга Кунтуғмиш момоси, Хуморой момоси, айниқ-  
са, Қалдирғочбиби аммаси гиргиттон бўлиб, қўлма-қўл  
қилиб, гоҳида бобоси Бойбўришоҳ ҳам қўлига олиб,  
Ёдгоржонни меҳр билан ўстира бердилар. Бир кун и ёлғиз  
қолган Барчиной Алпомишни чин юракдан соғинганини  
тўхтата олмай, ниманидир излади, ҳеч бўлмагач бешикка  
суяниб бўзлади. Охири бўлмагач, бўғжамадан тўраси  
Алпомишнинг кийимларини олиб бағрига босди, тўйиб-  
тўйиб ҳидлади. Мовхи пасанда бўлавермагач, бешикка  
осилиб, Ёдгоржонни аллалай бошлади ва икки кўзига зўр  
етди, товуши товлардаги қушларни ҳуркитди:

Алла айтай берилиб,  
Жоним болам, алла-ё,  
Севгим дарди тирилиб,  
Таним болам, алла-ё,  
Ўйнамадинг керилиб,  
Қоним болам, алла-ё,  
Бахтим кетса сурилиб,  
Борим болам, алла-ё.  
Келмаса отажонинг,  
Бошим тошга урилиб,  
Зорим болам, алла-ё  
Норим болам, алла-ё  
Алла-ё, алла-ё, алла.  
Отанг бўлиб қарчиғай,  
Қўзим болам, алла-ё,  
Обод эди Бойсун жой,  
Қўзим болам, алла-ё,  
Келмай қолса ҳолим вой,  
Сўзим болам, алла-ё.  
Заҳар бўлар ичган чой,  
Нозим болам, алла-ё.  
Тонглар отар пойма-пой,  
Ўзим болам, алла-ё.  
Дардим чиқар бўлиб най,  
Созим болам, алла-ё,  
Бериб ёқди бир худой  
Морқа болам, алла-ё,  
Орқа болам, алла-ё,

Алла-ё, алла-ё, алла!  
Отанг, болам, нор эди,  
Алла жоним, алла-ё.  
Бир шунқорча бор эди.  
Алла болам, алла-ё.  
Қалмоқда ҳам зўр эди,  
Алла болам, алла-ё.  
Зўрга эшон пир эди,  
Алла болам, алла-ё,  
Лекин ўзи хур эди.  
Тингла болам, алла-ё.  
Шер ичинда бир эди,  
Эшит болам, алла-ё.  
Алпларга энг тир эди,  
Билгин болам алла-ё.  
Дарди номус-ор эди,  
Айтай болам, алла-ё,  
Шунқор болам, алла-ё,  
Дилбар болам, алла-ё,  
Алла-ё, алла-ё, алла.  
Манманликни билмади,  
Отажонинг алла-ё,  
Ҳеч ёмонлик қилмади  
Валоматинг, алла-ё,  
Зўрни кўзга илмади  
Падаржонинг, алла-ё,  
Лекин ўйнаб кулмади,  
Орқа товинг алла-ё,  
Султон бўлиб тўлмади,  
Суянчиғинг алла-ё,  
Ор-номусга сўлмади  
Кўрар кўзинг алла-ё,  
Душманини тилмади,  
Сўзлар сўзинг, алла-ё,  
Метин болам алла-ё,  
Олтин болам, алла-ё  
Алла-ё, алла-ё, алла!  
От ўрнини той босар,  
Эслаб қўйгин, алла-ё,  
Бефарзандни ўй босар



Кулоқ солгин, алла-ё,  
Куёш кетса ой босар,  
Ҳар кечани, алла-ё,  
Кўзи билан қўй босар,  
Дала-даштни, алла-ё,  
Чўпон чалса най босар,  
Баҳор қишни, алла-ё,  
Сўнг юракни мой босар,  
Куюқ тушса, алла-ё.  
Шул куюкни чой босар,  
Босиб ичсанг, алла-ё  
Ботир болам, алла-ё,  
Патир болам, алла-ё,  
Алла-ё, алла-ё, алла!  
Сенда қолди тилагим,  
Арслон бўлгин, алла-ё,  
Сенсан менинг юрагим,  
Йўлбарс бўлгин, алла-ё.  
Кеча-кундуз керагим  
Полвон бўлгин, алла-ё,  
Суянганда тирагим,  
Ботир бўлгин, алла-ё,  
Олма, анжир, терагим,  
Ақл бўлгин, алла-ё,  
Доно бўлгин, сўроғим,  
Маъни бўлгин, алла-ё,  
Кўзим, қошим, қароғим,  
Шердай бўлгин, алла-ё.  
Сен даракдан бароғим,  
Достон бўлгин, алла-ё,  
Душманни қил дарбадар, алла-ё,  
Отангдай бўл Ёдгор, алла-ё  
Алла-ё, алла-ё, алла,  
Жоним болам, алла-ё, алла! —

деб Барчиной тонгни кўзи билан оттирди. Бўлим бола ҳам шу кеча ухламади. Аллага монанд гўдак ҳам инграб чикди, эмчакни ҳам олмади...

## ЁДГОР

(достондан парча)

Алқисса, Ёдгорбек Ойқашқа бошлиқ лашкарлар билан дам-бадам олмоқ-солмоқ сермашиб турди. Булар сермашиб тураберсин, эндиги гапни Ўрта даштдаги кўнғиротлардан эшитинг. Уруғ оқсоқоллари Олтинойнинг жасоратига қойил қолиб: «Айби қиз болада, бўлмаса алплардан кам эмас экан, шу боис бу қиз ўз тенгини кутаётган эканда. Ҳар иш бўлса марднинг бошида бўладида, номарднинг бошида не иш бўлсин», деб кўнгиллари тўк бўлиб турганда, бир чўпон келиб: «Ҳов оқсоқоллар, қиёмат-қойим бўлди, Ўрта даштнинг бошида лашкар тўлди, сонсиз душман подшоликдан келди, бир йигит неча кундан бери якка ўзи лашкар билан сермашиб ётибди. Ким дўст, ким душман билмай қолдим, лекин яқин орада бор-йўғимиздан айрилиб, бадарға бўлишимизни аниқ билдим», деб сўйлайберди. Шунда оқсоқоллар: «Энди нима бўлди, ким бориб хабар олади, балки Ёдгор келиб уруш қилаётган бўлса ким ёрдамга боради?», деб ўртага гап ташлади. Ҳеч кимдан садо чикмади. Бўлмаса, тақдирда борини кўрамизда деб кўнғиротлар мустар, ғамгин бўлиб қуш-қушларига тарқалдилар. Қаранг, Олтиной чўпондан бу хабарни эшитиб, бойлардан бу сўзни билиб «Оҳ аттангга, ҳар ким ҳам телпак кийиб, қобоғини уйиб, тикка туриб сийиб юраберар эканда, кел, жайнар полвонга айтган гапларим ўзимга қайтмасин деб энаси Ойжамол халага қараб, жанг учун рухсат сўраб: «Энажон уруғим хор бўлмасин, Ёдгорбек келган бўлса мени қараб зор бўлмасин», деб сўзлаётган жойи:

Ориятли йигит элнинг шункори,  
Полвон эса катта давлат мадори,  
Жоним эна қулоқ солгин сўзима,  
Менинг учун келган Бойсун мулкдори.

Ёш болага ота кўнгли тўлмайди,  
Хумса одам китикласанг кулмайди,  
Кўшимиздан бирор йигит бормаса,  
Ор-номусли элга маъқул бўлмайди.

Кўркмас одам тикка тайлар тўдага,  
Кўрқоклари ёвдан қочар ҳадага,  
Шу мартага эна белим бойлайин,  
Рози бўлсанг мен ҳам сендай садага.

Йигит сўрар қиз боланинг зотини,  
Олғир одам олиб қочар бетини,  
Сумбул сочим эна бошга тўяйин,  
Энди минай Жайнар полвон отини.

Ўйлаб кўрсам иш охирлаб питгандай,  
Отажоним эл бозорга кетгандай,  
Нима бўлса эна бергин дувони,  
Бойсун элдан бек Ёдгор етгандай.

Оша элга ошган тортар хўрликни,  
Санам-қизлар отга тигар терликни,  
Йигитмиз деб Аймоқ келар бостириб,  
Мен шуларга бир кўрсатай эрликни.

Хурматига жанг майдонга етайик,  
Тўғри келса фанимларни титайик,  
Кўнғиротни содда дейди Аймоқлар,  
Кетар чокда иш кўрсатиб кетайик.

Очилганда тоза гуллар сўлмайди,  
Ёлғончида ҳеч ким ўлмай қолмайди,  
Фарзандим деб боққан бўлсанг энажон,  
Шу сафарга хўп демасанг бўлмайди.

Алқисса, Ойжамол хола қизининг ғайратига, йигитлар-  
дек жасоратига, букилмас матонатига, алплардек сини-  
симбатига, билагидан тошиб бораётган кучига қараб: «Ҳа  
қурғура, Барчинга тартиб мардоналик қиляпти, унда бўлса  
урпоғига татийди, деган гаплар рост экан, таваккали Худо»,  
деб кизига розилик берди. Олтиной Жайнар полвондан  
қолган қилич-қалқонни, совут-шашкани олиб, эркакча  
кийиниб отга миниб, чор ойнани от тўшига ташлаб,  
энасидан дуо олиб, хушлашиб овулдан чиқиб жўнади.  
Кўнғиротнинг бойлари эса: Энди ё нари, ё бери бўлади»,

дейишиб, ўтов соясида чўнқиллашиб қолаберди. Олтиной  
отга камчи чотиб «ё Шайдулла», деб жанг майдонига  
йўлбарсдай бўлиб урлаб бораётган жойи:

Бедовига камчи чотди,  
Ўрган камчи симдай ботди,  
От ўзини сёрмаб отди,  
Ҳайла Олтиной жўнади.

Ор-номус деб жўнаётир,  
Не бўлса ҳам кўнаётир,  
Мисли шердай дунаётир,  
Ана Олтиной жўнади.

Тоғлар боши қояди,  
Қоядан қуш тояди,  
Юртим деб қиз қуяди,  
Мана Олтиной жўнади.

От боради диркиллаб,  
Семизликдан серкиллаб,  
Тўрт туёғи жоркиллаб,  
От ҳайдаб Олтин жўнади.

Душман кўринмас кўзига,  
Боз далда бериб ўзига,  
Қайтмаса керак изига,  
Орланиб Олтин жўнади.

Сужури қайнаб боради,  
Ким шундай кунда жоради,  
Майдон қайда деб қоради,  
Урланиб Олтин жўнади.

Аввал худога сийиниб,  
Қўлла деб пирга тийиниб,  
Бугун мардона кийиниб,  
Ўзбекнинг кизи жўнади.

Қобоғи кетган уйилиб,  
Сочи бошига жийилиб,  
Тайлаб жўнади куйилиб,  
Ўзбекнинг нози жўнади.

Гоҳида тортса наърани,  
Бузиб боради дарани,  
Яқин қиб шунда орани,  
Ўзбекнинг кизи жўнади.

Алқисса, Олтиной изига қайтмай, бекор келдим, деб айтмай катта қўшиннинг устидан бориб қолди. Қараса, бир баҳодир йигит сув кечгандай қон кечиб, лашкарни гала-лаб қувиб, омонлик сўраганига омонлик бериб, паналаб, отганига ёмонлик бериб, кўз илғамас кенгликни ҳай-хайлаб йўлбарсдай аралаб юрибди. Олтиной: «Аввал бу урушнинг тарихини билайин, Ёдгорбек келган бўлса мен ҳам отимни майдонга солайин, агар бошқа одамлар тараф бўлиб ётган бўлса, бу ерда туриб нима қилайин», деб четда отдан йиқилиб овнаб ётган чоллардан: «Бобожонлар, бу ерда нима бўлаяпти, ким-ким билан уруш қилаяпти, хов анови баҳодир йигит кимнинг бошини олаяпти», деб Олтиной сўрайберди. Шунда ярадор чоллардан бири: «Болам сенинг ҳам ўлгинг келдима, илгари биров қора булут қорнинг эсини олади, оқ булут бойнинг эсини олади, деган экан. Бугун Аймоқнинг эсини Қўнғиротдан келган бир йигит олаяпти, бу ёғи сен кўргандай бўлаяпти», деб боболар пана-панага писаберди. Бу гапдан Олтиной руҳланиб: «Энди майдонга кирмасам бўлмас», деб лашкарларга оралашиб бораётган жойи:

Қўлга олиб исфихонни,  
Оралайберди майдонни,  
Қаранг Олтиной ишига,  
Чашма қилди қирмиз қонни.

Душман эса ҳайрон бўлиб,  
Қолган кўнгли вайрон бўлиб,  
Туба-тубага қочади,  
Ичган суви айрон бўлиб.

Олтиной ҳам қайтмаётир,  
Кечирдим деб айтмаётир,  
Икки шунқор бўридай бўб,  
Жанг майдондан кетмаётир.

Олтиной ҳам аждарходай,  
Минг йигитга баробардай,  
Кувди душманнинг барини,  
Мисли Рустам зўрабордай.

Оти эса конлар кечиб,  
Туёғидан ажал сочиб,  
Гох гулдираб кишнаётир,  
Душман кўрса оғзин очиб.

Ул томондан Ёдгор полвон,  
Бойсун юртда сурган даврон,  
Қилич сермаб оралайди,  
Савашига ҳамма хайрон.

Қилич сермаб Ёдгор полвон,  
Эл оралаб келар ҳамон,  
Ўша онда Чандана чол,  
Паҳлавонга бўлди равон.

Бобо қочар ўлдим, дейди,  
Ўрта даштда қолдим, дейди,  
Ўша замон Ёдгор полвон,  
Бошин кесиб, бўлдинг, дейди.

Энди душман қочаберди,  
Туман бўлиб қўчаберди,  
Икки шернинг ғайратига,  
Тоғ-даштлар гул сочаберди.

Бек Ёдгор шунқор экан,  
Жайронқуш ҳам тулпор экан,  
Ҳеч чарчашни билмадиёв,  
Матонатда дилбар экан.

Олтиной ҳам келаберди,  
Жилва қилиб кулаберди,  
Меҳмон кизни танимайди,  
Шунда хайрон бўлаберди.

Алқисса, Ойқашқа полвон қолган навкарларини олиб,  
бу ишидан армон бўлиб, гурас-гурас изига қайта-қайта:  
«Хов беклар, иккинчи баходир ким бўлди, у қаёқдан келди,

қилич сермашда ўктам экан, камолотда кўркам экан?, деб хайрон бўлаберди. Шунда навкарлар: «Бу баҳодир Ўрта даштдан келди, чоғимда», деб айтаберди. Ойқашқа полвон ичида: «Ҳа, бу ўша Олтиной, бу ўзига ишониб Аймоқда олти ойдан бери Жайнар бошлиқ зўрларга ўйин кўрсатиб ётган эканда. «Хутни баҳордан, тўқсонни қишдан ажратмадим», деган экан чорвадорлар. Мен кўнғиротларнинг баҳодирлигида қизининг кучини мардонадан, ёш боланинг кучини алплардан ажрата олмадим», деб изига қайтаберди. Ёдгорбек эса олдига келаётган баҳодирнинг ким эканлигини танимай: «Не сабабдан ёрдам бердинг, ёлғизга, йигит бўлсанг жавоб бергин бу сўзга», деб сўраётган жойи:

Кўзингга қарасам мисли тонг юлдуз,  
Чўлпон юз полвоним қайдан келасан?  
Бошингга ярашган телпагинг кундуз,  
Ой юзли полвоним, қайдан келасан?

Остингда ўйнайди араби тулпор,  
Хуснингга тузалар ҳар қандай бемор,  
Нега майдондасан кўзлари хумор,  
Баҳодир сифатлим қайдан келасан?

Устингга ярашар эркак либоси,  
Кўксингда бордайн, анор гилоси,  
Қалбимни ром этар кўнглингнинг саси,  
Мардона келбатлим қайдан келасан?

Аччиғинг чиллада музлаган қишдай,  
Тикласам кўксингда меванг кумушдай,  
Сергак туришларинг боз каклик қушдай,  
Ҳилол боқишларим қайдан келасан?

Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,  
Олтиндан қоқилган отим тақаси,  
Йўқ дема балки сен қизлар соқаси,  
Пари зурриёти қайдан келасан?

Ошиқнинг орзуси қоронғу кеча,  
Зулматнинг ўрнини билмас бир неча,

От устида олчанглаган бойбачча,  
Ноз билан боқишлим қайдан келасан?

Не учун ёлғизга қувват берасан,  
Ҳеч кўркмай ажалдан тикка турасан,  
Ёнимга келиб сен хаёл сурасан,  
Қиз феъли шунқорим қайдан келасан?

Отанга ўшатиб келдингми мени,  
Соз билан солинар одамнинг жони,  
Ким экан Ёдгорнинг айт меҳрибони,  
Гўрўғли сифатли қайдан келасан?

Кўзингга қарасам қиздан нишона,  
Латиф юзларингга мардлар девона,  
Жисмингдан нур чиқиб ёнар ҳарёна,  
Малика қовматлим қайдан келасан?

Жилва қилишларинг бойлар тилимни,  
Одобинг эслатар Бойсун элимни,  
Кимлигингдан баён бергин паҳлавон,  
Ўткир нигоҳларинг букди белимни.

Алқисса, бу гапдан кейин Олтиной: «Шунча лашкарлар менинг кимлигимни билмади, бу баҳодир бир кўришдан менга баҳо бераёпти, худонинг назари теккани шулда, Бойсунда кўрганимдан анча тўлиб, етилибди», деб Ёдгорбекка қараб: «Эй енгилмас баҳодир, сиз Бойсундан Аймоққа не сабадан келдингиз, не юмушингиз, не ташвишингиз бор?» деди. «Сен менга кимлигингни танитмадинг, айт мардонамисан ё замонамисан? Нега менга кўмаклашдинг?», деди Ёдгорбек. Шунда Олтиной: «Мен Ўрта даштга кўчиб келган кўнфиротларданман, башарам қизбек, кўнфирот бўлганлигим учун сизга ёрдам беришга отландим. Ўзингиздан гапиринг, бегим!». «Мен сени ғанимлардан бўлса керак, алдаб келиб Жойнордай ишини қилса керак деб ўйлабман. Отим Ёдгорбек, отам Алпомиш, энам Барчиной. Мен Бойсундан Аймоққа кўчиб келган тортувли кўнфиротларни олиб келмоқ, менга гўдаклигимда унаштирилган Олтиной исмли Шомуродбойнинг қизини ҳалол покиза никоҳимга солмоқ ниятида келдим. Менга



кўнғиротларни кўрсат», деди Ёдгорбек. Шу пайт Олтинойнинг гулдан нафис, ипакдан мулойим, бўй қизларга хос хид билан зийнатланган тенаси бижирлаб кетди, нозик беллари эса қимирлаб ўтди. Шунда Олтиной ўзини тезда ўнглаб олиб: «Мабода, Олтинойга ёкмай қолиб, шунча аворагарчилигингиз бекорга кетса нима қиласиз?», деди синамоқчи бўлиб. «Олтиной менга бир яшарлигимда унаштирилган, мана ёшимиз ўн еттига етаяпти. Демак, бизнинг қалбларимиз шунча вақтдан буён учрашиб, ваъдалашиб юради. Олтинойнинг тили ёлғондан йўқ деса ҳам қалби мен томонда», деди Ёдгорбек. «Ундай бўлса кетдик, бегим», деб Олтиной ўзини танитмай Ёдгорбекни, кўнғиротларнинг кушқига эргаштириб борди. Кўнғиротнинг бойлари Ёдгорбекни эшони келгандай ўртага олиб, «Ёдгоржон омонмисан? Бойсунда нима гап? Отажонинг Алпомиш қалмоқдан келдима, Ултонтоз ўлдима?», деб сўраёттир. Ёдгорбек эса отасининг келганидан, душманларнинг ўлганидан доно-доно сўзлаёттир. Олтиной эса йўлини уйлари томон солди, шу кеча кусам саркалар, монғғишонғғи кўчқор қўйлар сўйилиб тонг отар сози-сухбат бўлди. Шомурод ҳам бир чеккада Ёдгорбекка кўз остидан қараб «суф-суф кўз тегмасин, отасидай етилибди», деб ичида кувониб ўтирди. Кўнғиротнинг барча момо-боболари, чеча-халалари ва бачча чақаларию, қиз-жувонларига челиб Ёдгорбекнинг сухбатини тинглади, юртларига бўлган мухаббатлари янада кўпайди. Лекин бу кечага Олтиной билан Ойжамол хола нимагадир келолмади. Шу кеча тонг отиб ҳамма кўчиш тараддусини эрталаб кўра бошлади. Шу пайт оқсоқоллардан бири: «Хов йигитлар, Арасхонга хабар бермай кўчиб кетсак одобдан бўлмас. Чунки, биз кўчиб келганимизда аймоқнинг подшоси Арасхон: «Майли, кўнғиротлар Ўрта дашт яйловига жойлашсин, Алпомиш ва Бойчиборнинг хурматига ҳеч ким бўларга тегинмасин, олиқ-солиқдан озод қилинсин», деган. Бу гапга нима дейсизлар», деди. Шунда бирови: «Жуда тўғри гап, нонини еб дастурхонига туфламайлик. Ҳаммамиз Арасхон подшонинг хурматига эллик-эллик қўйдан тўпласак икки минг бўлади, қўй жаннатдан чикқан, бу порага ўтмайди. Қўйларни совға қилиб, рухсатини олиб қайтсак жуда соз бўлади», деди. Кўнғиротнинг бойлари худди шундай қилиб, Ёдгор бош бўлиб Арасхондан очик-

ойдин, розима-рози рухсат олиб, ўртадаги тушинмовчиликларни ўтин қилишиб, Аймоқдан тинч-омон Бойсунга қараб кўчиб жўнади. Йўлда Ёдгорбек Аймоқдан кела-кела синглим деб тутган, худони бир деган боғбоннинг кизини топиб, «Эй синглим, ёмон кунда мени ўлимдан сақлаб қолдинг, раҳмат сенга! Айт, сени қандай рози қилай, хўп десанг, Бойсунга олиб кетай», деди. Шунда боғбоннинг кизи одоб юзасидан бош эгиб: «Эй акажон, афсонавий Барчиной момонинг садоқати етти иқлимга дoston бўлаётир. Ана шундай покиза аёлнинг дуосини олсанг, сўзига қулоқ солсанг, не деса айтганини қилсанг, яхши-ёмон кунда Олтиной билан ёнида бўлсанг, энанг хурсанд бўлиб кулган чоғда мени эслаб кўйсанг бўлди», деб розилашиб қолди. Сўнг Ёдгорбек катта кучни Кўкқамишга етказиб, энди бора-берасизлар», деб ўзи эртaroқ Бойсунга етиб бориб, онаси Барчиной, отаси Алпомиш билан соғ-омон кўришди. Шунда онаси Ёдгорбекнинг ёлғиз келганини кўриб: «Болам, ўтин териб келганинг йўқма?» деб сўраётган жойи:

Ор талашган ёлғизим,  
Суянчигим кундузим,  
Пешонамда юлдузим,  
Бойсун келган ёр қани?

Сенсан менинг чироғим,  
Қариганда тирагим,  
Кеча-кундуз керагим,  
Бойсун келган ёр қани?

Жийронкушни желдириб,  
Йўлни чангга тўлдириб,  
Уялма эл кулдириб,  
Бойсун келган ёр қани?

Кетган эдинг отланиб,  
Хат хабардан шотланиб,  
Қайт деганда хитланиб,  
Олиб келган ёр қани?

Қани қолган қўнғирот,  
Яшаб юрган омонат,

Ё қилдима хиёнат,  
Тортувлидай эл қани?

Ёки боролмадингма,  
Шер бўб туrolмадингма,  
Отни сўролмадингма,  
Зор-интизор эл қани?

Энангни қилма ҳайрон,  
Номусни бузма вайрон,  
Ё бўлдингма пушаймон,  
Хат юборган эл қани?

Ишинг питмаган бўлса,  
Сўзинг ўтмаган бўлса,  
Номинг кетмаган бўлса,  
Қилич таққанинг бекор.

Гар йўлдан қайтган бўлсанг,  
Ёлғондан айтган бўлсанг,  
Йўлларда ётган бўлсанг,  
Тулпор минганинг бекор.

Шаънимизни хор этиб,  
Интиқ элни зор этиб,  
Қайтган бўлсанг ор этиб,  
Болам деганим бекор.

Алқисса, шунда Ёдгорбек ҳамма сир-совдани, ўтган воқеаларни отаси ва энасига айтиб, тортувли қўнғиротларнинг Кўкқамишда ётганини, отаси Алпомишдан нима дер экан деб фармон кутганини айтиб, «Энажон, йигит от минмайди, от мингандан кейин изига қайтмайди, белига қилич таққандан кейин ё қахрамонлик кўрсатади, ё майдонда шахид бўлади», деб залворли қўлларини кўксига қўйиб, ота-онасига бош эгди. ундан кейин Алпомиш барча тортувли қўнғиротларни кўчириб келиб, ўз ўлан тўшагига жойлаштирди. Қўнғиротнинг қадасини қилиб, дўсти Қоражонни Шомуротникига совчи қилиб юборди. Ҳамма расм-русум ўтгандан кейин Бойсун-Қўнғиротда эл кўрмаган тўй бошланди. Ёдгорбек билан Олтиной ажралган икки уруғни боғлаб, ўзлари ҳам дил-дилдан боғланиб, мурод-

мақсадларига етдилар. Тўйхона четидаги кушхоналарнинг биридан бир бахшининг жарангдор овозига мос сеҳрли созидан шундай сўз ва наволар то тонггача таралиб турди:

Қўнғиротда тўй бўлди ёр-ёр,  
Камбағаллар бой бўлди ёр-ёр,  
Бойсун деган бу элат ёр-ёр,  
Мисли жаннат жой бўлди ёр-ёр.  
Ёдгор билан Олтиной ёр-ёр,  
Таъзим берар пойма-пой ёр-ёр,  
Барчин билан Ойжамол ёр-ёр,  
Иккови чин кудағай ёр-ёр.  
Бир томонда Алпомиш ёр-ёр,  
Шомуротга тайлар беш ёр-ёр...

7-фасл

**АЛПОМИШ ЎТИТЛАРИ,  
АЛПОМИШХОНЛИК ВА  
РИВОЯТЛАР**



## АЛПОМИШ ЎФИТЛАРИ, АЛПОМИШХОНЛИК ВА РИВОЯТЛАР

Халқ тафаккури, дунёқараши, педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумлари унинг бой маънавий мероси — оғзаки ижодида, хусусан, дostonларда эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши, ўсиб улғайиши, турли-туман саргузаштларни баён қилиш жараёнида одоб-ахлоқ муаммоларига кенг ўрин берилади, инсон тарбияси, миллий кадриятлар ҳамиша диққат эътиборда туради. Бу мавзуда айрим тадқиқот ишлари қилинган бўлса-да, аммо уларда Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги асосан четлаб ўтилган. Биз социалистик мафкура туфайли ёш авлодга миллий одоб-ахлоқни эмас, балки ўрисча ёхуд европача тарбияни сингдиришга интилиб келдик. Натижада, халқ дostonлари қатида минг йиллар тажрибаси маҳсули сифатида муҳрланган миллий ва руҳий кадриятларга, анъаналарга асосланган одобномани изчил ўрганиш ва ёш авлодга сингдириш имкони бўлмади.

Бугунги мустақиллик шу хатоларни тугатиш имкони берган бир пайтда, халқ ижодига, жумладан, дostonларга эътибор бериш, улардаги тарбиявий ўринларга диққат қилиб, масъулият билан ёндашиб иш тутиш ўта зарурий вазифалардан биридир. Зеро, маънавийни, маърифатни юксалтириш, ёшлар камолоти учун кураш шу қадимий илдизлар билан боғлиқдир. Шу боисдан Қашқадарё воҳасида яшаб ўтган ва яшаётган Абдулла шоир Нурали ўғли, Умир шоир Сафаров, Қодир бахши Раҳимов, ака-ука Қора ва Чори Умиров, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, Рўзи бахши Қултўраев, Ҳазратқул бахши Худойбердиев, Зоҳир шоир Қўчқоров сингари халқ дostonчилари репертуаридан ёзиб олинган дostonлардаги урф-одатлар, расм-русумлар, одоб-ахлоқ, кадриятларни алоҳида-алоҳида тўплашга ҳаракат қилдик ва бу соҳада 30 босма табоқ ҳажмда материалларни тартибга солдик.

Ушбу мажмуада эса халқ одобномасининг гултожи бўлган ҳикматлардан, ҳикмат даражасига кўтарилган мисралардан намуналарга, «Алпомиш» ва шу туркумга

кирувчи «Ёдгор», «Барчин Бека» дostonларига мурожат қилдик. «Алпомиш» туркумидаги ҳар бир дoston ўзида юксак ғоявий мақсадларни, халқнинг тарихи, кураши, орзу-умидлари-ю интилишларини ифодалаш билан биргаликда, ахлоқ, одоб, яъни халқ педагогикасининг халқона улуғворлик билан ифодаланган ҳикмат даражасидаги иборалар, шеърий сатрлар кўп учрайди. Ўзбек фольклоршунослигида ҳар бир шеърий банднинг дастлабки икки ёхуд мисрасида ҳикмат даражасига кўтарилган фикрни бериш Эргаш Жуманбулбул ўғлида, отабола Қодир ва Қаҳҳор Раҳимовлар ижодида кўп учрайди. Мана, Қаҳҳор бахшидан ёзиб олганимиз «Ёдгор» дostonидан олинган биргина мисолга эътибор беринг.

Ўзал кизнинг ҳусни ойга баробар,  
Ўз элини бўстон қилар тадбиркор.  
Олтинойга кўнгил берма болакай,  
Ул ўзалга бизлар бўлган харидор.  
Авлиё сўзини англаб бил тумор,  
Бир гиёҳ сабаби тузалар бемор.  
Ёш бошингни жабр қилма, укажон,  
Бизларга хўп деган кўзлари хумор...

Жайнар полвон гарчи дostonда салбий образ бўлиб, Ёдгорга қарши сўзлаётган бўлса-да, унинг нутқида ҳикмат мужассам ва у ҳар банднинг дастлабки икки сатрида бериб борилади. Бахши маҳорати шундаки, шу икки сатр ўғитдан сўнгги икки сатрда воқеани — бир эпик қаҳрамоннинг иккинчисига муомаласи, муносабатини кўрсата олади. Биз таъкидлаган уч бахши репертуарида бундай мисоллар истаганча ва шубҳасиз, бу — бахши маҳорати, истеъдоди ҳамда халқ одатномаси, одобномаси, ахлоқномасини чуқур билишидан.

Биз шу сабабли ўзимиз Қодир бахши Раҳимов, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, Қора ва Чори Умировлардан ёзиб олганимиз «Алпомиш» туркумидаги дostonлардан ҳикматларни тўплаб олдик ва уни «Алпомиш ўғитлари» тарзида Сиз азиз ўқувчиларга тақдим этмоқдамиз. Зеро, Алпомиш халқимизнинг идеал қаҳрамони экан,

шу ўғитлар ҳам буюк халқнинг тафаккури билан яратилган доно ҳикматлардир.

*Қора бахши Умиров*

### «АЛПОМИШ» ДОСТОНИДАН

Катта тўйга йиғиб ёши қарисин,  
Фарзандликнинг гапи элга порисин.

\* \* \*

Баланд товнинг боши билгин қояди,  
Ҳаво жовса нор туялар тояди,  
Бефарзанднинг йиққани моли зояди.

\* \* \*

Фарзанд бўлар чопадиган пирогим,  
Орқамда қолмади бирон қарогим  
Изимда ким ёқар иси чирогим.

\* \* \*

Фарзанд деган падарига сояди,  
Фарзандли уй билсанг мисли уяди.

\* \* \*

Фарзандлига бу дунё оромдир,  
Қизинг бўлса сочи тўққиз бурамдир.

\* \* \*

Бир эмчакни эмдик сабил талашиб,  
Бирга ўсдик бир-биримиз силашиб.

\* \* \*

Фарзандсиздан элинг қилди бил ҳазар,  
Билиб кўйгин ёмон шохдан эл безор.

\* \* \*

Ҳақ йўлида танда жоним сотаман.

\* \* \*

Биров юрар бола излаб йўлларда,  
Бола қолар хазон бўлиб қўлларда,



Ҳам боладан, ҳам ёридан айрилиб,  
Сарсон бўлмасинда ота чўлларда

\* \* \*

Жонзод борки, фарзанд дейди тилайди,  
Фарзанд кетса бошдан давлат қулайди.

\* \* \*

Айрилмагинда эл билан,  
Ўралашмагинда гўл билан.

\* \* \*

Ўрдак учади ғоз билан,  
Бахши куйлайди соз билан.

\* \* \*

Мард йигитлар чопар элнинг орига,  
Савдогарлар отар юкни норига.

\* \* \*

Шукур қилгин ул бўлмаса қизинг бор,  
Муна элда ўйнаб ўссин бахтиёр.

\* \* \*

Аллоҳ ҳақдир бир Худога жилайин  
Ризқи-рўзим Яратгандан тилайин.  
Майли ўлсам Ватанимда ўлайин.

\* \* \*

Қўлдан кетмасинда бугун номуслар.

\* \* \*

Учиб-учиб турна топар хилини,  
Қизим эшит энанг айтган тилини.

\* \* \*

Номозимда ҳам суннату фарзим бор,  
Яратгандан жон бермоқлик қарзим бор.

\* \* \*

Элимизда урфи одат шул бўлар,  
Мусофирман ҳорманг, бор бўл қилайин.

\* \* \*

Бунда келиб маслаҳатинг олайин,  
Фарибларнинг ҳолин бориб билайин.  
Халқимизнинг таъмилидир, бегижон,  
Саройингга нонга айтиб келайин.

\* \* \*

Нонга айтсанг билгин тайин келади,  
Орамизда борди-келди бўлади,  
Бўлмаса хасис деб биздан кулади,  
Сахийлигинг ана шунда билади.

\* \* \*

Борди-келди қилсанг яхши ҳаётдир,  
Ярим давлат билгин яхши ниятдир

\* \* \*

Узоқ ернинг ораси,  
Топилар ишнинг чораси.

\* \* \*

Қинғир ишнинг пушаймони сўнг келар,  
Кенгашиб бичилган тўнинг кенг келар.

\* \* \*

Ҳар ким ўз элига бекма, тўрама,  
Қарчиғай қарғага жемтик берама.

\* \* \*

Чилла кирса молхўр тайлар дарага,  
Ҳар бир банда етиб ўлсин қорага

\* \* \*

Йиғилганнинг бари менинг элимдир,  
Икки йўлни сўзлайдиган тилимдир,  
Бири меҳр, иккинчиси зулмдир.

\* \* \*

Бу танглайда сўзлаб турган тил бўлар,  
Фунча бўлса очилади гул бўлар.

\* \* \*

Тентирамай бунда келиб кўрманда,  
Мусофирлик курсин бўлдим шарманда.

\* \* \*

Оқ белдов уйнинг бўлса бўсағаси,  
Мард йигитнинг элда бўлсин тоғаси,  
Зеб беради силанган тўн жоғаси.

\* \* \*

Бегонадан олсин овчи тозини,  
Ўз тозиси туман қилар юзини.

\* \* \*

Саёқ юрган билиб қўйгин тепилар,  
Майдон бўлса бедов отлар чопилар.

\* \* \*

Ёмғир ёғса дагар ерлар хўл бўлар,  
Молни бокса эгиз-эгиз тўл бўлар,  
Қиз демагин ул ўрнида ул бўлар.

\* \* \*

Таъна қилди юрак бағрим эзилади,  
Мунчоқ бўлиб кўздан ёшим тизилди.

\* \* \*

Тулпор отлар қолишмайди жуйрукдан,  
Қўркмагинда закот деган буйрукдан,  
Олисдаги бетайинли қуйрукдан,  
Яқиндаги есанг ўпка яхшироқ.

\* \* \*

Сайлаб минсанг сурувдаги пирокдан,  
Етказди сабил йувиқ-йирокдан.  
Олисдаги ярқираган чирокдан,  
Уйга тушган ой шуъласи яхшироқ.

\* \* \*

Дунё ўтар талашманглар сиз-биздан,  
Сира еманг миллатли бўлган туздан,  
Дигар юртда айтилган катта сўздан,  
Ўз уйингда индамасанг яхшироқ.

\* \* \*

Юрт-кадрин сўранг ғариб бўлгандан,  
Эл кадрин сўранг йиғлаб тургандан,  
Оша юртда подшоҳ бўлиб юргандан,  
Ўз элингда гадо бўлган яхшироқ.

\* \* \*

Бошқа юртда очилмайди гулгунча,  
Сарсон бўлар юртга қайтиб келгунча,  
Миннат бўлиб қанду асал егунча,  
Уйингдаги қаттиқ нонинг яхшироқ.

\* \* \*

Тойталашманг асло номард шерикдан,  
Яхшилиқни кутманг кўнгли ирикдан,  
Ғариб бўлиб мазори йўқ тирикдан,  
Ўз юртида ўлган ўлик яхшироқ.

\* \* \*

Ғариб қулла зор йиғлайди куйгандан,  
Биров фарзандини қучиб суйгандан,  
Қалмоқ бориб нўғай этик кийгандан,  
Бунда қолиб чорик тортган яхшироқ.

\* \* \*

Ғариб бўлиб кўзни ёшлаб тургунча,  
Еган ошга захар солиб бергунча,  
Кашал бориб мусофир бўб юргунча,  
Бунда қолиб закот берган яхшироқ.

\* \* \*

Сув оқмаси сой эмас,  
Кулун бўлмай той эмас.

\* \* \*

Тов бетиде қор бўлар,

Унашган ҳам ёр бўлар,  
Биров олса ёрини,  
Эр йигитга ор бўлар.

\* \* \*

Баландпарвоз гап чикмасин тилингдан,  
Қайтгин дейманг узок сафар йўлингдан.

\* \* \*

Эшитмайин элнинг таъна тошини,  
Бориб айтай ёрим кўзда ёшини.

\* \* \*

Мард йигитнинг агар бўлса бардоши,  
Минган оти бўлар унинг йўлдоши,  
Садоқатли ёри бўлар сирдоши.

\* \* \*

Назаркарда тулпор билар ҳолингни,  
Ари бўлиб излаб топгин болингни.

\* \* \*

Мард йигитлар элга берар бирликни,  
Номард қилар ўз элига хўрликни.

\* \* \*

Усталар ишлатар пўлат қирғини,  
Сулув қизлар севиб олар сургини,  
Ёмон қўшин билмас олди-бергини.

\* \* \*

От чопади қирнинг баланд пастидан,  
Душман юрар ширин жонинг қастидан,  
Эр йигитлар хафа бўлмас дўстидан.

\* \* \*

Йилда билинг икки марта сайилди,  
Ахмоқ одам ўз элига зайилди,  
Худо қилган ишга банда қойилди.

\* \* \*

Йўлда юрсанг билиб юргин тирингни,  
Ҳар кимларга айтма кўнгил сиригни,  
Номардларга берма номус оригни.  
Доим ёд айлагин ота пирингни.

\* \* \*

Ғариб кўрсанг тани қилма сиёсат,  
Омонатга асло қилма хиёнат.

\* \* \*

Эҳтиёт бўл танглайдаги тилиннга,  
Эсон-омон қайтиб келгин элиннга,  
Хўжай Хидир йўлдош бўлсин йўлиннга,  
Шери худо мадад берсин белиннга,  
Олло таола яна кўшсин хилиннга.

\* \* \*

Қулоқ солгин юракдаги нидога,  
Ўлим навбат етар шоҳу гадога.

\* \* \*

Ҳолини билган доноди,  
Ҳар ким тақдирга кўнади.

\* \* \*

Кўнглимда йўқ бирон кирим,  
Изга қайтиш менга ирим.

\* \* \*

Агар қилсам жиндай хато,  
Бошдан тушар кийган пута.

\* \* \*

Номард қилса мардга тухмат.  
Мард айтади унга раҳмат.

\* \* \*

Кимга етар ўлим гали,  
Ҳеч ким билмас уни ҳали.

\* \* \*

Турна учар тўда бўлиб хил билан,  
Ўрдакларнинг завқи келар кўл билан,  
Ёмон курсин куйдиради тил билан.

\* \* \*

Ҳар ким рози бўлар тақдир ишига,  
Номард шерик бўлар марднинг ошига,  
Давлат қўнса бир чивиннинг бошига,  
Семурғ кушлар салом берар қошига.

\* \* \*

Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,  
Ақли расо билар гапнинг тузини.

\* \* \*

Қамчи боссанг от чопади адирга,  
Чин дўстларда шубҳа қолмас гудирга.

\* \* \*

Айрилиқ ўтида бағри пораман,  
Мусофирлик курсин бахти қораман.

\* \* \*

Сув оқади нишаб бўлиб дарага,  
Малҳам бўлгин юракдаги ярага.

\* \* \*

Ҳар ким билар ернинг баланд-пастини,  
Яроқ безар ботир йигит дастини.

\* \* \*

Мард кишининг бўлар экан бардоши,  
Урушли кун билинади саваши,  
Ўлимдан ҳам қўрқадими мард киши.

\* \* \*

Зар қадрини заргар билар,

Ёр кадрини олган билар.

\* \* \*

Тортиб сўйлагин тилингни,  
Майиб қилмагин белингни,  
Қадирлагин ўз элингни.

\* \* \*

Ҳар ким ўз элига бекма, тўрама,  
Ўзи ўлмаи киши молин берама,  
Якка тулки шер чоғлайди ўзини.

\* \* \*

Кимнинг зўрлигини майдон билади,  
Икки киши, билгин бир ўлади.

\* \* \*

Дагар ерда нор туялар тойрилмас,  
Уясида куш қаноти қайрилмас,  
Ўз элингда душман сиртга уйрилмас,  
Шуни билгин эт тирноқдан айрилмас.

\* \* \*

Ўзинг қолиб кўчирасан қизингни,  
Оша юртда шер чоғлама ўзингни.

\* \* \*

Сен эдинг бунда менинг жигарбандим,  
Дастурхонга тўкилган асал-қандим,  
Авлодларга улагувчи пайвандим,  
Элу халқман бирга кетиб борасан,  
Кўрар кўзим омонда бўл, фарзандим.

\* \* \*

Бул майдонда жала каби ёғар ўқ,  
Бечоралар кимни қилар кўнгил тўқ,  
Қолганларни қувиб нима қиласан,  
Фуқарода билиб қўйгин айиб йўқ.

\* \* \*



Энадир бола тенаси,  
Энанинг бўлмас гинаси,  
Энага йўқ бола гуноси.

\* \* \*

Сахийнинг моли жавоб,  
Сағирга берса кўп савоб.

\* \* \*

Пишиб етса данак чиқар чанокдан,  
Шафқат кутма бунда келган кўнокдан.

\* \* \*

Сузай деса, сузар кўли бўлмаса,  
Сўзлай деса, сўзлар тили бўлмаса,  
Йиғлай деса, йиғлар эли бўлмаса,  
Йўқлай деса, йўқлар ули бўлмаса.

\* \* \*

Кечаман ноҳақ баҳридан,  
Ҳайиқиб тухмат захридан,  
Кўрқаман Худо қахридан.

\* \* \*

Оға учун юрак боврим порадир,  
Айрилиқдан юракларим ярадир,  
Солган соянг бул бошима қорадир,  
Ўйлаб кўргин узоқ кетган оғадан,  
Ота учун ёлғиз бола сарадир.

\* \* \*

Ҳар бандага насибани беради,  
Олло берган насибани теради.

\* \* \*

Қилган меҳнатларим кетмасин ҳайиб,  
Давлатинг кетмасин бошингдан тойиб,  
Суягимиз биз хўрласак шул айб,  
Мурда қолар бўлди, ота, бесойиб.

Кўрқоқ бўлиб ётиб ўлган яхшироқ,  
Ор-номуссиз ботир бўлиб юргунча.

\* \* \*

Бўктарилган муна бетда қояма,  
Чинор таги кўланкали сояма,  
Хаво жовмай нор туялар тояма,  
Берар дуонг ёлғизингдан аяма.

\* \* \*

Тирикликда ўғил қизинг кўрайин,  
Эркалатиб кўл ушлашиб юрайин.

\* \* \*

Йиғлаганни кўрсанг кулиб ўтмагин,  
Айбсизнинг ёқасидан тутмагин.  
Хаёллаб қоб юрак боврим сўтмагин,  
Ёлғиз отнинг чанги чиқмас дейдилар,  
Шартим шуки ёлғиз ўзинг кетмагин.

\* \* \*

Душманлардан кўрманг қайғу аламни,  
Кимки чиқса олдингиздан шунқорлар,  
Канда қилманг оғиздаги саломни.

\* \* \*

Яхши одам оша юртда Ҳилолдир,  
Ёмон одам ўз юртида малолдир,  
Танти сўзи тиниқ сувдай зилолдир,  
Кўрқоқликдан берманг асло ваъдани,  
Одам гўшти харом, лабзи ҳалолдир.

\* \* \*

Шерик бўлманг миннатчининг ошига,  
Асло борманг таъмагирнинг қошига,  
Бесар урманг бедов отнинг бошига,  
Дўст душманни билиб юринг бекларим,  
Раҳим қилманг сеҳиргарнинг ёшига.

\* \* \*

Манман бўлиб талтайишиб кетманглар,  
Мард бўлсанглар таъна тошин отманглар.  
Ёлғизимни кўзи сўқдай яширдим,  
Азиз бошин бир Аллоҳга топширдим.

\* \* \*

Талашгани тоғанг йўқ,  
Орлашгани оғанг йўқ,

\* \* \*

Оқ ўтовга ёпганлари банотдир,  
Билгин, болам, она юртинг қанотдир.

\* \* \*

Оқизмасин ота-эна ёшини,  
Йиғлатмагин қавми-қариндошини,  
Омон сақла бегим ёлғиз бошини.

\* \* \*

Оға кетса эмчакдоши ер мушлар,  
Бола кетса ота-эна гўр тишлар,  
Дўст йиғлайди, душман итни олқишлар,  
Ёлғон чиқсин элда, юрган миш-мишлар.

\* \* \*

Гул очилар баҳорда,  
Булбул сайрар саҳарда,  
Миннатли ош заҳарда.

\* \* \*

Худодан бeфaрмон ишлар бўлама,  
Қазо тўлмаи қашқа чивин ўлама.

\* \* \*

Худо раҳм қилгай кўзда ёшима,  
Насиб бўлса чивин қўнмас ошима.

\* \* \*

Холин билган киши беклар донодир,  
Сабр қилсанг бошга давлат қўнади.

\* \* \*

Чўпон тортади чигирди,  
Эчки ўтлайди чоғирди,  
Қазо тўганга оғирди,  
Ортида қолган сағирди.

\* \* \*

Йилинг яхши келса молинг ойники,  
Йилинг ёмон келса молинг сойники.

\* \* \*

Қишлар кетиб бул бияга хут келди,  
Фунон кетган ёлғиз бола бут келди.

\* \* \*

Кўкрак кериб сўзлар сўзим бормисан,  
Элга берар нону тузим бормисан,  
Бул дунёни кўрар кўзим бормисан,  
Ов қиларга олғир тозим бормисан,  
Бахтимизга эрка кўзим бормисан?

\* \* \*

Бошга тушса айрилик,  
Номард бўлиб додлама.  
Насибанг бўлса тайин,  
Нари кетиб ҳатлама.

\* \* \*

Кўнгли ярим бир томони жўликди,  
Етти йилдан бери кутиб толикди,  
Ит семирса чиқаради қилиқди.

\* \* \*

Захар тушса билинг сағир бошига,  
Чидаб бўлмас кўздан оққан ёшига.

\* \* \*

Турна учиб айрилганда хилидан,  
Қузғун деган куш чиқармиш йўлидан,  
Кулар эмиш якка турна ҳолидан.

\* \* \*

Боғда гуллар очилганда сўлмасин,  
Бола қолиб ота эрта ўлмасин.

\* \* \*

Шамол турса шотирлайди шотерак,  
Бандаларга ўлим учун йўқ дарак.

\* \* \*

Бул юришда бир кун умр ўтадир,  
Ажал келса бул тоғадан тутадир,  
Тоға бўлиб сенга бир гап айтаман,  
Ота йўкса билгин тоға отадир.

\* \* \*

Ғийбатингнинг кўп бўлади куниси,  
Одамзодга ёмон бўлар шуниси.

\* \* \*

Бир кун келиб ғариб кўнглим ўсарда,  
Бегим ўлса, бек ўрнида бекчам бор,  
От изини шу тойчоғим босарда.

\* \* \*

Оллоҳ дейман яратганга жилайман,  
Бир Оллодан соғлигингни тилайман,  
Мадат берсин ота пири Сулаймон,  
Эрга тийиб эр кучоқлаб ётгунча,  
Сағиримнинг ёлғиз бошин силайман.

\* \* \*

Қарға, қузғун қўнама,  
Лочин қўнган тўшима?

\* \* \*

Яхшининг иши қизикди,  
Ёмоннинг иши бузикди,  
Дононинг сўзи қизикди,  
Нодоннинг сўзи қозикди.

\* \* \*

Омон экан бекнинг боши,  
Асал бўлар еган оши.

\* \* \*

Дарё бўлса агар ёйик,  
Сузолмайди унда қайик.

\* \* \*

Хуриллаган олов бир кун сўнади,  
Кетмас давлат охир бошга кўнади.

\* \* \*

Отасининг оёғини тавоб қиб,  
От устидан кўтаради олади.

\* \* \*

Ўзга юртни сира қилма сен хумор,  
Одамзотнинг охир бир кун кўз юмар.  
Ўлган кунинг ғарибликда ким кўмар,  
Ўз юртингни қилсанг арзир кўз тумор.

\* \* \*

Бўлар экан бегонанинг озори,  
Қизик бўлар ўз элингнинг бозори.

\* \* \*

Тирикликка зийнат бўлган ҳаётдир,  
Тан сихатлик ҳаммасидан зиёддир.

\* \* \*

Қодир бўлган оға-ини тенг бўлар,  
Бири жоға бўлса, бири женг бўлар,  
Араз уриш сизга эмас муносиб,  
Мард кишининг орқа олди тенг бўлар.

\* \* \*

Айрилиқни кўрмай киши жун бўлмас,  
Ошланмасдан билгин тери кун бўлмас,  
Етар энди шунча қилган аразинг,

Женг, жоғасиз кийган билан жүн бұлмас.

\* \* \*

Ўпка омон бұлса кетар қақирик,  
Овуз меҳр бұлса, гина туқирик,  
Ака-ука аразлашмоқ мақурик,  
Кичик дарё бұлса, катта кўпирик.

\* \* \*

Юрган билан туя толмас оёқдан,  
Оққаб келса букмас форма, қиёқдан.

*Қаҳқор бахши Қодир ўғли*

### «БЕВА БАРЧИН» ДОСТОНИДАН

Султон бўлар, оға, эрнинг оғаси,  
Сўралади мард йигитнинг тоғаси,

\* \* \*

Фам тушганда гўнг темирни кемирар,  
Эр ўлганда ифлос хотин семирар.

\* \* \*

Ёмон фарзанд отасига дардисар,  
Ўз халқига қанот бўлар зўравор.

\* \* \*

Агар бұлса худойимдан фармоним,  
Ушаларди ўйлаб юрган армоним.

\* \* \*

Амир келса танадан жон узилар,  
Қаҳр билан обод юртлар бузилар.

\* \* \*

Тойиб кетса оҳ уради қора нор,  
Мингга кучик бир йўлбарсга баробар.

\* \* \*

Чала бўлар, гапнинг қуруғи,

Шуъла бермас бeфaрзaнднинг ёруғи.

\* \* \*

Севганимнинг орқа сочи бир кулоч,  
Шу сочига малайкалар меҳринг соч.

\* \* \*

Иш билмаслар эли юртда кулгидир,  
Сулув қизнинг қош қоқиши ўлгудир.  
Ўрмонда йўлбарснинг изи белгидир.

\* \* \*

Катта тоғнинг бошин чалар тумана,  
Яшин тушса одамзотга ёмона.

\* \* \*

От совиса чопганида ҳоримас,  
Доно одам ёшлигида қаримас.

\* \* \*

Исбот қилинмаган гаплар хатоди,  
Булут кўчса тоғ бетини жойлайди,  
Ёмғир қуйса тош устини мойлади.

\* \* \*

Миннат қилса чўпон қўйни боқмасин,  
Қўй думига боғиб шотмоқ тақмасин.

\* \* \*

Дўст худонинг номи экан, султоним.

\* \* \*

Номард одам айтган сўздан тонади,  
Мардни кўрса юрар йўли панади.

\* \* \*

Сафар кетган одам билинг ойлайди,  
Топганини хўржинига жойлайди.

\* \* \*

Мард йигитга фойда бермас доду дод,



Шоҳ эгилса шу кун бўлар қиёмат.

\* \* \*

Султон бўлар худойимнинг сояси,  
Тулпорга панд бермас ғўза пояси,  
Яхшиликка бўлсин эгам ғояси.  
Баланд бўлар ғайратлининг давлати,  
Давлатига ярашади савлати.

\* \* \*

Сув тўпланса ер қолади ирқиллаб,  
Тақир жойдан кийик қочар дирқиллаб.

\* \* \*

Яшин тушса, тушган жойи шовшайди,  
Хатто товлар зилзила қиб бўшайди.

\* \* \*

Гўзал бўлар тоғлар боши қор бўлса,  
Йигит хурсанд кучоғида ёр бўлса.

\* \* \*

Интиқ сўзнинг билинади белгиси,  
Қумовининг ҳеч келмайди кулгуси,  
Панд беради қирмов жипнинг салқиси.

\* \* \*

Ахмоқ кўрсин доим толпиш сўзлайди,  
Гарди гурди буюкликни кўзлайди.

\* \* \*

Ҳар бир сўзни сусиб кетсанг қиласан,  
Шалпоқ бўлсанг узоқ бормаи ўласан.

\* \* \*

Ўйловсизнинг гапларида тухмат бор,  
Салтанатда сенинг учун ҳиммат бор.

\* \* \*

Сал ботирлар элда бўлар ҳукмдор,

Ганда шўрнинг кўрган куни хору зор.

\* \* \*

Қатралар йиғилса дарё тошади,  
Баҳорда далалар сел бўб жўшади.

\* \* \*

Фасллар алмашар ёмғирли қорли,  
Ичида баҳорой гулдай аҳорли.

\* \* \*

Номардлар эл учун ботқоқ кечмагай,  
Отангнинг чироғи ҳайҳот ўчмагай.

\* \* \*

Савдогарлар оша юртни излайди,  
Хаёлида жавҳар тилла кўзлайди.

\* \* \*

Ғийбатдан чарчайди инсоннинг жони,  
Гап қувса тўкилар баданнинг кони.

\* \* \*

Ғийбатдан кетмасин танадан бошлар,  
Бошингга етмасин топган миш-мишлар.

\* \* \*

Бемаҳал осмонда ойлар тўлғанмас,  
Чечаклар сарғайиб эрта сўлғанмас.

\* \* \*

Йигитнинг билинар ишда меҳнати,  
Меҳнатга чорласа бордир ҳиммати.

\* \* \*

Инсоннинг меҳнати тақсинга лойиқ,  
Бўлганда ардоқлар, эл-юрт, ҳалойиқ.  
Иккинчи олдимга кирсанг гап қувиб,  
Қонингдан ўсади арпа, буғдойиқ.

\* \* \*

Санам қизнинг ибоси ҳам бир чирой,  
Ёрга бокса ярашади пойма-пой.

\* \* \*

Фарзанд бўлар отасининг тираги,  
Бефарзанднинг ёниб ўтар юраги.

\* \* \*

Юрмас ҳайвон қирни баланд чоғлайди,  
Бирга юрсанг юрак бағринг доғлайди.

\* \* \*

Қуёш ботса ғафлат тушар юзинга,  
Азоб тортсанг дунё тордир кўзингга.

\* \* \*

Адашганлар бир-бирини чақирар,  
Бузоқ ўлса сутли инак бўкирар.

\* \* \*

Давлат кетса одам шошар йўлидан,  
Фаҳмсизнинг кўп хатоси тилидан.

\* \* \*

Туман, тушса қўй ёйилмас жоғалаб,  
Тоға ўлса жиян йиғлар тоғалаб.

\* \* \*

Метин бўлар фарзандсизнинг қалъаси,  
Ёлғиз шўрнинг кўзидадир жаласи.

\* \* \*

Офат тушса товлар кетар жорилиб,  
Ёниб кетар арча, заранг урилиб.

\* \* \*

Меҳринг бўлса душман бўлар меҳрибон,  
Ҳадя қилар сенинг учун ширин жон.

\* \* \*

Мард йигитдан доим кўрқар адоват,  
Эл-улусга имкон берар адолат.

\* \* \*

Вақти келса осмонда ой тўлмайма,  
Ёшлигимда банда ўйнаб кулмайма,  
Муштипарнинг ярашиги бўлмайма?

\* \* \*

Баҳор келса Худо берар ҳавони,  
Касалмандга ўзи берсин давони.

\* \* \*

Подобонлар ёлғиз қўймас бияни,  
Эсинг бўлса бўкиртирма туяни.

\* \* \*

Кўп топилса гўрга тикар олтин-зар,  
Топилгунча лекин қилар дарбадар.

\* \* \*

Худойимдан бўлсин дейман адолат,  
Қил кўприкка таялгандир салтанат.

\* \* \*

Фақир одам шукур қилар кунига,  
Боролмайди олифтанинг ёнига.

\* \* \*

Жоним, эна, темирни занг чиритар,  
Одамзодни найлайн ғам қуритар.  
Сен йиғласанг қумуш сочинг ёйилиб,  
Кўз ёшларинг суягимни иритар.

\* \* \*

Ўтинчилар ўтин терар орқалаб,  
Ўқ илонлар сувда сўзар морқалаб.

\* \* \*

Булутлар пасайса чайқалар қўллар,

Чаман ичра завқ қилади булбуллар.

\* \* \*

Сел келганда жилға сойлар тўлмасми,  
Тошқин, тошса қишлоқ вайрон бўлмасми?

\* \* \*

Баланд бўлар баланд тоғнинг қияси,  
Эл-улусга тушсин худом зиёси.

\* \* \*

Номозхонлар саҳар вақти турмайма,  
Тараф қилиб саждага бош урмайма.

\* \* \*

Бефарзанднинг иморати нурайди,  
Шунинг учун инсон тирноқ сўрайди.

\* \* \*

Кескир пўлат кесиб ўтар ҳавони,  
Мен ғарибга Худо берсин давони.

\* \* \*

Худо берган давлат соғсанг кетмайди,  
Қалб яраси найлай, болам, битмайди.

\* \* \*

Тортган соғинчининг жаврини,  
Она-юрт босди ҳоврини.

\* \* \*

Жавза кирса кўк майсалар қурийди,  
Қийғос гуллар кўп ёмғирда чирийди,  
Ҳақнинг сўзи доим элга порийди.

\* \* \*

Гўзал қизлар кўрк беради шайланиб,  
Ҳаёлингни олар билсанг айланиб.

\* \* \*

Гидамни бузади ўрмакнинг боди.

\* \* \*

Кимга етар шўрнинг войи,  
Бўсагадан бўлар жойи.

\* \* \*

Ёлғизнинг чилтон эгаси.

\* \* \*

Дўстлик худонинг отидир,  
Инсон эгамнинг зотидир.

\* \* \*

Сипойилар пилаб ичар чойини,  
Ёмон хотин эрта тўшар жойини.

\* \* \*

Куйган одам кеча-кундуз жўртади,  
Камбағалнинг бир томири тортади.

\* \* \*

Ҳар бандага она-юрти зар экан,  
Бегона юрт зиндан экан, тор экан.

\* \* \*

Хизматингни қилсин гулдай зулфакдор,  
Йигит турса обод бўлар кирдикор.

\* \* \*

Адоқ бетдан шамол турса чуркираб,  
Курт-кумурсқа ин излайди чиркираб.

\* \* \*

Доно одам элга меҳрин тайлармиш,  
Донишманд эл бир-бирини сийлармиш,  
Адолатдан, ор-номусдан куйлармиш.

\* \* \*

Ёлғончида инсон бўлсин меҳрибон,  
Ана шунда азоб тортмас ширин жон.

\* \* \*

Сулув қизлар қўш кокилин тарайди,

Бир-бирига ким гўзал деб қарайди.

\* \* \*

Ёмон курсин, доим юрар зитланиб,  
Ўлгунича яшаб ўтар хитланиб.

\* \* \*

Туркман овул гала қилар туяни,  
Тулпор отнинг ҳеч тиймайди зиёни.

\* \* \*

Фарзанд бўлар одамзоднинг питаси,  
Ёмон экан тухмат гапнинг ситаси.

\* \* \*

Чечанликда тил бўлар,  
Донога юрт эл бўлар.  
Йўлбарс қарға тувганмас,  
Қул боласи қул бўлар.

\* \* \*

Давлатмандлар доим сўзлар керилиб,  
Дангасалар элдан кетар урилиб.

\* \* \*

Терскай бетга қовун-тарвуз битади,  
Ишлов берса сувмешдай бўб кетади.

\* \* \*

Камбағаллар доим бўлар кадрдон,  
Бир-бирига маслаҳатчи, меҳрибон.

\* \* \*

Яхши фарзанд ёмон кунда жорайди,  
Доно бўлса эл-улусни сўрайди.

\* \* \*

Ёмон улнинг элга тийар зиёни,  
Яхши бўлса тошдан олар гиёни,

\* \* \*

Меҳнаткашга Худо ўзи қарашар,  
Қидирган одам доим қир ошар.

\* \* \*

Зилол сувлар ором берар тепага,  
Тили билан одам ботар гунага.

\* \* \*

Яхши тилга одам кўнгил шод бўлар,  
Мард йигитнинг ҳамройи от бўлар.

\* \* \*

Сафар чиққан мешни сувга тўлдирад,  
Яхши хотин доим эрин кулдирад.

\* \* \*

Вақти келса осмонда ой тўлмайма,  
Қуёш чиқса чечак гуллар кулмайма.

\* \* \*

Бу дунёнинг фароғати иш бермас,  
Ёмон бўлсанг охиратда хуш кўрмас.

\* \* \*

Ёмонликни билсанг болам оғудир,  
Заковатли инсон элда охудир.

\* \* \*

Ёлғончининг ҳаловати ўткинчи,  
Мол-дунёнинг қўл киридай кетгинчи.

\* \* \*

Очув келса ичинга ют, ўтасан  
Тухмат келса тош мисоли отасан.  
Жоним болам, тик қарама энага,  
Насиб бўлса мурудинга етасан.

\* \* \*

Фароғатда ўтмас одамнинг жони,



Бир куни шод бўлса, қора бир куни.

\* \* \*

Қуриб кетсин амал вафо қилмайди,  
Ўйлаганинг ҳар доим ҳам бўлмайди.  
Элатингни асло қилма норози,  
Қайғу тортса гўринг нурга тўлмайди.

\* \* \*

Ёшим кетиб ажал паймон тўлгандир,  
Не хунарим бўлса элда қолгандир.  
Ўтиб кетди уч юз олтамиш пайғамбар,  
Доноларнинг доно иши қолгандир.

\* \* \*

Менинг' учун давлат эмас олтин зар,  
Кўп шодликнинг охир бир кун гами бор.

\* \* \*

Гала кўппак бир лочинга ёпишар,  
Ғажир бўлиб тепасига қопишар,  
Ақли бор ўз тенгига топишар.

\* \* \*

Султон суягини билсанг, хўрламас,  
Меҳнат қилмай шўр пешона терламас.

\* \* \*

Ботир одам белга камар чолмайма,  
Қаҳрланса тоғни талқон қилмайма,  
Берган нонни хурмат қилсанг бўлмайма.

\* \* \*

Терскай бетдан асли шамол турганми,  
Тошга дони сепсанг ҳосил берганми.

\* \* \*

Қарға билан кузғунларга султоним,  
Инсон бўлсанг умидингни боғлама.

\* \* \*

Давлат кўнса қошқа чибин бошига,

Семурғ кушлар салом берар қошига.

\* \* \*

Зўрлик билан ҳеч ким топмас муродни,  
Яхши сўзман ҳамма ниятга етган.

\* \* \*

Яхши эркак пес хотинга тенг бўлмас,  
Кўкшал турпоқ минг ийласанг санг бўлмас.  
Бефарзандга бул дунёинг кенг бўлмас.  
Доно инсон мудом ниятга етган.

\* \* \*

Яхши фарзанд отасига давлатдир,  
Ёмон хотин рўзфорингда кулфатдир.  
Ақл сўзнинг ҳар ҳарфи ҳам қимматдир,  
Билган одам оби-роҳатга етган.

\* \* \*

Дўст дегани билсанг худонинг оти,  
Ҳурмат қилмоқ ҳар банданинг ҳиммати,  
Ерга эгилмасин доно синмати,  
Ёмон кунга сендай олчоқлар етган.

\* \* \*

Рамазоннинг тўлин ойи сўлганмас,  
Аза кунда ақли борлар кулганмас.

\* \* \*

Йигит бўлсанг номахрамни ушлама,  
Беникоҳга бориб кўнглинг хушлама.

\* \* \*

Яхши одам ҳар сўзини ўйлайди,  
Соз гапириб эл қалбига жойлайди.

\* \* \*

Ярашиққа тоғилади сувдона,  
Тоғ бошида тебранади седана.

\* \* \*

Гулга ўхшар сулув қизлар нозланса  
Ўтдай ёқар кўз олдингда созланса.  
Бул дунёнинг ўтар экан жаннатдай,  
Ҳар инсонда яхши ният кўзланса.

\* \* \*

Сулув қизнинг юзи олмага ўхшар,  
Бирдан боқсанг барча томиринг бўшар,  
Шакар лаби қимирласа, султоним,  
Оқ суягинг оҳарланишдан қақшар.

\* \* \*

Бир йигитнинг уч келади даврони,  
Тўғри келса бўлмай ўтар армони.

\* \* \*

Ўз ҳолини билган одам донади,  
Ўғрининг икки кўзи ёнади.

\* \* \*

Чанг бўлмасин йил фаслнинг баҳори,  
Тўзон бўлса кўкдан ёғар захари.

\* \* \*

Ҳар банданинг душмани бор, дўсти бор,  
Ўз қадрини йўқотмайди эси бор.

\* \* \*

Хўп дегани қиз-жувонлар эгилса,  
Давлат кетар дона йўлдан жигилса.

\* \* \*

Қалта хотин тул қилади улингди,  
Тирик хотин тўлдирмайди кўлингди,  
Узун бўйли, тўла бўлса хотининг,  
Тонг отгунча уқалайди белингди.

\* \* \*

Гўзал хотин қаритмайди эрини,  
Хунук бўлса эрнинг берар шўрини,  
Ўтар кунда даврингни сур лочиним,  
Ўлар бўлсанг кучоклаб ул парини.

\* \* \*

Ишчи хотин бир эркакка давлатдир,  
Иш ёкмаса рўзгоринга кулфа дир,  
Бул дунёда чертиб-чертиб сайлагин,  
Бўйдор хотин бир юрсанг савлатдир.

\* \* \*

Майда хотин кўп қилади гапини,  
Гийбат гапга тўлдиради қопини,  
Терак бўлса агар сенинг олганинг,  
Иш буюрсанг доим қилар чапини.

\* \* \*

Ўз холини билмай ўтар бир неча,  
Қийматини ерга урмас бойбича.

\* \* \*

Битта йўлбарс минг тозига тенг бўлар,  
Катта ўрмон икки шерга тенг бўлар.

\* \* \*

Доно одам сўзни чертиб сўзлайди,  
Ҳар гапини қимматини ўйлайди.

\* \* \*

Азоб тортган одам билинг кулмайди,  
Ноқирснинг ҳеч давлати тўлмайди.

\* \* \*

Қайтар овса қозикда қор турмайди,  
Иримкашлар сешанба кун юрмайди.  
Гоҳо инсон яхшилиқни кўрмайди.

\* \* \*

Сувли ерда ҳаёт ўтар ўзгача,  
Минг мўъжиза юзин очар кузгача.

\* \* \*

Чўл жойларнинг шамоли бор, гарди бор,  
Ҳар уруғнинг баҳодири, марди бор.

\* \* \*

Тулпор отлар бир кун ўлар жомонлаб,  
Нокас одам кун ўтқарар гумонлаб.

\* \* \*

Қиров тушса от туёғи тояди,  
Бетақларнинг ҳар бир кунни зияди.

\* \* \*

Ота ўлса бир кун фарзанд қолади,  
Бефарзандни кўрса нокас кулади.

\* \* \*

Ўйлагали ўйи йўқ,  
Бўйлагали бўйи йўқ.

\* \* \*

Пойгачи от товуш берсанг чўпчийди,  
Баҳор келса ернинг бети кўпчийди.

\* \* \*

Қазо тўлмай қашқа чибин ўлмайди,  
Баҳор келса очилган гул сўлмайди.

\* \* \*

Тупроқларга тенг қилмади тепангни,  
Йигит бўлиб обод қилгин хонангни.

\* \* \*

Худо десанг тоғлар эгар бошини,  
Санг сайноқлар сув қиб эзар тошини.

\* \* \*

Сабр қилсанг хова пишар йўлингдан,  
Худойимни ташламагин тилингдан.

\* \* \*

Бу дунёга ака, мен ҳам бўлдим лол,  
Мардлар ўлиб номард юрар бемалол.

\* \* \*

Бемуродлар элдан кетар дарбадар,  
Шунинг билан вайрон бўлар кирдикор.

\* \* \*

Баланд бўлса доноларнинг химмати,  
Хар даврада ошиб борар қиммати.

\* \* \*

Мусурмонсан имонингдан кечмагин,  
Ҳақни қўйиб шайтон йўлга қочмагил.

\* \* \*

Остонадан ҳамма қилар тавобди,  
Йигит бўлсанг дадил сўзла жавобди.

\* \* \*

Ўлганларга куйинма,  
Арвосига тийинма.

\* \* \*

Мард йигитнинг тоғдай баланд уйи бор,  
Хар даврада белгиланган жойи бор.

\* \* \*

Дунё деган ака, шундай айланар,  
Ёмон одам ҳисга бойланар.

\* \* \*

Чечан одам гапни гапга улайди,  
Куйган банда ҳар бир гапга жилайди.

\* \* \*

Нокас одам қимматини йўқотар,  
Сўзи билан мард одамга сўз қотар.

\* \* \*

Йигит ўлса вайрон бўлар кирдикор,  
Ўз элини кўмсаб ўлар дарбадар.

\* \* \*

Яхши фарзанд йиғиб олар эсини,  
Донишмандлар хафа қилмас дўстини.

\* \* \*

Яхши одам муродига етказар,  
Яхши мардум ишинг тушса битказар,  
Ширин сўз ҳам қалбдан дардни кетказар,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Бир хил хайвон эгасини тепади,  
Азоб тушса юрмас эшак чопади,  
Яхши фарзанд юртига нур сепади,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Суянгани Ҳаким ери бўлмаса,  
Чақирганда ёлғон фарзанд келмаса,  
Чой ичганда дастурхони тўлмаса,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Ҳар баданнинг тилидандир гиналар,  
Мард одамлар ёмон кунда синалар.  
Ёлғизгина зор қақшаса эналар,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Мен муштипар йиғлаб-йиғлаб ўтарман,  
У дунёга балки куйиб кетарман,  
Бойсун кетсанг суйиб-суйиб етарман,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Шаън булганса муштипардан зар кетар,  
Покизадан номус билан ор кетар,  
Тоғ бошидан ҳатто бўктар қор кетар,  
Оғам бўлсанг энангдан ол хабарни.

\* \* \*

Поқизадир Кўнғиротнинг қизлари,  
Шу сабабдан олтинга тенг сўзлари.  
Ойга менгзалади элим нозлари,  
Мени десанг юртингдан ол хабарни.

\* \* \*

Султон билсанг суягини хўрламас,  
Салқин тушмай қўй жонтоқдан ўрламас,  
Мард йигитлар бир бевани зўрламас.

\* \* \*

Жала қуйиб қоя кетар,  
Қуёш ботиб соя кетар.

\* \* \*

Туман кетиб тоғ бошида қор қолар,  
Мард йигитда номус билан ор қолар.  
Туя ўлса орқасидан нор қолар.

\* \* \*

Ит қутирса унинг тенги сув бўлар,  
Душман қочса орқасидан қув бўлар.  
Сағир шўрнинг калласи ҳам қув бўлар.

\* \* \*

Адашганнинг худо бўлар йўлдоши,  
Оти бўлса ҳамирайи, тилдоши.

\* \* \*

Куюк тушса кўздан оқар селоб ёш,  
Бундай кунга мардлар беради бардош.

\* \* \*

Тоғ қайтарар табиатнинг ҳоврини,  
Шул сабабдан булут ташлар боврини.



\* \* \*

Доно бўлса ошар одам ҳиммати,  
Эъзозланар сини билан симмати.

\* \* \*

Улуғ бўлсин ҳар банданинг авлоди,  
Камаймасин оқ кўнгилнинг давлати.

\* \* \*

Қиз, келинни суйинглар,  
Сочини мойлаб туйинглар.

\* \* \*

Азаб тушса от ҳайдалар кечага,  
Жуқ жўғатсанг чопасан ҳар кўчага.

\* \* \*

Намозшомда сайрамайди қарчиғай,  
Бойўғли қуш кукуллайди пойма-пой.

\* \* \*

Бева билан тенг бўлмоқлик қабоҳат.

\* \* \*

Мингта бўри босолмайди бўрини,  
Бўри кезар товнинг ўри, қирини.

\* \* \*

Панд беради ҳар бир гапнинг қуруғи,  
Қирқ касалга даво ширбос қуйруғи.

\* \* \*

Биров келса биров кетар бошма-бош,  
Совчи бўлмас бир-бирига эмчакдош.

\* \* \*

Ёлғизга бермасин Худо ўлимни,  
Ёлғиз кетса кўрғон қолар бесоиб.

\* \* \*

Муштипарга бўлсин аввали эга,

Тулпорга ярашар олтиндан тўга.

\* \* \*

Баҳор келса ҳар тармоқдан сув оқар,  
Чечак ўсиб қуёшга кулиб боқар.

\* \* \*

Айрилган банда зор экан,  
Камбағал доим хор экан.

\* \* \*

Қиё бетдан нор туялар юрмайди,  
Машрикдан тентак шамол турмайди.

\* \* \*

Одам йўқда бир пул олтин қиммати,  
Донишманднинг баланд бўлар ҳиммати.

\* \* \*

Тўйган одам нонни сермаб отади,  
Лекин билмас қанча совоб кетади.

\* \* \*

Мард йигитнинг аввал бўлсин тоғаси,  
Ундан кейин тўрт-беш бўлса оғаси.

\* \* \*

Сағир шўрга яхши кунлар бўлмайма,  
Фарзанд қолиб ота ишин қилмайма.

\* \* \*

Касал берар суйган қулга худойим,  
Ёлғиз бўлиб ўйилгандир манглайим.

\* \* \*

Одамзоддан тилаб олманг иззатни,  
Тиласангиз туширасиз ҳимматни.

\* \* \*

Йўл четида гуркирайди қатор тол,  
Сув кеб турса барг ёзади бемалол.

\* \* \*

Йигит бўлсанг эл ичида йиғлама,  
Ғанимингга бориб бағринг доғлама.  
Ҳар нарсанинг пойимига бор болам,  
Ёлғон сўзлаб нафсинг ўтга боғлама.

\* \* \*

Совуқ бўлса ернинг бети музлайди,  
Меҳнат тушган беклар отни тезлайди.

\* \* \*

Яшин тушса ернинг бети куюди,  
Токқа чирай берган билсанг қоядир.  
Кўпқарида от туёғи тояди.

\* \* \*

Аканг бўлса эл оралаб чопманглар,  
Қўл кўтариб қумли ерни тепманглар.  
Нима бўлса эҳтиёт бўл фарзандим,  
Азоб тортиб нор туядай чўкманглар.

\* \* \*

Мард одамнинг элга тегар фойдаси,  
Кўп кўримсиз бўлар одам майдаси.

\* \* \*

Асалнинг ҳам ками маза беради,  
Кўк сигирлар сутни тоза беради.

\* \* \*

Туман чалар баланд товнинг бетини,  
Шифо қиб ич кўк инакнинг сутини.

\* \* \*

Туркман тайлар кўпқарига бағрини,  
Ўз устаси ишлатсинда киргини.

\* \* \*

Сулув қизлар қилар элда сайилди,  
Мард йигитга эли халқи қойилди.

\* \* \*

Тулпор пойгада ўзади,  
Ёмон элини бузади.

\* \* \*

Келинчаклар гул деб кўрар улини,  
Журбакласа маҳкам бойлар белини.

\* \* \*

Бўй қизларнинг болам, нози бўлади,  
Жовдираган икки кўзи бўлади.

\* \* \*

Осмон бетда жонланади жистаган,  
Очкўзларнинг ризқин эгам питаган.

\* \* \*

Фарзанд бўлар одамзоднинг меваси,  
Юртга тегар бир эшоннинг дуоси.  
Яхши ўғил отасига давлатдир,  
Суянч бўлса келар элнинг хаваси.

\* \* \*

Ҳар инсоннинг ори бор,  
Эшони бор, пири бор.

\* \* \*

Ой қиблага ботади,  
Манманлик кўп хатоди.

\* \* \*

Бу дунёнинг ўртади,  
Камбағал шўр жўртади.

\* \* \*

Бу дунёнинг ўтади,  
Нечов келиб кетади.

\* \* \*

Обод бўлсин бекнинг орти,  
Гуллаб-яшнаб турсин юрти.

\* \* \*

Хўрлама кўзи сузукни,  
Доим синдиргин бузукни.

\* \* \*

Суйма юзи бужурларни,  
Тез оқтала айғирларни.

\* \* \*

Тушун одамнинг тилини,  
Лекин камситма элини.

\* \* \*

Уйга зеб беради гиламлар,  
Қайтиб келмайди бу дамлар.

\* \* \*

Элингда бўлма дарбадар,  
Вайрон бўлмасин кирдикор.

\* \* \*

Сен ўлсанг ҳар кунги қуёш чарақлар,  
Ой чиқар кечаси, ишшо ярақлар.  
Сен кўрган даврдай кун-тун алмашар,  
Ҳеч нарса ўзгармай, ёнар чироклар.

\* \* \*

Кераксиз тошлар ҳам мудом сукутда,  
Қоялар гердайиб қўй-қўзи ўтда.  
Сен ўлсанг табиат тортмайди фиғон,  
Какликлар чарх урар ҳай тикка бетда.

\* \* \*

Сувлар доимгидек оқар шаркираб,  
Тиллолар ҳаёлинг олар яркираб,  
Сен эса унут бўб кетарсан сингиб,

Ёш авлод даврини сураб қарқараб.

\* \* \*

Лекин одамзодда ўзгариш бўлар,  
Бу дунё ё нурга, ё ғамга тўлар.  
Шаҳару кишлоқлар ўзгарар мудом,  
Ўлганларда фақат оқибат қолар.

\* \* \*

Бир куни оламдан мен ҳам ўтарман,  
Элнинг дуосини олиб кетарман.  
Орқамда қолмоқда мендан зурриёт,  
Шунингсиз армонсиз бўлиб етарман.

*Қаҳҳор бахши Раҳимов*

### «ЁДГОР» ДОСТОНИДАН

Сўзлайдиган одамзодда тил бўлсин,  
Кетар бўлса кимхоб тўни мўл бўлсин.

\* \* \*

Мен ҳайқирсам дарё қолар пишқириб,  
Бир силкинсам шамол жўнар ишқириб,  
Кимлигимни кўрсатайин Барчинга,  
Мени кўрса қочиб юрсин тушқириб.

\* \* \*

Илми ожиз равшанлик не кўролмас,  
Ёлғиз одам даврон берсанг суролмас.

\* \* \*

Гул даврада гулгин шароб ичилар,  
Қайғу кетиб дўстга қучоқ очилар.

\* \* \*

Тулпор отлар ўри қирга баробар,  
Номус-орин сотармикан зўравор.

\* \* \*

Фарзандининг ота бошин силайди,  
Куйган одам хўрлиги кеб жилайди.

\* \* \*

Калбимни кемирса ғам тўла ғубор,  
Рўзгорим кўпкари гул тенам бозор,  
Шунда ҳам малъунга тикка боқаман,  
Мен учун ҳар куни душман гўр қазар.

\* \* \*

Гулни кўрса чарх уради булбуллар,  
Ҳикмат сўзлаб чарчамасин бу тиллар,  
..Азоб тортиб қийналмасин кўп эллар.

\* \* \*

Вақти келмай осмонда ой ботарми,  
Кўрққан одам бошга совут тутарми,  
Не тилакка кетаяпсиз халойиқ,  
Тирик одам элни ташлаб кетарми.

\* \* \*

Шамол турса тенгсалади арчалар,  
Куёв келса чертилади дарчалар.

\* \* \*

Иймонини сотган элдан кетади,  
Очкўз одам нени топса ютади.

\* \* \*

Ҳазода панд берар отнинг майиби,  
Уйда қолар қизнинг бўлса айиби.

\* \* \*

Тирикликда ҳар бир кунинг ғанимат,  
Бир-бирининг қадрин билмас одамзот.

\* \* \*

Аллоҳимнинг неъматидир ширин жон,  
Лозим бўлса олар экан ҳар қачон.

\* \* \*

Гар уйлансанг сўра ёрнинг зотини,  
Ким ошдига қўйма хотин бетини,  
Шул нарсага амин бўлдим, боболар,  
Зўр чиқарар экан элнинг отини.

\* \* \*

Энди билсам эл зўрида ҳикмат бор,  
Бокий бўлса орқасида хурмат бор,  
Алпомишни мароқ билан сўзлади,  
Зўри борнинг орқасида савлат бор.

\* \* \*

Доно одам оқлар она сутини,  
Лозим бўлса кесиб берар этини,  
Жойи келса, шуни билинг, боболар,  
От чиқарар экан элнинг отини.

\* \* \*

Нодон одам сўзлаб юрар тухматни,  
Полвон қилар даврасига ҳайратни.

\* \* \*

Адашганлар йўлни тортар қоралаб,  
Олармонлар мулкни олар саралаб.

\* \* \*

Одамзотнинг бўлсин экан фарзанди,  
Ярашиққа мўл-кўл бўлса давлати.

\* \* \*

Доно одам ранжитмайди пирини,  
Лозим бўлса пирга тўкар борини.

\* \* \*

Мурид қарар эшон пирнинг райига,  
Қарамаса кетар, кетар жойига.

\* \* \*

Чиққан қизлар чийдан бўлар ташқари,  
Келин бўлсин олтин ҳайкаллар осиб.



\* \* \*

Мусофирга зўрлигини билдирмас,  
Карвон ўтса юкин ерда қолдирмас,  
Ёлгон сўзлаганни омон қолдирмас,  
Алпомишни номард деманг, эшоним.

\* \* \*

Отасидан қолишмайди савлати,  
Ор талашса Рустамча бор ғайрати,  
Ёдгор ҳам шундай марднинг фарзанди,  
Лочиннинг боласи лочин, эшоним.

\* \* \*

Энажоним, ёмон кунни билмайик,  
Итлар хурар бунга кулоқ солмайик,  
Урф-одатли кўнғиротмиз, волидам,  
Ақидани оёқ-ости қилмайик.

\* \* \*

Ўз элидан кетган одам шўр бўлар,  
Анъанани ким сақласа хур бўлар,  
Боболардан келаётган расмни,  
Ким хўрласа равшан кўзи кўр булар.

\* \* \*

Ғариб одам хурсанд бўлса кулмайми,  
Паҳлавонлар жангда қилич солмайми,  
Ўзга юртда гул малика бўлгандан,  
Ўз юртимда чўри бўлсам бўлмайми?

\* \* \*

Давлат билан бахту иқбол топилмас,  
Кўнгил мулки тилло ипда қобилмас,  
Ор-номусли элни, эна, синдирманг,  
Пойга бўлса эшак отдай чопилмас.

\* \* \*

Савашли кун тортилади парли ёй,  
Равшан қилар зум кечгани тўлин ой.

\* \* \*

Хазон бўлса бойкуш кўнар гулшанга,  
Хайвон ўлса ғажир учар осмонга.

\* \* \*

Номард билан суҳбат курсанг ҳар ерда,  
Саваш куни заиф жойинг билдирар,  
Одам деганинг ҳам бўлар минг турда,  
Доно одам донолигин билдирар.

\* \* \*

Ҳар элатнинг бўлсин экан шунқори,  
Зўри бўлса элнинг бўлар мадори.

\* \* \*

Йигитни ёндираб бўлса орият,  
Полвонга муносиб виждон, қатъият.

\* \* \*

Ҳар қандай сўзнинг ҳам тегар шикасти,  
Ёлғонни гапирсанг чиқади рости.

\* \* \*

Юрти вайрон бўлса султон тебранар,  
Кўлдан давлат кетса оға эмранар,  
Номусли кун кўра била бормасак,  
Шаънимизга ҳатто тоғлар ингранар.

\* \* \*

Ҳиди йўқ лоладан яхшидир янтоқ,  
Севгисиз кишидан афзалдир тупроқ.

\* \* \*

Топталса не бўлар ота қадрият,  
Миллий ўзлигимиз бобо зурриёт,  
Авлодлар расми бўлса чилпарчин,  
Ахир кимга керак рангсиз хуррият.

\* \* \*

Ҳар бир ишнинг эгаси бор, Барчиним,  
Суяк синса чечаси бор, Барчиним.

\* \* \*

Шаҳид бўл тўккан қонингни,  
Ватан деб ёндир танингни,  
Хорликлар тортсангда болам,  
Ҳеч айтма йиғлаганингни.

\* \* \*

Нодон одам ўз элини сотади,  
Бой халқининг гердайиши хатоди.

\* \* \*

Ишни билган одам тўплар молини,  
Ёмон хотин қайтармайди тилини.

\* \* \*

Холин билган одам сира ҳоримас,  
Тоза олтин сув остида чиримас.

\* \* \*

Шамол турса ернинг бети кўчади,  
Номард одам ёвни кўрса қочади.

\* \* \*

Тулки босолмайди шернинг изини,  
Гавҳар билинг донишманднинг сўзини.

\* \* \*

Авлиё сўзини англаб бил тумор,  
Бир гиёҳ сабабли тузалар бемор.

\* \* \*

Бефарзанд одамлар Оллоҳ синови,  
Қанторда хавф берар қирлар қатови.

\* \* \*

Хазон бўлмай боғда гуллар сўларми,  
Ажал етмай парвозда қуш ўларми,  
Не сабадан ҳаром ошни ичасан,  
Ном кўтарган полвон сендай бўларми?

\* \* \*

Синов учун келар экан одамзот,  
Шул боисдан авлод келар ботма-бот.  
Мард одамлар сира қилмас хиёнат.

\* \* \*

Гапдон одам ҳар хил жойда жўшайди,  
Номардларнинг бил бувини бўшайди.

\* \* \*

Жойи келса мардга бергин ошингни,  
Мард силайди агар билсанг бошингни.

\* \* \*

Сув келганда чўллар бўлар гулистон,  
Богбон бўлса қумдан чиқар бог-бўстон.

\* \* \*

Доно одам гапни гапга улайди,  
Эл-юртига соғ-омонлик тилайди.

\* \* \*

Мард йигитлар меҳмонини хўрламас,  
Ёлғон гапга қасамхўрлар терламас.  
Кўнгли йўқни ақлилар зўрламас.

\* \* \*

Сабоқ олган одам билсанг онг бўлмас,  
Минг ахмоққа кенг дунё танг бўлмас.

\* \* \*

Ҳар элатнинг урф-одати улуғдир,  
Шакли шамойили билан тўлиғдир.

\* \* \*

Дарёлар тошганда қирғоқлар кулар,  
Белидан айрилса тоғлар йиғилар.

\* \* \*

Шамолнинг туриши туманнинг шўри,  
Осмондан дўл ёғса офатнинг бири.

\* \* \*

Совуқ келтиради адоқ губори,  
Мард бўлар элининг суянч мадори.

\* \* \*

Фаҳми бор тушунар имлаган сўзга,  
Ботирлар қайтарми иш қилмай изга.

\* \* \*

Ориятли йигит элнинг шунқори,  
Полвон эса катта давлат мадори.

\* \* \*

Ёш болага ота кўнгли тўлмайди,  
Хумса одам қитиқласанг кулмайди.

\* \* \*

Кўрқмас одам тикка тайлар тўдага,  
Кўрқоқлари ёвдан қочар ҳадага.

\* \* \*

Йигит сўрар қиз боланинг зотини,  
Олғир одам олиб қочар бетини.

\* \* \*

Очилганда тоза гуллар сўлмайди,  
Ёлғончида ҳеч ким ўлмай қолмайди.

\* \* \*

Ошиқнинг орзуси қоронғи кеча,  
Зулматнинг ўрнини билмас бир неча.

## АЛПОМИШХОНЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» юбилейини нишонлаш ҳақидаги қароридан сўнг ҳамма жойда, хусусан, Қашқадарё вилоятининг туманларида, қишлоқ ва овулларида, мактаб ва ўқув юртларида, зиё масканларида, маҳаллалар ва муассасаларда кўплаб учрашувлар, алпомишхонликлар, айтишувлар, мушоиралар ва адабий кечалар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Биз Қарши давлат университетиди, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида, Қарши маданият техникумида, вилоят марказий кутубхонасида ўтказилган шундай тадбирларда иштирок этдик. Уларда вилоятнинг ижодкор-зиёлилари: Темирпўлат Тиллаев, Шарофат Ашурова, Амир Худойбердиев, Жумақул Ражабов, Ҳусанжон Аминов, Комила Каромова, Сайёра Зоирова, Нуриддин Эгамов, Бахтиёр Ҳазратқулов, Қилич Абдунабиев, воҳа олимлари Поён Равшанов, Шухрат Муродов, Нафас Шодмонов, Дамин Тўраев, Тўра Нафасов, Бойназар Йўлдошев, Гулчехра Имомова, Турсун Бозоров, Ҳўжамурод Жабборов, Баҳриддин Колонов, Ғайрат Соатов, Раҳимжон Ҳакимов ва бошқаларнинг маърузалари, шеърлари, нутқлари, ака-ука Қаҳҳор, Абдумурод, Бахтиёр, Баҳром бахшиларнинг чиқишлари, Рўзи бахши Қултўраев, Шомурод бахши Тоғай ўғли, Исмоил бахши Ражабов, Муҳаммади Бойкул, Шойку, Абдурашид бахшиларнинг куйлашлари яхши таассурот қолдирди. Зиёлилар, шоирлар, адиблар, олимлар, мураббийлар, бахшилар яқдил бўлган ҳолда тарихий қарорга жавобан «Алпомиш» достони воситасида ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга киришганини ўтказилаётган хилма-хил тадбирлар кўрсатиб турибди. Биз бундай тадбирларда ижодкор ўқиган, бадиҳа йўли билан яратган айрим шеърлар, термалар, дostonлардан парчаларни ёзиб олдик. Уларда мавзу асосан «Алпомиш» эпосини улуғлаш, юртбошимиз раҳнамолигидаги ютуқларни шарафлаш, Қодир бахшининг қадим дostonчиликдаги истеъдодини таъкидлаш ҳақидадир. Ушбу бўлимда минг гапиргандан бир кўрган афзал нақлига амал қилиб; алпомишхонлик давраларида ёзиб олинган баъзи ижод намуналарини ҳукмингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

## ОҲАНГРАБО ТАСМАЛАРДА КУЙЛАНАДИ «АЛПОМИШ»

Кўпчилик билса керак: илгарилари 3 ой қишда қишлоқ хонадонларида, маҳаллаларда бир катта уйнинг ўртасида сандал ўрнатилиб, атрофига ўтириб кўсак чувилар эди. Ана шу тунларда навбатма-навбат овозни баралла чиқариб дoston ўқиларди. Бора-бора телевидение ривож топиб одамларни дoston ўқишдан тортиб олди.

Аллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, радио орқали дoston тарғиботи мусикий эшиттиришлар бош муҳарририятининг «Халқ ижодиёти» бўлими зиммасига тушди. Ёзувни амалга ошириш учун Қашқадарё вилоятидаги театр санъаткорлари, ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, фольклор дасталарини радио олтин фондига ёзиб олиш учун гуруҳ ташкил этилди. Бир сафар чирокчилик Шомурод бахши Тоғаевни таклиф қилдик.

Ўша даврда олтин фондга олиб қолиш учун ҳар бир кўшиқнинг, умуман ҳар бир асарнинг матни ёзилиши зарур эди. Биз Шомурод акадан: «Ўзингизда бирор дostonнинг матни борми?» деганимизда ҳайрон бўлдиларда: «Мен қоғозга қараб эмас, ёддан айтаман», дедилар. Радио бадиий кенгашининг талабини тушунтирганимиздан кейин: «Нима қиламиз, ҳеч иложи йўқ», дедилар. Илтимосга кўра у киши дostonни шошилмай 2 кун ижро этдилар, бир котиба қиз қоғозга туширди. Сўнг микрофон олдида ижро бошланди. Мен матнга қараб ўтирдим. Шомурод ака қоғозга ёзилган асарнинг биринчи бетидан айтиб келдилар-да, иккинчи бетга ўтганда бутунлай бошқа сюжетларга ўтиб кетдилар. Уларни тўхтатиб ёзилган матн бўйича айттира олмадим. Шундан билдимки, бахшини жиловлаб бўлмайди. Бахши — оқар дарё. У хоҳласа қирғоқларни бузиб оқади, хоҳласа янги ўзан тузиб оқади. Ўшанда «Гўрўғли» туркумидаги «Шоҳдархон»ни ёзиб олиб радио олтин хазинасини дostonлар билан бойитиш ишқига тушиб қолдим. Сўнгра Чори бахши Хўжам ўғлининг уйларига овоз ёзиш машинаси билан бориб «Гўрўғлининг кексалиги», «Авазхон», «Соҳибқирон ва Соҳибжамол» каби

достонларни оҳанрабо тасмасига тушириб келдим. Бир неча йил ўтди. Телерадиокомпаниянинг ҳозирги раиси Абдусайд Кўчимов у пайтда радио эшиттиришлар бўйича раис муовини эдилар. Чақириб: «Нуриддин ака, достонлар тақдири нима бўлди?» деб сўраб қолдилар. Мен бахшилар билан бизнинг талабимиз ўртасидаги муаммони айтганимдан сўнг: «Маили матнни ёздириб ўтирмангда, Ўзбекистонда қанча достон ижро этилса, барини ёзиб олинг. Кимга достон керак бўлса, келиб биздан кўчириб кетсин», дедилар.

Яна Қашқадарёга ижодий сафар уюштириб, Шомурод бахши Тоғаевдан «Нурали ва Шерали», Бойқўчқор бахшидан «Орзигул», Абдурашид бахшидан «Кунтуғмиш», Исмоил бахши Ражаб ўғлидан «Нуралининг уйланиши», Нурмуҳаммад Ражаб ўғлидан «Гўрўглининг Шохдархон билан тўртинчи олишуви» каби жами 25 соатлик достон ёзиб келдим.

Йиллар ўтаверди, ёзиб олинган достонларимиз «Машъал» дастурида ҳар куни соат 24.05 да тингловчилар ҳукмига ҳавола этиб борилди. Тингловчилардан яхши фикрлар эшитдик.

Телерадиокомпания раисининг муовини Фахриддин Низомов бизни чақириб, бу йил «Алпомиш» юбилейига хазинамизда «Алпомиш» достони бор-йўқлигини суриштирдилар. Биз йўқлигини айтдик. «Кимдан ёзиб олса бўлади? Қайси бахши тўлиқ айта оларкин?» деганларида, биз овозининг жарангдорлиги, достонларни пухта билиши ҳамда дўмбирани мукамал чалишини ҳисобга олиб, раҳматли Қодир бахшининг уч ўғли — фарзанд-шогирди борлигини айтдик.

Энди сафаримиз «Алпомиш» учун бўлди. Чунки бу каби буюк эпоснинг Ўзбекистон радиоси олтин фондида йўқлиги уятли ҳол. Эътиборсизлигимиз оқибатида ҳассос бахши-шоиримиз Қодир бахши Раҳимовдан ёзиб ололмаганимиз...

Олдимга бу асарни Қодир бахшининг уч фарзанди — Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Баҳромлардан ёзиб олишни мақсад қилиб қўйдим. Негаки уч ижрода асардаги шиддат, жаранг, овоз кучи охиргача бир маромда кетади. Шогирдим Мансур Маъмиров, вилоят маданият ишлари бошқармаси ходими Исомиддин Раҳматов билан



бирга Дехқонободга бордик. Ўша куни туман меҳнаткашлари Янгиобод қишлоғидаги бир қирда «Наврўз» байрамини ўтказаяётган эканлар. Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Баҳром билан учрашиб, мақсадни айтдик. Қодир бахши айтолмай кетган «Алпомиш»ни ўғиллари — сизлар ижроингизда ёзиб олсак, отанинг руҳлари шод бўлиши, бу асарнинг умри яна минг йилларга чўзилиши ҳақида айтганимизда улар хурсанд бўлишди.

Ёзув кунини белгилаб, ортга қайтдик. Овоз ёзиш гуруҳи билан Қаршига боргач, уларни чақиртирдик. Абдуқаҳҳор билан Абдумурод келди. Баҳромни сўрасак, узр айтиб Туркменистонга бир ойга тўйга кетганини айтишди. Аввалига хафа, сўнг хурсанд бўлдик. Негаки, туркманларнинг ўзбек бахшичилигига, дostonларига ҳурмати, қизиқиши, қолаверса, шахсан Қодир бахшининг фарзандларига эътибори, юксак баҳосидир.

Ҳа, бу улкан хазинамиз «Алпомиш»ни ёзиб олиш осон кўчмади. Яна бир муаммо пайдо бўлди. Биринчи куни Абдуқаҳҳордан икки соатлик қисмни ёзиб олдик. Сўнг Абдуқаҳҳор секин келиб: «Ака рухсат берсангиз, бугунча шу ерда тўхтатсак, чунки Термизда тўй бор эди. Бахши сўзим, ҳозир кетсак, эртага соат учларга етиб келамиз», деди. Илож йўқ, чунки ваъда, лабз санъаткорнинг қомати. Шу икки хусусият уни тик юришга ҳақли қилади. Рози бўлдик. Хом сут эмган бандамиз-да, биринчи навбатда «Алпомиш»ни ёзиб оламиз, деб туман ҳаваскорлари, театр хонандаларини ёзишни орқароққа суриб қўйган эдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бахшиларнинг «эртага соат учи» роппа-роса бир ҳафтага сурилди. Келишмади. Биз бир ҳафта «Алпомиш»ни ёзамиз деб ишсиз ўтирдик. «Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас», деган эканлар Машраб бобомиз. Ниҳоят, бошқарманинг кўнғироқлари, Оллоҳга илтижоларимиз самариси бўлса керак, бахшилар келишди. Улар бахшичилик радиода яхши натижа бермайди, деган ҳаёлда бўлишган. Мен радионинг умри боқийлиги, китобни ҳамма ўқимаса ҳам, радиони албатта эшитиши, ундан сўнг эфирда жонли ижронинг таъсири кучли бўлиши ҳақида айтганимдан сўнг: «Қани, кўрайлик-чи» дейишди. Абдуқаҳҳор студияга кириб айта бошлади. Биз кўчма овоз ёзиш машинамизда ўтириб эшитдик. Эшит-

ган сари уларнинг фикрлари ўзгарди, «Алпомиш»нинг тўлиқ вариантыни айтадиган бўлишди. Уч кун давомида дostonни оҳанрабо тасмаларга ёзиб олдик. Ёзиб олганда ҳам мусиқалар қобиғига ўраб ёзиб олдик. Мен кўрик-танловларда кўп маротаба бахшиларни эшитганман. Улар 3-4 пардани босиб туриб турли пардаларда овозни кўтариб ёки овоз соз пардасига тушмай ижро қилаверадилар. Бу ҳол кишининг асабига тегади.

Раҳматли Қодир бахши «Алпомиш»ни 32 нағма ва оҳангда ижро этган эканлар. Уларнинг ҳар бирининг номи бўлган экан. Масалан, «Кўй қайтариш», «Сарвиноз», «Ғарибнома», «Лақай йиғлаш», «Сибизға» ва ҳоказолар. Дўмбирада дoston куйлаётганда овозга оҳанг бериб турадиган нағмалар бор. Қодир бахши бўш пайт-ларида қатор мусиқа асбобларини чалар эканлар, хаттоки, аккардионни ҳам. Шу хусусиятни Абдумуродда кўрдим. Унинг танбурни моҳирона чалгани ҳамон қулоғимда. Ёзиб олган «Алпомиш»имиз нимаси билан қимматли, нимаси билан қадрли? У соз ва овоз мутаносиблиги, соз ва овознинг баробар ишлатилиши, тинг-ловчига ҳаяжонлар инъом этиши билан қимматли ва қадрлидир.

Ҳа, «Алпомиш» оҳанрабо тасмаларга муҳрланди. Тошкентга келиб асарни қисмларга бўлиб, сайқал бердик ва раҳбарият билан келишиб, ҳар куни ярим соатдан ойлар давомида эфирга беришни режалаштирдик. «Алпомиш» эфир орқали миллионларнинг хонадонига меҳмон бўлди. Миллионлаб қалбларни ларзага солгани шубҳасиз. Зеро, бахшининг гуриллаган жарангдор овози тингловчининг дostonга бефарқ қарашига йўл қўймайди.

Абдуқаҳҳор билан суҳбат давомида бир савол бердим: «Абдуқаҳҳор, мана, икки укангиз ҳам бахшичиликда ўз ўрнини топиб олибди. Ака сифатида айтинг-чи, укаларингизнинг ижродаги қайси камчиликлари сизга эриш туюлади?» У: «Нуриддин ака, яхши савол бердингиз. Мухлислар уч ака-укани эшитиб: «Учаланг қўшилиб битта Қодир бахшисан», дейдилар. Боиси отамнинг кўп дoston билишлари — менга, дўмбирани мукамал чертишлари — Абдумуродга, овозларининг жаранги, кенг диапазонлиги — Баҳромга ўтган», деди.

Бир фольклоршунос олимимиз: «Бахшиларда илоҳий куч бор», деган эканлар. Қодир бахшининг ўғилларига илоҳ ўз саховатини аямай катта иктидор юқтирган. Уларда тўқиб кетиш, эшитганини уқиб кетиш қобилияти бор. Улар «Алпомиш»ни ёд олмаганлар. Ҳар сафар ижро қилганларида ўзгача «Алпомиш»ни ижро этадилар.

Режамиз амалга ошди. «Алпомиш» эфирга чиқди. Энди кўзнинг нуруни сарфлаб китоб ўқимасдан ёнбошлаб, чойни ичиб Алпомиш билан дардлашадиган имкониятга эга бўлдик.

«Алпомиш» асрлар томон ўз овози, сози, сўзи билан парвоз этади.

Кўпгина мухлислар магнитофон тасмасига ёзиб беришимизни сўраб келмоқдалар. Демак, исталган маҳал эшитишга шароит яратилди. Энди «Алпомиш»ни магнитофонлар ёрдамида мактаб ўқувчиларига эшиттириш, мукамал ўргатиш вақти келди. Мактаб ўқувчиларини тарбиялашда «Алпомиш»дан жуда унумли фойдаланса бўлади. Чунки дostonда Ватанга, ота-онага, ака-ука, қариндош-уруғ, табиатга, ёрга муносабат, садоқат, миллий урф-одат, одоб-ахлоқ, умуминсоний фазилатлар жўшиб, тошиб куйланади. Хуллас, «Алпомиш» асрлар давомида шу жиҳатлари билан ўзбекнинг маънавий бойлиги бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак!

*Нуриддин АМИНЖОНОВ,*

Ўзбекистон радиоси мусиқа бош муҳарририяти «Халқ ижодиёти» бўлимининг бошлиғи

### **«АЛПОМИШ» ТЎЙИ БУ**

Бойсун даралари гумбурлаб кетди,  
Қоялар кўксига урилди чақин.  
Қирларнинг сағрини лолага тўлди.  
Бу юртда минг йиллик тўй демак яқин  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Нигоҳлар тикилар чўққилар сари,  
Асқар тоғ этагида кўпчийди тупрок.  
Алп қомат йигитдир давра сарвари,  
Акс-садо беради муаззам тупрок,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Сурхон даштларида тўйи-маърака,  
Боботоғ лоладан тўшар гулдаста,  
Отлар туёғидан кўчган чанг-тўзон,  
Аму тўлқинлариға кўнар оҳиста,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Кўнғирот элининг сара лочини,  
Шон-шараф, обрўси, гурури, тахти.  
Пурвиқор тоғ каби, танти ва жўмард,  
Алпомиш авлоднинг кўрки ва бахти,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Мозийдан бир буюк садо келади,  
Ўн тўрт ботмон ё йни овози ёниб,  
Етти ёшли гўдак — давра дарғаси,  
Наъраси бирла турар қувониб.  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Олтин камар бўлиб чилвир-чилвир соч,  
Барчиной белига бўлганда қувват.  
Ҳамладан Кўкалдош қулайди ерга,  
Алпомиш даврага кўрсатди ибрат.  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Нигоҳи тоғларни тешгудек бўлиб,  
Бойчибор ер тепар сулуғин чайнаб  
Бахшилар куйлайди авжи пардада,  
Илхоми жўш урар вужуди қайнаб,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
О, танти ўзбегим, асли ўзлигим,  
Минг йиллик тарихда танти сўзлигим,  
Дунё меҳварида ҳавас кўзлигим,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

Бу Ватан шундайин қадр Ватани —  
Дунёни лол қилган мардлар Ватани,  
Сор бургут сингари, ўғил-қиз тани,  
Ватан деб гупурар томирда қони,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.  
Йиллар ўтаверар, асрлар ўтар,  
Халким Алпомишин кафтида тутар,  
Ватан муқаддасан мардингни кўтар,  
Улуғлик, буюклик, кўзимдан ўтар,  
Бу асли ўзбекнинг азалий ўйи,  
Алпомиш тўйи бу, Барчиной тўйи.

*Хусанжон Амин-Фузорий*

### «АЛПОМИШ»ГА УЧ МУВАШШОҲ

Ўзига бек ўзбек қизи бўламан,  
Жаҳонни кўрувчи кўзи бўламан,  
Элнинг айтар ширин сўзи бўламан,  
Тингланг бир дам Кўнғиротнинг қизини  
Излаётир Алпомишнинг изини.

Асл айнимади, зангламас тилла,  
Лаҳмда ётса ҳам Алпомишдир ул.  
Пойига тиз чўкди Қалмоқда қирқ алП,  
Оти мададкори, Ҳизр ҳам ОллО.  
Мушкулингни осон қилгай илоҳиМ,  
Интизор Барчининг жаннатнинг гули  
Шод эт Кўнғиротнинг элин АлпомиШ

Тоғу тошлар, дарёларни кезаман,  
Қир-адирлар, дунёларни кезаман,  
Баъзан рўё, риёларни сезаман,  
Кўринг бугун Кўнғиротнинг қизини,  
Излаётир Барчинойнинг изини.

Барчинойим хуснингни вафола бежаБ,  
Алпомишинг кутдинг кўзларинг йўлда,  
Разиллар доимо берганда озоР,  
Чилтонлар қўллади сени қорасоЧ,

Исминг чиройингдир, чиндир бариси,  
Номусу-орисан, элнинг фахриси  
Оллоҳим иймондан айирмас асло,  
Йўлдош бўлсин бизга руҳинг Барчиной.

Кенг боғларга, баҳорларга чопаман,  
Оқар сойлар, анҳорларга чопаман,  
Бахши, шоир, Қаҳҳорларга чопаман,  
Қаранг бу кун Қўнғиротнинг кизини,  
Излаётир Қалдирғочин изини.

Қалдирғочим сенга қилурман куллуқ,  
Асрлардан ошганим сен малика,  
Латофатинг айлар мени ҳайрон, лоЛ,  
Даракчисан Алпомишга бер мадаД,  
Илло, Аллоҳ ўзи уни қўллайДИ,  
Раҳмон эгам Қоражонни йўлладиР,  
Ғайрат қилиб алплар ғолиб бўлган чоҒ,  
Ойбарчининг сенга айтар тасанно,  
Чиройи мўл, ақли баланд Қалдирғоч.

Алпомишни излаб хаёл топаман,  
Барчиной деб бир алп аёл топаман,  
Ҳеч бўлмаса Чибордан бир ёл топаман,  
Билинг умидли Қўнғирот кизини,  
Излаётир аждодларин изини.

## АЛПОМИШ

Бойсун элнинг таянчи алпон ўғлон мен бўлдим,  
Бойбўришоҳнинг ўгли султон ўғлон мен бўлдим,  
Закоат деган гапларни солиб отам кўнглига,  
Бахил билан сахийни билган ўғлон мен бўлдим.

Бахил бўлма оғам деб куйиниб жигарига,  
Закоат солди бой отам иниси Бойсарига,  
Сен ўғилли, мен қизли қилдингми деб маломат,  
Бийлиги тутиб оғам кетди юртдан нарига,  
Барчинимдан айрилдим кўчиб оғам Бойсари,

Юрагим талпинади ёрим Барчиним сари.  
Хатлар келса яширган ҳоқон отам Бойбўри,  
Хабар берди ёримдан синглим Қалдирғоч пари.

Қултойдан от сўрадим, бермайин дўк уради,  
Бойбўришоҳдан сўра дея гапни буради,  
Бермади деб қайтандим Қалдирғочим қайтарди,  
Нетайин кўз ўнгимда Барчинойим туради.

Қултойни рози қилиб битта тулпор танладим,  
Қалмоққа бормоқ учун отни уч бор танладим,  
Пешонамда борида, йўлиққанам шу бўлди,  
Қанча заҳмат чекмайин бир Бойчибор танладим.

Тўғри йўлга Оллоҳим ўзи мени йўлласин,  
Қалмоқ элга борганда Ҳизр, чилтон қўлласин.  
Мурод тепа устида дўст тутиндим қалмоқ-ла,  
Ўртада эгам номи дўст Қоражон қўлласин.

Қалмоқ элга боргандим шарт қўйди Барчин ёрим,  
Қирқта алпга талашмиш олти ойдир нигорим.  
Осмон йироқ, ер қаттиқ, уят ўлимдан ёмон,  
Оллоҳим мадад бергин, олма номусим-орим.

Барчамиз мусулмонмиз Муҳаммад дегай уммат,  
Қалмоқдан топган дўстим Қоражон қилди ҳиммат.  
Мадад бўлди Барчиним берган ҳар бир далдаси,  
Барчиной ёрим ҳаққи чиборим қилди ғайрат.

Бойсун элнинг таянчи алпон ўғлон мен бўлдим,  
Бойбўришоҳнинг ўғли ҳоқон ўғлон мен бўлдим.  
Эл-юртнинг тинчин бузган, васл йўлин йироқ қилган,  
Бахил билан сахийни билган ўғлон мен бўлдим.

## БАРЧИНОЙ

Қўнғиротнинг қошлари қундуз қизи бўламан,  
Бойсун юртнинг бекларин юлдуз қизи бўламан,  
Закот деган оғадан аразлаб Қалмоқ кетган,  
Бойсарибийдек бойнинг феруз қизи бўламан.  
Отам паноҳ деб топган юрт оти Қалмоқ бўлди,

Тойчахонга арз қилиб шу юртда қолмоқ бўлди.  
Алп бегимдан айрилиб мендек чечак сўлмасин,  
Юрт алпларин нияти чечакни олмоқ бўлди.

Алпомишим йўлига хумор кўзларим тутдим,  
Не ўтсада бошимдан барини ичга ютдим,  
Мастон кампир макридан кутулмоқ йўлин излаб,  
Гоҳо ширин сўзладим, гоҳ алплар белидан тутдим.

Бегим, аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлар,  
Қирқ алпнинг даъвосидан Барчиной куюк бўлар.  
Ўйлаб-ўйлаб тўрт шартни айтар Кўнғирот қизи,  
Бажарса хоҳ Кўнғирот, хоҳ Қалмоқ буюк бўлар.

Йўлга интиқ боқаман умид билан зор билан,  
Ҳақимбегим келарми, тагида чибор билан.  
Қоражон алп келади дўстим бўлди Алпон деб  
Қандайин мард бор келсин тенгми зўрабор билан.

Ўзга юртда алпоним устун бўлсинда дейман,  
Юзим ёруғ ҳам бағрим бутун бўлсинда дейман.  
Ғолиб бўлсин Алпоним, ғайрат қилгин чиборим,  
Ёлғиз алпим ўзимга мафтун бўлсинда дейман.

Кўнғиротнинг сочлари сумбул қизи бўламан,  
Бойсун юртда яйраган сайроқ булбул бўламан.  
Қалмоқ элда алпоним қирқта алпдан айирган,  
Барчиной отлик хушрўй ҳам хушбўй гул бўламан.

*Дуйнахол Самад қизи*

## АЛПОМИШ ИЗИДАН

Қирғий деган куш ўлтирар қир-қиёда,  
Эр йигитлар қадри баланд Осиёда.  
Эл ичида элни излаб жаҳонгашта  
Тоғу тошни кезиб чиққан пой-пиёда.  
Савлатида Алпомишнинг келбати бор,  
Бошида ул Кунтуғмишнинг давлати бор,  
Бойчибору Фирқўқларга қанот берган,  
Тилагида элининг шон-шавкати бор.



Кезиб дашту ёбонларни, саҳроларни,  
Англаб етди ишқин Тоҳир-Заҳроларнинг.  
Дарёлардай окди, гоҳо уммон бўлди,  
Дарёларга кўшай дея дарёларни.  
Давлатлидур-Қанотига хумо олган,  
Издатлидур-қирқ чилтондан дуо олган.  
Боғи Эрам парилари қўлларига,  
Сувлар куйиб юрагига илҳом солган.  
Келинойни излаб топмиш, гўзал қалби,  
Ойсулунинг пок хуснидан улги эрур,  
Эҳе, қанча дoston-терма — баҳоси йўқ.  
Дил ғазнасин жавоҳири, мулки эрур,  
Уни билар юртнинг ҳар бир йўл-сўқмоғи,  
Даралари, далалари, ҳар бир боғи.  
Уни билар бахшиларнинг дўмбираси,  
Ботирларнинг гижинглаган арғумоғи,  
Уни танир Мисқол пари, оға Юнус,  
Ой тунлари боши узра тутар фонус,  
Яхши сўзнинг гадоси у, чечан элда,  
Ахтаргани-сиғингани биргина Сўз.  
Сўз кўйида қаландар-у, Шоқаландар,  
Дуоси-ла йўлларида йўқдир хатар.  
Ўланчи эл ўланлари ҳамроҳидир,  
У шундай зўр жаҳонгашта, доим бедор.  
Қанча-қанча хазиналар сочиларми?!  
Қанча гуллар баҳор келмай очиларми?!  
Эл тилида сўзлардан ким гавҳар сайлаб,  
Битта-битта ганж йиғмоққа шошиларми?!  
Ўтиб келган асрлардан асрларга,  
Тилдан-тилга, наслардан наслларга  
Аслларнинг ичларида аслларни  
Сийлаб насиб айлаган Сўз аслларга.  
Элим дейди, ўқилдизим — турким, дейди.  
Омон бўлсин бошимдаги бўрким, дейди  
Буюк миллат шажарида битта новда,  
Ўзбегим дер, ўзбегим ўз кўрким, дейди.  
Қирғий деган куш ўлтирар қир-қиёда,  
Мард йигитлар қадри баланд Осиёда.  
Сувсиз чўлда Хизр учраб дуо қилмиш:  
«Бўлсин, болам, умринг-шонинг ҳам зиёда!»

Девлар унинг тепасида доим посбон,  
Кулбасига ой-парилар кунда меҳмон.  
Гўрўғлидан тортиқ олиб келмиш кеча,  
Қирқ йил бурун йўлга чиққан катта карвон,  
Намангандан Машраб унга салаф бўлган,  
Қашқа-Сурхон доимо у тараф бўлган.  
Қодир бахши, бир-неча фозил-фозило  
Унинг учун доим суҳбатталаб бўлган.  
Сувлик чайнаб гижинглаган Фиротмиди?  
Устидаги бахмалмиди-банотмиди?  
Кимни шунча таърифладик, эй ёронлар,  
Билганимиз бу зот фозил кишимиди?  
Ай, қаламим, ёзиб тургин асло синма,  
Ай, юрагим, уриб тургин асло тинма.  
Созим, Ҳақни мадҳин қилиб куйлайвергин,  
Садоланиб самолардан асло нима!..

*Амир Худойбердиев*

## ТУШ

Фарахбаш тун. Юлдузли осмон.  
Япроқларда ой нури синган.  
Булутларда кўринмас исён,  
Чумчуқларнинг хониши тинган.

Борлиқ худди шабнам рангида,  
Неки ғам бор-барин унутган...  
Ёзнинг шундай масъум тонгида,  
Фозил инсон уйқуга кетган.

Узумлари фарқ пишган тоқзор,  
Пастак сўри ва оппоқ чойшаб,  
Уйқуда ҳам ўша — беозор,  
Туш кўради кўкка кўз қадаб.

Бойсун тоғи, ям-яшил яйлов,  
Тўлмиш бахшиларнинг назмига.  
Бутун миллат, ҳатто от-улов,  
Чиққан эмиш байрам базмига.

Бир томонда тортиб ҳалинчак,

Учар эмиш қизлар галма-гал,  
Бир томонда бир тўп келинчак,  
Навоийдан ўқирмиш газал.

Кўшиқ айтар эмиш жувонлар,  
Гулзордаги булбул сингари,  
Бир томонда жасур ўғлонлар,  
Чопар эмиш улоқ, кўпкари.

Кенг яйловда қолину гилам,  
Кўрпачалар солинган эмиш.  
Дастурхонда сумалак, ҳалим,  
Олма, анор ва қирқ хил кишмиш.

Кўринмасмиш кўзларда ҳадик,  
Ғаним зотлар армонда эмиш.  
Фозил киши — оёқда этик,  
Оппоқ салла-чопонда эмиш.

Халқ жунбушга келади бир чоқ,  
Карнайларнинг овози тинди.  
Бойсун тоғи устида шу чоқ,  
Бешта учқур отлик кўринди.

Отлар елар шиддатга тўлиб,  
Эслатарди гўё бўронни.  
Бутун миллат биринчи бўлиб,  
Илғаб олди Соҳибқиронни.

Салобатли, вазмин ва мағрур,  
Кўринарди кўзида шодлик.  
Биров деди: «Қаранглар, ахир,  
Рустамхон-ку иккинчи отлик!»

Етиб келди отлиқлар мағрур,  
Ва бошлашди салом-алиқни.  
Халқ таниди бирма-бир ёвқур,  
Жалолиддин, Темур Малиқни.

Не ҳайратки, иқбол куёши,  
Кўкдан боқар қувончга тўлиб,  
Ва ниҳоят, алпин Алпомиш,  
Отдан тушар бешинчи бўлиб.

Кувончларга қўшилди кувонч,  
Алам қочди алам изидан.  
Порлар эди шодлик ва ишонч  
Буюкларнинг нурли юзидан.

Гам чекинмиш ернинг қаърига,  
Янги қўшиқ тутмиш ҳаётни.  
Эл қатори улар бағрига,  
Бир-бир босар Фозил кишини.

Сувлар оқар шарқираб сойда,  
Осмон тиниқ, замин беғубор.  
Дўстлар, бундай бахт бордир қайда,  
Бундай ҳаёт яна қайда бор?

Алп Алпомиш келару, унга  
Бир китоб ва бир қалам тутар.  
Бу ёруғ туш етмай якунга,  
Фозил инсон уйғониб кетар.

Уйғонади ўша беозор,  
Нурли чеҳра ва шиддаткор қалб.  
Узумлари фарқ пишган токзор,  
Пастак сўри ва оппоқ чойшаб.

Пичирлайди жилмайиб лаби,  
Пичирлайди: Омон бўл, Ватан!  
Шиддаткор ва беозор қалби,  
Энтикади ажиб бир ҳисдан.

Оқаётган анҳор сувига,  
Секингина чаяди кўлин.  
Кўз олдида юртдошлари ва  
Дуо қила бошлар бир-бирин.

Дилингиз ҳеч кўрмасин қайғу,  
Ва тилайман сизга ушбуни:  
Алпомишнинг алплигини-ю  
Гўрўғлининг узоқ умрини!

У биларди бахт, иқбол қуши,  
Қачонлардир келишини ҳам.  
Соф кўнгилли одамнинг туши,  
Хосиятли бўлишини ҳам.

*Жумақул Ражабов*

## ҚОДИР ШОИР ЁДИ

Ёронлар, тингланг, бир «ёлғон»дан айтай, кўкракдан кетмас бир армондан айтай. Демасман, «Гўрўғли султондан айтай» дostonчи хақида бир дostonдан айтай. Дунёи кўтирга беш кунга келиб, дарёдай тўлиб, гоҳ шамолдай елиб, дури гавҳар териб, маржон тизай деб, сўз билан элимнинг кўксин безай деб, дўмбира кўтариб юртни кезай деб, хўшлашмай кетган бир меҳмондан айтай.

Жуда-жуда яқин замонда, элу юрт тўк, омон-омонда, Тангиҳарам деган томонда бахшилари мўл бир маконда, Алпомиш келбатли, Рустам сифатли, хотамтой ҳимматли, Жамшид жиҳатли, Қодир шоир отли битта зўр ўтди. Исми жисмига монанд, кувваи хофизаси баланд, соз билан сўзни боғлашда, куй билан дилни чоғлашда шарандоз — моҳир ўтди. Сухандон, сўзга чечан — шундай бир шоир ўтди.

Биз деганингиз — бир чўл халқ, узунтил, қисқа кўл халқ, бағри бийдай кенг чўл халқ, кўзида ёши кўл халқ дийдаси доим хўл халқ, олдимиздан оққан ариқмас дарёлигин билмасдан, кувёғочдаги чумчуқтор булбулғўелигин билмасдан, орқайин ўтираверибмиз. Соз сеҳридан семириб, куй элитса эрибмиз, оқибат олтинга алишмас, олтмишдан ошиқ дostonни онг қолиб кўлдан берибмиз.

Тип-тйниқ тизмалар, тоза сатрлар, бу кун соҳибларин шундай хотирлар:

Тикилса қурирди дарёнинг гули,  
Наъра тортса қулар қўрғоннинг тими.

Алқисса, у шундай зўр эди, давраларда ўрни тўр эди, айтишув-ўланда ўр эди. Дувдана таққан дўмбира ҳамиша ҳамдош — жўр эди. «Қиз аммага, ул тоғага тортар» дер, не бўлсаям баданида бор эди. Унинг ўзи Гўрўғли, ўзи Алпомиш эди, ўзи Малла савдогар, ўзи Кунтуғмиш эди. Ойкелинга ошиқ ҳам, Ёзиёзган қўшиқ ҳам ўзи-ўзгинасийди, бир бошласа басийди:

Торбиз тикдим Тошбулоқнинг тошича,  
Кўқартирдим кўзгинамнинг ёшича,  
Бориб айтинг Ойзебомдай кишига,  
Келиб кўнсин палагининг бошига.  
Кеп кўнмаса палагининг бошига  
Ит кўяман қовунининг хошича...

Кўшиқни айтмасдан, чизар эди, у. Қай сўз қай ранг-  
лигин сезар эди, у. Ҳар авжи нуқтада «Ҳай Ёр!» деб олиб,  
бир «Ҳақ!»дан чиқариб, бир «Ҳақ!»қа солиб, дийданг тош  
бўлса ҳам эзар эди, у. Мантиқу мавзуни юганлаб олиб,  
шеваю тавзеъни кўганга солиб дарёда балиқдай сузар  
эди, у. Нечалар ошуфта-лол бўлганим бор, тавсифу таш-  
беҳга сел бўлганим бор, оқ шеър-кўк шеърдан  
кўнглимни узиб, ғарбдан шарққа яна эл бўлганим бор.  
Афсус, мурид бўлиб улгуролмадим, зеро оз бўлсада бе-  
наф қолмадим. Бирок, минг уриниб, минг бор суринмай,  
майли, ўз-ўзимга назмгўй кўринай, манов мисраларни  
ҳеч қоралаёлмам, ижоднинг ҳудудсиз сўз чаманида  
унинг каби озод оролаёлмам:

Исфандиёр адолатли подшоди (р),  
Кал Ёзини минорадан ташлади.  
Зўрмикан-ей, Кал Ёзининг пирлари  
Ерга тушмай кокилидан ушлади...

Ҳа, кокилсиз Ёзини пири қўллади, тошларга тикил-  
ган тарвуз гуллади, қалмоқдан қутилган «Култойкул»  
қайтиб, сунбулсоч сулувнинг сочин ушлади.

Унинг пири панд берди...

Норхол момо тун-кун лахта хун ютди, уллари ти-  
зилиб йўлларин тутди, шогирдлари бу кун бир-бири-  
дан ўтди, ана, Қаҳҳорнинг доврўғи кетди. Дедилар, от  
ўрнин той босди, худди...

Мен ҳам не дердим...

Ай, ёронлар, Қодир шоир қайта келмайди, халойиқ,  
бил, шоир халқи сира ўлмайди. Дўмбирасин беринг, бир-  
ров кўзимга суртай, бир қур чертиб куйламасам кўнглим  
тўлмайди.

От чопгандай гумбирлади Дехқонобод дараси,  
Етолмайман бунча олис, у манзилнинг ораси,

Ногоҳ недир тилиб ўтди юрагимнинг ярасин,  
Энг авжига чиқиб торин узилганда, дўмбирам.  
Сунбул-сунбул сочларини юлди Барчин қошингда,  
Куйиб қолди Қалдирғочой ўз кўзининг ёшига,  
Гўё, аччиқ қамчи тушди Бойчиборнинг бошига,  
Ўксиб бугун, тоғдай кўнглим бузилганда дўмбирам.  
Ёрдай суйиб, алишмадим созларнинг энг созига.  
Сен истадинг, етиштирдим Гулзебони Ёзига,  
Сен сўзладинг, жўр бўзладим Келиной овозига,  
Кўздан ёши маржон-маржон тизилганда, дўмбирам.  
Бўйинг бичиб олганим-ай арчамиди, тутмиди,  
Ёниб-ёниб чертганим-ай, оловмиди-ўтмиди,  
Сели-себор йиғлаган-ей, манови эл-юртмиди.  
Сени йўқлаб жигар бағрим эзилганда, дўмбирам,  
От чопганда гумбирлайди баланд тоғлар дараси...

*Холмуҳаммад Ҳасан*

### УСТОЗ ҚОДИР КУЙЛАСА...

Бир зўр ўтди Ўзбекистон элида,  
Дўмбираси сайрар эди қўлида,  
Қанча дoston кетди унинг дилида,  
Хидир бобом назари бор тилида,  
Устоз Қодир бахши жўшиб куйласа.

Она қолди отасидан тул бўлиб,  
Сағирликда онасига ул бўлиб,  
Тоғу тошлар эгиларди бел бўлиб,  
Ёшу қари йиғлар эди сел бўлиб,  
«Ойпарча»ни Қодир бахши куйласа.

Алпомишча бордир бахши савлати,  
Дўмбираси эди устоз давлати.  
Хўжамахмуд дарасидир сувлати,  
Ҳар алвонда ўйнар эди Фир оти  
Авазхонни Қодир устоз куйласа.

Устоз селдир, сел олдига тушолмас,  
Унинг каби ҳеч ким сўзни эшолмас,  
Ҳеч бир бахши устоздайин жўшолмас,  
Ошиқларни бир кечада қўшолмас,  
Қодир бахши Ёзи кални куйласа.  
Устоз кўнгли гўё эди бўстона,  
Шогирдларга соз ўргатди дўстона.  
Устозларин отар эди остона,  
Тўккиз кунда тугамасди достона,  
Қодир бахши Алпомишни куйласа.

Қушлар келиб дўмбирага кўнарди,  
Изғиб турган довул бирдан тинарди.  
Осмон тўла ёруғ юлдуз сўнарди,  
Изғин тортиб давра аҳли жўнарди,  
Кунтуғмишни Қодир устоз куйласа.

Дўмбирасин ҳар хил созда чаларди,  
Ҳар томондан эл йиғилиб келарди,  
Эл кўнглини бахши яхши биларди,  
Йиғлаб турган мунглик дарров куларди,  
Қултой билан Хадичани куйласа.

Ғозо куни олтин добил урилиб,  
Ўз элидан ғариб бўлиб сурилиб,  
Агар бахши айтса созга берилиб,  
Мирзо Бобур келар эди тирилиб,  
Қодир устоз Ойчинорни куйласа.

Устоз ўтди шогирдларга пир бўлиб,  
Достон айтди устозларга тир бўлиб,  
Гўринг ёнсин, устоз, доим нур бўлиб,  
Жонон қизлар кетар эди ҳур бўлиб,  
Қодир бахши Барчинойдан куйласа.

Юрар эди кўрикларда бош бўлиб,  
Шогирдлари орқасида эш бўлиб,  
Яратганим олди кўнгли тош бўлиб,



Меҳрибоним қодир Олло Худойим,  
Не бўларди бугун Қодир куйласа...

*Қаҳҳор бахши Қора бахши ўғли*

### АЛПИМ-АЛПОМИШИМ...

Алпим, сени айтсам, елканг тоғча бор,  
Ўзингсан ботирим, боз ўзинг номдор,  
Бир мен эмас, келган бахши барча бор,  
Шу кунларга етдик Ватан бахтиёр,  
Майдон аро бўлар бугун жўш-ҳа-жўш  
Ўзбегим, миллатининг шани Алпомиш.

Жафо тортиб айрилмай Барчин гулдан,  
Ёрингни айирдинг Қалмоқдай элдан,  
Орингни сақладинг бермайин кўлдан,  
То кўлда созим бор куйлайман дилдан,  
Ўзбек, тожик, туркманларим жўш-ҳа-жўш,  
Майдон ичра шердай бўлган Алпомиш.

Етти йил зиндонда қилсангда фарёд,  
Қаҳрингдан душманинг топмади шафқат,  
Қайта кўлга кирди, Бойсун салтанат,  
Бугунги гуллаган мустақил давлат,  
Қозоқ, қирғиз меҳмонларим жўш-ҳа-жўш  
Минг йиллардан ошиқ тўйинг Алпомиш.

*Абдумурод бахши Қодир ўғли.*

### РИВОЯТЛАР

#### ҚОДИР БАХШИ УҲ ТОРТДИ

Бир куни Қодир бахши, мен ва Шодмон бахши ҳамда шофёр билан Сурхондарёга бир кишининг тўйига жўнадик. Сайрабгача у киши гоҳ мудраб, гоҳ атрофни кузатиб, гоҳ шофёрга диққат билан разм солиб, гапирмасдан бордилар. Сайрабдан чой ичиб, Шеробод томон шашт билан жўнгадик. Йўлда Қодир бахши орқага ўгрилиб, Шодмон икковимизга: «Ҳей бахшилар! Сизларга бир саволим бор. Бегим ўлса бекчам бор, юрт эгасиз бўлмайди, норим ўлса норчам бор жугим ерда қолмай-

ди. Бу сўзларнинг маъносини чақингларчи», деб кулиб кўйди. Шу пайтгача у кишига ҳалақит бермай ва гапиришга журъат қилолмай келаётган сўзамол Шодмон ҳам, мен ҳам бирдек сайраб кетдик: «Бева Барчин» достонидан бўлса керак», дедим мен. «Йўк, — деди Шодмон. — Бу мисралар, халқ мақоли-ку... Мен Шодмон билан роса тортишдим. У киши бизнинг суҳбатимизни сабр-қаноат билан тинглади. Фикрларимизни тўғри ҳам, нотўғри ҳам демай чуқур ух тортиб кўйди ва кўзини юмди. Бу ух тортишнинг сабабини 1986 йилдан кейин билдим, нима учун шундай деганини сўнг англаб, ўзимнинг шунчалар юзаки дунёқарашимни биллиб, чуқур ух тортиб юбордим.

### ЁМОНДАН ЯХШИНИ КЎР

Қодир бахши бир йили кенжа фарзанди Баҳромга баҳоли қудрат элга ош берди. Шу қишлоқда у кишининг чавандоз бир бўйинсаси бор эди. У чувайноқ, қасами, ифлос ва бузмакор бир инсон эди. Шунда чавандоз: «Қодир менга кўпкарининг баковуллигини бермади, кўраман, унинг тўйи қандай ўтишини», деб элга гап тарқатди. Тўй бошланган. Ҳамма югур-югурда. Бахши ош бераяпти деб Қашқа ва Сурхон, Тожикистон ва Туркманистондан отамни биладиган, эшитган барча халқ йиғилган. Қишлоқнинг ўртасида одам билан машинага ҳеч йўл йўк. Ҳофизлар созларини жўрламоқда. Паҳлавонлар кураш майдонига тушиш учун ҳаракат қилмоқда. Отбоқарлар иккинчи кунги кўпқарига отларини ҳар томон миниб совутмоқда эди. Шу пайт бирдан катта кучдаги чироқ лип этиб ўчди-қолди. Тумонат одам қаёққа юришини билмай қолди, денгиз тўлқинларидек ҳар томонга тепсалмоқда. Чироқ тарқатадиган маҳсус жойларга, ҳатто тумангача чопа-чоп қаерда дейсиз. Ким ўчирган, қаердан, қандай қилиб ўчирган, ҳеч ким билмайди. «Тузингни сотиб равшан ол» деган мақолнинг нақадар ўринли ва қимматли эканлигини шу тўйда ҳис қилганман. Ҳамма тажанг, кайфияти тушган, одамлар нима иш қилишига ҳайрон. Шу кеча ҳеч қандай ўйинкулгу, полвонларнинг кураши бўлмади. Охири сабри тугаган халқ кимга нима деса деб, ярим кеча тарқалиб кетди. Икки кундан кейин чувайноқ чавандозниқига

Жаркўрғондан бир гуруҳ меҳмонлар келиб, Қодир бахшини топиб келинг, тўйдан кейин бир отамлашайлик деб, бахшига одам жўнатибди. Уй-ичимиз билан ҳайронмиз, кўра била туриб чавандозни кига борадими ёки йўқми. Секин жойларидан турди-да «менга дўмбирани ол, кетдик» деди. Мен эргашидим. Шунда йўлда шу гапларни айтди: «Бахши одамнинг ҳар турли кишилардан улфати бўлиши керак. Ёмондан ҳам бир ошнанг бўлса, яхшининг нима учун яхши эканлигини англаб етасан. Агар келмасам Жаркўрғонга ҳам мени гап қилиши мумкин. Кел-е, ёмоннинг тўйига ҳам бир хизмат қилайлик» деб, мийиғида кулиб қўйди. Шу кеча дoston айтиб, ҳаммани ҳатто, чавандозни ҳам бўзлатди. Чавандоз: «Кечир Қодир, кечир дўстим», деб тонг отгунча эгилиб чиқди. Мен унинг бу илтифотидан чироқни ўчириб, хато қилгани учун кечирим сўраётганлигини тушундим...

#### СИЗНИ БЎЛМАЙСАН ДЕГАНИМ ЙЎҚ

Бир вақт Сурхондарёнинг Қумкўрғон туманидан тўрт нафар забардаст йигитлар меҳмон бўлди. Айниқса, бир семиз кишига раҳмим келди. У мардош қуришиб ўтира олмас, нафас олишлари ҳам оғир, дастурхондан нон ва чойни олиши ҳам малол келарди. Тўртта ёстиқни ёнбошига қўйиб олиб, аранг ўтирарди, ҳар замон-ҳар замон: «Бахши бобо, термадан бўлсин», деб қўяр эди. Чой ичилиб бўлгандан кейин, мақсадга ўтилиб, бояги меҳмон гап бошламоқчи эди. Бахши «Хўш хизмат» дегандан кейин меҳмонлар очилиб қолди. Шунда семиз меҳмон: «Қодир ака, мен сизнинг мухлисингизман. Мен ҳам бахши бўлишга жуда қизиқаман. Бир кеча сизни тушимда кўрибман. Дўмбира чертириб, қўшиқ айттириб кўрдингизда, дўмбирамни олиб, бир уриб синдириб ташладингиз. Сендан бахши ҳам, созанда ҳам чиқмайди, ука. Аниқ айтсам бўлмайсан дедингиз». Сизнинг олдингизга шу гапни билгали келдим, бир ёрдам беринг, деб ялтоқлана бошлади. Йўғ-е, — деди бахши. Қани, дўмбирани олиб, куйлардан чалиб, бир терма бошланг-чи, кейин айтаман, — дедилар. Шунда ҳалиги меҳмон аранг жойлашиб ўтирди-да, бахшининг дўмбирасини олиб, пала-партиш чертган киши бўлди. Термага овози етмади. Нафас олиши анча оғирлашиб

қолди. Шунда бахши касбингиз ким деб сўради. Мен жамоада сувчиман, деди. Нима сабабдан бахши бўлмоқчисиз деганда, ҳозир бахшиларга талаб катта, пул кўп, иззат-ҳурмат жойида деб тиржайди. Мен меҳмоннинг бу гапни билиб айтдимки ёки билмасдан айтиб юбордим — аниқ билолмай қолдим. Кейин бахши: «Оғам, шунча бўйин эгибсиз, албатта, катта бахши бўлиб кетасиз. Дўмбирангизни синдирганимга келсак, сизни бахши бўлмайсан деганим йўқ, дўмбирангиз бўлмайди деганим» деб жавоб берди. Меҳмон жуда хурсанд ва шундан кейин нимагадир кўринмади. Қодир бахши ҳеч ким кўнглини қолдирмаган инсон эди.

### КАСАЛГА ТИНЧЛИК БОРМИ, ЙЎҚМИ?

Турғунлик йиллари пахта йиғим-терим қизғин авж олиб кексаю-ёш пахта даласида. Эркаклар баталёни, аёллар баталёни тузилган, ҳатто еттинчи синф ўқувчилари ҳам жалб этилган. Қодир бахши ҳам Бобур номи ўрта мактаб ўқувчилари билан кўп қатори Қарши чўлининг янги ўзлаштирилган ерида пахта термоқда. Энди Қодир бахшини эшитган халқ у кишини кўяди дейсизми? Кундузи кун бўйи далада, кечасию тонг отар халқ хизматида. Албатта, бундай хизмат Алпомишни ҳам толиқтиради. У кишининг оғзи бўш, содда, бировнинг илтимосини қайтара олмаган киши эмасми, бориб хизматини қилади, чарчайди. Бир куни нима бўладию, Қодир бахши ўқувчилар билан далага чиқмай, тушгача ухлаб қолади. У кишининг ўрнига бошқа ўқитувчи кетади. Тушга яқин шийпонда тала-тўп, чопа-чоп келди, тозала, тез югур бошланади. Мактаб директори ҳам, жамоа хўжалиги раиси ҳам, хизматчилар ҳам елиб югурмоқда, ниманидир тузатмоқда, катта цемент шийпоннинг атрофига сувлар қалин сепилмоқда. Бир маҳал икки машина (бири «Волга», иккинчиси «Пазик») чанг йўлдан ўтиб, шийпон олдига келиб тўхтади. Машинадан турғунлик йилларининг кўнгли хуш, калласи бўш зиёлилари бирин-кетин тушиб, атрофни кузатган бўлишди. Ўқувчилар ётадиган жойни кўздан кечирмоқчи бўлиб, мактаб директори ва раисни ҳамроҳ қилиб, шийпоннинг ичини айлана бошлашди. Айланиб келакела бирови ўқитувчилар хонасини очиб, ичкарига қа-

рашди. Ичкарида узун бўйли бир йигит бир ёнбошда нариги томонга қараб, хуррак отиб ухлаб ётибди. Катталарнинг кўзлари «ёвуз Мاستон»нинг кўзидай ёниб кетади. «Э, — деди биттаси, — Қарши чўлининг султони бу ерда дам олмоқда экан-ку? Турғизинг жойидан!» Мактаб директори энтикиб ичкарига қараса, Қодир бахши ҳеч нарсадан хабарсиз чўзилиб ухлаб ётибди. Бундай воқеа бўлишини кутмаган директор хижолатдан уялиб, нима бўлса бўлди, деб бахшининг елкасидан ирғаб «туринг ука, туринглаб» қистай бошлайди. Қодир бахши директорнинг бу емранишидан нима воқеа бўлганини сезади ва жойидан турмай, бу томонига ағдарилмай «Эй, директор бобо, кечадан бери иситмалаб ётибман, томоғимдан сув ўтмаяпти. Касал одамни қўясизми, йўқми? Сизларга касал ўлмаса амал эмасми!» деб кўрпани бошига тортиб, яна хуриллаб ухлайди. Шунда оқ «Волга»да келганлардан бири «похир касал экан, ундан кўра дўхтир чақириб, ёрдам беринг, кетдик» деб машинасига миниб, бошқа дала шийпонига жўнаб кетишади. Жамоа хўжалиги раиси билан директор «бахшига нима бўлди?» деб изларига шошиб келсалар, бахши ёнбошлаб «Шарқ юлдузи» журналини варақлаб ўтирибди. «Э, ишингиз тушсин бахши, одамни обкомнинг биринчи котибининг олдида уялтириб қўяёздингиз, ўзи касал эмасмисиз» дейди директор. «Кеча хизмат ошиб кетибди», дейди бахши. Учовлари гапнинг мағзига тушуниб роса кулишади. Шундай қилиб, Қодир бахши ҳам ўзини, ҳам раисни дашномдан қутқариб қолади.

### САИД АҲМАДНИНГ ИМТИҲОНИ

Бир йили машҳур халқ бахшиси Умир Сафаровнинг тўқсон йиллиги бўлди. Шунда Тошкентдан шоир ва ёзувчилар, олимлар, жами йигирмага яқин киши юбилейга ташриф буюрди. Юбилей жуда мароқ билан ўтди. Деҳқонобод халқи бундай катта йиғинни узоқ йиллар меҳр билан тилга олиб юришди.

Юбилейдан кейин меҳмонларни туман катталари бир пиёла чойга таклиф қилишди. Чой Каттапой тоғининг катта бир дарасида ташкил қилинган эди. Ҳамма бахшилар, меҳмонлар етиб келиб, қизгин суҳбат бош-

ланиб кетди. Даврада бахшилар навбатма-навбат куйлаб турдилар. Қодир бахшига навбат келганда, Саид Аҳмад: «Хов Қодир, сен мана машхур бахшисан. Бугун устозингнинг руҳини шод қилдинг. Ҳамма сендан хурсанд. Бахшилар томоқдан олиб айтадилар. Бўғилиб, терга ботадилар ва шунга қарамасдан тонгни тонгга, кунни кунга улайдилар. Шу қийналмасдан очик овозда айтиб қўя қолсаларинг бўлмайдими? Қани, очик овозда айтиб кўрчи, айта оласанми?» деди қизиқиш билан. «Тўғри, Саид Аҳмад ака, — деб гап бошлади Қодир бахши. Очик овозда ҳеч гап эмас. Лекин ака ташқи овозда айтсам, дўмбира йиғласа овоз хўрсинмайди, дўмбира билан овоз бир-бирига жарангламайди ёки юрагингни сикмай гапларингиз таъсирли чикмайди ёки улар уйғунлашмайди. Энг қизиғи, минг йиллик халқ анъанаси ўлади. Бахши билан хофизнинг фарқи қолмайди», деб дўмбирани баланд жўрлаб, очик овозда тоғ манзарасини терма қила кетди. Менимча, бу қўшиқ нари-бери айтилгандай, чарчаган тулпорнинг кишнашини эслатар, бахшининг ҳаракатлари ўта табиий эмасдай туюларди. Шу пайт Саид Аҳмаднинг ҳеч кимга қарай олмай, дастурхон четини ўйнаб, ўзини овутиб ўтирганлигини сездим.

### НИМА ҚИЛАЙ, ЧИДАЙОЛМАДИМ-ДА!

Туркменистонда Чоршанги деган чорвадор туман бор. Бу жойнинг халқи бахшини кўрса, ҳамма ишини йиғиштириб, дoston эшитади. Шу ерда катта бир тўй бўлади-да, Қодир бахшини эл бўлиб, олиб келади. Улар ўз одатига кўра бахшини концертга аралаштирмай, бошқа хонадонга олиб кетиб, фақат хоҳловчилар эшитади. Шунда чоллар бахшидан «Кунтуғмиш» дostonини айтиб беришни талаб қиладилар. Қўшиқ авжигандан авжийди, бахши тебранади, дoston давом этаверади. Холбека болаларидан ажралади, Кунтуғмиш ўн саккиз қобот кийизнинг ичидан, олтита тегирмон тошнинг остидан чиқиб, болаларини излайди, тополмайди, қаҳрамон йиғлайди, тоғлар, тошлар, арчалар, қушлар, ҳатто, бўлутлар йиғлайди. Бу фожеага қўшилиб, уй ичидаги чоллар ҳам, овқат ташиб турган ўспиринлар ҳам йиғлайди. Кунтуғмишнинг инграб йиғлаганига чидай олмай, дўмбира ҳам торлари эшилиб, косалари тешилиб,

сўз ва овозга қўшилиб, обдон йиғлайди, йиғлайверади. Чоллар кўз ёшларини артиб бахшига қарайдилар. Бахши ҳам бутун чолларга қўшилиб, йиғлаб-йиғлаб қуйлайверади. Яна чидай олмаган чоллар боз қўшилиб, хўнграб йиғлайдилар. Ҳеч ким ҳеч кимга ҳалақит бергиси келмайди, ҳеч ким биров-бирова далда бермайди, бундай пайтда. Хуллас, айтувчи ва дoston эшитувчилар тонгни йиғлаб оттирдилар. Эрталаб чоллар «Қодиржон, қойилмақом истеъдодни чини билан Худо берган экан сизга. Одамни энадан бир тувма қилдингиз, раҳмат-е сизга», деб ажралгиси келмайди. Оқибат ноилож эрталаб тарқаб-тарқаб кетишади. Шунда тўй эгаси «Қодир ака, кеча сиз ҳам йиғлаб юбордингизми дейман», дейди хўрсиниб. «Ҳа ука, ёдимга ўзимнинг сағирлигим тушиб кетди. Кейин ҳам шунча элнинг сел бўлиб йиғлаётганига чидай олмадим-да, нима қилай», дейди бахши чуқур нафас олиб, сўнг нос отиб кўяди.

### «ХОНИМОЙ» НАҒМАСИ

Қодир бахшининг Алихон дўмбиракаш деган ёшлиқдан бир дўсти бор бўлиб, у ниҳоятда дўмбирани бенуқсон соз чалар, куйлари жуда сеҳрли эди. Яна у кишининг чалган куйлари бир-бирини такрорламас, куйдан-куйга сел каби тошиб, тинглаётган одамни беихтиёр ўзига ром қилар, гоҳ ўйноқи, гоҳ вазмин куйлари эса хаёлингизга ўтмиш таассуротларини муҳрлар эди. Дўмбира созида ўттиз икки нағма куй ҳисобида тан олинган бўлса, у киши қирқ бешдан ошиқ нағмани ўзлаштирган бўлиб, отадўсти Қодир бахши билан олмоқ-солмоқ соз чертишиб, ўз касбида жуда тобланиб, мустаҳкамланган инсон эди.

Икки дўст Лайлимкан деган катта қишлоққа бир айтимга борадилар. Уй эгаси бахши билан созандани очик чехра билан кутиб олади. Кўёш ҳали толтушга бормаган, меҳмондорчилик кечга бошланиши керак. Шунинг учун бахшилар кечгача дам олиши ёки паст-баланд текисликларга чиқиб, томоша қилиши лозим эди. Улар уйда дам олишни хуш кўрадилар. Уй эгаси катта бир оқ ширбозни сўйиб, овқат ва чой ташкиллаштириди, «энди укалар, менга бир соат руҳсат берасизлар,

бояги зормандани топиб келмасам кўнглим тинчимаяпти», деб рухсат олиб Кўкмиёр ошиб кетади. Қодир бахшига караганда Алихонбой бир оз синчковроқ бўлиб, ташқарига «даштлаб» келаётганда уй эгасининг сўлтанлаган бир бўй қизига кўзи тушади. Уйга келиб «Қодир мана бугун дўмбира созда кимнинг зўрлиги билинади, мен билан чертишасанми?» дейди. «Нимага энди бугун», дейди бахши тушунмай. Уй эгаси келгунча икковимиз дўмбирани навбатма-навбат куч билан чертамиз. Агар кимнинг куйи жозибадор, мароқли, таъсирчан ёки шўх ёки ўзига тортувчи куч зўр бўлса, уй эгасининг бир бўй қизи бор экан, ана шу қиз у-бу нарсани бахона қилиб, эшикни очиб қарайди. Агар куйимиз ёкмаса эшикни очмайди», дейди. Бекорчиликдан Қодир бахши рози бўлади.

Навбатнинг бошини Алихонбой бошлайди. Дўмбира куйи баданлар ўз-ўзидан жимирлаб, қалба куйга майлик сезилади. Создаги қочиримлар тингловчини қитиклай бошлайди. Дастадаги бармоқлар ипакдай эшилиб, тор устида йўрғалайди, ўнг бармоқлар эса чаноқ устида гўё рақсга тушади. Чертувчи куйга ҳамоҳанг тебранади, пешонадаги маржон терлар, ёноқлар устида ранго-ранг жилваланади. Шу пайт эшик очилиб, «зерикмаяпсизларми?» деган қиз боланинг майин овози келади. Нигоҳлар тезда эшик олдида турган сулув қизнинг тонг юлдузидай порлаб турган гавдасини тезда илғайди. Жавоб олинмасдан эшик ёпилади. Алихонбой ғалабадан гавараси кенгишиб, бир оз кергичиб қўяди. Ютуқ учун носвойдан маза қилиб отади. Дўмбира Қодир бахшининг қўлида инграй бошлайди, балки сайрайди, тилга киради. Бахшининг қалбидаги нидолар, армонлар ва шодликлар куйга қўчади. Бутун вужуди сел бўлиб, дўмбира куйига қўшилиб кетади. Харсанг тошларга шу куйларни боғлаб чертганда, ҳеч иккиланмай суви сиркираб, майда бўлаклари бир-биридан ажралгиси келмай чирқираб, мумдай эриб кетар эди. Шу пайт эшик очилиб, эгнига атлас куйлак кийиб олган қиз салом бериб, кириб келади, куй давом этаверади, қиз бахшининг олди-дан чойнакни олиб, нари-бери юради, кетгиси кел-



маётганлиги, у-бу нарсани қараётганидан сезилади, куй булбул каби хониш қилаверади, қиз гул бўлиб, булбулнинг навосига маст ҳолда беихтиёр бахшига жовдирайди, дастурхонни тузатган бўлади, печкаларни очиб қарайди. Куйга тобора сеҳрланиб бораётганлигини сезиб қолади. Хуркак кийиклар каби дирк этиб эшикка отилади. Буларнинг беллашиб чертаётганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Эшик ёпилади. Бахши қандай дегани каби Алихонга табассум ҳада қилади. Дўмбира овушади. Унинг торлари жонлади. Созанданинг хаёлида «келармикан» деган умид учкунлари чарх уриб, айлана бошлайди. Ишончини сўндириб умид билан куйни-куйга улайди. Ҳатто уйнинг деворлари куй сеҳрига тош қотади. Томдаги арча хорилар бир-бирига: «Қара, қандай бахтимиз бора, қўнғиротнинг шундай дўмбира нағмаларини эшитдик», деб ўзларига тенгсалгандек, қамишлар унга жўр бўлгандек туюлади. Бутун борлиқ жибишади. Шу пайт остонади ўша малак намоён бўлди. Созандага меҳр билан боқади. «Кечирасизлар», дейди-ю, хижолат тортган каби орқасига шартга қайтади. Эшик беркилади.

Бахши ва созанда ўзларининг маҳоратлари учун бир-бирларига офаринлар айтадилар. «Зўр бўлсанг келтир, мен икки марта қаратдим», дейди Алихонбой ғурурланиб. Бахши яна дўмбирани олади. Созанда тинглайди. Бу сафар қиз дадиллик билан кириб келади, ҳеч нарсани баҳона қилмайди. Печканинг бу томонига ўтиб тиззаларини букиб, иягини тиззасининг устига қўйиб, бемалол ўтириб олади. Кўзларини дўмбирадан узмайди. Алихоннинг дўмбирани тортиб олгудай бўлаётганини пайқайди. Нима учун олмоқ-солмақ берилиб тинглаб бошлайди. Бахши икки бегона эркакнинг қошида бир бўй қизнинг ўтиришини эп кўрмай, дўмбира чалишни тўхтатиб, хижолат бўла бошлайди. Қиз қизиса оловдан ёмон. Бу фикр жуда тўғри гап. «Ака, дейди қиз, — мана шу куйдан олдин чертган куйингизни яна бир қайтариб чалиб берсангиз, деб маъюсланади. Сўнг шу куйингизнинг номи нима?», деб сўрайди. Бу куй «Хонимой» куйи деб бахши олдинги куйни бир оз қисиниб бошлайди. Куй яримлаб бошлаганда ташқаридан

мотоциклнинг келиб тўхтаганлиги эшитилади. Хуркак қиз бирдай жойидан сакраб туриб «Отам» деб ташқарига отилади. «Хонимой» куйинг зиёдлик қилди-да, Қодир», деб Алихонбойнинг тан бергиси келмайди. «Нима гап бўлганлиги Худога маълум», деб кулади бахши.

### НОМАРД БАХШИ

Кунлардан бир куни бизнинг қишлоғимиздаги бир йигит армия сафидан қайтиб келди. Бу йигит ҳамсоямизнинг ўғли эди. Унинг отаси ҳам, онаси ҳам худонинг қарзини узиб, боқий дунёга сафар қилган эдилар. Аскар акаларининг кўлида камол топиб, армия сафида икки йил йигитлик бурчини аъло бажариб, қайтиб келди. Бутун қишлоғимиз одамлари аскар тўйига йиғилди, ҳатто Сурхондарёдан йигитнинг тоға-жиянлари ҳам етиб келишди. Шунда аскарнинг оғайнилари: «Қодир бахшини бу кеча қуйлатсак келармикан, бу сағирларнинг ҳам кўнглини олармикан», деб фикрлашиб турганда, яна бир ҳамсоямиз: «Бахшику келади, лекин пул ёки мол бормасаларинг кўнгилларинг учун икки оғиз хиргойи қилиб кетадию, кўнгилдагидай айтмайди», деб уларга маслаҳат беради. Хуллас, кечқурун Қодир бахшининг ўзи тўйхонага таклифсиз кириб келади. Ҳамма у кишининг истиқболига чиқди. «Ҳозир Тошкентдан телевидениедан келдим, устимни ҳам алмаштирмай, аскарни эшитиб, бу ерга чопавердим», деди чиройи очилиб. Шундай қилиб кечқурун гурунг бошланади. «Ҳой йигитлар, аскарнинг шаънига икки оғиз қўшиқ айтмасак бўлмайди, нима дейсизлар?», деди йўлдан чарчаб келганлиги билиниб турса ҳам. Ҳамма гувва «тўғри, тўғри, эштайлик», деб тасдиқлади. Кейин мени дўмбирага юборди. Шу кеча сурхондарёликларнинг талабига биноан «Кунтуғмиш» достони бошланди.

Достон мароқ билан қуйланар, созлар сўзга жамираб, одамларнинг қалбини қитиқлар, ихтиёрдан кетган каллалар эса ўз-ўзидан чайқалар, кексалар бир-бирларига суяниб йиғлар эди. Чақнаб турган йигитлар, бўз болалар ичкилик шайдоси бўлган алпқомат баҳодирлар ҳам достон қахрамонига қўшилиб кетган. Бахши достон қахрамонларидан бири бўлган Моҳибойни ва Гўркибойни фанимлар кўлига тушириб, икки кўлини

боғлатди. Икковини жаланг оёк, жаланг бош жаллодлар отини солиб ҳайдаб келаяпти. Шерюракли Моҳибой жаллодларга қараб: «Ҳой душманлар, агар мард бўлсанг, менинг қўлимни бир марта ечиб юборинглар, менга қурол берманглар. Сизлар от ва қуролда мен билан бир майдон курашинглар, мен сизларнинг қўлларингизга армон билан тушдим, қўлимни бир қўйиб юборинглар, мен ҳам армонда ўлиб кетмайин», деб зориллаб сўраб йиғлаяпти. Лекин жаллодлар Моҳини баттар қамчига тутиб, отга урдириб чангга қориб ҳайдаб келаяпти. Моҳи эса яна умид билан: «Ҳеч қурса, бир соатга қўйиб юборинглар», деб ялинаяпти. Аммо жаллодлар қўймаяпти. Моҳи ялинаяпти. Шу пайт Қодир бахши: «Эй игитлар, бир нос отиб, дам олайлик», деб қўшиқни тўхтатди. Шунда уйнинг тўридан қаттиқ чинқириш эшитилди, ҳамма ўша тарафга боқди. Қирқ ёшлардан ошган сурхондарёлик бир киши кўзларида ёш билан Қодир бахшига бақира кетди. Ҳамма ҳайрон, таажжубда. «Ҳой Қодир ака, номард одам экансиз, бир мартагина Моҳибойнинг қўлини қўйиб юбормадингиз-а, шу Моҳининг қўлини бир марта қўйиб юборинг, қани, нима иш қилар экан, сағир бола армон бирла кетмасин», деб уришар ва йиғлар эди.

Бу сўздан кейин ҳаммада жонланиш пайдо бўлди. Қодир бахши эса қақирлаб кулиб юбордида, жувон сонига шаппати билан бир урди. «Ҳей оғам-ей, бу достон-ку! Достонда ҳар хил воқеалар бўлади. Моҳибойга ичингиз ачиётган бўлса, ҳозир қўйиб юборамиз, носни туфлайлик», деб дўмбирасини қўлига олди.

Даврада ўтирган одамлар эса гапни нимада эканлигини кейин англаб, кула бошладилар. Ҳар ким ҳар хил гап қила бошлади. Сурхондарёлик йигит эса хижолат тортиб яна жойидан туриб, «Кечирасиз Қодир ака, достонга берилиб кетган эканман, Моҳибойнинг йиғлаганига чидаб туrolмадим», деб кечирим сўради ва кўзларини енг учи билан артиб, жойига ўтирди. Шу кеча ҳам тонг отгунча достон айтиш бўлди. Кета-кет бошланганда сағир болаларнинг каттаси отани ёнига келиб, «раҳмат Қодир ака, биз сизни нима билан хурсанд қилишни билмаяпмиз», деб кўзларига меҳр ёшлари қалкиди.

«Мени рози қилмоқчимисизлар?» деди отам. «Ҳа», — деди улар. «Ундай бўлса, келинлар, бир дуо берайин, ажирикларингни Аллоҳ тўлдирсин, ота-оналарингни руҳи шод бўлсин, аскар йигит ҳам элда обрўйли инсон бўлсин, оллоху акбар», деб юзига фотиҳа тортди. Улар уй ичлари билан шод бўлиб қолдилар, биз эса уйга жўнадик.

Орадан анча вақт ўтиб, отам қазо қилганда бизлар билан шу йигитлар тонгни-тонгга улаб, куйиб йиғладилар. Бахшининг етгиси ўтгунча уйимиздан кетмади, мен ана шунда отамнинг сағир болаларнинг кўнглини қандай қилиб олганини, нима учун уларга меҳрини берганини, сағир болаларнинг отамга садоқатини, нима учун уларга меҳрини берганини, ҳалиям унутмайдиган яхши одамлар борлигини, меҳр кўргизган одамга меҳр қайтишини ҳис қилиб, дунёни кенгроқ тушунганимни англадим. Кейинчалик шу аскар йигит бизнинг участкамизга раҳбар бўлиб, ҳурмат қозониб кетди.

### ЛОҚОЙ БОТИР ВОҚЕАСИ

Хўжамахмуд участкасидаги «Отферма» қишлоғида Лоқой деган ёлғиз бир йигит яшар эди. Бу йигит ниҳоятда ичкилик шайдоси бўлиб, топган пулини ароқ ва винога сарфлар эди. Ароққа тўйгандай кейин у киши жой танламас, тўғри келган ерда ётиб олар, сойми, чуқурми, тупроқми ёки сувли жойми ўгайламас эди. Лекин ўз ишига моҳир, уста, боз устига дўмбирада тўрттабешта куйларни устакорлик билан чалиб юарди. Бу қишлоқда ҳам катта давра бўлиб, тумонат одам йиғилади. Давра ниҳоятда қизийди. Анча кайфи ошиб қолган Лоқой ака (жойи жаннатда бўлсин): «Қодир ака, Гўрўглини мақтайсиз, Алпомишни мақтайсиз ва чўпонларни куйлайсиз. Нега мени беш минут яхши деб, ё ёмон деб айтмайсиз», деб кайфи устида ўпкалайди. Дам олиб турган Қодир бахши мийиғида кулиб, «Майли оғам, мақтаганим бўлсин», деб Лоқой акани бир ярим соат мақтайди. Бу термани ишқивозлар магнитофон лентасига ёзиб оладилар. Кейинроқ қўшиқ тугаб, ҳамма уй-

уйига тарқалади. Кассета эса қўлдан-қўлга ўтиб, Сурхондарё, Тожикистон ва Туркменистонда кўпайиб, кўчири-либ ёйилади. Кассетада Лоқой ака шундай мақталиб, таърифланадики, ҳатто афсонавий қаҳрамонлардан ҳам ошириб куйланган эди. Шу замоннинг энг моҳир чавандози, паҳлавони ва етук билимдони деб куйланган бўлади.

Бу кассеталардан биттаси Тожикистоннинг Ковадийён туманига ҳам етиб, бир бадавлат кимсанинг қўлига тушади. Шу ерда яшовчи тўрт-беш от чоптирувчи кишилар шу йигитни топиб, бир кўришни орзу қиладилар. Агар кўнглини топсалар, шу ерга олиб келиб, от чоптиришни режалаштириб, катта тайёргарлик билан битта «Нева» машинада Қашқадарёга жўнашади. Деҳқонобод туманига келиб, Лоқой ботирни одамлардан сўрай бошлайдилар, уйи қаердалигини билмоқчи бўлишади. Ҳамма «Лоқой ботирни билмаймиз», деб жавоб беради. Бир хиллари «Лоқой деган бир монтер бор, лекин у ботир эмас, балки ароқхўр», деб таърифлайди. Хуллас, меҳмонлар кун узоғи Лоқой ботирни тополмай хайрон бўлиб, чарчаб қолишади. Охири меҳмонлар: «Бўлмаса, бизга Қодир бахшининг уйини кўрсатинглар» деб одамлардан илтимос қилишади. Ҳаким деган бир киши меҳмонларни бизнинг уйимизга бошлаб келиб қолди. Қўйлар сўйилди, чойлар ичилди. Кейин Лоқой ботирнинг гурунгни бошланиб, кассетаси магнитофонга қўйилди. Лоқой ботирни излаб чиққанликларини, ҳеч бўлмаса, унинг юзини бир кўриб кетиш орзуси борлигини билдирадилар. Отам воқеани эшитиб, бир оз хижолат тортди ва хоҳолаб кулиб юборди. Улардан кечирим сўраб, Лоқой акани табиатини завқ билан гапириб берди. Лекин меҳмонлар Лоқой акани кўриш орзусидан қайтмадилар. Кейин мени ота Лоқой акани олиб келишга жўнатди. Мен мотоцикл билан тезда Лоқой акани топиб келдим.

Меҳмонлар Лоқой акани зимдан кузатдилар, унинг полвон устихонларини, кенгиш елкаларини ва сарғиш юзларини, узун-узун бармоқларини қизиқиш билан қараб чиқдилар. Давра эса давом этарди. Бирор соатлардан кейин Лоқой ака ўзига қадрдон бўлиб қолган

хамишаги ботирлигини бошлади. Меҳмонлар эса унинг қилиқларидан зерика бошладилар. Бу меҳмонларнинг келишидан беҳабар бўлган Лоқой ака отамга тез-тез «мени мақтанг», «мени таърифланг» деб гапира-гапира уйкуга кетди. Меҳмонлар эса гап нимада эканлигини англаб, хо-холаб кулишди. Шунча тайёргарлик билан, шунча йўлдан ошиб, вақтини йўқотгани билан ачинмадилар, балки хурсанд бўлдилар. Чунки меҳмонлар уч республикага, ҳатто, Франция ва Англияга машҳур бўлган камтар инсон Қодир бахши билан танишиб, уйда меҳмон бўлаётган эдилар. Лоқой аканинг борлигига ҳам раҳмат айтиб, шундан кейин улар биз билан борди-келдини боғлаб оғайни бўлиб кетдилар.

### ИШОНЧ

Бухоро вилоятига хизмат юзасидан тўйга кетаётганда Ғузурда машинага ёнилғи қуйишга тўғри келди. Шофёр машинада қолиб, мен хизматчининг хонасига борганимда, бензин тўқувчи йигит «Ака, ҳозирча чироқ йўқ, бироз дам олиб туринг, бир пасда келиб қолади» деб ичкарига, ўзининг хонасига таклиф қилди. Хонага шундай киришим билан бир нотаниш киши мен билан кучоқ очиб кўришди, бир фурсат бағрига босиб турди. Кейин мени диванга ўтказиб, тайёр турган таомлардан олишга таклиф қилди. Мен у кишини юзига тикилганимда кўзи фарқ ёшга тўлиб турганини сездим ва хижолат тортмасин деб ерга боқдим. Гурунгимиз аста-секин кўшилиб кетаверди. Иссиқ чойлар ичилди. Кейин у бошидан ўтган унутилмас бир воқеани гапириб берди.

1985 йил август ойида отангиз Қодир бахши бизнинг Ғузур туманининг Қорқумди қишлоғига бир пенсионернинг тўйига келди. Эсимда, шунда отангиз «Юсуф ва Аҳмад» достонини куйлаб, бутун ғузурлик чолларни сел қилди, ҳамма йиғилганлар отангизнинг хизматидан рози бўлиб, чин дилдан дуо бердилар. Хизмат тугагандан кейин бир чол Қодир бахшига қараб: «Болам, яқинда сурхондарёлик бир ўрта бўйли, хипчадан келган, қурга ўтирмай, даврага чикиб кетди. Ҳатто кўпчилик саломини ҳам олмади, дoston айтиб берсин деган талабимизга «мен йигирманчи аср бахшисиман» деб

жавоб берди ва ярим кечгача даврада ўйинчилар билан ёқалашиб, ҳамманинг нафратига учради. Тўй эгаси бахшининг бу қилиғига уялиб, уйдан чиқмай қолди. Қодиржон, сиз сардодпай бўлиб ҳамкасбларингизга айтинг, дoston ўргансин, халқ билан муомала қилишни, чолларни хурмат қилишни билсин. Агар бахшингиз шу кетишда кетаверса, ёшларни йўлдан чиқариб, минг йилдан бери сақланиб келаётган анъанамизни саёзлаштириб юбормайдами? деб сўради. Шунда Қодирбахши «Аҳмад бобо, ҳар ким экканини ўради, халқ керагини танлаб олаверади, у бахши ҳам ёшларни қизиқтирайин дегандир-да» деб кулди. Шундан кейин чоллар дуолашиб тарқалдилар «яна ҳам одам юборсак, келинг», деб тайинладилар. Кейин бизни тўй эгаси бошқа хонага таклиф қилди.

Анча Қодир бахши билан гурунглашдик. Кейин мен эртали бери ичимда ўйлаб ўтирган дардимни бахшига айтдим: «Қодир ака, мен йигирма йилдан бери бригадир бўлиб пахтада ишлайман. Икки-уч йилдан бери омадим юришмаяпти. Пахта плани ўз вақтида бажарилмаяпти. Менинг сиздан бир илтимосим бор, мана пахта терими ҳам оз қолди. Агар рози бўлсангиз мени термага кўшиб, бир дуо беринг, сиз ҳам назари одам, балки бу йил режам бажарилиб, эл ичида юзим ёруғ бўлса?» деб мени ярим соатча терма қилди. Термада вилоятда биринчи бўлиб режа бажарилишини, колхозчиларимга тўй қилиб беришимни, кексаларга биттадан тўн ёпишимни ва ниҳоят, Олий Кенгашга депутат бўлишимни кўшиб айтди. Кейин дуо бердилар.

Ширин орзу-умидлар билан уйимга қайтдим. Эртасига белни маҳкам боғлаб, ишга киришдим. Пахта терими тугалланди: омадим чопдими ё худойим «ол кулим» деб юбордими, ё Қодир бахшининг дуоси мустажоб бўлдими, термадаги ҳамма гаплар Қодир бахши айтгандай бўлди. Шу йил Олий Кенгашга депутат ҳам бўлдим. Бахшининг ҳамма айтганларини қилдим, аммо битта армон мени етти йилдан бери қийнаб келади. Агар депутат бўлсам, бутун Ғузор халқига ош бериб, хизматга сизни чақираман деб Қодир акага сўз берган эдим. Афсуски, дунё бу ниятимга изн бермади. Бу йилига отангиз оламдан кетдилар. Мана шу воқеага ҳам

етти йил бўлди, етти йилдан бери ўйлаб келаман, отасига қилган ниятимни ўгли бажариб берармикан, Қодир бахшининг руҳига таъзим қилиб, унинг болаларини рози қила олармиканман, деган фикр хаёлимда чарх уриб, айланиб юради. Агар Қаҳҳоржон, хўп десангиз, шу йил пахта терими бошланмай, шу ният қилган тўйимни ўтказиб берсангиз деди-да, кўзларидан жовдираб ёши тўлиб кетди.

Мени ўй босди. Дунёда шундай одамлар борки, етти йилдан бери тўйини бир нияти учун ўтказа олмай юрибди: Қандай содиқ инсонлар бор, Ўзбекларда! Мен бу инсоннинг кўнглини ололаманми ёки йўқми деб ўйладим. Кейин юрагим тошиб кетиб «бўпти ака, тўйнинг кунини белгиланг», дедим. «Йўқ,— деди у киши, сиз белгилайсиз». Сўнг икковимиз келишиб, тўй кунини белгиладик. Қўл беришиб, тасдиқладик. Кейин у киши мендан кечирим сўраб, «Қаҳҳоржон, чироқ ҳам бор, бензин ҳам бор, шундай қилмасам, сиз билан гурунглаша олмайманми деб ўйладим» деб кулди. Мен ҳам «ҳечқиси йўқ», деб жавоб бердим. 120 сўмлик бензиндан бақимизни тўлдириб бердилар. Берган пулимизни қайтариб берди. Кейин мени машинага ўтиргизиб, катта дуо билан Бухорога жўнатиб юборди. Бухорога келгунча етти йил азоб тортган пахта бригадири ҳақида ўйлаб келдим ва отамнинг назари инсон эканлигига амин бўлдим.

### ҚўШИҚНИНГ КУЧИ

Турманистоннинг Сурхондарёга чегарадош жойида «Кўхитанг» хўжалиги бор. Бу хўжаликда босими қора кўнғиротликлар яшайди. Ана шу инсонлардан бири элга суннат тўй бериб, Қодир бахшига одам юборади. Қодир бахши ўзига ҳамроҳ қилиб, Хуррам деган бўласини ҳам олиб, шу тўйга келади. Дам олиб бўлгандан кейин Қора кўнғиротликларнинг талабига биноан «Тархистон» достонини Қодир бахши бошлайди. Воқеанинг бу ёғини хуррам бўла шундай ҳикоя қилади: Қодир бўламдан кўп дoston эшитганман, лекин бу кечаги дostonи мени ўзига ром қилдики, мен ҳам худди олдин эшитмагандай оғзим очилиб қолди. Бошқалар-ку умуман хаёлини олдирган экан. Қўшиқ тугаб ҳамма



бўлам билан дуолашиб, уй-уйига тарқалди-ю. лекин ўрта бир киши қошимиздан турмади. Тўй эгаси эса ҳалиги одамни еб қўйгудек бўлиб тикилар, ҳар қараганда ғижинар, қовоқларини уюб қандай бўлмасин, шу одамни кетказиш йўлини ўйлар эди. Дастурхонга нон, чой ва тандир гўштлар келтириб, қўкатлар қўйилди. Тўй эгаси бахшидан қисиниб, ҳалиги одамни уйдан чиқариб ҳайдашни билолмай турганлиги аниқ билиниб турарди.

Кейин ҳалиги инсон бир пиёла чой ичиб: «Қодиржон, мени тўй эгаларининг ёмон кўришига сиз сабабчи бўлдингиз. Чунки биз булар билан ўн беш йилдан бери гаплашмаймиз. Ўртамыздан бир низо чиқиб, таёқлашган эдик. Шундан бери борди-келдимиз узилиб, гаплашмай келаяпмиз. Аввал оқшом шундай таҳоратга чиқсам, сизнинг довушингиз келаяпти, бир пас эштайин, деб бериги газзага чиқдим, яна тоқатим бўлмай, кечаси ким кўриб ўтирбди деб подахонага келиб қулоқ солдим. Сизни олдингиздан туриб эшитгим келаверди, қўшигингизнинг кучи борми дейман, яна силжиб-силжиб тўйхонага келиб қолибман. Энди нима бўлса бўлди, тўй эгалари таёқласа ҳам кетмайман деб қолиб олдингизда ўтириб олдим. Таҳоратим ҳам қолиб кетиб, номозим қазо бўлиб, дostonга қулоқ солиб ўтирибман. Сиз хижолат бўлманг, шунинг учун тўй эгалари мени ёмон кўраяпти, булар сўйса ҳам сизни олдингизда сўйсин, агар яраштирсангиз сиз яраштиринг. Сизнинг қўшигингиз учун буларга бош уриб келиб ўтирибман. Бўлмаса, айб булардан ўтган эди. Энди нима қилса қилсин деб кетмай, сизни кўзим қиймай ўтирибман, Қодиржон, деди ҳалиги инсон. Шунда бўлам: «Ҳой Сафар ака, бошингизни кўтаринг. Шермат ака бош эгиб олдингизга келибди, агар ярашмасангиз, у дунёда етти дўзахга тушиб азоб тортасиз. Ундан кейин мен ҳам сизга қилган хизматимдан рози бўлмайман. Сафар ака келинг, Шермат ака қўлни беринг шу яхши ниятдан қайтган банда худонинг уммати эмас», деб икковини кучоқлаштириб кўриштирди. Иккови бир-биридан кечирим сўрадилар, қайтадан қўйлар сўйилди. Эртасига жоппа Шермат аканикига ўтиб термалар айтилди. Сафар ака билан Шермат ака бир-бирларига тўн ёпдилар. Қодир бахшининг қадами файзли бўлди, яхшидан шарофат, ёмондан

касофат деб шунга айтадиларда, деб хурсанд бўлишди. Шундай қилиб Сафар ака билан Шермат аканинг борди-келдиси яна олдингидай бошланиб кетди, Қаххор бўла. Отангиз ана шундай шарофатли инсон эди. Овозининг, созининг, сўзининг оҳанграбодек кучи бор эди. Эшитган одам тўхтаб ўтмай иложи йўқ эди. Ана шундай қилиб айтингларда Қаххоржон», деб менга гурунг берган эди Хуррам бўла.

Сен бахши бўлсанг, биринчи қишлоғингнинг кўнглини топ. Бу қишлоғингдаги обрўйингни ошириб, улар сенга қанот бўлади.

Ҳамкасбинг кўшиқ айтаётганда сен уни кўшиғини беписанд қилма ёки гурунг билан бўлма, бу эса сенинг унга бўлган ҳурматингни билдиради.

Катта бахши бўлсанг шогирд тайёрла. Дарахт ҳам меваси билан қадрли.

Бўш вақтинг бўлса, дoston, китоб ўқи.

Хизматда юрганингда ароқ ичма.

Бахши бўлсанг ҳаром йўлга юрма.

#### ТАСОДИФ

1986 йил кимларгадир шонли йил бўлгандир, балки бахт келтириб кўпларни омад билан буркагандир. Яна кимлар шу йили кутилмаган натижаларга эришиб, обрўйи ошгандир. Лекин бу йили бизнинг оиламиз учун жуда катта машъум қора йил бўлди. Қодир бахшининг дўсти биродарлари учун, қариндош-уруғлари ва у инсонни танийдиган, биладиган, балки номини эшитган одамлар учун оғир йил бўлди.

1986 йил 29 август. Мана шу сана фольклоримиз сардори, дунёнинг ярмига танилиб бўлган камтар инсон, ўзининг сози ва овози билан Марказий Осиё халқларини маҳлиё қилган Қодир бахши Раҳим ўғлини фоний дунёдан боқий дунёга тасодиф олиб кетди. Ҳатто мусулмон дунёсини доғда қолдириб, кўпларни армонда қолдирди. Мен мана шу қора кундан уч кун олдин Шеробод туманида отам билан бирга хизмат қилиб, кечаси хайрлашган эдим. Ҳамон ўша хайрлашув, ҳамон ўша дуо бериб кетишлари кўз олдимда гавдаланиб ҳеч нари кетмайди. Балки бир умрга кетмас; ўчмасдир. Лекин гап бошқа томонда. Шу хабарни эшитиб, Бобора-

хим бахши билан тезда уйимизга етиб келдик. Ҳамма қайғуда, ғамда. Биров-бирова қаттиқроқ гапира олмайди, халқ сукутда, коинот жим, жилов бермас тоғ шамоли ҳам ўша кун тек, тупроқлар хил-хил, бутун юрт аламда, фақат оломоннинг кўзларидан сим-сим томаётган ёшларгина ҳаракатда. Биз ҳам халққа кўшилиб куйдик, ёндик, охирида тутадик. Халқ оқсоқоллари мени курнинг бошига ўтказиб қўйдилар, мен фотиҳа ола бошладим. Шу пайт кутилмаган бир воқеа юз берди. Осмонда уч арқон турналар кўринди. Бари чинқириб, бир-бирига навбат бермасдан товушининг борича нола қилиб, уйимиз устидан уч марта айланди. Товушини пасайтирмай, то Сарғай ота бағрига боргунча фиғон чекиб, учиб кетдилар. Ҳаммамиз турналар ғойиб бўлгунча изидан тикилиб қолган эдик. Лекин мен турналар уйимиз устига жуда пасайиб келганда, бўйни оқ турнани эслаб қолган эдим.

Бу воқеани эшонлар ҳам, муллалар ҳам тасодиф, турналар йўлдан адашган деб ривоят тўғриладилар. Ҳаммамиз шу фикрга қўшилдик. Отамни сўнгги манзилга кузатиб қайтдик, одамлар тарқаб-тарқаб кетишди. Биз эса маконимизда ғам билан, алам билан суришиб уришиб қолавердик, фақат етти кун ўтиб отамнинг еттиси берилаётган эди. Худди олдингидай тумонат одам йиғилган, биров-бировни танимайди, бирга келганингиз билан қўл ушлашиб юрмасангиз адашиб кетасиз. Мен яна курнинг бошида фотиҳани ола бошладим. Эшонлар ва муллалар кўп, бири қўйиб Куръон тиловат қилаяпти. Бир маҳал Сарғай ота бағридан уч арқон турналарни учиб келаётганлиги ҳамманинг диққатини бўлди, яна ҳамма ўша турналарга қараб қолдилар.

Жонивор турналар бу сафар ҳам товушининг борича чинқириб, қағиллаб сафлари бузилиб, уйимиз устидан уч марта айланиб учдилар. Турналарнинг товушига ҳамманинг кўнгли бўшаб кетди. Мен йиғладим, менга қўшилиб эл ҳам йиғлади. Учинчи марта турналар жуда пасайиб келганда, мен олдинги сафар кўрган бўйни оқ турнани аниқ танидим. Улар қанотларини қоқиб, Сарғай ота тоғларидан ошиб кетгунча орқасидан термулиб қолдим. Яна эшонларга қарайман,

улардан яхши гап кутаман, аммо улар жим. Балки уларнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлиб, жавоб тополмаётгандир. Нима бўлганда ҳам бу турналар Сарғай ота бағрида етти кун ётиб отамнинг еттисини кутиб ётгани аниқ-ку! Мен бўйни оқ турнани одил танидим-ку! Ёки ҳамма, гала турналар ичида бўйни оқ турналар бормикан? Балки бордир. Бўлмаса нега улар бизнинг уйимиз устидан икки сафар уч мартадан олти марта ноладан оғир товуш билан айланди экан-а?

Ҳа, сўроқ талаб қилувчи фикрлар кўп. Лекин ҳар бир кишининг ўзига яраша фикри бўлади, менимча, бу гала турналар олдинги гала турналар бўлиши керак. Сабаби эса аниқ. Балки бу гала турналар бетакрор истеъдод соҳиби, сози ва овози ҳамда сўзи билан булбулларни маст қилган содда инсон, худойимнинг бутун элатга «бахши ана шундай бўлиши лозим» деб яратиб қўйган мўъжизаси — ёлғиз инсон Қодир бахшининг азасини тутгандир. Қодир бахшининг ёлғизлиги билинмасин, деб Сарғай отада етти кунлаб ётгандир ёки турналарнинг ёлғиз инсон бўлган меҳрибонлиги ёки паррандаларнинг табиий бир ҳолатидир. Ким билади дейсиз яна, балки тасодифдир. Лекин нима бўлганда ҳам турналарнинг бу ҳаракатини ҳанузгача аниқ билолмай, етти йилдан бери ҳайронману, лол бўлиб ўйлаб юрибман. Тасодифмикан-а?!

### УЛАШБОЙНИНГ АРМОНИ

— Мен, — деб ҳикоя қилади Улашбой, — бахти қора инсон эканман. Қодир бахши менинг қайним эди. Оиламизда неча марта жанжал бўлган бўлса, бир марта ҳам, «жезда, уруш-жанжал қилиб уялмайсизми?», демаган. Юзимга ҳеч қачон тик боқмаган ёки мендан араз урмаган эди. Чунки менинг феълим жуда тор, жуда тез оловланиб кетадиган одатим бор. Ўзим ҳам баъзан бу одатимдан уялардим. Лекин бу одатни ташлаб кетишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Сабаби бу одат танамга қон билан кирган эди-да! Лекин Қодир бахши ҳаммасига чидаб келарди. Кунлардан бир куни шундай воқеа бўлди. Иккалаамизнинг томорқамиз ёнма-ён. Бахшининг уйига сув бизники орқали ўтарди. Бахши дехқончиликни унча тушунмаса-да, лекин жуда қизиқар, керакли

маслаҳатни доим сўраб турар, кўрсатмамга асосан у-бу нарса экарди. Бир куни помидор экишни маслаҳат бердим. Бахши помидор кўчатини олиб келди-да, «Жезда, қарашиб юборинг», деб илтимос қилди. Мен кечгача ёрдамлашдим. Энди бу кўчатларга сув қўйиш керак эди. «Бахши, кетаверинг сув навбати сизники бўлса ҳам мен ҳозир йўнғичқага қўйган эдим. Бир пасдан кейин ўзим созлаб суғораманда, кейин помидорингизга қўйиб юбораман», деб бахшини жўнатиб юбордим. Нафсим галагула қилиб шайтон йўлдан уриб, шу кеча сувдан тонг отгунча фойдаландим. Эрталаб келсам, йўнғичқам ҳали ҳам сув ичиб бўлгани йўқ, бахшининг участкасига тушдан кейин сувни ўтказаманда, деб ўзимникини суғора бошладим. Бир маҳал қарасам, Қодир бахши ўзининг томорқасидан лапаткани ёлкасига тайлаб, ариқ ёқалаб келяпти. Куёш анча кўтарилган, помидорлар ҳам ерга ётиб қолган бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. На қочишимни биламан, на ўжарлик қилишни. Хуллас, икки жон овораси бўлиб, калламни ерга тикиб «Энди нима бўлса бўлди, мол очувчи — жон очувчи, бахши бу сафар аямаса керак. Ўзиям ёлғон гапириб, ўхшадимда», деб ер билан битта бўлиб, жойимдан туролмадим.

Қодир бахши эса яқинлашиб келмоқда эди. «Жезда», деди Қодир бахши. «Ҳа», деб юбордим тезда титроқ овозда. «Кечаги помидорларимиз гуллабди, Жўнғичқалар эса ўрилиб, бир жойга тўда бўлибди. Агар сиздай оғайнидан иккита бўлса бизга душманнинг ҳеч кераги йўқ», деди-да бошқа гапирмади, яна нималар дер экан, агар шу гап билан қутилсам қани эди, деб бошимни кўтармай анча кутдим. Лекин садо чиқавермагач, жойимдан туриб атрофга қарасам, Қодир бахши йўқ эди. Тезда югуриб участкасига бориб қарадим, кўчатларининг бари ер билан битта бўлиб, тупроққа қўшилиб ётибди. Жўнғичқасига кўз югуртирсам, анча кундан бери сув ичмаган эмасми, пайкали билан ранги қочиб қолибди. Уялганимдан тезда сувни бахшининг ўтига бошқариб, ҳар палга тараб чикдим. Устим юпул бўлсада, туман марказига жўнаб кетдим ва помидор кўчатларидан сайлаб-сайлаб бир боғини олиб келдим.

Шу куни кун бўйи овқат емаганман, қорним оч, дармоним кетаётган бўлсада, кўчатларни битталаб,

бахшининг участкасига қадаб чиқдим ва кечаси билан суғордим, ўтларга қарадим ва тонг вақти уйимга кетиб дам олдим. Шу кеча билан ўйладим: «Агар бошқа одам бўлганда нима қиларди, ўртада катта жанжал бўларди, кўнгил қорачилик келиб чиқарди. Лекин Қодир бахши бундай қилмади. Мана шунда мен унинг метин иродасига, характерининг теранлигига, феълининг буюклигига, ичининг кенглигига ва ўта донолигига тан бердим. Мен ҳали-ҳалигача шу ишимдан қон ютаман, эсимга тушса йиғлайман, нафсимнинг айтганига юрганим учун ўзимни кечира олмайман, ёлғиз бўлганимда унинг қабрини кучиб кечирим сўрайман, қани энди, ундан садо чиқса, мен катта гуноҳ қилганимни англаб, баъзан эзиламан. Тонг отгунча унинг руҳига сажда қилиб, билганимча Қуръон тиловат қиламан. Менга бир оғиз «ҳей инсофсиз, уйинг куйгур, иймонсиз», деб сўкканида ҳам бунчалик эзилмас, куйиб ёнмас эдим. У чин дунёга кетди, мен эса ёлғончи дунёда куйиб юрибман. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Шундай қилиб аламдаман», деб йиғлар эди жездем.

— Изи нима бўлди, — деб сўрайман мен.

— Изи нима бўлар эди, ишдан қайтишда отангинг участкасига кириб, помидор кўчатига қарасам, бари тутибди, ўтлар ҳам ўзини ўнглабди. Кейин бахшига бир ойлар кўрина олмай юрдим. Охири ўзи чақириб олди ва «мен ўша кеча бир хизматга кетиб, кўпроқ отган эканманми, кўчатлар кўзимга сўлигандай, ўтлар пасайгандай кўринди, эртасига бориб қарасам, кўчатлар гуркираб, ўтлар селкиллаб, авж қилаяпти, эй аттанг, жездемни нотўғри хафа қилдимда деб сизга кўрина олмай юрибман, кечиринг жезде», деб кулдилар. Мен ҳам уялганимдан қўшилиб кулдим. Кейин изига раҳмат айтиб, кўнглимни кўтарди ва «хафа бўлманг, мен ҳаммасини унутиб юборганман», деб мени хижолатдан чиқарди. Қаҳҳоржон, ана, отанг шундай феъли кенг инсон эди. Мен бу дунёдан кетгунча, унинг ёнига етгунча ундан қарздорман, деб жездем бечора йиғлаб юбордилар.

Мен ана шу гапдан кейин жездемни бутунлай бошқача меҳр билан ҳурмат қила бошладим ва унинг садоқатига бош эгдим.

## БУ ҚАНДАЙ ГАП?

Отамнинг Қиличбой деган ухахондаси бор эди. У йигит Жарқўрғон туманидаги жамоалардан бирида яшайди. Бизнинг оиламиз бу хонадон билан жуда иноқлашиб кетган. Бир-биримизга меҳримиз куюк, қалбимиз жуда яқин, отам вафотига бир йил тўлгандан кейин Қилич ака яна уйимизга келди, бир кеча меҳмон бўлди ва шундай гап бошлади: «Қахқорбой, «от ўрнини той босар» деган гаплар бор. Отангизни тинглайдиган барча элнинг умиди энди сиздан укам, отангизнинг дўмбрасини чанг бостирманг, фарзанд бўлсангиз, отангизнинг руҳини шод қилинг. Бу ётишда отангизнинг улфатларини, дўстларини ранжитасиз. Энди белнинг икки жойидан боғлаб отланинг. Сурхондарёнинг одамлари сизни сўраяпти». Оғайниларим ҳам Қилич аканинг гапини маъқуллаб, қистай бошлашди, момом бечора эса: «Бу хизматни сен қилмасанг, ким қилади болам. Ҳамма ҳозир бизга қараб турибди, тур, отангни ўрнини билдирма», деб катта дуо бериб, Қилич акага қўшиб юборди.

Не андишаларга бориб, не фикрлар бошимни чулғаб Жарқўрғонга етиб бордик. Кечкурун тўйхонага ўтсак тумонат одам. Ҳаммаси икки бетлаб, курда чордона куриб ўтиришган, кексаларнинг қўлтиғида лўлабоши, микрофон ва карнайлар ўрнатилган. Катта боғнинг ичига жой қилиб, мингга яқин одам кутиб ўтирган экан. Саломлашиб, ўтган-кетгандан гурунг қилиб, уларнинг талабига биноан «Зайдиной» дostonини ҳаяжон билан бошлаб юбордим. Дoston икки соатга чўзилаётган вақтда курнинг бошига бир «Москвич» машинаси келиб тўхтади. Шофёр машинадан югуриб тушдида, ўнг томон кабинасини очиб, ёрдамга яна кимнидир чақириб, машинадан бир касални суяб туширди.

Мен ҳам қўшиқни тўхтатдим ва диққат билан разм солиб турдим. Касал одамни суяшиб тўғри менинг ёнимга олиб келиб, ўтирғиздилар. «Бошла болам, бошла», деди бирдан. Мен эса дostonнинг келган жойидан бошлаб юбордим. Шу кеча кучим етганча дostonни айтиб тамомладим. Чоллар ва эл-юрт менга дуо бериб, тарқалдилар. Лекин ёнимдаги касалманд одам қўзғалма-

мади. Ҳамма кетиб бўлгандан кейин бояги одам бир оз тин олиб «Қахҳорбой, деб гап бошлади. — Мен отангизнинг шайдоси эдим. Шу томонларга тўйга келса, излаб топиб, ёнида ўтириб олардим. Кейинчалик мени ҳам таниб қолиб, ҳурмат қила бошлади. Лекин мен Қодир бахши билан оғайни эмас эдим, қирқ йил қайнаса ҳам шўрпамиз қўшилмайди. Аммо мени маҳлиё қилган нарса у кишининг овозлари ва камтаринлиги эди. Ўтган йили совуқ хабарни эшитиб, касал бўлиб қолдим. Мана бир йилки, тўшакда миҳланиб ётибман. Кечкурун сизнинг овозингизни эшитиб, бу бахши ким экан деб, ўфилларимдан сўраганимда, «Қодир бахшининг ўғли келган эмиш», деб хабар эшитдим ва ичимга куюн кирди. Болаларимни ҳа деб қўзғай бошладим, улар эса «Ҳали бир марта ҳам жойингиздан турганингиз йўқ, қандай қилиб бахшининг олдига бориб, қўшиқ эшитасиз? Агар керак бўлса, йўқ, мен боришим керак, олиб бординглар деб туриб олдим. Ноилож, уларни қўндириб, олдингизга келдим. Уч соатдан бери мана ёнбошлаб ўтирибман, болам. Худога шукур, Қодир бахшининг изи, ўфиллари бор экан, дўмбираси ерда қолмайди. Энди кўнги тинчиди, кўрасан, тезда соғайиб кетаман. Ўғлим, қўшиқни кўпроқ отангизнинг созига солиб айтинг, яна ҳам ўрганиб, машқ қилинг, ҳали созингизда, овозингизда, озроқ камчилик бор. Лекин дostonни улашингизда ҳеч қандай нуқсон йўқ. Худо хоҳласа, ғайрат қилсангиз отангизнинг ўрнини босасиз. Мен билан анча гурунглашди. Кейин «чарчаяпман» деб узр сўраб, фарзандлари ёрдамида менга катта дуо бериб, уйига жўнаб кетди. Мен билан қолган Қилич ака Нурмат аканинг ҳамма гапларини тасдиқлади ва отам тўғрисида анча гурунглашдик.

Шундай инсонлар борлигига шукроналар келтириб, уларнинг ҳақиқага раҳмат айтиб, шу кеча дам олдик. Орадан олти ой ўтгандан кейин, яна хизмат юзасидан шу колхозга тўйга келдим ва Қилич акани олиб, тўйхонага бурилмасдан тўғри Нурмат аканинг уйига бориб тушдик. Не кўз билан кўрайки, бизнинг истикболимизга Нурмат ака кучоқ очиб чиқдилар, қўлтиқ таёғи ҳам, билагидан ушлайдиган фарзандлари ҳам ёнида йўқ эди. Мен ҳайрат билан Нурмат акага тикилиб қолдим. Ка-



салнинг ҳолидан хабар олмоқчи бўлиб келсагу, у олдимизга чопқиллаб чиқса, бундан ортиқ қувонч борми-а? «Ана айтмадимми Қаҳҳоржон, агар сиз жамоага келмаганингизда қўшиқ айтиб кўнглимни тинчитмаганингизда мен тузалмасдим. Отангизнинг руҳи мени сиз туфайли даволади, қаранг, соппа-соғман», деб бизни уйга таклиф қилди. Улар отам ҳақида узоқ гурунглашдилар, мен эса Нурмат аканинг туришини, юришини эртақдаги қаҳрамонларга ўхшатардим. Қаранг, шундай оғир касал бир пасда тойдай тасирдаб соғайиб кетса-я! Нурмат аканинг тезда соғайиб кетишига Қодир бахшига бўлган ихлосининг кучлилигидан ёки ишончининг бутунлигидан ёки Нурмат аканинг бир бегона инсонга бўлган садоқатини кўрган худойимнинг бу кишига берган инъоми таъсиридан дир, қандай бўлса ҳам, Нурмат ака соғ-саломат эди. Шундай қилиб, Нурмат ака мен билан бир кун бирга бўлиб, Қашқадарёга қайтишимда Каттақумгача кузатиб қўйди. Мен ҳар сафар Сурхондарёга борганимда, Нурмат аканикига тушиб ўтишни қанда қилмайман. Дунёда шундай оламшумул одамлар борлигига амин бўлинг, дўстларим!

Ушбу ривоят тарзидаги ҳаётий ҳикоятларни Қодир бахшининг ўғли Қаҳҳор бахшидан эшитганмиз, айримларига эса ўзимиз гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг жами 200 дан ортиқ, аммо бир қисминигина сиз, азиз китобхонларга, илиндик. Вақти келиб уларни тўлиқ нашр этиш имкони бўлар.

— Қодир бахшининг 5-синфда ўқиётганимда илк бор кўрган, кўриб ҳайратга тушгандим. Халқ соз сеҳридан эриб, сўз қудратидан лол қолиб денгиздаги тўлқиндек мавжланиб дoston тингларди. Шунда бир болали аёлга кўзим тушди. Афтидан боласини эмизган бўлса керак кўкраги очиқ, чақалоқ эса ерга оғзи билан тушиб тўнтарилиб йиғлаб ётар, аёл эса бу ҳолга эътибор бермай, бутун вужуди билан дoston тинглаяпти, бошқаларга қўшилиб кўз ёши тўкаяпти. Дoston қудрати онага фарзанд йиғисини эшиттирмаганини, боласини бир зум бўлсада ёддан чиқарганига гувоҳ бўлгач, Қодир бахшига қойил қолдим ва бир умр мухлисига айландим, — дейди ёш тадқиқотчи Дилшод Равшанов.

## ҚОДИР БАХШИНИ ЙЎҚЛАБ\*

Маълумки, Сурхондарёда, минг тифиз замонларда ҳам, эл ўзининг Алпомишини, ўзининг Гўрўелисини унутмаган. Уларни эслаб, ёдга олиб, йўқлаб яшаган. Қаватига обжўшу (қайноқ сув — томоқни юмшатиш учун) овозбаландлатгич қўйиб, Қодир бахшик бошқа бахшиларга тўйларида дostonлар айттирган. Менгнор билан Қодир ака бири даврабоши, бири бахши бўлиб гуриллатиб юртнинг тўй-томошаларини ўтказишган.

— Э, Қодир бахшими, — улуғ одам, — дейди Менгнор, — Ўша Алпомишнинг, Авазхону Рустамхонларнинг овулида яшаётган, «Нива» машинасига ҳозиргина ўтириб олиб, гўё ўша овулдан келаётган одамга ўхшарди. Озгина яхшиликни, тирноқдай самимийликни кўрса борми, бир яйраб, бир дили очилиб кетарди.

Нохуш гапларга, бекилик одамларга парво қилмасди-да энди. Соддароқ одамларни, ёлғон гапира олмайдиганларни бир қарашда танирди.

Қизириқ туманида яшаган йиллари Қодир акага Шодмон бахши ияртма (эргашиб юрувчи — Шодмоннинг ўзи шундай дейди) бўлган. Шогирдини халифам деб улуғлаган.

Халифа тушмагур дўмбира чертишни ўрганиб ва тўртта термани ёдлаб олгандан сўнг пана-паналаб ўзича тўйларга югурадиган бўлмайдими. Ана шунда Қодир бахши айтганки, хой, сағиргина бола, бу пухталигингни йиғиштиргин. Мени сенга боғлаб бериб қўйгани йўқ. Бохабар бўл, олиб қолгин мендан, бола. Мени бир йўқотсанг, ҳе-еч топа олмайсан.

Мен қайтиб келмайман...

— Ўҳ. Мен қайтиб келмайман дегани... мендаин бахши яқин ўрталарда келмайди, деганимикин? — дейди Менгнор тагин ҳам хайрати ошиб.

— Билмадим-а.

---

\* «Алпомиш»нинг катта тўйи муносабати билан вақтли матбуотда катта-кичик мақолалар, лавҳалар босилди, босиб чиқармоқда. Биз китобнинг ушбу саҳифасини тайёрлашда истеъдодли журналист Олимжон Усановнинг «Ой Барчиним ёр-ёр, гул Барчиним ёр-ёр ёхуд Қодир бахшини йўқлаб» мақоласидан фойдаланишни маъқул топдик — М.М., А.Э.

— Эҳ, бечора Қодир ака, — деди Менгнор одатига хилоф равишда ерга қараб гапириб. — Бир даврада у елкамга қўлини ташлади денг. Менгнор шайир, эллик ёшимни тўй қилсам, сени ҳам чақираман. Борасан лекин. Тўйнинг раислигини ўзинг қиласан. Ўзим билган шайирларнинг ҳаммасини тўйимга айтаман, деган эди. Мени «сен-сен» деб сўйган эди. Билсам, бу киши билан сўнгги учрашувимиз бўлган экан. Элликка етмай кетди-я, раҳматлик.

Қодир бахшига республика телевидениеси экраннинг эшигини ҳамиша очиб қўйган эди. Айтган дostonларидан парчалар, термалар ёзиб олиб, хазинасини жавоҳирлар билан бойитди.

Термизда Абдухалил Намозов деган одам бор. Биринчи котиб, ҳоким, сув хўжалигининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Ҳозир вилоят маиший хизмат уюшмасининг раиси. Китобларни яхши кўради. Шахсий кутубхонасига кирсангиз ва ўзи ўқиган китоблари ҳақида эшитсангиз, бир қарашда анча сипо ва ҳатто олифтароқ кўринган бу одамнинг дунё бохабарлигидан ҳайрон қоласиз.

Ана шу одам ўзи билиб-билмай Қодир бахшини яхши кўриб қолди. Овозини ёзиб ола бошлади. Сиз ҳам бир эшитиб кўринг-а, кейин айтасиз Қодир бахшининг кимлигини, деб кассеталарни ўзига яқин кишиларга бериб юборди.

Кейин қарасаки, Қодир бахшининг овози ёзилган тасмалардан ўзида ўнтами, ўн бештами қолипти. Телевидениенинг ҳам, Намозовнинг ҳам сандиғидаги қоғоғига «Қодир бахши» деб ёзиб қўйилган тасмалар Қодир бахши айтган кўшиқлардан бир томчи деса бўлар.

Қодир бахши дарё эди. Дарё бўлганда ҳам бирон-бир ўзидан каттароқ бошқа бир дарёга, ё бўлмасам қўлга бориб қуйиладиган дарё эмас, каттакон уммонларга қадар оқиб боришни биладиган, оқиб бора олган, уммонларга тўлқин бўлиб из сололган дарё эди.

Унинг ана шундай дарё бўлиб оқиб ўтганига ишонайин десангиз, Шўрчига келинг. Шўрчининг Ижтимоият деган қишлоғида Қодир бахшининг бир дўсти, кадр-дони яшайди. Отини Хусан бобо, дейди... дўмбирасоз одам. Ёши етмишдан ошди. Дўмбира ясаб, дўмбира чертиб қариди.

Қодир бахши Дехқонободда яшагани билан бир оёғи Сурхондарёда эди. Сурхонга эниши билан тўғри Хусан дўмбиракашни топарди. Бир-бирларини кўрганда улар дунёни унутардилар. Ташвишу юмушларни унутардилар. Дўмбирани бири қўйиб бири чертарди. Гапни бири ай-тиб, бири тингларди. Уларнинг гурунглари ҳе-еч адо бўлмасди. Улар ўтирган давралар ҳе-эч совиб қолмасди.

Хусан бобоси қай бир деҳқоғнинг ўғли бўлгани билан билими кўп бобо экан. Бир ҳўкизчасини сотди-да, сандикдай келадиган магнитофон сотиб олди. Сал-лалигига деб тугиб қўйган пулига бир тўрва кассета олиб келди. Қодир бахши дўмбирасини кўлига олганини кўрса бўлди, магнитофонининг тугмасини босиб қўядиган бўлди.

Қарасаки, Қодир бахшининг қўшиқлари битмас экан, тугамас экан. Қарасаки, Қодир бахши бир айтган қўши-фини қайтадан такрорламас экан. Бошқача қилиб айтар экан. Қарасаки, дўмбирасида чертган нағмалари ҳам ав-валгиларига ўхшамас экан. Умуман, Қодир бахши кўли-га дўмбира олдим, бўлди, ҳозиргина ҳазиллашиб, кули-шиб, хангомалашиб гурунглашиб ўтирган одамнинг ўрнида бошқа бир одам пайдо бўлиб қолар экан. Бир одамки, дўмбирасининг нағмаларига эргашиб олиб, сирли бир дунёга кетади-қолади. Кетиб қолиши нима бўпти, қулоғидаю кўзида нуқси бўлмаган менман деган эрин-чоқ одамни ҳам ўзи билан эргаштириб олиб кетади. Қодир бахшига эргашиб сиз гоҳ Чамбил элидаги, гоҳ Чилбир чўлидаги, гоҳ Оқтошу гоҳ кўктош мамлакатла-ридаги қавм-қариндошларингизнинг орасига тушиб олгандай бўласиз. Хусан бобонинг магнитофони айла-наверди. Кассеталари тўлиб қолаверди, етишмай қола-верди. Кассеталари тўқсонга етди. Юзга етди. Хусан бобо яна бир тўрва кассета сотиб олди. Қодир ошнасини кутди. Лекин бу гал Қодир ошноси келмади. Келмай-диган бўлди. Унга, ошонгиз ўзининг «Нива» машина-сида фалокатга учрапти, деган хабар етди. Хусан бобо, эссиз, паймонанг битдима-ё, сенга ажал етдими-а, деб Дехқонободга чопди. Вой боврима, вой дўстима, деб ай-тиб-айтиб йиғлаганлари етти қават осмонларни ларза-га солди. Унинг айтиб-айтиб йиғлаганларига Гўрўғли султонун Алпомишлар осмондан эниб тушди.

Хусан бобо қишлоғига кўзлари киртайиб, беллари букчайиб қайтди...

Ана шундай. Қодир бахшининг кимлигини яна бир бор билайин десангиз, Хусан бобонинг уйига келинг. Бобонинг қаватидан ёнбош ташлаб, Қодир бахшининг овозини эшитинг. Ана шунда айтасизки, Қодир бахши зўр экан. Бу ростдан ҳам уммонларга янгича ўзан ташлаб ўтган дарё экан деб.

\* \* \*

Хусан бобо Қодир бахшининг овози туширилган тасмаларни бировга бермайди. Қодир бахшини у еру кўкларга ишонмайди.

Хусан бобо лекин Менгнор шоирни кўрганда бўғини бўшар экан. Ўшандаям битта ё иккитасини фалон куни об келиб берасан деган шарт билан.

Мана ҳозир Менгнорнинг Хусан бобо хазинасидан олиб келган тасмасини эшитиб ўтирибмиз. Қодир бахши «Алпомиш»ни айтаяпти, Алпомиш Қултой чол қиёфасида Бойсун-Қўнғирот элини оралаяпти. Сахар-сахар уйғотган, тол бешикларга суянган энажонини йўқлаб турипти. Пешонаси шўр бўлган, икки кўзи кўр бўлган энажонини, Ултонтозга чўри тушган Кунтуғмиш оймни қўйнинг ичак-чавоғини ювиб турган ҳолида учратиб, юрак бағри эзилиб, ўзини танитмай унга салом айтиб турипти.

У ўзини энажонига таништиришга ҳали эрта. Тишини тишига қўйиб Алпомиш Ултонтознинг қўрғони томон юради. «Қултой» бўлиб Бодом бикач билан ёр-ёр айтишади. «Қултой» бўлиб Барчинойга рўбарў келади. Эсласангиз, Фозил бахши шу манзарани — «Қултой» — Алпомишнинг азбаройи Ёдгорни ўлимга ҳукм қилишларидан кўрққанидан, етти яшар жигарпорасини кўзи қиймаганидан гўё Ултонтозга хотинликка рози бўлгандай бўлиб турган Барчиной билан ёр-ёрни қотириб-қойиллатиб айтган:

Ой Барчиним, ёр-ёр,  
Гул Барчиним, ёр-ёр.

Ултонтозга текканча  
Ўл Барчиним, ёр-ёр...

Дўмбира гумбурлайди. Қодир бахши «Ёр-ёр»ни бошлаб юборади. Дўмбира гумбурлайди. Қани, Қодир бахши нима қилар экан, дейсиз? Нафасингизни қайтармай кутиб қоласиз. Дўмбира гумбурлайди. Етти йилдан бери бир-бирига интизор бўлган ва ҳозир бир-бирини танисмай турган икки қалбнинг кўшиқлари бошланади. «Қултой» — Алпомиш эрлигини, зўрлигини пеш қилмайди. Койимайди. Гина қилмайди. Лекин бир-бир гапларни айтадики, Барчиннинг қонга тўлиб турган юраклари ситилиб-ситилиб кетади. Эшитинг:

Сумбул-сумбул сочингни,  
Яна сумбул сочингни,  
Тара дейман, Ой Барчин.  
Ойна олиб оқ юзингга  
Қара дейман, Ой Барчин.

Барчиннинг жавоби-чи:

Сумбул-сумбул сочимни,  
Тарамай ўлай, бобожон,  
Ойна олиб оқ юзимга  
Қарамай ўлай, бобожон...

Балли! Қодир бахши ўзича айтди. Ҳеч кимга тақлид қилмай айтишини яна бир бор кўрсатди. Ана назоқату ана муҳаббат. Ана шукроналигу ана муножот. Ана иззат-икрому топ-тоза эҳтиром. Ана сизга армону селсел ёниб турган юракларнинг фиғони. Ана сизга юпанчу вафодор кўнгилларнинг фармони. Ана сизга бобо-момоларимизнинг мард-мардона шаъни иймонию бу иймоннинг вужудимизга қадар оқиб ўтган, оқиб бораётган уммони.

Дўмбира гумбурлайди. Айтишув давом этади. Нақорат айланиб-айланиб келаверади. Ҳар айланганда дардаламларга қоришиб, қуюқлашиб, оҳанглар гоҳ кўшилиб, гоҳ айро тушиб айланади. Эшитиб турган одам бўлса юрагини ховучлайди. Шу кўшиқ тугаб қолмасин-да. Айтилаверсин. Узоқ-узоқларга чўзилиб айтилаверсин-да, деган илтижо чирмаб олади юракни.

8-фасл

БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП,  
ЧАМАН КЎП



## БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП

Жанубий Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарёда иж- рочигина эмас, ижодкор бахшилар ҳам яшаб ижод қил- моқда. Аммо уларнинг репертуарини тўлик, жумладан, «Алпомиш» дostonини ёзиб олиш ва чоп этиш суст ке- таёттир. Ҳатто воҳа фольклорини яхши билмаган айрим фольклоршунослар ижодкор бахшиларнинг анъанавий эпос йўлларида янги асарлар яратишини инкор қилиш ҳоллари юз бераёттир. Биз эса уларга бу ҳудудда мав- жуд бўлган, янгидан яратилаётган, мукамал ҳолга кел- тирилган «Истиқлол», «Амир Темурнинг туғилиши», «Амир Темурнинг ёшлиги», «Улуғ соҳибқирон», «Темур ва Боязид», «Навоий Самарқандда», «Аҳмад Яссавий», «Туркман даҳоси», «Қирқ қасамёд», «Ёзи билан Зебо», «Норгулой» сингари республикамизнинг бошқа жойла- рида учрамайдиган ёхуд камдан-кам учрайдиган дос- тонлар ёзиб олинганлигини таъкидлаб, далил сифати- да шу асарлардан қисман парчалар келтиришни лозим топдик. Зеро, юртбошимиз имзолаган «Алпомиш» дос- тонининг юбилейини нишонлаш тўғрисидаги тарихий қарорда фақат «Алпомиш» эпосинигина эмас, умуман, ўзбек фольклорини, халқимизнинг бой оғзаки ижодий меросини ўрганиш алоҳида уқтирилганки, шу сабабдан бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўплигини кўрсатиш учун ушбу фаслни тузишга эҳтиёж сездик. Манбалар- ни ўзимиз ёзиб олганмиз ва илк бор эълон қилаёттир- миз.

*Қаҳҳор бахши Қодир ўғли*

### ИСТИҚЛОЛ

*(дostonдан парча)*

Истиқлол боис Ўзбекистон бўйлаб янада улуғ иш- лар бошланиб кетди, ўзаро соф рақобат бир-биридан ўтди, қоқоқ жамоалар илғорларга етди. Юртбошининг оппоқ тонги эса ҳар куни эркин ва озод, мустақил, му- наввар бўлиб отади, меҳнатга чанқоқ деҳқонлар, чор- вадорлар, чўлқуварлар Ватан истиқболи йўлида фидо-



корона жонини сотди ва эл аро куйлаб кўшиқларни шамоллар айтди:

Хай-хайлашиб, хайлашиб,  
Олам аро бўйлашиб,  
Минбарлардан сўйлашиб,  
Йўлга чикди ўзбек эл.

Тоғлар қилди таъзимни,  
Рост гапирмоқ, лозимди,  
Тингла дер овозимни,  
Элга чикди ўзбек эл.

Ишбилармон оғалар,  
Хей тадбиркор тоғалар,  
Минг хунарга эгалар,  
Юртга чорлар ўзбек эл.

Илмда беллашамиз,  
Меҳнатда тиллашамиз,  
Тўйларда қўллашамиз,  
Дўстга интиқ ўзбек эл.

Ислом ота бошимиз,  
Тоқ оға, сирдошимиз,  
Кўринар меҳнатимиз,  
Чин ялчиди ўзбек эл.

Бу ёғи Андижонда,  
Гул ўлка Наманганда,  
Узоқ жануб Сурхонда,  
Иш бошлади ўзбек эл.

Самарқанд, Бухорода,  
Қорақалпоқ оғада,  
Нур порлар ҳар ёғада,  
Селдай тошди ўзбек эл,

Хоразм санъатга тан,  
Шолиси хирмон-хирмон,  
Хурсанд Маҳмуд Паҳлавон,  
Кучоқ очар ўзбек эл.

Навой, Сирдарёда,  
Обод гулшан Жиззахда,  
Боз Фарғона у ёқда,  
Олам аро ўзбек эл.

Ўзбекистон юраги,  
Ҳам шони, ҳам тираги,  
Тошкент — юрт кўкраги,  
Мунаввардир ўзбек эл.

Қашқадарё олдин чўл,  
Энди унда турфа гул,  
Қодир бахши зўр булбул,  
Достон бўлди ўзбек эл.

Жаҳонга чикди Артур,  
Ғолиб бўлиб бирма-бир,  
Зарби қайтмас жаҳонгир,  
Донғи машхур ўзбек эл.

Зўр теннисчи Огород,  
Меҳнатдан топиб мурод,  
Чемпионда шон-шуҳрат,  
Номи қозонди ўзбек эл.

Пахтамиз минг элатда,  
Тилламиз энг хурматда,  
Ҳеч ками йўқ миллатдан,  
Йўли ойдин ўзбек эл.

«Узсаламан» пойафзал,  
Рақобатда энг афзал,  
Маҳсулоти ўзбек эл,  
Корхонали ўзбек эл.

Органда бор интиком,  
Ишга содиқ мунтазам,  
Белгиси оби замзам,  
Иродали ўзбек эл.

Таълим тизими порлоқ,  
Ислоҳ бўлди ҳамма ёқ,

Тафаккур ғояси соғ,  
Билим дейди ўзбек эл.  
Ёшлари чет элларда,  
Ватан ишқи дилларда,  
Сўзлашар юз тилларда,  
Дили чанқоқ ўзбек эл.

... Хур шамол эсиб, элатлар, покдил миллатлар, бо-  
ринги, тоғу тошлар билан уралаша бошлади:

Хур шамол:

Ўлчов билан келар чоғлар,  
Ерга тушар учган зоғлар,  
Эй қудратли буюк тоғлар,  
Тоғи тошда нима ёмон?

Тоғлар:

Кўксим тўла қорим бўлса,  
Чўлга интиқ нурим бўлса,  
Хуқуқим йўқ, зўрим бўлса,  
Боролмайман нетай ёмон?

Хур шамол:

Ато қилсин топган моллар,  
Меҳмон кутар танти эллар,  
Бойликка кенг катта чўллар,  
Кенг ёбонда нима ёмон?

Адир-чўллар:

Қумлоқ тўла олтиним бор,  
Нефть ва газ менда бисёр,  
Кимга кетар элатим зор,  
Хуқуқи йўқ бойлик ёмон.

Хур шамол:

Қовун-тарвуз сизда борми армон,  
Олма, узум, ёнғоқ хирмон,  
Боғлар сизда борми армон,  
Жаннат жойда нима ёмон?

Боғлар:

Хил-хил пишиб тошганда бол,  
Эли юртим тотганда сал.

Эга чикса шунда бир «кал»  
Юртни ташлаб кетсанг ёмон.

Хур шамол:

Ҳар кўсагинг олтин ва зар,  
Чигитинг ёғ, даланг баҳор,  
Оқ либосли кенг пахтазор,  
Балки сизда йўқдир армон?

Пахтазор:

Эли-юртим мени суйса,  
Йиллаб ишлаб меҳрин қўйса,  
Олиб кетиб ғайри қилса,  
Деҳқон нейлон кийса ёмон.

Хур шамол:

Аввал қувват берсин худой,  
Қорни тўйса қуллар гадой,  
Хирмон-хирмон арпа буғдой,  
Ёки сизда йўқдир армон.

Фаллазор:

Қуёш нурин эмган донмиз,  
Қуч-қувватга тўла конмиз,  
Узоқ кетиб булка нонмиз,  
Халқ жўхори еса ёмон.

Хур шамол:

Қир-адирлар, бўлиқ жойлар,  
Сени сурув пода жойлар,  
Биттанг ўнта тувган қўйлар,  
Эҳтимол йўқ сенда армон?

Чорва қўйлар:

СиЖиКадан қучкор хафа,  
Сичқон тувиб тортиқ жафо,  
Ахир бизга борми вафо,  
Халқим музгўшт еса ёмон.

Хур шамол:

Қирни безаган гиёҳлар,  
Вайронку у ёк, бу ёқлар,  
Балки ҳур ручка, сиёҳлар,  
Сизларда йўқдир армон.

Ручка, сиёҳлар:

Йўқ нарсага қўшиб ёздик,  
Ҳақиқатни тешиб ёздик,  
Тухмат бўлса тешиб ёздик,  
Йўқни бор қиб ёзса ёмон.

Хур шамол:

Ярим дунё бўлди иллат,  
Фақат обод хиллат-хиллат  
Сен нега жим сўйла миллат,  
Тирикликда нима ёмон.

Халк:

Кўриб билиб айтолмасанг,  
Айтсанг куйга қайтолмасанг,  
Қорним тўқдир, уст бутун деб,  
Миннатли ош, отолмасанг.

Кўмакай йўқ тилимиз бор,  
Иймон ҳам йўқ динимиз бор,  
Дашном ортган кунимиз бор,  
Хукуки йўқ тукли ёмон.

Алқисса, хур шамол бу акс-садога ўзи гувоҳи бўлган учун мустар бўлмади, хулкаси тўлмади, бармоғини тишлаб, хаёл суриб қолмади. Фақат халқни хурликка ундовчи тоза ишор бўлиб, халқнинг хукуқини тиклаш учун хормай-толмай хизмат қилувчи, бу улуг ишда бош-қош бўлиб келажаги буюк давлат қурувчи, чуқур билими билан буюклар ўртасида алоҳида жасорат кўрсата олувчи ва оқибат бой музофатга юртбоши бўлувчи ўтқир фикрли, чуқур ғояли ақл заковатли, тафаккури соғлом, донишманд ҳикматли, ишбилармон комил инсон музофат оралаб, билимдонларни саралаб, гоҳ катта, гоҳ нуфузли саройларни мўралаб қарай бошлади ва бир инсонни хушлади, қўлидан маҳкам ушлади. Оллоҳнинг қудратини кўнглига ташлади.

Бобоқуёш:

Элга истиқлол берган,  
Минг йил олдини кўрган,  
Халқдан ғуборни сурган,  
Доно раҳбар ким эди.

Оймомо:

Эл-элларга қадрдон,  
Ҳурмати зўр жонажон,  
Оллоҳнинг бу қамоли,  
Ислом ота меҳрибон.

Бобоқуёш:

Қалби меҳрга тўлган,  
Ҳар сўзи ҳикмат бўлган,  
Эл-юрти отам деган,  
Миллат отаси кимдир?

Оймомо:

Халқ нидоси шул харчанд,  
Ишидан Ватан хурсанд,  
Миллат ва халқ отаси,  
Ислом ота донишманд.

*Қодир бахши Раҳимов*

### «НОРГУЛОЙ» ДОСТОНИДАН

Сўлтоқ: «Ҳой аттангга, душманлигини билмадима, билганимда асло қўлга тушмас эдим, буларни одам сонига ҳам қўшмас эдим», деб ўйлаб бораётди эди. Шунда Норгул турган товларнинг учи кўрина берди. Сўлтоқ дардини ичига ютолмай, ўз бошига бир сўз деб тургани:

Эй кўринган қорли тоғлар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Кўкда учган сатто зоғлар,  
Қонлар ютиб кетди денглар,  
Тандан жонин сотди денглар,  
Кўкда ойи ботди денглар.

Саймоқдан толди тиллар,  
Азобдан букчайди беллар,  
Йўл четида баргин ёзиб  
Йиғлаб турган жами гуллар,  
Сўлтоқ бундан ўтди денглар,  
Ёр деб қонлир ютди денглар.

Икки қўлим золим боғлар,

Буғ бўб учди ёшлик чоғлар,  
Менга соя бериб турган,  
Ошиққа вафодор тоғлар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Оҳ деб зардоб ютди денглар.

Азоб чекдим қанча йиллар,  
Менча юрган эмас еллар,  
Қат устида менга қараб,  
Сайраб-йиғлаган булбуллар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Ғариб бўлиб кетди денглар.

Мени урар сап гаранглар,  
Куйган ҳолимга қаранглар,  
Бошин эгиб мустар бўлган,  
Хўрсиниб турган заранглар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Қарай-қарай ўтди денглар.

Йиғласам кундуз кечалар,  
Холини билмас нечалар,  
Урманглар деб бошин тулғаб,  
Шохини чўзган арчалар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Ёнган чироқ ўчди денглар.

Бу жаллоддан бўлдим безор,  
Тушларимдан қонлар изар,  
Йўл устида тиканларин,  
Олиб қочган қизамизлар,  
Бундан Султоқ ўтди денглар,  
Синовли кун битти денглар.

Қаботимда бўри увлар,  
Ўйлай-ўйлай бошим ғувлар,  
Мени кўриб фарёд уриб,  
Шовуллашиб оққан сувлар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар  
Норгул деб ғам ютди денглар

Бехабардир қалам қошлар,

Холимни кўрмади дўстлар,  
Сипо қилиб юзин тутган,  
Сойда ётган ўткир тошлар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Қони томиб кетди денглар.

Билдим булар душман бўлгай,  
Ахир тандан жонни олгай,  
Бошимда парвона бўлган,  
Какулингдан муллатургай,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Қулоқлари битти денглар.

Бошга душман қачи ташлар,  
Қон чиқариб йиғлар тишлар,  
Бошин чўзиб тиклаб турган,  
Гўш(т) қарашиб ғажир қушлар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Емиш бўлиб кетди денглар.

Баланд-баланд паст қиялар,  
Чопишган қулун, биялар,  
Холим кўриб, кўзин юмиб,  
Ўйлашиб юрган туялар,  
Бундан Сўлтоқ ўтди денглар,  
Белдан дармон кетди денглар.

Ким қулоқ солар зорима,  
Юракдан чалган торима.  
Тоғда сайраган какликлар,  
Хабар беринглар зорима,  
Эсиз Сўлтоқ ўлди денглар,  
Изи йўлда қолди денглар.

Тоғ пастидаги булоқлар,  
Шундай эдими тилақлар,  
Тева устида чопишган,  
Изғишган кўзи улоқлар,  
Чўпон Сўлтоқ ўтди денглар,  
Ғам-аламни ютди денглар.



Азоб кўрди-да таналар,  
Бесайиб қолди хоналар,  
Чўпон дўстларга хабар бер,  
Гангилаб учган сўналар,  
Дўстинг Сўлтоқ кетди денглар,  
Бу жаҳондан ўтди денглар...

*Қодир бахши Раҳимов*

## **ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО**

Очиб сандиқларимни,  
Очайин бир бўстонни.  
Ошиқ Ёзи Зебодан,  
Айтайин бир дostonни.  
Эшитганман устозим,  
Бахши Ражаб шоирдан.  
Давраларда гап бошлаб,  
Улардан ҳам тердим дон.  
Умир шоир гоҳида,  
Зебодан бошлар эди.  
Яхши жойидан қайтиб,  
Ёмонин ташлар эди.  
Китоб бўлди ой Зебо,  
Ҳали ками бор эди.  
Ким тўлдиар экан деб,  
Ёзи унга зор эди.  
Ният қилдим dostonни.  
Эшитганим ёзай деб.  
Ошиқлик денгизида,  
Кема каби сузай деб.

Ўтган замонда, жануб томонда Жайхун дарёси яқинида, Кўҳи тоғнинг кун чиқар томонида шаҳри Зангар деган мамлакат бор эди. Шаҳри Зангар обод мамлакат бўлиб кўчаларда раста-раста дўконлар, карвонларнинг хайқириқлари, жангур-жунгир кўнғироқ товушлари, одамлар ва хотинларнинг қий-чувлари шаҳарнинг катта эканлигини билдириб турар эди. Шаҳар кўрғон ичида бўлиб кўрғон дарвозаларида навқарлар аланглаб турар, пул берса шаҳарга киргизиб, бермаса киргизмай урар эди. Кўрғоннинг ташқарисида деҳқоннинг экин майдонлари чарвоғини яйловлари бор эди. Бутун шаҳар Жай-

хун дарёсидан сув ичар ва далаларни суғарар эди. Шахар ичида, боғи бежал, боғи суфа, боғи салқин, боғи дилкушо, боғи қирқин деган боғлари бўлиб ниҳоятда чиройли эди. Ҳамма боғларида қушлар сайраган, тўтилар ўйнаган, товуслар товлаган, ғазалай сурнайини, лайлак карнайини, тортар, булбул нағорасини чалар, сувлар ариқларда жалдираб ўйноқлаб оқар эди. Ҳар боғда шоҳ супалар қўйилиб, ўтган кетган ўтириб, чой ичиб, овқатланиб дам олар эди. Мамлакат жуда ҳам обод бўлиб подшосини Олимшоҳ дер эди. Олимшоҳ қандай шоҳ эди? Шундай шоҳ эди, мамлакатадаги ҳамма одамларни бир хилда кўрар, бир хилда муомила қилар, бойлардан кўра камбағаллар арзига кўпроқ кулоқ солар эди. Шунинг учун бойлар, амалдорлар подшони кўролмас эдилар. Олимшоҳ эллик ёшдан ошиб бир ўғил фарзанд кўрди. Фарзанди шундай фарзанд эди, ой деса ой, кун деса кун эди, икки зар кокули бор эди. Буни подшо ҳеч кимга билдирмай юрди. Орадан йил ой ўтиб мамлакатни ёв босди, шаҳарлар ўт ичида қолиб вайрон бўлди, амалдорлар ва бойлар подшога душман бўлди, урушда Олимшоҳ вафот этди. Олимшоҳнинг аёли Ойсавсар болани кўтариб қочиб бораётди, орқасидан ўқ еди, бола адир даштда ўлган онаси кўлида қолди. Ўша биёбонда бир чолукампир пода боқиб умрини ўтказиб юрар эди, Момони Гулдона, чолни Мардон дер эди. Гулдона момо даштдан ўт ёққали тезак териб юриб эди, бир гўдакнинг инггалаган довушини эшитиб қолди. Тезагини ташлаб чопачоп борди кўрди хуснда тенги йўқ бир жувон ўлиб ётибди, қошида бир ёшдан энди ошган бир гўдак она сийнасига бош қўйиб йиғлаб турибди. Чолини чақириб, жувонни мозорга қўйиб гўдакни уйига олиб кетди.

Момо гўдакнинг икки ҳайдар кокулини кўриб ҳайрон бўлди. «Ҳов чол бу гапга кулоқ сол, топган боламиз ундай-бундай болалардан эмас экан, иккита зар кокули бор, бир кокулини сотсанг бир шаҳарга тенг, худойим қариганимизда бир назарқарда гўдакни ато килибди, насиб бўлса бир куни бошимизга соябон бўлади. Гўдакка нима деб от қўямиз», деди. Шунда Мардон чол «Эй кампир менку от қўйишни ҳам билмайман, лекин онасининг усти бошига чиройига қараганда ал-

батта подшонинг ўғли бўлса керак, онаси тилла такинчоқларни тақабериб, боланинг сочига таъсир қилгандир, шуйтиб кокули зар бўлгандир, шунга қараб ўзинг бирор от қўяғайда», деди. Шунда кампир «бўлмаса подшоларнинг сағир қолган боласига Қуйқуббат деб от қўяр эди, бунинг ҳам отини Қуйқуббат қўяғайайлик», деди иккаласи боланинг отини Қуйқуббат қўйишди. Орадан ойдан, ой кундан кун ўтди. Бир куни Мардончол подадан келса Қуйқуббат қип-қизил кал бўлиб турибди. Мардон чолнинг эс-песи чиқиб кетди «Эй кампир, эй бетофиқ болани нима қилдинг», деб аччиғланаберди. Шунда кампир; «Ҳай чол эшитмадингизми, мамлакатга бир очкўз подшо бўлибди, навкарлари уймауи кириб, кўзига яхши кўринган нарсаларни талаб олаётган эмиш, мабодо бирортаси келса, боламнинг бошини кўрса аввало бошини олади, бўлмаса кокулини кесиб олади, қўлингиздан нима келади, шунинг учун ҳеч кимнинг назари тушмасин, назари тушиб кўз-пўзи тегмасин деб бошига эчкининг қорнини жумир қилиб бошига кийгизиб энди кўрган киши кал бола деб қўяди» — деди. Мардон чол: «Ҳа кампир тўғри қилибсан сенинг билганингни бирор билмайди», деб кулишди.

Орадан қанча йиллар, ойлар, кунлар ўтди. Ёзининг ёши ўн олтига етди. Қуйқуббат деган от ҳам ҳамманинг ёдидан чиқиб кетди, кўрган киши Ёзикал, кал ёзи, Ёзи деб атайберди, шу-шу Ёзи бўлиб қолди. Ўн олти ёшида отаси Мордон чол ҳам онаси ҳам изма-из вафот этди. Ёзи сағира бўлиб қолди. Бир куни қўшчиларга қўшилиб адирда қўш хайдаб юриб, тонг сахар ухлаб қолди. Ўйқида ётиб туш кўрди, тушида бир тоғнинг дарасида юрибди, катта дарё, бошидан жумирини олиб сочини юваётиб эди, от добири қулоғига келди, бошини кўтариб қараса олдидан беш отлик келаётир. Ёзи разм солди бештаси ҳам қиз, қизларнинг олдида бир қиз бўз от миниб Ёзи томон келаётир, Ёзи шу қизга кўзи тушиб, ақли ҳушидан кетаберди, ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, юлдуз деса қоши бор, оқ жери оқ, қизил жойи қизил мисоли' боғи эрам, олдидан олма пишган кейинидан жинак тушган, шахло кўз, қизил дудоғ, юпқа томок, қошлари камондай, киприклари найзадай, беллари химча, сочлари арғимча бир пари пайкар оҳ, деб

оғзидан олов чикиб йиқилди. Шунда пари пайкар от-  
дан тушиб, Ёзининг бошини кўтариб турғизди. Шунда  
Ёзи хушига келиб: «Эй пари пайкар сен қаердансан,  
кимнинг қизи бўласан», деб бир сўз айтиб турибди.

Рўмолингни хўп ўрабсан дал қўйиб,  
Гулғунчадай лабларингга бол қўйиб.  
Мен ғарибни ўтга солиб қўйдирма,  
Ой юзингга олтинмисол хол қўйиб.

Сунбул-сунбул сочларингдир хўп қора,  
Юрагу бағримни айладинг пора.  
Кенг жахон кўринмас бу кун кўзима,  
Одаммисан ёки пари пайкора.

Бугдой тушар тегирмоннинг тошига,  
Ўт кўкара кўздан оққан ёшимга.  
Қайдан келиб сени кўрдим нигорим,  
Ошиқликнинг доғи тушди бошимга.

Ойдин кўлнинг ўрдагисиз, ғозисиз,  
Мен ғарибман, сиз бошимда қозисиз.  
Сайри боғнинг сайраб турган хумоси,  
Қайси элдан қайси бекнинг қизисиз.

Қараб турсам қарорим йўқ найлайн,  
Турай десам мадорим йўқ найлайн.  
Охуни алдаб туриб отган ерим,  
Маконим, ҳам турарим йўқ найлайн.

Моя кетса бўта йиғлар зору-зор,  
Сағир шўрга ким бўлади мадаккор,  
Қайси элдан қайси жойдан бўласиз,  
Отингизни нима дейди, санам ёр.

Ўқиб берай юрагимдан хатимни,  
Ёзикал деб айтишади отимни,  
Ораладим бир сайрибоғ ичига,  
Сиздан бошқа ким тинглайди додимни.

Шунда у қиз жойидан туриб, нозу карашма қилиб,  
Ёзининг кўнглини хушлаб, бошга рўмолини қия таш-  
лаб бир қўли билан Ёзининг кўнглини хушлаб, бошга

рўмолини қия ташлаб бир қўли билан Ёзини ушлаб бир сўз айтиб турибди.

Мерган отмас осмонида ойимни,  
Ёрга ато қилсин гулдай бўйимни.  
Ёлғон демай мен айтайин ростидан,  
Маймоноқ дер ўйнаб ўсган жойимни.

Ойдин кўлнинг сўнасиман, ғозиман,  
Булоғимнинг ўноқлаган кўзиман,  
Маймоноқдир қўйни совган жойларим,  
Шу жойларда Пояндабой қизиман.

Чўпонлари ҳай-ҳайлаб қўй ҳайдаган,  
Чўлларини нор туялар жайлаган,  
Робия дер оқ сут берган онамни,  
Ёлғизига кунда соя тайлаган.

Кўз ёш билан ёрга битай хатимни,  
Ёр эшитсин ҳасратимни додимни,  
Икковининг менман ёлғиз юлдузи,  
Ой Зебо деб аташади отимни.

Йиллар ўтар, кунлар ўтар, ёрни кутай,  
Кўз ёшимни сиёҳ қилиб ғазал битай,  
Юрагимда бир гулим бор юлиб олиб,  
Ёзижон гар борсангиз сизга тутай.

Тилла ҳайдар кокулингиз бошингизда,  
Юлдуз бўлиб ялтирай тўшингизда,  
Тўшингиздан гар юлиб тайласангиз,  
Ўлтириб қўшиқ айтай қошингизда,

Олма бердим қайтайин олмасангиз,  
Олган билан сийнага солмасангиз,  
Қалдирғочдай учайин тоғдан ошиб,  
Хилол бўлиб чақирай келмасангиз.

Икки кўзим телмурар ёр йўлига,  
Юрганида таёк бўлай қўлига,  
Келмасангиз буғдой бўлиб сочилай,  
Бориб тушай тегирмоннинг дўлига.

Тилла ҳайдар кокулингдан Ёзижон,  
Озми кўпми ҳаққўлинингдан Ёзижон.

Шу вақт Ёзининг учасига бир нарса торс этиб тушди, Ёзи Зебонинг оти тепди деб киёс қилиб, ирчиб жойидан турди, биров кучоғига кирди, бу одам қўшчилардан бири эди. Ёзини ухлаб қолди деб чақирди турмади, бақирди — бўлмади, келиб учасига бир гаврон урбеди. Ёзи кучоғига кирганни Зебо деб гумон қилиб, уйқисираб, уёқ буёғидан ушлаб бир сўз айтиб турибди.

Сағир бўлмай соғ суяги қақшамас,  
Қақшаса ҳам сўм юраги бўшамас,  
Ушлаб кўрсам чакамикдай баданинг,  
Шу баданинг Зебожонга ўхшамас.  
Қайки ўсган бурунларинг туёқдай,  
Қошларинг бор сувда ўсган қиёқдай,  
Зебожон деб юзларингдан силасам,  
Сақолларинг ўсиб кетган таёқдай.  
Чақир тикан сочилдими йўлимга,  
Сочилсаям қувват берсин белимга,  
Зебожон деб оқ сийнангга қўл солсам,  
Сийна тошдай учирайди қўлимга.  
Оқар дарё узанидан тошгандай,  
Ўтолмайин ундан ошиқ шошгандай,  
Химча белдан Зебожон деб ушласам,  
Химча белинг тўлипдайин шишгандай.  
Омон қилсин танда азиз жонингни,  
Тўхта Зебо ушлаб кўрай сонингни.

Шу вақти қушчининг аччиғи келиб, Ёзини итариб юборди «Кўзингни оч кал, сенга нима бўлди жин урдими, пари чалдими ёки халитдан хотин олгинг келиб келиб қолдими, э шўр кал бизлар қирқ ёшга бориб хотин оломай юрибмизу, сизга жўл бўлсин, бир эшакни минда бойнинг хизматини қилиб юраберда, индамай турсам текширмаган жойинг қолмас экан, тур ўрнингдан қўшни ҳайда», деди. Ёзи ўзига келиб, Боймаматни кучоклаганини билиб, юзи кизариб, Боймаматдан узр сўраб қўлига гаврон олиб, ҳўкизларни қўшга қўшиб ер ҳайдайберди. Омочни босинқираб ҳайда, Ёзи кал бўлмаса палак ўсмайди, ўсганиям бўлмайди» — деб Боймамат кетди. Ёзи қўш ҳайдай-ҳайдай ўйланиб қолди: «Менинг бу тушим қандай бўлди, ҳалиям кўз олдимдан кетмайди, вилоятини Маймоноқ деди, отасини Пояндабой деди, онасини Робия деди, ўзининг отини ой Зебо деди.

Маймонок деган жойни умрим ўтиб эшитганим йўк, бу шунча кўрган тушларимнинг биримекан ёки бу кўрганним ростимикан» деб гоҳ ишониб гоҳ ишонмай юраберди. Бир кун кечаси яна туш кўрди. Яна ўша жойда от устида Ойзебо келиб, отдан тушиб Ёзи билан кўришди. «Нега мени излаб бормадингиз» — деди. «Маймонок деган жой қаерда билмайман», деди Ёзи. «Кун ботиш томондан изласангиз албатта топасиз», деди Зебо иккаласи хўп гаплашди, охири Зебо «мана сизга дўппи тикиб келдим кийинг», деди. Ёзи кийган маҳали кўзи очилиб кетди ўзига келиб қараса бошида яп-янги дўппи, буни кўриб, Ёзининг хаёли кетиб, тушига роса ишониб, бир дарди мингта бўлиб, ошиқлик, ўтига тушиб ҳўкизларни қўшга қўшиб, довшини баланд қўйиб бир сўз айтиб турибди.

Биринг кашқа бировгинанг қорасан,  
Чув-чувласам қора ерни жорасан.  
Эртароқ юр ерлар бўлсин шудгор,  
Мен ҳам ёрга сен ҳам ёрга борасан,  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Яйловдадир сенинг ёринг чувҳая.  
Бўйинтириқларга бошинг бойланган,  
Бўлча-бўл дер бой таёғи мойланган,  
Эртароқ бўл эрта ёрга борайлик,  
Омоч ушлаб, азиз бшим айланган,  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Сўна қувса сойда ёринг чувҳая.  
Бой билмайди қорин тўқу, очингни,  
Беда бериб мен тўлдирай ичингни,  
Зебо деб ушласам омоч тутайди,  
Оёғингга жонивор тўк кўчингни.  
Қаерда менинг ёрим чувҳая,  
Сувлоқдадир сенинг ёринг чувҳая.  
Нордай бўйинг жонивора толмасин,  
Тўғри юрда ерда монда қолмасин,  
Бой келганда монда ерни билмасин,  
Гўзал қизлар маҳтал бўлиб қолмасин.  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Ўтлоқдадир сенинг ёринг чувҳая.  
Биринг юриб, биринг қараб турмагин,  
Яхшироқ юр данкасалик қилмагин,

Қалпоқ берган ёр кутганга ўхшайди,  
Бу гапларни асло ёлғон билмагин,  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Сени кутар гунажининг чувҳая.  
Моя билан ўйнаб кулар қора нор,  
Нори кетса моя йиғлар зору-зор,  
Палак жойни эрта ҳайдаб ташласак,  
Мен ҳам озод сен ҳам озод жонивор,  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Тайин жойда сенинг ёринг чувҳая.  
Сен бормасанг сендай ҳўкиз туғилмас,  
Мен бормасам улуғ машъал ёқилмас.  
Қора жерни қарсиллатгин жонивор,  
Ернинг иси учовмизни қилди маст,  
Қаерларда менинг ёрим чувҳая,  
Онав сойда сенинг ёринг чувҳая.

Ёзи ёр ишқига маст бўлиб ер ҳайдаб ташлаганини билмай қолди. Ўз хушига келиб қараса ерлар бўлибди, шунда ҳўкизларни бўйинтириқдан бўшатиб «Ҳей жониворлар боринглар ёрларингни кўринглар, ўйнаб кулинглар» деб ҳайдаб юборди. Бунини Боймамат кўриб ҳўкизларни ҳарчанд қайтарди, бўлмади аччиғи келиб, Ёзининг қошига келиб «Ҳой бетовфиқ кал нима қилиб қўйдинг, бор ҳўкизларни қайтариб кел», деб ўдағайлай берди. Шунда Ёзи: «Ҳов Боймамат оға ерни уч марта ҳайда дединг ҳайдадим, ер бўлса етилди, энди ҳўкизларга ишинг бўлмасин улар ҳам оғайин қориндошларини ёри жононларини кўрсин», деди. «Ҳей Ёзи кал, каллигингга борма, мени алдаб турма ўтирик гапни сурма, бизлар икки ҳайдаганимиз йўку, сен қаердан уч ҳайдайсан ҳали еринг етилган йўк», деди. Ёзининг аччиғи келиб «етилмаган бўлса қара», деб бўйинтириқни олиб ерга урди, буйинтириқ ерга яримигача кирди, орадан бирор фасл ўтган эди, бўйинтириқнинг ранги ўзгариб, у ер-бу еридан барглар чиқара бошлади. Анамана дегунча барглар химчага айланиб биргли дарахт бўлди. «Боймамат ёқасини ушлаб «вой тувба эҳ олла, ё қарамат» дейберди. Шунда Ёзи: «Қани оға ер етилмаганми, бўлмаса сизни ҳам шудгорга бир солиб кўрай», — деди. «Йўк-йўк Ёзижон мени шудгорга солма, одамдарахт бўлиб кетмай ер ҳақиқатдан етилибди ишингга



баракат», дейберди. Шунда Ёзи «Эй Боймамат сен қирк ёшда ҳам уйланмабсан, севги бошқа-ю уйланиш бошқа мен Зебоой деган қизни, севиб қолдим сенга ҳақимни бойдан олиб бер деймайман, олсанг ўзингга сийлов, фақат учта ошиқ бандага индамасанг бўлгани, икки ҳўкиз ҳам ёрга кетди, мен ҳам ёрга кетдим, то кўргунча омонда бўл, деб бир сўз айтиб турибди.

Палак эксам хандалаги турланади,  
Пўчоғига мол байласанг, бўрланади,  
Икки ошиқ бир-бирини кўрмай ўтса,  
Илиб кетса суяги ҳам хўрланади.  
Хай-хайлаган қўшчибонлар хуш қол энди,  
Буйдоқ ўтган Боймаматжон хўш қол энди.  
Сарик чумчуқ сой бошига уя солар,  
Уясини шамол бузса йиғлаб қолар,  
Отаси бор онаси, бор тўра мисол,  
Сағир шўрли ерда қолса кимлар олар.  
Қуш хайдаган қўшчибонлар хуш қол энди,  
Эшак минган Боймаматжон хуш қол энди.  
Уюр-уюр мол бермасанг қайнона йўқ,  
Жоним-жоним демасанг ҳеч жанона йўқ,  
Ой Зебонинг хуснин кўриб завқ олмасам,  
Бу жаҳонда мендан бошқа девона йўқ,  
Қўш хайдаган қўшчибонлар хуш қол энди,  
Ёрсиз ўтган Боймаматжон хуш қол энди.  
Оҳ деганда юрак қуяр қадамим йўқ,  
Бой олдидан боғ яратсам бодомим йўқ,  
Ошиқликдан ора чўлда ёниб кетсам,  
Сув сепгали дардлашгали одамим йўқ.  
Қўш хайдаган қўшчибонлар хўш қол энди,  
Устоз бўлган Боймаматжон хуш қол энди.  
Бой бобонгиз мол беришда хато қилсин,  
Хизматга деб бера-бера адо қилсин,  
Учовимизга индамасанг Боймаматжон,  
Бой қизидан ўзгинангга ато қилсин.  
Қўш Хайдаган қўшчибонлар хуш қол энди,  
Дардим билган Боймаматжон хуш қол энди.  
Оҳ деганда қарсиллайман булутдайин,  
Ёр йўлига қанот ёздим бургутдайин,

Маймоноқдан топсам топдим оё Зебони,  
Тополмасам сув бўл оқай йиллар сайин.  
Қуш ҳайдаган қўшчибонлар хуш қол энди  
Тиклаб турган Боймаматжон хуш қол энди.

Шунда қўшчилардан бири туриб «Эй Ёзи сағира, сен қандай қилиб ошиқ бўлдинг, биз билан юрибсан-ку, у қизни қаерда кўрдинг-у қандай ошиқ бўлдинг», деди. Ёзи кал «Мен тушумда кўриб ошиқ бўлдим, олдин ишонмаган эдим, иккинчи тушимга кирганида манави қалпоқни бериб кетди, ундан кейин ишондим», деди. Шунда улар кулишиб ишонишмай «ошиқ бўлдим, куйиб бораётирман дединг, куйиб бораётган бўлсанг анави тошни кучоғлаб кўрчи исирмикан», деди. Ёзи бориб тошни кучоқлаб эди, тош сув бўлиб оқа бошлади. Қўшчиларнинг ҳаммаси ёқасини ушлаб «вой товба, вой товба», дейберди. Ёзи «Энди ишондиларингми», деб эди ҳаммаси «ишондик, ҳақиқий ошиқ бўлибсан сенга оқ йўл, йўлинг беҳатар бўлсин» дейберди.

Шунда Ёзи қўшчибонлардан дуо олиб этагини белига чалиб, таёғини от қилиб миниб, соғига бир шапати солиб, чув-ҳа чув деб довуш қилиб, қайдасан Маймоноқ деб йўлига кириб кетаберди. Неча кеча, неча кундуз юрди ҳисобини ҳам билмайди, бир вақт, жангур-жунгур, жангир-жунгир деган қўнғироқларнинг довуши қулоғига келди, шунда хаёли ўзига келиб қараса олдидан катта қарвон келаётир, туяларни бир-бирига матаб ташлаган, олди кўринади кейини кўринмайди, туянинг ёнларида отлиқлар иков бир, иков бир бўлишиб келаётир, туянинг олдида бир нуроний оқ соқолли чол туяларга сарвонлик қилиб эшагини их-ихлаб, кўзини юмиб келаётир. Шунда Ёзи айтди «ке, шу сарвондан сўраб кўрай, балки Маймоноқ деган жойни билар билмаса ҳам эшитгандир», деб йўл устида ўтирди. Бобо сарвонлик қилиб Ёзининг қошига келган заҳоти Ёзи ирчиб туриб «Ассалому-алайкум», деган эди, эшак хуркиб кетди, анг келаётган чол турсуллаб, ерга йиқилди, инқиллаб жойидан туриб, Ёзини кўриб қаҳри келиб сўка кетди. «Э салом паламинг билан... Ҳов уйи куйган ўласанми олисроқдан довуш берсанг қайқаймай ўл, шўн-

фир кал, Ёзи кал оралаш кал саралаш кал» деб сўкаберди. Шунда Ёзи «Ҳов бобо сўкаберманг, салом бермоқ айб эмас, салом бермасам ҳам беадаб деб сўкар эдингиз, мени кечиринг», дедида эшагига бобони кўтариб миндириб қўйдида сўради, Бобожон, карвонинг бормаган, кўрмаган юрти йўқ, Мабодо Маймоноқ деган жойни билмайсизми? Бобоси ҳалиям аччиғидан тушмаган экан қабоғи уюлиб, бир билагини их-ихлаб ушлаб «Маймоноқ саймоноқингни билмайман, мен сенинг йўл кўрсатар Қорақулоғинг эмасман», деб эшагини их-ихлайберди. Шунда Ёзи «Сиз айтмасангиз туялардан сўрай», деб тиз букиб туяларга қараб, Маймоноқни сўраб бир сўз айтиб турибди.

Эй ҳайвонлар айтадиган арзим бор,  
Мен ҳам сендай хизматкорман хору-зор,  
Ҳорлигимда бўлдим ёрга интизор,  
Кўз ёшимга кўкаради гиялар.  
Маймоноқни биласанми туялар,  
Ёрга ошиқ бўлдим кўриб,  
Гоҳида югураман гоҳида юриб,  
Маймоноқни ахтараман оҳ уриб,  
Зебо десам тўлғанади гиялар,  
Маймоноқни биласанми туялар?  
Икки дунё тор кўринар кўзимга,  
Олиб суртсам дунё етмас юзимга,  
Сен айтмасанг эганг айтмас ўзимга,  
Қўшиқ айтсам тебранади гиялар,  
Маймоноқни биласанми туялар?  
Забони ўйласам кундуз, зим-зиё,  
Оҳ десам оҳимга бўлинар қоя,  
Оёғинг остона бошинг авлия,  
Инграсам букилади гиялар,  
Маймоноқни биласанми туялар?  
Забони йўқ норсан кўрсат каромат  
Маймоноқдан ўтган бўлсанг валломат,  
Валломатим сени қилай зиёрат.  
Кўксим очсам қовжирайди гиялар  
Маймоноқни биласанми туялар?  
Чўллар ошиб, тоғлар ошиб юрдингми,

Поянданинг нормодасин кўрдингми,  
Кўрганинга сен ҳам ошиқ бўлдингми,  
Оҳ десам оҳимга йиғлар гиялар,  
Ой Зебони биласанми туялар?  
Ҳамдардим йўқ биров келмас қошимга,  
Ошиқлик савдоси тушди бошимга,  
Девонаман келолмайман хушимга,  
Юрагимга ҳамдард бўлди гиялар,  
Зебожонни биласанми туялар?  
Оҳ десам оҳимга тоғлар кўшилар,  
Заранглари ипдай бўлиб эшилар,  
Кўз ёшимга сийналарим тешилар,  
Қабатимда йиғлаб турар гиялар,  
Ҳеч курисам имлаб айтгин туялар?

Ана шунда туялар бўкириб, жойида тошдай бўлиб қотиб қолди. Сарбонлар қанча тортиб, уриб ҳайдаса ҳам жойидан кўзгалмади, балки таёқ баданидан ўтмади, ошиқ йигитнинг ҳолига қараб, кўзларидан ёш оқиб тураберди. Шунда Сарбон бобо билдики, Ёзига Майманокни айтмаса туялар юрмайди. Эшагидан тушиб Ёзининг олдига келиб: «Э болам ошиқлигингни қайдан билай, ошиқлик шоҳга ҳам гадога ҳам тенг эканда, ошиқ бўлгунча бир парча нонингни еб ётмайсанми худо деб, ошиқ бўлибсанми энди сенга Зебоингдан бошқа даво йўқ. Мана шу карвон йўлидан чикмай кетаберсанг тоғлардан ошиб, чўлларга тушиб кетаберсанг Майманокга борасан, Зебоингни кўрасан, ё оласан ё доғида ўласан, севишганларни кўшилган деб эшитганим йўқ, у ёғини ўзинг биласан, болам бизни ҳам йўлдан қолдирма, туяларга рухсат бер», деди. Ёзи жойидан туриб, Майманокнинг борлигини билиб, Зебони кўрмаса ҳам кўргандай бўлиб «Э жонивор, ҳамдардларим йўлдан қолманглар, мен ҳам ёрга борай деб жойидан туриб бобога ҳам раҳмат айтиб жўнайберди, туялар ҳам ўз йўлига равона бўлди».

Ана энди Ёзи шу кетганидан кетиб бораётир, тоғни ҳам чўлни ҳам билмайди, кечани ҳам, кундузни ҳам билмайди, вакаванг қилиб кўшиқни айтгани айтган, бир вақт ён томонидан бир киши: «Ҳа балие, болам бир

пасл бизга ҳам айтиб беринге», деган товуш келди. Ёзи бурилиб қараса бир бобо билан бир кампир ўроғи кўлида белини ушлаб турибди. Ёзи озгина қизариб «Ҳа бобо нима қиляпсиз», деди. «Э болам, буғдойлар пишиб қолди, ўрок ураяпмиз, кампир икковимиз уч кундан бери ўрамиз унмайди, кўпроқ ўрайлик десак белимиз оғрийди, ёш яланглар бўлса ўриб бўлаязди», деди. Шунда Ёзи «Эй бобо фарзандларингиз йўқми, бўлса сизга ёрдам бермайдими». «Э болам, деди қария ўғил кўрдинг ўрувга кетди, қиз кўрдинг қурувга кетди-да, болам бир хилиси бойнинг ўроғида юрибди, бир хилиси ўзининг ишида юрибди. Одамнинг боласи ҳам қушнинг боласидай бўлар экан, уясидан учдими кетди. Ҳай майли ўз кунига омон бўлсин. Қани болам ўзингга йўл бўлсин. «Мен Майманок деган жойни ахтариб бораётирман, отимни Ёзи деб айтишади, Зебо деган қизни излаб юрибман», деган эди. Бобоси кулиб «Отинг-ку айтмасанг ҳам биламан, чунки кални Ёзи дейишади Майманок деган жойга икки кунларда етиб борасан, Зебо деганинг киминг бўлади». «Ой Зебони тушимда кўриб, ошиқ бўлганман, шунга кетаётиман, оқибатим нима бўлади билмайман», деди Ёзи. Шунда бобо «Э болам хафа бўлма, ошиқ йигит ойни олади деган экан яхшилар албатта ниятингга етасан бизга ҳам озрок ёрдам бер болам дуо берамиз». Шунда Ёзи «бўлмасам менга ўрокни беринг момам бовлиу эшаберсин, сиз бовлайберинг мен ўрайбераман», деб Ёзи ўрокни олиб, ўнгирини белига чалиб, ўз Зебоси ёдига тушиб, товушини баланд қўйиб, қўшигини айтиб буғдойни ўраётгани:

Жовдирашган буғдойларим келабергин қўлимга,  
Ўтган бобо деҳқонларо қувват бергин белимга,  
Юрақларим тўлганибо қўшиқ келар тилимга,  
Мендай Ёзи бунда зора Ойдаи Зебом унда зор,  
Каклик қушдай чарқиллабо иккаламиз интизор.  
Бовлиқларинг эшилибо, бовлар қолсин қўшилиб,  
Ҳар бовингдан ўтилмайо ҳўкиз унга осилиб,  
Уюрилиб тур буғдойларо мен турибман шошилиб.  
Мендай Ёзи бунда зоро, гулдаи Зебом унда зор,  
Моя билан бутадайо иккаламиз интизор.

Осмондаги булутларо соя солсин бошимга,  
Ёрнинг ишқи, Қуёш тапти, жабр солди тушимга,  
Ўроқ ўрай чирпиринибо, поялар кел қошимга.  
Сағир Ёзи бунда зоро, бекдай Зебом унда зор,  
Қўзи билан қўйдаи бўбо иккаламиз интизор.  
Булбулларнинг сайраши гул баргини титратар,  
Ошиқларнинг ноласия тоғ бағрини сутратар,  
Севишганлар айрилсая бу заминни ингратар,  
Етим Ёзи бунда зора, султон Зебом унда зор,  
Қуёш билан ойдаи бўбо иккаламиз интизор.  
•Эсаётган шамоллара силаб кел ёр бошини,  
Меҳр қўйиб искайна, Зебожоним исини,  
Об келмасанг исиния ур тегирмон тошини,  
Шўрли Ёзи бунда зора шоҳим Зебо унда зор,  
Мағруб билан машрикдая иккаламиз интизор.  
Баланд тоғнинг бошлария қор устга қормекан,  
Етим ўсган болагая бир меҳрибон бормекан,  
Меҳрибони бўлмасая ётар жойи гўрмекан,  
Шўрли гадо бунда зора шоҳу Султон унда зор,  
Қизгалдоғу бойчечакдай иккаламиз интизор.

Ҳей дарага болама, — деди Бобоси «тўхтае қўши-  
фингни юракларим бўлиниб кетдия, мен ҳам сағир бўлиб  
ўсган эдим-а, кампирим бечора-ку аввалдан йиғлаб  
юборди», диятиб эди шу вақт у ёқ бу ёқдан ўроғи қўли-  
да одамлар келаберди, биттаси «Ассалому алайкум  
Алимбобо, буғдойни ўриб бўлибсиз-ку ҳорманг-а», Бор  
бўлинг-е болам», деб Алимбобо қараса Ёзи буғдойни  
ўриб бўлаязибди, бов устига бов тушибди-ю ўзи бил-  
мабди, шунда бобо «Шу ўғлимни худо етказди бизга  
қолса ўн кунда ҳам бўлмас эдик, айтган қўшиғига бе-  
рилиб кетиб, ишнинг унганини ҳам билмай қолибмиз»,  
деди. Одамлар чувиллашиб «Бобо бизлар ҳам эшитай-  
лик деб келдик» — деб эди. Ёзи «бўлмаса қошимга ке-  
линглар бобомнинг буғдойининг бўлгани, сизларнинг  
қўшиқ эшитганларинг бўлсин» деб барини буғдой ўришга  
солиб, ўзи ҳам қўшилиб бир сўз айтиб турибди.

Тоғлар хараб булар туман бўлмаса,  
Боғлар хараб бўлар боғбон бўлмаса,

Қизга берган қалинингни қайтиб ол,  
Кулганида мингта нози бўлмаса.  
Қиз болага аввало айланмагин,  
Айлансангда ипига бойланмагин,  
Ипига бойландингми бўлдинг аср,  
Кетарман деб ҳеч қачон ўйланмагин.  
Ўзидан қурт чиқса агар тошни жийар,  
Вафодор бўб қўшилган ошни жийар,  
Бевафолик қилса одам ўз ёрига,  
Ахир бир кун ош ўрнига бошни жийар.  
Ой Зебожон худойим қўшсин мени,  
Какулингнинг бандига ешсин мени,  
Бевафолик агарда қилсам сенга,  
Киприкларинг ўқ бўлиб тешсин мени.  
Севганим олма берсам олармекан,  
Олиб уни қўйнига солармекан,  
Майманокда ўтирган ойдай Зебом,  
Мендай калнинг севганин билармекан.  
Ўроқ ўрсам белгинам толмайдими,  
Ўз ёрига қиз бола кулайдими,  
Ўз ёрига қиз бола агар кулса,  
Худойимнинг бергани бўлмайдими.  
Ана товнинг бошида кийик ўйнар,  
Сой-сойидан шарқиллатиб булоқ қайнар,  
Ой Зебони бир кўрсам султондекман,  
Кўролмасам юрак ёниб мени қийнар.  
Ёзи бахши қўлида сози денглар,  
Зебони муҳаббатга қози денглар,  
Агарда муҳаббатга доғ туширсам,  
Ёлғиз боши ўлимга рози денглар.  
Ой Зебомни қизларинг олди денглар,  
Куйиб ёнган Ёзини келди денглар,  
Иккимизни қўшиқ қилиб ўроқ ўрса,  
Ўроғини бир кунда бўлди денглар.  
Ой Зебомни бараканинг кони денглар,  
Севишганлар ичида хони денглар,  
Мендай кални сарғайган сабон десанг,  
Зебо қизни поянинг дони денглар.

Алқисса, бугдой ўрилиб, бовланиб, хирмон жойга чиқарилди. Алимбобо келган одамларга ҳам раҳмат айтиб Ёзига «Ёзи ўғлим умрингдан барака топ энди, уйга юр меҳмонимиз бўл», деб эди. Ёзи, —Э Алимбобо менинг ўтирга ҳам қарорим йўқ, ухлай десам уйкум ҳам келмайди, чарчаганимни ҳам билмайман майманокни билсангиз яқинроқ йўлни кўрсатсангиз бўлгани деди. Бобоси ҳарчанд меҳмон бўл деди Ёзи кўнмади. Шунда Алимбобо, кел-е болам бўлмаса бир дуо берайин, деб қўлини қовшириб. Болам соғ бўл, саломат бўл, севишганинг билан қўшилиб қўшша қарри, биринг минг бўлсин, қўйинг кўп бўлсин, фарзандларинг мўл бўлсин душманларинг хор бўлсин, яхшилар мададкор бўлсин, севишганлар арваси қабатингда ёр бўлсин, ишласанг ҳорима, есанг тўйма деб дуо бериб, ана энди Ёзижон Майманокга шу йўлдан бошқа йўл йўқ деб белбоғига нон туйиб мурод тилаб қолаберди. Алқисса, Ёзи ҳам бобоси билан қўшлашиб қайдасан Майманок деб кечаси билан йўл тартиб қарвон йўлидан кетаберди. Эртаси чашка-чашкада олдидан оқ чотир кўринди, Ёзи қараса тўртта ҳўкизни мақтаб хирмон янчиб турибди одамлар. Ёзи бир сув ичиб кетай деб бурилди, борди. Ассалому алайкум яхшилар хирмонларингиз тўлсин деди. Шунда одамлар: «Ва алайкум ассалом йўлингиз унсин» дейишди. Шунда Ёзи сувни ичиб энди кетмоқчи бўлиб эди, одамлардан бири: «Ҳов оғам хирмонда келганда ёрдам бермасанг боланг-нинг кўзи кўк бўлади», деб ҳазиллашди. Шунда Ёзи ҳам» «Ака қора кўздан кўк кўз ўткирроқ бўлади-ку хай майли ёрдам берсам берай», деб гавронди қўлига ушлаб, хўп ҳўкизнинг ипидан ушлаб хирмонни айлантриб, майда қил деб ҳўкизларга далда бераётган жойи:

Шохингни қайраб қайирган майдаё-майда,  
Туёфингни майирган майдаё-майда,  
Сени хирмон янчсин деб майдаё-майда,  
Бобо дехқон буюрган майдаё-майда.  
Майда десам мойдай қил майдаё-майда,  
Донни чори қўйдай қил майдаё-майда,  
Оёфингни борлаб бос майдаё-майда,



Ҳар бугдойни ойдаи қил майдаё-майда.  
 Орқаларинг орқавул майдаё-майда,  
 Чўққиларинг қоровул майдаё-майда,  
 Шу чўққингдан қараса майдаё-майда,  
 Кўринади кўп овул майдаё-майда.  
 Кўп овулда кўрдим қиз майдаё-майда,  
 Этагига туйган туз майдаё-майда,  
 Овулингда бормекан майдаё-майда,  
 Зебожондай бўтакўз майдаё-майда.  
 Севганингга қўшилсанг майдаё-майда,  
 Юз йил бўлмас бир кунча майдаё-майда,  
 Севганидан айрилган майдаё-майда,  
 Бир кун бўлар минг йилча майдаё-майда.  
 Сарик чумчуқ боласи майдаё-майда,  
 Сойда булар уяси майдаё-майда,  
 Сой бошини сув олса майдаё-майда,  
 Чирқиллаб йиғлар онаси майдаё-майда.  
 Оқ олмани, олмани майдаё-майда,  
 Оқ олманинг алвони майдаё-майда,  
 Файрат қилгин жонивор майдаё-майда,  
 Сенсан ҳайвон палвони майдаё-майда.  
 Асл тулпор сиёфинг майдаё-майда,  
 Олмосдаин туёфинг майдаё-майда,  
 Босиб-босиб этавер майдаё-майда,  
 Толмасинда оёфинг майдаё-майда.  
 Бўлса қизнинг оғаси майдаё-майда,  
 Топилади тоғаси майдаё-майда,  
 Ҳирмонинг чоч бўлганда майдаё-майда,  
 Тўлиб кетар эгаси майдаё-майда.

Ёзи бирор фасл майдалаб, кўшига кўшик кўшиб,  
 ҳўкизларни тўхтатиб бир бошидан ечаберди. Шунда  
 одамлар «Ҳов бола нега ҳўкизларни ечаётирсан», деди.  
 Ёзи «Мана хирмонингиз янчилиб бўлди. Энди донни  
 сабондан айириб олсангиз бўлгани, ҳўкизлар дам ол-  
 син» —деди Ёзи кулиб. Шунда одамлар жойларидан  
 туриб, янчилган хирмонни кўриб ҳайрон бўлиб битта-  
 си Ёзини ушлаб: «Э болам бу хирмон бу куни билан,  
 яна кечаси билан ҳайдаганимизда янчилар эди, сен  
 бирор фаслда қандай қилиб бўлдинг ростини айт сен

тавоб қила кетди. Ёзи айтди «Э бобо ундоғ қилманг мен Бобо деҳқон ҳам Хўжаихидир ҳам эмасман, мен бир сағир боламан хирмонни майда-майда деб қўшиқ айтиб янчса тез янчиладида», деди. Унда биттаси «Ҳақимбобо бош бормоғини ушлаб кўринг Бободехқон билан Хўжаихидир бобонинг бош бармоғи суяксиз бўлади дегувчи эди боболар» — деди. Шунда Ҳақимбобо ҳа деб Ёзининг иккала бош бармоғини ушлаб кўраётир Ёзи, — киттиқроқ ушлаб кўринг тоғи бармоғимни синдириб юборманг» — деб кулаётир. Ҳақимбобо «Э йигитлар бунинг кўли ҳам ўзимизнинг кўлдай меҳнаткаш кўл экан, хирмонни майдалаб янчса тез янчилар эканда», диятир қизариб.

Алқисса, Ёзи деҳқонлардан жавоб олиб, хўшлашиб, Ҳақимбобоси қайта-қайта дуо бериб қолаберди.

Кечани-кеча демай, кундузни-кундуз демай қайда-сан Маманоқ деб йўл юриб йўл юрса ҳам мўл юриб кун чашкоҳ-чашкоҳ бўлганда бир дарёнинг устидан келиб қолди. Дарёга разм солди, катта дарё, у ёқ бу ёғига разм солди, худди тушида кўрганига ўхшайди, Ой Зебонинг мамлакатига ўхшайди деди Ёзи кел-е дарё қирғоғида бир нафас дам олай ундан сўнгра Ой Зебомни қараб кетай деб ечиниб ётди, чарчаган бола эмасми уйкуга кетди.

Ёзи Зебони тушида кўриб, унинг кўли билан тикилган дўппини илоҳий ҳомийлар ёрдамида бошига кийгандан сўнг муҳаббатнинг кучли туғёни кўтарила бошлайдики, бу унинг руҳияти билан боғланади:

Буғдой тушар тегирмоннинг тошига,  
Ўт кўкарар кўздан оққан ёшима.  
Қайда келиб сени кўрдим нигорим,  
Ошиқликни доғи тушди бошима...

## ҚИРҚ ҚАСАМЁД

(достондан парча)

Алқисса, Гўрўғли элбеги қирқ чилтондан дуони олиб, қалбига номдорларнинг исмини солиб, гўё арчали товдай ирғалиб, ўзбек-туркманни оралаб, излаб, кузатиб бир хили билан майдонда курашиб, найза отишиб, кўпкарида улоқ тортишиб билдирмай оралаб, номини суриштириб икки музофатни ахтариб, бир ой юрди. Ўзбеклардан, туркманлардан сал елкаси кенгиш, қирғий бурун, бургут қобок, елкасида садаф садоқ йигитлардан боғда номи битилгин паҳлавонлардан қирқтасини Чамбилга тўплади, барини бирдай сафлади. Шунда тумандан бир чўпон қиёфасида Қамбар Бобо, қирқ фуқаро қиёфасида қирқ ҳамроҳлари жам бўлди, лекин қирқ йигитдан битта йигит кам бўлди, қанча излаб тополмадим деб элбеги шунда нам бўлди. «Хафа бўлма элбеги», деди қирқ ҳамроҳлари -биттаси биздан топилар деб Қамбар бобо, — Эй азаматлар! Қонун бор жойда адолат, интиком бор жойда осойишталик, доно подшо бор жойда меҳр оқибат, ўтганларни хотирлаш, кексаларни қадрлаш, Ватаннинг гуркираб яшнашни, халқ фаровонлигининг боғоят юксалиши ва яна содиқ аскар бор жойда Ватаннинг тинчлиги, халқларнинг юксалиши бор. Шу боис, сиз паҳлавонлар Гўрўғли элбегига, ватанга содиқлигингизни ўзингиз соф қасамёдингиз билан тасдиқлайсиз. Бу тасдиқ эса қонун деб белгиланади. Қани ким олдинга қадам ташлайди, ким кўнглини хушлайди, қани ким биринчи бўлиб қасамёдни бошлайди, деб саф тортган қирқ азаматга назар ташлади.

Олдиндан башорат қилинган бу қирқта паҳлавон мисли чўкдай, гўё отиладиган ўкдай, бир йил оч бўлса ҳам тўкдай, газали кунда ҳам думоғи чоқдай, қаерга сафар қилса йўли ҳамиша оқдай, уйқуси соқдай, қирқи ҳам сафланиб турибди, қирқ вўрага бекдай. Шунд сафнинг бошида турган туркманнинг ёвмит уруғидан келган Юсуфбек икки қадам олдинга келиб, баланд ва қудратли овозда шундай бошлади:

Юсуфбек:

Шайтоннинг сўзига қулоқ солмайман,  
Ҳақдан бошқа бирон сўзни билмайман,

Сўзим ёлгон бўлса, ёнсин иймоним,  
Мен мардман номарднинг ишин қилмайман.

Туловматдан Ашурбек:

Майдонида иш кўрсатар мард киши,  
Қишин-ёзин эл-юрт бўлар ташвиши,  
Сўздан қайтсам қуйсин икки дунём,  
Ўлимдан қочмоклик нодоннинг иши.

Така Туркмандан Аширмат полвон:

Ватан учун бергай танда жонимни,  
Қиболига тушай гулдай танимни,  
Сипойлик қилган бўлсам Худо бор,  
Юрт йўлида тўкай шаҳид қонимни.

Окпичокдан Холдорбек:

Садоқатдан ясай ажиб бир кўрғон,  
Оч-гадога мудом бўлай меҳрибон,  
Эътиқоддан тойсам тилим кесилсин,  
Маҳкам дилга худо берар шараф-шон.

Ёвмитдан Ёқуббек:

Майдон бўлса танадан бош узилар,  
Дили поклар ҳар қадамда сезилар,  
Содикликдан қайтсам мени нон урсин,  
Интиқомсиз жойда кўрғон бузилар.

Тўлангитдан Қосимбек:

Одам бўлмас экан тирик ташвиши,  
Қийча бўлмас кўрқокларнинг қушмуши,  
Ор-номусдан кечсам кўр бўлсин,  
Ўлим учун йиғлармикан мард киши.

Така Туркмандан Болтатой ботир:

Агар билсам илм давлат бошидур,  
Бир қарашда одам ернинг тошидур,  
Бетим қаро бўлсин, қочсам майдондан,  
Иш кўрсатмай ўлган номард кишидур.

Тортувлидан Отақул полвон:

Тиклашганда ёвнинг бошин узарман,  
Шер-йўлбарсдан сафни тикка бузарман,

Ҳақиқатдан топар бўлсам хор бўлай,  
Саккиз ойлик йўлдан ёвни сезарман.

Ёвмитдан Кувон кўсра:

Бажарайин хизматини тиндириб,  
Содик бўлай ёвнинг қалбин ёндириб.  
Адолатни пешвой тепсам ит бўлай,  
Уруш қилай офир сафлар синдириб.

Ойиннидан Чутбой мерган:

Йиғламоқлик билсам йўқчилнинг иши,  
Ҳалол бўлса порир йигитнинг оши.  
Оқибатдан юз бурсам гунанг менга  
Ҳақиқатдан амр бўлмай ўлмас ҳеч киши.

Така Туркмандан Коркорбек:

Ёмон курсин яхшиликни унатар,  
Дўст-ёрни бир-биридан совутар,  
Нафс йўлига кирсам ёнсин рўзгорим,  
Ўз ҳолини билмаганлар қон ютар.

Бармоқдан Нормат мерган:

Мард йигитнинг кетар донғи, доврўғи,  
Минг дардга беллашар қўйнинг қуйруғи,  
Ҳалолликдан бошим бурсам кетсин жон  
Покизалик бўлар ҳақнинг бўйруғи.

Қирк чилтан:

Пахлавонсиз бах ҳайбатлик,  
Қоплон юрак шер сифатлик,  
Кесар қилич тулпор отлик,  
Сўздан қайтган номард бўлсин.

Алқисса, шу билан кеч бўлди, қалблар кувончга тўлди.  
Камбар бобога ҳамма пахлавонлар қўшилиб овмин оллоху  
акбар деб чин дилдан дуо қилди ва бобо ўн икки пахлавон  
қалбига марҳаматини солди. Шу кеча ботирлар ётди, бошқа  
ташвишини унутди.

Сухбатдан уйқулар кабоққа қотди, сўфилар озонни  
айтди, эрталаб тонг отди, чумчуқлар чириллаб ботирларни  
уйқудан уйғотди. Ҳамма таҳорат олиб, ракаат шукрона  
бомдод намозини ўқиб, яна сафланди.

Ёвмитдан Омонбек:

Ёмон шахча ёриб чиқар тенадан.  
Ориф одам тоза ҳаргиз гунадан,  
Манманликни раво билсам тош бўлай,  
Қут-барака қочар ифлос хонадан.

Мавлумдан Қилич қора:

Ҳисобдонлар ҳисоб олар ҳар ойдан,  
Мард йигитлар қувват тилар худойдан,  
Диндан қайтсам арвоҳ урсин ўзимни,  
Ҳадис борин йиғиб юрай ҳар жойдан.

Така Туркмандан Эшил бир отар:

Камбағал шўр меҳмон келса уйланар,  
Бирин топса бирин топмай қийналар,  
Эзгу йўлдан қайтсам дўстлар пес бўлай,  
Фидойилар эл меҳрида жойланар.

Қовчиндан Шермат овзи қатта:

Одам тошса босар йўлин билмайди,  
Оч-гадони ўлса писанд қилмайди.  
Камтарга камол, боз берсам тош бўлай,  
Хундиларга сира кўнглим тўлмайди.

Ёвмитдан Тошқўлбек:

Руҳи тетик одам етар муродга,  
Дили синик шерик бўлар вой-додга.  
Ёвдан қочсам босган жойим гўр бўлсин,  
Камар бойлаб кўнгили берай ҳимматга.

Саройдан Амиралибек:

Ҳар йигитнинг орқа тови отадир,  
Энасини момо дейиш хатодир.  
Фидойилик бўлсин менинг шиорим,  
Сўздан қайтсам кўрган куним ситадир.

Така Туркмандан Сайқонбек:

Элдан қайтган бил худодан қайтгани,  
Беор бўлса, динсизман деб айтгани.

Дилим ҳақда, кўзим ёвда бўлмаса,  
Каминанинг бу оламдан ўтгани.

Барлосдан Темурбек:

Қалби покнинг содда сўзи ҳикматдур,  
Бекоримнинг чин сўзи ҳам тухматдур.  
Балога сабрим бор, ғазога розим,  
Пирлар ҳаққи сўзларим дур, қимматдур.

Манғитдан Олғовбек:

Бедовлар букчаяр емдан айрилса,  
Саксовул ўсмайди кумдан айрилса.  
Вулло агар покдил бўлиш қарорим  
Қўрғонлар қулайди тимдан айрилса,

Ёвмитдан Қайимбек:

Ёмғир ёғса ернинг бети лойланар,  
Тоза бўлса, мард йигитлар шайланар.  
Рост сўзим бор чориёрлар ҳурмати,  
Соф виждоним ватан учун бойланар.

Қурчидан Долғовбек:

Яхши йигит бир санамга давлатдир,  
Суяқ хотин эркак учун кулфатдир.  
Фоҳишани даф қиламан, ё Расул,  
Ифлос ишлар давлат учун меҳнатдир.

Такатуркмандан Оллаёр полвон:

Дона одам Макка дейди элини,  
Эл бахтига маҳкам бойлар белини,  
Бола-чағам ҳурматига айтаман,  
Мен кесайин порахўр кумни.

Жуз уруғдан Нурматбек:

Нормадга ўзингни сотма, биродар,  
Сиринг билса вайрон бўлар кирдикор.  
Миллатчига курашайин, ё Али,  
Уруғчилар элни айлар хору-зор.

Қирк чилтон:

От ҳайданглар мовут-мовут,  
Йигит пири Ҳазрат Довуд,  
Оқ кировка олтин совут,  
Киймаганлар номард бўлсин.

Алқисса, шунда Қамбар бобо «Овмин оллоху акбар» деб дуо қилди, барча паҳлавонлар дуога баб-баравар кўшилди. Диллар ором олди, қалблар қувончга тўлди, гаваралар ен кенгишиди, қадди-қовматга хайбатли виқорлик бахш этилди, кўзлар нурга тўлди, нор билаклар кучка тўлиб, туннинг енгиллари қорса-қорса жорилди, онг ва шуур соф виждонга қорилди. Бул оқшом ҳам дили равшан бўлиб, паҳлавонларнинг шижоатини кўзи қиймай аранг қиблага ботди, ботирлар бул оқшом ётди, орадан анча фурсат ўтди, эрталаб чароғон ва нурафшон тонг отди, шерлар таҳорат олиб, номозга ўтди эрталаб, яна икки ракаат шукрона бомдод номозини ўқиб, қуёш каби балқиб сафландилар.

Ёвмитдан Шунқорбек:

От чопганда чанги чиқар буралиб,  
Хос хўр хайвон добр бермас ирғалиб.  
Матонатни тутка қилдим, ё Ҳизир,  
Сафни бузай минг номардга тиралиб.

Токчидан бердиёрбек:

Мард йигитга уўқу харом ёронлар,  
Уйқучини кўрса қочар давронлар.  
Топган молим буюрмасин ўзимга,  
Ҳамжихатлик шиоримдир полвонлар.

Така туркмандан Шодмон мерган:

Аҳмоқнинг олдиндан кесилар боши,  
Жойи келса гўрдан отилар лоши.  
Тўғри сўздан қочсам қўйсин иймоним,  
Саломатлик бўлар давлатнинг боши.

Чибириғдан Холиёр полвон:

Билганча бу дунё бебаҳо кенгдир,  
Илми йўқ инсонга мисқолдан тангдир.



Маърифатни кўтармасдан кўр бўлай,  
Олими йўқ давлат билсангиз гунгдир.

Ёвмитдин Султонбек:

Доим бўлар яхшилардан шарофат,  
Куйган дилни равшан қилар соз суҳбат.  
Анъанани гуллатмасам шол бўлай,  
Мерос бўлиб нурин сочар шафоат.

Қорақўнғиротдан Оқил маҳрам:

Ватанидан кечган бўлар девона,  
Ўз юртидан қочармикан мардона.  
Чегарани томир коним демасам,  
Эл ичида майли бўлай занана.

Така Туркмандан Ширин маҳрам:

Ёғочнинг курти ҳам чиқар ўзидан,  
Ўғри мардум билдиради кўзидан.  
Обқочарнинг тандан бошин жулмасам,  
Ит бўб эргашайин арлон изидан.

Қорақалпоқдан Жумақул оға:

Ватан бўлар суянчигим, тирагим,  
Бу дунёга бўбди менинг керагим.  
Дўстлик учун танда жоним бермасам,  
Халқ ичинда кийгич кийай широғим.

Ёвмитдин Алимбек:

Қилич бўлса ғанимлар ҳам дўст бўлар,  
Майдон бўлса марднинг қадди рост бўлар.  
Ватанимнинг иқболига от миндим,  
Сўздан қайтган хотин мисол мот бўлар.

Така Туркмандан Асад мерган:

Тулпор миниб эл оралаб юрмасам,  
Ватан учун тоғдай тикка турмасам.  
Асад деган номим ўчсин илоҳим,  
Учар қушнинг мен кўзидан урмасам.

Дев-паридан Ҳасан чопсан:

Тез чопишда мен шамолдан ўтмасам,  
Чамбил учун танда жоним сотмасам.  
Гўрўғлибек тандан олсин жонимни,  
Шу, эл учун боак сари кетмасам.

Дев-паридан Ҳасан якдаста:

Ўн минг ёвни бир даста қиб отмасам,  
Тиригини қул бозорда сотмасам,  
Гўрўғлибек шарта кессин бошимни,  
Ҳар балони чапчадай қиб ютмасам.

Алқисса, шунда икки паҳлавон мийиғидан қулиб,  
кўлкаси тўлиб, икки кўлини орқасига чолиб, кой-қойиб  
тураберди.

Гўрўғли шундай қараса Ҳасан кўлбор минан Тўлак  
ботир ерга қараб турибди:

— Ҳа, нима бўлди, сизларга-деди Элбеги. Тўлак ботир  
Ҳасан кўлборга қаради. Шунда Ҳасан кўлбор Элбегига қараб,  
кўлборини буроб, қорнини тизасига тираб:

— Эй тақсир, арзимиз бор, — деди Гапир, Ҳасан кўлбор  
деб рухсат берди Элбеги. — Мен ҳам қасамёд қиламан, аммо  
битта лекиним бор.

Менинг ҳам ёшим ўрта бўлган, сақолим бурта бўлган,  
суйган овқатим тўрта бўлган, икки ёзувим холта бўлган.  
Мендан ҳам бир зурриёт қолсин. Агар Элбеги менга битта  
кампир товиб бераман деб сўз берса қасамёд қилганим  
бўлсин.

Шунча йилдан бери кампирга жолчимайман, топганим  
ҳам уч кун, тўрт кундан ортмайди, деб кўк-кўк кулаверади.  
Ҳамма шодланди. Битта кампир бўлса, садқаисар, сиздан ўн  
минг кампир айлансин, мен розиман — деди Элбеги.

— Тўлак сен гапир, — деди Ҳасан кўлбар гўлдайиб, —  
Мен, — деди Тўлак Элбегидан битта сўровим бор, у ҳам  
бўлса озироқ шавайилигим бор, ҳазилкашман, гартак  
кўрқоқларга сирдошман, жангга кирганда алламчилик  
одатим бор, шуни кечирса бўлди, ватан учун жоним фидо.  
Бунга ҳам розиман, деди Элбеги. Шундан сўнг Ҳасан кўлбор  
ўртага чиқди:

Кўлборимга минг ғанимни солмасам,  
Эшагимни миниб вайрон қилмасам.

Тийган кампир майли ота қилмасин,  
Икки тоғни икки ёққа бўлмасам.

Ёвмитдан Тўлак ботир:

Ёғийларни парча-парча кесмасам,  
Сўм гўшини омбир минан бусмасам.  
Қанча душман бўлса қирай тушимда,  
Тикка келса Асқар товдай босмасам.

Алқисса, ҳамма «офарин, тасанно», деб маъқуллай берди. Шунда Элбеги, 39 паҳлавон «Эй тақсирлар, яна бир киши йўқ, ким қолди дей берганда қирқ чилтоннинг бири ўртага чиқиб «Эй, Қамбар бобо, бир кишини биз ваъда берганмиз. Ул зот моҳир созанда, жойи келса ажойиб машшоқ, жангу-жадалда қиёси йўқ паҳлавон, яна бир амали отнинг тилини билувчи бағоят ўткир сайис ва бадиҳагўй, чечан бахши. Биз бу улуғ зотни Гўрўғлининг ўзи ва оти учун боз бизга ҳамройлиги учун қирқ паҳлавонга қўшмоқчимиз. Гўрўғли эл учун, Ватан учун ва ор-номус учун от чопиб чарчаганда кўшиқ ва нағмаларини эшитиб ором олсин, Элбегининг кўрсатган қаҳрамонликларини дoston қилиб кўйлаб, авлодларига қолдирсин ва Фирот учун бу улуғ зотдан билимдон отбоқар йўқ, шу боис бу тулпорни доим тарбиялаб юрсин деб алоҳида эъозлаб юрдик. Шундай қилиб, Фиротнинг саиси бек Соқи саксон тилло бўлди, бир ойлик ҳақи, созига кулади, жунор минан қоқи бекнинг хизматини қилмоқ Соқининг ҳақи деб белгиладик.

Мана энди қирқинчи паҳлавон Соқи булбулга навбат деб одоб сақлаб турди, улуғлар.

Соқи булбул кўйлай бошлади:

Аслида мард йигит ичмас қасамни,  
Фанимат билади, кўрган ҳар дамни,  
Айтдими шер сўздан қайтмади эркак,  
Шул боис мардона дейди одамни.  
Лекин биз мардона айлаб қасамёд,  
Ватаннинг таянчин бир-бир қилдик, ёд.  
Қонунни сўз билан маҳкам айладик,  
Адолат, ҳақиқат яна бўлур шод.  
Тоғларни тик қилган унинг бели бор,  
Одамни ҳур қилган ширин тили бор.

Гўрўғли элини сақлар ёғийдан,  
Заминда бир сўзли қайтмас эли бор.  
Ватанни гуллатмоқ дононинг иши,  
Эл билан баҳамдир кўрган ташвиши.  
Шул боис Гўрўғли юртда Элбеги,  
Ҳар ишга етади бекнинг бардоши.  
Дўстларим келинлар қилай қасамёд,  
Шукр-ки шу кунни бердилар ҳайҳод.  
Гўрўғли шуҳратин қирк дoston қилай,  
Созимдан ёғилар айласин фарёд.

Қирк чилтон:

Насихатда ҳаёт бор,  
Бу ҳаётда роҳат бор,  
Сўздан қайтма офат бор,  
Оллоҳ бўлсин ёрларинг.  
Ўлмаганлар яшайди,  
Яшаб ошлар ошайди,  
Сўздан қайтган қакшайди,  
Расул бўлсин ёрларинг.  
Кўрқоқларда кун бўлмас,  
Ботирларда хун бўлмас,  
Алдамчида жон бўлмас,  
Эгам бўлсин ёрларинг.  
Ҳалоллик бўлса шиор,  
Ҳар ишда бўлса меъёр,  
Йўлингда бўлмас ғубор,  
Расул бўлар ёрларинг.  
Тутга бил адолатни,  
Оғам де ҳақиқатни,  
Қонун бил сиёсатни,  
Эгам бўлар ёрларинг.

Алқисса, Қамбар бобо «Овмин, оллоху акбар», деб дуо қилиб юборди. Ҳамма паҳлавонлар баб-баравар кўшилиб қўл кўтардилар. Бир зум осойишталик, осуда фурсат бўлди. Сўнгра кўзларини очиб қарасалар тумонат одамдан бир Гўрўғли Элбеги ва қирк паҳлавон қолибди.

## НАВОИЙ САМАРҚАНДА

(достондан парча)

Алқисса, улар бир умрга бирга бўлишга ваъда қилиб, ноилож бир-бирларида кечкурун ажралдилар. Ана энди Алишербек гулдай енгил бўлиб, Нурмат аравакашникига келиб шу кеча ётди. Абусаид жаллодларининг кечаси келиб, уйларида хабар олиб кетаётганини ҳам эшитиб, «ҳа баччағара, машойихларнинг гапида ҳеч хато йўқда». Бир янги шутоннинг уч кун хавоси бор деганларидай Абусаид ҳам бу амални абадий билиб, бир рўзғорни вайрон қилиб, яна бу ерга қайта-қайта келиб ётганини қаранг. Бу тахт Сулаймондан қолганини билармикин», — деб анча алоғда бўлиб ётди. Лекин ярим кечадан кейин уйкуга кетибди. Шу кеча ҳеч унутилмас бир туш кўрибди. Тушида гўзал бир шаҳар олтиндай товланиб турган эмиш. Бу шаҳарнинг аркидан елкадор, бургут кабоқ, алп сиёю, ўрта бўйли, ёши олтмишлардан ошган, анча чарчаган бир девсифат баҳодир киши чиқиб келаверибди. У Алишербекка тўғри юриб келиб «Яхшига ипак илашади, ёмонга тикан илашади, болам», деб шу сўзларни айтаётган эмиш:

Хуросон хушимда термулиб йиғлар,  
Не илож туришга мадор йўқ болам.  
Эл-улус, гул Ҳирот бағримни тиглар,  
Илкимдан олувчи падар йўқ болам.

Пўлатдай суягим ерга суялди,  
Бор тенам мангулик сари таяди,  
Арвоҳлар олдида руҳим уялди,  
Абусаид каби дадар йўқ болам.

Бу элда қалбимни тирнатди Турон,  
Дардимни ўн чандон кўзғар Хуросон,  
Суягим чарнатар оғир бир армон,  
Боқийда мен янглиғ бемор йўқ болам.

Тириклик чоғимда олам гул эди,  
Одамзод жам бўлиб битта эл эди,

Кейинги ёшлардан орзум шул эди,  
Қонхўрлар кўзида хумор йўқ болам.

Илмни, санъатни барбод айлади,  
Улуғ миноралар бўйин тайлади,  
Сенинг ҳам йўлингни улар бойлади,  
Оламда булардай беор йўқ болам.

Шул сабаб бағримни очайин сенга,  
Илму одобинг кўп дур бўлди менга,  
Бир муддат кел кўзим, Самар заминга,  
Келмасанг мендайин бедор йўқ болам.

Авлодим ишидан руҳим хайрона,  
Суягим чарсиллаб, тенам вайрона,  
Оқибат айланиб келар даврона,  
Бекиниб ётмоқда самар йўқ болам.

Алқисса, халиги баҳодир кишининг ғози бир оз ёриш-  
гандек бўлибди, зах қоплаган юзларидан, ўткир кўзларидан  
нур сочилибди ва бу нур Алишербекнинг ҳам юзларини,  
йўлларини ва қалбини ёритибди. Сўнг паҳлавон киши  
«болам Алишербек, сиз Ҳиротда бир муддат ором  
топмагайсиз, чунки гўнг кавлаётган олапар ит гўнгнинг  
ичидан гавҳар чиқиб қолса ҳам уни гўнгга аралаштириб  
ташқарига чиқаради. Нимага деганда у ит, гавҳар ва гўнгнинг  
фарқига бормайди. У қовлаган жойида ётса бўлди. Абусаид  
ҳам олапар каби жаллод билан шоирнинг фарқига бормайди.  
Сиз бундан озор чекасиз. Самарқандга келинг, илм ўрганинг,  
ижод қилинг, бу ерда сизга менинг руҳим парвона бўлиб  
турғай», деб бир оз оқсоқланиб изига бурилибди. Шу пайт  
Алишербек «тўхтаг», деб қичкириб юборди ва жойидан  
туриб кетди. Бундай қараса туши экан. — «Ҳа сизга нима  
бўлди, ҳамсоя», — деб Нурмат аравакаш ҳам уйғониб сўрай  
бошлади. Шунда Алишербек бутун воқеани сўзлаб берди.  
— Мени Амир Темур ҳазратлари Самарқандга чорлаётир,  
бормасам бўлмайди, деб Алишербек ўз фикрини ҳам  
билдирди. Нурмат аравакаш эса: Ўғлим, Самарқанд ана ер,  
мана ерда эмас, у ерга бориш учун ойлаб йўл босиш,  
тоғлардан ошиб, дарёлардан сузиб ўтиб, қумларни оралаб  
йўл юриш керак. Сиз эса ёлғизсиз. Кўйинг, менинг уйимда  
яшай қолинг, ярим нонимиз, хузур жонимиз, бирга яшай-

верамиз. Хуросон ҳам тинчиб қоларда деб Алишербекни йўлдан қайтармоқчи бўлди. — Йўк, деди Алишербек — бу чорлов менинг учун бахтдир, бормасам бўлмас, бундай давр қайтиб келмас, мабодо Ҳирот тинчиса, ота-онам қайтиб келса, Хусайин менинг Самарқандга кетганимни билса «ўз хоҳиши билан кетди, денг» деб қатъий бел боғлайверди, ўзини бургут мисол чоғлайверди, Алишербекнинг кетишини тоза билган Нурмат аравакаш «ёлғиз кетманг», деб ўз ўғли Эрмат мерганни ҳам қўшди. Улар «тонг ёришмай йўлга тушайик», деб Нурмат аравакаш берган иккита аравадан чиқиб қолган отларни жовублаб, тайёр бўлдилар. Сўнг Нурмат аравакаш икковига оқ йўл тилаб, бир-икки насихат айлаб дуо бераётган жойи:

Йўл юрганнинг худо бўлар йўлдоши,  
Хўжай Хизир қаботида белдоши,  
Насихатим ёдда тутинг оғалар,  
Бирга юрса орқа бўлар элдоши.

Йўл юганда қилинг марднинг ишини,  
Салом билан сийланг ҳар бир кишини.  
Уч белгига қараб меҳмон бўлинглар,  
Шундай қилса одам эгмас бошини.

Кун ўтмайди одам ўйланган бўлса,  
Ғам тортасан кулфат тайланган бўлса,  
Шундай жойга меҳмон бўлинг йигитлар,  
Уй олдида бедов бойланган бўлса.

Кўп қувонинг доно одам бўйдан,  
Ҳурмат топсин ҳар бир киши жойидан,  
Меҳмон бўлинг, уй эгаси шодланиб,  
Чатонини қашиб чиқса уйдан.

Ёмон хотин ўз эрига кулфатдир,  
Ҳар бир куни тоғдан оғир меҳнатдир,  
Доно бўлсин меҳмон жойинг аёли,  
Яхши хотин бир йигитга жаннатдир.

Уч белгини адаштириб шошманглар,  
Кеч кирганда тоғ бағридан ошманглар,  
Бир кишлоққа меҳмон бўлсанг йигитлар,  
Разм солиб шундай жойга тушманглар.

Чўбир отлар тулпор бўлмас чойпаса,  
Қамчи боссанг ётиб қолар толпаса,  
Шундай уйга сира қўниш қилманглар,  
Уй эгаси манглайини сийпаса.

Фарзанд бўлар ҳар отанинг мадори,  
Ор талашар зўр элатнинг шунқори.  
Шундай уйга болам меҳмон бўлманглар,  
Бетартиб бўб пириб ётса рўзғори.

Қора қилсин ғар одамнинг бетини,  
Шайтон денглар қасамилар отини.  
Ундай уйга сира тушиб бўлмайди,  
Фоҳишадан ном чиқарса хотини.

Олти белги болам сизда бор бўлсин,  
Доно бўлиб кесовингиз зар бўлсин,  
Омон-эсон боринг Темур уйига  
Ёлғиз Худо доим сизга ёр бўлсин.

Алқисса, шундай қилиб, Нурмат аравакаш насихат айлаб дуони босди, йигитларнинг кўкраги Сарғай ота тоғидай ўсди. Алишербек билан Эрмат отланиб «бомдод намозини Ҳиротдан чиқиб ўқиймиз», деб шодланиб, тонг юлдузи тувмасдан бободан рухсатни олиб, кечаси Самарқанд сари йўлга тушди, отлар эса пишқириб, то йўл босиб терлагунча тушқириб, йигитлар эса Алпомишдай ишқириб кўча оралаб жўнайберди.

*Қаҳҳор бахши Қодир ўғли*

## АҲМАД ЯССАВИЙ

*(достон)*

Алқисса, жуда қадим замонда, эллар омон-омонда, ул муборак Туркистон томонда, улкан ва салоҳиятли, ширин об-ҳавога бой малоҳатли Ясси атрофидаги тоғлар улуг заминда ҳозиргидан ҳам тароватли кўкрак кєрган эди. Бу тоғлар орасига Тангрим минглаб ҳислатларни берган эди. Мана шул Туркистон вилоятининг Чимкент кенти яқинида муқаддас Сайрам қишлоғи кенг қулоч ёзиб ётибди.



Тоғ ҳавоси тоза, ширин сувлари ғоят маза, булоқ бошида турган келинчақларнинг илкида сополдан кўза Мудроқ далалар, уфорга бой чечаклар, сурув-сурув от-йилқилар, беҳиштдан чиққан раҳмони, ҳисори қора қўйлар, хаёлни ўғирловчи булбуллар, беихтиёр ўзига маҳлиё қилувчи тоғ чил ва какликлари бу воҳанинг кўрки, чиройию, эл-юртини нақши ва ифтихори. Сайрам касабасининг одамлари пок дил, хурмати мўл, меҳнати гул, меҳри бир-бирига дарё-кўл, забони ширин тил, хуллас олчанглаган катта бир эл эди. Ана шул Сайрам касабасида Шайх Иброҳим деган комил муслмон яшар эди. Шайх Иброҳимнинг отаси Маҳмуд Шайх, бобоси Ифтихор шайх бўлиб, авлоддан-авлодга йилдан асрларга боғланиб, Исҳоқ Шайхга туташган эди, авлиёлар билан сирлашган эди, комил инсонлар билан бирлашган эди. Исҳоқ Шайх пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима авлодидан бўлиб, ўн биринчи бўғинда туташган эди.

Тангрининг бениҳоя марҳамати билан Иброҳим Шайхнинг оиласида Аҳмад деган бўлимлик бола дунёга келди. Аҳмаднинг онаси Қорасочойим дона, гўзал ва иродали аёл бўлганлиги боис, жигаргўшасига қаттиқ эътибор берди. Аҳмад эса кунма-кун улғайиб, вояга етиб кўзга ташлана бошлади. Тезкор вақт шамол каби елиб чака Аҳмадни тўрт-беш ёшларга етказди. Ақл-фаросат, қуймақулоқлик Аҳмадга камолот берди. У тез орада отаси Иброҳим Шайх билан мустақил фикрлаша бошлади. Тангрим марҳамат қилган авлиёлик эса қондан-қонга, суяқдан-суяқка ўтиб, оқибат Аҳмад боланинг қусурсиз ҳаракатларида кўрина бошлади. Бул мукаррам фазилат Аҳмадни теран фикрлашга, ислом илмини кам-қўстсиз ўзлаштиришга, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мезонини янада ойдинлаштиришга даъват этди. Лекин Аҳмаднинг қувончи узоққа чўзилмади, аммо фикри бузилмади, орзу-умидлари илмдан узилмади. Аҳмад етти ёшга етганда, номи ўз қишлоғи Сайрамга кетганда, ҳозиргина илм олмоқ учун устози Арслонбобга ўтганда орқа тови отаси Иброҳим Шайхдан айрилиб, онаси Қорасочбибининг қўлида етим бўлиб қолди. Шунда онаси боламнинг иқтидори пасайиб, режалари синмасин, отасидан айрилиб, қадди букилмасин, кўзидан қон аралаш ёшлари тўкилмасин», деб ўтган-кетганлардан ҳикоят айтиб, «Болам, Аҳмадjon, марҳумларни йиғлаб ёллаш исломда бормикан»

деб сўзлаётган жойи:

Неча кундир келолмайман ўзимга,  
Айрилиқдан дунё қора кўзимга,  
Суханимга кулоқ солгин, жигарим,  
Дона бўлиб эътибор бер сўзимга.  
Бу дунёда меҳмон экан одамзот,  
Агар билсанг тирик улар ҳақиқат,  
Олти юз исми олган Муҳаммад,  
Оқибат отадан айрилмадима?!  
Кулфат тушиб сарғаяди тенамиз,  
Отанг кетиб ғамга тўлди хонамиз,  
Садоқат гавҳари Ойша онамиз  
Суянган тоғидан айрилмадима?!  
Меҳр қўйсанг қисмат берар симу зар,  
Аҳмоқ бўлсанг вайрон бўлар кирдикор,  
Ислоннинг туткаси тўртта чориёр  
Ҳам ота, онадан айрилмадима?  
Шамол каби ўтар одам умири,  
Фарзандлининг минг йилга тенг томири,  
Худойимнинг бил, Ҳимолай, Помири  
Бовридаги кирдай айрилмадима?  
Қалбни ҳар қалдирғочнинг ноласи,  
Агар ўлса бир парча гўшт боласи,  
Даҳшат солиб келган баҳор жалоси,  
Ёғиб-ёғиб ёздан айрилмадима?  
Одамзотнинг оқибати шул бўлар,  
Ота кетса изин босган ул бўлар,  
Дона улни ардоқлаган эл бўлар,  
Нодон инсон элдан айрилмадима?  
Мени десанг қовматингни букмагин,  
Хумор кўздан солоб ёшинг тўкмагин,  
Хафа бўлиб қалбимга ўт ёкмагин,  
Отанг ҳам отадан айрилмадима?  
Марҳумга йиғлашни тўсар шариат,  
Ҳар бир ишни белгилаган тариқат,  
Мендан яхши сиз биласиз ботма-бот,  
Волиданг отадан айрилмадима? .

Алқисса, Аҳмад волидаи мухтарамасидан бу сўзларни эшитиб, ўзига хос босиқлик ва камтарона ҳаракат билан онасининг бағрига сингди. Кўзларидан беихтиёр оқаётган

маржон ёшлари тинди, тирикчилигини қилар экан, ёш бола ҳам тақдирига кўнди, онасининг бағридаги чўғдай ловуллаётган меҳри дилбандининг гаварасига ўтиб ёнди, онабола Оллоҳ марҳамат қилган ақл ва доналик сеҳридан қонди.

— Ўғлим Аҳмаджон, кирдикордаги барча ташвишлар менинг зиммамда. Сиз эса устозингиз табарруқ Арслонбобдан сабоқ олишни қанда қилманг. Ҳозирча мен сизни ўқитиб, тарбиялаб боқаман, иншоолло, Сиз улғайгандан кейин илмингиз иккаламизни боқади, деди онаси Қорасочбиби самимийлик билан.

— Иншоолло, иншоолло, онажон. Лекин бўш вақтимда ҳеч иккиланмай юмуш бўлса буюраверинг, бош устига, — деб Аҳмад онасининг кўлларини юзига меҳр билан суртди, сўнг онаси Қорасочбибига қараб «Онажон, одам тақдирига кўнмай жилож қилади. Мен ҳам Раббимнинг ожиз бир гўдак бандасиман. Аммо ҳаёлимга гоҳо фахирона бир фикр келур, тонг ва шом ҳаёлимни олур, гоҳо кўркувга солур, гоҳ йўлимга нур бўлур. Лекин мен бу ожиз фикримни илк дафъа сизга сўзлайман. Устозим Арслонбобга айтолмай, ҳайрондаман. Сиз нима йўриқ берасиз, волидам», деб ўз фикрини баён бераётган жойи:

Давра келса гапдан одам жушайдида,  
Яшин тушган ҳатто тоғлар қақшайдида,  
Ҳизр бобом менга йўлдан, онажоним,  
Файзи саҳар гап айтган ўхшайдида.  
Дона гапни эл йўриқ деб хушлайдида,  
Ислом дини саодатга бошлайдида.  
Куйик сабаб дардин айтай, куёшим-ей,  
Ҳақ Мустафо фарзандим деб ушлайдида.  
Энди билсам Ислом экан кўрган қалъам,  
Оят бўлиб отилади қилган нолам,  
Шундан бери арвоҳ келар саҳар-саҳар,  
Ҳар келганда менга берар қуюқ салом.  
Зимдан боқсам нурга тўла хоналарим,  
Ҳақ олдида бўлмасинда гуноларим.  
Юрганимда оёқларим енгил кучар;  
Зикр айт деб титрай берар теналарим.  
Зикр айтсам самоларга учаманей,  
Аршу курси поясини кучаманей,  
Ҳақ Мустафо паноҳига олган мени,

Арвоҳ берган улушимни ичаманей.  
Қирқта чилтон аҳволимни сўрагандир,  
Ранг-рўйимга диққат билан қарагандир,  
Ҳақ Мустафо берган хурма хаёлимда,  
Ҳақдин бошқа орзу менда нурагандир.  
Бой таратда рўза тутиб шодланаман,  
Малайикдан дарс олмоққа отланаман,  
Бир армоним падаримдан айрилганим  
Шундай дамда отажон деб хитланаман.  
Исломия каломига оч бўламан,  
Шариат ва тариқатга ўч бўламан,  
Оллоҳ эгам юбордими дейман, эна,  
Бугун келиб Арслонбобга дуч бўламан.  
Буюк тоғнинг чўққилари кор эмишей,  
Туман босган томонлари нор эмишей,  
Арслон бобом кўрганимда, энажоним,  
Менга берар омонати бор эмишей.  
Улғайганда эл корига жоройман мен,  
Оч-гадонинг аҳволига қарайман мен,  
Омонатдан маслаҳат бер, энажоним,  
Қандай қилиб устозимдан сўрайман мен.

Алқисса, бу гапдан Қорасочбиби ўзича хулоса олди, бир муддат хаёлга толди, шундан кейин ўғли Аҳмаджонга синчков разм солди ва: «Ҳа, болам Аллоҳ ишқига етишмоқ орзусида сеҳрлангандай, ёлғизимнинг тили ва дилига Танграмнинг оятлари муҳрлангандай. Барча гаплари тўғридир, боиси ёлғон гапларни хуш кўрмайди, болалар билан дала чангитиб юрмайди, тўй-ҳашамларга бормаиди, ҳеч кимга ўринли, ўринсиз дашном бермайди. Ушлагани исломия тариқати, ҳамроҳи беш вақт номоз ва рўза. Эсини танибдики, оятларни ёд олади. Ишқилиб, Парвардигорим бу болани паноҳига олганда. Лекин устози Арслонбобдаги омонатни тушунмадим, уни ўзи белгилар. Аллоҳимнинг ишқи ўғлимга қувват бериб, отасидан қолган дил яраларига иншооллоҳ мадад берсин-да», деб ўзича хулоса қилди. Сўнг билмаганликка олиб, «ўғлим, барча гапларингизни Аллоҳим яхшиликка боғласин, димоғингизни чоғласин. Устозингиздаги омонат назаримда сизга берар илму маърифати бўлса ажаб эмас. Ахир сиз устознинг шогирдисиз, болам», деди.

— Ҳа, онажон, — деди Аҳмад чехраси тундлашди, — бу

замонда бой одамдан камбағал, гадо кўп. Юрт оч. Элда эса сон-саноғи ва охири йўқ исён. Беклар бўри, аждарҳо. Подшолар олтин, бойлик ишқида. Амалдорлар эл оралаб қизжувон овида. Уларни нафс балоси гирдобига олган. камбағал улусларнинг Раббимдан бошқа ҳеч кими йўқ. Мана шул мунофиқларга, дунёга зил берган фосиқларга, нафс балосига йўликқан кўзи очиқ кўрларга Тангримнинг қудрати билан барҳам бермоқ учун туғилган бўлайин деб орзу қилдим. Устозимдаги омонат бир кун аён бўлур, ул улуғ зот омонатга хиёнат қилмас, иншооллоҳ. Қорасочбиби етти ёшар зирагининг фикрига лол бўлди, хайратдан балки беҳол бўлди, маржон кўзлар қувончдан ёшга тўлди. Шундан сўнг Қорасочбиби: «Илоҳим айтганинг келсин болам», деб ташқарига разм солди. Боягина отган тонг анча ёруғ бўлиб, қуёш бўй кўрсатибди. Қорасочбиби ўғлини овқатлантириб сўнг устози Арслонбобнинг олдига сабоқ олмоққа жўнатди. Аҳмад устози Арслонбобнинг олдига бориб, ул табаррук зотга ўнг қўли кўксига эгилиб, салом берди. Устози саломни қабул айлагач, Аҳмад шайхнинг кўрсатган жойларига эҳтиёткорлик билан оҳиста жойлашди. Ҳол-аҳвол сўрашди, диллар меъёрли одоб ва ахлоққа қоришиқли ширин суҳбатдан ором олди. Тонг секин айланиб, Шайх Иброҳим ҳазратлари устида борди, устоз шогирдга панду насиҳат айлади. Сўнг Исломия тариқатидан ўғит ва сабоқ берди. Арслонбоб шогирди Аҳмадни ҳидоят сари юксалиши учун ўз билим ва маҳоратини аямади. Сабоқ сўнгида Арслонбоб Аҳмадни ёнига чорлаб, унинг илкини ўз кафтига эҳтиёткорлик билан олиб, боланинг кўнглидан ўтаётган ҳис-туйғуни, хаёлини паришон қилаётган сирли, мўъжиза омонат нелигини билмоқ ҳисси ўтаётганлигини ва андиша қилиб сўрай олмаётганлигини англаб, бир-икки оғиз суҳан қилаётган жойи:

Кел болам, сенга бир айтай ҳикоят,  
Мен учун ҳақиқат, кимга ривоят,  
Қалб ила тинглаган айтар сўзимни,  
Хўп десанг, гаварам тин олса шоят.  
Юз йилда бир келар билсанг улуғ зот,  
Улуғлар юртига қилмас хиёнат,  
Асхобинг чорлади бир кун Мустофо,  
Кимга қолар деди мана омонат.  
Расули акрамо, буюк Муҳаммад,

Улусга бир муддат сайлади фурсат,  
Шул онда мен туриб айладим, таъзим,  
Сарвари коинот берди омонат.  
«Ислом дин рамзини» босдим дилимга,  
Беш юз йил айландим ислом элимга  
Бу улуг омонат сенга атодур,  
Қалбингни қаратгин айтар тилимга.  
Сен доим Аллоҳнинг ишқида ёнгин  
Кўнгли пок донолар меҳридан қонгин  
«Эътиқод ва иймон» юкини ол-да  
Валий бўл болама, нодондан тонгин.  
Ўзингда бор бўлса иллатим отгин,  
Нафсин, ғаразни санг тошга сотгин,  
Таъмагирлик билан кибру ҳавони,  
Тоғдан ўтаётган туманга тутгин.  
Доимо ўзингни назар қилиб тур,  
Мисқолга иллатдан хазар қилиб тур,  
Шундан сўнг ишончни оқлайсан болам,  
Мабода чарчасанг бозор қилиб тур.  
Бу улуг омонат авлодга етсин  
Юз йиллаб, минг йиллаб асрлар кетсин,  
Доимо пой тарат, тавбо билан юр,  
Сен юрган зулматдан ҳаргиз тонг отсин.

Алқисса, Арслонбоб беш юз йиллик омонат хурмони  
Аҳмадга топшириб, барча йўл-йўриқларни кўрсатди, лозим  
насихатларни сўйлади. Шогирдига кўнгли тўлиб, дили  
равшан тортди. Аҳмад устозига таъзим қилди. Аҳмад шу  
кундан бошлаб, камолотга ета бошлади, бошқа ташвишларни  
орқага ташлади. Устозининг этагини маҳкам ушлади. Дини  
исломга берилди. Уйга келганда онаси Қорасочбибининг  
қўлтиғига кирди, тоат-ибодатдан бўш вақтларида дехқон-  
чилик ишлари билан ором олди. Аста-секин ёши улғайиб  
ижодга берилди. Ўз ақл тарозуси билан ҳикматлар ярата  
бошлади. Бутун гўзал Сайрамда Аҳмад Яссавий деган  
табаррук исми-шариф ва тахаллус билан шуҳрат қозона  
бошлади. Сўнгра Ясси шаҳрининг барча кишлоқларида  
шоир ва кароматгўй шайх Аҳмад Яссавий деган ном олди.  
Илми соҳиб, илми толиблар Аҳмад Яссавий шарофат-  
ларидан баҳра олса, таъмагир, нодонлар бу улуг номга шубҳа  
билан қарай бошладилар. Қуёш қанчалик юқорига кўтарилса,  
шу қадар иссиқ нур сочади, ой тик борган сари шунчалик

оппок бўлиб, эл-улусни зулматдан ёритади. Бу икки улкан мўъжизани ҳеч қандай нарса ёки паға булутлар тўса олмайди. Боиси, бу мўъжизалар Аллоҳнинг куч ва қудрати, назари билан яратилган. Шу каби Аҳмад Яссавийни ҳам фиску фасодлар қанчалик миш-миш қилмасинлар, у улуг зот шунчалик эл олқишига сазовор бўлиб, юрт меҳрига тушаверди. Устози Арслонбоб ҳазратларининг барча панду-насиҳатларига қаттиқ амал қилиб, нафс балосини ақл ва заковат билан енгади, дини исломга берилади. Ана шундоқ шафоатлик кунларнинг бирида, Аҳмад Яссавий ҳам ўсмирлик чоғларига етганда Тангрим унга яна бир айрилиқни берди. У устози Арслонбобдан айрилиб қолди. Ўша онда бутун борлиқни совуқ муз қоплагандай бўлди, гўё. Барча эл-улус тек қотди. Оқибат ҳазрат Арслонбобни кузатиш онларида Аҳмад Яссавий ул табаррук зотнинг жасадлари олдига тиз чўкиб, хайрлашиш онларида муборақ дилларидан шундай ғам босган сўзлар ўтаётган баёни:

Эй, Ҳазратим айрилмоққа фурсат келди вой-вой,  
На чорам бор хумор кўзим ёшга тўлди, вой-вой.  
Сиз боқийда биз фонийда учар бўлдик, вой-вой,  
Бу жудомиз дин исломга қайғу солди, вой-вой.  
Оҳинг оч деб айтдингиз сабоқ олар кунимда,  
Хурма исли омонат қайнаб оқар қонимда.  
Йиғлаганинг фойдасин неча йиллаб билмадим,  
Сиздан олган сабоғим суягимда, танимда.  
Сўнги нафас чоғлари айладингиз насихат,  
Сўзларингиз эшитиб топгим бўлди қиёмат.  
Жанозамни ўқи деб сиз айтганда йиғладим,  
Орқангизда устозим қолмадида зурриёт.  
Ҳақ Мустофо суннатин нелигин билмадим,  
Сиздан келган сазонинг шу жойини қилмадим.  
Сўнги маконингизга қандай кўяр ҳолим йўқ,  
Қанча сабоқ олиб мен меҳрингизга тўймадим.  
Авваласи Ҳа эгам раҳматига олсинда,  
Ҳилқангизга илоҳим ўз нуруни солсинда.  
Мендан ўтган гуноҳни агар бўлса кечиринг,  
Сиздан қолган илмга исломия тўлсинда.

Алқисса, шу дамда хурлар келиб ҳарир тундан кафан қилди, етмиш минг фаришта йиғлаб теварагини олди, малайик, саҳобалар титради, оқибат ҳазрати Жаброил имом

бўлди. Ҳазрати Арслонбобни олиб боришиб Микойил билан Исрофил сўнгги жойларига авайлаб қўйдилар. Эл-улус сел бўлиб йиғлади, шогирдлари айрилиқдан чорнаб-чосирдади. Тошлар чўғ бўлиб ёнди, арчалар куйиб-куйиб тутади. Денгизлар кўпириб қайнади, жами қушлар қанотларини тишлаб-тишлаб хўрсиниб, ўпкасини босолмай жавдиради. Аҳмад Яссавий кулбасига келиб устозининг ҳақларига бир ой кеча-кундуз ухламай Қуръон тиловат қилди. Кунлар ўтиб, тонглар отиб, Аҳмад бир кеча туш кўрди. Тушида устози Арслонбоб ҳазратлари «Болам, илмини тўхтатманг, Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадоний ҳазратларини зиёрат қилиб, ул кишидан тасаввуф илмини ўрганинг», деб васият қилдилар. Аҳмад Яссавий: «Эй Оллоҳим, бу улуғ зот менинг кўнглимдан кечган мисқолча фикрни ҳам англайди-я, иншооллох, устозимнинг қабрлари тўла нур бўлсин», деб эрталаб Аҳмад Яссавий Бухорога бормоқ учун шайланиб, энаси Қорасочбибидан дуо сўраётган жойи:

Жоним эна, жон эна,  
Сизлар қолар бу хона,  
Қанча ўқиб ўрганмай,  
Нурга тўлмас бу тана.  
Доно бўлур асл зот,  
Ҳақ деб ёнар ботма-бот,  
Кеча устоз Арслонбоб,  
Бухора дер ҳазрат.  
Хаёлимда шул эди,  
Кўнглим тортган йўл эди,  
Бир истагим, энажон,  
Бухорадай эл эди.  
Улуғларни кўрайин,  
Тўлиғларни кўрайин,  
Ҳаргиз билмаганимни  
Қутлуғлардан сўрайин.  
Аллох берса ҳидоят,  
Расул қилса ҳимоят,  
Бориб Бухор элини,  
Эна қилай зиёрат.  
Тоғ шамоли йўлдошим,  
Улкан қирлар белдошим,  
Бухоро кетар бўлсам,  
Хизр бобом сирдошим.



Арчалар оғам каби,  
Буюк тоғ тоам каби,  
Табиат менга мафтун,  
Кўриқлар эгам каби.  
Сойнинг шилдирашлари,  
Шаффоф милдирашлари,  
Завқимни оширади,  
Тошнинг илдирашлари.  
Чечакларга мен шайдо,  
Ялпизнинг хиди қайда,  
Тонг юлдузи тувганда,  
Сўроғим бўлар ойда.  
Сочингизни силайин,  
Сирдошингиз бўлайин.  
Энажон розиман денг,  
Дувоингизни олайин.

Алқисса, Аҳмаднинг энаси Қорасочбиби ўқимишли, дона, фозил инсон эди. Сайрам урасида бу инсоннинг нуфузи юқори эди. Шул боис Аҳмаднинг дарду ҳасратини, илмга талпинишини дилдан ҳис этиб, дод-фарёд қилмай ўғлига боқди.

— Эй ёлғизим, жигаргўшам мен розиман. Лекин сизнинг ўқиб ўрганган илмларингиз мансабдорларга эмас, балки очкамбағал фуқароларга нафи тегса, ислом тараққиётини куёш каби порлоқ қилса, йўлдан адашган нодонларни, нафс балосига йўлиққан кимсаларни Ҳақ йўлига бошласа мен орзумга етаман. Ислом динининг шарқдаги маёғи Бухорои Шариф муқаддас жой. Бу жойни албатта зиёрат қилинг, деб энаси дуога қўл очди.

Ана энди гапни Сайрам ўрасидаги фузолаларидан эшитинг. Хушмат сўфи бошлиқ бир гуруҳ уламолар Ясси шаҳрининг улкан тоғларидан ором олиб, отланишиб келаётганда, Хушмат сўфи:

— Ҳов йигитлар, билдингларми? Сайрам қишлоғидаги Иброҳим шайхнинг ўғли Аҳмад борку, шу бола ўзига Яссавий деган тахаллус олиб, ҳикматлар ёзаётган эмиш. Кўплар уни авлиёга чиқариб қўймоқда. Бунинг устига уйдан зиёратчиларнинг кети узилмайди, буни қаранг, деди аламзадалик билан.

— Тўғри, деди яна бир илми нари бери бир сўфи. Ҳа

энди боланинг илми бисёр кўп, устози улуғ, лекин ўзини авлиёдай қилиб кўрсатиши, давраларда ёки мачитдаги жума номозларида оғир босиқлик билан ўзини сипо тутиши менга ёқмади-да. Унинг гапини яна бир мулла илиб кетиб: Ҳа энди болада, одоб сақлайди. Овозини айтмайсизми, жумла мўминни сеҳрлайдией, деб юборди беихтиёр.

— Одамларга ҳам хайронман, деди Ҳушмат сўфи ҳалиги муллага ёмон қараб, кўп одамлар улуғлар туриб шу болага ихлос қиладилар. Дунёнинг ишлари беҳад қизик-да. Шу тарзда Аҳмад Яссавийни ўзларича ғийбат қилиб келаётганда қаердандир нотаниш оҳанглар эшитила бошлади. Сўфилар аввал осмонга, кейин дала-даштларга разм солиб диққат қилдилар. Йўқ, улар овоз тоғлардан келаётганлигини англаб, овоз мазмунига қулоқ сола бошладилар:

Биринчи тоғ:

Оллоҳ менга ёр бўлса,  
Қор сувларим зар бўлса,  
Аҳмад мендан ўтсинда,  
Агар бахтим бор бўлса.

Иккинчи тоғ:

Қуёш мендан ботади,  
Шафақ мендан отади,  
Интиқ бўлма сафдошим,  
Аҳмад мендан ўтади.

Биринчи тоғ:

Сендан менинг қорим кўп,  
Гул жойлаган боврим кўп,  
Аҳмад мендан ўтади,  
Менинг унга зорим кўп.

Иккинчи тоғ:

Қалбим унга поёндоз,  
Тортишмаган сен шоввоз,  
Неча йиллаб Аҳмадни,  
Мен кутамаман қиши ёз.

**Биринчи тоғ:**

Мен булутга баробар,  
Бағрим тўла симу зар,  
Аҳмад ўтади мендан,  
Эл-юрт менга интизор.

**Иккинчи тоғ:**

Аксим кўраман ойда,  
Ихлосим бор от, тойда,  
Аҳмад ўтар устимдан,  
Элга бергайман фойда.

**Биринчи тоғ:**

Дарё оқар пастимдан,  
Булут кучар устимдан,  
Аҳмад мендан ўтаров,  
Агар келсам ростимдан.

**Иккинчи тоғ:**

Менинг йўлим оқ эди,  
Элга уйқум сок эди,  
Аҳмад ўтса устимдан,  
Ҳеч армоним йўқ эди.

**Биринчи тоғ:**

Неча йиллаб кутаман,  
Ток ёқамни тутаман.  
Аҳмад ўтмаса мендан,  
Тошни чайнаб ютаман.

**Иккинчи тоғ:**

Иккимиз ҳам зори-зор,  
Аҳмад учун интизор.  
Энди кимдан ўтади,  
Ҳақда қолди ихтиёр.

Алқисса, тоғларнинг бу интизорлиги далаларга, қуш жониворларга ўтди. Ҳатто гул чечаклар ҳам «Аҳмад бизнинг ёнимиздан ўтармикан», деган илтижоси баралла эшитила бошлади. Шу пайт ҳов одоқдан бир ўспирин бола енгил

кадамлар билан ҳеч кимга боқмай ўта бошлади. Жулдир кийинган, салласи оддий матодан, махси-ковушлари ҳам анча жукалашган. Лекин руҳи тетик, бағри кенг. Сўфилар диққат билан разм солсалар ўзларининг Сайрамлик боласи Аҳмад. Сўфилар ҳайратдан ёқа ушладилар. Аҳмаднинг кадр-қимматини ҳатто тоғлар ҳам эъзолашаётганлигини кўриб, бола томон беихтиёр талпиндилар. Лекин ўзлари ғийбат қилаётган миш-мишлари қоп-қора кўрғон бўлиб, сўфиларнинг олдини тўсди, юрар йўлини кесди. Шу пайт Ҳушмат сўфи: «Ҳов уламолар, нега бунча ерга боқиб йиғлайсизлар, нима Аҳмад оталарингизни ўлдирганми? Тетиклашингизлар, аввал бунинг қаерга кетаётганлигини аниқлайлик, ким мен билан бирга боради», деб боланинг орқасидан кўш отли бўлиб от солди. Аҳмад эса ҳамон оҳиста қадамлар билан борар, сўфилар эса ҳарчанд отларини қистар, оралиқ эса борган сари узоқлашиб борар, бир зумда оқибат бола кўзга кўринмай қолди. Ҳушмат сўфи отдан тушиб, Аҳмаднинг тупроқ изларига боқди. «Ё раббим, қадамлари қиска, лекин тезлигига олтой боқилган отлар етолмайди, бу не сир синоат», деб ёқа ушлаб, изидан пойлаб бориш бефойда эканлигини фахмлаб, изларига икковининг ҳам бир-бир бетлари қаро бўлиб қайтди. Уларнинг бу аҳволини кўрган бошқа сўфилар тавба-тазарру билан уйларига жўнади. Ана энди гапни Аҳмад Яссавийдан эшитинг. Аҳмад Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг хузурига бориб, барча мулла-баччалар билан тез орада интифоклашди, устозининг хурматини қозонди, эл-улус меҳрига тушди. Аҳмад устози Юсуф Ҳамадоний ҳазратларидан аввало тасаввуф таълим-отини, сўнгра ҳаққа етишиш сирларини, ёмон ишлардан тийилиш, тавба-тазарру, софдиллик, фақирларга меҳрибонлик, сабот ва сабр, фақирлик боз софдиллик ҳамда бойлик ва мансабдан кечиш каби фазилатлардан сабоқ ола бошлади. Дили мунаввар, кўзи равшан бўлди. Билмаган нарсасини тез-тез сўраб борар эди. Кунлардан бир кун Аҳмад устози Юсуф Ҳамадонийдан: «Эй ҳазратим, агар айбга буюрмасангиз зуҳд ва тақво ҳақида аниқлик берсангиз», деб сўради. Шунда Шайх Юсуф Ҳамадоний Аҳмадга хурмат билан боқиб, ўз фикрини билдираётган жойи:

Нодонлар англамас болам дунёни,  
Ковирлар кул дейди нурни, зиёни,  
Ақлингга тасанно Аҳмад Яссавий

Шайтонлар англайди шарму ҳаёни.  
 Ислоннинг гиштлари асли ҳақиқат,  
 Девори, ганчлари пишиқ адолат,  
 Оллоҳим буюрган ишни қилмоқлик,  
 Икки дунёда ҳам роҳат, саодат.  
 Шу боис зуҳддан таълим берайин,  
 Тақвонинг маъносин Ҳақдан сўрайин,  
 Сўзларим зеҳнингга жойлаб ол, болам,  
 Ислоннинг қудратин сендан кўрайин.  
 Кўнглингни доима гуноҳдан сақла,  
 Ғараздан, таъмадан тозаб оқла,  
 Фоний дунё ёлғонидан поклансанг,  
 Ўнинчи осмонга меърожинг тахла.  
 Оллоҳ йўриғида юрмоқлик лозим,  
 Ман этган ишларни отмоқлик лозим,  
 Тақвонинг маъноси шунга боғланур,  
 Ҳар сўзнинг тагига етмоқлик лозим.  
 Оллоҳ жамолига етмоқ истасанг,  
 Ўнинчи осмонга ўтмоқ истасанг,  
 Қалбингни тозала барча гуноҳдан,  
 Шайтонни бозорда сотмоқ истасанг.

Алқисса, шунда Юсуф Ҳамадоний шогирди Аҳмадга қараб: «Болам, илоҳий ишқ билан сеҳрланган одам аввало ғаразли манфаатлардан анча йироқ бўлиши шарт. Та-саввуфга кўра борлиқдаги ҳамма жони борларда, аввало одамзодда ҳам илоҳий зарралар бўлур экан. Ислоннинг мақсади ана шул илоҳий зарраларни ҳар қандай машаққатларни енгиб поклаш ва Парвардигорга покиза қайтариш экан», деб фикрини билдирди. Уста шогирд анча дамгача суҳбат курдилар. Шундай қилиб, Аҳмад ислон таълимотига сингиб кетди, орадан неча ойлар, йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди, куёш ва ой неча чиқиб, неча ботди, илми толиб ҳам йигирма ёшга етди. У борган сари ой каби тўлишиб, куёш каби ислон оламига порлоқ нур соча бошлади. У қанчалик обрў-эътибор ва шуҳрат қозонмасин, шунчалик фақирона кийиниб, ғарибларча еб-ичар, аввалгидан кўпроқ тиловат ва ибодат қилаверди. Боз камбағал, ғарибларнинг мардонавор ҳимоячисига айланди. Аҳмаднинг илмга тўлиб, етишганини кўрган Шайх Юсуф: «Ўғлим, Бухоро дини ислоннинг маъғи, бу ерда олимлар, шайхлар кўп. Хўп десангиз, Туркистонга бориб, ислон нурини сочинг», деди.

Устози шайх Юсуфдан онаси Қорасочибини кўриш,  
юрт ишида Туркистонга бориб келиш учун жавоб сўрашни  
одоб юзасидан андиша қилиб юрган Аҳмадга бу гап ёқиб  
тушди. Бош эгиб розилигини билдирди. Сўнгра Шайх Юсуф  
Аҳмадга бир-икки насиҳат айлаб дуо бераётган жойи:

Дилингни ёритар исломнинг нури,  
Элига бахт берар одамнинг зўри.  
Яссини обод қил, Сайрамни яшнат,  
Юртингга боғлансин қалбингнинг кўри.  
Нодондан ҳеч қачон омонат олма,  
Тош бўлиб чайналар ул берган олма,  
Донони ўзингга тирагим деб бил,  
Мард бўлсанг жонимни жонингга олма.  
Фаразли суҳбатнинг ичида юрма,  
Бемурод инсонга қалбингни берма,  
Дилингни поклагин барча гуноҳдан,  
Шайтон одамларнинг қошида турма.  
Кўзингга тик боқиб ёлғон гапирса,  
Бир ишни бажармай беҳад лоф урса,  
Булардан ҳеч қачон яхшилик чиқмас,  
Уларга ишонма жонини берса.  
Тангрим доимо сенга ёр бўлсин,  
Расули акрам мадаккор бўлсин,  
Манманлик балосин сира юқтирма,  
Сенга тош отганлар мудом хор бўлсин.

Алқисса, шайх Юсуф шогирди Аҳмадни юксак иззат-  
икром билан Бухорои Шарифдан кузатди. Аҳмад устозидан  
беҳад хурсанд бўлиб, «қайдасан Сайрам элим, ота юртим,  
она бешигим», деб Туркистонга қараб, зўр қувонч билан  
сернавлаб кетди. Сайрамга етганда отаси Иброҳим шайх ва  
устоз пири Арслонбобнинг қабрларини зиёрат қилиб, бу  
табаррук инсонларнинг руҳи покларига қуръон тиловат  
қилди. Сўнг бориб, онаси Қорасочибини зиёрат қилиб,  
дуосини олди. Эртасига хабар топган барча эл, гадо-  
камбағаллар тузга тугилган куйдай бўлиб, Аҳмад Яссавийни  
зиёрат қилиш учун ёпирилдилар. Дўсти-душман хизматда  
бўлди. Орадан кунлар ўтиб, бир куни Сайрамнинг барча  
фозил-фузалолари, сўфию шайхлари, барча мўмин мусул-  
монлари жума номозига йиғилдилар. Номоздан сўнг мачит  
имоми Аҳмад Яссавийдан Бухоро хотиралари, ислом таф-

силотларини сўзлаб беришни илтимос қилди. Шунда Аҳмад барча билган-кўрганларини, ислом тариқатини мухтасар гапириб, дилида туғиб юрган режасини баён берди:

Аввало худога боқайлик, дўстлар,  
Пок юриб исломга ёқайлик дўстлар,  
Эл-юртни бошлайлик маърифат сари,  
Ҳар оят маънини чақайлик, дўстлар.  
Сиз бизга бу дунё экан омонат,  
Омонат дунёда қилманг хиёнат,  
Ақл-заковатни ишга солайлик,  
Улусга нур сочсин илму маърифат.  
Тариқат очади одамнинг кўзин,  
Маърифат чархлайди ҳар сўзлар сўзин,  
Пок йўлга бошқарар одил шарият,  
Ҳақиқат тик қилар мўминнинг ўзин.  
Тасаввуф илмини элча сочайлик,  
Илму толибларга кучоқ очайлик,  
Нафсини очганни дўст тутманг зинҳор,  
Дили пок инсонни топиб кучайлик.  
Арслонбоб Сайрамда улуғ ҳазрат,  
Юриши, туриши сўзи ҳақиқат.  
Фозиллар сўзимга қувват берсалар,  
Аввало Раббимдан бўлса иноят.  
Мадраса қурайлик устоз номига,  
Қалбу кўримиздан ёпиб томига,  
Рухлари элатдан шод бўлса шояд,  
Қуръондан тиловат қилсак камига.

Алқисса, Ҳожа Аҳмаднинг бу таклифи барча элатга маъқул тушди, баъзилар ўз фикрини қўшди. Шундан сўнг Ҳожа Аҳмад «Субҳоноллоҳ, дили пок инсонларни марҳаматига олгай, иншооллоҳ. Бирламчи, мўмин мусулмонларда адаб бўлмоғи лозим. Адаб ақидага кўра тўрт фаслга бўлинади. Бошланғичи шарият адаби, навбатдагиси, тариқат адаби, кейингиси маърифат адаби, сўнггиси эса ҳақиқат адабидур. Мана шул адаблар бизда мужассам бўлмаса ишимизга шайтон аралашиб, орзумиз йўлда қолади. Бир-биримизга эга татаввула қилиб, ла илаҳа иллаллоҳ десак, ниятимиз рўёбга чиққай», деб юзларига фотиҳа тортди.

Ҳожа Аҳмаднинг ширин овози, теран фикр-мулоҳазаси йиғилганларни ўзига ром айлади. Аҳли мусулмонлар дилига

исломнинг ёруғ нурини сочи. Дўст одамлар шод. Мальунлар касод бўлди. Эртасига эрталаб Сайрамнинг обод ва кўркам, баҳово жойларидан бири танланиб, Арслонбоб мадрасаси улуғ ниятлар билан бошлаб юборилди. Ҳожа Аҳмад топган-тутганини оч ва камбағалларга улашди, элдан ортганини мадраса остонасига сарфлади. Бундай покиза инъомдан элатнинг руҳи кўтарилди. Ҳожа Аҳмаднинг шухрати эса борган сари аста-секин ислом оламига ёйила бошлади. Ҳикматлари эл аро тилларда достон бўлаверди. Ҳожа Аҳмадни чин дилдан зиёрат қилувчилар сони денгиз тўлқинлари каби кўпайиб юксалаверди. Эл орасида: «Имом Юсуф Ҳамадоний асҳобидан бўлган Ҳожа Аҳмад мақомати олий ва машхур, кароматгўйлиги юксак ва қурсиз авлиё эрмуш», деган гап-сўзлар кулоч ёзди. Барча диллар бу нурдан баҳра ола бошладилар. Гадонинг ғаними гадо, султоннинг душмани султон деганлари каби Ҳожа Аҳмаднинг ҳам орқаворотдан кўролмовчи сафдошлари топила бошлади. Гарчи, улар Ҳожа Аҳмаднинг юзига Ҳушмат сўфи воқеасидан кейин тик боқолмасаларда, ўзларича совуқ мишмишлар тарқата бошладилар. Таёк урсанг гўшга етади, гап билан урсанг суякка етади, қабилида иш кўрган сўфилар ўзлари уялар, Ҳожа Аҳмад эса Ҳақдан қолмай, уларга эътибор бермас эди. Ниҳоят, Арслонбоб мадрасаси битиб, илму толибларга топширилди. Эл бу илм ўчоғидан баҳра ола бошлади. Ҳаёт бир текисда давом этмас экан, гоҳ олчи бўлса, гоҳо чикка экан. Халқ энди нафасини ростлаганда турк хукмронлари Қорахонийлар билан Қорахитойликлар ўртасида нафс учун жангу жадаллар бошланиб кетди. Кўп беклар ганж учун жонини сотди. Шунда Сайрамнинг фақир-фуқаролари Ҳожа Аҳмаднинг олдига келиб: «Эй пирим, халқ жабр тортмоқда, маслаҳат беринг, биз нима қилайлик?», деб ёлвора бошлади. Шунда Ҳожа Аҳмад барча элатга қараб, маслаҳат бераётган жойи:

Ёмғир тийса курук ёғоч чирийди,  
Аҳмоқ одам ўз элига дорийди,  
Элга дориганлар албат қурийди,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.  
Ўрмон ёнса хўли-курук қуяди,  
Бефарзанднинг кўрган кунни зояди,  
Очкўз одам ўлган кунни тўяди,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.



Нодонликнинг бир белгиси жанжалдир,  
Товбасизлар роҳати йўқ танбалдир,  
Худосизга одам гўшти кон, болдир,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.  
Дарё оқса чуқур жойлар гум бўлар,  
Сув қўрига обод эллар қум бўлар,  
Бу кун халқнинг кўзи найлай нам бўлар,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.  
Совуқ келса ернинг бети музлайди,  
Таъм берсин деб қўй гўштини тузлайди,  
Кўзи кўрлар очдан овқат излайди,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.  
Сўфиларда турли-туман савбат бор,  
Охиратда ҳар гуноҳга навбат бор,  
Бу кунларга жавоб берар офот бор,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.  
Яратган сизларга куч ато этсин,  
Фанимни қайтар деб боз садо этсин,  
Улар юришидан кўп хато этсин,  
Йиғласанг худога йиғла ёронлар.

Алқисса, эл-улус Ҳожа Аҳмаддан дуо олиб, кўнгиллари шод бўлиб, қалби қувончларга тўлиб изларига қайтдилар. Ойдан ой ўтиб, омон-омон замонлар кела бошлади, босиб келган душманлар енгилганидан кўзини ёшлади, аламнинг зўридан кўзини юмиб тошни мушглади. Аввало, Аллоҳнинг марҳамати билан, сўнгра элнинг интифоқлашуви боз Ҳожа Аҳмаднинг даъвати билан Туркистон эли ёғийлардан тозаланди. Эл-юрт қайтадан гул каби очилиб, обод бўла бошлади. Тинч эл илму маърифатга интилар экан, Сайрам эли яна Ҳожа Аҳмад томон интила бошлади. Бир куни толиблар: «Эй пири комил, мана ёғийлар черик тортиб нафс балосига гирифтор бўлиб, элнинг тинчини бузди, халқни талади. Ахир нафс балоси ўзлари учун золимликку, сиз бунга нима дейсиз?», деб сўрадилар. Шунда Ҳожа Аҳмад барча илму толибларни, мўмин мусулмонларни ва зиёратга келувчиларни бир жойга тўплаб, нафс балосига таъриф бера бошлади. Эй халойиқ, нафс балоси одамни гирдобга итарувчи ёвузлик кучидир. Ақидада нафс етти турга бўлинади. Биринчи, нафси аммора — бу нафс инсонни риёкорликка бошлайди, кейин нафси лаввома — бу нафс бад ишлардан пушаймон қилувчи мезон, кейин нафси мулҳама

— бу нафс одамни илохий йўл-йўриқлар ва жозибага илҳомлантиради, кейинги нафс мутмаина — бу нафс одамларда имон хотиржамлигини таъминлайди, кейинги нафс — нафси розия; бу нафс Аллоҳдан розилигини билдиради, кейинги нафс нафси марзия — бу нафс Аллоҳ ризосини қозонганлигини билдирса, кейинги нафс эса нафси софийя; бу нафс қусур ва иллатлардан буткул покланган соф нафс эканлигини белгилайди. Фанимларимиз нафси амморага учради деб сўзини мухтасар қилди. Шунда яна бир шогирди: «Эй устоз, ишқ ҳақида суҳбат беринг», деди. Ҳожа Аҳмад «маъқул» деб ишқ ҳақида таълимот бера бошлади:

Одил одам даврасида билинур,  
Ориф киши масалада кўринур,  
Ишқ ҳақида тафсилотни сўйласам,  
Тасаввуфда ишқ иккига бўлинур.  
Худога талпиниб яшайди инсон,  
Бир маҳал инсонсиз бўлган бу жаҳон,  
Сўзимга эътибор беринг ҳалойик,  
Иймонсиз бўлганлар боқийди армон.  
«Ҳақиқат ишқ» бўлур биринчи сўзим,  
Шул ишққа етолмай ёнаман ўзим,  
Унинг замирида «хусни мутлоқ» бор  
Бир умр Аллоҳимга термулар кўзим.  
«Мажозий ишқ» эса иккинчи сўзим,  
Олам, одам гўзаллиги чўк созим,  
Бу ҳисга ошиқлик бориб боғланур,  
Сўйласам кўшиқ бўб чиқар овозим.  
Аллоҳим эл-юртга сочсин ҳидоят,  
Ишқ билан гўзалдир ёлғончи ҳаёт,  
Қалбларда гавҳар бор бу ватан ишқи  
Юртингнинг чўллари жаннатдир ғоят.  
Тоғларнинг чиройи буктор қор билан,  
Қизлар латофати зебу зар билан,  
Икки ишқ инсонни латиф кўрсатур,  
Йигитлар олчанглар номус ор билан.

Шундай қилиб, Хўжа Аҳмад шогирдлари билан анча фурсат ҳар хил масалалардан мулоқот қилди. Сўнг тоат-ибодат билан машғул бўлдилар.

Ана энди гапни бир юзи қаро бўлган Хушмат сўфидан эшитинг. Бул зот анча фурсат эл ичига фалай олмай дили

хуфтон бўлди. «Эй худо, деди у, — мен сенга нима ёмонлик қилдимки, мени халқдан ажратдинг. Кечагина туғилган Аҳмад бугун оламга танилмоқда. Мен эса биргина гийбатнинг азобини тортаман, ё Аҳмадга бориб сиғинсаммикан-а. Йўқ, деди яна ўзига ўзи. Мен бориб мурғак болага ихлос қиламанми? Қадимда «осилсанг осил сар дарахтга, ўлсанг улдан нарака» деган гап бор. Энди Аҳмад ҳақида миш-мишлар тарқатиб, эл-юртнинг ихлосини ундан қайтараман», деб режа тузди. Эртасига эл қатори мулла Хушмат ҳам жума намозига чиқди. Эл-улус пой-таратда катта чошгоҳгача жума намозини адо этдилар. Намозхонликнинг изига масала китобидан савол-жавоб бўлди. Одамлар билмаганини Ҳожа Аҳмаддан сўраб билдилар. Сухбат сўнггида Ҳожа Аҳмад жойларидан туриб, ёнига мулла Хушматни чорлади. «Эй ҳалойиқ, мулла Хушмат илму соҳиб, мўътабар зот, элнинг корига ярайдиган пок дил инсон. Бу киши биз ҳақимизда яқинда эл-юртга холисанилло яхши, илиқ сўзларни айтмоқчилар. Бундан беш-олти йил муқаддам от устида кетаётиб, чарчоқнинг кучидан хаёллари бир оз фаромуш бўлиб, ерга қулаб тушдилар. Шундан буён юзларида хол пайдо бўлиб кетмади. Келингизлар, илмининг хурмати, муборак улуғ ёшларининг хурмати бир дуо берайлик, мулла Хушмат Аллоҳнинг марҳамати ила шу дарддан фориғ бўлсинлар», деб мурожаат қилди. Халқ маъқул топди. Эл-юрт Ҳожа Аҳмадга қўшилиб, дуо қилдилар. Эл тарқади. Мулла Хушмат уйига келиб Ҳожа Аҳмаднинг кароматгўйлигига, кечаги ўйлаганларини бугун юзига айтиб туришларига бош шунча фикрларни англасада, яна мурувват қилиб туришларига ёқа ушлаб, тавба келтирди. Шу пайт хотини уйга кириб келиб: «Ё раббим, юзингиздаги қорани ким кетказди, бир паслда отаси», деб сўрай бошлади. Шунда мулла Хушмат кўзгуга ўзини солиб, юзи доимгидек равшан тортганлигини кўриб, қувончнинг зўридан кўзларига ёш қалқиб: «Эй хотин, Аллоҳнинг раҳми келди, менга», деб баён бераётган жойи:

Ислом нури куёш каби порлагай,  
Ҳар ояти эзгуликка чорлагай,  
Миш-миш курсин сенга айтсам йўлдошим,  
Ёмғир бўлиб сўнг изига қорлагай.  
Ислом сўзи асли экан ҳақиқат,  
Пок юрасан, ҳар қадминг адолат,

Ғаразликка бориб тондим балони,  
Минг шукрки, Аллоҳ қилди мурувват.  
Тоза бўлар билсанг тоғнинг ҳавоси,  
Гиёҳлари касалманднинг давоси.  
Аввал Худо, сўнг Аҳмадбек Ҳожанинг,  
Ой юзимни равшан қилди, дувоси.  
Кўрққан одам олдин қилар сиёсат,  
Ғаламиснинг чин сўзи ҳам маҳобат.  
Тавбо қилдим Аҳмадбекка эгилиб,  
Ростин айтсам ҳар бир сўзи каромат.  
Ҳожа Аҳмад эл бошида тургандай,  
Кеча-кундуз Ҳақ ишқида юргандай.  
Айтган сўзи қарор топар жойида,  
Бу йигитга Худо ростдан бергандай.  
Тоғлар боши латифликдан қор бўлсин,  
Йигит бўлсанг сенда номус-ор бўлсин.  
Бир дувоси менга берди шифони,  
Эл бахтига Ҳожа доим бор бўлсин.

Алқисса, мулла Ҳушмат шундай деб Ҳожа Аҳмаддан рози бўлиб, Ҳақ Худога тоат-ибодат қилаверди. Хотини ҳам: «Худога шукур, Аҳмад шайхни етказганингга минг шукур, эримга шифо бердинг. Оҳ, одамзод шундайда гуноҳни бизга ҳеч ким бермайди, тилимиздан, топамиз, ишқилиб худо биз гуноҳкорларни ҳам бандам десинда», деб илтижо қилиб турбеди, ҳов шунда яна бировнинг бети қора бўлбеди, оти Эшмат эди. У ҳам шу пайт урра кела қолди. Мулла Ҳушматнинг хурсандчилигининг боисини билиб, «Эй мулла, сизга худо шифо берган, Аҳмад ҳам авлоди саййид бўлгани билан у ҳам Худонинг бир бандасида, худо шифо берган бўлса Аҳмад сабабчи бўлган. Мен унинг каромат қилишига ҳеч ҳам ишонмайман, деди Эшматбой. Шунда мулла Ҳушмат: «Мулла Эшматжон, зинҳор ундай деманг, ҳалиям тавба қилинг. Олдин худога, кейин Ҳожа Аҳмадга иқтидо қилинг, шояд сизнинг ҳам дардингизга яхшилар малҳам берса», деб жалвирай берди. «Ишонмайман, мен унинг аввал каромати чин эканлигини синай, кейин маъқул дейман», деди мулла Эшмат.

— Кароматига нега ишонмайсиз, шунча ислом олами ишониб, зиёратга Эрондан, Балхдан, Ироқдан, Бағдоду Хуросондан, сўфию муллалар боз фозил уламолар келиб ётсаю, бир сиз ишонмасангиз бу не ҳол, деди мулла Ҳушмат

эҳтиёткорлик билан.

— Халқ кўйдаи гап, бир томонга бир шарпалдима, ўша томонга тузга ташлагандай овнаб кетаберади, деди мулла Эшмат бўш келмай.

— Ахир, изидан қувиб, от билан етолмай, сўфиларнинг олдига етиб келгунимизча бетимиз қора бўлганига ҳам ишонмайсизми, муллам, деди Ҳушмат мулла эътироз билан. Бу гапга Эшмат мулла жавоб қайтара олмай ерга сингалади. Орадан фурсат ўтмай яна мусулмонлар жам бўлиб, жума намозига тўпландилар. Номознинг изига Ҳожа Аҳмад яна фозилларни олиб қолиб: «Эй яхшилар, хўп десаларингиз сизлардан бир илтимосим бор, нима дейсизлар?» деб ўз фикрини ўртага шундай деб ташлаётган жойи:

Фозил одам донолигин билдирар,  
Арғумокни халки учун елдилар,  
Фарибларнинг дилин нурга тўлдилар,  
Топганини гадоларга эҳсон қилиб.  
Ўз қадрини, қимматини билмаган,  
Орифларнинг йўриғини олмаган,  
Махшаргача бирор тавба қилмаган  
Охиратда ёнар-ей вайрон бўлиб.  
Зина учун агар берса жонини,  
Шаҳватга деб сочса қизил қонини,  
Марҳамидан бўлак бўзга танини,  
Сўнг йиғлайди, кўз ёшни уммон қилиб.  
Бир хил мардум шароб ичар керилиб,  
Ҳар ичганда дўзах келар сурилиб,  
Йиғлар кейин боши ерга урилиб,  
Азоб тортар бор куни ёмон бўлиб.  
Олғир мардум олса содда молини,  
Алдаб-сулдаб кам беради пулини,  
Ҳаром нафсла мурдор қилиб тилини,  
Элдан қочар йўлини туман қилиб.  
Бу гапларим шогирдларга насихат,  
Ҳамма элат бир-бирига ғанимат,  
Хўп десангиз айтай битта маслаҳат,  
Башар келар Сайрамга меҳмон бўлиб.  
Маъқул бўлса тингланг айтар сўзимни,  
Бир кўрмоққа ният қибди ўзимни,  
Улуғ меҳмон йўлда сарсон бўлмасин,  
Ҳурматига пешвоз чиқмоқ лозимдир.

Алқисса, Ҳожа Аҳмаднинг бу гапларига кўплар хайрон бўлди, кўплар пир каромат қилаётганлигини ҳис этди. Уламолар: «Ҳа, ҳа бормоқ лозим», деди. «Ким боради?» деб пир айтганда, фозиллар «обрўйли, эътибор киши бормоқ лозим, чунки Ҳазрати Башир ота ҳам улуғ, нуфузли, авлиё одам. Ахир бу улуғ зотнинг хизматларини қилмоқ учун Эрон шоҳи Шоҳ исмоил тахти-адолатдан, обрў-эътибордан, боз қанча ганжу бойликлардан бежиз кечиб келмаган деб эшитамиз», деб фикр билдирдилар. Шунда мулла Ҳушмат: «Мен борайин, лозим топсаларингиз», деб жойидан адл турди. «Мен Ҳожа Аҳмаднинг бу кароматини ҳам бир синайин» деб жойидан турди. «Сайрамнинг улуғларидан шайх Қутбиддин маъқул, — деди Ҳожа Аҳмад, — аммо яна бир киши борса мезбонлар ҳам мўътабар бўлар эди. Агар йўқ демасалар сафларингизга мулла Эшмат ҳам қўшилса, олдин Худодан, сўнг Ҳазрати Башир ва каминадан дуо олиб, дарддан фориг бўлса, нима дейсизлар?» Ҳамма маъқул топди. Мулла Эшмат ҳам йўқ дейиш умуман ножоиз эканлигини англаб жойидан турди ва Ҳожа Аҳмадга одоб юзасидан куллуқ қилди. Шунда Ҳожа Аҳмад: «Эй улуғлар, Ҳазрати Башир биз ўйлагандан-да улуғроқ, мўътабар инсон. У улуғ зотнинг шухрати етти иқлимга машҳур. Аммо йўл беҳад узок, бу ёғи кексалик, мана шул мазмунни инобатга олганда мен Ҳазрат Баширнинг зиёратларини лутфан қабул қилдим. Ҳазратим Сайрамга сарсон бўлмасинлар ва бизни ҳам дуо қилиб қўйсинлар», деб элчиларга эҳтиёт қилди. Элчилар Ҳожа Аҳмаддан дуони олиб, чошгоҳдан кейин отларни йўлга солиб «Хат хабар ёки элчи келмаган, балки келаётганлиги ноаниқ меҳмонга пешвоз чиқайин», деб Моварауннаҳрга қараб жўнаб кетдилар. Элчилик, бир хиллар оқибат не бўлур деб кузатавердилар. Шундай қилиб, элчиларнинг Сайрамдан туманнаб тайлаб кетаётган жойи:

Ҳай-ҳайлашиб ҳайлашиб,  
От устига жойлашиб,  
Жўнайберди Сайрамдан  
Навбат-навбат сўлашиб,  
Отлар эса ўйноқлаб  
Гоҳ қулундай жойноқлаб,  
Сувлуқ чайнаб жўнади,

Ширин жонни қийнақлаб,  
Аввал Худо понади,  
Холин билган доноди,  
Элчилар иккиланиб,  
Барлос элга жўнади.  
Отлар эса ориллаб,  
Аждаҳардай чориллаб,  
Вупкалиқдан пишқирса,  
Тоғ нурайди дириллаб.  
Гоҳ селгадан ўтади,  
Гоҳ сернавлаб кетади,  
Туёқдан отса тупрок,  
Осмон бетни тутади.  
Тоғ йўллари кўп ёмон,  
Нураган қолмас омон,  
Отлардан чиққан чангта  
Осмонни қоплар туман.  
Отларнинг бор камоли,  
Бир баҳоси жамоли,  
Кўш кулоқ орасидан,  
Гурлар жаннат шамоли.  
Бадани қиздан нозик,  
Гавҳар кўзлари сузик,  
Бир баҳоси тулпорнинг,  
Жаннатдан олар озик.  
Гоҳ какули хилпиллаб,  
Гоҳ жоллари селпиллаб  
Қалла чайқаб тайлайди,  
Қуш учаси кимиллаб,  
Думғузаси шовиллаб,  
Довуш берар гувиллаб,  
Жўнаб шовхум берганда,  
Бўри қочар увиллаб.  
Қуш кулоғи минора,  
Жийрилса йўл унара,  
Тошдан тошга ҳаққаллаб  
Гоҳ лочиндай кунара.  
От чуйкаси қуш вурай,  
Вураингни бир кўрай,  
Деб булбуллар парвона  
Вураингта жон берай.

Шайхлар тоғдан ошади,  
Гоҳ чўлларга тушади,  
Ўрмон келса оралаб,  
Гоҳ йўлдан одашади.  
Чакмоғига сув олиб,  
Билтасига қув олиб,  
Қишлоқ келса оралаб,  
Қўй қоринга мой олиб.  
Йўл тартади доналар,  
Кетда қолиб хоналар,  
Қанча элдан сўраса,  
Йўл кўрсатар оналар.  
Кўркманг ёмон дайидан,  
Ёмон безар дўстидан.  
Бориб қолди муллалар,  
Сирдарёнинг устидан.

Алқисса, мулла Ҳушмат бошлиқ элчилар бир ойдан ошиқ кеча-кундуз йўл тортиб, қанча тоғу чўллардан, элу элатлардан ошиб, неча қарвонларга дуч келиб, оқсоқолакобирлардан Ҳазрати Башир Отани сўрай-сўрай катта наҳанг Сирдарёнинг устидан келиб қолди. Шунда мулла Қутбиддин: «Ҳов фозиллар, бир ойдан бери йўл тартиб, меҳмонни сўраймиз, у кишидан эса нишон йўқ. Ҳожа Аҳмаднинг шу ёлғон сўзи учун бир ойлаб йўл юрдикмаёв», дей берди аланглаб. «Йўқ, деди мулла Ҳушмат, Ҳазратим албатта йўлга чиққан, Ҳожа Аҳмад ҳазратлари ёлғон гапирмайдилар, агар тополмасак Башир Отанинг уйларигача борамиз. Улар ҳар хил гап билан тортишиб турбеди, ҳов одоқдан бир чўпон сурувни ҳайдаб нишаблайберди. Мулла Қутбиддин отини чоптира солиб, чўпонга етди ва дилидаги гапларини айтди, тезда орқасига қайтди. Шул орада тўртбеш отлиқ ва бир туячи кечадан бери кўл бўйида дам олаётганлигини ҳамрайларига етказди. Улар отлона солиб, кўл бўйига ҳоллозлаб бордилар ва меҳмонларнинг кимлигини сўраб, ўзларининг ким эканлигини баён бераётган жойи:

Ориф одам бир кунингга жоройди,  
Яхши хотин авзайинга қарайди.  
Элчиларга ўлим йўқдир, ҳазратим,  
Шу боисдан сизлар ким деб сўрайди.



Адашганнинг Хизр бўлар йўлдоши,  
Мусофирнинг ким ҳам бўлар тилдоши,  
Баён беринг манзил-маконингизни,  
Отлиларнинг отли бўлар сирдоши.  
Охир кимга қолар экан кенг жаҳон,  
Ҳаммамиз ҳам алҳамдулла мусулмон,  
Отадан ҳам улуғ бўлар тақсирим,  
Оша юртдан ошиб келса кўп меҳмон.  
Меҳмон учун танда жонни сотамиз,  
Уйга келса қўш ўринда ётамиз,  
Башир Ота ийикболин зори бўб,  
Неча ойди тақсиримни кутамиз.  
Қуръон ўқиб нурга ботди тилимиз,  
Ҳадис ёқлаб очик бўлди қўлимиз,  
Башир Ота иқболига чиқамиз,  
Сайрам дейди Туркистонда элимиз.  
Тақсир биз ҳам сўфиларнинг биримиз,  
Кўзи очик муллаларнинг тиримиз,  
Башир Ота йўлга чикди боринг деб,  
Йўлга солди комил инсон пиримиз,  
Сизи-бизга ярашмайди сиёсат,  
Бу фонийда ҳар бир фурсат ғанимат,  
Кимлигингиз баён беринг, яхшилар,  
Элу юртдан сўйлаб беринг ҳикоят.

Алқисса, мулла Ҳушмат бошлиқ элчилар оғир-босик, мўмин-мусулмонларга одоб юзасидан эгилиб турдилар. Орада бир муддат сукунат ҳукмронлик қилди. Меҳмонларнинг орасидан бир киши: «Ё раббим, бизнинг йўлга чиққанимизни булар бир ойлик йўлдан қандай билди экан?», деб хаёлга чўмди. Шунда юзларидан нур ёғилиб турган мўмин оппоқ соқолларини силаб, олдинга бир-икки қадам ташлади-да: «Эй фозиллар, биз Кеш музофотидан келаётирмиз, икки ой бўлди йўлга чиққанимизга. Сизлар излаб келаётган Ҳазрати Башир, камина бўладилар. Зиёратимизни қабул қилган бўлсалар, ҳазратим икки дунё саодатига эришиб, Аллоҳимнинг марҳаматига янада ботсинлар. Биз каминани ҳам дуо қилиб қўйсинлар», деб илкларини очиб, дуо қилдилар. Сайрамлик сўфилар ҳам Ҳазрати Башир Отани зиёрат қилиб, шу кунларга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтиб, дувосини олдилар. Мулла Эшмат эса Худонинг марҳаматига, ислом илмининг неъ-

матларига икки шайхнинг кароматларига ҳайратдан ёқа ушлаб, тавба келтирди. Мулла Қутбиддин эса Ҳожа Аҳмаднинг авлиёлигига, Башир Ҳазратларининг «пиринг ким» демай берган жавобларига хаёли фаромуш бўлиб, ақлини йитирди. Ҳазрати Башир Ота тарафдаги мусулмонлар билан мулла Ҳушмат ҳамроҳлари обдан танишиб, узоқ суҳбатлашиб шу кеча шайхларнинг авлиёлигига тасаннолар айтишиб ётдилар. Эрталаб қуюқ хушлашувдан кейин меҳмонлар бир гуруҳи Қешга, бир гуруҳи Туркистонга қараб жўнади. Оқибат, сўфилар: «Ҳа, эскининг битта гапида ҳам хато йўқда, қаранг, «авлиё бахил бўлмайди, бахилдан авлиё бўлмайди», дегани жуда топиб айтилган гап. Шайхларнинг кароматига, ислом илмининг қудратига шу бугун ишондим», дейишиб гурунглашиб кетаётбеди мулла Қутбиддиннинг кўзи мулла Эшматнинг юзига тушди. Анчадан буён юзини босган қора доғлар бугун йўқ, юзи ойдай равшан.

— Эй худойим, деди мулла Қутбиддин, — сизни ҳам Худо ёрлақандай, суюнчи беринг, тақсир, деб сўзлаётган жойи:

Худойим сизга боққандай,  
Суюнчи беринг, тақсирим,  
Товбангиз сел бўб оққандай,  
Суюнчи беринг, тақсирим.  
Ишонмас эдим сўзига,  
Ҳожа Аҳмаднинг ўзига,  
Мулла Эшматнинг чехраси,  
Равшан кўринди кўзима.  
Боз мен ҳам тавба қилайин,  
Бориб қўлини олайин,  
Аҳмаднинг ҳар бир сўзини,  
Илиб қалбимга солайин.  
Оллоҳдан бўлиб адолат.  
Пиримиз бўлсин саломат,  
Бир умрга мурид бўлиб,  
Қилайин доим зиёрат.  
Гуноҳкор билдим ўзимни,  
Шайхлар эшитинг сўзимни,  
Кечирармекан ҳазратим,  
Ёшга тўлдирмай кўзимни.  
Эшмат жонини сотибди,  
Аҳмадни пир деб тутибди,

Юзини бузган қора доғ,  
 Хушматжон, қаранг, кетибди.  
 Пирнинг зўрлиги билинди,  
 Икки савдода кўринди,  
 Менинг ҳам дўстлар борлигим,  
 Ҳазрат учун уринди.  
 Ҳайданг йигитлар кетайик,  
 Сайрам юртига етайик,  
 Ҳазрат учун майдонда,  
 Ширин жонларни сотайик.  
 Тоғларнинг боши қор бўлсин,  
 Бўта каттариб нор бўлсин,  
 Ҳаммамизга ҳам муллалар,  
 Аввали Худо ёр бўлсин.

Алқисса, бу гапдан кейин мулла Эшмат отдан туша солиб, юзини кўлмак сувда кўрди, қаради. Қараса, доғлар билинмай тушиб кетган, доимгидай равшан. Аллоҳга беадад ҳамду санолар ва шукроналар айтиб, Ҳожа Аҳмаднинг номларига тавбалар сўйлаб отланди.

Ана энди муллалар келаберсин гапни Сайрамдан эшитинг. Сайрамда миш-миш тарқалди: «Ҳожа Аҳмад уч муллани Ҳазрати Башир келаяпти, деб унинг истиқболига чиқарган экан. Орадан икки ой ўтибди ҳамки, на меҳмондан, на муллалардан дарак бор. Ҳожа Аҳмаднинг сўзига кириб ёхуд муллалар шаҳид бўлгандир. Уларнинг оиласини Ҳожа Аҳмад боқармикан», деб таъмагир диндорлар совуқ гапларни юргизиб турганда устидан ўзига хос нафис қадамлар билан мисли Хўжаи Хизр сифат юзлари фаришта мисол Ҳожа Аҳмад кириб келди. Меъёри одоб билан иссиқ салом бериб, ҳамма билан куюқ ҳол-аҳволлашиб, ўтиришга рухсат сўради. Ҳеч ким Ҳожа Аҳмаднинг олдида гаплашишга жазм этолмади ёки биров жойидан туриб кетолмади. Шунда Ҳожа Аҳмад жимликни бузиб: «Эй яхшилар, қалбингиз қора бўлсаю, тилингиз соф сўзлардан лоф уриб турса, дилингиз сезиб турсаю, тилингиз тан олмаса исломда бу кўргиликнинг, бу риёкорликнинг савоби йўқдир. Руҳи пок одамгина Аллоҳнинг жамолига етишади, ҳақиқатга эришади. Ўзлари фозил бўла туриб, миш-миш юргизса, фуқаролар билан орифлар ўртасидаги ҳиммат, маърифат ва инсоф-диёнат оёқдан қолади», деб фозилларга Аллоҳдан эзгулик неъматини сочишни тилаётган жойи:

Сирларга ботмасин фақир сўзларим,  
Нодонлар феълидан ёшдир кўзларим,  
Аллоҳим ҳар кимга диёнат бергин,  
Не учун миш-мишга ботар изларим.  
Эл учун жонимни фидо айласам,  
Толиблар қалбига нурни жойласам,  
Дунё ёлғондан қурилганмикан, ё  
Ахир мен улусга ростни сўйласам.  
Зоҳидлар ҳам халқ ошига ошиқдир,  
Борга кўнмай нафси мингдан ошиқдир,  
Такво, зуҳд нелигин билмасдан,  
Ўнгда тасбе, чап кўлида ошиқдир.  
Ёронлар маърифат нурин сочайлик,  
Бемурод, риёкор келса қочайлик,  
Илмни жайлобон, тўплаб нетамиз,  
Меҳримиз ватанга, элга очайлик.  
Илмдан қочганлар мудом хор бўлгай,  
Оқибат бир мисқол нурга зор бўлгай,  
Улусга маърифат нурин сочайлик,  
Бизларга ҳамиша Аллоҳ ёр бўлгай.

Алқисса, уламолар Ҳожа Аҳмаднинг ярашикли сўзлари-ни тинглаб турганда, шул пайт уч отлиқ шоду-хуррамлик билан етиб келди. Улар отдан топпа-топпа тайлашиб, Ҳожа Аҳмадни зиёрат қилдилар, омонат қалб жавоҳирларини пири комилга етказди. Уламолар бошларини адл кўтариб қарасалар, ўзлари миш-миш юргизиб турган мулла Ҳушмат, Эшмат ва Қутбиддинлар. Улар уят кучидан ерга меҳр солиб, узоқ сукунатга ботдилар. Ҳожа Аҳмад эса муллаларни рухсат айлаб фиску фасод билан рухланган уй ҳавосидан, тоза ва соф ҳавога, ташқарига чиқди ва ўзича фикр қилди: «Эй Раббим, кўзи очик уламолар миш-миш юргизиб кўз олдимда қайқайиб турганда бошқа элатдаги фозил фуқаролар нима бўлди экан? Ахир кимга ишонмоқ лозим?! Мен шунча илмни эгаллаб, уйда ётсаму биргина Сайрамга тариқатдан илм берсам, унда бошқа юрт, эл фақирларига ким маърифат сочади. Бу элда етарли шогирд ва муридларим бор. Кўзи очик нодонлардан чарчадим», деб эл кезиб маърифат сочмоқ ниятида гўшаларга, овулларга ва катта шаҳарлар оша жўнаб кетди. Ҳожа Аҳмад қанча эл-элатлар ошмасин, неча дарёларни кечмасин эл аро маърифат, шарият, тариқат ва ҳақиқат уруғини сочаверди, фақир камбағалларга қалб меҳрини очаверди. У мугасаввифлар ақидасига мос иршодга

эга бўлгандан кейин ҳам фақирлик йўлини танлади. Ҳукмдорларни иймон, эътиқод, инсоф-диёнат боз мардлик-эранликка чорлайверди. У борган сари ислом оламида, эл ичида улуғ мутафаккир файласуф, бетакрор сўз санъаткори, шоир бўлиб танилиб бораверди. Ҳожа Аҳмаднинг айниқса, шеъриятидаги ғоят нозик ва теран мушоҳадалари эл-юртни сеҳрлади. Рухан бой ва нозикқалб эгаси Ҳожа Аҳмад бутун ислом оламида «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Ҳожа Аҳмад» деган шарафга, олқишга эришиб, шундай улуғ даражага кўтарилди. Аллоҳнинг инояти билан бу шарафни эл-юрт учун хизмат қилиш, масъулият деб тушуниб барча эл, элатларни кезиб чикди. Шундай қилиб, Ҳожа Аҳмад шунча обрў-эътиборга эришсада, ўзини Худонинг кули деб тан олди ва Кул Ҳожа Аҳмад деб элга таништириб бораверди. Ўн йилдан ортиқ эл кезиб, туғилган юрти яна Сайрамга қайтиб келди. Ўзини онаси Қорасочбибининг кучоғига ташлаб, кўзини ёшлаб, онасининг илқидан ушлаб, муштипарнинг кўнглини хушлаб: «Отамдан қолган зирагим, хар сонияда керагим, менинг тенам юрагим, онам-Каъбам бормисан», деб икки оғиз сўзлаётган жойи:

Сайрамда қолган тенам,  
Ҳам доно, гўзал санам,  
Кўксинга босай бошим,  
Шухратим, шоним онам.  
Ҳақдан бўлиб адолат,  
Бошимда бўл саломат,  
Рухсат айла, онажон,  
Изинг қилай зиёрат.  
Айт хизматинг қилайин,  
Ё сен учун ўлайин,  
Қордай оппоқ сочингни,  
Рухсат бергин силайин.  
Ғариб билма бошингни,  
Зада қилма хушингни,  
Отамнинг руҳи ёрдир,  
Ҳақ ростласин тишингни.  
Аввало Худо ёрдур,  
Расулим вафодордур,  
Онажоним қалбингда,  
Отамнинг руҳи бордур.  
Мен ҳам етдим камолга,  
Аллоҳ сочган жамолга,  
Энди сени эъзозлай,

Буркаб қалбдек рўмолга.  
Қадамингга сочай гул,  
Изингдан юрсин булбул,  
Аҳмаднинг онаси деб,  
Хурматлайди барча эл.  
Дардингни сочгин менга,  
Жонимни берай сенга,  
Онажоним вафодор  
Нур сочай қора тунга.  
Сендан бошқа кимим бор,  
Отам йўқдир камим бор,  
Камлигимни билдирма  
Элда фақир номим бор.  
Эл-юртни кездим, эна,  
Нодондан бездим, эна,  
Дунё ёлғонга ошна,  
Шул ҳисни сездим, эна.  
Лекин изга қайтмасман,  
Енгилдим деб айтмасман.  
Маърифат деб ёнаман,  
Риёни бойитмасман.  
Фақат дувонга зорман,  
Ҳар сўзингга хуморман,  
Хафа бўлсанг, онажон,  
Бир умрга беморман.  
Энди ёнингга бўлай.  
Юмушинг бўлса қилай,  
Ёзиб ҳикматларимни,  
Жаҳонга довруқ солай.  
Сен билан ёруғ хонам,  
Ёнимдасан йўқ гунам,  
Сира кетма бошимдан,  
Шухратим, шоним, энам.

Алқисса, анча кексайиб қолган Қорасочбиби ўғли Ҳожа Аҳмадни бағрига босди, ёлғизининг бу сўзларига кўнгли тоғдай ўсди. «Жоним болам, деди энаси, мана сиз ҳам камолатга етдингиз, кўп ислом китобларидан ўқидингиз. Лекин отангиз «илмнинг чегараси йўқ» деб айттувчи эди. Аммо сиздан бир нарсани сўровим бор, агар мени муштифор онам десангиз хўп дейсиз. «Айтинг онажон, эшитиб, мулоҳаза қилиб хўп дейман, деди Қул Ҳожа Аҳмад. «Агар хўп десангиз, мана ёшингиз ҳам қирққа етай деб қолди. Эларо гап, миш-

миш тарқалгандай хаёлимда. Ҳожа Аҳмад илмга, шеърият ва маърифатга берилиб, уйланишни ҳам ёдидан чиқарган кўринади. Бу тенги маргумлар бир кеча тўй бериб, ўғил уйлантириб, қиз куёвга бераяпти. Балки пуштсиз бўлса, шундан уялиб уйланмай юргандир, деб айтаётгандай туюлади менга. Энди болам, қариб қолдим, мен ҳам орзу қиламан, келин кўрсам, невара суйсам, қариганимда кўлимдан ишимни олса, дейман», деб хўрсина берди онаси. Шунда Ҳожа Аҳмад Ҳазратлари хаёлга чўмди, ўзича мулоҳаза қилди ва: «Энажон, илмга берилиб, уйланишга фурсат ҳам бўлмади. Лекин мен бир нарсадан кўрқаман, деди Ҳазрат. Бир кишининг фарзандини олсаму, унинг кўнглини тополмай бир бечорани қийнаб қўйсам гуноҳга ботмайманми», деб ҳадикламан.

— Йўк, ўйлаб кўринг, деди энаси Қорасочбиби. Агар дарахт мева солмаса уни кесиб ўтин қиладилар. Агар одамзодда ўғил-қизга уйланмаса насл, авлод ва тараққиёт нима бўлади?» Бу гапдан кейин ҳазрат Ҳожа Аҳмад ўйлаб кўриш учун онасидан фурсат, мачитга бориб келиш учун рухсат олди ва кўчага чиқиб кетди. Орадан вақт ўтиб мачитга етди. Қадрдонлари ва мурид-шогирдлари билан кучоқ очиб кўришди. Анча фурсат дийдорлашиб ўтирдилар. Элликка жувик одамлар орасидан шу пайт қандайдир совуқ гапнинг белгиси Ҳазратга сезила бошлади ва бир фурсат суқунатга берилди. Орқада ўтирган нафс балосига йўлиққан зоҳидлардан икки киши: «Ҳазратим авлиёликни даъво қилгунча уйлансалар бўлур эди, балки пуштсиздир, вок дариғ», дейишиб шибинг-шибинг қиляётган экан. Шунда Ҳазрат Ҳожа Аҳмад зоҳидлар пичингни англаб: «Энам бечора тўғри айтган экан, Аллоҳ ёрим бўлиб, пирлар мададкорим бўлиб, қирқ чилтон жиловдорим бўлиб энди уйланганим бўлсин», деб шибирдашаётган зоҳидларнинг кимлигини англаб, уламолар билан хайрлашиб, уйга жўнади. Ҳазрат уйларига етиб келиб, энаси Қорасочбибига қараб: «Ҳарна бўлса сизда қолди ихтиёр», деб розилик бераётган жойлари:

Қалбим куёшга баробар,  
Давлат эмасма симу-зар,  
Нима ҳам дейман, онажон,  
Сизда қолдида ихтиёр.  
Лекин бир айтар сўзим бор,  
Сайрамдай катта дўзим бор,

Рози бўлсангиз энажон,  
Боз сизга илҳақ кўзим бор.  
Мен элларни ҳам кезаман,  
Гоҳ тўлиб гоҳо озаман,  
Элимга сочиб маърифат,  
Малъун кўрғонин бузаман.  
Элга қўшилиб оқаман,  
Гоҳо сурувлар боқаман,  
Нега кетдинг деб сўкмайсиз,  
Гоҳо тоғларга чиқаман.  
Илмдир менинг йўлдошим,  
Ёлғиз кунимда тилдошим,  
Гоҳо кезаман дунёни,  
Азизлар бўлар белдошим,  
Фақирлик менинг топганим,  
Саодат излаб чопганим,  
Балки кезарман Туронни,  
Ҳақиқат менинг сепганим.  
Ғарибни кўрсам йиғлайман,  
Сўз бериб кўнглим чоғлайман,  
Тўплаган барча нуримни,  
Фақир марҳумга боғлайман.  
Гадога қалбим очаман,  
Шулар оғам деб қучаман,  
Эл бераётган назрни,  
Халким йўлига сочаман.  
Нафсимни отдим хушимдан,  
Тож-давлат кетган бошимдан,  
Лекин кечмайман, онажон,  
Акроба қориндошимдан.  
Шуларга таъна қилмайсиз,  
Йиғлаб кўнглимга солмайсиз,  
Шукр қиламиз борига,  
Лекин хорликни билмайсиз.  
Аввало Худо ёр бўлар,  
Кесак ушласак зар бўлар,  
Одат қиламиз шукрни,  
Пир эса мадаккор бўлар.  
Шуларни билса келинчак,  
Шодлик бергани бир кучок,  
Чиндан сиғинсак Аллоҳга,  
Ўнг томон бўлар беланчак.



Боз сизга қилсин эътиқод,  
Шунда топгани саодат,  
Не бўлса сизда ихтиёр,  
Оналар жоним марҳамат.

Алқисса, онаси Қорасочбиби кўз остига олиб қўйган авлоди Саййид қизлардан бирини тез орада келин қилиб уйига туширди, елкасидан катта юмушни оширди. Барча эл, мўмин-мусулмонлар бу қутлуғ тўйда қатнашиб, икки дил тароватидан сармаст, бахшилар таронасидан қониб уйларига шодон қайтдилар. Фосиқлар эса: «Ҳазратим уят кучидан уйланиб қўйдилар, шул юриш-туриши, юрт кезиб дарवेशлиги бўлса бундан фарзанд туғилармикан», деб пайт пойлайвердилар, орадан эса кетма-кет ойлар ўтаверди. Ҳожа Аҳмад Ҳазратим эса юрт, эл кезиб кетаверди. Шул орада бутун Турон замин ва бошқа элатларда Ҳожа Аҳмад Яссавий валийлар султони деган мақомга эришиб шуҳрати ошаверди. Ҳикматлари тилларда дoston бўлди. Ҳожа Аҳмадни зиёрат қилувчилар сони мағрибдан то машрикқача, бу ёғи етти иқлимгача кўпайиб, оқиб келаверди. Ҳожа Аҳмад ҳазратимнинг ҳикматлари Куръони карим ва Сунна пайғамбар ҳадисларидан кейинги муқаддас ҳикматлар деб Ислom олами аро тан олинди. Ҳожа Аҳмад ҳазратим фақирларнинг суянган тоғига, оч-камбағалларнинг чарбоғига айланди. Сарҳалкайи силсилаи машойихи турк Ҳожа Аҳмад Яссавий маърифат излаб келувчиларни бағрига босди, эл-юртга топганини сочди, барча элларга Ислomнинг эшигини очди.

Ана шундай дамларда Ҳожа Аҳмад Яссавий яна Сайрамга онаси Қорасочбининг кирдикорига келди. Келса келин дужон, оғироёқлик. Фурсат етган. Оқибат, келинбимиз енгиллашиб, ота-онанинг тиловчиси, бир кўра қўй олиб келувчи қиз туғилди. Қорасочбиби қиз небарасига улуг ва қутлуғ ниятлар билан Гавҳари Хуштар деб исм қўйдилар. Шу кундан бошлаб, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг бошида айланиб юрган кучсиз қора булутлар бутунлай тарқаб, унинг ўрнини порлоқ қуёш, ҳидоят қуёши жаҳон аро Аллоҳнинг қудрати билан порлайверди. Қизалоқнинг чилласи чиққандан кейин оқабирларнинг маслаҳати билан эл-юртга ош берди. Шунда совуқ гап тарқатган одамлар яъни зоҳидларни махсус чақирилиб келиб уларга иззат-икром кўрсатилиб, кўрнинг тўридан жой берилди. Бу ишларни ташкиллаштирган мулла Хушмат келиб-кетувчиларга бош-

қош бўлди. Хуллас, шундай қилиб Қул Ҳожа Аҳмад Яссавий онаси Қорасочбиби, қизи Гавҳари Хуштар ва келинбибимиз билан қадрдон яшаб, эл-юртга маърифат нурини сочиб, мурод-мақсадига етдилар.

Ислом динининг меҳвари,  
Тасаввуфнинг сарвари.  
Туркистоннинг куёши,  
Фақирликнинг бардоши.  
Фуқаролар таянчи,  
Оч-камбағал суянчи.  
Ҳақида очдим дилим,  
Хурсанд қилай деб элим.  
Не ёзсам деб ўйладим,  
Ўзлат топсам сўйладим,  
Хаёлимда пиширдим.  
Зехним Ҳаққа топширдим,  
Бахши одам пахири,  
Ўйлаб-ўйлаб охири,  
Ҳикматларни қарадим,  
Донолардан сўрадим.  
Фозил инсон, донодан,  
Бахшига парвонадан,  
«Дилим айтадур, — дедим,  
Ёзсам қайтадур, — дедим».  
— Ёзгин, болам ёзавер,  
Нени билсанг чизавер, —  
Деди силаб бошимни.  
Рухлантириб ҳушимни.  
Бир улуғни қарадим,  
Алломадан сўрадим.  
Олиб дуоларини,  
Аҳмад боболаримни,  
Билганимча сўйладим,  
Халқим ичра куйладим.  
Аҳмад каби офтобни,  
Унга ёзган китобни,  
Ким ўқиса ҳур бўлсин,  
Ҳожа руҳи ёр бўлсин,  
Ла илаҳа илаллоҳ,  
Муҳаммадун Расулиллоҳ.

9♦ фазл

**ФОЛЬКЛОРШУНОСЛАР  
АРМОНЛАРИ**



## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛАР АРМОНЛАРИ

Халқ кўшиқларидан бир байт ҳамиша ёдда қайта-қайта такрор бўлаверади:

Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун,  
Бу дунёда бормикан, бағри бутун.  
Бу дунёда бор бўлса, бағри бутун,  
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтин.

Қанчалар содда, оддий, тушунарли ва қанчалар мураккаб, кўп маъноли ва тушунарсиз фалсафий сатрлар. Нега бир жойда ўт ёқсангиз тутуни юзлаб чақирим наридан чиқади, нега бағри бутун одам бўлмайди, нега қозонни қоғоздан, ўтинни гулдан ясаш керак? Ёлғон дейсиз, маҳобат дейсиз. Лекин ҳақмисиз? Ахир халқ ёлғон гапирмайди-ку! Халқ ҳеч кимдан кўрқмайди ёхуд қандайдир мансаб, қайсидир вазифа-ю бойлик учун ўзини сотмайдику? Нега энди бағри бутун борми демоқда? Ахир кўпку бағри бутунлар, афсус йўқку бағри бутунлар. Шу тоб ўрисларнинг буюк шоирларидан бири Сергей Есенин садолари эшитилади:

Бу дунёда армонсиз одам,  
Бечоралар ичра бечора.

Саволлар туғилаверади: нега, нега, нега? Армонсиз одамлар йўқми, йўқми, йўқми? Шахсий, ўз дунёқарашимиздан келиб чиқиб жавоб берамиз: бор, бор, бор! Демак, бағри бутун йўқ деган ёхуд шу маънони ифодалаб армонсиз одам йўқ деган Есенин ноҳақ! Йўқ азизлар, биз ноҳақмиз озгина ғуруримиз, салгина ориятимиз, қисман бойлигимиз (ким нимага эришган билан шуниси ўйлаб) билан фахрлансақда. Биз комиллик, инсон комиллиги нимада, нималарда эканини билмаймиз, демак ўзимизни англамаймиз. Англаб ҳаётимиз йўлига боқсак, кеча қилган ишларимизни имконимиз, Аллоҳ берган имконимиз даражасига қиёслаб назар солсак, бугунимизда фаолиятимизни баҳолай олсак, атрофимиздагиларнинг ўйи, фикри, интилишини кузатган ҳолда эртага боқсак армонлар, аламлар тоғ бўлади. Шундай пайтда Қодир бахшидан юз бор, минг бор эшитганимиз ёдга келаверади:

Қизик экан бу дунёнинг ишлари,  
Кузда кетиб баҳор қайтар қушлари  
Навбат кутиб турмас қари-ёшлари.  
Ёш қарига, қари ёшга меҳмондир.

Бунданда даҳшатлироғи, ваҳималироғи, аммо эзгуликка  
ундовчироғи янада вужудингизни ларзага солади:

Силаблар юрган азиз бош,  
Қора ерларда ётара.  
Азвайишта бўлган бу тананг,  
Қора қуртлар ютара,  
Ўтмасдан даврон қолмади.

Нақадар кўрқинчли, ваҳимали бўлмасин бу мисралар  
ҳаёт қонуни, яшаш қонунининг натижаси. Биз келтирган  
хар тўрт мисол, тўрт шеър фақат эзгуликни, яхшиликни, диё-  
натни, буюк муҳаббатни, ўзликни англашни акс эттиради.  
Халқ ҳам, ўрус шоири ҳам, халқ бахшиси ҳам инсон жисми,  
руҳиятининг ўта нозик жиҳатларини ёдга солиб комилликка  
ундамоқда.

Биз Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» ҳақидаги  
тарихий қарорига амалий жавоб беришга ҳаракат қилиб,  
қийинчиликларни бўйинга олиб, экспедицияларда юрганда  
кўп одамларни кўрдик. Вилоят ҳокимларидан тортиб оддий  
касб-хунар эгаларигача юзлаб кишилар билан мулоқотда  
бўлдик. Уларнинг ҳукумат қарорига, ўзи мансуб миллатнинг  
эпик қаҳрамонига муносабатларини кўриб қувондик,  
дилимиз нурга тўлди. Айни шу сафарларда нималардир  
юракка алам найзасини санчди, нелардир армон бўлди. Биз  
ўша бизга алам қилган воқеалар, аламли лаҳзаларни ҳам  
битсак фойдадан ҳоли бўлмас деган фикрга келдик. Сизга  
ҳавола этилаётган «Алам қилади» рукни гоҳ кунда, гоҳ тунда  
битилган. Демак, мавзу «Алам қилади»!

Қашқадарё вилоят ҳокими Шухрат Бегматов ҳузурида  
бўлиб, вилоятда «Алпомиш» юбилеи хусусида ҳукумат  
қарори юзасидан бажарилаётган ишлар ҳақида суҳбатлаш-  
дик.

— Бизнинг болалигимиз «Алпомиш»ни тинглаб ўтган,  
— деб гап бошлади Шухрат Бегматович, — 50-йилларда  
ойнаи жаҳон йўқ эди, ҳатто санъаткорлар ҳам кам эди. Ўша  
пайтларда ким тўй қилса, бахши олиб келар, тундан тонг

қадар бахши дoston айтар, кекса-ю ёш, эркаку аёл уни берилиб тинглар эди. Алпомишнинг мардлиги, шижоати, алплиги ўша болалик хотираларимизда ўрнашиб қолган. Биз ҳам тезроқ катта бўлишни, кураш тушишни, жанг қилишни, мерганликни орзу қилардик. Ҳатто акам дўмбира олдириб «Алпомиш»дан айтишни ҳам ўрганиб олганди. Йиллар ўтиши билан ҳаётимизга ойнаи жаҳон театр, кино, турли ансамбллар кириб келди, бахшиларга эътибор камайди, тўйларда бахшилар ўрнини санъаткорлар эгаллади. Энг ёмони, «Алпомиш» дostonини тинглаш учун бахшиларгина камаймади, ўқиш учун дoston матнлари, яъни китоблар ҳам топилмай қолди. Натижада кейинги авлод болалари «Алпомиш»ни ундаги миллий урф-одатларни, ориятни билмай қолаётир. Адашмасам, олимларимиз ҳам бу соҳада етарли ишламаётгандай. Бир вақтлар Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаҳҳоров деган фольклоршунослар бўларди. Қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул юриб, «Алпомиш»ни, «Гўрўғли»ни ва бошқа дostonларни ёзиб олишарди. Афсуски вақт ўтиши билан ҳатто уларнинг ёзиб олганларини ўрганадиган, чоп этадиганлар ҳам топилмай қолди. Сизларнинг саъй-ҳаракатларингизни маъқуллаймиз. Вилоят ҳокимлиги изланишларингизга, сафаларингизга ҳомийлик қилади. Мен фарзандларимиз халқимизнинг дostonлари, эртаклари, кўшиқларини ўқиб, ўрганиб вояга етишини, миллий қадриятларни билишини, ўзлаштиришини истаيمان...

Бу гаплардан сўнг бизга алам қилади, юртбошимиз, жойлардаги ҳокимлар «Алпомиш»ни билади-ю, нега олимларимиз, ҳатто фольклоршуносман деб юрганлар жон куйдиришмайди, халқ ичига кириб бормайди. Ҳатто тарихий қарордан сўнг ҳам изланишлар, халқдаги дурдоналарни ёзиб олишга, чоп этишга киришмайди. Ё, биз беҳабар қолаямизмикан...

\* \* \*

Қарши Давлат университетининг битирувчилари Дилшод Равшанов «Алпомиш» дostonининг Қора бахши Умиров, Хушвақт Мардонақулов вариантлари бадиияти», Дуйнахол Абраева «Бева Барчин» дostonининг ғоявий-бадий хусусиятлари» мавзуида диплом иши ёзиб, ҳар иккиси янги мавзуга қўл уришиб, Жанубий Ўзбекистон

«Алпомиш» туркуми дostonларини ўрганишга, таҳлил қилишга киришибди. Талабаларнинг бу изланишлари халқимизнинг бой бадиий ижодий меросини ўрганишга ўзларида куч, имконият топгани қувонтиради, фольклоримизнинг ёш тадқиқотчилари етишиб чиқаётгани умид уйғотади. Лекин мияда шубҳалар, гумонлар ҳам гуж-гуж ўйнайди. Улар ҳам биздаги фольклордан олим бўлгач, ундан бутунлай юз ўгириб, ўзга соҳаларга, хусусан, адабиётшуносликнинг бошқа бўлимларига ўтиб кетган ёхуд олимликни кун ўтказиш воситаси деб билган баъзи фольклоршуносларга ўхшаб бу соҳадан юз буриб кетмасмикан?

\* \* \*

Қашқадарёлик раҳбарлар орасида Райим Раҳмонов деган алпомишсифат, ниҳоятда босик, мулойим, самимий, ҳамиша мийиғида жилмайиб турадиган, ҳар қандай муаммони аччиқланмай, бақириб-чақирмай ётиғи билан ҳал этадиган дилкаш бир инсон бор. У кишининг раҳбарлик усули бир дoston бўлади. Туман раҳбари бўлганда ҳам, вилоят ҳокимлигида ишлаб келаётган йилларда ҳам биз ҳамиша у киши билан ҳамкор, суҳбатдош бўлиб келамиз. Вилоятда ўтказиладиган бахши-шоирларнинг кўрик-танловларида, халқ дostonчиларининг беллашувларида, барча маданий-маърифий тадбирларда, албатта, ўзи қатнашади, тадбирнинг бошида туради. «Алпомиш»нинг юбилеи ҳақида қарор чиққач, вилоятда унинг бажарилиши юзасидан белгиланган учрашувлар, конференциялар, беллашувлар, бахши-шоирлар юбилейлари ва ўзга тадбирларни ўтказишда қатнашиб келади.

1998 йилда вилоят бахши-шоирлари танлови ўтказилаётганда кексайиб, айтиши қийинлашиб қолган Зоҳир ота Қўчқоровни кузатиб, ҳайъат аъзоларига: «Яхшилаб эътибор берингизлар, «Алпомиш»нинг шу жойини мен ўқимаган эканман. Айни вақтда бобонинг усули бошқаларда йўға», деганда ҳайрон қолдик. Ахир айрим мутахассислар англай олмайдиган икки ҳолатни сезган, бизни огоҳлантираётган эди. Шу жойнинг ўзида кекса шоирнинг кўнглини кўтариш мақсадида «Танловнинг энг кекса бахши-шоирига» деган совға уюштириб бизни яна бир бор лол қолдирди.

Ўша йил май ойида 35 ёшгача бўлган бахши-шоирларнинг республика кўрик-танлови «Алпомиш» дostonига

бағишланди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 41 нафар ёш бахшиларининг беллашувида Райим ака бошқа юмушларни бир четга қўйиб, танловни бошдан оёқ кузатди-ю, бир гапни айтди: «Худога шукур, невараларимиз ҳам «Алпомиш»дек буюк дostonни тинглар экан». Бу кадриятларимиз яшаётганидан, умидли ёш дostonчилар етишиб чиқаётган, юртимизнинг эртанги кунидан кувониш, шодланиш эди, шукрона эди.

— «Алпомиш» болаликдан руҳимизга сингган, — дейди Райим ака. — Менга «Алпомиш» дostonини момом (у дунёси обод бўлсин) айтиб берарди. Мактабга қатнаб савод чиқарганимда эса, менга ўқитдириб тингларди. Кейин-кейин оддий ўқитишни эмас, қироат билан ўқитишни машқ қилдирди. Шу ҳолатда «Алпомиш», ундаги Алпомиш, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Бойбўри-ю, Бойсари руҳимизга сингди. Ҳозир ҳам ўша болаликдаги мисралар ёдда бор, айримлари.

Шундай деб ўзи ўқиб ўзлаштирган ва ёдига сингиб кетган куйидаги парчани қироат билан ёд ўқиб берди:

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти,  
Оқ тўшим яйловинг, сочим-шипиртки.  
Куйганимдан гапни гапга улайин,  
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.  
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,  
Сабаб бўлиб қўшгин тенги-тўшима,  
Олмосдай туёғинг қордай тўшима,  
Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти.  
Ўйилиб куймасин кулбаи хонам,  
Оҳ уриб йиғлайди мендаин санам,  
Қалмоқда қолмасин гулдаин танам...

Биз Райим акани тинглар эканмиз, болалик хотиралари бир умр ўчмаслигига, аждодларимиз ўз фарзандларига бу дostonни ҳикоя қилиб, ўқитиб тарбиялашга интильганига, дoston халқ қалбидан чуқур ўрин эгаллаганига имон кел тирдик.

Ва алам қилади... нега ҳамма зиёлилар «Алпомиш»га Райим акадек муносабатда бўла олмайди, нега улар Алпомишдаги жасоратни, фидойиликни, юртсеварлик ва халқпарварликни, инсон қалби билан ҳисоблашмоқни ўзларида ҳис этмайди, шунга интилмайди...



Китобнинг кадрини, ўқилишини билмоқ учун кутубхоналарни кузатмоқ лозим. Биз шу мақсадда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги лицей-интернат кутубхонасига кирдик. Мақсадимиз битта: ёшлар «Алпомиш»ни ўқийдими ё йўқми шуни билмоқ эди. Кутубхонада китоблар дид билан терилган, жиҳозлар янги. Зимдан айланиб қараймиз. Бирон дoston кўринмайди. Эҳтимол, ўқувчилар қўлидадир. Шу ниятда кутубхона мудираси Моҳира Ражабовани суҳбатга тортиб, бизни қизиқтирган муаммога жавоб кутамиз. Унинг куйинишларига эътибор беринг:

— Қарийб чорак асрдан буён кутубхоначиман. Аввал туман болалар кутубхонасида ишлар эдим. Ҳамиша болалар ва ўсмирлар ҳатто катталар ҳам эртақлар ва дostonлар сўраб чарчатади (узр, ёзма адабиётга доир асарлар ҳам излайди-ю, аммо улар топилади). Ҳар беш ўқувчидан уч нафари эртақ ё дoston китоб топиб беришни сўрашади. Биз уларнинг бу истакларини ҳатто туман кутубхонасида қондира олмас эдик, ҳозирку жудаям! «Алпомиш» — халқ суйган дoston. Ҳаммамиз болаликда уни тинглаганмиз. Айниқса, мен. Болалигимда боболар келиб уйимизда «Алпомиш»ни гоҳ тожикча (узр, мен тожикман), гоҳ ўзбекча (ўзбеклар орасида яшаганимиз учун ўзбекчани яхши биламиз, ўн йил шу тилда ўқиганмиз) тинглардик. Отам Шаҳриёр Ражабов дoston деса, дostonчи деса ўзини томдан ташларди. Онам Зулайҳо Холова ҳам қозон-товоқни опам ва менга топшириб, бахши ҳузурига шошарди. Кейинчалик, турмушга чиқиб машҳур Қодир бахши хонадонига яқин бўлдик. Демак, яна бахшиларни тинглаш насиб этди. Мен «Алпомиш» дostonини Қодир бахшидан ўн марталаб эшитганман. Ҳеч ким у кишидек айта олмасди. Чунки бу дostonни ҳозир барҳаёт бахшиларнинг деярли ҳар биридан эшитганман. Ҳозир «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Келиной» ва бошқа дostonларни куйлайдиган бахшилар бору, негадир ўша дostonларнинг ўзи йўқ. Грузинларда «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» китоби бор экану, куйловчиси йўқ экан. Ҳайрон бўласан киши, ўша дostonларни, ақалли миллат кўрки бўлган «Алпомиш» дostonини кутубхонада ҳам топиб бўлмаса. Бизда дostonлар, хусусан, «Алпомиш»

ҳам йўқ. Юбилей муносабати билан шахсий кутубхонамиздаги икки вақтда нашр этилган 2 нусхасини кўргазмага қўйган эдим, ўқувчилар шуни алмаштириб ўқишяпти. Достон етарли нусхада чоп этилиб, кутубхоналарга камида 5-10 та берилмаса, айб кутубхоначидами? Ҳатто яқинда бир текширувчи келиб, юбилей муносабати билан қилинаётган ишлар билан танишди-ю фондда достон йўқлиги учун мени айбламоқчи бўлди. Ахир кутубхоначи китоб чоп этмайди-ку! Шу фикрларимни айтсам, мени гап қайтаришда гуноҳкор қилмоқчи бўлди...

Яна алам қилади... бир оддий кутубхоначи китобхонга «Алпомиш» ни топиб бера олмай руҳан қийналса-ю, бизнинг ўнлаб нашриётларимиз гоҳо ҳеч нимага арзимайдиган китоблар нашр этаверса? Қачон китобларни эҳтиёжга қараб нашрдан чиқарамиз. Масалан, Қашқадарё вилоятидаги мактаблар, ташкилотлар, корхоналар кутубхонасига 4-5 тадан «Алпомиш» берилса, бир вилоят учун 10 минг нусхада чоп этиш керак экан...

\* \* \*

Қарши давлат университети ректори Назар Ҳақимов бир-икки соат вақт ажратишни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан келган икки киши ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори билан учраштиришни айтиб қолди. Биз ҳазиллашиб: «Алпомиш»ни билса вақт топамиз», дедик. Назар Ҳақимов: «Сизларга «Алпомиш»ни билмайдиган ўзбекни дуч қилармидим», деб жавоб қайтарди ва шу муддатда бекор ўтирмаслик учун университетнинг тарих факультети декани Баҳром Узоқов билан суҳбатлашиб турмоққа жазм этдик. Баҳром қамайлик бахшиларнинг уйида кўп бўлганини, отаси ҳам доим бахшиларнинг мухлиси эканини, болаликда Ҳақим шоир (қишлоқдоши), Ҳазраткул бахшилардан «Алпомиш»ни бир неча бор эшитганини гапириб: «Мен тоғамни жуда яхши кўрар (номини айтмай қўя қолай) эдим, шу сабабданми Бойчиборни тоға дейиш менга ғалати туюлган, лекин шу сатрлар ёдимда қолган», деб куйидаги бандни ёд ўқиди:

Алпомишга сен оғасан, Бойчибор,  
Тоғаси йўқ, сен тоғасан, Бойчибор,  
Бир мартага эшитмасанг оҳимни,  
Жолларингман кеб бўғасан, Бойчибор.  
Қуррей-ҳа қур ҳайда тўрамнинг оти,  
Қалмоқда қолмасин мен паризоти.

«Алпомиш» достонининг ўзимиз билган вариантларини ёдга оламиз, лекин бундай банд борлигини эслай олмаймиз. Аммо Баҳромга шу мисраларни ёдлаб қолгани учун миннатдорчилик билдирамыз

\* \* \*

Асли Қамайлик фольклоршунос Наманган давлат университети доценти (ҳозир ҚаршиДУ маданиятшунослик кафедрасида ишламоқда) Ғайрат Соатов билан Қамайга йўл олдик. Мақсадимиз Ҳазраткул Худайберди ўғлини кўрмоқ эди. Дастлаб Норсаид Соатов ва Абдурахмат Тўраев деган Ғайратжоннинг дўстларига дуч келдик. Бир зум Соат бобо ҳузурида бўлиб, у кишидан халқ табобати усулида тайёрлаган дориладан олмоқни ният қилдик. Узун бўйли, буғдойранг, кўкала соқолли отахон бизни шодон қаршилади, эртакчи, достончи эканимизни эшитиб қувонди-ю гапни гапга улаб юборди. «Қамайда бахшилар кўп бўларди, деярли ҳар ҳафта айтишувлар уюштирилар, ҳар кеча достон тинглаш, қўшиқ айтиш билан умр ўтарди. Бахшиларимиз достон айтса, мулла бахшилар достонларни кироат билан ўқирди. Мана йиллар ўтиб, улар дунёдан ўтди. Сизлар излаб келган Ҳазраткул бахши ҳам оғир хасталаниб ётибди. Бу бахши ҳам ўтса зўримиз қолмайди», деб қолди.

Биз отахондан бир-икки доривор ўсимлик олдиқда, Ҳазраткул бахши ҳузурига шошдик. Келсак, бахши: фаралиж бўлиб, жойида миҳланиб ётган экан. Кўрди-ю йиғлаб юборди, туришга ҳаракат қилди, туролмади. кўришдик, сўрашдик, сал дудуқланиб суҳбатга киришди. Чуқур дард билан кўзида дур-дур ёш билан дудуқлана-дудуқлана ушбу сатрларни айтди, Ғайрат Соатов эса ёзиб олди:

Алпомишни куйлар эдим шер бўлиб,  
Мана қолдим ётган жойим жер бўлиб,

Айтолмайман созни олиб кўлимга,  
Келибсизлар бир кўрмоққа эр бўлиб.

Суҳбат асноида билсак, бахши хаста ётганига олти ойдан ошибди-ю, аммо ҳеч ким йўқламабди, қариндош-уруғдан ўзга. Биз Алпомишдек келбатли бахши аҳволини кўриб қаттиқ ачиндик. Аллоҳдан мадад тилаб инсон умрини унинг ўткинчилигини ўйлаган ҳолда биз ҳам кўзда ёш билан изга қайтдик...

— Шу кунларда дунёга қайта келгандекман, — дейди Қарши Давлат университети педагогика кафедрасининг доценти Жўра Қултоев, — Чунки, «Алпомиш» достонининг юбилейини ўтказиш бўйича махсус ҳужжат дунёга келди. Ростини айтсам, минг йиллик дардларим кўзғалди, армонларим бош кўтарди. Сабаби, биз достонлар руҳида улғайганмиз, руҳиятимизда ҳамон ўша қаҳрамонлик эпосларининг таъсири бор, жуда қувондим. Эртаси куни дарсга жуда кўтаринки руҳда кирдим. Дарсни бошлашдан олдин талабаларга «Алпомиш» достонини ўқиганмисизлар? — деб савол бердим. Ҳамма жим. Ҳотамтойлигим тутиб кетди.

Агар Алпомишнинг ўғли ким экани айтган талабага сўзсиз «5» баҳо қўяман, имтихондан озод қиламан», дедим, яна жимлик. Ўйлаш учун вақт бердим.

Бу авлод бизнинг давомчиларимиз, халқ достонларини ҳеч курса биронтаси ўқигандир деган умидда эдим. Алқисса, бир талаба киз ўрнидан турди, у ҳам «5» баҳо илинжида эди. «Алпомишнинг ўғли Гўрўғли» деб жавоб берганда, менинг томирларимда ураётган Алпомиш ва бошқа достонларнинг руҳиятидан айрилиш ахир даҳшат-ку, дея ҳайрат-кўзларимни тикканча, мадорсиз туриб қолдим. Маърузани ҳам тўхтатиб икки соат Алпомиш достонининг аҳамияти тўғрисида гапирдим. Шу қадар ҳаяжонланганманки, руҳиятимни сезган талабалар қилт этмай сўзларимни тинглайди. Чунки бу достонни мен қишлоғимиз оқинларидан юз мароталаб тинглаганман, Бошдан оёқ ёд олган эдим. Бу достон инсонни шу қадар улғайтиради, руҳиятингизда мардлик, жасорат, юрт туйғуси, ёр ва қариндошлар меҳрини барқарорлаштиришда бениҳоя қудратли кучга эга эканини, достон сўзлари билан сўйладим. Дарс сўнггида талабаларнинг кўзларида ҳайратини кўриб, бироз бўлса-да, кўнглим

таскин топди. Достонларни бахши-шоирлар тилидан эшитганда минг йиллик томирларингдаги авлодлар руҳи уйғонади.

... Қашқадарё неча асрдирки маънавиятимизни бойитиб келмоқда.

— Бизнинг ёшдагилар, — дейди Жўра Қултоев, — айниқса Чироқчи Қамаши, Дехқонобод тумани қишлоқларида яшайдиган кишилар бахшилар айтган достонлар руҳида баҳраманд бўлдиқ. Қишлоғимиз Гаффор шоир, Ниёз шоирлар айтган «Алпомиш» достонини ҳаяжон билан тингларди. Гўё Алпомишлар билан жангларда юргандек ўзимизни ҳис қилардиқ. Биз асли Чироқчи туманидаги Қозоёқли қишлоғиданмиз, ўтмишда бизнинг қишлоқда Қиз бахши деган аёл ўтган, Ўша қиз Аллоҳнинг инояти билан 12 ёшида қўлига дўмбира олиб, юзлаб достонларни ёд билган, бениҳоя маҳорати оқин бўлган. Унинг авлодларини биламиз, Хўжан, Сафар, Орол, Ниёз бахшилар ўзлари мактаб яратган ижодкорлар. Сулоланинг энг охириси Гаффор шоир ҳам 70 ёшлардан ошди. Замоннинг зайли билан бахшичилик санъати йўқолиш арафасига келиб қолганди, жуда хавотирда эдик. Достонни тўлиқ ёд биламан. Аждодларимиз яратган меросга қойил қоламан. Биргина Алпомиш достонидаги кўпкарининг суратини сўзларда чизилган жойини олайлиқ. Алпомиш Қалмоқдан етти йиллик зиндондан озод бўлиб, неча қир, тоғу чўллардан ўтиб, Қултой қулининг ёнига келади. Қули Алпомишни таниб хўрликларини изҳор қилади. Ултонтоз қулвачча Ойбарчинга уйланиш учун неча кундан бери тўй бераяпти, кўпкарилар чопилаяпти, борайлик деб йўлга тушадилар. Қултой либосида Алпомиш кўпкарига киради. Мен ўша сахналарни ўқиганимда гўё ўзимни ор талашаётган, рақибларидан ўч олаётган Алпомишдек ҳис этаман:

...Бойчибар борди анғишлаб,  
Боз устига улоқ ташлаб,  
Хакка етган айтган доди,  
Ўлтонтознинг жийрон оти,  
Улоқни олиб жўнай берди,  
Қултой фақир бошин бурди,  
Бойчибарга қамчи урди.  
Жаис бўлиб ёнбошдан етди.  
Ушлади кейинги пути,

Узанги ташлаб беркитди.  
Ёнбош тушиб бирни тортди,  
Ўлтонтознинг жийрон отин,  
Умма қип нурашиб кетди...  
Улоқталаб «Култой» кетар,  
Юлдуздайин оқиб ўтар...

Тўғриси, узоқ йиллар давомида вужудимизда дostonлар руҳи яшасада, бунини ўқитиш, ёш авлод қалбига сингдириш имкониятидан маъсуво эдик. 70 йил давомида «Алпомиш» ва бошқа дostonларимиз ҳам ўқитилганда улар ҳақида кинофильмлар яратилганда эди маънавий кадриятларимиз, халқимизнинг меросига хурмат сақланиб қоларди. Эсимда, 1990 йилда ёшлар билан мулоқот қилдик. Ўшанда халқ дostonларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида маъруза қилдим. Шунда ёппасига ёшлар менинг фикрларимга қарши чиқишди. Бугунги замонавий мусиқа турганда, дostonларни тинглаш шартми, яна орқага қайтиш бўлади, деган эътирозларни билдиришганди. Ўшанда маънавий узулишларимиз оқибатини ўйлаб кўнглим оғриди. Бугунги дориломон кунларда бахшилик санъати кадр топаётган қалбим қувончларга тўлмоқда. Қайта дунёга келган каби, Алпомиш дostonининг юбилейига тайёргарлик кунларида байрамона руҳда яшайпман.

Таниқли адиба Шарофат Ашурова «Алпомиш» дostonи ҳақида фикрларини баён қилади:

«Ҳа, келажакни кўра билган зиёли устозларимиз боис ҳатто руҳиятимиздан юлиб ташламоқчи бўлган дostonчилик санъати истиклол шарофати туфайли яна юртимизга қайтди. Миллий кадриятларимиз булоқлари қайтадан кўз очди. Томирларимизда мудраб ётган Алпомишлар руҳи уйғонди. «Алпомиш» дostonи юбилейини ўтказиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ажодларимиз ўтмишига, халқимиз оғзаки ижодининг бебаҳо ёдгорлигига бениҳоя хурмат, эътибор кўрсатилгани дostonлар руҳиятида улғайган катта авлодларимизни қайта дунёга келтиргандай бўлди. Ёшларни жасорат ва юртга муҳаббат руҳида тарбиялашда дostonларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Дostonни ўқиганингизда, ҳар бир сатри инсон тарбия-

сига қаратилганини англайсиз. Алпомиш Қалмоқ элида зиндонда ётибди, унинг синглиси Қалдирғочойим акасининг дўстига юкиниб боради:

Дўст дегани худонинг оти, Қоражон,  
Бек оғанинг излаб борсанг, оғажон...

Қалдирғочойимнинг сўзи ерда қолмайди. Олти ой йўл босиб, Қоражон қалмоқ элига боради, Алпомишни зиндондан тортиб олмоқчи бўлади. Шунда Алпомиш ипак арқонга осилиб чиқавериб, «Бир кунмас бир кун, сени Зиндондан олиб чиққандим, деб қолса мағрур бошим эгилмасми», деб оёғини тираб, арқонни узиб юборади. Буни ўқиғач, ота-боболаримиз маънавияти, ори олдида тан берамиз. Алпомиш зиндондан чиқиб, кўп йўл юриб, чўлу биёбонда кўк кийиб аза тортиб, акасининг туяларини бировларга бермай, олиб қочиб юрган синглиси Қалдирғочойимга дуч келади. Ўзининг танитмай бу туялар кимники эканини қиздан сўрайди. Алпомишнинг Нортуюси эгасини таниб, унга қараб югуради, атрофини ўн марта айланиб, қувончдан туя ўлади. Қалдирғоч бўзлаб юборади:

...Ҳаким оғам келса ҳолим сўрарди,  
Душманларнинг жазосини берарди,  
Полвон акам Қўнғирот элда бўлганда,  
Мени бу элларга бекач қиларди...

Йўловчи унинг бошида хайрон турганини кўриб, Қалдирғоч бўзлаб йиғлайди, йўловчининг жонини сақлаб қолмоқ учун кетгин дея ялинади:

Мунглиқман, ғарибман, айтар арзим,  
Кета берган, Ўлтон билса ўлдирар.

Достондаги ҳар бир қаҳрамон сиймосида бетакрор жасорат, ор, ғурур, мардлик биринчи ўринда туради. Ҳали етти ёшли Алпомишнинг ўғлидан онасини сўраётган Ўлтонтозга жавобларини тинглаганда, аждодларимизнинг заковатидан, аёли, онасини, эгачисини асраган, унинг ори учун ҳар қандай жазоларга тайёр бўлган оғаларимиздан ифтихор этсак, Ёдгорнинг сўзларини тошларга ўйиб, ҳар кун тавоф

қилсак арзийди:

Бедард кул, дардимни кимга ёрайин,  
Ҳасратимдан элдан эл ахтарайин.  
Гул энамни Ўлтонтозга бергунча,  
Ўлтонтознинг қийновида ўлайин...

Неча минг йиллик бой меросга эга бўлган миллатимиз, халқимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Биз оналарини рақибларига бермаган, оғаларининг молини асраб, янгаларининг бошини қўриқлаган, ғанимлар қанчалар қийин кунларни бошга солсаларда, улар билан мардонавор курашган, ёрини кутган, дўстига хиёнат қилмаган, юртининг содиқ қўриқчиси, элининг орини сақлаган инсонларнинг авлодлари эканлигимиздан ифтихор қилмоғимиз лозим».

\* \* \*

Ҳа инсон умиди, орзулари қанча кўп бўлса, армонлари, дардлари ҳам шу қадар кўп. Аммо китоб ҳажми кўтармаганидан «Кундаликлар», «Тундаликлар», «Йўл битиклар»га қайд этилган армонларимиз, афсусларимиздан айримларинигина келтирдик, холос.

Яшаш бор экан, кураш бор экан, комилликка интилиш бор экан армонлар ҳам бўлаверади, алам қиладиган воқеалар учрайверади...

## БАХШИЧИЛИК ЎЛАДИМИ Ё...

### *Хулоса ўрнида*

XX асрнинг сўнги лаҳзалари, XXI аср бўсағасида бу савол жуда долзарб бўлиб турибди. Кимлардир ривожланади, камол топади, дейди. Ўзгалар тескарисини айтади. Ҳар қайси тарафдор ўзича ҳақ, ўзича далиллар келтиради, лекин далилларининг илдизини асослай олмайди.

Демак, шу муаммога ҳаётий мисоллар асосида жавоб бериш лозим. Агар... агар бахшиларга муносабат ҳозиргидек бўлса, шу муносабат сақланса, бу қадимий санъат XXI асрнинг 30-50-йилларидан нарига ўтмайди. Бунинг учун асослар етарли ва афсуски биз шу санъатни ривожлантиряпмиз, деб ўйлаган ҳолда илдизларига болта ураётганимизни ўзимиз билмаймиз. Асосларимиз қуйидагилар:



1. Бахши-шоирларга ҳомийлик қиладиган, уларнинг кучини, ижодий салоҳиятини ягона мақсад сари йўналтирадиган бирон ташкилот, уюшма ёхуд идора йўқ. На ёзувчилар уюшмаси, на композиторлар жамоаси, на ЎзРФА Адабиёт институти бу соҳада ўзини маъсул сезишмайди. Қачонки, машхуррок, худо берган истеъдодли бахши етишиб қолса, уюшмасига аъзо қилиш мумкин нари борса. Шуниям кимдир эслатса, югурса. Йўқса асримизнинг буюк сиймолари Умир бахшининг 100 ёки 105 йиллиги, Қодир Раҳим ўғлининг 60 йиллигини, Абдулла шоирнинг 125 йиллигини қим, қайси ташкилот эслади ва қандай тадбир ўтказди. Кимлардир раддия билдириши мумкин. Республикада ва вилоятларда халқ ижодини ўрганиш марказлари бор-ку, деб. Афсуски, уларга бахши-шоирлар ойлик олиш учун, мусобақаларда иштирок этиш учун ўтказиладиган тадбирлари сонини кўпайтириш учунгина лозим. Биз доимий бахшилар орасида юрганимиз яшаётганимиз боис буни жудаям яхши биламиз. Айни вақтда ўша ерда ишлайдиганлар (республикадан туманларгача бўлган босқичда) дostonчилик анъаналарини тамоман билмайди ёхуд қисман хабардор. Донишманддан нимадан кўрқишини сўраганларида жаҳолатпарастлардан деб жавоб берган экан. Демак, халқ ижодий уйдагилар бахшилар, уларнинг ўзига хос санъати, хусусияти, анъанасини билмас экан, қандай қилиб уни ривожлантиришга ҳисса қўшади, бахши шоирларга амалий ёрдам беради.

2. Тўртинчи ҳокимият эгалари бўлган журналистлар (газета, журнал, радио, телевидениеда ишлашидан қатъий назар) бахшичилик санъатига экзотика сифатида қараши, учрашган ҳар қандай ҳаваскорининг «Мухбир укам бор бўлсин, Унга омад ёр бўлсин, Қарши томон елибди, Мана етиб келибди» ва ҳақозо тарзда сажли гапини ёхуд тўрт мисрани эшитгандан бадихагўй бахши экан деб жар солиши ёхуд ойна жаҳондаги чалакам-чатти, мазмун-матраси йўқ кўрсатувларни тайёрлаши дostonчиликни ҳалокатга томон олиб бораётган кўрсатувларда бирон-бир бахши қайсидир дostonдан парча айтса, шу дostonни айтувчининг ижоди деб баҳолаш анъанага айланиб қолди. Буни телевизион кўрсатувлардаги ҳар бир чиқиш мисолида асослаш мумкин. Журналистлар ким минг йиллик анъанани қандай сақлаган,

қандай давом эттираётгани бўйича эмас, кимга танишлиги, кимга дуч келиб қолиши юзасидан мақолалар ёзмокда, эшиттиришлар бермокда, кўрсатувлар тайёрламокда. Ахир ўзлари шу соҳани билмаса, фольклоршунослар билан ҳамкорлик қилса, улардан сўраса бўлади-ку. Йўқ, бунга гурурлари йўл қўймайди-ю, анъанани бузиб талқин этишига, натижада ўнлаб ёш, бошловчи ижодкорларнинг телекўрсатувда кўрган, радиода эшитган, газета-журналда ўқиганни рост тушуниб, (ахир булар муқаддас, кўп миллионли минбарлар) «Бўлгани шу эканда», деб ногўфри ўрганишига йўл қўяди.

3. Ўзбекистонда фольклоршунослар кўп (аниқ ҳисобини Олий аттестация комиссияси билар), бироқ фольклор танқидчилиги йўқ, фольклор ижрочилари, ижодкорлари билан тадқиқотчиларнинг алоқаси йўқ. Фольклор танқидчилигининг йўқлиги, у ёхуд бу бахши, эртақчи, ёхуд дostonчининг репертуарини вақтида баҳолай олмаётганини, бахшиларнинг ҳар биридаги ўзига хосликни очиб беролмаётгани, ёзиб олинган фольклор намуналарини баҳолай билмаётгани, анъанавийлик ва замонавийлик муаммоларини ёрита олмаётгани ва ҳоказоларда кўринади.

4. Республикада юзлаб вақтли матбуот нашрлари мавжуд, лекин ҳеч бирида халқ оғзаки ижодини ёритиб берувчи биронта руқн йўқ. Демак, улар матбуот саҳифалари орқали элга танилишдан маҳрум. Агар уларнинг алоҳида уюшмаси, матбуот нашри бўлса шу орқали ҳам мунтазам ҳолда бу санъатнинг довуғи ёхуд таназзули ҳақида чиқишлар қилиб туриш мумкин бўларди. Айни дамда ўша нашрда бахшиларнинг энг сара асарлари ёритилиб, элга танилар, чоп этилган асарини кўрган бахши янада илҳом билан ижод қилган бўларди.

5. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг фақат Адабиёт институти ва Кўлёмалар интитути архивларида тўпланган, чоп этилган кўплаб бой материалларни илмий таҳлил қилиб диссертация ёқлаётганлар етарли. Аммо ўша фольклоршуносларнинг ўзи халқ орасида юриб, фольклор намуналарини йиғмаслиги, эртақдан диссертация ёзиб эртақчини, дostonдан ёқлаб бирон бахшини билмаслиги ачинарли ҳолдир. Фольклоршунос халқ дурдоналарини тўплашга ҳисса қўшмаса, фольклор

бойлигини оширмаса, у қандай фольклорист бўлади? Олий аттестация комиссияси фольклорчиларга шундай вазифа қўйиши лозимки, у ўз соҳасига доир янги материаллар тўпласин, ёзилмаган асарларни жамлашга ҳисса қўшсин. Бизда эса аксинча, тўпловчига ўгайроқ кўз билан қараш, таҳлил этувчини улуғлашга мойиллик кучли. Нега, кечани кеча, кундузни кундуз демай, қишу ёз демай, қору ёмғир демай уйдан, яқинларидан айри тушиб мақоллар, топишмоқлар, қўшиқлар, ривоят афсоналар, эртақлару дostonлар тўплаган амалий фольклоршунослар қадрланмайди, хизмати муносиб баҳоланмайди. Масалан, биз билган Чори Ҳамро, Абдумўмин Қаҳҳоров сингари фольклоршуносларнинг ҳар бири йиққан, тўплаган материаллар минг босма табоқдан ошса-ю, магнetaфонда ёзганларни неча юз минглаб метрларни ташкил этса-ю, аммо уларга эътибор бўлмаса, адолатданми? Айни вақтда тадқиқотчи фольклоршунослар ижодкор ҳузурида тез-тез бўлса, улар билан доимий алоқа ўрнатса халқ бахшилари-ю созандалар ижодига самарали таъсир этади. Бу ҳаёт синовларидан ўтган, ўзимиз кўп бор гувоҳ бўлган, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

6. Бахшичилик санъатининг сўнишига дostonчиликда устоз-шогирдчилик анъанасининг бузилиши ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир аввалгидек шогирдни йиллаб уйда олиб юрадиган устоз йўқ ва аксинча, бўлажак бахши, яъни ёш ҳаваскор ҳам устозга доимий ҳамроҳ бўлиб юришга ўзида вақт топмайди, имконият ҳам изламайди. Аксарият ёшлар сидқидилдан ўрганиши, анъаналарни пухта эгаллашни эмас, балки амал тақал қилиб у-бу нарсени ўзлаштириб олгач, шуҳрат қозанишни, мақтов, олқиш эшитишни, кўрик-танловда ғолиб бўлиб қолишни кўзлаб иш тутадилар. Натижада тўлиқ матнини ўзлаштирмайди, айтиш усуллари билмайди. Шу тахлит эпик анъананинг ўлими бахшичилик санъатининг тугашига олиб келади.

7. Бахшилар ўзаро айтишганда қайси қудратга эга эканлигини ёхуд кўриқка йиғилганда гўё ёвга айланишади. Қандай йўл билан бўлмасин, нималар қилиб бўлмасин биринчиликни олиш, ғолибликни қўлга киритиш учун ҳатто жуда тубан кетишади. Бунинг боиси нимада? Сабаби шундаки, кўрик-танловлар уларнинг қувваи ҳофизасини

юзага чиқаришга хизмат қилмайди, изчилликда ўтмайди, юксакроқ мақсадни кўзламайди. 70-йилларда қандай шартларни бажариш талаб қилинган бўлса, 90-йилларда ҳам шу қолип сақланмоқда. Яъни, умумтарзда бирон дostonдан парча, бир терма ва куй ижро этиш талаб қилинади. Бу шартни эса ўн яшар бола ҳам уddалайди. Бир оз машқ қилса кифоя. Улар буни яхши билади ва бажара олади. Демак, фолиблик учун даъвогарлар кучаяди. Агар ўша мардларнинг бир кутилмаганда бадиҳагўйликни назарда тутиб қўйилсагина зўрни аниқлаш мумкин. Биз танловларни ўтказишни билмаганимиз боис 30-40 дostonни хилма-хил дўмбира охангларида ижро эта оладиган, бадиҳа йўли билан истаган мавзуда терма тўқий оладиган, эл эъзозлайдиган бахши мағлуб бўлади-ю, бир икки дostonдан парчаларнигина биладиган, бирон термани ёдлаган фолиб бўлади. Бу ҳақсизлик эса бадиҳагўй бахшини иждодан қанчалик совутса, ҳавоскор ижрочини шу қадар димоғдор қилиб қўяди ва у ўз зафаридан мағрурланиб изланмай қўяди, ҳар икки ҳолда санъат — бахшичилик санъатига зарар етади, зил кетади.

Ҳолбуки, бизгача минг йиллар бурун ҳам дostonчилик бўлган, бахшилар бўлган. Улар ҳам кучли-ю кучсиз, иждокору ҳаваскорга бўлинган. Аммо у пайтлардаги айтишувлар, беллашувлар, одоб, иззат-икром доирасида кечган. Айтишувда қайси бахши тингловчиларни ўз томонига ағдариб олса фолиб синалган. Биз шундай бахсларни 1982 йил Олмаота шаҳрида ўтказилган Шарқ халқлари эпоси мусиқаси кўрик танловида кўрганмиз. Аввал бастакорлар уйида йигирмадан ортиқ мамлакат бахшилари навбат билан чиқиш қилди. Сўнг Медиода бахшилар ўлан айтиш тарзида беллашди. Охирида учинчи куни Қимизхонада ҳар бир давлат вакилларига алоҳида-алоҳида жой қилинди. Қимизхўрликдан сўнг овоз кучайтиргич (микрофонсиз) ҳар давранинг куйчиси созини кўлига олиб куйлашга тушди. Маълум минутлардан сўнг куйловчилар озайди, охирида Қодир бахши ўтирган стол атрофига ҳамма тўпланди. Қозок оқини иккаласи бошқа даврадагиларни ёнига келтира олди. Эртасига яна бастакорлар уйида фолибликка даъвогарлар (уч кунда қатнашчилар бир-бирининг қуввай ҳофизасини, ким нимага қодирлигини англаб олган эди) га маълум

мавзуда терма тўқиш индивидуал тарзда топширилди ва шу лаҳзада тўқиб айта олганларга (аввалги чиқишларини ҳисобга олган ҳолда) ўрин берилди. Қойил, ҳеч ким норизо бўлмайди. Ортиқча гап-сўзларга, «миш-миш»ларга ўрин қолмади, шунингдек бахшилар беллашувида шу соҳани билмаган (майли фан доктори ё профессор бўлсин) киши ҳакамлик қила олмайди. Чунки у ютуқ ё камчиликни асослаб беролмайди. Демак, аллақачон кўрик ва танловлар низомини ижодий ишлаб чиқиш ва амал қилиш вақти етди.

8. Бахшичиликни асраб қолиш, авлодларга етказиш учун ҳозир бахшилар яшаётган Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда «ёш бахшичилар санъати» мактабларини ташкил этиш, уни кўҳна санъат тарзида ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Айни вақтда Маданият институти, Консерваторияда бир бўлим (ақалли гуруҳ) очиш, университетлар (кўрсатилган вилоятлар)да фольклор ва этнографияни ўрганиш, таҳлил этишни уддалайдиган, мутахассислар, тайёрлайдиган гуруҳлар ташкил этмоқ даркор. Ўзбек филологияси таркибида шундай бўлим очилса фольклорни тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва чоп этувчи, улар қатидаги этномаданиятни ўрганувчилар етишиб чиққан бўларди.

Хуллас, бахшичилик санъатининг сўниш жараёнини секинлатиш, умрини чўзиш учун юқоридаги ва яна бир қатор муаммоларга жиддий эътибор қилиш шарт. Шунда ҳам унинг умри XXI аср охиригача бормади.

Аммо XX асрда яшаб ўтган бахши-шоирлардан устоз фольклоршунослар ва уларнинг салафлари шогирдларининг фидойиликлари туфайли олиб қолинган, қўлёзма фондларни безаб турган ва китобларга муҳрланган дostonлар яшаб, китобхонларга олам-олам қувонч-шодлик бахш этаверади...

Навбатдаги сафаримиз, тадқиқот ва таҳлилларимиз маълум ва машҳур Самарқанд вилоятидаги бахшичилик, алпомишхонлик, унинг тарихий шухрати ва бугуни ҳақида бўлади.

Ҳозирча сиз азиз китобхонларга соғлик ва зафар тилаган ҳолда, сўнгги учрашувгача хайрлашамиз.


\* \* \*

Савоб талаб ишга қўл уриб, ушбу китобга ҳомийлик қилган, саховатпешалик кўрсатган, моддий-маънавий жиҳатдан бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлаган Қашқадарё вилояти ҳокимлигига, Чирокчи ва Дехқонобод туманлари

хокимликларига, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қашқадарё вилояти ҳокимлигига қарашли ўрта касб-хунар худудий бошқармаси, Қашқадарё вилояти «Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамияти етакчиларига, шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, Шўрчи туманидаги Ш.Рашидов номли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раҳбариятига ва бошқаларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

ШАЖАРАЛАР ИЛОВАСИ


ЧИРОҚЧИ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ








## ҚАМАЙ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ



## ҚАМАЙ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ (давоми)



**ҚАШҚАДАРЁДА ЯШАГАН УСТОЗ-ШОГИРДЛИГИ  
АНИҚЛАНМАГАН БАХШИЛАР**

Барот Ортиқов  
(Паканди)

Умбар шоир  
(Қарши-Оқсалла)

Мавлон шоир  
(Китоб)

Маҳмуд шоир  
(Яккабоғ-Жалолота)

Қодир шоир  
(Косон Тўлға)

Чори бахши Қўлдош  
ўғли (1989—1943)  
(Бешкент)

Омон шоир  
(Косон Бедана)

Хўжамберди  
бахши  
(Бешкент)

Чори бахши  
Хўжамбердиев  
1924  
(Бешкент-Бўка)

Шамми шоир  
(Касби-Маймоноқ)

Кувон шоир  
(Косон-Тўлға)

Худойберди шоир  
(Косон)

Барот шоир  
(Шаҳрисабз)

Тош шоир Чоршанби  
ўғли (1909—1967)  
(Шаҳрисабз)

Ўроқ шоир Расулов  
(Шаҳрисабз)

## МУНДАРИЖА

«Алпомиш» миллий ва умуминсоний кадриятлар  
комуси (Муқаддима ўрнида) ..... 5

### 1-ФАСЛ. ҚАШҚАДАРЁДА ДОСТОНЧИЛИК

### 2-ФАСЛ. ҚАШҚАДАРЁ ДОСТОНЧИЛИК ПОЭТИК МАКТАБЛАРИ

Чироқчи достончилик мактаби ..... 40  
Қамайлик бахшилар ..... 50  
Шеробод достончилик мактабининг қашқадарё-  
лик куйчилари ..... 71

### 3-ФАСЛ. «АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ТАҲЛИЛИ

Кўп қадим достон ..... 82  
«Алпомиш»нинг сўнгги вариантлари ..... 90  
Бева Барчин — қахрамонлик эпоси ..... 105

### 4-ФАСЛ. «АЛПОМИШ»НИНГ УЛУФ КУЙЧИЛАРИ

Абдулла шоир Нурали ўғли ..... 144  
Умир бахши — икки воҳа булбули ..... 150  
Қаҳҳор бахши — етук достончи ..... 178

### 5-ФАСЛ. ҚАШҚАДАРЁЛИК ФИДОЙИ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛАР

Чори Ҳамро — серқирра ижод соҳиби ..... 204  
Абдумўмин Қаҳҳор — фольклоршунос ..... 223

### 6-ФАСЛ. АЙТАЙИНМА, «АЛПОМИШ»ДАН БИР МАЙДОН

Қодир бахши Раҳимов, «Алпомиш» (парча) ..... 240  
Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Алпомиш» (парча) ..... 244  
Абдумурод бахши Қодир ўғли. «Алпомиш» (парча) ..... 271  
Баҳодир бахши Қодир ўғли. «Алпомиш» (парча) ..... 292  
Баҳром бахши Қодир ўғли, «Алпомиш» (парча) ..... 299  
Қора бахши Умиров. «Алпомиш» (парча) ..... 302  
Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Барчин Бекач» (парча) ..... 325  
Қаҳҳор бахши Раҳимов. «Ёдгор» (парча) ..... 354

**7-ФАСЛ. АЛПОМИШ ЎГИТЛАРИ,  
АЛПОМИШХОНЛИК ВА РИВОЯТЛАР**

**8-ФАСЛ. БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП,  
ЧАМАН КЎП**

Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Истиклол» (парча).....	464
Қодир бахши Раҳимов. «Норгулой» (парча) .....	470
Қодир бахши Раҳимов. «Ёзи ва Зебо» (парча).....	473
Қаҳҳор бахши Раҳимов. «Қирқ қасамёд» (парча) ...	491
Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Навой Самарқандда» (парча) .....	501
Қаҳҳор бахши Қодир ўғли. «Аҳмад Яссавий» (достон) .....	504

**9-ФАСЛ. ФОЛЬКЛОРШУНОСЛАР АРМОНЛАРИ**

Фольклоршунослар армонлари .....	540
Бахшичилик ўладими ё. (Хулоса ўрнида)... ..	552
Шажаралар иловаси .....	559

*Малик МУРОДОВ, Абдуолим ЭРГАШЕВ*

**АЛПОМИШНОМА**

(Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини)

*«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 2000*

**Рассом С. Силка**  
**Бадий муҳаррир Л. Дабижа**  
**Техник муҳаррир Ж. Бекиева**  
**Мусахҳихлар С. Бадалбоева, К. Маҳмудова**

Босишга рухсат этилди, 26.10.99. Бичими 84x108 1/32. Газета қоғозига «Таймс» ҳарфида офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 36,0. Нашр табағи 36,0. 1000 нусха.  
Буюртма № 91 Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Шартнома №11-99.

Андоза нусхаси «Меҳнат» нашриётининг компьютер бўлимида тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент рангли босма фабрикасида босилди.  
Тошкент, У. Юсупов кўчаси, 86-уй.